

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

М У Н Д А Р И Ж А

НАСР

ОНОРЕ ДЕ БАЛЗАК. <i>Даҳрийнинг ибодати. Ҳикоя</i>	3
ГЕНРИК ИБСЕН. <i>Арвоҳлар. Драма</i>	19
ЛЕСЛИ УОЛЛЕР. <i>Банкир. Роман</i>	65

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

АҲМАД ЯССАВИЙ. <i>Ҳикматлар</i>	13
КРИСТИНА РОССЕТИ. <i>Қадрдон туйгулар</i>	61

ХОГИРА

Устоз ёди. Озод Шарафиддиновни эслаб. <i>Мақолалар</i>	148
--	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

МИРПЎЛАТ МИРЗО. <i>Озарбайжон хотиралари</i>	162
--	-----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

ҲЕРМАНН ҲЕССЕ. <i>Нюрнбергга саёҳат</i>	170
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

ШАҲНОЗА ТҮЙЧИЕВА. <i>«Бесаранжом» давр асари</i>	197
--	-----

КИТОБЛАР ОЛАМИДА
ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ. Ноёб ҳикоялар хазинаси.....200

МАДАНИЙ ҲАЁТ
МИРАЗИЗ АЪЗАМ. Турк ёзувчисига Нобел мукофоти.....205
Д.АБДУРАҲМОНОВА, Р.ЖЎРАЕВА. Ўзбек латифалари олмон тилида.....206

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Мирёлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА

Жамоатчилик кенгаши:
Равшан АБДУЛЛАЕВ
Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Бобур АЛИМОВ
Қуддус АЪЗАМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Гайрат ШОУМАРОВ
Тўленбергел ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Ўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Жаҳон адабиёти, 10. 2006.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА
Рассом А.БОБРОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчилар Ш.АБДУЖАББОРОВА, Н.ИБРОҲИМОВА

Босишга рухсат этилди 14.11.2006 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1000 нусха. 06—703 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терлиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУда chop этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2006 й.

Оноре де БАЛЬЗАК

Даҳрийнинг ибодати

Ҳикоя

Фанни қимматли физиологик назари билан бойитган, ёшлигидаёқ маърифат маркази — Париж тиббиёт куллиётининг шуҳрати ҳисобланган, Европа тиббий ходимларининг эҳтиромига ноил бўлган доктор Бьяншон терапевт бўлмасдан аввал узоқ вақт жарроҳлик қилган эди. Талабалик йилларида у донги кетган буюк француз жарроҳларидан бири, фанда истеъдодини чақиндек зуҳур этган Деллен раҳбарлигида ишларди. Ҳатто Делленнинг душманлари унинг бошқа бировга мерос қолдириш имконияти бўлмаган усулини ҳам ўзи билан гўрга олиб кетди, деб эътироф этишарди. Чунки Деллен табиатидаги ҳамма нарса шахсий хусусиятга асосланган эди: ундаги мағрурлик ҳаётлигидаёқ ёлғизланиб қолишига сабаб бўлганди, айнан шу мағрурлик унинг ўлиmidан кейинги шуҳратини сўндирган эди. Унинг қабри узра келажак авлодга фидоий даҳонинг изланишлари натижасида кашф этилган сир-асрорлардан воқиф этувчи дабдабали ҳайкал йўқ. Балки, Делленнинг истеъдоди унинг эътиқодига мос келгандир, шунинг учун ҳам у фоний бўлгандир.

Делленнинг наздида заминий муҳит ўзида ҳаёт вужудга келтирадиган бўшлиқ бўлиб, ер эса пўстига бурканган тухумга ўхшаш нарса, шу боисдан у “аввал товук пайдо бўлганми ёки тухум?”, деган саволга жавоб бериш имкониятига эга бўлмаслиги учун товукни ҳам, тухумни ҳам инкор этган. У ибтидоий тириклик оламининг яратилишига ҳам, инсон жонининг ўлмаслигига ҳам ишонмасди. Деллен шубҳаланмасди, инкор қиларди. Бу кўп олимларга хос бўлган ошқора, кундай равшан бўлган даҳрийлик эди: булар ажойиб кишилардир, лекин улар бутун вужуди билан даҳрий бўлиб, даҳрийликни диндор кайфиятдаги кишилар қандай эътиқод билан рад этсалар, улар ҳам шундай тарғиб этувчилардир. Делленда бошқача эътиқодларнинг таркиб топиши ҳам мумкин эмасди: ахир у ёшлигидан тириклик оламининг гултожи бўлмиш одамни дунёга келгунча ҳам, ҳаёт пайтида ҳам, ўлгандан сўнг ҳам, ўз тиғи билан ёрган, унинг бутун аъзои баданини миридан сиригача синчиклаб ўрганган эди, унинг бирор жойида ҳам диний таълимотлар учун жуда вожиб бўлган ўша “воҳид жон” деган нарсани учратмаганди. Киши узвияти (организми)даги мия, асаб, нафас олиш — қон юриши каби учта марказни, улардан мия ва асаб бир-бирининг ўрнини боса олиш қобилиятига моликлигини билиб олгач, Деллен ҳатто умрининг сўнггида кўрмоқ ва эшитмоқ учун кўз ва қулоқнинг бўлиши мутлақо зарур эмас, деган хулосага келди: уларнинг ўрнини сўзсиз куёш ўрилмаси¹ босади. Шу тарзда инсон узвиятида иккита жон тошач, гарчи, бу далил билан Худо ҳақидаги масалага тегиб кетмаса-да, Деллен бунда ўзининг даҳриёна қарашларининг исботини кўрди. Айтишларича, машҳур жарроҳ йўл қўйган хатолари учун сира пушаймон қилмасдан ўлган экан, таассуфки, даҳоларнинг кўпчилиги шундай оламдан ўтишган.

Деллен шуҳратини хиралаштиришга уринган душманлари бу йирик олим кўп соҳада бачканалик қилади, дейишарди. Унинг ташқи тартиботидаги зиддиятларни бачканаликка йўярдилар. Ҳасадгўй ва калтафаҳмлар буюк ақл эгаларининг қандай мақсадлар билан ижод қилаётганини тушуниб етмайдилар; шунинг учун ҳам улар ана шундай юзаки зиддиятларни кўриб қолсалар, бас,

¹ Қ у ё ш ў р и л м а с и — анатомияда қоринда тутанган вегетатив асаблар тизими. (Тарж.)

дарҳол ўшаларга ёпишиб олишади-да, улар асосида айбнома тузадилар ва айбдорни қоралайверадилар. Шунча таънаю маломатларга сабаб бўлган комронлик уддабуронликни оқлайверсин, восита ва мақсад мувофиқлигини кашф этаверсин, лекин бўҳтонлар билан юз берган низоли тўқнашувлар асоратсиз қолмайди. Бизнинг давримизда Наполеонни ўз бургутини Англия узра парвоз қилдиргани учун қоралаган эдилар: 1822 йилгина бизга 1804 йилнинг ва Булон десантлар кemasининг моҳиятини равшанлаштирди.

Депленнинг шухрати ва билими гоят устувор эди, бинобарин, душманлари унинг хулқидаги ғайритабиийликни нишонга олган эдилар. Дарвоқе, Депленда инглизлар шунчаки эксцентризм (ғаройиблик) деб атайдиган хусусият бор эди, холос. У гоҳ фожианавис Кребилъондек башанг, гоҳ бепарволарча кийинар, бир қарасангиз извошда, бир қарасангиз пиёда юрарди. У тоҳида чўрткесар, баъзан очкўз, мўмин-қобил, айрим ҳолларда эса хасис ҳам эди, аммо айни замонда ўзига эҳтиром кўрсатиб, сал вақтда ёрдам қўлини чўзган қувғинди ҳокимларга ўз бисотини тақдим этишга тайёр бўлиб, ҳеч кимга хос бўлмаган, энг зиддиятли хулосаларга сабаб бўларди. Тўғриси, қандайдир қора орден тасмасини қўлга киритиш пайига тушиш унга — шифокорга муносиб эмас, бундан ташқари, саройда чўнтагидан дуолар китобини тушуриб юборишга ҳам журъат этган, лекин амин бўлингки, у ҳаётда ҳамма нарса устидан хуфиёна куларди. Деплен кишиларнинг юзаки ялтироқлигини ҳам ҳеч бир муболагасиз кузатиш имкониятига эга эди. У одамларни ҳаётда қандай бўлса, шундай, яъни энг тантанали ва энг одатдаги вазиятларда кўрарди. У жоҳил одамларни ўлғудай ёмон кўрарди. Улуғ кишининг маънавий хислатлари кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқтарзда намоён бўлади. Борди-ю, бу буюк намояндаларнинг бирортасида ақлдан кўра истеъдод устун бўлса, у барибир оддийгина “бу одам заковатли” дейилган кишига нисбатан ақллироқдир. Заковатлилик ботиний кўриш қобилиятига таянади. Бундай кўриш қобилияти муайян бир соҳани билиш билан чегараланган бўлиши ҳам мумкин: лекин гулни кўрган киши қуёшни ҳам кўради. Кунларнинг бирида ўзи томонидан халос этилган дипломатнинг оғзидан: “Императорнинг саломатлиги қалай?” деган саволига, Деплен: “Сарой аъёнига жон кирди, одамга ҳам жон кирди”, деб жавоб берганди. Шундай фикр билдирган киши фақат жарроҳ ёки фақат шифокоргина эмас, балки катта ақл эгаси ҳамдир. Ана шунинг учун инсонга хос нарсани сабр-тоқат билан синчиклаб қарашга одатланган кузатувчи унинг ўзини ҳаммадан юқори қўйишини кечиради ва буюк жарроҳдан унинг ўзи бунга ишонгандек, буюк министр чиқиши мумкинлигига ҳам ишонади.

Депленнинг ҳаётида замондошлари кузатиб юрган бир қатор жумбоқлардан энг кизигини танлади: ҳикоямизнинг сўнггида унинг ечими берилади, худди шу ечим Деплен хотирасини унинг баъзи бир бемаъни гуноҳлардан соқит қилади.

Орас Бьяншон Депленнинг суюкли шогирдларидан бири эди. Отель-Дье шифохонасига киришдан аввал Орас Бьяншон тиббиёт талабаси сифатида Лотин маҳалласидаги “Воқе уйи” номи билан машҳур бўлган пансионда фақирона ҳаёт кечирарди. Шўрлик йигит у ерда оғир муҳтожликнинг азоб-уқубатларини бошидан ўтказарди, лекин қудратли истеъдод соҳиблари ҳаёт дошқозонидан мусаффо ва мустаҳкам олмос янглиғ ҳар қандай зарбага бардош берадиган бўлиб чиқиши лозим эди. Улар эҳтиросларининг шиддат ила ловуллаётган алангасида обдон чиниқиб, ўз ишларига виждонан бериладилар, ўзларининг алданган ҳирсларини мутгасил меҳнат пардасига буркаб, даставвал даҳолар қисматини белгилайдиган ўша курашга кўникиб кетадилар. Орас ростгўй одам бўлиб, виждон, ор-номус бобидаги муросалардан ҳазар қилар, ваъдабозлик эмас, балки амалий ишни маъқул кўрарди, у дўсти учун сўнгги ёпинғичини ҳам аямайдиган, унинг учун вақти ва ширин уйқусидан кечадиган кишилардан эди. Мухтасар қилиб айтганда, у берганининг эвазига қанча оларкан деб ўйлайдиган дўстлардан эмасди, зеро уларни ўзлари берганига нисбатан кўпроқ олишга ишончи комил эди. Орас дўстларининг кўпчилиги унга нисбатан сохталикдан холи бўлган ботиний эҳтиромини бажо келтирарди, лекин уларнинг баъзи-бирлари уни айблашдан ҳайиқардилар. Аммо, Орас ўз вазифаларини озгина бўлса-да, бачканаликка йўл қўймасдан намоён этарди. Унинг пуританизм (сиполик) ёки ваъзгўйликка мутлақо ҳуши йўқ эди: маслаҳат бераркан, уни

тумтароқ сўзлар билан музайян этар, кези келганда ичиш ва тамадди қилишни ҳам дундирадди.

Кувноқ улфат, совут кийган аскардек, унча расмиятпараст ҳам эмас, ростгўйлик ва очиқликда денгизчига ўхшамайди, чунки ҳозир денгизчилар — айёр дипломатларнинг нақд ўзи, ўз ҳаётида одамлардан ҳеч нарсани сир тутмайдиган ёқимтой бу йигит эса кўзларидан кулгу, бошини баланд кўтарган ҳолда олга қараб бормоқда эди. Агар буни бир сўз билан ифодаламоқчи бўлсак: у кўплаб Ораслар учун Пилад¹ эди, ахир, бизнинг давримизда қадимги қасоскор илоҳаларни ўзларида чинакам мужассам этган кишилар насия берувчилардир. Орас ўз қашшоқлиги устидан жасоратнинг асосий белгиларидан бири бўлган кўтаринки руҳ билан голиб келарди, у ҳеч нарсаси йўқ кишилар сингари бошқалардан қарийб ҳеч қачон қарз олмасди. У туядай сабр-қаноатли, оҳудай чаққон бўлиб, ўзининг қатъий эътиқодлилиги ва жиддийлиги билан ўзгалардан ажралиб турарди. Машҳур жарроҳ доктор Орас Бьяншонни дўстлари учун янада қадрдон қилган ўша фазилатлари ва нуқсонларини билиб олганда Ораснинг ҳаётида бахтли давр бошланаётган эди. Клиниканинг бош шифокори ёш йигитни ўз ҳомийлигига оларкан, демак, ёш йигитнинг мансаби таъминланган деяверинг. Одатда Деппен шифокор сифатида бой хонадонларга ташриф буюрганида Бьяншонни ўзи билан бирга олиб борарди. Бу қишлоқи йигитнинг тобора Париж ҳаётининг сир-асроридан воқиф бўлиб боришидан ташқари, бундай ташриф пайтларида тушпан маблағнинг муайян бир қисми ҳам одатда ассистентга тегарди. Деппен беморларни уйда қабул қилган вақтида ҳам ассистенти Бьяншоннинг ёрдамига таянарди, у баъзи бир беморни минерал сувга олиб боришни гоҳида унга топширарди, қисқаси, у Бьяншонга мижозлар тайёрларди.

Оқибатда сал муддат ўтгач, мустабид жарроҳ ёнида Зайд² пайдо бўлганди. Бири шаън ва билим чўққисини забт этган, катта бойлик ва шухратга эришган, бошқаси на бой ва на машҳур. Париж осмонида зўрға милтиллаган бу икки киши бир-бирига яқин бўлиб қолишди.

Буюк Деппен ўз ассистенти Бьяншондан ҳеч нарсани яширмасди. Устози ёнидаги ўриндиқда ёки Деппеннинг хонасидаги машҳур диванда қандайдир аёлнинг ўтирган-ўтирмаганлиги ҳам Бьяншонга маълум эди: Бьяншон ўзида шерга хос ғайратлилик, хўкизга хос кучлиликини мужассамлаштирган бу мижоз соҳибининг, унинг ўлимига сабаб бўлган (Деппен юрак хуружидан ўлган), кўксини ҳалдан ташқари кенг очган буюк инсон мижозининг барча тилсимотидан огоҳ эди. Ассистент бу бағоят заҳматқаш зотнинг ҳулқ-атворидаги галати одатларни, арзимас бойлигини, бу илм соҳибида мужассам бўлган саёҳатчининг пинҳоний умидларини ўрганиб олди ва шу билан бирга Деппенни асфалософилингга жўнатадиган, фақат унинг юраги дош берадиган туйғуни олдиндан кўра билди, чунки ҳар ҳолда у чўяндан бўлмасдан, балки ташқи томондан чўянга ўхшарди, холос.

Бир куни Бьяншон Деппенга Сен-Жак маҳалласида яшовчи бечора мешкобчининг толиқиш ва муҳтожликдан оғир касалликка чалинганини ҳикоя қилиб берди: маълум бўлишича, шўрлик оверналик 1821 йилнинг узоқ чўзилган қишини фақат картошка ейиш билан ўтказган. Деппен ўзининг барча беморларини ташлаб, Бьяншон билан бирга отини ҳолдан тойдиргудек чоштириб, Сен-Денида машҳур Дюбуа томонидан очилган шифохонагача етиб келди. Деппен оверналикни даволади, у тузалиб кетгач, Деппен унга от ва бочкалар сотиб олиш учун пул берди. Кейинчалик ўша оверналик ўзининг бир хусусияти билан ўзини кўрсатган эди. Унинг дўстларидан бири оғриб қолганида, оверналик уни дарҳол Деппеннинг ҳузурига бошлаб келди ва ўз халоскорига деди:

— Унинг бошқа бировга мурожаат қилишига сира-сира тоқат қилолмаган бўлардим.

Деппен ўзининг кўрслигига қарамасдан, оверналикнинг кўлини сиқаркан, унга деди:

— Уларнинг ҳаммасини олдимга бошлаб келавер.

¹ Қадимги грек адабиётида Орест ва Пиланднинг бир-бирига садоқатли бўлганларига ишора. (Тарж.)

² Зайд — Муҳаммад Пайгамбарнинг қули бўлиб, кейинчалик Ислон динининг ашаддий тарғиботчисига айланган.

У канталликни¹ Отель-Дье клиникасига қабул қилди ва унга нисбатан катта ғамхўрлик кўрсатди. Бьяншон ўз устозининг оверналик мешкобчиларга бўлган хайрихоҳлигини бир неча бор кўрган эди. Лекин, Деппеннинг Отель-Дье клиникасидаги иши ўзига хос гурур манбаи бўлганлиги туфайли ассистенти унинг ҳулқидан ғайриодатий ҳеч нарса сезмасди.

Бир куни эрталаб соат тўққизларда Бьяншон авлиё Сульпиций майдонидан ўтиб бораркан, устозини кўриб қолди. Деппен ўша майдон номидаги черковга кириб кетаётган эди. Ҳамиша кабриолет (икки гилдиракли енгил арава)дан фойдаланади Деппен бу гал негадир яёв келиб, черковга Пти-Лион кўчасидаги эшикдан, гўёки шубҳали бир уйга кираётгандек, ўгринча кириб кетди. Устозининг эътиқодини, унинг моддиюнлигини, сўзида қатъий туришини билган шогирдининг ажабланиши ўринли эди, у кўринмасликка ҳаракат қилиб, ўзини черковга урди ва ҳайратга сазовор манзаранинг гувоҳи бўлди: буюк Деппен — ушбу даҳрий, жарроҳ тигини ўзларига яқин йўлатмайдиган фаришталарни бешафқат ҳақоратлайдиган бу бебок масҳарабоз шикастанасида бир аллозда тиз чўкиб турарди... тагин қарда денг? Биби Марям бутхонасида! У ўша ерда ибодат бажо келтирар, йўқсил-бечораларга хайру эҳсон улашарди, унинг бу амалида сохталикдан ном-нишон кўринмаётганди.

“Турган гапки, у черковга Биби Марямнинг кўзи ёришига доир масалани ойдинлаштириш учун кирган эмас, — ўйлади ажабланишча Бьяншон. — Башарти мен унинг Вужуд-ул-илоҳ ҳайитида серҳашам ўртукнинг бирор шокиласидан тутиб турганини кўрсайдим, бу кулгили бўлур эди, холос. Аммо шу топда черковда уни танҳо ўзини гувоҳларсиз кўриш чиндан ҳам ажаб-да!”

Уни биров Отель-Дье клиникаси бош жарроҳи ортидан пойлаб юрибди, деб ўйламасин дея Бьяншон изига қайтиб кетди. Тасодифан ўша кунисқ Деппен уни ресторанта тушликка таклиф этди. Тушлик охирида Бьяншон суҳбатни усталик билан ибодатга бураркан, уни риёкорлик деб атади.

— Ҳа, бу риёкорлик насронийлик дунёси учун Наполеоннинг барча зулуклари сўрган қонларидан ҳам қимматга тушади, — деди Деппен.

— Ибодат бу папанинг ихтироси бўлиб, олтинчи асрдан буён мавжуд; унинг замирида: “Ушбу менинг вужудим эрур” сўзлари ётади. Уч юз йил мобайнида черковга қарши фитна уюштириб келган бидъатчилар устидан қозонилган ғалабани нишонламоқчи бўлган папа тахти муқаддас инъомларни тўғри тақдим этиш борасида довлашиб, Вужуд-ул-илоҳ маросимини жорий этиш жараёнида озмунча қон тўкишга тўғри келдими. Папа жорий қилган янги тартиб Тулуза графи билан альбигойчилар ўртасида урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди: вальденслилар ва альбигойчилар уни эътироф этишни хоҳламасдилар.

Шунда Деппен даҳрийларга хос пичинг қиларкан, унинг оғзидан вольтерона истехзолар ёмғирдай ёғиларди: очигини айтганда, бу “Цитатор”га² бўлган бир хунук тақлид эди.

“Ё ажабо, нима бўляпти ўзи? — ўйларди Бьяншон. — Эрталаб кўрган художўй қани?”

У Деппенга ҳеч нарса демади, уни чиндан ҳам авлиё Сульпиций черковида кўрдими дея шубҳаланди. Деппен Бьяншонни алдамаса керак: улар бир-бирини жуда яхши билишади, улар қанча-қанча муҳим муаммолар ҳақида неча неча бор фикр алмашишган, “нарсалар табиати ҳақида” талқин этадига турфа тизимларни муҳокама қилишган. Уч ой ўтди. Бьяншоннинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган бўлса-да, у бошқа бу мавзуга қайтмади. Уша йилнинг ўзида бир кун Отель-Дье клиникасининг шифокорларидан бири Бьяншоннинг олдида савол бермоқчи бўлгандек Деппеннинг қўлидан ушлади:

— Айтинг-чи, муҳтарам устоз, нечун авлиё Сульпиций черковига киргандингиз?

— Мен бемор руҳонийнинг ҳузурига киргандим, унинг тизза қошқоғида йирингли ялғиланиш пайдо бўлган, — жавоб қайтарди Деппен, — Герцогиня Ангулемская менга ҳурмат бажо келтириб, уни даволашни ўз зиммамга олишимни илтимос қилди.

¹ К а н т а л — Франциядаги бир вилоят номи.

² «Ц и т а т о р» — француз адиби Пиго-Либрен асари бўлиб, унда католик черковининг иллатлари фош этилади.

Ҳужум қайтарилди. Берилган изоҳ шифокорни қаноатлантирган бўлса-да, аммо Бьяншон ишонқирамади.

“Ҳали шунақами! У черковга бемор тиззаларини даволаш учун борармиш!” — деди шоғирд ўз-ўзига.

Бьяншон Деппеннинг орқасидан кузатиб юришга қарор қилди; у Деппеннинг авлиё Сульпиций черковига қайси кун ва соатда кирганини эслади ва бир йилдан сўнг худди шу пайтда унинг тагин черковга келиш-келмаслигини текшириб кўриш учун айнан шу вақтда келишга қарор қилди. Ҳақиқатдан ҳам, Деппен келиб турсайди, черковга бу тахлит мунтазам қатнаши муайян ҳолни илмий тадқиқ қилиш учун асос бўлур эди, зеро бундай кишининг тафаккури ва ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри зиддият бўлиши мумкин эмасди. Келгуси йили айнан шу кун ва шу шу соатда, Бьяншон ўшанда Деппеннинг ассистенти эмасди, жарроҳнинг кабриолети Турнон ва Пти-Лион кўчаси муюлишида тўхтаганини ҳамда ўз кабриолетидан тушиб, иезуитларга хос эҳтиёткорлик билан черков томонга йўналганини, сўнгра Биби Марям меҳроби олдида яна ибодат бажо келтираётганини ўз кўзи билан кўрди. Бу Деппен эди, ҳа, шахсан ўзи! Бош жарроҳ, қалбан даҳрий, тасодифан художўй. Аҳвол жиддий тус олмоқда эди, машҳур олимнинг қайсарлиги ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди. Деппен кетгач, Бьяншон черков анжомларини йиғиштираётган ридохона бошлиғи олдига келиб, ундан хозиргина чиқиб кетган жаноб черковга мунтазам равишда келиб турадиганларданми, деб сўради.

— Мана, йигирма йилдики, шу ерда ибодат қиламан, — дея жавоб берди ридохона бошлиғи, — ана шу ибодатга жаноб Деппен бир йилда тўрт бор келади, бу унинг буюртмаси билан бажо келтирилади.

“Деппен буюртма қилган ибодат! — ўйлади кетаётиб Бьяншон. — Бу (бир ҳисобда) муайян даражада эр кўрмаган аёлнинг ҳомилдор бўлишидай муҳим гап, ҳар қандай шифокорни шаккокка айлантириш учун шу сирни билиб олиш кифоя”.

Вақт ўтмоқда эди. Гарчи доктор Бьяншон Деппеннинг дўсти бўлса-да, аммо унинг ҳаётининг ўзига хос хусусияти ҳақида гаплашишга сира қулай фурсат тополмас эди. Одатда, улар табобат ёки киборларга хос бўлган бир вазиятда учрашардилар; лекин, бундай вазиятда дўстлар юмшоқ ўриндиққа ястаниб, камин олдида оёқларини иситаётиб, бир-бирларига ўз сирларини ошкор этган самимий суҳбатларга имконият бўлмайди, албатта. Ниҳоят, орадан етти йил ўтгач, оломон архиепископ боргоҳини тор-мор этган, 1830 йил инқилобидан сўнг унинг республикачилар ташвиқоти таъсири остида кўз илгамас сон-саноксиз уйлар узра ялтираган яшиндек зарҳалланган салибларини маҳв этганида, кўчаларда шаккоклик ва исён ҳукм сурганда Бьяншон Деппенни тагин ўша авлиё Сульпиций черковига кираётганда тасодифан кўриб қолди. Унинг ортидан кириб, у билан ёнма-ён туриб олди. Дўсти зиғирча бўлса-да, ҳайратланмади, қиёфасида ҳатто ҳайрат аломати сезилмади. Деппен буюртма қилган ибодатни иккаласи бажо келтиришди.

— Тақводорона мунофиқлигининг сабабини баён этолмайсизми, дўстим? — сўради Бьяншон Деппендан улар черковдан чиққанларида. — Мен сизни, ҳа, сизни бу ерда ибодат чоғида уч бор кўрганман! Сиз бу сирни менга ошкор этишингиз, сизнинг эътиқодингиз ва ахлоқингиз ўртасидаги ошкора зиддиятни изоҳлаб бермоғингиз лозим. Сиз худога ишонмайсиз, айна пайтда ибодатга келиб турасиз! Қадрдон устоз, лутфан жавоб берсангиз.

— Мен сирдан ўта диндор одам бўлиб кўринганим билан, ҳақиқатда эса сизнинг ўзингизга ўхшаган даҳрийман.

Шунда Деппен Мольер “Тартюф”ининг янги ношири сингари сиёсий арбобларни ҳақоратлаб, роса пичинглар ёғдирди.

— Мен сиздан бу ҳақда сўраётганим йўқ, — деди Бьяншон. — Мен сизнинг нега бу ерга келганингизни ва нима сабабдан ибодат буюртма қилганингизни билмоқчиман.

— Ҳўп, азиз дўстим, — деди Деппен. — Менинг бир оёғим тўрда, бир оёғим гўрда, бинобарин, мен энди ҳаётимни қандай бошлаганимни сизга ҳикоя қилиб беришим мумкин.

Бьяншон ва ўша улуг инсон шу дақиқада Гирдибод кўчаси ёхуд Парижнинг энг жирканч кўчаларидан бирида эди. Дешлен Бьяншонга дарвозадан айлана зинагача узун йўлак орқали кириладиган ҳайкални эслатувчи ўша уйлардан бирининг еттинчи қаватини кўрсатди; одатда ўша пастак деразалар зинани зўрға ёритар, дарҳақиқат, қоқилиб-суқилиб яшовчиларнинг ҳақоратларига бепарво эди. Бу уй яшил тусли эди; биринчи қаватларда мебел сотувчи савдогар яшарди, қолган қаватларда турфа қашшоқлар кун кечирарди. Дешлен кўлини кескин баланд кўтараркан, Бьяншонга деди:

— Мен ўша ерда, баландда икки йил яшаганман.

— Биламан д'Артез ҳам ўша ерда турарди. Мен илк ёшлигимда у ерда қарийб ҳар куни бўлардим. Бизлар бу болохонани “даҳолар қиёмига етадиган банка” деб атар эдик.

— Хўш кейин-чи?

— Ҳозир иккаламиз тинглаган ибодат ҳаётимдаги айрим ҳодисалар билан боғлиқ. Улар ўша, сиз айтгандек, д'Артез яшаган болохонада ўтказган вақтимга тўғри келади; ҳув анави, тепасида кўйлак осилган, гуллар солинган тувак турган жой. Қадрдон Бьяншон, Париж қийин шароитда яшашга бардош беришга мажбур эди. Мен очлик, юпунлик, ялангоёқлик, пулсизлик — қисқаси, шафқатсиз муҳтожликни бошдан кечирганман. Ана шу “даҳоларни қиёмига етказадиган банка” да чўндай қотиб қолган бармоқларимни нафасим билан зўрға иитардим, ўша томонга сиз билан бирга ҳам бир назар ташлашга келиб кетди. Қиш шундай даҳшатли келдики, ишлаётганимда бошим узра кўтарилаётган буғни, совуқ пайтларда отлардан кўтарилаётган буғдек сезиларли даражада чиқиб турган нафасимни кўрардим. Шундай ҳаёт билан курашиш учун таянчни қайдан топишни ҳам билмайсан киши. Мен ёлғиз эдим, кўмаклашадиган ҳеч кимсам йўқ, китоб сотиб олиш ва тиббиётдан олаётган сабоғим учун тўлашга бисотимда бир су¹ ҳам йўқ эди. Қизиққонлик, шаккоклик ва тиниб-тинчимаслик хусусиятига молик бўлганлигим учун дўстларим ҳам йўқ эди. Менинг серзардалигим турмуш машаққатлари ва меъёрида нафақамдан ортиқ меҳнат қилганлигим билан изоҳланишини ҳеч ким тан олмасди: ахир, мен ижтимоий ҳаётнинг энг қуйи қатламида эдим, лекин унинг устки қатламига чиқишни хоҳлар эдим. Шунга қарамасдан, сиздан яширадиган сирим йўқ, сизнинг олдингизда рийёкорлик қилишнинг ҳам асло ҳожати йўқ, мен муҳтожлик ботқонига ботиб, узоқ вақт тентираб юрган бўлсам-да, ҳар қандай чўққиға кўтарила оладиган иқтидорли кишиларга хос бўлган меҳрибонлик ва ўша эзгу ҳис-туйғуларни қалбим тўрида асраб келдим. Мен олаётган арзимас нафақамдан бошқа нарсани на қариндошларимдан, на жонажон шаҳримдан кутишим мумкин эди. Мен ўшанда нонушта учун қотиб қолган нонни (у янгисига кўра арзонга тушарди) Пти-Лон кўчасидаги новвойдан сотиб олар ва сутга солиб ивитар эдим: шундай қилиб эргалабки емагим икки сутга тушар эди. Пансионда қиладиган тушлигим кун оша бўлиб, у 16 су турарди. Шу зайлда ҳар куни ўн су харажат қилардим. Энгил-бош ва пойабзалга қанчалик аҳамият берганлигим ўзингизга равшан. Билмадим, кейинчалик у ёки бу ҳамкасбимизнинг хиёнаткорона ҳаракатларини кўрганда бошдан кечирганимиз ранжу аламни титилиб кетаётган бошмоғимизнинг устимиздан маккорона илжайишини кўриб қолганимизда ёки сюртуғимизнинг қўлтиқдан чок-чокидан кетиши қулоққа чалинганда бошдан кечирган ранжу алам билан қиёсласа бўлармикан?

Мен фақат сув ичардим, аммо айни замонда Париж қаҳвахоналарига бўлган ҳурматини фоят баланд эди. Фақат Лотин маҳалласининг Лукулларигина кириши мумкин бўлган Цоппи қаҳвахонаси менга нимаси биландир жаннатмакон туюларди. “Наҳотки, бирор кун менга ҳам ўша ерда бир финжон қаймоқли қаҳва ичиш ва бир қур домино ўйнаш насиб этади?” — уйлардим мен. Муҳтожлик туғдирган ўзимдаги ғазабни мен меҳнатга алмашгирдим. Ўз қадримни ошириш ва жамиятда эгалламоқчи бўлган ўрнимга муносиб бўлиш мақсадида мен имкони борича чуқур билим олишга ҳаракат қилдим. Еган нонимдан кўра ёққан лампа ёғи кўпроқ бўлган: тунларни оқартириб меҳнат қилган пайтимда кўз ўнгимда ёнган чироқ менга ҳамма нарсадан кўра қимматга тушган. Бу давомли, бешаф-

¹ Су — XIX аср француз пул бирлиги.

қат олишув эди. Мен ҳеч кимда ўзимга нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотолмадим. Ахир, дўст орттириш учун ёшлар билан таниш бўлмоқ керак, улар билан талабалар борадиган жойга бориб, майхўрлик қилиш учун бисотингда бир неча су бўлмоғи лозим. Менинг эса ҳеч вақом йўқ эди! Аммо Парижда ҳеч ким бирор нарсани тасаввур қилолмайди. Қанақа муҳтожликда яшаётганимни бировларга ҳикоя қилиб беришга тўғри келганда мен кўпинча томоғимга алланарса тикилиб қолгандек, ўзимни нокулай сезардим. Кейинчалик менга бой оилада туғилиб, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ҳамда бу масаланинг учлик қоиласидан беҳабар кишиларни учратишга тўғри келди: ёш йигитча беш франкли чақа экюга қандай муносабатда бўлса, жиноятга ўшандай муносабатда бўларкан. Ана шу бойвачча овсарлар менга: “Нега қарзга ботиб кетдингиз? Нега зиммангизга мунча мушкулотни олдингиз?”, дейишарди.

Улар менга халқнинг очликдан ўлаётганини эшитиб, нега у ёғли нонлардан сотиб олмаскан, деб сўраган маликани эслатарди. Нон топиш учун бош ва кўллардан бошқа на дўстлари, на бир мири маблағи, на обрўйи бўлган, Парижда тамоман ёлғиз кун кечираётган, тагин жарроҳлик учун жуда қиммат олади деб шикоят қилган бойлардан бирортасини кўрсам дегандим! Унинг ҳоли не кечарди? Ўзига овқат излаб қаерга борарди? Менинг жаҳлим чиққан ва раҳм-шафқатсиз кунларим бўлганини сиз яхши биласиз, Бьяншон. Мен бу билан оқсуяклар жамиятига хос бўлган ёшликдаги бепарволик изтироблари ўша кибру ҳаво учун ўз-ўзимдан қасос олардим; менинг шухратга эришиш йўлидаги саёй-ҳаракатларимга нафрат, ҳасад ва бўҳтоннинг қанчалик гов бўлганини эслардим. Парижда айрим кишилар сизнинг эндигина эгарга ўтиришга шайланаётганингизни кўрса, биров келиб барингиздан тортади, сизни йиқилиб, боши билан ерга урилсин деб ўшанинг ўзи айилни бўшатади; бошқа биров эса отингизнинг туёғидан тақасини суғуради. Тагин ўзгаси қамчинингизни ўғирлайди; энг ростгўйи — кўлидаги тўшпончаси билан сизни қоқ манлайингиздан отмоқчи бўлади. Азизим, сизда истезод бор, аммо ҳадемай ўртамиёна зотлар ўзларига устунлик қилаётганларга нисбатан қандай даҳшатли кураш олиб бораётганини билиб оласиз.

Кечкурун сиз йигирма беш луидор ютқазсангиз борми, эртасига сизни қиморбозликда айблайдилар, энг яхши дўстларингиз эса йигирма беш минг франк ютқазди деб гап тарқатишади. Бошингиз оғриси борми, сизни ақдан оза бошлади, дейдилар. Мабодо оғзингиздан бирор ноҳўя гап чиқиб кетса, нақ шўртумшукқа чиқарадилар. Борди-ю, сиз ана шу олчоқлар тўдаси билан курашга жаҳд қилсангиз, энг яхши дўстларингиз сизни ҳеч кимни ёқтирмайди, ўзим бўлсам дейди, деб дод солишади. Хулласи калом, сизнинг фазилатларингиз камчилик ва нуқсонга, эзгу ҳаракатларингиз жиноятга йўйилади. Башарти, сиз бировни қутқаришга муваффақ бўлсангиз, сизни қотилга чиқарадилар. Гарчи бемор росмана ҳаётга қайтган бўлса-да, сиз уни сунъий йўл билан тузатгансиз, у келажакда бунинг учун жазосини тортади, мабодо у ҳозир ўлмаган бўлса, кейинроқ ўлади, дейишади. Қоқилиб кетсангиз борми: “Йиқилди” дейишади. Борди-ю, бирор нарсани ихтиро қилиб, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, ёшларнинг олға интилишига тўсқинлик қилади дейдилар, муғамбир деган ном чиқарасиз. Шундай қилиб, дўстим, модомики худога ишонмас эканман, демак, одамга ишониш тўғрисида гапирмаса бўлади. Менинг танимда қанчадан-қанча бемаъни гапларга сабаб бўлган, Дешленга мутлақо ўхшамаган Дешленнинг яшашини сиз яхши биласиз, ахир. Ўтган ишга салават. Шундай қилиб, мен биринчи имтиҳонга тайёрланаётиб, сариқ чақага зор бўлиб, мана шу уйда яшардим ва ишлардим. Биласизми, мен сира иложини тополмай “Аскарликка борганим бўлсин” дея қарор қилган киши ҳолатига тушган эдим. Менда яккаю ягона илинж қолган эди: “Мен ўша ўзим туғилган шаҳардан Париж ҳаёти ҳақида мутлақо тасаввурга эга бўлмаган, ойига ўттиз франк олаётган, жиянининг нукул булдириқ гўшти билан кун кечираётганига қатъий ишонган, энди бўлса унинг уст-боши ҳақида гамхўрлик қилаётган кекса қишлоқи холаларимнинг совғаси бир чамадон ички кийимни олишим лозим эди. Чамадон мен уйда бўлмаган пайтда келган экан, мен университетда эдим: маълум бўлишича, кира ҳақи қирқ франк тураркан. Зинапоя тагидаги хужрада турувчи дарвозабон этикдўз немис ўша қирқ франкни тўлаб, чамадонни олиб қолган экан. Қандай қилиб олдиндан кира ҳақини тўламай чамадонимни қўлга

киритиш ҳақида бош қотириб, Фоссе-Сен-Жермен-де-Пре ва Тиббиёт факультети кўчаси бўйлаб узоқ вақт санқиб юрдим, ҳолбуки, мен ички кийимимни сотиб ҳам кира пулини тўлашим мумкин эди. Менинг бефаҳмлигим, бирдан-бир истегъодим, жарроҳлик эканини яққол кўрсатди. Дўстим, нозик қалб эгалари, бирмунча юксак доирада фаолият кўрсатиш учун туғилган иқтидорли кишилар кўпинча бачкана одамларга хос ҳийла-найранг, топқирлик, чапдастлик каби хусусиятлардан маҳрум бўлишади: бу тахлит мўмин-қобил даҳолар ҳомийси — тасодиф, улар изламайди, улар топади.

Мен уйга кечроқ қайтдим; сен-флуралик Буржа исмли мешқобчи кўшним ҳам шу пайтда қайтган эди. Бизлар шунчаки девор-дормиён кўшнидай бир-бирининг ухлаётганини, йўталаётганини, кийинишларини эшитиб турадиган, пировардида бир-бирига ўрганиб қолган таниш эдик. Кўшним хўжайин мени ижара ҳақини уч марта орқага сурганим учун ҳайдамоқчи эканини айтди; мен эртасигаёқ жўнаб қолишим даркор эди. Маълум бўлишича, хўжайин кўшнимни ҳам касби маъкул бўлмаганидан кўчиб кетишга мажбур қилаётганмиш. Мен ҳаётимдаги энг машаққатли тунни ўтказдим. Арзимас уй анжомлари ва китобларимни олиб чиқиш учун ҳаммолни қайдан топаман? Ҳаммол ва дарвозабонга қаердан пул тўлайман? Қаерга бориб бош урсам экан? Унсиз йиғларканман, телбаларча ўз-ўзимга фақат шу саволларни берардим. Охири ухлаб қолдим. Муҳтожликда кишига турфа тушлар бахш этувчи уйқу ҳамдард бўлади. Эртасига эрталаб нонимни сувга ботириб тамадди қилаётганимда хонамга Буржа кириб келди.

— Жаноб талаба, — деди у менга баланд овоз билан, — мен бир бечора, ташландиқ бола эдим, Сен-Флурада паноҳ топиб ўсдим, на отам, на онамни биладан. Бунақа бисотим билан уйланишим мумкин эмас. Сизнинг ҳам жонқуярларингиз унча кўп эмас, молу давлатингиз ҳам йўқ ҳисоби. Гапимга қулоқ солинг: пастда менинг қўл аравачам турибди, уни ҳар соатига икки су кира ҳақи бериш шарти билан ижарага оламан; унга ҳамма анжомларимизни жойлаштира бўлади. Модомики, бизни бу ердан ҳайдаб чиқаришган экан, хоҳласангиз турар жойни бирга қидирамиз. Бу ер ҳам айтгулик жаннатмакон жой эмас-ку, ахир.

— Биладан, қадрдоним Буржа, — дедим мен, — лекин бир нарса халал бeryпти; пастда экию турадиган ички кийимларим бор, ўша пулдан уй ҳақини ҳам, дарвозабонга тўланадиган қарзни ҳам тўлашим мумкин эди. Бироқ чўнтагимда сариқ чақа ҳам йўқ.

— Яхши! Менинг бироз танга пулим бор, — жавоб берди Буржа менга ўзининг эскирган ва ёғ босган чарм ҳамёнини салмоқлаб кўрсатаркан. — Ички кийимингиз ўзингизга керак бўлади.

Буржа менинг хонам учун ҳам, ўз хонаси учун ҳам тўлади, дарвозабоннинг қирқ франкини ҳам бериб қўйди. Кейин у кўч-кўронимизни ва менинг кўйлақларим жойлашган чамадонни аравачага юклади-да, уни кўчалардан гилдирашиб кетди, хоналар ижарага берилиши ҳақида эълон ёпиштирилган уйлар олдидагина тўхтарди, холос. Мен бўлсам ўша уйларнинг ҳар бирига кириб чиқар ва ижарага бериладиган хонани кўздан кечирардим. Туш бўлиб қолди, аммо бизлар ҳамон бошпана излаб Лотин маҳалласида беҳуда санқирдик. Қайга бормайлик, ижара ҳақи оёқдан оларди. Буржа мени вино дўконига таклиф этди. Аравани эшик олдида қолдирдик. Кечга яқин Роган кўчасининг тижорат муюлишида мен бир уйнинг энг сўнгги қаватида зинапоя майдончаси билан бир-биридан ажратилган иккита хона топдим. Ушаларни ижарага олдик. Ҳар биримиз йилига олтмиш франкдан ижара ҳақи берадиган бўлдик. Энди менда ҳам, дўстимда ҳам бошпана бор эди. Бирга тушлик қилдик. Буржа бир кунда эллик сугача топар эди. Унинг юз экиюга яқин пули бор эди. Буржа от ва бочка сотиб олишдек орзуни амалга ошириш арафасида эди. У муғамбирона ўсмоқчилаб, менинг барча сир-асоримдан воқиф бўлиб олди, қандай аҳволда эканлигимни билиб олгач, бир умрлик эзгу орзусидан вақтинча воз кечди, ана шунга эсласам, ҳанузгача бутун вужудимни ҳаяжон босади. Буржа йитирма икки йил сув ташиди, лекин у ўзининг юз экиюсини менинг келажагим учун қурбон қилди.

Шунда Деллен Бьяншоннинг қўлини қаттиқ сиқиб қўйди.

— У ўша пулларни менга берди, улар менинг имтиҳонга тайёргарлик кўришим учун гоят зарур эди! Дўстим, бу одам ҳаётдаги бурчимни, менинг ақлу заковатим, эҳтиёжимнинг унинг эҳтиёжларидан муҳим эканлигини фаҳмлади. У менга гамхўрлик қилар, мени “ўғилчам” деб атар, китоб сотиб олишим учун пул қарз берар, баъзан эса қандай ишлаётганимни кўриш учун секингина хонамга кириб келар эди. Ниҳоят, у менга оналарча мушфиқлик кўрсатиб, мен маҳкум этилган ўша қашшоқлик ва маза-матрасиз емакни фойдали ва тўкин овқатга алмашгириш имконини берди. Буржанинг ёши қирқларда эди. Унинг афт-ангори ўрта асрлардаги шаҳарликни эслатарди, манглайи бўртиб чиққан, рассом унга қараб бемалол Ликургни¹ чизиши мумкин эди. Боёқиш юрагида йиғилиб қолган меҳрни кимга изҳор этишни билмасди. Ҳаётида унга меҳр қўйган ягона жонзот бундан сал илгари ўлган бароқ ити эди; Буржа менга ўз бароғи ҳақида тўхтовсиз гапирар, черков унга жаноза ўқиш учун ижозат бермасмикан, бу тўғрисида менинг фикрим қандайлигини билмоқчи бўларди. Унинг сўзларига кўра, бу бароқ ит ҳақиқий насроний бўлиб, ўн икки ой мобайнида Буржа билан черковга борган, у ерда ҳеч қачон ҳурмаган, жим туриб орган овозини тинглаган, худди хўжайини билан ибодат қилгандек у билан ёнма-ён ўтирган. Бу одам ёлғизлигимни, изгиробларимни тушуниб, бугун меҳру садоқатини менга қаратди, унинг қўлидан келадиган нарса шу эди, зотан. У мен учун энг меҳрибон она, ҳеч қачон бировга зиён-заҳмат етказмайдиган энг ардоқли ва фазилатли киши бўлиб қолди. Гапнинг лўндасини айтганда, у эзгулик тимсоли бўлиб қолди, ўзи бунёд этаётган яхшиликдан қониқиш ҳосил қилган одам эди. Мен Буржани ҳар гал кўчада учратганимда, у менга ақл бовар қилмайдиган олижаноблик билан фаросатли нигоҳ ташлар эди; у елкасида юки йўқ кишидай қоматини тик тутиб юришга интиларди; мени соғлом ва яхши кийинган ҳолда кўрганидан ўзини бахтли ҳис этаётганга ўхшарди. Бу бир жиҳатдан оддий кишининг фидойилиги бўлса, иккинчидан, бирмунча юқори муҳитга кўчирилган енгилтак қизнинг муҳаббати эди. Буржа менинг барча тошшириқларимни бажарар, мени белгиланган соатда уйғотар, чироғимни тозалаб қўяр, зинапоямиз майдонини супуриб-сидирар эди; у покизалиги билан ҳар қандай инглиз оқсоч аёли билан баҳслашиши мумкин эди.

Бизнинг бугун хўжалигимиз унинг гарданида эди. Филопеман²га ўхшаб ёғоч ҳам арраларди. Меҳнат ўз олдига қўйган мақсадини такомиллаштирганини англагандай, у ҳамма нарсани жўнгина, аммо қойилмақом қилиб адо этарди. Отель-Дье клиникасига ассистент-амалиётчи бўлиб ишга кирганимда Буржа билан ажралишга тўғри келди, чунки мен клиника қошида яшашим даркор эди. У чуқур гамга ботарди, лекин менинг диссертация устида ишлаётганимда талаб қилинадиган харажатлар учун пул йиғаётгани учун ўзини юпатар ва бўш вақтларимда уникига бориб туришимни илтимос қилар эди.

Буржа мен билан фахрланар ва жон-дилдан яхши кўрарди. Агар сиз менинг диссертациямни излаб топсангиз эди, унинг Буржага бағишланганини кўрган бўлардингиз. Шифохонада ишлаш муддатимнинг сўнгги йилида унга от билан бочка сотиб олиш ва бу мард оверналикнинг қарзини узишга етадиган даражада маблағга эга эдим. Мен унга пулларимни сарфлаганимни билгач, роса жиғибийрон бўлди, шунга қарамасдан хўп суюнди, унинг энг эзгу орзуси ушалган эди-да, ахир. У қулди ва мени қойиб қўйди; у ўзининг бочкасига, ўз отига қарар ва кўз ёшларини артаркан, деди: “Яхши эмас! Қандай ажойиб бочка! Лекин сиз бундай қилмаслигингиз керак эди... Ўзи ҳам кетворган от экан, нақ оверна зотига ўхшайди”.

Киши қўнглини эритадиган воқеани сира кўрмаганман. Менинг қаршилик қилишимга қарамасдан, Буржа мен учун энг қимматбаҳо нарса, сиз хонамда кўрган — филофига кумушдан сайқал берилган жарроҳлик асбоблари тўпламини, албатта, сотиб олиш истагини билдирди. У мен дастлабки муваффақиятларимдан ўзида йўқ шод эди, лекин унинг “уни мен одам қилдим” деганини, ҳатто бунга ишора ҳам қилмаган. Гапнинг очигини айтганда, у бўлмаганда муҳтожлик ҳаётимга зомин бўлган бўлар эди-ку, ахир. Бояқиш ҳаётини мен учун қурбон

¹ Л и к у р г — ярим афсонавий қонун чиқарувчи давлат ва жамоат арбоби.

² Ф и л о п е м а н — қадимги юнон қўмондони, одил ва меҳнатсевар киши бўлган.

этди: маълум бўлишича, у тунги машғулотларимни деб мен учун қаҳва сотиб оларкан-да, ўзи нонга саримсоқ суртиб ер экан. У касал бўлиб қолди. Тунларни унинг бошида ўтказганимни айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Умримда биринчи бор уни сақлаб қолишга муяссар бўлдим. Лекин икки йил ўтгач, касаллик яна қайталади, қанчалик тиришиб парвариш қилмайлик, табобатдаги барча воситаларни ишга солмайлик, Буржа вафот этди. Бирорта қирол ҳам бунчалик парвариш қилинмаган бўлса керак. Ҳа, Бьяншон, бу ҳаётни ўлим чангалидан тортиб олиш учун мисли кўрилмаган даражада ҳаракат қилдим. Унинг ўзи амалга оширган ишларини кўриш имкониятига эга бўлишини истагандим; унинг барча истакларини ижро этсам дегандим, ҳаётимда шу пайтгача сира такрорланмаган, қалбимни бағамом чуллаган, ташаккур туйғусини изҳор этишни ниҳоясига етказишни истагандим, ҳанузгача мени ёндириб келаётган ўтни ўчирмоқчи эдим!

— Менинг иккинчи отам Буржа ўз кўлимда жон берди, — дея давом этди Дешлен озгина сукут сақлагач, унинг ҳаяжонлангани шундоққина билиниб турарди. — У қолдирган васиятномага биноан, барча молу-мулки менга ўтмоғи даркор эди; бу васиятномани унга ҳар хил хужжатлар тузиш идорасида ёзиб беришган экан, унда иккаламиз Роған кўчасига бирга кўчиб борган йил қайд қилинган эди. Унда софдил диндор кишининг тимсоли мужассамлашган эди. Биби Марямни шундай севар эдики, киши маъшуқасини шундай севиши мумкин, холос. Гарчи, у эҳтиросли диндор католик бўлса-да, менинг даҳрийлигим ҳақида лом-мим демаган эди. Касаллиги хатарли тус олганда у мендан ўзи учун черков ёрдамани уюштиришда ҳеч нарсани аямасликни илтимос қилган эди. Мен унинг учун кунига икки мартадан дуои фотиҳа ўқишни буюртма қилдим. У кечалари тез-тез ўзининг охиратдаги қисматидан кўрқаётганини ҳикоя қиларди: унга ҳаёти унча тақводорлик билан ўтмаганга ўхшаб кўринарди. Бояқиш! У эртадан-кечгача меҳнат қиларди. Агар борди-ю, беҳишг бор бўлса, унга бу кишидан бошқа ким ҳам муносиб бўлиши мумкин? У авлиё сифатида черковнинг сўнгги хайрбодини қабул қилган эди (у чиндан ҳам авлиё эди); унинг ўлими ҳаётига мос эди: Буржанинг тобути ортидан фақат бир киши борарди: бу мен эдим. Яккаю ягона валинеъматимни дафн этгач, менга қилган яхшиликлари эвазига нима қилсам экан, деб ўйлардим. Унинг на оиласи, на дўстлари, на хотини, на болалари бор эди. Лекин у диндор эди, унда диний эътиқод мавжуд эди, бунинг учун у билан баҳслашишга ҳаққим бормиди? У бир кун менга кўрқа-писа бўлажак дуои-ибодат ҳақида ёрилган эди; қилган ёрдамани пеш қилмаслик учун у менинг зиммамга бундай мажбуриятни юкламоқчи эмасди. Дастлабки имконият туғилганда мен авлиё Сульший черковига керакли миқдорда пул тўплаб, бир йилда тўрт бор охират ибодатини буюртма қилдим. Буржа учун амалга ошириладиган ягона нарса — унинг тақводорлик истагини бажо келтириш. Шу боисдан бир йилда тўрт марта — кўклам, ёз, куз ва қишда черковга келаман ва шаккокка хос самимият билан дейман: “Ё худованди карим, тасарруфотингда ўлгандан сўнг тақводор кишилар йиғиладиган маскан бўлса, мўмин-қобил Буржани унутма, агар у азоб-укубатни бошидан кечирмоғи керак бўлса, ўша мусибатларни менинг гарданимга юкла, токи у тезда жаннат аталмиш маъвога эришгай”. Мана, азизим, фикрлаш тарзи меникидек кишининг қарори шундай бўлади. Қасамёд этаманки, Буржанинг эътиқоди менинг миямда қарор топсайди, бор-бисотимни берган бўлур эдим.

Дешленни сўнгги марта даволаган Бьяншон машҳур жарроҳни даҳрий сифатида вафот этган деб айтишга ботинолмайди. Наҳотки, бир вақтлар пештоқига “Буюк одамлар учун умидбахш диёр” деган сўзлар ёзилган ўша заминий маъбад қопқаларини очган кишига ройиш оверналик жаннат қопқаларини очмаган бўлса? Ҳа очган — айнан шундай деб ўйлаш диндорлар учун қувончли эмасми, ахир?!

*Русчадан
Пошали УСМОН
таржимаси.*



Аҳмад ЯССАВИЙ

Ҳикматлар

* * *

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,
Етти аъзо тоқат қилмай ларзон бўлур.
Ишқ дарёси вужуд ичра жўш айласа,
Беҳуд бўлуб гирдоб ичра ҳайрон бўлур.

Гаввос керак бу дарёға ўзин солса,
Қармоқ солиб наҳанларин сайд айласа.
Андин сўнгра дури мақсуд қўлга олса,
Андоғ муршид халқ ичинда пинҳон бўлур.

Тариқатнинг йўли узоқ кирсанг агар,
Кими етар, кими етмас, кимга хатар.
Излаганлар эранларга охир етар,
Эр назари тийган киши мардон бўлур.

Йўлин топқон мардонларға хизмат қилур,
Кўп анжуман орасинда хилват қилур.
Аҳлу аёл, молу мулкдин узлат қилур,
Мушкул ишлар, билмам, нечук осон бўлур?

Оқил эрсанг, тўғри йўлга қадам урғил,
Мардонларни суҳбатидин баҳра олғил,
«Асҳоби қаҳф» оятин кўруб ибрат олғил,
Ибрат олғон хос қуллари жанон бўлур.

«Ё Раббано фағфирлано зунубано»,
Гуноҳимға иқрор бўлуб келдим мано.
Қаҳр айласанг, қаҳқорсано, қодирсано,
Лутф айласанг юз минг осий хандон бўлур.

Қул Хожа Аҳмад, узоқ йўлда ҳайрон бўлдуңг,
Амалинг йўқ, кундин-кунга гирён бўлдуңг.
Эранларга ета билмай, сарсон бўлдуңг,
Анда борсанг маломатлар чандон бўлур.

* * *

Кўрунғ бу замона шайхларини,
Гадо янғилиғ элдин элга кезарларо.
Халқлар мени азизим теб айтсун тею,
Ҳар мажлисада ҳалқаларин тузарларо.

Ул мажлисада ҳой-ху қилур шуҳрат учун,
Шоирлари шеър ўқурлар зийнат учун,

Қизу жувон йиғилишурлар суҳбат учун,
Овоза эштитиб ҳар тарафдин келурларо.

Мажлисига аёлларни келтурурлар,
Ҳалқа қуруб теграсида ўлтурурлар,
«Дардинг бор» деб ул аёлга зарб қилурлар,
Ушбу янғлиғ ботил ишлар қилурларо.

Баъзилари сийна узра дам қилурлар,
Восвос бўлса, забун ишни ҳам қилурлар,
Толе кўруб, бир қаро йўқ эм қилурлар,
Ўпка, бағир, юрак билан қоқарларо.

Нодон, жоҳил жам бўлубон «ҳой-ҳу» тею,
Ул гумроҳни пир қилурлар «шайхим» тею,
«Шайхлардин менга жазби тегди» тею,
Ҳалқа ичра маст шугурдек ағанарларо.

Халқлараро кезиб юриб мурид истар,
«Менга мурид бўлгил» тею халқни қистар,
Ушбу янғлиғ ичи кўвак қуруқ дастор,
Кўнгилсизни зўрдин мурид этарларо.

Бу гумроҳлар орзу қилур шарият деб,
Айтур халққа бидъат ишни тариқат деб,
Фахр этурлар «мен бўлубман ҳақиқат» деб,
Бу каззоблар ялғон даъво қилурларо.

Содик бўлуб шариятта амал қилмас,
Олимларни айған сўзин ростин билмас,
Риёзатлиқ дарवेशларни кўзга илмас,
Жаҳон ичра «манман» тею юрурларо.

Муршидлик даъво қилур, шартин билмас,
Ҳалол-харом, суннат, бидъат фарқин билмас,
Бу Ҳанифа мазҳабида ҳаргиз юрмас,
Мубтадеъ мазҳабида юрурларо.

Қўлларига учи тиелиғ асо олиб,
Бошларига дасторини катта қилиб,
Сахро кезиб, халойиқни назрин олиб,
Ҳалол-харом фарқ этмайин юрарларо.

Аё дўстлар, бу пандимға қулоқ солғил,
Оқил эрсанг, Мустафони шаръин тутқил,
Ушбу янғлиғ гумроҳ шайхдин йироқ қочқил,
Йўқса сени шайтон янғлиғ алдарларо.

Қул Хожа Аҳмад, нафс йўлиға кирмагил сен,
Булар билан ҳамроҳ бўлуб юрмагил сен,
Мутеъ бўлуб эътиқодинг бермагил сен,
Дининг олиб дўзах ичра тортарларо.

* * *

Туркистонда Хожа Аҳмад хуш айдилар туркини,
Машойихлар ҳу-ҳу деб ерга қўяр бўркини.

Хожа Аҳмад халқасида Ҳу лаззатин топқанлар,
Қабул қилмас берсалар икки жаҳон мулкини,

Раҳнамодур Хожа Аҳмад, гулистондур маърифат,
Сўзлагани ҳақиқат, очар кўнгул мулкини.

Оят-ҳадис маънига турки келса мувофиқ,
Маънисига етканлар ерга қўяр бўркини.

Амал қилган олимлар икки жаҳон чироғи,
Буроқ минар маҳшарда эгари қўяр бўркини.

Олим бўлса беамал, масаладин беҳабар,
Қиёматда кўтарур қирқ эшакни юкини.

Таманнолиқ олимлар кўзга илмас туркини,
Мулламан деб аритмас кўнглидаги чиркини.

Хожаман, деб лоф урма, ушбу дунё бевафо,
Ким яхшидур, ким ёмон маълум бўлур чин куни.

Пок бўлдум деб қувонма, ушбу дунё ёлғончи,
Вайрон қилур бу ўлум подшоларни мулкини.

Ҳар ким намоз тарк этар, кофир қавмида кетар,
Минг пушаймон бўлгуси умр охир бўлган куни.

Жонин қурбон қилмаса, Ҳаққа восил бўлмаса,
Гарчи маъни билмаса, хўб айтурлар туркини.

Қул Хожа Аҳмад айтиб сўз, Ҳақ сўзига тикиб кўз,
Йўл бошида қуловуз баён қилди шарҳини.

* * *

Орифларни суҳбатидин баҳра олган,
Худойимга яқин бўлди, билдим мано.
Пири комил мукамалга хизмат қилиб,
Ихлос билан сир-асрорин билдим мано.

Сир-асрорин билганларга раҳмат инъом,
Хос бандам, деб Ҳақ юбормиш минг йўл салом.
Андин сўнгра Ҳақдин келгай анга паём,
Ҳозир туруб Арш устида кўрдум мано.

Арш устида намоз ўқуб тизим буктум,
Розин айтиб, Ҳаққа боқиб, ёшим тўктум.
Ялғон ошиқ, ялғон сўфи кўрдум-сўктум,
Маъшуқимга минг бир савол қилдим мано.

Саволимга Ҳақдин келди яхши жавоб,
Рўзи маҳшар аъмолингни қилмам ҳисоб,
Қудрат бирлан котиб битиб берди китоб,
Ҳақ, кул, деди, таъзим билан кулдум мано.

Йўлсиз эрдим улуғ бобом қилди мадад,
Дуо қилиб хос бузруклар берди қувват,
Хизр бобом ҳозир бўлуб қилди шафқат,
Шафқатидин хосиятлар кўрдум мано.

Хосиятни сизга айтай, халқи жаҳон,
Бандасига овоз келди Ҳақдин пинҳон,
«Кел,абди»деб саҳар чорлар Ҳақ меҳрибон,
Елиб, югуруб ёронлардин сўрдум мано.

Қаю толиб ҳикматимни тутса азиз,
Қайда борса,боши азиз,сўзи лазиз,
Яхши сўзни фаҳм айламас ҳар бетамиз,
Ул сабабдин доно излаб юрдум мано.

Майхонага кирган билур май қадрини,
Ишқдин хабар олган билур най қадрини,
Ҳар ножинсдин сўрсанг билмас ишқ қадрини,
Ишқ қадрини билганлардин сўрдум мано.

Мен дафтари соний айдим, солғил қулоқ,
Қон ёш тўкиб йиғламаслар мисли булоқ,
Банда бўлсанг,дунё уқбин қилғил талоқ,
Талоқ қилиб дийдорини кўрдим мано.

Ҳақ таоло ошиқларга берди ишқин,
Толибларга тухфа берди шавқу завқин,
Казобларга шайтон берди риё далқин,
Риёлиқни сўзлар билан урдум мано.

Риё қилган шайхни кўрдум безор бўлдум,
Зарра бўйи тегди менга бемор бўлдум.
Ҳақ йўлида сармаст эдим, ҳушёр бўлдум,
Анинг учун душман тутуб юрдум мано.

Шайхман тею риё қилса тегум келур,
Бало тилаб бошлариға сепгум келур,
Шамшир олиб мен аларни чопқум келур,
Ул сабабдин ишқни тутуб юрдум мано.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қилсанг пинҳон қилғил,
Лаб номаҳрам, дам номаҳрам, ўзунг билғил,
Балки дилим номаҳрамдур ҳозир бўлғил,
Ҳақдин ўзга талабларни сурдим мано.

* * *

Юз минг сано ортуқ яна қодир Ўғонга,
Неча ўқуш ҳамда айтса туш қодир Яздонга,
Шукр қилғу, собир бўлғу, охират қўлғу,
Рўзи берган, ярлиқаган Раҳим, Раҳмонга.

Санақлиғ дам, сақишлиқ қадам ортуқ бўлмас ул,
Қунунг, ойинг қишинг, ёзинг борди ёнмас ул,
Умрунг кечар, елдек учар қайра келмас ул
Инонмағил, тайанмағил ушбу жаҳонга.

Ҳақ суюклиги, кўнгул хуши қайтмас хизматда,
Ётма фориг, менгизинг сариг, тўргил ҳасратда,
Қилғил табуғ, қақғил қабуғ кетмай ҳазратда,
Йўқ анда қин мунда яқин бўлуб турганга.

Неча ўқуш олгун-кумуш йиғсанг қолғуси,
Темурдин ўй ёсар эрсанг хароб бўлғуси,

Ажал келиб ёқанг тутуб ерга чалғуси,
Эшптиб уқмас, ҳаргиз боқмас дору-дармонға.

Биздин бурун бу ер уза кимлар ўттилар,
Қим обид, ким зоҳид бари кеттилар,
Ўшал гўрга-қаттиғ ерга бориб ёттилар,
Қуруб қайтиб, сизиб оқиб келмас бу ёнға.

Ёндинг-ёздинг, йўлдин оздинг қуллуқ қилмадинг,
Қаридинг қоттинг, йиғдинг-тердинг Раббни билмадинг,
Бординг, ётгинг, оқтинг қайта келмадинг,
Қул Хожа Аҳмад, ўзинг билгил ёнғин Субҳонға.

* * *

Ҳақни суйган уюмас, гофилларни хушламас,
Бир лаҳза гофил турмас, нега мунча уюрсан?

Уйганиб Оллоҳ, дегил, ҳасрат билан оҳ дегил,
Сен дард билан воҳ дегил, нега мунча уюрсан?

Гафлатда сен ётмағил, нажосатға ботмағил,
Ҳақ қуллуғин қўймағил, нега мунча уюрсан?

Туни кун турғил туш, нафсинг билан сен уруш,
Уммата булдуру равиш, нега мунча уюрсан?

Сиротни сен кечмайин, жаннатта сен кирмайин,
Ҳақ дийдорин кўрмайин, нега мунча уюрсан?

Сенга шайтон нелар дер, куч чиққунча ую дер,
Юзингни ҳам юлма дер, нега мунча уюрсан?

Шайтон сени озғурур, қон йиеласанг оз турур,
Тангринг сени ёздурур, нега мунча уюрсан?

Кимга ким назар қилур, уйғоқлар улуш олур,
Гофиллар қуруқ қолур, нега мунча уюрсан?

Турк эли кўча бойир, ошиқлар кеча бойир,
Кўра турур ул Қодир, нега мунча уюрсан?

Уйқу танга роҳатдур, вале жонға заҳматдур,
Уйғоқларға раҳматдур, нега мунча уюрсан?

Атонг ўлди билурсан, анонг ўлди билурсан,
Сен ҳам бир кун ўлурсан, нега мунча уюрсан?

Агар бўлсанг ўлумлик, ҳаргиз бўлма уйқулик,
Аҳмад бўлди қайғулуқ, нега мунча уюрсан?

* * *

Ният қилдуқ Каъбага, ризо бўлунг, дўстларим,
Ё келгаймиз, ўлгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Ният қилдуқ Каъбага, Ҳақ Мустафо равзага,
Насиб қилгай барчага, ризо бўлунг, дўстларим.

Насиб бўлса боргаймиз, ё насибдур келгаймиз,
Ажал келса ўлгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Ризо бўлунг ўзимдин, яхши-ёмон сўзимдин,
Ўтунг қатиф юзумдин, ризо бўлунг, дўстларим.

Ният бўлса юрунгиз, куч етмаса турунгиз,
Дуо қила турунгиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Дўстлар бизни қўллағай, фосиқлар кўб улуғлағай,
Масжид сари келмағай ризо бўлунг, дўстларим.

Қаъба сари кўчалук, золимлардин қочалук,
Ўғул-қиздин кечалук, ризо бўлунг, дўстларим.

Телим сўзда қарор йўқ, ҳариб ўлса сўрар йўқ,
Емишларда ҳалол йўқ, ризо бўлунг, дўстларим.

Пирдин бўлди ишорат, мунда қилдуқ иморат,
Қилгай Расул шафоат, ризо бўлунг, дўстларим.

Арслонбобдин башорат, пирдин бўлди ижозат,
Дўстлар қилгай ибодат, ризо бўлунг, дўстларим.

Кечти қулунг жонидин, чиқти халқни сонидин,
Дўстлар боргай сўнгидин, ризо бўлунг, дўстларим.

Яссавий юм кўзунгни, халққа айтгил сўзунгни,
Қаъбага сур юзунгни, ризо бўлунг, дўстларим.



Генрик ИБСЕН

Арвоҳлар

Уч кўринишли оилавий драма

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р:

Э л е н е А л в и н г х о н и м — капитан ва камергер Алвингнинг беваси.
О с в а л ь д А л в и н г — унинг ўғли, рассом.
П а с т о р М а н д е р с.
Д у р а д г о р Э н г с т р а н.
Р е г и н а Э н г с т р а н — Алвинг хоним уйида яшовчи қиз.

Воқеа Фарбий Норвегиядаги улкан кўрфаз соҳилида жойлашган Алвинг хонимнинг чорбоғида ўтади.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Боққа қараган бағри кенг хона: чап деворда бир, ўнг деворда икки эшик. Хона ўртасида атрофига стуллар қўйилган давра стол. Стол устида китоб, журнал ва газеталар. Олдинда дераза, унинг ёнида диван ва аёллар иш столи. Хона ичкараси мўъжаз ойнабанд гулшан. Гулшан деворининг ўнгида боққа чиқадиган эшик. Ойнабанд девордан эзиб ёғаетган ёмғирда сўник манзара кўзга чалинади.

Боғ эшиги олдида дурадгор Энгстран кўринади. Чап оёғи ногирон. Этигининг тагчарми устидан қалин ёғоч қапаки қоқилган. Қўлида бўш лейка кўтариб олган Регина унинг йўлини тўсди.

Р е г и н а (*овозини пасайтириб*). Сизга нима керак? Турган жойингизда тек туринг. Ҳаммаёғингиз шалаббо.

Э н г с т р а н. Худонинг об-раҳмати бу, қизим.

Р е г и н а. Худомас, шайтон юборган, шайтонники!

Э н г с т р а н. Ё парвардигор, нималар деяётибсан, Регина? (*Каловланиб бир неча қадам олдинга юради.*) Мана, мен сенга нима демоқчи эдим...

Русчадан
Рамз БОБОЖОН
таржимаси

Генрик Ибсен (1828-1906) — норвег драматурги. Савдогар оиласида туғилган. Илк асари — “Катилина” драмаси (1850)ни Европадаги инқилобий воқеалар таъсирида яратди. Миллий театрларга раҳбарлик қилди. Муаллифнинг воқелиқдан норозилик кайфиятлари “Севги комедияси” (1862), “Тахт учун кураш” (1864), “Бранд” (1866), “Пер Гюнт” (1867) драматик асарларида акс этди. Маънавий масалалар, буржуазиянинг иккиюзламачилик сиёсати, “Жамият пешволари” (1877), “Қўғирчоқ уй” (1879), “Арвоҳлар” (1881) драмаларининг асосий мавзуини ташкил қилади. Г.Ибсеннинг “Ёввойи ўрдак” (1884), “Қурувчи Сольнес” (1892) асарлари ҳам унинг ижодида муҳим ўрин тутади. Драматургнинг “Арвоҳлар” асари ўзбек тилида илк марта эълон қилинаётир.

Регина. Қадамингизни бунақа тўқиллатиб қўйманг! Тезпада бойвачча ухлаётди.

Энгстран. Ухлаётди? Купша-кундузи-я?

Регина. Бунинг сизга дахли йўқ.

Энгстран. Мен кеча кечқурун айш-ишрат қилдим...

Регина. Ишонса бўлади.

Энгстран. Ҳа-да. Инсоннинг мўрт жойи шунда, қизим...

Регина. Нима ҳам дейиш мумкин?

Энгстран. Биласанми, дунёда одамни йўлдан урадиган нарсалар кўп!.. Лекин шундай бўлса ҳам, мен шу бугун соат беш яримда тангрим буюргандай ўрнимдан “дик” этиб туриб, ишга тушиб кетдим.

Регина. Ҳа, бўпти. Қани, тезроқ жўнанг. Сиз билан бунда “бордикелди” қилгим йўқ.

Энгстран. Нима қилгинг йўқ?

Регина. Бирор киши сизни бунда кўрмаса, дейман. Қани, йўлингиздан қолманг, туёғингизни шиқиллатинг.

Энгстран (*яна унга яқинлашиб*). Ҳа, йўқ, сен билан масалани ҳал қилмасдан туриб, кетиб бўлман! Тушдан кейин, билдингми, шу ердан пастликда мактабдан олган ишни битириб, кечаси уйга жўнайман, шаҳарга, пароходда...

Регина (*кесатиб*). Оқ йўл!

Энгстран. Барака топ, қизим! Эртага бу уйнинг эшиги очилади, демак, ичкиликсиз иш битмаслиги аниқ. Тагин, Якоб Энгстран ҳақида уни бирор киши кайф-сафога муккасидан кетган, деб гапириб юрмасин.

Регина. Аҳ-ҳа!

Энгстран. Ҳа, инчунун, эрта бу ёққа озмунча серсавлат жаноблар келадими, тумонат одам йиғилади. Пастор Мандерснинг ҳам шаҳардан келишини кутадилар.

Регина. У шу бугун етиб келади.

Энгстран. Ҳа, балли! Жин урсин, менинг ҳақимда у ҳалигидай, майда-чуйда гап қилишини хоҳламайман. Тушундингми?

Регина. Бундоқ денг.

Энгстран. Нима?

Регина (*тик қараб*). Бу нимаси, пастор Мандерсга тагин қанақа тихирлик қилмоқчисиз?

Энгстран. Тес... тес... эсингни едингми? Нега пастор Мандерсга тихирлик қиларканман! Бўлмаган гап, пастор Мандерс менга яхшилик қилса қилдики, ёмонлиги йўқ. Демак, шундай экан, мен шу кеча уйга жўнайман. Бу вайдан сенга келандим.

Регина. Менга қолса, бу ердан қанча тез жўнасангиз, шунча яхши.

Энгстран. Ҳа-да. Сени ҳам ўзим билан олиб кетмоқчиман, Регина.

Регина (*ҳанг-манг бўлиб*). Мени? Нималар деяпсиз?

Энгстран. Сени уйга олиб кетмоқчиман, деяётиман.

Регина (*жирканиш билан*). Асло! Ҳеч қачон!

Энгстран. Мана кўрамиз.

Регина. Ҳа, ишончингиз комил бўлсин, кўрсак кўраверамиз. Мен шу камергер хоним қўлида катта бўлдим... Бу уй — ўз уйим, ўлан тўшагимдай бўлиб қолди. Сиз билан бирга нега кетарканман? Ўша уйгами? Туф!..

Энгстран. Жин урсин сени! Ўз отангга қарши қўл кўтараётганингни биласанми, қизи тушмагур?!

Регина (*унга қарамасдан, тўнғиллайди*). Ўзингиз неча марта айтгансиз, мен сизга қиз бўлиб қаёққа бордим...

Энгстран. Э-эй! Буни эслаб нима қиласан?

Регина. Неча бор мени сўккансиз, ҳақоратлагансиз...

Энгстран. Йўқ, бўлмаган гап, бундай ҳақоратомуз сўзларни ҳеч қачон айтмаганман!

Регина. Сиз нималар деганингизни биламан-ку, ахир!

Энгстран. Ҳа, бундай гаплар фақатгина ўшанда... Мастлигимда бўлган бўлиши мумкин... Ҳм! Эҳ, дунёда бундай қилгилик билан суяги қотганлар тўлиб-тошиб ётибди-ку, Регина!

Регина (*энсаси қотиб*). Бас!

Энгстран. Онанг ҳам бир вақтлар ана шундай билганидан қолмаган. Ўшанда уни у-бу қилиб йўлга солиш керак бўлиб қолган. Димоғидан қурт ёғиларди. (*Масхаралаб.*) “Қўйиб юбор, Энгстран! Бас қил! Мен рошпа-роса уч йил Русенволлда, Камергер Алвинг хонадонида юмушда бўлганман”. (*Заҳарханда билан.*) Ўзинг кечир, эй худованди карим, бу ерда юмуш қилиб юрганда капитан камергер лавозимига тайинланганлигини бир нафас бўлса ҳам эсидан чиқаришни истамади.

Регина. Шўрлик онам... Сиз уни қора ерга тикдингиз.

Энгстран (*каловланиб*). Ундоқ бўлса ҳам, бундоқ бўлса ҳам, барибир мен айбдор!

Регина (*ўғирилиб, аста-секин*). Бас!.. Яна бу оёққа бало борми?..

Энгстран. Нималар деяётибсан, қизим?

Регина. *Pied de motion!*¹

Энгстран. Бу нимаси, инглизчасига олаётибсанми?

Регина. Ҳа.

Энгстран. Ҳа-да. Сени бу ерда ўргатиш керак бўлса, ҳамма нарсага ўргатишган. Мана энди кунимизга ҳам яраб қолади, Регина.

Регина (*бироз жим туриб*). Мен сизга шаҳарда нимага керак бўлиб қолдим?

Энгстран. Отангинг ёлғиз фарзанди бўлсанг-у, тагин ундан “сизга нимага керак бўлиб қолдим”, деб сўраб ўтирсанг, тавба? Мен сўққабош бечора эмасманми?

Регина. Қўйинг! Вайсашни бас қилинг! Мени сиз у ерда бошингизга урасизми?

Энгстран. Нима десам экан, мен бир иш қилмоқчи бўлиб юрибман, теша тегмаган бир нарсани ўйлаб кўйдим.

Регина (*жеркиб*). Сиз ўйлаган ишингизнинг қачон удласидан чиққансиз?

Энгстран. Бу гал кўрасан, Регина! Жин урсин мени!

Регина (*ер тепиниб*). Жинга бало борми, тилингизни тийинг!

Энгстран. Тес... тес... сен жуда ҳақсан, қизим, жуда... Мана мен сенга нима демоқчи эдим: янги қуриб битказилган бу етимхонада ишлаб, унча-мунча орттирганим бор.

Регина. Орттирган бўлсангиз орттиргандирсиз! Ундай бўлса, айшингизни суриб юраверинг!

Энгстран. Уни бу ерда нимага ҳам сарф қилаолардинг, увол кетади.

Регина. Бу билан нима демоқчисиз?

Энгстран. Ана ўша пулга сердаромад бир нарса қилмоқчиман. Ҳа-да, денгизчиларга қовоқхона маъносида бир нарса олмоқчиман.

Регина. Тупурдим ўша қовоқхонангизга!

Энгстран. Ажойиб бир жой бўлади, тушундингми? Мастрослар учун чўчқахонага ўхшаган унақа-мунақа жой деб ўйлама! Жин урсин, ундай эмас! Капитан, штурман, қолаверса, ман-ман деган жаноблар учун, тушундингми?!

Регина. Демак у ерда мен...

Энгстран. Сенми? Унаганингда кошкийди. Фақатгина кўрк бўлиб турардинг, холос, тушундингми? Ҳеч қанақа қора ишни, худо ҳақи, сенга рўпара қилмасдим, қизим! Қандай хоҳласанг, шундай яшайверардинг.

Регина. Тушунарлик!

Энгстран. Хотин кишисиз, барибир, иш битмайди. Бу нарса, худо ҳаққи, аён. Оқшом меҳмонларнинг оз-моз бўлса ҳам кўнглини олиш, хурсанд қилиш керак-ку, ахир... Хўш, бунда музика, рақс, ўйин-кулги ва ҳоказо. Шунингдан чиқармаки, денгизчилар — кўп иш кўрган кишилар. Денгизни ўз уйларидай қилиб олганлар... (*Унга янада яқинлашиб.*) Нодон бўлма, қўй, ўз йўлингни ўзинг тўсма, Регина! Сен бу ерда нима барака топасан? Кошки, сенинг мулла бўлишинга бойвучча ойим қилган сарфдан бирор наф бўлса? Эшитдим, сен бунда, янги етимхонада чурвақалар кетидан юришинг лозим эмиш. Наҳотки, буни сен ўзингга эп кўрсанг? Уч пулга қиммат болалар учун ўзингни ўтга-чўққа урсанг!

¹ Оёқ эмас, оғоч бу! (*Ингл.*)

Регина. Йўқ! Кошкийди, мен ўйлагандай бўлса, унда... Эҳтимол мен ўйлагандай ҳам бўлиб чиқар. Ажаб эмас, шундай бўлса ҳам...

Энгстран. Нима бўлиши мумкин?

Регина. Бу сизнинг ишингиз эмас, ташвишланманг... Хўш, жамгарган пулингиз кўпми?

Энгстран. Ҳа, етти юз-саккиз юз кронга етиб қолади.

Регина. Чакки эмас.

Энгстран. Ишни бошлашга етади, қизим!

Регина. Менга ўшандан бир оз чегириб бериш кўнглингизда борми?

Энгстран. Йўғ-эй! Рост гапни айтсам, буни ҳеч ўйламаганман.

Регина. Бирор марта бўлса ҳам, менга кўйлакли газмол юборишни ўйламадингизми?

Энгстран. Мен билан шаҳарга бирга кетсанг, ҳаммаси бўлади, кўйлак деганинг кўш-кўш...

Регина. Хоҳлаганимда, сизсиз бир ўзим ҳам бораверардим.

Энгстран. Йўқ, отанг паноҳида йўлга чиқсанг, адашмайсан, Регина. Энди, билсанг, Кичик Гавана кўчасида яхшигина бир уй менинг кўлимга кирай деб турибди. Нақд пул ҳам унча керак эмас. Ана ўша уйни денгизчилар учун бир жой қилиб қўйсанг, қани...

Регина. Билсангиз, сизнинг уйингизда тургим йўқ. У ерда нима ҳам қиламан. Туёғингизни шиқиллатинг!

Энгстран. Меникида узоқ ўтириб қолмайсан! Ҳамма гап шунда. Икки йилда жуда соҳибжамол бўлиб етилдинг. Ўз ишингни билиб қилсанг борми...

Регина. Нима дедингиз?

Энгстран. Унча кўп ҳам вақт ўтмасдан, қарабсанки, аллақандай штурманни ёки бўлмаса, бирор капитанни тузоғингга илинтирасан...

Регина. Унақасига тобим йўқ. Денгизчилар табиатида ҳеч қандай *savoir vivre* йўқ!¹

Энгстран. Нима дединг?

Регина. Денгизчиларни яхши биламан, дедим. Улар билан турмуш қуриб барака топмайди ҳеч ким.

Энгстран. Уларга турмушга чиқмасанг, чиқма. Бусиз ҳам ишинг беш бўлади. (*Овозини пасайтириб, жиддий ҳолда.*) Ҳов, эсингдами, ўз кемасида келган инглиз... Уч юз долларни индамасдан ташлаб кетди-я... Хўш, унинг бошини айлантирган ўша қиз сендан чиройлимиди?

Регина (*унга ўшқириб*). Йўқолинг кўзимдан!

Энгстран (*тисарилиб*). Ҳа, нима, юмма таламоқчимисан?

Регина. Ҳа! Яна онам руҳини безовта қилсангиз, унда ўзингиздан кўринг, тарсаки тортиб юбораман! Кўзимдан йўқолинг, деяётибман, йўқолинг! (*Уни боққа қараган эшикка чекинтиради.*) Эшикни қаттиқ ёпманг тагин! Бойвачча...

Энгстран. Биламан, ухлаётибди. Бойвачча атрофида гирдикапалак бўлишинг бежиз эмас! (*Овозини пастлаб.*) Эҳ-ҳа!.. Ҳали бирор иш бўлиб қолгани йўқми, ишқилиб...

Регина. Туёғингизни шиқиллатиб қолинг тезда! Айниб кетдингиз. Эзма чол!.. Ҳой, у ёқдан юрманг. У ёқдан пастор келаётибди. Энди орқадаги зинадан чиқиб кетинг!

Энгстран (*ўнга юриб*). Хўп, майли. Сен у билан гаплашиб ҳам кўр. У сента болалар ўз отаси билан қандай муомала қилишлари кераклигини ўргатиб қўяди... Инчунун, мен сенинг ҳарҳолда, отанг бўламан-ку... Черков китобида ёзиғлик, исботлаб бераман. (*Регина унга очиб турган бошқа бир эшик томон юради ва чиқиб кетиши билан, дарров эшик қулфланади.*)

Регина бирпасда ўзини ойнага солади, рўмол билан елшинади, бўйнидаги галстукни тузатиб қўяди. Кейин гуллар олдида ўралашади. Боққа қараган эшикдан балконга пастор Мандарс киради, эгнида пальто, кўлида зонтик, елкасида йўл сумкаси ҳам бор.

¹ Турмуш-турмиш қобилияти. (*Фр.*)

П а с т о р М а н д е р с. Салом, ойпошша Энгстрани!

Р е г и н а (*ўзирилиб, ҳайратомуз севинч билан қарайди*). Салом-алайкум, пастор жаноблари! Пароход етиб келдимиз?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳозиргина. (*Хона ичига киради.*) Аммо, шу кунларда об-ҳаво ўлғудай бемаза бўлаётибди-да...

Р е г и н а (*унинг ортидан юриб*). Қишлоқ хўжалик соҳибларига жуда қулай об-ҳаво, Пастор жаноблари!

П а с т о р М а н д е р с. Тўғри-тўғри, сиз, албатта, ҳақсиз. Биз шаҳарликлар бу ҳақида кам ўйлаймиз. (*Устидаги пальтони ечмоқчи бўлади.*)

Р е г и н а. Рухсат этинг, ёрдам берайин... ана шундай. Эҳ, жиққа ҳўл-а! Ҳозир олиб бориб ташқарига илиб кўяман. Зонтикни ҳам... Уни очиб кўйган дуруст, тезда қурийди. (*Нарсаларни кўтариб, ўнг томондаги бошқа эшикка боради.*)

Пастор Мандерс елкасидан йўл сумкасини олади ва уни шляпаси билан стул устига қўяди. Регина қайтиб кирди.

П а с т о р М а н д е р с. Бошпананинг садағаси кетсанг арзийди... Хўш, қалай турибсизлар бу ерда? Ўйлайманки, ҳамма нарса жойида?

Р е г и н а. Ҳа, шундай. Ташаккур!

П а с т о р М а н д е р с. Эртаги тантана муносабати билан жуда уриниб қолгандирсиз?!

Р е г и н а. Ҳа, иш кўп.

П а с т о р М а н д е р с. Алвинг хоним уйда бўлсалар керак, деган умиддаман.

Р е г и н а. Бўлмасам-чи, ё парвардигор!.. Юқори қаватда бойваччага шоколад тайёрляптилар.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, айтгандай, мен пристанда эшитишимга қараганда Освальд келганмиш-а?

Р е г и н а. Келганига уч кун бўлди. Биз эса бугун келади, деб кутувдик.

П а с т о р М а н д е р с. Бало-қазодан холи деган умиддаман.

Р е г и н а. Ҳа, ташаккур сизга, ёмон эмас. Фақат йўл азоби гўр азоби дегандай, қаттиқ чарчаган. Париждан тўғри ҳеч қаерда тўхтамай келган. Бугун масофани, адашмасам, бир поездда босиб ўтган. Ҳозир оз-моз мизгиб олгани ётди, шунинг учун секинроқ гаплашсак ҳам ёмон бўлмайди.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, ҳа, оҳистароқ гаплашамиз.

Р е г и н а (*оромкурсини столга яқин суриб*). Марҳамат, пастор жаноблари, ўзингизга қулай қилиб, бемалол ўтираверинг.

Пастор ўтиради, Регина унинг оёғи тагига курсича қўяди.

Мана бундай бўлса, янада қулайроқдир, пастор жаноблари?

П а с т о р М а н д е р с. Ташаккур, ташаккур. Жуда соз! (*Унга қарайди.*) Сизга айтсам, ойпошша Энгстрани, наздимда, охири марта кўрганимдан анча улгайгансиз.

Р е г и н а. Наҳотки? Алвинг хонимнинг айтишича, анча тўлишган эмишман.

П а с т о р М а н д е р с. Тўлишган эмишсиз?.. Ҳа, ҳа... унча-мунча... меъёрида.

Озгина жимлик.

Р е г и н а. Бойвучча ойимга айтайми?

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, раҳмат, шошиладиган иш йўқ, жон болам. Қани, менга айтинг-чи, азизим Регина, бу ерда дадангизнинг туриш-турмиши қалай?

Р е г и н а. Ташаккур, пастор жаноблари, ёмон эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Сўнги марта шаҳарда бўлганда у менинг олдимга келган эди.

Р е г и н а. Шундайми? Пастор жаноблари билан гаплашиш имкониятига эга бўлса, ҳамиша хурсанд отажоним.

П а с т о р М а н д е р с. Сиз ҳам, албатта, бу ерда ундан тез-тез хабар олиб турсангиз керак?

Р е г и н а. Менми? Ҳа, вақт бўлса, хабар олиб тураман...

П а с т о р М а н д е р с. Сизнинг дадангиз ойпошша Энгстрэн, шахс сифатида нуқсондан холи эмас, ҳарҳолда маънавий ёрдамга муҳтож.

Р е г и н а. Ҳа, дарвоқе, шундай.

П а с т о р М а н д е р с. Унга, эндиликда, кимдир ўз ёнида бўлиши, кимгадир меҳру муҳаббат қўйиши, кимгадир сизини керак бўлиб қолди. Мен билан у сўнгги марта учрашганда мана шу гапларни айтиб қўнглини ёзди.

Р е г и н а. Менга ҳам шунга ўхшаш бир гапни айтган эди. Билмадим, Алвинг хоним нима деркин, кетишимга ижозат берармикан... Айниқса, ҳозир янги етимхона ташвиши бошланиши олдида... Мен ҳам уни ташлаб кетгим йўқ, чунки ҳамиша менга яхшилик қилган.

П а с т о р М а н д е р с. Аммо фарзандлик бурчингиз ҳам бор... Лекин, авваламбор, бека ойнингизнинг ижозатини олишингиз шарт.

Р е г и н а. Ҳарҳолда, менинг ёшимдаги бир қизчага ёлғиз қўл эркаклик уйнинг рўзгорини тебратиш қалай бўларкин?

П а с т о р М а н д е р с. Нима дедингиз? Опшоқ қизим, бу ердаги гап сизнинг ўз отангиз ҳақида бораётибди-ку!

Р е г и н а. Шундай бўлганда ҳам... Ҳарҳолда... йўқ, борди-ю, яхшигина бир уйга, чиндан ҳам дуруст, ўзини билган одам қўлига борганимда...

П а с т о р М а н д е р с. Хўш, азизим Регина...

Р е г и н а. ... Унга меҳр қўйиб, ҳурмат қилганимда, қизи ўрнига қиз бўлганимда...

П а с т о р М а н д е р с. Хўш-хўш, жон болам...

Р е г и н а. ... Унда жон-жон деб шаҳарга қайтардим. Бунда кишининг юраги сиқилади, ёлғизлик... Пастор жанобларининг ўзлари билдилар-ку, ёлғизликни. Шуни ҳам айтишга журъат қилоламанки, ишни бўлса бошлайман, жонини киритаман. Пастор жаноблари мен боп жойни билмайдиларми?

П а с т о р М а н д е р с. Менми? Йўқ, худо ҳаққи, билмайман.

Р е г и н а. Эҳ, муҳтарам пастор жаноблари... Шундай жой чиқиб қолса, мени эса тутишингизни илтимос қилардим...

П а с т о р М а н д е р с (*ўрнидан туради*). Жуда соз, жуда соз, ойпошша Энгстрэн.

Р е г и н а. ... Чунки, менга...

П а с т о р М а н д е р с. Умрингиз узоқ бўлгур, сиз менга Алвинг хонимни чақириб беролмайсизми?

Р е г и н а. Ҳозир келади, пастор жаноблари!

П а с т о р М а н д е р с (*чап томонга юриб, айвонга бориб тўхтайдди ва қўлини орқасига қилиб, боққа қарайди. Яна столга яқинлашади ва китоблардан бирини олиб, сарлавҳасини кўздан кечиради, ҳеч нарса англолмайди ва бошқасини олиб кўради*). Ҳимм! Шундай денг!

А л в и н г х о н и м чап ёндаги эшикдан чиқади, унинг орқасидан Регина пайдо бўлади ва ўша хона ичидан ўтиб, ўнг томондаги биринчи эшикка кириб кетади.

А л в и н г х о н и м (*Пасторга қўл узатиб*). Хуш келибсиз, Пастор жаноблари!

П а с т о р М а н д е р с. Ассалому-алайкум, Алвинг хоним! Мана, мен ваъдага вафо қилиб турибман.

А л в и н г х о н и м. Сиз ҳамиша ҳамма ишни ўз вақтида қиласиз.

П а с т о р М а н д е р с. Аммо-лекин, ишонинг, йўлга чиқишим осон бўлмади. Бир ёнда худонинг хоҳиши билан тузилган мана бу комиссия, бир ёнда правление — мен қатнашаётган...

А л в и н г х о н и м. Ўз вақтида келишингизнинг ўзи сизнинг олижаноблигингиз! Энди, сиз билан биз ўз ишимизни тушки овқатгача битиришимиз мумкин. Хўш, чемадонингиз қаерда?

П а с т о р М а н д е р с (*шошилиб*). Мен нарсаларимни агентликда қолдириб келдим. Ўша ерда тунайман.

Алвинг хоним (*мийғида кулиб*). Меникида тунашга бу гал ҳам журъат этолмабсиз-да?

Пастор Мандерс. Йўқ-йўқ, Алвинг хоним. Жуда миннатдорман. Лекин ҳар галгидай ўша жойда ётганим маъкул. У ер ҳам қулай, ҳам пристанга яқин.

Алвинг хоним. Майли, ихтиёрингиз. Менинг наздимда, умуман, сиз билан менга ўхшаган ёшини яшаб, ошини ошаган кишиларга барибир.

Пастор Мандерс. Эҳ, ҳазилингиз бор бўлсин! Ҳа-да, бутун бунчалик хушчақчақ эканлигингиз тушунарли. Бирламчи, эртага маросим, иккиламчи, Освальдни уйингизга олиб келиб олганлигингиз!

Алвинг хоним. Ҳа, дарвоқе, қандай бахт! Ахир, ўз уйида у икки йилдан зиёд бўлмайти-ку. Энди эса бутун қиш мавсумини мен билан бирга ўтказмоқчи.

Пастор Мандерс. Шундайми! Ҳа-да, бу ниҳоятда фарзандга хос меҳрибонлик. Бинобарин, Римда ёки Парижда яшаш бу ерда яшашдан кўра анча-мунча кўнгилли бўлса керак.

Алвинг хоним. Ҳа, тўғри, лекин бу ерда онаси бор. Эҳ, менинг суҳур болагинам, онаизорининг меҳрибони...

Пастор Мандерс. Борди-ю, жудолик, санъат каби машғулотлар ундаги табиий ҳис-туйғуларни сўндирса, жуда ачинарли бўларди, албатта.

Алвинг хоним. Нима ҳам дейиш мумкин! Бу масалада ундан ташвишланмаса ҳам бўлади. Шуниси қизиқки, сиз уни кўриб танийсизми, йўқми? У ҳали бу ерга тушди, ҳозир юқорида, диванда дам олаётибди... Ўтирсангиз-чи, марҳамат, муҳтарам Пастор.

Пастор Мандерс. Ташаккур сизга. Демак, ҳозирданоқ ишга киришаверамизми?

Алвинг хоним. Худди шундай. (*Столга яқин ўтиради.*)

Пастор Мандерс. Жуда соз. Мана шундай қилиб... (*Сумкаси қўйилган стулга боради ва ундан қоғозлар солинган жилдни олади. Столнинг бир томониغا ўлтириб, қоғозларни қўйишга жой мўлжаллайди.*) Авваламбор... (*Тутоқиб.*) Хўш, айтинг-чи, ушбу китоблар қандай қилиб бу ерга келиб қолди?

Алвинг хоним. Бу китобларми? Бу, мен ўқийтган китоблар.

Пастор Мандерс. Ҳали, сиз шунақа нарсаларни ўқийсизми?

Алвинг хоним. Ҳа, шундай, ўқийман.

Пастор Мандерс. Бундай китобларни ўқиб ақлингизга ақл ёки бахтингизга бахт қўшилаётганини пайқайтибсизми?

Алвинг хоним. Ўзимни хотиржамдай сезайтибман.

Пастор Мандерс. Қизиқ. Жуда қизиқ, қандай қилиб?..

Алвинг хоним. Ҳа, мен бу китоблардан ҳаёлимга келган жуда кўп саволларга жавоб топаётиман. Шуниси қизиқки, пастор Мандерс, аслини олганда, бу китобларда ортиқча гап йўқ. Кўпчилик ҳам шундай деб ўйлайди, лекин ўзига ҳисоб бермайди ёки шунақалигини тан олмайди.

Пастор Мандерс. Ё оллоҳ! Қандай қилиб, сиз бундай китобларга кўпчилик ишонади деб, жиддий ўйлай оласиз?..

Алвинг хоним. Ҳа, жиддий ўйлаганда қандоқ!

Пастор Мандерс. Лекин, бизда эмас-да? Бу ерда эмас, албатта!

Алвинг хоним. Йўқ, нега бундай дейсиз? Бизда ҳам худди шундай.

Пастор Мандерс. Майли, тан оламан!..

Алвинг хоним. Хўш, аслида сизнинг бундай китобларга қандай эътирозингиз бор?

Пастор Мандерс. Эътироз... Сиз мени бунақанги асарлар билан шуғулланмаслигимни биласиз-ку, ахир.

Алвинг хоним. Яъни сиз, ўзингиз қоралаётган китоблар билан таниш ҳам эмассиз?

Пастор Мандерс. Бундай рисоаларни рад этиш учун ўқиганларим етарлик.

Алвинг хоним. Ўзингизнинг шахсий мулоҳазаларингиз-чи?

Пастор Мандерс. Муҳтарам Алвинг хоним! Турмуш жараёнида кўп масалалар муҳокама қилинганда ўзгаларнинг фикри билан ҳисоблашишга тўғри

келади. Бу дунёнинг иши шундай, бир қараганда, шундай эканлиги ҳам ёмон эмас. Акс ҳолда жамиятнинг ҳоли не кечарди.

А л в и н г х о н и м. Ҳа-да. Дарвоқе, сиз ҳақсиз.

П а с т о р М а н д е р с. Мана шу билан бирга, бундай китоблар кишини ўзига жалб этиши мумкинлигини инкор қилмоқчи эмасман. Шунингдек, бу масалада, яъни шу куннинг сизда уйғотган замонавийлик анъанаси, яъни зикр этилишича, ўз ўелингизни узоқ муддатга йўллаган мислсиз жамиятдаги тафаккур ила танишиш учун бўлган ишгиёқингизда ҳеч қандай қусур кўрмайман. Лекин...

А л в и н г х о н и м. Лекин?..

П а с т о р М а н д е р с (*овозини секинлатиб*). Лекин бундай нарсалар ҳақида гапирилмайди, Алвинг хоним. Ўзинг тўрт девор ичида ўқиган, ўзинг фикр қилган гапни биров ёки жамоат билишининг сира-сира ҳожати йўқ.

А л в и н г х о н и м. Албатта. Мен ҳам шундай фикрдаман.

П а с т о р М а н д е р с. Диний масалаларга бутунлай бошқача муносабатда бўлган вақтингизда бу етимхонани қуришга, барпо этишга киришганлигингизни энди қандай баҳолашингиз ҳақида бир ўйлаб кўринг. Мен эса ўз навбатида бунни қадрлайман, албатта.

А л в и н г х о н и м. Ҳа-да, фикрингизга тўла-тўкис қўшиламан. Аммо етимхона ҳақида биз...

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, биз етимхона важдан учрашдик. Шундай қилиб, бу масалада ҳушёр бўлинг, муҳтарам Алвинг хоним, энди ўз ишларимизга ўтайлик. (*Жилдни очиб, ичидан қоғозларни олади.*) Мана, кўрдингизми?

А л в и н г х о н и м. Ҳужжатларми?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳаммаси шу ерда. Иш битди. Ишончингиз комил бўлсинки, бу ишларни ўз вақтида бажариш ҳазилакам иш бўлмади. Бундай қарорларни қабул қилиш жараёнида ҳукмдор доиралар ҳаддан ташқари инжиқлик қиладилар. Мана энди ҳаммаси жойида. (*Қоғозларни варақлайди*). Мана бу тикиб кўйилган акт Русенволл мулкига қарашли Сульвик чорбоғини назар-ниёз қилганлигингиз тўғрисида, — бинобарин, янгидан қурилган муҳташам мактаб биноси, муаллим ва қоровуллар учун қурилган уй. Мана бу қарор эса, маблағ таъсислаш ва янги етимхонанинг қонун-қоидасини тасдиқлаш ҳақида, кўрдингизми? (*Уқийди.*) “Капитан Алвинг хотирасига қурилган болалар уйининг қонун-қоидаси”.

А л в и н г х о н и м (*қоғозга узоқ тикилиб қолади*). Ниҳоят, шундай бўлди!

П а с т о р М а н д е р с. Мен камергер эмас, капитан унвонини маъқул кўрдим. Ҳар ҳолда капитан улугсифат.

А л в и н г х о н и м. Ҳа-да, сизга маъқули бизга ҳам маъқул.

П а с т о р М а н д е р с. Мана, жамғарма учун омонат кассанинг дафтарчаси. Бундаги йиғилган процентлар етимхона харажатларини қоплайди.

А л в и н г х о н и м. Ташаккур. Лекин, барака топкур, бунинг ўзингизда сақлайверинг, шу қулай.

П а с т о р М а н д е р с. Жуда соз. Фикримча, ҳозирча пулни омонат кассада сақлаб турамиз. Бундан тушадиган даромад унча кўп эмас, бор-йўғи тўрт процент, бу ҳам омонатни ярим йилга кўйиш шarti билан. Борди-ю, кейинчалик шу пулни каттароқ даромад келтирадиган қарзга бериш имкони туғилиб қолса, ўз-ўзидан маълумки, пул қўлга кириши билан яна муфассалроқ гаплашиб оламиз.

А л в и н г х о н и м. Жуда тўғри. Муҳтарам Пастер Мандерс, сиз бу ишларни мenden яхшироқ биласиз.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳарҳолда бу ишдан воқиф бўлиб тураман. Лекин, яна бир масала борки, уни сиз билан ҳал қилиб олишимиз керак.

А л в и н г х о н и м. Қандай масала?

П а с т о р М а н д е р с. Янги бинони кафолатга топшириш керакми, йўқми?

А л в и н г х о н и м. Шак-шубҳасиз.

П а с т о р М а н д е р с. Тўхтанг, сабр қилинг, бу масалани яхшироқ ўйлаб кўрайлик.

Алвинг хоним. Мен ҳамма нарсани кафолатта топшираман: қурилишни ҳам, мол-мулкни ҳам, дон-дунни ҳам, сигир-бузоқни ҳам...

Пастор Мандерс. Тўғри, бу ҳаммаси сизнинг шахсий мулкингиз. Мен ҳам шундай қиламан. Ўз-ўзидан маълум. Лекин бу ердаги гап бошқа. Бу етимхонанинг ўз олдига қўйган мақсади ниҳоятда олий, муқаддас...

Алвинг хоним. Шундай бўлганда ҳам...

Пастор Мандерс. Шахсан мен, бундай тadbир-чорани қувватлайман, бинобарин, ҳар қандай тасодифлардан холи бўламиз.

Алвинг хоним. Менга ҳам шундай туюлади.

Пастор Мандерс. ... Лекин бу ер аҳли бу масалага қандай қараркин? Сиз уларни мендан яхшироқ биласиз.

Алвинг хоним. Ҳм... бу ерликлар...

Пастор Мандерс. Бу ер аҳли ичидаги анча-мунча баобрў кишилар ушбу ишни қоралашмасмикинлар?

Алвинг хоним. Сиз эътиборли, баобрў кишилар деганингизда кимларни назарда тутаяпсиз?

Пастор Мандерс. Мен шундай кишиларни назарда тутаётиманки, ўз мансаб ва лавозимларига кўра дахлсиз ва таъсирчан бўлганликлари туфайли улар билан ҳисоблашмасликка илож йўқ.

Алвинг хоним. Ҳа, шундай деб ўйлайдиган кишилардан бир нечта топилади, агар...

Пастор Мандерс. Мана кўрдингизми! Шаҳримизда бундайлар кўп. Муқаддас ишга муккасидан кетганларни кўз олдингизга келтиринг. Бу йўлга биз қўйган қадам одамлар назарида қалбимиздан имкон қочгандай, эзгуликдан ихлосимиз қайтгандай кўринади.

Алвинг хоним. Сиз, ахир, муҳтарам Пастор жаноблари, биласиз-ку...

Пастор Мандерс. Мен-ку, биламан, биламан. Шундай бўлишига имоним комил, лекин эл оғзига элак туголмайсиз. Бундай бўлар-бўлмас гаплар муқаддас ишга халал етказиши мумкин...

Алвинг хоним. Ҳа. Бундай бўлса, унда...

Пастор Мандерс. Шунингдек, мен ўзимни ноқулай аҳволга тушиб қолишгимни эътиборга олмасдан иложи йўқ. Шаҳардаги мансабдор доиралар бу етимхона тақдири билан жуда қизиқишаётибди. У қисман шаҳар эҳтиёжига хизмат қилиши кераклиги туфайли қашшоқлар масаласи бирмунча енгиллашади. Лекин мен сизга маслаҳаттўй бўлганлигим ва ишнинг амалий томонлари билан шуғулланганлигим важадан энди черков ихлосмандларининг хуружидан ўзини эҳтиёт қилишим лозим...

Алвинг хоним. Ҳа, бундай хавф-хатардан ўзингизни сақлашингиз керак.

Пастор Мандерс. Ҳали, машҳур газета ва журналлардан, шак-шубҳасиз, бошимга ёғиладиган ҳужум тошларини ҳисобга олмаганда...

Алвинг хоним. Бас, етар, муҳтарам пастор Мандерс. Шу фикрнинг ўзи ҳамма ишни ҳал қилади.

Пастор Мандерс. Демак, сиз кафолатта топширишни истамайсиз.

Алвинг хоним. Йўқ. Бундан воз кечамиз.

Пастор Мандерс (*стулга суюниб*). Борди-ю, бирорта бахтсизлик юз берса-чи? Буни билиб бўладими? Зарарни сиз қоплайсизми?

Алвинг хоним. Йўқ, очигини айтганда, буни бўйнимга ололмайман.

Пастор Мандерс. Алвинг хоним, бундай ҳолда, билсангиз, зиммамизга шундай масъулиятни олаётимизки, одамни ўйлашга мажбур этади.

Алвинг хоним. Сизнингча, бошқача йўл тутишимиз мумкинми?

Пастор Мандерс. Йўқ, ҳамма гап шундаки, иложимиз йўқ. Биз ўз ҳақимизда бўлар-бўлмас гапларга йўл қўймаслигимиз ва дуоғўйларнинг нафратига қолмаслигимиз лозим.

Алвинг хоним. Ҳар ҳолда, сизга, пастор бўлганлигингиз учун ҳам, бундай қилиш ҳеч тўғри келмайди.

Пастор Мандерс. Менга ҳам бундай муассасани Тангри таоло ихтиёрига ҳавола қилишдан бошқа чорам йўқдай кўринади.

А л в и н г х о н и м. Тангрига илтижо қиламиз.

П а с т о р М а н д е р с. Демак, шундай қолдирамиз.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шак-шубҳасиз.

П а с т о р М а н д е р с. Жуда соз. Майли, сиз айтганча бўлсин! (*Ёзади.*)
Шундай қилиб, кафолатта тоштирилмайди.

А л в и н г х о н и м. Қизик, жуда қизик, келиб-келиб шу бугун гаширдингиз-а...

П а с т о р М а н д е р с. Мен бир неча марта бу ҳақда сиз билан гаплашмоқчи бўлган эдим.

А л в и н г х о н и м. Куни-кеча бу уйнинг ўт олишига сал қолди.

П а с т о р М а н д е р с. Нима дедингиз?

А л в и н г х о н и м. Умуман олганда, ҳеч гапмас, ёнган нарса ҳаммаси бўлиб, дурадгордан қолган пайраҳалар.

П а с т о р М а н д е р с. Энгстран ишлаган жойдан ўт чиқдимми?

А л в и н г х о н и м. Айтишларича, у ўт-оловга жуда бепарво эмиш.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, унинг калласи минг хил ўй, минг хил айш-ишрат билан банд. Худога шукурким, ҳарҳолда, энди эшпителишга қараганда, у турмушини ўнглаб олмоқчига ўхшайди.

А л в и н г х о н и м. Шундайми? Кимдан эшитдингиз?

П а с т о р М а н д е р с. Унинг ўзи айтди. Бунинг устига, заҳматкаш.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, ичмаганда...

П а с т о р М а н д е р с. Эҳ, бу қилмиш-қидирмиш! Лекин унинг айгишича, вақт-бевақт ичишига ногирон оёғи сабабмиш. Сўнгги марта шаҳарга тушганида мени ҳайратда қолдирди, бу ердан унга иш топиб берганлигимдан, Регинани тез-тез кўриб туриш имкониятига эга бўлганлигидан менга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

А л в и н г х о н и м. У билан, менимча, тез-тез кўришмаса керак.

П а с т о р М а н д е р с. Қандай бўлди, у кунда учрашамиз деганди-ку.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, балки, шундайдир.

П а с т о р М а н д е р с. У, кимдир ёнида ҳамиша бўлиши кераклигини, ёмон йўлдан қайтариб туриши лозимлигини яхши билади. Бу — Якоб Энгстраннинг энг дуруст фазилати. Шўрлик нотавон, ўз қилмишидан ўзи пушаймон. Сўнгги марта учрашганимда, менга очигини айтди... Қулоқ солинг, Алвинг хоним, у Регинани ўз ёнида бўлишини чин кўнгилдан истаса...

А л в и н г х о н и м (*ўрнидан “дик” туриб*). Регинани!

П а с т о р М а н д е р с. ... Сиз қаршилиқ кўрсатмаслигингиз керак.

А л в и н г х о н и м. Йўқ, қаршилиқ кўрсатганда қандоқ! Ҳа, бундан ташқари... Регина етимхонадан иш олади.

П а с т о р М а н д е р с. Лекин, ўйлаб кўринг, ҳарҳолда, у қизга ота-ку.

А л в и н г х о н и м. Эй, мен унинг қанақа ота бўлганлигини яхши биламан. Ҳа, уни отаси ёнига юбормаслик учун кўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

П а с т о р М а н д е р с (*ўрнидан туриб*). Аммо, Алвинг хоним, кўп ташвишланаверманг. Дарвоқе, сиз дурадгор Энгстранга бунчалик муносабатда бўлишингизнинг ўзи кишини ачинтиради. Ҳатто, сиз кўрқиб кетгандай ҳам бўлдингиз...

А л в и н г х о н и м (*хотиржамлик билан*). Билмайман, қандай бўлмасин Регинани мен ўз уйимга, ўз ихтиёримга олганман, энди у ҳеч қасққа кетмайди. (*Қулоқ солиб.*) Тес... бас, муҳтарам пастор Мандерс, бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз. (*Хурсандчиликдан кулиб.*) Эшпителишсизми? Освальд зинапоядан тушиб келаётибди. Энди фақат у билан шуғулланамиз.

О с в а л ь д. А л в и н г устида енгил пальто, қўлида шляпа, узун ёғоч трубкани чеккан ҳолда чап эшикдан кириб келади.

О с в а л ь д (*эшик олдида тўхтаб*). Авф этасиз, мен идорада бўлсангиз керак деб ўйлабман. (*Яқинлашиб.*) Салом-алайкум, пастор жаноблари.

П а с т о р М а н д е р с (*ҳайратланиб*). Вожабо!.. Таажжуб!

Алвинг хоним. Ҳа, энди бунга нима дейсиз?

Пастор Мандерс. Буни қаранг-а... Наҳотки, рост бўлса?..

Освальд. Ҳа, шундай, пастор жаноблари, сизнинг ҳузурингизда ўша адашган ўғил.

Пастор Мандерс. Лекин, менинг навқирон азиз дўстим...

Освальд. Ўз уйига қайтган, деб қўшиб ҳам қўяйлик.

Алвинг хоним. Освальднинг расом бўлишлитига сиз қаршилиқ кўрсатган кунларга ишора қилаётибди.

Пастор Мандерс. Анча-мунча нарсага инсон кўзи шубҳа билан қараши мумкин, аммо кейинчалик... (*Освальднинг қўлини қисади.*) Офарин, офарин! Лекин, азиз Освальд... Сизга шу хилда мурожаат қилсам, кўнглингизга келмайдимми?

Освальд. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми?

Пастор Мандерс. Жуда соз. Шундай қилиб, азизим Освальд, сизга айтсам, расомлар табақасини ўз-ўзидан таҳқирлаяпти, деб ўйламанг. Менимча, бу доирадаги кишиларнинг кўпчилиги ўз қалбларини покиза тутишлари мумкин.

Освальд. Шундай деб умид қиламиз.

Алвинг хоним (*мамнунлик билан*). Мен ҳам тани, ҳам дили поклигича қолган бир кишини биламан. Унга назар ташланг, пастор Мандерс!

Освальд (*хона ичида юриб*). Қўйинг, ойи, бу гапларни!

Пастор Мандерс. Ҳақиқатан, буни инкор этиб бўлмайди. Бунинг устига сиз шухрат топаётибсиз. Газеталар тез-тез номингизни мамнуният билан тилга олиб турганликларини биламиз. Лекин, кейинги пайтда жимиб қолгандай.

Освальд (*гул ёнида туриб*). Сўнгги кунларда унчалик кўп ишлолмадим.

Алвинг хоним. Санъаткорга дам керак.

Пастор Мандерс. Тасаввур қила оламан. Ҳарқалай, катта иш қилиш учун ҳозирлик кўриш, шайланиш лозим.

Освальд. Ҳа... Ойи, қачон овқатланамиз?

Алвинг хоним. Ярим соатдан кейин. Ишпаҳаси, худога шукур, ёмон эмас.

Пастор Мандерс. Чекиши ҳам.

Освальд. Мен юқорида отамдан қолган трубкани топиб олдим, мана энди...

Пастор Мандерс. Мана масала қерда!

Алвинг хоним. Нима дедингиз?

Пастор Мандерс. Освальд трубкани чекиб, бу ерга кирганида унинг отаси кўз олдимда тирик тургандай бўлди.

Освальд. Чинданми?

Алвинг хоним. Бундай дейишга қандай журъат этдингиз? Освальд менинг ўзгинам-ку.

Пастор Мандерс. Ҳа, аммо унинг мийиғидаги тахлар, лабларининг аллақерлари отасининг худди ўзгинаси, икки томчи сувдай. Айниқса, чекаётганда.

Алвинг хоним. Менга ундай кўринмайди. Аксинча, Освальд мийиғидаги тахлар пасторларнинг мийиғини эслатади.

Пастор Мандерс. Ҳа. Шундай. Дарвоқе, ҳамкасбларим орасида мийиғи шу хилдагилар кўп.

Алвинг хоним. Трубкангни қўй, болагинам, бу ерда чекилса туролмайман.

Освальд (*итоаткорона*). Жоним билан. Шунчаки, тортиб кўраётган эдим, болаликда бир чекканимни эслаб...

Алвинг хоним. Сенми?

Освальд. Ҳа. Мен ҳали унда болакай эдим. Бир оқшом отам хонасига кирганим эсимда. У жуда хушчақчақ кўринарди...

Алвинг хоним. Эй, у довур сенинг ёдингда йўқ.

Освальд. Жуда яхши эслайман. У мени тиззасига ўтқазиб, трубка чекарди. Чек, ўғлим, яхшилаб чек, деди. Мен жон-жаҳдим билан тортдим, токи рангимдан қон қочиб, манглаймни тер босганча. Шунда у қаҳ-қаҳ уриб кулди.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳмм... таажжуб...

А л в и н г х о н и м. Эҳ, буни Освальд тушида кўрган.

О с в а л ь д. Йўқ, ойи, тушим эмас, эсингиздан чиқдим, кейин келиб, мени болалар хонасига олиб кетдингиз. У ерда мазам қочди, сиз йиғладингиз... Отам бундай қилиқларни тез-тез қилиб турармиди?

П а с т о р М а н д е р с. У ёшлигида жуда шўх бўлган...

О с в а л ь д. Шундай бўлса ҳам, умрида анча иш қилиб кетган экан-да. Бири-бирдан фойдали ишлар. Аслида кўп ҳам яшамаган.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, сиз чинакам зўр фаолиятли ва баобрў номга вориссиз, азизим Освальд! Алвинг! Умид қиламизки, унинг руҳи сизни қўллаб-қувватлайди...

О с в а л ь д. Шундай бўлиши эҳтимол эди. Шундай бўлиши керак эди.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳарқалай, отангиз хотирасини шарафлаш куни уйга қайтиб, жуда ажойиб иш қилгансиз.

О с в а л ь д. Отам учун бундан кўра арзимас бирор нарса қилишим мумкинми?

А л в и н г х о н и м. Ҳаммасидан муҳими мента, бу ерда — ёнимда узоқроқ туришга розилик берганлигидир!

П а с т о р М а н д е р с. Бу ерда қишлаб қоласиз деб эшитдим.

О с в а л ь д. Менинг бунда қанча бўлишим аниқ эмас, пастор жаноблари... Эҳ, уйингда бўлиш қандоқ яхши!

А л в и н г х о н и м (*хурсанд бўлиб*). Ҳа, ростдан ҳам шундайми?

П а с т о р М а н д е р с (*қувватлагандай қараб*). Сиз ўз ошиёнингиздан жуда эрта қанот қоқдингиз, азизим Освальд!

О с в а л ь д. Ҳа, баъзан наздимда ҳаддан зиёд эрта кўринади.

А л в и н г х о н и м. Буни қаранг! Бакувват, соғлом бола учун бу керак. Айниқса, ёлғиз ўғилга. Бундай болани ота-она қанотида асрашнинг ҳожати йўқ. Боқибегам бўлиб ўсади.

П а с т о р М а н д е р с. Бу ҳали ҳал бўлмаган масала, Алвинг хоним. Ота-она уйи бола учун ҳамisha энг яхши истиқомат жойи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

О с в а л ь д. Пастор фикрига қўшиламан.

П а с т о р М а н д е р с. Мана, ўғлингизни олайлик. Олдида гапирсак, ҳечқиси йўқ... Хўш, ўз уйидан кетиш унга не фойда берди? У ҳозир йигирма олти-йигирма еттига бориб қолган бўлса ҳам, ҳалигача уй-жой нималигини билмайди.

О с в а л ь д. Авф этасиз, пастор жаноблари, бу масалада адашаётисиз.

П а с т о р М а н д е р с. Шундайми? Мен сизни деярли рассомлар доирасида бўлгансиз деб ўйлагандим.

О с в а л ь д. Ҳа, шундай.

П а с т о р М а н д е р с. Айниқса ёшлар даврасида.

О с в а л ь д. Бу ҳам тўғри.

П а с т о р М а н д е р с. Фикримча, уларнинг на уйланишга, на уй-жой қилишга қурби етади?!

О с в а л ь д. Тўғри, пастор жаноблари, кўпчилигининг уйланиш имконияти йўқ.

П а с т о р М а н д е р с. Мен ҳам шуни айтаётиман-да...

О с в а л ь д. Лекин бу нарса уларга уй-жой қилишга ҳеч қандай халақит бермайди. Баъзи бирларининг эса шинамгина уй-жойлари ҳам бор.

Алвинг хоним суҳбатни диққат-эйтибор билан кузатаркан,
бошини чайқаб қўяди.

П а с т о р М а н д е р с. Мен бўйдоқларга уй-жой ҳақида гашираётганим йўқ. Уй-жой деганимда оила, хотин, бола-чақани назарда тутаётиман.

О с в а л ь д. Тўғри, бошқача қилиб айтганда, ўз бола-чақаси билан ёки бола-чақасининг онаси билан туради.

П а с т о р М а н д е р с (*қўл силтаб қалтирайди*). Эй, худованди карим!

О с в а л ь д. Нима бўпти?

П а с т о р М а н д е р с. Ўз бола-чақасининг онаси билан яшармиш!

О с в а л ь д. Сизнинг фикрингизча, ўз болаларининг онасидан воз кечиши керакми?

П а с т о р М а н д е р с. Демак, сиз қонунсиз муносабат ҳақида гапираётибсиз? Яъни “ҳаром” никоҳ тўғрисида?

О с в а л ь д. Эр-хотиннинг бундай туриш-турмушида ҳаромликни сезганим йўқ.

П а с т о р М а н д е р с. Лекин, наҳотки эркак ёки хотин шундай туриш-турмушга рози бўлса, ҳаммининг кўз ўнгида?

О с в а л ь д. Уларнинг нима ҳам иложи бор? Шўрлик ёш рассом, қашшоқ қиз... Уйланишга пул керак. Бошқа нима ҳам қила олардилар?

П а с т о р М а н д е р с. Нима ҳам қила олардилар, дейсизми? Мана мен сизга, жаноб Алвинг, нима қилишлари кераклигини айтиб бераман. Аввал-бошдан ўзларини бир-бировларидан олис тутишлари лозим, мана, масала қаерда!

О с в а л ь д. Сиз бундай ваъз-насиҳатлар билан ошиқ-маъшуқ қалбларни тўхтатолмайсиз.

А л в и н г х о н и м. Тўхтатолмаслигингиз турган гап.

П а с т о р М а н д е р с (*давом этиб*). Ҳайронман, қандай қилиб, бундай шармандаликка ҳоқими мутлоқ чидайдим?! Бунинг устига, очикдан-очик йўл қўйиб қўйишган. (*Алвинг хоним ҳузурда тўхтаб.*) Мана, кўрдингизми, ўзингиз ҳақида бекордан-бекорга тапвишланмаган эканман-а? Ахлоқсизлик шунчалик яланғоч кўринган, ҳатто одат тусига кириб кетган бундай доираларда...

О с в а л ь д. Рухат этинг, пастор жаноблари сизга айтсам, мен ҳар якшанба икки-уч шундай “қинғир” оилаларда бўлганман.

П а с т о р М а н д е р с. Яна якшанба кунлари-я!

О с в а л ь д. Бўлмаса қайси кун? Аммо у оилаларда ахлоқсизлик у ёқда турсин, ҳатто бир оғиз ҳам номаъқул гап эшитганим йўқ. Биласизми, мен рассомларнинг қайси доираларида ахлоқсизликнинг гувоҳи бўлдим?

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, худога шукур, билмайман.

О с в а л ь д. Сизга шу нарсани айтишга журъат эта оламан. Бундай ахлоқсизликни биз рассомларга ҳурмат билдириб, гариб қовоқхоналаримизга бирор серсават ҳамшаҳарларимиздан, тимсол бўла оладиган эрлардан, оилабоши оталардан келишганда кўрганман. Ана ўшанда хўп эшитганмиз! Бу жаноблар бизга шундай гапларни айтиб беришганки, етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган.

П а с т о р М а н д е р с. Нима дейсиз? Сиз ўша серсават ҳамшаҳарларимизни шунақа кишилар деб...

О с в а л ь д. Сиз чет элларга бориб келган ўша одамлардан у ёқларда ахлоқсизлик авж олиб кетаётганлигини эшитмаганмисиз?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, энди...

А л в и н г х о н и м. Мен ҳам эшитганман.

О с в а л ь д. Эшитган бўлсангиз, бемалол ишонаверинг. Уларнинг ичида учига чиққанлари ҳам бор. (*Бошини ушлаб.*) Эҳ! Яна шундай гаплардан кейин, гўзал, мунаввар, эркин ҳаёт юзига лой чаплаш мумкинми!

А л в и н г х о н и м. Бунчалик ҳаяжонланма, Освальд, сенга мумкин эмас.

О с в а л ь д. Сиз ҳақсиз. Мумкин эмас... Бу ҳаммаси лаънати чарчаш оқибати, биласан. Мен кетдим, овқатгача бир айланиб келаман. Авф этинг, пастор жаноблари, мендан хафа бўлманг, бирдан тутоқиб кетдим. (*Унгадаги иккинчи эшикдан чиқиб кетади.*)

А л в и н г х о н и м. Шўрлик болагинам!..

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, нима деса ҳам бўлади. Мана масала қаерга бориб етган!

Алвинг хоним унга тикилиб қолади. Дам олдинга, дам орқага юради.

— У ўзини адашган ўғил деб атади. Шундай, эвоҳ! Эвоҳ!

Алвинг хоним аввалгидай жимгина унга тикилади.

— Хўш, сиз бу гапга нима дейсиз?

А л в и н г х о н и м. Освальднинг ҳамма гапи тўғри.

П а с т о р М а н д е р с (*тўхтаб*). Тўғри! Тўғри!.. Шундай фикрда бўлатуриб, ҳақми?

А л в и н г х о н и м. Танҳолигимда мен ҳам шундай фикрга келганман, пастор жаноблари, лекин бундай мавзуларга ёндошишга журъат этолмаган эдим. Мана, энди, ўғлим мен учун гапиришга ҳақли.

П а с т о р М а н д е р с. Аҳволингизга ачинса бўлади, Алвинг хоним. Энди, сизни жиддий огоҳлантириб қўйишим керак. Эндиликда мени ҳузурингиздаги маслаҳатгўй ва ишончли кишигина эмас, сизнинг ва эрингизнинг эски дўсти ҳам эмас, балки ўз умрингизнинг энг даҳшатли ҳақиқатларида туриб берган маънавий отангиз, деб билгайсиз.

А л в и н г х о н и м. Хўш, маънавий отам менга нима демоқчи эканлар?

П а с т о р М а н д е р с. Авваламбор, хотирангизга равшанлик киритмоқчиман. Ҳозир энг қулай пайт. Эртага эрингиз ўлганига ўн йил бўлади, марҳум хотирасига обида қўйилади. Мен халойиқ олдида чиқиб гапираман... Бугунги сўзимни ўзингизгагина бағишлайман.

А л в и н г х о н и м. Яхши, пастор жаноблари, гапираверинг.

П а с т о р М а н д е р с. Эсингиздами, никоҳ тўйингиздан кейин бир йил ўтар-ўтмас, жар ёқасига бориб қолдингиз? Уй-жой, оилангизни ташлаб, эрингиздан қочиб кетдингиз... Шундай, Алвинг хоним, қочиб кетгансиз, ҳа, қочгансиз, унинг ёлборишларига қарамасдан қайтишдан воз кечгансиз!

А л в и н г х о н и м. Эрга теккан йилим нечоғлик бахтиқаро бўлганлигим ёдингиздан кўтарилдими?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, ана шу-да, бу дунёда бахтга ҳирс қўйишнинг ўзи исёнкор руҳ билан сугорилган! Биз, одамлар, бахт даъво қилишга қандай ҳаққимиз бор? Йўқ, Алвинг хоним, биз ўз бурчимизни адо этишимиз керак. Шунингдек, сизнинг бурчингиз — бир умрга ўзингиз танлаган ва Тангри таоло бошингизни қовуштирган кишига ҳамиша вафодор бўлмоқни тақозо этарди.

А л в и н г х о н и м. Сиз, Алвинг, ўша вақтларда нечоғлик айш-ишратга берилганлигингизни билармидингиз?

П а с т о р М а н д е р с. У ҳақида шундай гаплар бўлганлигидан хабарим бор. Агар ўша гап-сўзларга ишониш керак бўлса, мен унинг ёшлигидаги хулқ-атворини ҳаммадан кўра кўпроқ қоралайман. Лекин, хотин киши ўз эрига қозиликка қўйилмаган. Сизнинг вазифангиз парвардигорнинг иродаси билан зиммангизга юкланган бурчни бўйин товламай адо этишдан бошқа гап эмас эди. Сиз эса фиғонингиз фалакка чиқиб, ушбу бурчни тарк этдингиз, тойган кишига суянчиқ бўлиш ўрнига, уни ташлаб кетдингиз, шундай қилиб, ўз шаънингизга гап тегиздингиз, ўзгаларнинг шаънини ҳам булғашингизга сал қолди.

А л в и н г х о н и м. Ўзгаларни? Ўзгани демоқчисиз?

П а с т о р М а н д е р с. Менинг уйимдан ўзингизга паноҳ излаганингиз ниҳоятда бемаънилик бўлган.

А л в и н г х о н и м. Маънавий отамизнинг уйдан-а? Оиламизнинг дўстиникидан қидирганим-а?

П а с т о р М а н д е р с. Шунинг учун тангрига шукур қилингки, иродам шунчалик мустаҳкам экан... Сизни бузуқ ниятларингиздан халос этиб, Тангри таолонинг қудрати ила тўғри йўлга солиб, ўз уйингизга, ўз эрингизга қайтара олдим.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, пастор Мандерс, бу, шак-шубҳасиз, сизнинг хизматингиз.

П а с т о р М а н д е р с. Мең бу масалада худованди каримнинг ихтиёридаги бир банда мўминман, холос. Ўзингиз ўйлаб кўринг, нимаики қилган бўлсам, бари сизнинг шаънингизга, келажак умрингизга фойдали бўлмадими? Айтганларим келмадими? Алвинг адашган йўлидан юз ўтirmaдими, тавбасига таянмадими? Хуллас, ўшандан кейин то умрининг охиригача сиз билан ўтган кунлари тинч-тотув ва меҳру муҳаббатли бўлмадими? Ўз юртининг саховатли кишиси бўлиб танилмадими, сизни ўз корхоналарининг ҳаммасида ўзига кўмақдош билиб, номингизни улуғламадими? Мақтаса мақтагудай ишбилармон кўмакчи — ҳа, бу менга маълум, Алвинг хоним. Мен бунинг учун тасанно

дейишим керак. Мана, энди мен умрингизда иккинчи марта рўй бериб турган хатоликнинг гувоҳи бўлиб турибман.

А л в и н г х о н и м. Бу билан нима демоқчисиз?

П а с т о р М а н д е р с. Бир вақт жуфти ҳалолликдан бош тортгандай, кейинчалик оналик бурчингиздан ҳам юз ўгирдингиз.

А л в и н г х о н и м. Нима-нима?..

П а с т о р М а н д е р с. Сиз ўз иродангизнинг машъум руҳига ҳамиша кул бўлиб келдингиз, ҳамиша бебош, қонун-қоидасиз ҳаётга хайрихоҳлик кўрсатдингиз. Сиз бурчга ҳамиша сабру тоқатсизлик билан қарадингиз. Ҳеч нарсдан андиша қилмай, виждонингиз олдида хижолат чекмай, зиммангиздаги юкни кўтариш-кўтармаслик худди ўзингизга боғлиқ бўлгандай уни елкангиздан иргитиб ташламоқчи бўлдингиз. Сизга жуфти ҳалоллик бурчи малол келиб қолганлигидан ундан қўл силтадингиз, оналик бурчи оғирлик қилгандай ўз ўғлингизни бегона кишилар ихтиёрига топширддингиз.

А л в и н г х о н и м. Тўғри, шундай қилганман.

П а с т о р М а н д е р с. Шунинг учун ҳам ўз ўғлингизга бегона бўлиб қолгансиз.

А л в и н г х о н и м. Йўқ, йўқ, ундай эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Шундай. Шундай ҳам бўлиши керак эди. Сиз уни қандай топдингиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, Алвинг хоним, сиз эрингиз олдида, дарҳақиқат, гуноҳкорсиз, унинг хотирасига обида қўйиш билан гуноҳингизга иқрор бўлаётибсиз. Ўғлингиз олдидаги гуноҳларингизни ҳам тан олинг. Балки, уни ҳали ҳаққи ҳалол йўла қайтаришга вақт бордир. Бу масалада ўзингиз бош қотириб, уни қолган-қутган хатолардан сақлаб қолинг. Ҳа-да, (*кўрсаткич бармоғини кўтариб*). Худо ҳаққи, осий волидасиз, Алвинг хоним! Сизга буни айтиб қўйишни бурчим деб биламан.

Сукунат.

А л в и н г х о н и м (*секин-аста, ўзини тўтиб олиб*). Шундай қилиб, ҳозир кўнглингиздаги гапларни айтиб олдингиз, эртага эрим хотирасига бағишлаб халойиқ олдида ваъз сўзлайсиз. Мен эса эртага гапирмайман. Аммо, эндиликда, мен ҳам сиз билан худди сиз мен билан гаплашгандай гаплашиб олмоқчиман.

П а с т о р М а н д е р с. Ўз-ўзидан маълумки, ўзингизни оқламоқчи бўласиз...

А л в и н г х о н и м. Йўқ. Ундай эмас, бор гапни айтмоқчиман, холос.

П а с т о р М а н д е р с. Хўш?

А л в и н г х о н и м. Сиз ҳозир айтган ҳамма гапларингизни, яъни айтишингизча, мени эгри йўлдан тўғри йўлга солганингиздан кейинги эрим ҳақида, бизнинг турмушимиз ҳақида айтган гапларингизни... ўз кўзингиз билан кўрганингиз йўқ. Ўшандан кейин сиз бизнинг дўстимиз ва ҳамиша азиз меҳмонимиз бўлатуриб, хонадонимизга келмай қўйдингиз.

П а с т о р М а н д е р с. Шу гаплардан кейиноқ сизлар шаҳардан кўчиб келдингизлар-да.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, лекин сиз ҳали эрим кўзи тириклигида бу жойимизга бирор марта бўлса ҳам келганингиз йўқ. Сизнинг келишингизга зиммангизга олган мана шу ишлар — етимхона қурилиши сабаб бўлди.

П а с т о р М а н д е р с (*секин, ҳадиксираб*). Элена... Борди-ю, гина қилаётган бўлсангиз, илтимос қилардимки, баъзи бир ҳолларни эътиборга...

А л в и н г х о н и м. ... Лавозимингизни, унвонингизни олишимни... Ҳа. Бунинг устига мен ўз эримни ташлаб қочган хотин эдим. Бундай тентак хотинлардан иложи борича нарироқ туриш керак эди-да, ахир.

П а с т о р М а н д е р с. Азизим... Алвинг хоним, сиз ҳаддан ташқари муболага қилиб юбордингиз...

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шундай бўлса, бўла қолсин, айтмоқчи бўлган гашим шуки, менинг оилавий ҳаётим ҳақида, ўйламай-нетмай, кўча-кўйдаги гапларга ишониб фикр юритаётибсиз.

П а с т о р М а н д е р с. Борди-ю, шундай бўлса, нима бўпти?

А л в и н г х о н и м. Мен сизга ҳозир бўлган гапни айтиб бераман, Мандерс. Буни сизнинг ўзингизга, ёлғиз ўзингизга қачондир айтиб бериш учун онг ичганман.

П а с т о р М а н д е р с. Хўш, бўлган гап нимадан иборат экан?

А л в и н г х о н и м. Шундан иборатки, эрим бу дунёда қанчалик расво бўлган бўлса, у дунёга ҳам ўшандай кетди.

П а с т о р М а н д е р с (*стул суянчиғини ушлаб туриб*). Нималар деяпсиз?

А л в и н г х о н и м. Ўн тўққиз йил турмуш қилганимиздан кейин ҳам, сиз бизни никоҳлашингиздан аввал қандай бузуқбош ёки ўз эҳтиросларининг қули бўлган бўлса, худди шундайлигича ўлиб кетди.

П а с т о р М а н д е р с. Демак, сиз ёшлик хатоларини, баъзи бир йўлдан тойишларини... Боринг-чи, айш-ишрагларини бузуқбошлик демоқчи бўласизми!

А л в и н г х о н и м. Хонадонимиз врач шундай деб атарди.

П а с т о р М а н д е р с. Сизни ҳеч тушунолмаётман.

А л в и н г х о н и м. Тушунишнинг ҳожати ҳам йўқ.

П а с т о р М а н д е р с. Бошим қотди. Демак, сизнинг эр-хотинлигингиз, бир ёстиққа бош қўйиб, кўрган узоқ умрингиз жаҳаннамнинг, хаспўшлаган жаҳаннамнинг ўзгинаси экан-да?

А л в и н г х о н и м. Худди шундай. Энди сизга маълум.

П а с т о р М а н д е р с. Бунга... бунга тезда кўникишим қийин. Ҳазм қилолмайман... Наҳотки, шундай бўлиши мумкин?.. Қандай қилиб, эл кўзидан яшириниб қолди экан?..

А л в и н г х о н и м. Ошкор бўлмаслиги учун мен кечаю кундуз тинмасдан курашдим. Освальд туғилганда Алвинг бироз юввош торггандай бўлди. Бу кўшга бормади. Мен эса ўлимнинг отаси ким ва қанақалигини ҳеч ким, ҳеч қачон билмаслиги учун янада баттароқ курашдим. Бунинг устига, эримнинг ёқимтойлигини, ҳаммага ёқишлигини билардингиз-ку, у ҳақда ёмон фикрда бўлиш кимнинг хаёлига келибди? У шундай одамлардан эдики, қандай номаъқулчилик қилса ҳам, халойиқ олдида бояғидай ўз обрўсида қолаверарди. Мана энди Мандерс, бу ёғини ҳам билиб қўйинг... Охири шундай бўлдики, иш разилликка бориб етди.

П а с т о р М а н д е р с. Илгаригиси ҳолва бўлиб қолди денг?

А л в и н г х о н и м. Аввал бошда бунга унчалик эътибор бермадим. Ҳолбуки, кўча-кўйда мендан яшириб қилиб юрган ишларини жуда яхши билардим. Бундай шармандалик уйимизга кириб келганда...

П а с т о р М а н д е р с. Нима, нима? Шу ерда дейсизми?

А л в и н г х о н и м. Ҳа, худди шу жойда, ўз уйимизда. Ана унда (*бармоғи билан ўнг қўлдаги биринчи эшикни кўрсатиб*). Емакхонада бу гапдан биринчи хабар тоқдим. Нима бўлди-ю, мен ўша томонга ўтдим, лекин эшикни зич ёпмаган эканман. Бир вақт, қулоқ солсам, уй чўримиз чорбоғдан айвонга чиқиб гулларга сув сепаётибди...

П а с т о р М а н д е р с. Хўш, хўш?

А л в и н г х о н и м. Кўп фурсат ўтмасдан Алвинг кирди ва унга шивирлаб алланималар деди-да, бирдан... (*Асабий қулиб.*) Оҳ, бу эшитган сўзларим ҳамон қулоғимда аллақандай янграйди, эласам, қалтираб кетаман, ақл бовар қилмайди ҳам!.. Менинг чўрим унга пичирлаб: “Кўйиб юборинг, жаноб камергер, қўйиб юборинг!” деганини ўз қулоғим билан эшитганман.

П а с т о р М а н д е р с. Қандай ярашмаган, бемаънилик! Лекин бу гапларнинг ҳаммаси бемаъниликдан бўлак нарса эмас, Алвинг хоним. Ҳа, ишонаверинг!

А л в и н г х о н и м. Нимага ишонишим кераклигини билиб олдим. Камергер ўша қиздан шундай нарса ортгирдики... Кейинчалик бу муносабат кўрсатадиганини кўрсатди, пастор Мандерс.

П а с т о р М а н д е р с (*ҳуши учиб*). Ҳамма иш шу уйда бўлди денг! Шу уйда!

А л в и н г х о н и м. Мен бу уйда кўп нарсага чидадим. Уни оқшомлари, кечалари ҳам, шу уйда олиб қолиш учун улфатчилик қилдим, юқорида ётиб олиб ичган кунлари унга шерик бўлдим... У билан ўлтирардим, уриштириб ичардим, пойма-пой гапларига, алжирашларига қулоқ солардим, кейин ўрнига олиб бориб ётқизиш учун муштлашишимизга сал қоларди...

П а с т о р М а н д е р с (*ҳангу-манг бўлиб*). Сиз шуларнинг ҳаммасига чидармидингиз, ҳаммасига-я!

А л в и н г х о н и м. Биргина ўғлим туфайли ҳаммасига чидардим. Аммо, охирги марта оёғости қилганда ўз чўрим билан... Мен ўз-ўзимга қасамёд қилдимки, бу ишга энди барҳам бериш керак! Шундай қилиб ҳукми олийни ўз қўлимга олдим, уйда айтгани-айтган, дегани-деган бека бўлиб қолдим, унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам сўзим ўтарди... Энди менинг қўлимда унга қарши қурол пайдо бўлди, гиринг деёлмас эди. Мана ўшандай бир пайтда Освальдни жўнатдим. У етти ёшга қадам қўйиб, унча-мунча нарсани пайқайдиган, ҳамма болаларга ўхшаш савол берадиган бўлиб қолган эди. Мен бунга чидолмадим, Мандерс. Менинг наздимда, бола бу уйда нафас олганда ҳаво билан бирга микробларни ҳам қўшиб ютаётгандай кўринарди. Мана, нима учун мен уни жўнатиб юбордим. Энди сиз ҳам, менга отасининг кўзи тириклигида ўз уйининг остонасини бир марта бўлса ҳам босмаганлигини тушунгандирсиз. Мен чеккан бу азобларни ҳеч ким билмайди.

П а с т о р М а н д е р с. Худо ҳаққи, жуда кўп азоб-уқубат чеккансиз!

А л в и н г х о н и м. Агар юмуш билан банд бўлмаганимда бунга бардош беролмасдим. Ҳа, журъат билан айтоламанки, меҳнат қилдим. Мана, бу ер майдонларини кенгайтирилганлиги, яхшиланганлиги, парвариш тошанлиги, фойдали янги қўлланмаларни жорий этилганлиги туфайли Алвингни мақтаб, кўкларга кўтардилар, ўйлайсизки, унинг бунга ғайрат-шижоати етармиди? Худонинг берган қуни у диванга чўзилиб, эски-туски адрас-тақвимларни арақларди! Йўқ, энди мен сизга ҳамма гапни айтиб бераман. Унинг иши ўнгидан келган кунлари бундай шароитни унга мен ўзим яратиб берганман, жинниси тугиб, яна ичиб расвои радди маърака бўлган кезлари бутун оғирликни ўз елкамга олганман, у бўлса тарала бедод!..

П а с т о р М а н д е р с. Ҳали сиз шундай кишига ҳайкал қўймоқчимисиз?

А л в и н г х о н и м. Менинг нопок виждоним ана шуни даъват қилаётибди.

П а с т о р М а н д е р с. Нопок... бу қандай бўлди?

А л в и н г х о н и м. Менга ҳеч қачон ҳақиқат юзага чиқмасдан иложи йўқдай туюларди. Шундай қилиб, мана бу етимхона ҳамма гап-сўзларни шак-шубҳаларнинг устини хаспўшлайдигандай туюларди.

П а с т о р М а н д е р с. Сиз, албатта, ўз ҳисоб-китобингизда адашганингиз йўқ.

А л в и н г х о н и м. Менда бунга яна бошқа сабаб бор эди. Лекин менинг ўғлим Освальд ўз отасининг бирор нарсасига меросхўр бўлишини хоҳламадим.

П а с т о р М а н д е р с. Алвингнинг пулига-я?

А л в и н г х о н и м. Ҳа. Мен ҳар йили бу етимхона учун даромаднинг бир қисмини йиғиб бордим, токи лейтенант Алвинг уйлангунгача унинг қўлида қанча пул бўлган бўлса, шунча бўлди.

П а с т о р М а н д е р с. Гапларингизни тушуниб турибман.

А л в и н г х о н и м. Менга қанча пул сарфлаган бўлса, шунча пул тўшладим. Мен бу пулнинг Освальдга ўтишини сира истамайман. Менинг ўғлим керак бўлган бутун дов-дастакни мендан қабул қилиб олиши керак.

Освальд Алвинг ўнг томондаги эшикдан киради, на бошида шляпа,
на эгнида пальто бор. Алвинг хоним унга юзма-юз боради.

Дарров қайтиб келдингми, болагинам?

О с в а л ь д. Иложи йўқ. Сайр этиб бўлмайди, ёмғир шаррос қуяётибди. Эшитишимча, ҳозир дастурхонга ўтиришимиз керак, шундайми? Кўнгилдаги иш!

Р е г и н а (*қўлида пакет билан емакхонадан чиқиб келади*). Бу мактуб сизга, бека ойим. (*Узатади.*)

А л в и н г х о н и м (*насторга қарайди*). Эҳтимол, эртанги бўладиган маросим очилишига дебочадир.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳимм...

Р е г и н а. Дастурхон тайёр.

А л в и н г х о н и м. Жуда соз. Ҳозир борамиз. Мен фақат бир нарсани истардим... (*пакетни очади*).

Регина (*Освальддан*). Кўнгиллари қизил ёки оқ портвейнни тусайдими, жаноб Алвинг?

Освальд. Уни ҳам, буни ҳам, ойпошша Энгстран.

Регина. Виеп!¹ Хўп бўлади жаноб Алвинг. (*Емакхонага кириб кетади.*)

Освальд. Шишаларни очишга ёрдамлашиш керак... (*Унинг ортидан боради, эшикни қаттиқ ёпмайди.*)

Алвинг хоним (*пакетни очиб*). Ҳа, шундай деб ўйлаган эдим. Эртанги маросимга дебоча, пастор Мандерс.

Пастор Мандерс (*қўлларини қовуштириб*). Эртага нутқ сўзлашга менда журъат етармикин?

Алвинг хоним. Қандай бўлмасин, бир амаллайсиз-да!

Пастор Мандерс (*емакхонадагилар эшитмаслиги учун секин гапиради*). Ҳа, кишиларнинг юрагига ўт ёқмаслик керак-ку, ахир!

Алвинг хоним (*овозини пастлаб, қатъият билан*). Ҳа, шундай. Аммо бундан кейин тамом-вассалом. Узоқ чўзилган азоб-укубатли комедия тугайди. Эрта ўтиб индига мен учун марҳум йўқ, гўёки ҳеч қачон бу уйда у яшамагандай. Бу ерда фақат менинг ўғлим ўз онаси билан қолади, холос.

Емакхонада шовқин-сурон кўтарилади, стул ағангани эшитилади ва Регинанинг кескин шивирлаши қулоққа урилади.

“Освальд! Эсингни едингми? Кўйиб юбор мени!” (*Алвинг хоним қалтираб кетади.*) Нима! (*Қия очиқ қолган эшикдан эсдан оққандай қарайди.*)

Емакхонадан аввал Освальднинг йўтал товуши келади, сўнг аллақандай қўшиқни хиргойи қилгани ва ниҳоят шишаларнинг оғзини очганлиги эшитилади.

Пастор Мандерс (*жирканиб*). Бу қандай бемаънилик? Қандай гап бу, Алвинг хоним?

Алвинг хоним (*хириллаб*). Арвоҳлар! Айвондаги ошиқ-маъшуклар... У дунё келгиндилари...

Пастор Мандерс. Нималар деяётибсиз? Регина? Демак, у?...

Алвинг хоним. Ҳа, шундай, қани кетдик. Туя кўрдингми — йўқ!.. (*Пасторнинг қўлидан ушлаб, алдам-қалдам оёқ босиб, у билан емакхонага кириб кетадилар.*)

П а р д а.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша хона. Ташқарида ҳамон қуюқ туман қошлаган манзара. Пастор Мандерс билан Алвинг хоним емакхонадан чиқиб келишади.

Алвинг хоним (*остонага етар-етмас*). Ош бўлсин, жаноб пастор. (*Оишхона томонга ўгирилиб.*) Освальд, сен биз билан бирга юрмайсанми?

Освальд (*емакхонада туриб*). Йўқ, таклифларингиз учун ташаккур, пича айланиб келсам, деб турибман.

Алвинг хоним. Бора қол, бора қол. Ёмғир ҳам тўхтади. (*Емакхонанинг эшигини ёпиб, даҳлиз эшигига яқинлашади.*) Регина!

Регина (*киравериш хонадан туриб*). Лаббай?

Алвинг хоним. Дазмоллайдиган хонага бориб, гулчамбарлар тайёрлашга ёрдамлашиб юбор.

Регина. Хўп бўлади, бека ойим.

Алвинг хоним Регинанинг чиқиб кетганлигига қаноат ҳосил қилгач, эшикни ёпиб орқага қайтади.

¹ В и е п — Жуда соз! (*Франц.*)

П а с т о р М а н д е р с. Бу ердаги гап ўглингизга эшитилмас-а?

А л в и н г х о н и м. Йўқ, эшик ёпиб қўйилса, эшитилмайди. Дарвоқе, у хозир чиқиб кетади.

П а с т о р М а н д е р с. Мен ҳамон ўзимга кела олмаяпман. Таомларингиз қанчалик лаззатли бўлмасин, томоғимдан ўтмаганига ҳайронман.

А л в и н г х о н и м (*ҳаяжонини босиш учун у ёқдан-бу ёққа юриб*). Мен ҳам гангиб қолдим. Энди нима қиламиз?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, нима қилиш керак? Ростини айтсам, ақлим бовар қилмайди. Бунақа ишларда менинг ҳеч қанақа тажрибам йўқ.

А л в и н г х о н и м. Мен аминманки, ҳали масала ишқал бўлишга етганича йўқ.

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, худо асрасин! Аммо, ҳар қалай, ножўя ишнинг бошлангани аниқ.

А л в и н г х о н и м. Хотирингиз жам бўлсин, бу Освальднинг шунчаки шўхлигидан бўлак нарса эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Такрор айтаман, бунақа ишларга менинг ақлим етмайди, шундай бўлса ҳам назаримда...

А л в и н г х о н и м. Регинани бу ердан узоқлаштириш керак, албатта. Буни иложи борича тезроқ амалга ошириш керак. Бу ўз-ўзидан маълум...

П а с т о р М а н д е р с. Бошқа иложи йўқ.

А л в и н г х о н и м. Лекин, қаёққа? Ахир биз уни...

П а с т о р М а н д е р с. Қаёққа бўларди? Уйига, отасининг олдига.

А л в и н г х о н и м. Қаёққа дедингиз?

П а с т о р М а н д е р с. Отасиникига... Дарвоқе, Энгстранининг... Ё парвардигор, наҳотки, бу тўғри бўлса? Ҳарқалай, сиз янглишмаяпсизми?

А л в и н г х о н и м. Афсуски, мен ҳеч нарсада янглишганим йўқ. Иоханна ҳаммасини тан олди. Алвинг ҳам иқрор бўлди. Шундан кейин бу ишни имижимида бостириб юборишдан бошқа чора қолмади.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, дарвоқе, бошқа нима ҳам қилиб бўларди?

А л в и н г х о н и м. Чўримизни, яъни Иоханнани ўша заҳотиёқ жўнатиб юбордик. Ҳеч кимга оғиз очмайсан, деб мўмайгина пул ҳам бердик. Қолганини ўзи эплаштирибди: шаҳарга бориб, дурадгор Энгстран билан эски ошначилигини тиклабди. Ўзининг тузуккина маблағ орттирганлигини маълум қилиб, гўё бу ерга ёзда кемада келган аллақандай муҳожир ҳақида латифа тўқиган бўлса керак. Шундан кейин улар тезликда никоҳдан ўтишган. Айтгандек, уларни сиз ўзингиз никоҳлагансиз-ку.

П а с т о р М а н д е р с. Буни қандай баҳолаш керак... Энгстран, никоҳ ўқиб қўйсангиз, деб ялиниб келганда унинг қанчалик хафа кўрингани, келин билан қилиб қўйган енгилтакликлари учун ўкиниб тавба-тазарру этгани... ҳануз кўз олдимда.

А л в и н г х о н и м. Айбни ўз бўйнига олишга тўғри келган-да.

П а с т о р М а н д е р с. Муғамбирлик ҳам эви билан-да! Яна менинг ҳузуримда-я! Якоб Энгстрандан буни ҳеч қачон кутмаган эдим. Унинг шунақа таъзирини берайки! Билиб қўйсин!.. Бунақа ахлоқсизлик... Пул учун-а!.. Жувоннинг ёнида қанча пул бўлган?

А л в и н г х о н и м. Уч юз специй-даллер.

П а с т о р М а н д е р с. Буни қаранг-а, аллақандай уч юз даллер учун ярамас бир хотинни ўз никоҳига олиш!

А л в и н г х о н и м. Мен ҳақимда нима дейсиз? Ахир мен ҳам шунақа тубан эркакнинг никоҳига ўтганман-ку.

П а с т о р М а н д е р с. Худо асрасин! Нималар деяпсиз?! Тубан эркак билан дейсизми?..

А л в и н г х о н и м. Ёки, сизнингча, мен Алвинг билан никоҳ тожини кийганимда унинг гуноҳи Иоханнаникидан камроқ бўлганми?

П а с т о р М а н д е р с. Буларнинг ўртасида таққослаб бўлмайдиган тафовут бор...

А л в и н г х о н и м. Йўқ, бунчаликмас. Тўғрироғи, фарқи фақат нарҳида эди. Арзимаган уч юз даллер ва бир умрга етгулик бойлик.

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, бу мутлақо бир-бирига қовушмайдиган нарсалар. Ахир, сиз ўз қалбингиз амрига ва яқин кишиларингиз маслаҳатига бўйсунгансиз.

А л в и н г х о н и м (*унга қарамасдан*). Сиз қалб амри, деб айтган нарса ўша пайтда мени қасққа чорлаганини англагандирсиз, деб ўйлаган эдим.

П а с т о р М а н д е р с (*совуққонлик билан*). Агар бирор нарсани фаҳламаганимда борми, эрингизнинг ҳар куни меҳмони бўлмаган бўлардим.

А л в и н г х о н и м. Ҳарқалай, шу нарса шубҳасизки, ўша пайтда мен ўзим билан яхшироқ кенгашиб кўрмаганман.

П а с т о р М а н д е р с. Лекин яқин кишиларингиз: онангиз ва иккала холангиз билан маслаҳатлашгансиз, шундай бўлиши ҳам керак эди.

А л в и н г х о н и м. Бу тўғри. Улар учовлашиб мен учун қарор қилишган. Бунақа таклифни рад этиш — бориб турган бефаросатликнинг ўзгинаси, деган фикрга тез ва осонгина кўниб кўя қолишганига ҳеч ақлим бовар қилмайди. Бу ажойиб никоҳ-қовушувининг оқибати нима бўлганлигини онам гўридан чиқиб бир кўрса эди!

П а с т о р М а н д е р с. Оқибат нима бўлишлигини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди. Ҳарқалай сизларнинг никоҳларингиз қонуний тартибда бўлганлиги шубҳасиз.

А л в и н г х о н и м (*дераза олдига бориб*). Ҳа, бу қонун ва тартиб! Ер юзидаги барча бахтсизликларнинг сабабчиси ҳам шу қонун ва шу тартиб бўлса керак, деган фикр тез-тез хаёлимга келадиган бўлиб қолди.

П а с т о р М а н д е р с. Алвинг хоним, осийлик қилиясиз.

А л в и н г х о н и м. Эҳтимол. Лекин одамнинг қўл-оёқларини ипсиз боғлаб кўядиган бу шартли нарсалар билан ортиқча ҳисоблаша олмайман. Мен озодлик истайман.

П а с т о р М а н д е р с. Бу билан нима демоқчисиз?

А л в и н г х о н и м (*дераза раҳини чертиб*). Алвингнинг қандай ҳаёт кечирганлигига парда ёпмаслигим керак эди. Аммо ўша вақтда мен ҳадиксираш туфайли бошқача йўл тутмаганман. Айтгандек, ўзимнинг шахсий мулоҳазаларим туфайли шундай қилганман. Шунақа кўрқоқ эдим.

П а с т о р М а н д е р с. Кўрқоқ эдим дейсизми?

А л в и н г х о н и м. Унинг қилмишлари одамларнинг қулоғига етса, улар мени айблашарди. “Бечора! Хотини шунақа бўлгандан кейин аламидан маишатга берилган-да! Ахир, хотини уни бир марта ташлаб кетган-ку!” дейишлари турган гап эди.

П а с т о р М а н д е р с. Шундай дейишга маълум даражада ҳақлари ҳам бор эди-да.

А л в и н г х о н и м (*унга тик қараб*). Агар мен ҳадиксирамаганимда Освальдни ёнимга чақириб олардим-да, “Уелим, қулоғингга куйиб ол, сенинг отанг бузуқбош бўлиб ўтган” деган бўлар эдим...

П а с т о р М а н д е р с. Ё тавба...

А л в и н г х о н и м. ... Сўнг унга, ҳозир сизга гапирганимдек, ҳаммасини бирма-бир айтиб берган бўлардим.

П а с т о р М а н д е р с. Хоним, бу гапларингиздан жаҳлим чиқиши мумкин.

А л в и н г х о н и м. Биламан, биламан. Бу фикрлар менинг ўзимни ҳам газаблантиради. (*Дераза олдидан нари кетиб.*) Мен мана шунақа кўрқоқман.

П а с т о р М а н д е р с. Демак, сиз бурчингиз, вазифангиз бўлган нарсани кўрқоқлик деб атаясиз! Болалар ўз ота-оналарини яхши кўришлари, ҳурмат қилишлари лозимлигини унутиб қўйдингизми?

А л в и н г х о н и м. Баҳслашиб ўтирмайлик. Ўзимизга шундай бир савол берайлик: Освальд камергер Алвингни яхши кўриши ва ҳурмат қилиши керакми?

П а с т о р М а н д е р с. Наҳотки, оналик қалбингиз ўзингизнинг отасига бўлган меҳр ва эътиқодини барбод этишни даъват қилса?

А л в и н г х о н и м. Ҳақиқат-чи, уни нима қиласиз?

П а с т о р М а н д е р с. Эътиқод-чи?

А л в и н г х о н и м. Эътиқод, эътиқод! Агар, мен бунақа кўрқоқ бўлмаганимда...

П а с т о р М а н д е р с. Алвинг хоним, эътиқод ва эзгуликни рад этманг. Бу оғир мусибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, гап Освальд ҳақида кетаётган бир пайтда бундай қилишингиз ярамайди. Аммо шунини айтишим мумкинки, Освальднинг назарида, отаси — унинг учун ибрат.

А л в и н г х о н и м. Бу масалала ҳақсиз.

П а с т о р М а н д е р с. Унинг хаёлидаги бундай тасаввурни ўзингиз яратгансиз ҳамда мактубларингиз билан тобора мустаҳкамлаб боргансиз.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, мен бурч ва ҳар хил мулоҳазалар андишасига борганман. Шунинг учун ҳам ўғлимга ёлғон гапирганман, бир умр алдаб келганман. Оҳ, нақадар қўрқоқлик, нақадар қўрқоқлик.

П а с т о р М а н д е р с. Сиз ўғлингиз қалбида эзгу хаёл яратгансиз, Алвинг хоним... Бунинг аҳамиятини камситманг...

А л в и н г х о н и м. Ҳим, ким билсин, аслини олганда бу яхшими, йўқми?! Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам Регина билан ўғлимнинг ўртасида бирон нарсанинг бўлишига сира йўл қўймайман. Бечора қизни бахтсиз қилдирмаслигим лозим.

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, худо асрасин! Бу даҳшат бўлур эди!

А л в и н г х о н и м. Агар у бунга жиддий қараётганлигини, Регина билан бахтиёр бўлишларини билсам...

П а с т о р М а н д е р с. Нима? Қандай қилиб?

А л в и н г х о н и м. Лекин бунинг бўлиши амри маҳол. Афсуски, Регина унақа эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Борди-ю... Нима демоқчи эдингиз?

А л в и н г х о н и м. Агар бунақа аянчли қўрқоқ бўлмаганимда ўғлимга, Регинага уйлан ёки ўз турмушларингизни қандай хоҳласанглар шундай кураверинглар, фақат ёлғону хиёнат аралашмасин, деган бўлардим.

П а с т о р М а н д е р с. Ё тавба!.. Уларни қонуний никоҳлаш! Ахир бу, қулоқ эшитмаган бир даҳшат-ку!..

А л в и н г х о н и м. Қулоқ эшитмаган дедингизми? Пастор Мандерс, ўзингиз яхшилаб бир ўйлаб кўринг-чи, атрофимизда ана шундай бир-бирга яқин қариндош бўлган эр-хотинлар озми?

П а с т о р М а н д е р с. Мен сизни сира тушунмаяпман.

А л в и н г х о н и м. Тушунаясиз ҳам дейлик.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, албатта, сиз содир бўлиши мумкин бўлган ҳолларни назарда тутаясиз, яъни... Тўғри, бахтга қарши оилавий турмуш ҳамиша ҳам ўзининг софлиги билан ажралиб турмайди. Лекин сиз ишора қилаётган ҳодисалар ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмас, ҳар қалай аниқ бир нарса билишмайди. Ҳозирги ҳолда эса, аксинча... Сиз она бўла туриб ўғлингизнинг...

А л в и н г х о н и м. Мен-ку буни истамайман. Бундай бўлишига сира йўл қўйгим йўқ! Ҳеч қачон! Ахир, мен шу ҳақида қайгурияпман-ку.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа-ҳа, ўзингиз айтгандек, қўрқоқлигингиз учун. Борди-ю, қўрқоқлик қилмасангиз-чи?.. Ё раббий, ўта қабиҳ бир никоҳ бўлур эди!

А л в и н г х о н и м. Ахир ҳаммамиз ҳам, айтишларига қараганда, ана шунақа никоҳ оқибатида яралганмиз-ку, оламда бунақа тартибни ким ўрнатган ўзи, пастор Мандерс?

П а с т о р М а н д е р с. Бунақа масалаларни сиз билан муҳокама қилиб ўтирмаймиз. Сиздаги руҳ бу ҳақда фикр юритишга ожизлик қилади. Лекин, бу сиздаги қўрқоқликнинггина аломати, деб қандай айта оласиз?..

А л в и н г х о н и м. Бу ҳақда мен мана қандай фикрдаман: менинг вужудимда арвоҳнамо бир нарса мавжудки, мен ундан ҳеч қутула олмаяпман. Шунинг учун ҳам қўрқоқман.

П а с т о р М а н д е р с. Сиз уни нима деб атадингиз?

А л в и н г х о н и м. Арвоҳнамо бир нарса. Ҳали емакхонада Регина билан Освальднинг гапларини эшитганимда, — наздимда нариги дунёдан чиқиб келганлар тургандек бўлиб туюлди. Лекин, ҳаммамиз ҳам ўша ёқдан чиқиб келганмиз, деб ўйлашга ҳам тайёрман, пастор Мандерс. Ота-оналаримиздан мерос қолган одатларгина эмас, балки аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган, лекин ҳамон яшаб келаётган эски тушунчалар, ақидалар ва бошқа шу сингари

нарсаларнинг таъсири ҳам бизда кучли. Буларнинг ҳаммаси эндиликда вужудимизда яшамаётган бўлса-да, лекин шунақа қаттиқ ўрнашиб олганки, улардан кутулиб бўлмайди. Кўлимга газета олдимми, бас, ўша гўрдан чиқиб келганлар сатрлар орасидан менга кўринаверади. Ҳа, бутун мамлакатни ана шунақа арвоҳлар босиб кетган бўлса керак. Улар худди денгиз остидаги қумдек беҳисоб... Биз эса нотавон қўрқоқлар, ёруғликдан қўрқамиз!..

П а с т о р М а н д е р с. Мана, бу ўқиган китобларингизнинг оқибати!.. Ажойиб самара! Эҳ, ўша жин ургур талвасали, эркин фикрли қиссаю баёнлар!

А л в и н г х о н и м. Сиз янглишяпсиз, муҳтарам пастор. Менда фикр уйғотган ўзингизсиз... Сизга шон-шарафлар бўлсин.

П а с т о р М а н д е р с. Менга?!

А л в и н г х о н и м. Ҳа, сиз айтган бурч ва мажбуриятга мени бўйсунингиз мажбур қилган ўзингизсиз. Бутун вужудим қақшаб қаршилиқ кўрсатган нарсаларни кўкларга кўтариб мақтаган сизсиз. Мана, ниҳоят сизнинг таълимингизни таҳлил қила бошладим. Мен фақат битта тугунни ечмоқчи бўлган эдим. Лекин ўша тугунни ечишим ҳамон ҳаммаси чок-чокидан сўкилиб кетди. Унинг шунчаки йўрмалаб қўйилган чок эканлигини шундагина билдим.

П а с т о р М а н д е р с (*ҳаяжонланиб, секин*). Наҳотки, бутун умримни баҳшида қилганим бу оғир кураш натижасида эришган ютуқларим шу бўлса...

А л в и н г х о н и м. Буни, яхшиси, ўзингизнинг энг аянчли маълумиятингиз, деб қўя қолинг.

П а с т о р М а н д е р с. Бу менинг ҳаётимдаги энг улкан ғалаба эди, Елена. Ўз устимдан ўзимнинг ғалаба қилишим эди бу.

А л в и н г х о н и м. Бу иккимизга қарши қаратилган жиноят эди.

П а с т о р М а н д е р с. Жиноят! “Мана мен, ихтиёрингиздан!” дея телбаларча қичқириб ҳузуримга кириб келганингизда, қонуний эрингизга қайтинг, деганим жиноятмиди? Наҳотки, бу жиноят бўлса?

А л в и н г х о н и м. Ҳа, менга шундай туюлади.

П а с т о р М а н д е р с. Биз бир-биримизни тушунмаяпмиз.

А л в и н г х о н и м. Ҳарқалай, тушунмайдиган бўлиб қолдик.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳеч қачон... ҳеч қачон, ҳатто, ўзимнинг энг сирли хаёлларимда ҳам сизга дўстимнинг рафиқасидан бўлак муносабатда бўлмаганман.

А л в и н г х о н и м. Ростдан-а?

П а с т о р М а н д е р с. Елена!..

А л в и н г х о н и м. Одам осонгина эсидан чиқарар экан.

П а с т о р М а н д е р с. Мен эмас. Мен ҳаминша қандоқ бўлган бўлсам, ҳозир ҳам ўшанинг ўзиман.

А л в и н г х о н и м (*ган оҳангини ўзгартриб*). Ҳа-ҳа-ҳа, ўтмиш ҳақида бошқа гаплашмаймиз. Ҳозир сиз ўз комиссия ва мажлисларингизга бутун бошингиз билан шўнғиб кетгансиз, мен эса бу ерда нималардир деб алжиб ўлтирибман, у дунё бу дунё арвоҳлари билан курашмоқдаман.

П а с т о р М а н д е р с. Бу дунёдагиларидан кутулишингизда сизга кўмаклашаман. Сиздан эшитган даҳшатли хабарлардан кейин, тажрибасиз бир қизни сизнинг уйингизда қолдиришга виждоним йўл қўймайди.

А л в и н г х о н и м. Уни бирон ерга жойлаштириб қўйганимиз маъқул бўлмасмикин? Яъни бирон яхши кишига эрга берсак.

П а с т о р М а н д е р с. Шак-шубҳасиз. Ўйлайманки, бу тadbир унинг учун ҳар томонлама айни муддао бўлур эди. Регина айни шунақа ёшдаки... Тўғрироғи, мен бунақа ишлардан мутлақо беҳабарман, лекин...

А л в и н г х о н и м. Регина эрта етилди.

П а с т о р М а н д е р с. Шунақами? Эсимда, уни конфирмацияга тайёрлаган вақтимдаёқ балоғатга етиб қолган эди. Лекин ҳозирча уни уйига, отасининг назорати остига юбориб туриш керак... Ҳа, айтгандек, Энгстран унинг... Наҳот, у мени шунчалар алдаса!

Эшик тақиллайди.

А л в и н г х о н и м. Ким бўлди экан? Кираверинг!

Э н г с т р а н (*ясанган-тусанган ҳолда, эшик олдида пайдо бўлади*). Авф этгайсиз, лекин...

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа-ҳа! Ҳим!

А л в и н г х о н и м. Э, бу сизми, Энгстран?

Э н г с т р а н. Бу ёқда хизматкорлардан ҳеч ким йўқ экан, шунинг учун ҳам эшигингизни тақиллатишга журъат этдим.

А л в и н г х о н и м. Қани-қани, кираверинг. Менда ишингиз бормиди?

Э н г с т р а н (*кира туриб*). Йўқ, миннатдорман. Пастор жанобларига бир оғиз сўзим бор, холос.

П а с т о р М а н д е р с (*у ёқ-бу ёққа юриб*). Ҳм, шунақами? Мен билан гаплашмоқчимисиз? А?

Э н г с т р а н. Ҳа, сиз билан гаплашишни жуда истардим.

П а с т о р М а н д е р с (*унинг олдига бориб тўхтади*). Хўш, нима гапингиз бор эди, қулоғим сизда.

Э н г с т р а н. Мен сизга айтсам, пастор жаноблари, ҳозир бизда у ёқда ҳисоб-китоб қилинапти... Сиздан гоят миннатдормиз, бека ойим!.. Мен сизга айтсам, биз ҳаммасини тугалладик. Мен сизга айтсам, энди бизлар, — ахир биз ҳаммамиз жуда яхши ишладик, — энди бизлар хайрлашиш олдидан биргаликда тоат-ибодат қилиб олсак, деган эдик.

П а с т о р М а н д е р с. Тоат-ибодат? Етимхонадами?

Э н г с т р а н. Ёки, пастор жаноблари, бу унчалик маъқул эмасми?

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, нега, мумкин, албатта, аммо... ҳмм...

Э н г с т р а н. Мен ўзим бу ерда кечкурунлари тоат-ибодат ҳақида суҳбатлар ўтказиб турган эдим...

П а с т о р М а н д е р с. Шунақами?

Э н г с т р а н. Ҳа, баъзи-баъзида... Ҳалиги, руҳни саломат асраш йўсинида деганларидек. Фақат мен оддий кишиман, билимсизман, — э, худо, ўзинг мадад бергайсан, — оми киши бўлсам ҳам, ҳар қалай йўлини қилиб турдим... Мен сизга айтсам, энди пастор жаноблари ўзлари шу ерда эканлар, энди...

П а с т о р М а н д е р с. Биласизми, Энгстран, аввал сизга битта савол беришим керак. Шундай ибодатга тайёрмисиз? Виждонингиз соф ва саломатми?

Э н г с т р а н. Эҳ худо, гуноҳкор бандангни ўзинг асра! Виждон ҳақида гапиришга йўл бўлсин бизга, пастор жаноблари!

П а с т о р М а н д е р с. Йўқ, худди шу виждон ҳақида гапиришингизга тўғри келади. Қани, нима жавоб берасиз?

Э н г с т р а н. Энди, виждон дегани, ҳалиги, албатта бегуноҳ эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Ҳарқалай иқрор бўляпсиз! Хўш, Регина ҳақидаги гапларга нима дейсиз? Менга ҳаммасини рўйирост айтиб берасиз деган умиддаман.

А л в и н г х о н и м (*шошилинч*). Пастор Мандерс!

П а с т о р М а н д е р с (*тинчлантирувчи оҳангда*). Менга қўйиб беринг!

Э н г с т р а н. Регина ҳақида? Ё ҳазратим Исо! Ўтакамни ёрдингиз-ку! (*Алвинг хонимга қараб*.) Унга бирор нарса бўлгани йўқми, ишқилиб?

П а с т о р М а н д е р с. Умид қиламизки, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Регина сизга ким бўлади, деб сўраяпман. Сизни унинг отаси дейишади... Хўш?

Э н г с т р а н (*ишончсизлик билан*). Ҳа... ҳм... марҳум Иоҳанна билан бизнинг қандай топишганлигимиз пастор жанобларига маълумми?

П а с т о р М а н д е р с. Энди ҳеч қанақа чап беришлар кетмайди! Бор гапни айтаверинг! Марҳум хотинингиз бу ердан кетишдан олдин Алвинг хонимга барча гуноҳларига иқрор бўлган.

Э н г с т р а н. Эҳ... Демак?

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа, сиз фош қилдингиз, Энгстран.

Э н г с т р а н. У эса қасам ичиб, ўзини лаънатлаган эди...

П а с т о р М а н д е р с. Лаънатлаган эди?

Э н г с т р а н. Йўқ, у фақат бутун вужуди билан қасам ичган эди.

П а с т о р М а н д е р с. Демак, шунча йиллар мобайнида сиз мендан ҳақиқатни яшириб келансиз? Сизга сўзсиз ишониб келган мендек бир одамдан яширгансиз!

Э н г с т р а н. Ҳа, шунақа бўлди, энди илож қанча.

П а с т о р М а н д е р с. Мен бунга лойиқманми, Энгстран? Ахир мен сизни яхши сўз билан ҳам, иш билан ҳам доим имкониятим борича қўллаб-қувватлаб келмаганмидим? Жавоб беринг. Шундайми?

Э н г с т р а н. Бу гапингиз ҳақ. Агар пастор Мандерс бўлмаганида аҳволим бир эмас, бир неча марта жуда танг келган бўларди.

П а с т о р М а н д е р с. Сизнинг миннатдорчилигингиз шу бўлди? Черков китобига полойиқ бўлган никоҳни қайд қилишга мени мажбур қилибсиз-а! Шунча йиллар мобайнида асл ҳақиқатни мендан яшириб келиш! Сизнинг бу қилмишингизни кечириб бўлмайди, Энгстрэн, бундан буён бизнинг ўртамизда ҳеч қанақа муносабатнинг бўлиши мумкин эмас!

Э н г с т р а н (*уҳ тортиб*). Ҳа, албатта, шундай бўладиганга ўхшайди.

П а с т о р М а н д е р с. Ёки ўзингизни оқлаш учун бирон гап айта оласизми?

Э н г с т р а н. Ахир Иоханнанинг сизни ҳузурингизга бориб, ўз айбига иқрор бўлиши-ю, ўзини ўзи шарманда қилишининг нима кераги бор эди? Тасаввур қилиб кўринг-а, жаноб пастор... Марҳум Иоханна каби сизнинг бошингизга ҳам шунақа иш тушган бўлса...

П а с т о р М а н д е р с. Менинг бошимга!

Э н г с т р а н. Ё ҳазрати Исо! Худди шунақа деяётганим йўқ! Мен демоқчиманки, агар пасторнинг бошига ҳам шунақа, ҳалиги одамларнинг кўзига бадном қилиб кўрсатадиган бирон кулфат тушса... Биз оддий фуқаролар бечора аёлни унчалик қоралаб таҳқирлашни лозим топмаймиз.

П а с т о р М а н д е р с. Мен уни таҳқирлаётганим йўқ. Мен сизга таъна қиляпман.

Э н г с т р а н. Пастор жанобларига битта савол беришга ижозат бўлармикин.

П а с т о р М а н д е р с. Сўрайверинг.

Э н г с т р а н. Инсон йиқилган кишини турғазиб қўйиши лозимми?

П а с т о р М а н д е р с. Албатта.

Э н г с т р а н. Инсон бировга сўз берса, ўз сўзида туриши лозимми?

П а с т о р М а н д е р с. Албатта, лекин...

Э н г с т р а н. Иоханнани ўша инглиз, балки америкалик ёки русдир ким аниқлаб ўтирибди дейсиз, — хуллас, ўша одам туфайли шаҳарга кетишга мажбур бўлган. Бечора дастлаб мени менсимай юрди, бир неча марта рад этди. Қадди-қомати келишган кишини орзу қилган бўлса керак-да. Мен эса бир оёғим майиб. Жаноб пасторнинг хабарлари бор: бир марта денгизчилар маишат қиладиган, ҳалидақанги, айш-ишратхонага кириб, насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлганимда...

А л в и н г х о н и м (*дераза олдида турганича*). Ҳм...

П а с т о р М а н д е р с. Биламан, Энгстрэн. У безорилар сизни зинадан улоқтириб юборишган. Бу ҳақда гапириб берган эдингиз. Майиблик сизни улуғлайди, холос.

Э н г с т р а н. Мен-ку, бу билан ўзимни улуғламоқчи эмасман, пастор жаноблари, мен шуни айтмоқчиманки, Иоханна ҳузуримга келиб, юм-юм йиғлаб, ҳаммасига иқрор бўлди. Айтишим лозимки, бечорага жуда раҳмим келди.

П а с т о р М а н д е р с. Наҳот шунақа бўлган бўлса, Энгстрэн? Хўш, кейин нима бўлди?

Э н г с т р а н. Мен унга дедим: у америкалигинг айшини суриб қаерларда юганини худо билсин. Сен эса, Иоханна, шарманда бўлибсан, ўзингни йўқотиб қўйибсан. Лекин, Якоб Энгстрэн имони мустаҳкамлардан, дедим. Мен сизга айтсам, у билан масал тилида гаплашдим-да, жаноб пастор.

П а с т о р М а н д е р с. Тушуняпман. Давом этинг, гапираверинг.

Э н г с т р а н. Шундай қилиб, мен уни турғазиб қўйдим ва одамлар Иоханнанинг аллақандай муҳожирлар билан ўралашиб юрганлигини билмай кўя қолсин, деб у билан қонуний никоҳдан ўтдим. Бўлган гап шу.

П а с т о р М а н д е р с. Бу маънода сиз жуда улуғвор иш тутгансиз. Фақат бу ишингиз учун пул олишга рози бўлганлигингизнигина маъқуллай олмайман...

Э н г с т р а н. Пул? Мен-а? Йўқ, бир мири ҳам олган эмасман.

П а с т о р М а н д е р с (*Алвинг хонимга савол назари билан қараб*). Лекин айтишларига қараганда...

Э н г с т р а н. Ҳа, айтгандек, шошманг, эсладим. Ростдан ҳам Иоханнанинг бирмунча пули бўлган экан. Аммо, мен бу пуллар ҳақида эшитишни ҳам

истамаганман. Мен, бу жирканч олгинлар... ёки қоғоз пуллар — қанақалигини билмайман... Ҳарқалай бунни тамагирлик, юз берган гуноҳ ҳақи, дедим. Биз бу пулларни ўша америкаликнинг башарасига отмоқчи эдик, жаноб пастор, лекин у даф бўлган, денгиз оша ғойиб бўлган эди.

П а с т о р М а н д е р с. Бунга ишончингиз комилми, менинг мўмин-қобил Энгстраним?

Э н г с т р а н. Бўлмасам-чи! Шундан кейин биз Иоханна билан бу пулларни Регинанинг тарбиясига сарфламоқчи бўлдик. Шундай қилдик ҳам. Бир мирини ҳам бошқа нарсага сарфлаганимиз йўқ.

П а с т о р М а н д е р с. Мана бу бошқа гап.

Э н г с т р а н. Аслида ана шунақа бўлган, жаноб пастор. Яна шуни айтишим лозимки, мен Регинага ҳақиқий оталик қилдим, — қурбим келганича, албатта... Ахир, мен кўнгилчан одамман.

П а с т о р М а н д е р с. Тушунарли, азизим Энгстран...

Э н г с т р а н. Лекин, яна шуни айтишга журъат этаманки, қизалоқни меҳр билан тарбияладим, марҳума Иоханна билан яхши, тотув яшадим, уни муқаддас китобларда айтилганидек, ўзимга бўйсундириб, измимдан чиқармадим, тўғри йўлдан бошладим. Аммо пасторнинг ҳузурига бориб, мана, мен ҳам ҳаётимда битта хайрли иш қилдим, деб мақтаниш бирон марта ҳаёлимга ҳам келган эмас. Йўқ, Якоб Энгстран бир иш қиладиган бўлса, уни овоза қилиб ўтирмайди. Дарвоқе, Якоб Энгстраннинг савобли ишлари унчалик кўп ҳам эмас. Пасторнинг ҳузурига борганингда эса у билан ўз гуноҳларинг ҳақида гаплашасан. Хуллас, ҳали айтганимдек, виждоним гуноҳлардан холи эмас.

П а с т о р М а н д е р с. Қўлингизни беринг, Якоб Энгстран.

Э н г с т р а н. Ё ҳазрати Исо, жаноб Пастор?..

П а с т о р М а н д е р с. Изоҳ учун ҳожат йўқ. *(Энгстраннинг қўлини қаттиқ қисиб.)* Мана бундоқ!

Э н г с т р а н. Энди пастор жанобларидан кечирим сўрасам...

П а с т о р М а н д е р с. Сизми? Аксинча, мен сиздан кечирим сўрашим керак...

Э н г с т р а н. Йўғ-е, худо асрасин!

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа-ҳа, шундай. Чин кўнгилдан кечирим сўрайман. Сизни ноҳақ қоралаганим учун авф этинг. Сизга бўлган ҳурматимни ва ғоят афсусланганлигимни изҳор этмоқ учун бирон қулай фурсат бўлиб қолишини Тангри таоладан тилайман.

Э н г с т р а н. Жаноб пастор, ростдан ҳам менга бирон яхшилик қилиш ниятидадилар?

П а с т о р М а н д е р с. Бажонидил.

Э н г с т р а н. Бўлмаса, айни муддао. Мен бу ерда ишлаб топган ҳалол пулларим эвазига шаҳарда денгизчилар учун кичик бир бошпана ташкил этишни кўнглимга туғиб қўйган эдим.

А л в и н г х о н и м. Шунақами?

Э н г с т р а н. Ҳа, мен сизга айтсам, мусофирхонага ўхшаган бир нарса. Денгизчи қирғоққа чиқдим, бас, у бечорани йўлдан оздирадиган, васвасага соладиган қанчадан-қанча ярамас эрмак кутиб туради. Менинг мусофирхонамда эса, у ўз отасининг уйидагидек назорат остида бўларди.

П а с т о р М а н д е р с. Бу ҳақда сиз нима дейсиз, Алвинг хоним?

Э н г с т р а н. Тўғри, бу ишни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун фақат маблағам ҳали жуда оз, лекин худонинг карами кенг! Агар ўзингизнинг нажот қўлингизни чўзсангиз эди...

П а с т о р М а н д е р с. Ҳа-ҳа, бу ҳақда ҳали гаплашамиз, атрофлича фикр юришиб кўрамай. Режангиз менга ғоят маъқул. Энди сизга ижозат, бориб, лозим бўлган нарсаларни ҳозирлаб қўйинг, шамларни ёқинг, токи тантанали бўлсин. Суҳбатлашиб, биргаликда тоат-ибодат қиламиз, азизим Энгстран. Ишончим комилки, энди сиз тоат-ибодат учун айни муносиб ҳолатдасиз.

Э н г с т р а н. Мен ҳам худди шундай фикрдаман. Хайр, бека ойим, саломат бўлинг. Илтимос, Регинани эҳтиёт қилинг. *(Кўз ёшларини артиб.)* Марҳума Иоханнанинг қизи бўлса ҳам, ўзимнинг қизимдек бағримга босиб қолганман. Ҳа, шунақа бўлар экан. *(Тавзим қилиб чиқиб кетади.)*

П а с т о р М а н д е р с. Хўш, нима дейсиз, Алвинг хоним? Бу иш батамом бошқача бўлиб чиқди-ку.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, ҳақиқатан ҳам.

П а с т о р М а н д е р с. Кўряписизми, яқин кишингиз ҳақида жуда эҳтиёт бўлиб фикр юритиш керак экан. Лекин киши ўз хатосига иқрор бўлиши ҳам қувончли. Нима дейсиз?

А л в и н г х о н и м. Мен сизга айтсам, Мандерс, соқолингиз кўксингизга тушса ҳам болакайлигингизча қолгансиз.

П а с т о р М а н д е р с. Мен-а?

А л в и н г х о н и м (*қўлларини унинг кафтига қўйиб*). Яна демоқчиманки, сизни астойдил кучгим келяпти.

П а с т о р М а н д е р с (*орқага чекиниб*). Йўқ-йўқ, худо хайрингизни берсин... бунақа истаклар...

А л в и н г х о н и м (*жилмайиб*). Йўқ, кўрқманг.

П а с т о р М а н д е р с (*стол олдида бориб*). Биламан, баъзан ҳаддан ташқари очилиб кетишингиз бор. Энди мен, авваламбор, ҳамма қоғозларни йиғиштириб, сумкага солиб қўйишим керак. (*Қоғозларни йиғиштирига бошлайди*). Мана бундоқ. Энди, ҳозирча хайр. Освальд қайтгач, кўз-қулоқ бўлиб туринг. Ҳали яна бир кириб кетаман. (*Шляпасини олиб, олдинги хонага ўтади*).

А л в и н г х о н и м (*хўрсиниб қўяди, дераза олдида бориб, ташқарига қарайди, хонадаги у-бу нарсаларни йиғиштирган бўлади, сўнг емакхонанинг эшигини очиб, у ерга кирмоқчи бўлади, аммо тушкун бир овозда қичқириб, остонада тўхтаб қолади*). Освальд, сен ҳали ҳам шу ердансан?

О с в а л ь д (*емакхонадан*). Сигара чекаяман.

А л в и н г х о н и м. Мен сени аллақачон сайр қилгани чиқиб кетгансан, дебман.

О с в а л ь д. Шунақа об-ҳавода-я?

Стаканларнинг жиринглагани эшитилади. Алвинг хоним эшикни очик қолдиради-да, қўлига иш олиб диванга ўтиради.

О с в а л ь д (*емакхонадан*). Ҳозир чиқиб кетган пастор Мандерс эдими?

А л в и н г х о н и м. Ҳа, етимхонага кетди.

О с в а л ь д. ҲМ...

Яна стаканнинг графинга урилиб жиринглагани эшитилади.

А л в и н г х о н и м (*емакхона томонга ташвишли назар ташлаб*). Жон болам, Освальд, бу ликерни кўп ичаверма, эҳтиёт бўл. Жуда ўткир.

О с в а л ь д. Бунақа намгарчиликда ўткир бўлгани маъқул.

А л в и н г х о н и м. Яхшиси, бу ёққа ёнимга чиқмайсанми?

О с в а л ь д. У ерда чекиб бўлмайди-да.

А л в и н г х о н и м. Билсанг, сигара мумкин.

О с в а л ь д. Ундай бўлса, ҳозир чиқаман. Бир қултум ичиб олай... Мана, бўлди. (*Қўлида сигараси билан киради ва эшикни беркитиб қўяди. Қисқа пауза.*) Пастор қани?

А л в и н г х о н и м. Ҳозир айтдим-ку, етимхонага чиқиб кетди, деб.

О с в а л ь д. Ҳа, айтгандай.

А л в и н г х о н и м. Освальд, дастурхон олдида кўп ўтирмаганинг маъқул.

О с в а л ь д. Ўтиргим келса-чи? (*Онасини эркалаб, сочларини силайди.*) Уйга қайтгач, ойигинамнинг дастурхонида ўтириб олиб, мазали таомларни роҳат қилиб ейиш — менга нақадар ҳузурлигини билсангиз эди!

А л в и н г х о н и м. Азизим, ўзимнинг болагинам!

О с в а л ь д (*сигара чекиб, бир мунча асабийлашган ҳолда хонада у ёқдан-бу ёққа юради*). Бу ерда бошқа нима ҳам қилиш мумкин? Ишлаш мумкин эмас...

А л в и н г х о н и м. Мумкинмасми?

О с в а л ь д. Ҳавонинг қовоғи осилиб турган пайтда-я? Офтоб кун бўйи бир марта ҳам кўринмади. (*У ёқдан-бу ёққа юриб.*) Бунақа бекорчи бўлиб ўтиришдан ёмон нарса йўқ!

А л в и н г х о н и м. Назаримда, уйга қайтишни эртароқ ҳал қилганга ўхшайсан.

О с в а л ь д. Йўқ, ойи, шундай қилиш керак эди.

А л в и н г х о н и м. Сени бундай ҳолатда кўргандан кўра... бу учрашув бахтидан воз кечишга минг марта розийдим...

О с в а л ь д (*унинг олдиди тўхтаб*). Ойи, айтинг-чи, мени бу ерда кўриш сизга чиндан ҳам катта бахтми?

А л в и н г х о н и м. Мен учун бу бахтгина эмас!

О с в а л ь д (*газетани ғижимлаб*). Менинг назаримда эса, мен бу дунёда борманми, йўқманми — сиз учун барибирдек.

А л в и н г х о н и м. Онанга шунақа дегани қандай журъат этдинг, Освальд?

О с в а л ь д. Ахир илгарилари менсиз ҳам яхшигина яшаб келгансиз-ку.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, бу гапинг тўғри.

Жим бўлиб қолишди. Аста-секин қоронғулик туша бошлайди. Освальд у ёқдан-бу ёққа юришда давом этади. Сигарани эса қўйиб қўяди.

О с в а л ь д (*онасининг олдиди тўхтаб*). Ойи, ёнингизга, диванга ўтирсам, майлими?

А л в и н г х о н и м (*ёнидан жой бериб*). Ўтирақол, кел, ўтир, болагинам.

О с в а л ь д (*ўтириб*). Ойи, мен сизга бир нарса айтмоқчиман.

А л в и н г х о н и м (*хавотирланиб*). Хўш? Хўш?

О с в а л ь д (*бўшиққа тикилиб*). Бу дардимни ортиқ ичимда сақлай олмайман.

А л в и н г х о н и м. Нима экан? Сенга нима бўлди ўзи?

О с в а л ь д (*ҳаяжон билан*). Бу ҳақда сизга ёзишга ҳеч журъат қила олмадим, келганимдан кейин эса...

А л в и н г х о н и м (*унинг қўлидан тутиб*). Освальд, нима гап ўзи?

О с в а л ь д. Кеча ҳам, бугун ҳам бу фикрни нарига суришга, эътибор бермасликка ҳаракат қилиб кўрдим. Лекин ҳеч иложи бўлмади.

А л в и н г х о н и м (*ўрнидан туриб*). Энди ҳаммасини айтиб беришинг керак, Освальд!

О с в а л ь д (*онасини яна диванга тортиб*). Йўқ, ўтиринг, ўтиринг, айтишга ҳаракат қилиб кўраман... Ҳозиргина йўлда чарчаганимдан шикоят қилган эдим...

А л в и н г х о н и м. Ҳа. Хўш, нима бўпти?

О с в а л ь д. Лекин бунинг учунмас. Оддий чарчаш эмас.

А л в и н г х о н и м (*ўрнидан туриб кетгудек бўлиб*). Бетобмасмисан, ишқилиб, Освальд?

О с в а л ь д (*онасини яна ёнига тортиб*). Ойи, ўтиринг ва мен айтган гапларга ўзингизни босиб, вазминлик билан кулоқ солинг. Мен умуман касал деган маънодаги касаллардан эмасман. (*Қўлларини бошининг орқасига кўтариб, бармоқларини эзғилаб*). Ойи, мен барбод бўлганман, руҳан синганман... Мен энди ишга ярамайман, ойи, ҳеч қачон тушуняпсизми?! (*Қўллари билан юзини беркитиб, бошини онасининг тиззасига қўйиб, хўнграб юборади.*)

А л в и н г х о н и м (*ранги оқариб, қалтираб*). Освальд! Менга қара. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

О с в а л ь д (*онасига умидсизлик билан боқади*). Энди ҳеч қачон ишга ярамайман. Ҳеч қачон!.. Ҳеч қачон!.. Тирик мурда бўлиб қоламан! Ойи, бунақа даҳшатни тасаввур қила оласизми?

А л в и н г х о н и м. Бахтсиз болагинам! Қаёқдан келиб қола қолди бу даҳшат?

О с в а л ь д (*қаддини тиклаб ўтиради*). Бунга менинг ҳам ҳеч ақлим етмаяпти. Мен ҳеч қачон ортиқча бемаъниликларга йўл қўйган эмасман. Ҳар қанақа маънода ҳам. Хаёлингизга ҳеч нарса келмасин, ойи. Ҳеч қачон бунақа қилган эмасман.

А л в и н г х о н и м. Бунақа деб ўйлаётганим йўқ, Освальд.

О с в а л ь д. Шундай бўлса ҳам, бошимга мудҳиш бир бахтсизлик тушиб қолди.

А л в и н г х о н и м. Бу ўтиб кетади, менинг азиз, ардоқли ўғилгинам. Бу шунчаки чарчаганлигингдан, ўзга нарса эмас. Менга ишон.

О с в а л ь д (*Ғамгин*). Дастлаб ўзим ҳам шунақа деб ўйлаган эдим. Лекин, бу бағамом бошқа нарса экан.

А л в и н г х о н и м. Бир бошдан ҳаммасини гапириб бер, ҳамма-ҳаммасини.

О с в а л ь д. Ўзим ҳам шундай қилмоқчиман.

А л в и н г х о н и м. Буни сен қачон сеза бошладинг?

О с в а л ь д. Бу ерга охирги марта келиб кетганимдан сўнг, Парижга боргач. Дастлаб бошим, айниқса миям қаттиқ оғрий бошлади. Гўё бошимга темир чамбарак кийдириб, уни орқадан кимдир қисаётгандек бўларди.

А л в и н г х о н и м. Кейин-чи?

О с в а л ь д. Аввал оддий бош оғриқ деб ўйладим.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, ҳа...

О с в а л ь д. Лекин тезда бу бағамом бошқа нарса эканлигини сеза бошлади. Энди мутлақо ишлай олмайдиган бўлиб қолдим. Янги катта сувратни бошламоқчи эдим. Лекин қаяқда дейсан, бутун қобилиятларим менга чап бера бошлади, гўё бутун куч-қудратим тутагандек, фикрларимни ҳам бир ерга жамлай олмадим... ҳамма нарса калламда аралаш-қуралаш бўлиб кетаверди. Оҳ, бу ўта даҳшатли бир ҳолат эди! Ниҳоят докторга одам юбордим. Нималигини шундан кейин билдим.

А л в и н г х о н и м. Яъни?

О с в а л ь д. Энг зўр маҳаллий докторлардан бири эди у. Мен унга ўзимни қандай ҳис қилаётганлигимни батафсил гапириб бердим. Сўнг у менга қатор саволлар берди. Бу саволлар дастлаб менга гўё мутлақо аҳамияти йўқдек туюлди. Нима мақсадда бунақа қияшги — тушунмасдим.

А л в и н г х о н и м. Хўш?

О с в а л ь д. Ниҳоят у, сизни туғилмасингиздан олдинроқ қурт ея бошлаган, деди. Ҳа, у менга худди шунақа деди: “*Ver moulu*¹”

А л в и н г х о н и м. Бу билан нима демоқчи бўлган?

О с в а л ь д. Мен ҳам тушунмадим ва аниқроқ қилиб айтишни илтимос қилдим. Ана шундан кейин у қари сурбет айтдики... (*Муштурларини тугиб.*) О!..

А л в и н г х о н и м. Нима деди?

О с в а л ь д. “Оталарнинг гуноҳи болаларга тушади!” деди.

А л в и н г х о н и м (*секин ўрнидан туради*). Оталарнинг гуноҳи...

О с в а л ь д. Унинг юзига тарсаки уриб юборишимга сал қолди.

А л в и н г х о н и м (*бир чеккага бориб*). Оталарнинг гуноҳи...

О с в а л ь д (*ҳорғин жилмайиб*). Ҳа, шунақа дейди-я! Мен, албатта, уни бу ҳақда ҳатто гап бўлиши ҳам мумкин эмас, дея ишонтиришга ҳаракат қилдим. У таслим бўлди, деб ўйлайсизми? Йўқ, ўз гапида туриб олди. Фақат сизнинг хатларингизни кўрсатиб, отамга доир ёзганларингизни таржима қилиб берганимдан кейингина...

А л в и н г х о н и м. Хўш?

О с в а л ь д. Ана шундан кейингина, янглишибман, дея тан олишга мажбур бўлди. Сўнг асл ҳақиқатни, ақлим бовар қилмайдиган ҳақиқатни билиб олдим. Ўртоқларим билан биргаликда унақа, қувноқ, беғам ҳаёт кечирмаслигим керак экан. Бунақа ҳаёт мен учун ярамас экан, жисмоний жиҳатдан жуда заиф эканман. Шундай қилиб, ўзим айбдорман!

А л в и н г х о н и м. Освальд! Йўқ! Бунга ишонма!

О с в а л ь д. Бошқача изоҳнинг бўлиши мумкин эмас, деди у. Мана шуниси даҳшат. Енгилтаклигинг туфайли ўз-ўзингни қайтариб бўлмайдиган даражада бир умрга хароб қилсанг. Барча режаларингту, ўз олдинга қўйган мақсадинг... Булар ҳақида ҳатто ўйлай ҳам олмасанг — чунки ўйлашга қодир бўлмасанг! О, қани эди, бўлиб ўтган ҳамма нарсаларни, ҳатто изини ҳам қолдирмасдан, ўчириб ташлаб, қайтадан яшаш мумкин бўлса! (*Ўзини диванга юзтубан ташлайди*).

¹ *Ver moulu* — Қурт еган (*Франц.*)

Алвинг хоним бармоқларини эзгилаб, ўзи билан ўзи курашиб, хонада сўзсиз у ёқдан-бу ёққа юради. Бироздан кейин Освальд тирсақларига таяниб қаддини кўтаради, онасига қарайди.

Бу насл туфайли бўлганда ҳам алам қилмасди, чунки бошқа иложим йўқ эди. Ахир бу!.. Бунақа беъмани, шармандаларча енгилтаклик билан ўз бахтингни, ўз саломатлигингни хароб қилиш, бутун келажагингни, бутун умрингни барбод этиш!..

А л в и н г х о н и м. Йўқ, йўқ, азиз ўғилгинам, ёлғизим! Бу мумкин эмас! *(Унга эргашиб.)* Аҳволинг, ўзинг ўйлагандек, иложсиз эмас.

О с в а л ь д. Ахир сиз билмайсиз... *(Ўрнидан санчиб туриб.)* Яна бунинг устига, сизнинг бошингизга шунча ғам-ташвиш орттириш! Неча бор, сиз менга аслида унчалик муҳтож эмассиз, деган истак ва умидга борган эдим.

А л в и н г х о н и м. Мен-а! Освальд? Ахир сен менинг ягона ўғлимсан-ку... менинг ягона бойлигим, қувончим... Бу дунёда фақат сени деб яшаб келяпман-ку!..

О с в а л ь д *(онасининг қўлларини ушлаб ўна бошлайди)*. Ҳа-ҳа, мен буни кўриб турибман. Бу мен учун яна-да оғир. Энди баридан бохабарсиз. Энди бу ҳақда бутун бошқа гаплашмаймиз. Бу ҳақда узоқ ўйлай олмайман... *(Бир чеккага бориб.)* Ойи, ичадиган бирон нарса беринг менга.

А л в и н г х о н и м. Ичадиган нарса? Нима истайсан?

О с в а л ь д. Барибир. Муздаккина пунш тошиб бера оласизми?

А л в и н г х о н и м. Бунинг нимаси, Освальд?

О с в а л ь д. Ойи, тортишманг. Илтимос, ахир бутун вужудимни кемираётган бу ўйларни нима биландир босишим керак-ку. *(Ойнаванд айвонга чиқиб.)* Яна устига-устак, зулмат!

Алвинг хоним хизматкорини чорлайдиган қўнғироқнинг ипини тортади.

Мана бу бетиним ёмғир. Бу ҳафталаб, ойлаб давом этиши мумкин. Қуёш нуридан дарак йўқ. Неча марта келиб-кетган бўлсам, ақалли бирон марта қуёш чиққанини кўрганим йўқ.

А л в и н г х о н и м. Освальд... сен мени ташлаб кетмоқчимисан?

О с в а л ь д. Ҳм... *(Ўзини зўрга босиб олиб.)* Мен ҳеч нарса ҳақида ўйлаётганим йўқ. Ҳеч нарса ҳақида ўйлай олмайман. *(Ўзича.)* Васийлик қилишни вақтинча тўхтатиб туришга тўғри келди.

Р е г и н а *(емакхонадан чиқатуриб)*. Чақирдингизми, бек ойим?

А л в и н г х о н и м. Ҳа, бу ерга чироқ олиб кир!

Р е г и н а. Ҳозир. Ёқиб қўйганман. *(Чиқиб кетади.)*

А л в и н г х о н и м *(Освальдга яқинлашиб)*. Освальд, мендан ҳеч нарсани яширма.

О с в а л ь д. Ойи, ҳалиям яшираётганим йўқ. *(Стол ёнига бориб.)* Етарлича гапириб бердим назаримда.

Регина ёқилган чироқни олиб кириб, стол устига қўяди.

А л в и н г х о н и м. Регина, бизга ярим шишагина шампань шаробидан олиб кириб бергин.

Р е г и н а. Хўп бўлади, бей ойим. *(Чиқиб кетади.)*

О с в а л ь д *(онасининг бошини қучиб)*. Бу бошқа гап. Онам мени чанқатиб қўймаслигини билардим.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, менинг азиз, бечора болагинам. Ахир сенга бирор нарсани рад эта олармидим?

О с в а л ь д *(жонланиб)*. Шу гапингиз ростми, ойи? Жиддий гапиряпсизми?

А л в и н г х о н и м. Ўзинг нимани сўраяпсан?

О с в а л ь д. Менга, ҳеч нарсани рад эта олмайман, дедингиз-ку.

А л в и н г х о н и м. Азизим Освальд, ахир...

О с в а л ь д. Жим!

Регина (*баркашда ярим шиша шампань шароби билан иккита қадаҳ олиб кириб, столга қўяди*). Очайми?

Освальд. Йўқ, раҳмат, мен ўзим.

Регина чиқиб кетади.

Алвинг хоним (*стол ёнига ўтириб*). Сенга ҳеч нарсани рад этолмаслигим ҳақида сўраганингда нимани назарда тутган эдинг?

Освальд (*шишани оча туриб*). Аввал бир-икки қадаҳ ичиб олайлик. (*Шишанинг нўкаги пақиллаб отилади. Бир қадаҳга тўлдиради, иккинчисига қуймоқчи бўлади.*)

Алвинг хоним (*қадаҳни қўли билан тўсиб*). Йўқ, менга керак эмас.

Освальд. Ундай бўлса, мен ўзимга яна қуйиб олай. (*Қадаҳдагини ичиб тамомлаб, қайта қуяди, уни охиригача ичади, сўнг стол олдига ўтиради*).

Алвинг хоним (*тоқатсизланиб*). Хўш?

Освальд (*онасига қарамасдан*). Биласизми, емакхонада ўтирганимизда пастор ҳам, сиз ҳам жуда галати... ҳалиги... индамасликка сўз берган одамларга ўхшаб кўриндингизлар.

Алвинг хоним. Сен буни пайқадингми?

Освальд (*қисқа паузадан сўнг*). Ҳа... Ҳм... Айтинг-чи, Регина сизга ёқадими?

Алвинг хоним. Менгами?

Освальд. Ҳа. Ажойиб қиз, тўғрими?

Алвинг хоним. Жон болам, сен уни менчалик билмайсан...

Освальд. Нима демоқчисиз?

Алвинг хоним. Регина, афсуски, ўз ота-онасиникида узоқ вақт яшаган. Мен уни вақтлироқ олиб келсам бўларкан.

Освальд. Ҳа, лекин у дилбар қиз, шундайми? (*Ўзига шампань шароби қуяди.*)

Алвинг хоним. Регинанинг анча-мунча нуқсонлари бор, каттагина нуқсонлари...

Освальд. Нима бўпти? (*Ичади.*)

Алвинг хоним. Шундай бўлса-да, уни яхши кўраман. Унинг учун жавоб берман. Унинг бошига бирон кулфат тушишини сира-сира истамайман.

Освальд (*ўрнидан санчиб туриб*). Ойи, менинг халоскорим — биргина Регина!

Алвинг хоним (*ўрнидан туриб*). Қайси маънода?

Освальд. Бу азобларга якка ўзим бардош бера олмайман, бунга қодир эмасман!

Алвинг хоним. Онанг-чи? Онанг ёрдам бера олмайдими?

Освальд. Ўзим ҳам дастлаб шунақа деб ўйлаган эдим. Шунинг учун ҳам ёнингизга қайтиб келдим. Лекин бўлмапти, мумкин эмас. Сезиб турибман — мен бу ерда бардош беролмайман.

Алвинг хоним. Освальд!

Освальд. Ойи, менга бошқача ҳаёт керак. Шунинг учун ҳам ҳузурингиздан кетишим лозим. Мен учун азоб чекишингизни истамайман.

Алвинг хоним. Бахтсиз болагинам! О! Ақалли бунақа бетоб пайтингда...

Освальд. Биргина бу касаллик бўлса кошки эди, ёнингизда қолар эдим. Ахир сиз менинг бу дунёдаги ягона дўстимсиз.

Алвинг хоним. Рост айтасан, Освальд!

Освальд (*хонада нотинч кезиб*). Бу азоблар — виждон қийноғи, афсуслар... ва ҳалиги чексиз, даҳшатли ваҳима... Бу тоқат қилиб бўлмайдиган даҳшат...

Алвинг хоним (*ўғлининг орқасидан юриб*). Даҳшат? Қанақа даҳшат? Нималар деяпсан?

Освальд. Сўраб ўтирманг. Ўзим ҳам билмайман. Изоҳлаб бера олмайман.

Алвинг хоним ўнг томонга бориб қўнғироқни чалади.

Нима қилмоқчисиз?

А л в и н г х о н и м. Ўғлимнинг қувнаб-яйрашини истайман. Ўзининг нохуш ўйлари билан алаҳсирамасин, дейман. (*Эшикдан кириб келган Регинага.*) Яна шампань шаробидан келтир. Бутун шишасини келтир.

Р е г и н а чиқиб кетади.

О с в а л ь д. Ойи!

А л в и н г х о н и м. Бизни бу ерда, қишлоқда яшашни билмайдилар, деб ўйлайсизми?

О с в а л ь д. Регина ростакам зебо эмасми? Қадди-қоматига қаранг! Оёғининг тагидан ўт чақнайди-я...

А л в и н г х о н и м (*стол ёнига ўтиб*). Ўтир, Освальд, осойишта гаплашиб олайлик.

О с в а л ь д (*стол ёнига ўтириб*). Ойи, сиз менинг Регина олдида гуноҳкор эканлигимни билмайсиз, шекилли? Энди ана шу гуноҳимни ювишим керак.

А л в и н г х о н и м. Сен?

О с в а л ь д. Ёки ўйламай иш туганлигим десаммикин. Умуман, ҳеч қанақа айбли ишмас. Уйга охириги марта келганимда...

А л в и н г х о н и м. Шунақами?

О с в а л ь д. У Париж тўғрисида сўрайвергач, у-бу ҳақда гапириб берган эдим. Бир марта “Парижда бўлишни истармидинг?” деб сўраб қолдим.

А л в и н г х о н и м. Хўш?

О с в а л ь д. У ҳаяжонланиб кетиб, албатта, жуда-жуда истар эдим, деди. Мен эса, бир вақти келиб сени Парижга олиб бораман, деган маънода ваъда қилганим эсимда.

А л в и н г х о н и м. Кейин-чи?

О с в а л ь д. Кейин, албатта, бу ваъдамни мутлақо унутиб юбордим. Бу ерга келганимнинг учинчи куни эса ундан, менинг бу ерга узоқ муддатга келганимдан хурсандмисан, деб сўрадим.

А л в и н г х о н и м. Хўш?

О с в а л ь д. У менга бир галати қилиб қараб олди-да, “Менинг Парижга боришим нима бўлади?” деб сўраб қолса бўладими.

А л в и н г х о н и м. Парижга бориш!

О с в а л ь д. Уни қисоққа олиб сўраганимдан кейингина билдимки, у ўша гапимни жиддий деб тушунган ва мен ҳақимда орзу-хаёл қиладиган бўлиб қолган. Ҳатто французча гаплашишни ҳам ўргана бошлабди...

А л в и н г х о н и м. Мана нима учун экан...

О с в а л ь д. Ойи, мен бу ажойиб, гўзал, дуркун қизга илгари негадир эътибор бермаган эканман, гўё менга кучоғини очишга ҳозирдек, қаршимда турган бу қизни кўрдим-у...

А л в и н г х о н и м. Освальд!

О с в а л ь д. ... сенинг халоскоринг шу, дея ўз-ўзимга хитоб қилдим. Чунки мен унда бир олам ҳаётбахш қувноқликни кўра олдим.

А л в и н г х о н и м (*ҳайратланиб*). Ҳаётбахш қувноқлик!.. Балки ростдан ҳам халоскоримиз шудир?

Р е г и н а (*бир шиша шампань шароби кўтариб киради*). Ҳаяллаб қолганим учун авф этасизлар: ертўлага тушишга тўғри келди. (*Шишани столга қўяди.*)

О с в а л ь д. Яна битта қадаҳ ҳам келтир.

Р е г и н а (*унга ҳайратланиб қараб*). Бу ерда бека ойимга ҳам қадаҳ бор-ку, жаноб Алвинг.

О с в а л ь д. Ҳа, ўзинг учун ҳам олиб кел, Регина.

Регина сесканиб тушади ва қўрқиб Алвинг хонимга қарайди.

Қани?

Р е г и н а (*секин, тутилиб*). Бекойимга манзур бўлармикан?

А л в и н г х о н и м. Қадаҳ олиб кел, Регина.

Р е г и н а емакхонага чиқиб кетади.

О с в а л ь д (*унинг орқасидан қараб туриб*). Унинг юришларига эътибор бердингизми? Қанақа ўктам ва шўх қадам ташлайди!

А л в и н г х о н и м. Бу гап ҳеч қачон бўлмайди, Освальд!

О с в а л ь д. Бу ҳал бўлган. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку. Баҳслашишнинг ҳожати йўқ.

Бўш қадаҳ кўтариб Р е г и н а қайтиб киради.

Ўтир, Регина.

Регина савол назари билан Алвинг хонимга қарайди.

А л в и н г х о н и м. Ўтир.

Регина бўш қадаҳни қўлида тутганича емакхонага чиқадиган эшик ёнидаги стулга ўтиради.

Шундай қилиб Освальд, ҳаётбахш қувноқлик ҳақида нима демоқчи эдинг?
О с в а л ь д. Ҳа, ҳаёт шодиёнаси, ойи, — уни бу ерда бизникилар деярли билишмайди. Бу ерда мен уни негадир ҳеч қачон сезмайман.

А л в и н г х о н и м. Йўқ-йўқ, назаримда мен уни тушуна бошладим... энди...

О с в а л ь д. Ҳаёт шодиёнаси ва меҳнат шодиёнаси. Умуман олганда буларнинг маъноси бор. Лекин бу ердагилар бунни ҳам билишмайди.

А л в и н г х о н и м. Гапинг тўғрига ўхшайди, Освальд. Хўш, гапир, гапиравер. Юрагингга тутиб қўйганларингни яхшилаб айтиб ол.

О с в а л ь д. Бу ерда одамларни меҳнатга гуноҳлари учун жазо ва қусур сифатида, ҳаётга эса гам-ғуссалардан иборат қисмат сифатида қарашга ўргатишади. Ҳаётдан қанчалик тез халос бўлсанг, шунчалик яхши.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, алам қисмати. Ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни ана шундай қисматга айлантиришга ҳаракат қиламиз.

О с в а л ь д. У ёқда эса одамлар бунни мутлақо тан олишмайди, билишни ҳам истамайдилар. Бу хилдаги панд-насихатларга энди ҳеч ким ишонмайди. У ердагилар ҳаётдан завқ олишади. Яшашни, умр кечиришни роҳат-фароғат деб билишади. Ойи, эътибор берганмисиз, мен чизган сувратларнинг ҳаммаси мана шу мавзуда. Ҳаммаси ҳаёт шодиёнаси ҳақида ҳикоя қилади. Уларда ёруғлик, офтоб ва байрам кайфияти — ҳамда қувноқ, бахтиёр кишилар сиймоси. Шу сабабдан ҳам бу ерда қолиш мен учун даҳшат.

А л в и н г х о н и м. Даҳшат? Бу ерда нимадан кўрқасан?

О с в а л ь д. Вужудимда бор нарсаларнинг ҳаммаси бу ерда бемаъниликка айланади, деб кўрқаман.

А л в и н г х о н и м (*унга тик қараб*). Шунақа бўлиши мумкин деб ўйлайсанми?

О с в а л ь д. Ишончим комил бунга. Агар бу ерда у ёқдагидек ҳаёт кечирадиган бўлсам, бу бошқача ҳаёт бўлади.

А л в и н г х о н и м (*диққат ва ҳаяжон билан тинглаб туриб, ҳайратланган бир ҳолатда, чуқур ўйга ботади*). Мана, буларнинг ҳаммаси қаердан келиб чиққан экан. Энди тушундим.

О с в а л ь д. Нимани тушундинг?

А л в и н г х о н и м. Ҳаётимда биринчи марта тушуняпман, ақлим пешланди. Гапириб ҳам беришим мумкин.

О с в а л ь д (*ўрнидан туриб*). Ойи, мен сизни тушунмаяпман.

Р е г и н а (*у ҳам ўрнидан туриб*). Мен чиқиб турсаммикин?

А л в и н г х о н и м. Йўқ, ўтиравер. Энди мен гапиришим мумкин. Энди, ўғлим, ҳаммасини билиб оласан. Сўнг хоҳлаганингни танлаб олавер!.. Освальд, Регина...

О с в а л ь д. Тсс!.. Пастор!..

П а с т о р М а н д е р с (*киради*). Мана, сидқидилдан мириқиб суҳбатлашиб олдик.

О с в а л ь д. Бизлар ҳам.

П а с т о р М а н д е р с. Денгизчиларга мусофирхона ташкил этишда Энгстранга қарашин керак. Регина ёрдамлашгани уникига кўчиб борсин.

Р е г и н а. Йўқ, афу этасиз, жаноб пастор.

П а с т о р М а н д е р с (*Регинани эндигина пайқаб*). Нима?.. Бу ерда ўтиргани нимаси, яна кўлида қадаҳ билан!

Р е г и н а (*қадаҳни столга қўйиб*). Пардон!

О с в а л ь д. Регина мен билан бирга кетяпти, пастор жаноблари!

П а с т о р М а н д е р с. Кетяпти! Сиз билан бирга-я?

О с в а л ь д. Ҳа, хотиним сифатида — агар буни истаса.

П а с т о р М а н д е р с. Ё парвардигор, ахир бу...

Р е г и н а. Бу менинг иродам билан бўлаётгани йўқ, жаноб пастор.

О с в а л ь д. Ёки бу ерда қолади, агар мен қоладиган бўлсам.

Р е г и н а (*беихтиёр*). Бу ерда?

П а с т о р М а н д е р с. Ўз қулоқларимга ишонмаяпман, Алвинг хоним!

А л в и н г х о н и м. Униси ҳам, буниси ҳам бўлмайди. Энди бутун ҳақиқатни айтиб беришим мумкин.

П а с т о р М а н д е р с. Наҳот, сиз... йўқ, йўқ, йўқ!

А л в и н г х о н и м. Ҳа! Шундай қиламан, шундай қилишни истайман. Бундан эътиқодга ҳеч қандай путур етмайди.

О с в а л ь д. Ойи, сизлар мендан нимани яширяпсизлар?

Р е г и н а (*ташқарига қулоқ солиб*). Бека ойим! Эшитяпсизми? Одамлар кичқиришяпти! (*Ойнаванд айвонга бориб, деразадан ташқарига қарайди*).

О с в а л ь д (*чап томондаги дераза ёнига бориб*). Нима бўпти? Бу шуъла қаёқдан келяпти?

Р е г и н а (*кичқириб*). Етимхона ёняпти!

А л в и н г х о н и м (*дераза томонга чопиб*). Ёняпти?!

П а с т о р М а н д е р с. Ёняпти? Мумкин эмас! Мен ҳозиргина ўша ёқдан келдим-ку.

О с в а л ь д. Шляпам қани? Майли, керак эмас... Дадамнинг етимхонаси!.. (*Айвондан боққа тушиб кетади*.)

А л в и н г х о н и м. Рўмолимни бер, Регина! Бутун бинони аланга олибди!..

П а с т о р М а н д е р с. Даҳшат!.. Алвинг хоним, бу низо ва фитналар уйи устидан қасос демоқдир!

А л в и н г х о н и м. Ҳа, ҳа, албатта. Юр, Регина. (*Регина билан чиқиб кетади*.)

П а с т о р М а н д е р с (*афеусланиб, кафтларини бир-бирига уриб*). Кафолатга ҳам берилмаган эди! (*Уларнинг орқасидан шошиб чиқиб кетади*.)

П а р д а.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Аввалги хона. Ҳамма эшиклар очик. Чироқ стол устида ёнганча турибди.

Ташқарида зулмат, фақат чап томонда узоқдан сўнаётган ўт шуъласи яллиғланади.

А л в и н г х о н и м бошига рўмол ташлаган ҳолда айвондан боққа қараб туради.

Р е г и н а ҳам рўмол ўраган, ундан сал нарироқда...

А л в и н г х о н и м. Ҳаммаси ёниб, кул бўлди. Адойи тамом бўлди.

Р е г и н а. Ҳали тағхонадаги нарсалар ёниб бўлганича йўқ.

А л в и н г х о н и м. Освальд келмаётгиди. Унинг у ерда турганидан энди фойда йўқ.

Р е г и н а. Шляпасини олиб бориб берайми?

А л в и н г х о н и м. Ҳали у бошлангми?

Регина (*дахлизни кўрсатиб*). Ана, шляпаси осиглиқ турибди.
 Алвинг хоним. Бўлар иш бўлди. У энди келиб қолади. Мен бориб қарай-чи. (*Айвондан чиқиб кетади*.)
 Пастор Мандерс. (*Дахлиздан киради*.) Алвинг хоним бу ерда йўқмилар?
 Регина. Ҳозиргина боққа чиқиб кетдилар.
 Пастор Мандерс. Мен бундай дахшатли кечани умримда кўрмаганман.
 Регина. Ҳа, шундай! Бахтсизлик бўлганда ҳам жуда дахшат, жаноб пастор.
 Пастор Мандерс. Эҳ, нимасини айтасан. Буни хаёл қилишнинг ўзи бир дахшат!
 Регина. Қандай қилиб бу воқеа рўй берди экан-а?
 Пастор Мандерс. Буни сиз мендан сўраманг, ойпошша Энгетран. Мен буни қаердан билай? Сиз ўзингиз ҳам?.. Бунинг устига, отангиз бўлса...
 Регина. Ҳа, отамга нима бўпти?
 Пастор Мандерс. У мени расво қилди.
 Энгетран (*дахлиздан киради*). Пастор жаноблари...
 Пастор Мандерс (*чўчиб, унга қарайди*). Бунда ҳам орқамдан юрибсизми?
 Энгетран. Худо мени олсин, буни қаранг-а!.. Ўзинг мадаккор бўл, Исо пайгамбар! Шунчалик наҳс босди, пастор жаноблари.
 Пастор Мандерс (*бир олдинга, бир орқага юриб*). Эвоҳ! Эвоҳ!
 Регина. Нима бўлди ўзи?
 Энгетран. Бунинг ҳаммаси бизнинг қилган тоат-ибодатимиз эвазига. (*Қизига шивирлаб*.) Энди, сен билан менинг бошимга ҳумо куши қўнади, қизим. (*Эшиттириб*.) Мен туфайли, пастор жаноблари, бундай кулфатлар юз беришига боис бўлдилар.
 Пастор Мандерс. Худо сақласин, Энгетран...
 Энгетран. Ундай бўлса, пастор жанобларидан бошқа ким шам ёқиб, бу ерда юрган?
 Пастор Мандерс (*тўхтаб*). Шу гапларни сиз айтаётисизми? Мен, эса, дарвоқе, қўлимда шам бормиди-йўқмиди, билмайман.
 Энгетран. Мен ҳозир кўз олдимга келтирсам: пастор жаноблари шамни қўлларига олиб, унинг учидаги қурумларни бармоқлари билан уқалаб, пайраҳалар устига ташлаганлар.
 Пастор Мандерс. Буни сиз ўз кўзингиз билан кўрдингизми?
 Энгетран. Ҳа, ўз кўзим билан...
 Пастор Мандерс. Тушунолмадим. Менда бундай одат — шам қурумларини бармоқларим билан олиб ташлаш одатим йўқ.
 Энгетран. Яна қандай денг, жуда бефарқ олиб ташладингиз, гапнинг очиги, иш бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди, пастор жаноблари, шундайми?
 Пастор Мандерс (*ҳаяжондан одимлайди*). Буни сўрамай ҳам кўяқолинг!
 Энгетран (*кетидан юриб*). Пастор жаноблари, қафолатга қўйганмиди?
 Пастор Мандерс (*юришида давом этиб*). Йўқ, йўқ, йўқ, — сизга айтдим-ку, ахир!
 Энгетран (*унинг орқасидан юриб*). Авваламбор, қафолатга қўймагансиз. Сўнг ўзингиз ўт қўйгансиз. Ё парвардигор! Бахтсизликни қаранг!
 Пастор Мандерс (*пешонасидаги терни артиб*). Ҳа, буни тан оламан.
 Энгетран. Бутун бир шаҳар, бутун бир теварак-атроф баҳраманд бўлиши учун умид кўзини тикиб турган ана шундай эзгу бир бинонинг бошига кулфат тоши ёғилганини қаранг-а! Газеталар пастор жанобларини авф этолмайди.
 Пастор Мандерс. Ҳа, шундай! Раҳму шафқат қилишмайди. Ўзим ҳам ана шу ҳақда ўйлаб турибмаан. Бу ҳаммасидан ошиб тушди. Бунинг олдида найранглар, панд беришлар — ҳамма-ҳаммаси ҳеч гап бўлмасдан қолди. Ўйласам, юрагим орқамга тортади.
 Алвинг хоним (*боғдан чиқиб*). Освальдни у ердан олиб кетиб бўлмайди. Ўчиришга ҳамон кўмаклашаётибди.

Пастор Мандерс. Эй, бу сизмисиз, Алвинг хоним?

Алвинг хоним. Мана энди сиз, пастор Мандерс, тантанали нутқдан ҳам қутулиб қолдингиз.

Пастор Мандерс. Эҳ, мен бўлсам қандай хушнудлик билан...

Алвинг хоним (*овозини пастлаб*). Бундай воқеани юз бергани яхшиликка, албатта. Бу бинода савоб иш бўлишидан, бўлмаси кўп эди.

Пастор Мандерс. Сиз шундай деб ўйлайсизми?

Алвинг хоним. Сиз-чи?

Пастор Мандерс. Ҳарҳолда бу ўтакетган бахтсизлик.

Алвинг хоним. Бунга, майли, очиқдан-очиқ иш нуқтаи назаридан қарайлик. Энгстран, сизнинг пасторда гапингиз борми?

Энгстран (*даҳлиз эшиги олдида туриб*). Худди шундай!

Алвинг хоним. Бирпас ўтиратуринг.

Энгстран. Ташаккур, туратураман.

Алвинг хоним (*пасторга*). Сиз, эҳтимол, параходда кетарсиз.

Пастор Мандерс. Ҳа, бу бир соатдан сўнг жўнайди.

Алвинг хоним. Сиздан илтимос, ҳамма хат-папларни ўзингиз билиб олиб кетинг. Бу масалани бундан кейин эшитишни ҳам истамайман, энди, бошқа ташвишларим ҳам бор.

Пастор Мандерс. Алвинг хоним...

Алвинг хоним. Кейинчалик сизга тўла-тўкис ишончнома ёзиб юбораман. Ўзингиз хоҳлаганча, бу масалани ҳал қилаверинг.

Пастор Мандерс. Чин кўнгилдан бу нарсани ўз зиммамга олишга тайёрман. Аввалги савдои мероснинг вазифаси энди, эвоҳ, ўзгариши керак, албатта!

Алвинг хоним. Ўз-ўзидан аён бу.

Пастор Мандерс. Мен ҳозирча шундай қилмоқчиман. Сульвик чорбоғи шу ердаги жамоа ихтиёрига ўтади. Ер, ҳарҳолда, бир нарса деган гап. Эҳтимол, бунга бўлмаса, бошқа бирор нарсага яраб қолади. Омонат кассага қўйилган сармоя фоизи ҳисобига шаҳарга нафи тегадиган биронта муассасани сақлаб туриш яхши бўлар деган фикрламан.

Алвинг хоним. Сиз нимани истасангиз, шундай қилаверинг, менга барибир.

Энгстран. Денгизчилар учун мўлжалланган кўналғамни эсингиздан қақирманг, пастор жаноблари!

Пастор Мандерс. Ҳа, ҳа, бу яхши фикр. Лекин яна ўйлаб кўриш керак.

Энгстран. Ўйлашнинг нима ҳожати бор... Ё Исо пайғамбар!

Пастор Мандерс (*энтикиб*). Ҳайҳот! Ҳали бу ишлар билан яна қанча вақт банд бўламан, ким билсин. Балки, афкор омма фикри мени бу хатти-ҳаракатдан воз кечишимга мажбур этиши мумкин. Ҳамма нарса ёнфиннинг келиб чиқиши юзасидан олиб бориладиган тергов натижаларига боғлиқ.

Алвинг хоним. Нималар деяётибсиз?

Пастор Мандерс. Натижани олдиндан билиш қийин.

Энгстран (*яқинлашиб*). Бу гап қандай бўлди? Якоб Энгстраннинг ўзи шу ерда эканлиги етмайdimи?

Пастор Мандерс. Ҳа, ҳа, аммо...

Энгстран (*овозини пастлаб*). Якоб Энгстран унақанги одамлардан эмас, бошига кулфат тушганда ошнасини сотиб кетадиган...

Пастор Мандерс. Аммо, азизим, қандай қилиб...

Энгстран. Якоб Энгстран, айтганча, худди фариштаннинг ўзгинаси...

Пастор Мандерс. Йўқ-йўқ. Менга, ростини айтсам, бундай гаплар ортиқча.

Энгстран. Йўқ, модомики, шундай экан, айтганим бўлиши керак. Мен бир одамни биламан, у ўзига дахли йўқ айбни бўйнига олгач...

Пастор Мандерс (*узинг қўлини қисиб*). Якоб! Сиз ноёб кишисиз. Шунинг учун ҳам сизга бошпанангиз масаласида ёрдам берилади. Менга ишонишингиз мумкин.

Энгстран миннатдорчилик изҳор этмоқчи бўлди-ю, аммо ҳаяжондан ўзини босолмайди.

(*Сумкасини елкасига ташлаб.*) Қани, йўлга тушдик.

Э н г с т р а н (*емакхона эшиги олдида Регинага аста-секин*). Мен билан бирга кетавер, қизалоқ. Еганинг олдинда, емаганинг кетинда бўлади.

Р е г и н а (*бошини қимирлатиб*). Мерси¹ (*Олдинги хонага чиқади ва пасторнинг пальтосини келтириб беради*).

П а с т о р М а н д е р с. Яхши қолинг, Алвинг хоним. Бу хонадонда тартиб ва қонуният барқ уриши учун худо ёр бўлсин!

А л в и н г х о н и м. Хуш кўрдик, Мандерс. (*Айвонга ўтиб, боғдан чиқиб келаётган Освальд олдида боради.*)

Э н г с т р а н (*пасторга пальтони кийдиришида Регинага ёрдам бера туриб*). Хайр, қизим, бошинга бирор иш тушса, Якоб Энгстранны қаердан топишинг мумкинлигини унутма. (*Шивирлайди.*) Кичик Гавана... тсе!! (*Алвинг хонимга ва Освальдга мурожаат қилиб.*) Дарбадар денгизчилар мўлжалланган қўналгани “Камергер Алвинг уйи” деб атаймиз. Ҳаммаси мен ўйлаганча бўлади, айниқса, марҳум камергер номига муносиб бўлишига кафилман.

П а с т о р М а н д е р с (*эшик олдида*). Тсе! Тсе!.. Қани, юринг муҳтарам Энгстран, хайр, хайр! (*Энгстран билан даҳлизга чиқиб кетадилар.*)

О с в а л ь д (*столга яқинлашиб*). У қайси уй ҳақида гапираётибди?

А л в и н г х о н и м. Пастор билан ҳамкорликда қуриши керак бўлган аллақандай қўналга тўғрисида.

О с в а л ь д. Унга ҳам ўт тушади, бу ердагига ўхшаб...

А л в и н г х о н и м. Бу гап бошинга қаердан келди?

О с в а л ь д. Ҳаммаси ёниб битади. Дадам ҳақида ҳеч қандай хотира қолмайди. Мен ҳам бунда куйиб кул бўламан.

Регина ҳайрат билан унга қарайди.

А л в и н г х о н и м. Освальд, шўрлик болам! Сен у ерда бунчалик узоқ қолмаслигинг керак эди.

О с в а л ь д (*стол ёнига ўтириб*). Дарвоқе, шундай.

А л в и н г х о н и м. Қани, менга қара, юзларингни артиб қўяй. Терлаб кетибсан. (*Унинг юзларини ўз дастрўмолчаси билан артади.*)

О с в а л ь д (*лоқайд қараб*). Раҳмат, ойи.

А л в и н г х о н и м. Толикқансан, Освальд, бир ухлаб олмайсанми?

О с в а л ь д (*безовталаниб*). Йўқ-йўқ... уйку қаёқда дейсиз? Мен ҳеч қачон ухламайман. Фақат хаёл қиламан, холос. (*Дўнғиллаб.*) Ухлайдиган вақт ҳам келади.

А л в и н г х о н и м (*ташвишланиб, унга қарайди*). Ҳа, сен чиндан ҳам бетобсан, азизим.

Р е г и н а (*изтироб чекиб*). Жаноб Алвинг бетобми?

О с в а л ь д (*асабийлашиб*). Ҳамма эшикларни ёпинг. Бу ўлимдан баттар даҳшат!

А л в и н г х о н и м. Эшикларни ёпа қол, Регина.

Регина эшикларни ёпади ва олдинги хона эшиги қаршисида тўхтади. Алвинг хоним устидаги рўмолни олиб итқитади, Регина ҳам шундай қилади. Алвинг хоним стулни суриб, Освальд ёнига ўтиради.

Мана, мен ёнингда, сен билан ўтираман...

О с в а л ь д. Ҳа, ўтир. Регина ҳам шу ерда бўлсин. Регина ҳамини мен билан бирга бўлса кошқийди. Сен, менга ёрдам қўлингни узатасанми, Регина? Шундайми?

Р е г и н а. Мен бу гапларингизни тушунолмаяпман.

А л в и н г х о н и м. Ёрдам қўлингни?

О с в а л ь д. Ҳа, зурурият пайдо бўлса...

А л в и н г х о н и м. Освальд, сенинг онанг бор-ку. У сенга кўмакдош.

О с в а л ь д. Сизми? (*Кулимсираб.*) Йўқ, ойи, бундай ёрдамни сиз уйдалай олмайсиз. (*Заҳарханда билан.*) Сиз! Ҳа-ҳа! (*Унга жиддий қарайди.*) Гапнинг

¹ М е р с и — Раҳмат. (*Франц.*).

лўндасини айтганда, дарҳақиқат, ҳаммадан ҳам сизга яқин бўлишим керак эди. (*Қизишиб.*) Нега сен мен билан “сен”лашиб гаплашмайсан, Регина? Нега, мени Освальд деб айтиб қўяқолмайсан?

Регина (*секин-аста*). Мен билмайман, бу бека ойимга маъкул тушадими, йўқми?

Алвингхоним. Сабр қил, ҳадемай сента уни шундай аташликка ижозат ҳам тегеди. Қани, ёнимизга ўтир-чи.

Регина тортиниб, ҳадиксираб, столнинг нариги томонида ўтиради.

Мана, шундай, шўрлик, азоб-уқубатда қолган болам. Дардинга шерикман, уни юрак-бағриндан сугуриб олай...

Освальд. Сизми, ойи?

Алвингхоним. Мен сени жамики, виждон азобларидан, тавба-тазаррулардан, таъна-ташвишлардан холи этмоқчиман...

Освальд. Сиз ўзингизни бунга қодир деб ўйлайсизми?

Алвингхоним. Ҳа, энди қўлимдан келади, Освальд. Мана сен ҳаёт хушнудлиги ҳақида сўйлаб, менинг умримда юз берган, менга тамом бошқача кўринган, қоронғулик чуллаган уфқларни ёритиб юбординг.

Освальд (*бошини қилмирлатиб*). Ҳеч нарса англолмаяшман.

Алвингхоним. Сен дадангни, ҳали у ёш лейтенант бўлиб юрган вақтларда кўрганингда эди! Унинг қалбида қувонч қулф урарди.

Освальд. Биламан.

Алвингхоним. Унга бир боқишнинг ўзи кифоя эди — киши кўнгли яйраб кетарди. Бунинг устига, танасига сизмас куч, бениҳоя ғайрат.

Освальд. Хўш, хўш?..

Алвингхоним. Мана шундай хушчақчақ болакай — ҳа, дарҳақиқат, ўша вақтда худди болага ўхшарди, — кичкинагина ушбу шаҳарчада телбаи бенаводай ўзини ҳис этиб, ҳеч қандай қувноқлик кўрмади, кўргани фақат ишрат бўлди, холос. Ҳеч қандай жиддий бурч, ҳаётида бир мақсад бўлмади, бўлгани зиммасидаги ҳарбий хизмат! Ҳеч қандай иш бўлмадики, уни жон дили билан адо этса бўлгани, билгани бир “иш!”. Унинг ёнида яшаш маъносини, шуқуҳини англай олишга қобил бирорта ўртоғи ҳам бўлмади, борлари фақат бемаъни, шиша уфатлари!

Освальд. Ойи?..

Алвингхоним. Шундай қилиб, бўлар иш бўлди!

Освальд. Нима бўлиши керак эди?

Алвингхоним. Сен ўзинг ҳали кечкурун шу ерда қолсанг, нима бўлишини менга айтдинг-ку.

Освальд. Сиз айтмоқчисизки, менинг дадам...

Алвингхоним. Сенинг дадангдай ҳаддан ташқари хушчақчақ киши учун бу ерда бундан бўлак йўл ҳам йўқ эди. Мен эса унинг хонадонига на нур, на сурур келтиролмадим.

Освальд. Сиз ҳам?

Алвингхоним. Менинг қулоғимга болалигимдан бурч ва вазифаларни ўташ ҳақидаги панд-насихатлар қуйилган эди, холос. Мен эса ўша ўтиглардан нарига ўтолганим йўқ. Биз учрашганимизда унинг ва менинг зиммамдаги бурч-вазифалар ҳақида гаплашардик... Айтишга ҳам кўрқаман — уйимиз отанг кўзига бало бўлиб кўринадиган бўлиб қолган эди. Освальд, бунга мен айблیمان.

Освальд. Нега сиз бу ҳақда бир оғиз ҳам хатингизда ёзмагансиз?

Алвингхоним. Умримда ҳеч қачон бундай нарсани кўрмаганимдан бу ҳақда сен билан, унинг ўғли билан дардлашишга журъат этолмадим.

Освальд. Сиз бундай аҳволга қайси кўз билан қарадингиз?

Алвингхоним (*аста-секин*). Мен бир нарсани кўриб турардим — даданг ҳали сен дунёга келмаган кунлардаёқ ҳалокатга юз ўтирган эди...

Освальд (*бўғиқ овоз билан*). Нима дедингиз. (*Урнидан туради ва дераза ёнига боради.*)

Алвингхоним. Яна бир фикр бошимдан кетмас эди, очигини айтсам, Регина менга худди ўз фарзандимдай яқин бўлиб қолганди.

О с в а л ь д (*дарҳол унга қарайди*). Регина?
 Р е г и н а (*сакраб туриб*). Мен?..
 А л в и н г х о н и м. Ҳа, энди икковингиз ҳам буни биласиз.
 О с в а л ь д. Регина!
 Р е г и н а (*ўзи-ўзига*). Демак, ойим ҳалигидай экан-да.
 А л в и н г х о н и м. Сенинг ойинг анча-мунча яхши хотин эди, Регина.
 Р е г и н а. Ҳарҳолда ҳалигидақалардан экан-да. Мен ҳеч қачон бундай деб ўйламагандим. Лекин... Ҳа, майли... Бека ойим, менга ҳозирнинг ўзида жўнаб кетишга ижозат беринг.
 А л в и н г х о н и м. Жиддий гапираётибсанми, Регина?
 Р е г и н а. Ҳа-ҳа, ёлғони ҳам борми?
 А л в и н г х о н и м. Масала ҳал, кетишинг мумкин, аммо...
 О с в а л ь д (*Регинага яқинлашади*). Жўнаб кетасанми? Сен ўз уйингдасан-ку.
 Р е г и н а. Мерси, жаноб Алвинг... Ҳа, энди мен сизни Освальд деб атасам бўлади. Лекин мен ўйлагандай бўлиб чиқмади.
 А л в и н г х о н и м. Регина, мен сен билан очиқ гаплашолмадим...
 Р е г и н а. Энди бу ҳақда оғиз очишинг ўзи айб! Бунинг устига Освальд бетоб... Эндиликда бизнинг орамизда бирор жиддий иш бўлиши мумкинми? Йўқ, мен қишлоқ жойда қолиб кетолмайман, ёшлигимнинг эса бир кунини ҳам хаста ёнида ўтказиб, жувонмарг қилишни хоҳламайман.
 О с в а л ь д. Ҳатто шундай яқин бир киши билан ҳам ўтказишни истамайсанми?
 Р е г и н а. Йўқ энди, ўзингиз билишингиз керак. Бечора қизга ёшлик ганимат. Бир кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади, бошингда сочинг, оғзингда тишинг қолмаганини билмайсан? Сиз айтган қувноқлик менда ҳам бор, бека ойим!
 А л в и н г х о н и м. Ҳа, эвоҳ!.. Ўзингни майиб қилма, Регина!
 Р е г и н а. Ҳарқалай тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Освальд даласининг йўлидан кетган бўлса, мен ойимнинг йўлидан... Сўрашга руҳсат этинг, бека ойим, пастор бу гаплардан хабардорми?
 А л в и н г х о н и м. Пастор Мандерс ҳаммасини билади.
 Р е г и н а (*рўмолини аста-секин елкасига ташилаб*). Мен нарсаларимни тезроқ йиғиштиришим керак бўлиб қолди, йўқса пороходга улгуролмайман. Пастор бу масалада дуруст одам, у билан тил топса бўлади. Менинг назаримда худо урган дурадгор сингари менга ҳам харом пуллардан манфаатдор бўлишга тўғри келади.
 А л в и н г х о н и м. Илоҳим, ишинг ўнгидан келсин!
 Р е г и н а (*унга тикилиб*). Гап бунақанги экан, бека ойим, мени баобруё кишилар қизидай тарбия этганингизда ҳаққингиз кетмасди. Буниси менга кўпроқ ярашарди. (*Бошини кўтариб.*) Энди ҳаммасига тупуриш керак! (*Оғзи очилмаган шишага тегиб ўтиб.*) Дарвоқе, ҳали менга мўътабар жаноблар билан шампань ичишга ҳам тўғри келади.
 А л в и н г х о н и м. Ўз уйингга қайтиш учун зарурат туғилса, Регина, бемалол келавер.
 Р е г и н а. Йўқ, таъзим ила ташаккур! Пастор Мандерс менга ғамхўрлик қилса керак. Лекин ундан рўшнолик кўрмасам, энди мен учун эшиги очиқ уй борлигини биламан.
 А л в и н г х о н и м. Қайси уй ҳақида гапираётибсан?
 Р е г и н а. Камергер Алвинг меҳмонхонаси ҳақида.
 А л в и н г х о н и м. Регина, кўриб турибманки, сен ҳалокатга учрайсан.
 Р е г и н а. Бўлганча бўлди! Adieu! (*Таъзим ила олдинги хонага ўтиб, ундан чиқиб кетади.*)
 О с в а л ь д (*деразадан қараб*). Кетди!
 А л в и н г х о н и м. Шундай!
 О с в а л ь д (*дўнгиллаб*). Жуда ёмон бўлди.
 А л в и н г х о н и м (*унга яқинлашиб, ҳар икки қўлини унинг елкасига қўйиб*). Освальд, азизим, бу воқеа сени ларзага солиб қўйди, шекилли?
 О с в а л ь д (*унга ўгирилиб қараб*). Отам ҳақидаги гапларми?
 А л в и н г х о н и м. Ҳа, сенинг ўша бахтсиз отанг ҳақидаги гаплар. Сенинг қалбингни ларзага солиб қўйганидан кўрқаман.

О с в а л ь д. Нега бундай ўйляяпсиз? Шак-шубҳасиз, бу мени гаранг қилиб қўйди. Лекин, бундоқ қараганда, мен учун аҳамияти йўқ.

А л в и н г х о н и м (*қўлини елкадан олиб*). Дадангинг шунчалик бадбахтлиги сен учун аҳамиятсизми?

О с в а л ь д. Шубҳасиз, мен унга ачинаман, худди бошқаларга ачинганимдек, аммо...

А л в и н г х о н и м. Шугинами? Ахир ўз отанг-ку!

О с в а л ь д (*асабийлашиб*). Эҳ, отам... отам! Мен уни сира-сира билмаганман-ку. Фақат унинг марҳамати туфайли бир кун ўхчиганим эсимда бор, холос.

А л в и н г х о н и м. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат. Наҳотки, бола ўз отасига меҳр-муҳаббат қўймаса?

О с в а л ь д. Борди-ю, у ўз отасига миннатдорчилик билдириш учун арзигулик баҳона тополмаса-чи? Ҳатто у ўз отасини билмаса-чи. Ёки сен, дарҳақиқат, эски урф-одатларга ортиқ итоатқормисан, сен шунчалик билимдон, маърифатли бўлатуриб?

А л в и н г х о н и м. Буни сен фақат биргина урф-одат деб биласанми!

О с в а л ь д. Сенинг ўзинг яхши англашинг керак, ойи. Булар ҳаммаси шунчаки оғиздан-оғизга кўчиб юрган гаплар... Бу ҳам ўша олди-қочдиларнинг бири, зотан, кейинчалик...

А л в и н г х о н и м (*дарғазаб*). Арвоҳ бўлиб кўринади.

О с в а л ь д. Ҳа, арвоҳ десанг дея қол, майли!

А л в и н г х о н и м (*тўсатдан*). Освальд... Шундай қилиб, сен мени яхши кўрмайсанми?

О с в а л ь д. Сизни, ҳарҳолда биламан...

А л в и н г х о н и м. Ҳа, биласан, шунинг ўзи кифоями?

О с в а л ь д. Сиз мени юракдан севишингизни биламан, бунинг учун, албатта, сизга куллуқ қилишим керак. Бунинг устига, бетоб кунларимда менга бениҳоя нафингиз тегиши мумкин.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шундай Освальд. Тўғрими? Мен сента ёпишган дардга “офарин” айтишга тайёрманки, зотан у сени менга келтириб берди. Эндиликда кўриб турибманки, сен ҳали меники бўлганингча йўқ, сени забт этишим керак.

О с в а л ь д (*изтироб чекиб*). Ҳа, ҳа, шундай, булар ҳаммаси гап! Сиз менинг хасталигимни унутманг, ойи. Ўзим ҳақимда ўйлашим керак, ўзгалар ҳақида узоқ ўйлашга қурбим етмайди.

А л в и н г х о н и м (*ҳазин товуш билан*). Мен ҳаммасига розиман, ҳаммасига чидайман, Освальд.

О с в а л ь д. Хафа бўлманг, ойи!

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шундай, болагинам, сен ҳақсан (*унга яқинлашиб*). Ҳарҳолда мен таъна тошларидан ва виждон азобларидан холи қилолдимми?

О с в а л ь д. Ҳа, лекин даҳшат юкидан ким холи қилади?

А л в и н г х о н и м. Даҳшат?

О с в а л ь д (*хонада юриб*). Регинанинг илтимос қилишига тўғри келади.

А л в и н г х о н и м. Англолмайман. Қандай боғлиқлик бор даҳшат билан Регина ўртасида?

О с в а л ь д. Жуда кеч, энди, ойи.

А л в и н г х о н и м. Эрта тонг. (*Деразадан айвонга қарайди*.) Уфқларда тонг отаётир. Ҳаво ҳам очиқ бўлади, Освальд, ҳадемай куёш кўрасан.

О с в а л ь д. Бениҳоя хурсандман. Эҳе, ҳали менинг ҳаётимда аллақандай хуррамлик юз бериши мумкин. — Яшасанг арзийди...

А л в и н г х о н и м. Яшаганда қандай!

О с в а л ь д. Борди-ю, мен ишга яроқсиз бўлсам ҳам...

А л в и н г х о н и м. Эҳ, ҳали яна тез кунда ишга яраб қоласан, азиз болагинам. Энди сен қалбингни қиймалаб ётган бутун машаққат ва шубҳаларни итқитиб ташлади.

О с в а л ь д. Ҳа, дуруст, сен мени бўлмағур бу гаплардан халос этдинг. Энди яна бир нарсадан қугулолсам кошқийди. (*Диванга бориб ўтиради*.) Келинг, ойи, дардлашайлик.

А л в и н г х о н и м. Кела қол, кел! (*Диванга оромкурсини суриб, Освальдга яқин ўтиради.*)

О с в а л ь д. Бу орада қуёш ҳам кўтариледи... Сизга ҳамма нарса аён бўлади. Мен эса бу даҳшатдан қутуламан!

А л в и н г х о н и м. Нима дединг? Нима аён бўлди?

О с в а л ь д (*унинг гапига қулоқ солмасдан*). Сиз ўзингиз кечкурун айтдингиз-ку, ойи, мен сиздан ниманики, илтимос қилмай, рад этмайсиз.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шундай деганман.

О с в а л ь д. Ўз гапингизда турасизми?

А л в и н г х о н и м. Сен менга ишонаверсанг бўлади, азизим, ёлғизим! Кўриб турибсан-ку, биргина сен учун бу дунёда яшаётиман.

О с в а л ь д. Ҳа, шундай, қулоқ сол... Ойи, сизнинг руҳан бақувват эканлигингизни биламан. Фақат илтимос, менинг оғзимдан чиққан гапларни эшитганингизда, жойингиздан кўзгалмасдан ўгиришингиз шарт.

А л в и н г х о н и м. Бу нима деганинг бўлди? Аллақандай мудҳишликнинг ҳиди келаётимди-ку?

О с в а л ь д. Бақирманг. Эшитдингизми? Мен билан бу ҳақда бамайлихотир, тинчгина гаплашишга сўз берасизми? Ваъдангизнинг устидан чиқасизми, ойи?

А л в и н г х о н и м. Ҳа, ҳа. Қани, гапир, сўзим — сўз!

О с в а л ь д. Билсангиз эди, тинкам қуриди, ҳали ишга ярайманми, йўқми, бу ҳақда ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ, дард унда эмас.

А л в и н г х о н и м. Ҳа, бўлмаса, дард нимала?

О с в а л ь д. Бу дард менга суяк суриб ўтган... (*Қўли билан пешонасини кўрсатиб, эшитилар-эшитилмас*). Мана, бу ерга жойлашиб олган.

А л в и н г х о н и м (*тиздан қолғудай бўлиб*). Освальд!.. Йўқ, йўқ!

О с в а л ь д. Бақирманг, шовқинни кўтаролмайман. Ҳа, мана шу ерга жойлашиб олган, пайт пойлаётимди. Кези келса, ташқарига ёриб чиқиши ҳам ҳеч гапмас!

А л в и н г х о н и м. Оҳ, қандай даҳшат!

О с в а л ь д. Фақат ўзингизни босинг! Мана, менинг аҳволим қандай...

А л в и н г х о н и м (*ўридан сакраб туриб*). Йўқ, бу ёлғон, Освальд! Ишонмайман, бундай бўлиши мумкин эмас. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

О с в а л ь д. Менда бундай тутқаноқ бир марта юз берди-ю, зудлик билан ўтиб кетди. Аммо бунинг нима эканлигини билганимда, бошимдан оёғимгача даҳшат босди — мудҳиш, тоқат қилиб бўлмайдиган даҳшат! Ўша даҳшат мени қувиб солди, сизнинг ҳузурингизга.

А л в и н г х о н и м. Демак, шундай, даҳшат!..

О с в а л ь д. Ҳа, буни айтиш қийин, мудҳиш! Эҳ кошкийди, бу шунчаки жонингни олиб қўяладиган дард бўлса... Мен ўлимдан қўрқмайман, ҳолбуки, яна жон-жон деб яшагим келса ҳам...

А л в и н г х о н и м. Ҳа, шундай, Освальд, ҳали сен яшайсан!

О с в а л ь д. Эндиликда бу шундай жирканч! Яна ношуд бир болакай аҳволига тушиш, ўз овқатингни ўзинг ейолмасанг... йўқ, бу — айтишга осон!

А л в и н г х о н и м. Болани она парвариш қилади.

О с в а л ь д (*ирғиб*). Йўқ, бундай бўлиши сира мумкин эмас. Худди она шундай бўлишини истайман. Мен бундай йўсинда узоқ яшашимни кўз олдимга келтиролмайман — қариб кетаман, оқармаган туким қолмайди. Бу вақт ичида сиз ҳам ўлиб кетишингиз ҳеч гапмас! (*Онасининг оромкурсидаги қўлига ўтириб.*) Доктор бу дарднинг оқибати ўлим эканини айтди-ку. У бу касалликнинг миянинг суйилишидай бир нарса деди... ёки шунга ўхшаш бошқа нарса. (*Кўнилсиз табассум билан.*) Номии ёмон эмас, менимча, эшитишга чиройли. Менинг назаримда, ўшандай пайтда тўққизил бахмалдан тикилган даршардани силагим келади, ҳа, шундай...

А л в и н г х о н и м (*ўридан ирғиб туриб*). Освальд!

О с в а л ь д (*сакраб туради, хонанинг у ёғидан-бу ёғига юриб*). Бунинг устига сиз мендан Регинани ҳам тортиб олдингиз. У менинг ёнимда бўлганида, дардимга дармон бўларди.

А л в и н г х о н и м (*унга яқинлашиб*). Бу билан сен нима демоқчисан, азизим? Шу ёруғ дунёда сенга мен раво кўрмаган бирор кўмак борми?

О с в а л ь д. Мен бу тутқаноқ дардидан бир марта омон қолганимда, доктор яна шу тутқаноқ такрорланса, такрорланиши ҳам мумкин, унда бор умидни узавериш керак, деди.

А л в и н г х о н и м. Наҳотки, шунчалик бағри тош экан!

О с в а л ь д. Ундан мен ўзим нима қилишим кераклигини сўрадим... (*муғамбирона кулимсираб*). Ҳа, шундай! (*Ички чўнтагидан бир қутича олиб*). Кўрдингизми, ойи?

А л в и н г х о н и м. Нима, нима бу?

О с в а л ь д. Кучала.

А л в и н г х о н и м (*кўзлари чақчайиб, унга қарайди*). Освальд, болагинам...

О с в а л ь д. Мен ўн икки отимлик йиедим...

А л в и н г х о н и м (*қўлидан тортиб олмоқчи бўлиб*). Бер буни менга, Освальд!

О с в а л ь д. Ҳали вақт бор, ойи. (*Ёнига солиб қўяди.*)

А л в и н г х о н и м. Мен бу даҳшатни енголмайман.

О с в а л ь д. Енгиш керак. Агар Регина бу ерда менинг ёнимда бўлганда, мен унга дардимни айтардим... хуллас, сўнги хизматини мендан аямаслигини илтимос қилардим: у эса йўқ демас эди, бунга ишончим комил.

А л в и н г х о н и м. Асло!

О с в а л ь д. Мана бу даҳшат мени — оёқ-қўлимни чамбарчас боғлаб олганлигини бир бурда гўдакдай ҳеч нарсага ярамасдан ётганимни, мендан қўлни ювиб қўлтиққа урилганлигини, мени ҳалокат кутаётганини кўрганида...

А л в и н г х о н и м. Регина ҳеч қачон сен ўйлаган ишни қилмаган бўларди!

О с в а л ь д. Регина буни қиларди. У ҳамма нарсани бирпасда осонликча ҳал қиларди. Аммо тез орада менга ўхшаган бундай хаста билан муомалада бўлиш жонига тегарди, албатта.

А л в и н г х о н и м. Худога шукурки, у бу ерда эмас.

О с в а л ь д. Демак, энди сиз ўзингиз, ойи, бу хизматни ўташингизга тўғри келади.

А л в и н г х о н и м (*қаттиқ бақириб*). Мен?

О с в а л ь д. Сиз бўлмасангиз, бу ишни ким қилади?

А л в и н г х о н и м. Мен! Сенинг онанг!

О с в а л ь д. Ҳа, худди шундай!

А л в и н г х о н и м. Мен, сени туққан, сени ҳаётга йўллаган ўз онанг?!

О с в а л ь д. Мен сиздан ҳаёт ҳақида ҳеч нарса сўраганим йўқ! Сиз менга қанақанги ҳаёт бердингиз? Менга бундай ҳаёт керак эмас! Қайтариб олинг!

А л в и н г х о н и м. Ёрдам беринг, ёрдам! (*Ташқарига қочиб чиқади.*)

О с в а л ь д (*уни қувлаб*). Мендан қочманг, қаёққа борасиз?

А л в и н г х о н и м (*ташқарида*). Сенга доктор олиб келиш учун, Освальд. Қўйиб юбор мени.

О с в а л ь д (*ўша жойда*). Қўйиб юбормайман. Бу ерга ҳеч ким ҳам кирмайди. (*Кулфнинг шиқирлаган товуши эшитилади.*)

А л в и н г х о н и м (*орқасига қайтиб*). Освальд!.. Освальд! Болагинам.

О с в а л ь д (*унинг ортидан*). Агар кўксингизда уриб турган қалб — она қалби бўлса, мен чекаётган азоб-уқубатлар — нақалар чидаб бўлмайдиган даҳшат эканлигини кўра олсангиз, кошкийди?..

А л в и н г х о н и м (*бир нафас сукутдан кейин, қатъий*). Мана сенга менинг қўлларим.

О с в а л ь д. Розимисиз?..

А л в и н г х о н и м. Ниҳоятда, сенга нафи бўлса агар. Аммо бу нарса бўлмайди. Йўқ, йўқ, асло! Бўлиши мумкин эмас!

О с в а л ь д. Умид қиламиз. Иложи борича, бирга яшаб, биргаликда узоқ умр кўришга тиришамиз. Раҳмат, ойи. (*Алвинг хоним диванга яқин сурилган оролжурсига ўтиради.*)

Кун ёришади, чироқ эса стол устида ҳамон ёниқ турибди.

А л в и н г х о н и м (*аста-секин Освальдга яқинлашиб*). Энди тинчидингми?

О с в а л ь д. Ҳа.

А л в и н г х о н и м (*унга энгашиб*). Сен бутун бир даҳшатни ўзинг ўз тасаввурингда яратдинг, холос, Освальд. Бунинг ҳаммаси фақат бир хаёл. Сен ҳаяжон нималигини билмадинг. Аммо энди дам оласан ўз уйингда, ўз онанг бағрида, нотавон болам. Кўнглинг нимани тусаса, худди болалигингдагидек ўша нарса муҳайё бўлади. Мана, қўрдингми, тутқаноқ ўтди-кетди. Қўрдингми, ҳаммаси осонгина ўтди. Эҳ, кошки, мен буни билган бўлсам!.. Ана, Освальд, қара, нақадар ажойиб кун ёришаётди. Мунаввар офтоб. Энди сен ўз юртингни ҳақиқий нур қўйнида кўрасан. (*Стол ёнига бориб, чироқни ўчиради.*)

Қуёш кўтарилади. Музлик ва қоя чўққилари ложувард осмон тубида эрталабки қуёшнинг заррин шуълаларидан ярқирайди.

О с в а л ь д (*айвонга тескари қаратиб қўйилган оромкурсида қимир этмасдан ўтиради ва бирдан гапирди*). Ойи, менга қуёшни олиб беринг.

А л в и н г х о н и м (*стол ёнида, эси оғиб*). Нималар деяётисан?

О с в а л ь д (*нафаси чиқмасдан такрорлайди*). Қуёшни... Қуёшни...

А л в и н г х о н и м (*унга ташланиб*). Освальд, сенга нима бўлди?

Освальд оромкурсига бутунлай ташланади, бадани, қўл-оёқлари бўшашади, юзлари бемаъно, сўниқ нигоҳи узоқларга тикилганча қотиб қолди.

(*Даҳшатдан қалтираб.*) Нима бўлди? (*Бақириб.*) Освальд! Сенга нима бўлди? (*Оёқлари остига ташланади ва уни силкитади*). Освальд! Освальд! Менга қара! Мени танимаётисанми?

О с в а л ь д (*илгаригидек нафаси чиқмасдан*). Қуёшни... Қуёш...

А л в и н г х о н и м (*дарғазаб ўрнидан туради. Сочларини юлиб, бақиради*). Бундай даҳшатни енгилла қурбим етмайди! (*Қўрқиндан оқарган юзларини суртиб, шивирлайди.*) Қурбим етмайди! Асло! (*Бирдан.*) Бояги нарса унинг қаерида? (*Типирчиланиб, унинг кўкрагини титкилайди.*) Мана у! (*Бир неча қадам тисарилади ва қичқиради.*) Йўқ! Йўқ!.. Ҳа, шундай!.. Йўқ! Йўқ! (*Ўғлидан икки қадам нарида туриб, қўллари билан сочини юлади ва даҳшатдан ҳангу манг унга тикилади.*)

О с в а л ь д (*ўтирган жойида қимирламасдан такрорлайди*). Қуёш... Қуёш...

П а р д а.

Т а м о м.



Кристина РОССЕТИ

Қадрдон туйғулар

МЕНИ ЭСЛА

Ўтинаман, мени эслаб юр...
Яқинлашар ҳижрон дамлари —
Сенга азоб бермас гамларим
Олиб кетсам, бағри қон, вайрон
Қолсанг ҳамки, эсла, қадрдон!

Мени эсла, эсла, азизим,
На бир андуҳ, на қайғу-ҳасрат
Ўйларингга солмасин соя,
Шу ўйларда яшайин фақат.

Ўилиб-билмай мени унутсанг,
Ўзингни ҳеч азобга солма.
Бу - дунёнинг охири эмас,
Аламингни кўз ёшдан олма...
Барчасини унут, кўзинг юм,
Табассум қил, жоним, табассум...

ОЙНИНГ БИР БЎЛАГИ

Ойнинг бир бўлаги... Тебранар борлиқ!
Яримлашар ёхуд ерга тортар ой?
Ойнинг бир бўлаги — севинч ёшлари,
Тоелари виқорли, бахт очмиш чирой.

*Русчадан
Ойгул СҮҲҲИДИКОВА
таржималари*

Кристина Россети (1830-1894) болалигидан то умрининг охиригача қўлидан қаламини туширмаган, суврати ҳам, сийрати ҳам гўзал ва бетакрор шоира сифатида инглиз шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг илк шеърий тўплами севикли бобоси томонидан нашр этилади. Шоиралик қисмати Кристина Россетига отаси – Лондонда яшаб ўтган италиялик муҳожир, итальян тили ва адабиёти ўқитувчиси Габриел Россети қонидан ўтган. Бундан ташқари, акаси Данте Габриел Россети ҳам ўз даврининг машҳур рассоми саналган. Айниқса, шоира синглизининг портрети ва унинг барча китобларига ишлаган безак-расмлари бугунги кунда ҳам кишини ҳайратга солади. Мана шундай ижодий муҳит Кристина Россети ижодини юксакка кўтарди.

Чуқур лиризм, драматизм, воқелик ва фалсафийлик билан сугорилган бу шеърият орадан 175 йил ўтиб ҳам муҳаббат билан тилга олинаётган экан, бунинг баҳосини адиба ва адабиётшунос Вирджиния Вулф сўзларидан англаб олиш қийин эмас: “Россети шеърияти шунинг учун ҳам қадрлики, у уйготган туйғу ва ҳаяжон биз билан бирга яшайди, бизни бойитади. Чунки улар – бизга қадрдон туйғулардир”.

Ҳаётда ҳам шундай — ярмиси хато,
Бир бўлаги — жавоб, ярмиси — савол.
Бахт ҳам тўлишади бир кунни ойдай,
Қайгулар эрийди, эрийди хушқол.

ЁЗНИНГ ОХИРИ

Табиат гултожи — атиргулим айт,
Қайда ранг, қайда кўрк, қайда ул туйғу?!
Ким билсин, эҳтимол, ёзимизни ҳам
Кутмоқдадир шу йўл, шундайин қайғу?

ТУБСИЗЛИК НИМАДИР?

Ниманинг туби йўқ? — Қудуқлар, тоғлар.
Нима у — учар ўқ? — Рангин ёш чоғлар.
Нима у — ҳад билмас? — Уммон, бахт сири.
Нима у — ҳеч ўлмас? — Шу қуёш нури.

АЙТМИШЛАРИМ

Заҳматим тугади... Улушим олдим.
Шамол турадимми-турмас, барибир,

Фақат осмон билан дўст бўлиб қолдим, —
Далаларим бўшади, ахир.

Кунларим, тунларим қўшилиб оқди,
Яқинлашиб келар умр заволим.
Ким дўстим? Кимга мен ганимдай боқдим?
Туноҳларим кўпми, кўпми саволим?

Чалгини ташладим, хувиллар бағир —
Далаларим бўшади ахир.

ГОБЛИНЛАР БОЗОРИ

(Поэмадан парча)

Лаура беихтиёр
Қалқди ва қулоқ солди.
Опаси-ла далага
Етгач, у ортда қолди.
Кўркув. Саросимада.
Ортига ўтирилди.
Уни сеҳрлаётган
Гоблинларга тикилди.

Бири — мўйловдор мушук,
Бири — ин ковлар сичқон.
Бири — кўрсичқон шумшук,
Тагида қалин ҳамён.
Бирида — илон пўсти,
Бирида — эшак тери.

Бирида — сичқон тиши,
 Бирида — отнинг думи.
 Бирида — йўлбарс ёли,
 Бир-бирига кўз қисар,
 Лаурага қичқираар.
 — Сотиб ол! Ҳа сотиб ол
 Сукунатда товушлар
 Майинлашар, жаранлар:
 — Лаура, шош, тезроқ кел,
 Қара, қандай саз ранглар!
 Сувда ойнинг ўроғи,
 Нурлар ёйилди чоғи...

Галасидан айрилган
 Мисоли дуркун оққуш.
 Жилғаларга бош эгиб
 Турган бутуқдек сархуш.
 Эшқаги йўқ қайиқдай
 Чайқалади, эгари
 Урилмаган ёш бия,
 Юрагида кўрқув бор,
 У гўр жангчи сингари.
 Гоблинларни тинглади
 Чўридай итоаткор.

Бозорчилар қалқиди,
 Муродига етишди...
 Бири олиб, бириси
 Қизни мақтай кетишди!

Бир айлана бўлишиб,
 Бир-бирига кўз қисишиб,
 Идишдаги шарбатдан
 Бир татиб кўр, дейишди.
 Бири олмахон бўлиб
 Тишда чақади ёнғоқ,
 Бири лаган тўлдириб,
 Узум келтирибди, боқ!
 Бири тахтни ирғитган
 Каби тўнкани отди.
 Токнинг новдалари-ла
 Гўё тожни безатди.
 Ҳойкуш қанотларига
 Ҳраниб олган гоблин
 Қизнинг кулоқларига:
 — Сотиб ол! — дейди қизгин.

Сўнг иблислар галаси
 Кўрсатишди зўр ўйин...
 Лаура эса ҳамон
 Жилолмас, юрмоқ қийин.
 — Ёнимда ҳемирим йўқ! —
 Қиз айтди гўё айбдор. —
 Ҳамёнимда на чақа,
 На кумуш, на олтин бор.
 Мен улар эвазига
 Шовуллаб турган буғдой —
 Бўлиқ бошоқларини
 Маржондай териб келай!

— Хўш, тилла сочларинг-чи? —
Гоблинлар ўқраяди.
Кокилингни сот, дея
Бақадай бақраяди.

Титради, бош ирғади,
Сочи ёйилиб кетди.
Қайчи учларигача
Кўз ёши оқиб битди.
Сўнг боладай шошилиб,
Интилди-ку шаробга.
Кокиллари қирқиб,
Сотиб олган азобга...
Ичган сари қониқмас.
У — сувдай тиниқ, рангсиз.
Кўринса-да, беозор,
У — гуноҳ, у — фитнакор.
Қиз эса шу лаззатга
Жонни бермоққа тайёр!

Шароб дарёдай оқди —
Шайтонлар дил хушлашди.
Қиз ичидаги шароб —
Иблис билан тиллашди.
Сўнг ердан ёнғоқ олиб,
Чайқалганча йўл солиб,
Кетди, англамади у —
Кунмиди, тунмиди бу...



Лесли УОЛЛЕР

Банкир*Роман**Йигирма тўққизинчи боб*

Палмер ўз меҳмонхонаси ёнида таксидан тушди ва швейцарга эътибор бермасдан тезгина мўъжаз вестибюлдан лифт томонга ўтди. Ўзларининг бу муваққат ошиёнларига кўчиб ўтган дастлабки кунданоқ у Палмерга ёқмаганди, Лифт олдида эшик устидаги сўнги қаватнинг ёйи бўйлаб аста ҳаракат қилаётган милни кузатиб турар экан, у бу лаънати меҳмонхонага нисбатан юрагида нафрат ҳиссини туйди. Бу ўзининг кўҳналиги, бошқалардан ажралиб қолганлигини, ҳаётдагидан кўра бу ерда кўпроқ бўлган мунгли жигарранг туси билан босиб турувчи тангу тор хона эди.

Ҳозир ҳам бу ярамас лифтнинг юқорига аҳмоқона қатновини ниҳоясига етказишини бетоқат кутар экан, уни яшашга мажбур этишган бу дидсиз, кулгили, бесўнақай бинога нисбатан алоҳида адоват ҳиссини сезиб турарди. У бу ерда истиқомат қилувчи чолларни ёмон кўрарди ва хизмат қилувчи ходимларнинг малайларча сурбетликларига нисбатан кўнглида чуқур нафрат туяди. У қарийб шу нарсага амин эдики, йўлка чеккасига келиб тўхтаган таксини кўриб, швейцар ўша заҳоти кераксиз топшириқ билан лифтчини юқорига жўнатиб юборган.

Қаватларни кўрсатувчи мил юқориги “12” рақамига етганини, чайқалганини ва эҳтимол, бутунлай тўхтаганини Палмер кузатиб турарди ва бу унинг жонини чиқармай кўймасди. Тўғри, бошқа лифт ҳам бор эди, бироқ, одатда, у вестибюл қаватда очик, бўм-бўш ва қоп-қоронғи бўлиб тураверарди.

Палмер лифтдан тескари ўтирилди-да, юзага келган вазиятга мутлақо бепарводек кўринишга ҳаракат қилди, чунки хизматчиларнинг барчаси бундан маза қилиш ниятида кўзларини узмай қараб туришарди. Соатига қараб юбормаслик учун у сигарета олишга қўлини чўнтагига суқди, бироқ битта ҳам сигарета қолмабди. Кўзининг қири билан қараб, у мил яна қимирлаганини ва ёй бўйлаб яна изига қайтаётганини кўрди.

Демак, қулай пайт келди, бирдан фикри ёришди Палмернинг. Тутулиб қолганидан миннатдор бўлиш ўрнига у унинг яқинлашиб келишига интиқ эди. Энди эса, бу нарса содир бўлай-бўлай деб турганди, унинг юраги шувиллаш бошлади.

У Виржиниянинг деярли ҳақ экани ҳақида ўйлади. Ўзининг бугун оилавий умри давомида бунақаси бўлмаганди, яъни ҳеч бўлмаганда шунга ўхшаганроғи бўлмаганди, ўзининг гапини ўзи тўғрилади Палмер. Тўғри, ўн йилча муқаддам Лос-Анжелесда бир воқеа содир бўлганди, ўшанда Эдди Хейин тунги соат учда бўкиб ичиб олгандан кейин Палмернинг хонасига икки нафар учига чиққан фоҳишани олиб киришди. Ҳатто ўшандан кейин ҳам Палмер нима бўлганини аниқ-тиниқ эслаш олмаганди. Шу оқшомнинг клиник, деярли муолажалик

Давоми. Боши ўтган сонда.

муҳитини у жуда яхши эслайди: гўёки у меъданинг кучли ифлосланишидан азият чекаётти; шунда қиз тантанавор тусда унинг ошқозонини яхшилаб ювганди. Энди Палмернинг эслашича, ўша қиз жуда ҳам чиройли эди. “Бу ерда дунёдаги энг гўзал фоҳишалар ишлашади,” — деб уни ишонтирганди Хейген. Бундан ташқари қиз сабр-бардошли ва оққўнғил эди. Шунгача биронта ҳам аёл зоти унинг учун, тўғрироғи, унга бу қадар ғамхўрлик кўрсатмаганди. Аввалига бу Палмерга қандайдир таажжубли бўлиб туюлганди. Кетар чоғда Хейгеннинг қизларга юз-юз доллардан тутқазганини кўргач, унинг таажжуби бироз сусайганди. Илгариги билан ҳозиргисининг ўртасидаги фарқ шундан иборатки, деб ўйлади Палмер, эринибгина келаётган лифтнинг қайсидир қаватда тўхтаган овозига кулоқ соларкан, Лос-Анжелесда у жисмоний лаззат олмаганди — ҳаммаси деярли унинг иштирокисиз содир бўлганди. У билан қиз ўртасида фақат мутахассис табиб ва беморнинг ҳалол муносабатларигина бор эди, холос ва ниҳоят, Чикагога қайтиб келишидан аввал бугун бир ҳафта ўтганди, бу ҳафта давомида гира-шира хотиралар гўё ғилоф тагига яшириб ташланганди. У Эдисни бокира, дилбар ва вафодор бир ҳолатда учратишга муваффақ бўлганди.

Бугунги иш бошқача эди.

Лифт эшиги очилди ва ундан илжайган лифтчида бошқа ҳеч ким чиқмади:

— Ҳа, мистер Палмер, сэр.

Бугунги иш бошқача эди, мушоҳада қилди Палмер лифт хонаси юқорилаб борар экан. Ҳисларини тартибга солиб олиши учун эса унинг вақти йўқ эди.

Улар керакли қаватга жуда тез етиб боришди.

— Марҳамат, сэр.

Палмер ўз квартирасига қараб кетди. Эшикка яқинлашганда қадамларини секинлатишга сира одатланмаган эди, бу гал ҳам шундай бўлди. Бироқ унинг фикрлари гўё энг куйи тезликка тушириб қўйилгандай эди. Боғламдан керакли калитни тошунига қадар Палмернинг фикрлари вазмин ва жиддий тус олди. Бу ҳол куйи тезликка солаётиб “жип” ҳайдовчиси лойга ботган машинани чиқариб олиш учун гилдиракларнинг айланишига зўр берганига ўхшаб кетарди.

— Ким у?

— Хайрли кеч, Эдис, — деди у эшикни ичкаридан зичлаб ёпаркан.

— Мен Эдисмас, Жерриман.

Палмер орқаси билан эшикка суянди-да, бир лаҳза кўзларини юмди.

— Ойинг қани?

— Улар сизни роса кутдилар, — деди қизи йўлақдан унга томон юриб келаркан. У яланг оёқларнинг ҳар доимгидай полга оғир-оғир шапиллаб урилганини эшитиб турарди. — Кейин кетдилар.

Палмер кўзини очди-да, қизига қаради. Энди 11 ёшга кирса ҳам яланг оёғи билан бўйи 167 смга етганди. Даҳлиздаги гира-шира ёруғда унинг ялтироқ сочлари одатдагидан кўра қорароқ бўлиб кўринарди. Тикка фарқ қоқ иккига бўлиб турган сочлари рафаэлча усулда елкасига тушиб турарди, сўнгги вақтда ёшлар орасида бу анча кенг урф бўлганди. Модомики, 11 ёшга тўлибдими, ўйлади Палмер, Жерри ўзини бўй етган қиз деб ҳисобласа бўлаверади. Унинг оқин чехраси онасига тортган, ёз пайтларда енгил сепкил қошлайди. Бироқ юз тузилиши эса Палмернинг ўзи — чўзинчоқ, энсиз ва ёноқлари чиқиқ. Кўзларининг, ўзича деди Палмер, илгари ҳам бир неча марта пайқаганимдек, бир-биридан узоқлиги менинг ўзимдай, тиниқ ва тим-қораликни эса Эдисдан олгандай, бироқ юқориги кўз милкининг ғалати тарзда салқи тортиб туриши унинг чехрасига шарқона тус бериб туради.

— Соат 10 дан ошиб кетибди-ку, — деди у.

Жерри терлаган бурни учини отасининг иягига суртиб олди, ингичка қўллари билан белидан кучоқлади ва уни шунақанги қисдики, Палмер нафас ололмай қолди.

— Вуди ҳали ҳам ухлагани йўқ, — деди қиз бўғиқ овозда.

— Топ-чи?

— Ухлаяпти.

— Бахтиёр Жерри эса уйқутираб юрибди-ю, ухламаяпти.

— Ҳечам уйқутираганим йўқ-да, — эътироз билдириди Жерри, отасига қараш учун орқасига тисарилиб. — Галстугингизга нима бўлди?

Палмер бошини эгиб қаради — галстути бир томонга оғиб кетибди. У тўғноғич қадашни эсидан чиқарганди. Кўнгилсиз бир сезги билан у дарҳол галстук тўғноғичи Бернс уйининг аллақасерида қолганини эслади. Бироқ шу заҳоти англаб етдики, ҳатто Бернс уни топиб олганида ҳам бу унга ҳеч нарсани фош этмайди: бор-йўғи битта тўғноғич-да — тикув игнасида биров узунроқ, миттигина оқ думалоқ бошчаси бор. Бернс уни Палмерда ҳеч қачон кўрмаган, чунки уни доим кўйлак ичкарасидан тўғнаб оларди, шунда галстукнинг қадаб кўйилгани сезилмайди. Бундай тўғноғичлар идора буюмлари сотиладиган ҳар қандай дўконда қутилаб ётади.

— Тўғноғич тушиб қолган бўлса керак, — изоҳ берди Палмер.

— Бошқасини тўғнанг-да, жўнанг. Бэркхардтникида бир соат бурун бўлишингиз керак эди, — деди Жерри.

— Нима?

— Менга қичқирманг.

— Эй худойим! — Даҳлизда турган тошойнага ўзини солиш учун Палмер ўтирилди. Унда юзидаги ифодани англаб бўлмас бир озгин одамни кўрди. Костюми жойидалигига эътибор қилди. Пиджакни улоқтирди-да, у ётоқхона бўлмасига отилиб кирди, йўл-йўлакай галстути ва кўйлагини ечди.

— Вой дадажон-ей! — ёзғурди Жерри унинг изидан чошиб. — Ҳеч етиб бўлмайди-я сизга!

Янги кўйлагини кияр экан, Палмер уни яна кимдир кузатаётгандек ҳис қилди. У қайрилиб ётоқхона бўлмаси эшигига қаради ва остонада ўйчан ва саросима бир ҳолда турган тўғноғич ўғли Вудини кўрди.

— Дадамнинг ҳеч бунақа ўзларини урганларини кўрганмисан? — қичқирди Жерри укасига.

— Дада, — гап қотди ўғли, — тижорат газетаси нима дегани?

Палмер қошини чимирди.

— Жуда пайтини топиб гапирадиган маъсум қобилиятинг бор-да, — деди у тугмани янги, эпақча келмаган илмоқдан ўтказишга чиранар экан. — Балки ҳафта охиригача кутиб турарсан?

— Ҳм-м? — ҳайрон бўлиб овоз чиқариб қўйди Вуди.

— Аввал тушунтириб беринг-чи, “маъсум” нима дегани ўзи? — таклиф киритди Жерри.

— Вақтим йўқ. — Палмер галстуклар осиелиқ турадиган илғичга қаради, бироқ шу заҳоти Бэркхардтникига кундузги галстугимда борганим маъқул деган хаёлга борди. Бу анча табиий кўринади. Иккиёқлама ҳаётнинг бошланиши.

— Маъсум, — дерди бу орада Жерри, — гуноҳлардан холи дегани.

Палмер қизига кўз ташлади ва унинг укасига қараб турганини кўрди. У галстукни тақди-да, бугуннинг ўзида учинчи марта боғлаётганини эслади. Қани энди, ўғилларимдан лоақал биттаси шу Жерридай ақли бўлсайди, деган хаёл дилидан ўтди. Бу уларга жуда зарур эди. Қизнинг ўзига бир вақт келиб ўткир ақли ҳалақит бериши ҳам мумкин. Ўғилларига унинг зийраклигидан озгина юққанида эди. Бу фазилят ҳам қизиди керагидан ортиқ даражада кучли. Ким билсин, балки бундай хатарли аломатлар ҳаддан ортиқ бўртиб қолмаслиги учун қизи яхши тарбия олиб вояга етар. Чирой олдида ҳаммаси кечиради.

Палмер галстугини тақди, унинг ингичка учини кўйлак остига тикди ва яна пиджакни кийди.

— Жанжал бўлмаслиги учун, — деди у эшикка йўналаркан, — мен Жеррига яна ярим соат ухламай туришга руҳсат бераман, сени эса, Вуди, шу ярим соатдан маҳрум этаман. Бошқача айтганда, сиз икковингиз каравотингизга роса 10.30 да йўл олишингиз керак. Тушундингизми?

— Англадим, — деди жавобан Жерри.

— Мен эса йўқ, — қайсарлик билан деди ўғил.

— Жиддий айтаяпман, — деди Палмер.

— Ишлар қалай, мистер Жиддий? — гап қотди Жерри. — Сизга мистер Шубҳани таништиришга руҳсат беринг, Мистер Шубҳа, мистер Жиддий билан танишинг. Мистер Жиддий, танишинг...

— Бас қил-е, — унинг гапине бўлди Вуди. — Сенга кечроқ ётишга рухсат тегди, мен эса бундан қийналишим керак. — У Палмерга норози қиёфада қараб кўйди. — Бу адолатдан эмас, дада. Сиз доим унинг тарафини оласиз.

Палмер ўглига қаради; бўйи деярли унинг бўйи билан тенг — 180 см. Агар брютет бўлганида, аллақачон қалинлашиб қолган муртларини қирдирган бўларди; овози ҳам отасидек босиқ, салмоқдор бўлиб қолганди. Қизиқ, агар пещонасига ёзилган бўлса, Вудининг кап-катта одам бўлиши учун қанча вақт керак бўларкан? Шу заҳоти у яна нотўғри йўлдан бораётганини англаб қолди: Жэрри ақлли, жасур, дангалчи эди, Палмер эса ўглининг ундан қолишмаслигини истайди, чунки у опасидан уч ёш катта эди-да. Палмер яна бир карра, ўғлим билан қизимга бир андазадан қарамаслигим керак, деб эслатиб кўйди.

У ўглига жилмайди-да, унинг қўлидан силади.

— Мен синглингга ярим соат бераётганим сабаби шундаки, у барибир бермаганимга кўймайди.

— Биламан, — рози бўлди Вуди. — Нега янги кўйлак кийиб олдингиз?

— Босникига меҳмонга кетаяпман.

— Ановиси ҳам топ-тоза эди-ку?

— Уҳ, — деди Жерри, — бунақа гапларни эшитгандан кўра бориб ётганим афзал.

Болалари уни эшиккача кузатиб кўйишди. У ерда Жерри отасини яна бир марта кучоқлади ва ўпиш учун қоқ миясини тутди. Сўнгги йиллардагидек, Палмер бир тунга Вудини ўпишга журъат қилмади. Эҳтимол, у ўсмирдаги изҳор этиб бўлмас ҳадикни ҳис қилгани учундир — бирдан у бир кун келиб паришонхотирлик туфайли уни ёш боладай ўпиб кўйса-чи? Улар қизнинг боши оша бир-бирига бош ирғаб кўйдилар ва Палмер умуман қўлидан келган даражада ўзини носамимий ҳис қилиб, ўглига кўз қисиб кўйди. Бу туйғу ўрнини қоплаш мақсадида у Жеррини яна бир бор маҳкам бағрига босди.

Қиз ўзини орқага олди-да, жилмайди.

— Бугун сал галатироқмисиз, — деди Жерри. — Нима гап? Нима бўлди?

Лифт томон йўл оларкан, у соатига қаради. Бэркхардтнингига роса бир соат кечикаяпти. Таксида Палмер барибир омади келганини англади. У ўзининг янги, бевафо эр ҳолатига кўникиши учун ортиқча вақтга эга бўлганди. Шунча зийрак бўлганига қарамай, Эдис бу борада қизи билан тенглаша олмасди. Зиёфат охирига келиб, деди ўзига-ўзи Палмер, Жерри пайқаган бу галати кўринишим, ҳеч шубҳасиз, беиз йўқолади.

Ўттизинчи боб

Бэркхардтнинг Централ-паркдан жанубда жойлашган шаҳар қароргоҳи ички зинапояли икки қаватли одмигина уйдан иборат эди. Бино эски ва анча тор эди; унда бир вақтлар рассомлар ва машпоқлар студияси бўлар эди. Банк бу уйни 1939 йилларда, унинг соҳиби бай пули сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда олган эди. Бугун қаватни эгаллаган узун-узун хоналар кичик-кичик бўлақларга бўлиниб, қайта таъмир қилинганди — фақат энг юқориги, икки қават баландликдаги, паркка қараб очиладиган эгик деразалари бўлган хонагина бундан мустасно эди. Автоматик лифтда Палмер пастак, озгин, қорачадан келган 55-57 ёшлардаги бир одам билан рўшара бўлиб қолди — у қандайдир танишдек кўринди. Ташқи кўринишига қараганда, бу сочи ҳаддан ташқари қора, эгнидаги пиджаги ранги жилетига сира мос келмаган одамнинг ким бўлишидан қатъи назар, аммо банкир эмаслиги аниқ кўриниб турарди: сувратфурушми, импрессионист-ей... Икковлари ҳам юқориги қаватдаги хонага боришаётгани маълум бўлгач, улар бир-бирларига бош ирғаб кўйишди.

— Мистер Палмерсиз, шундай эмасми? — сўради ҳалиги киши паст овозда кучли британ лаҳжасида. Унинг катта-катта қора кўзлари Палмерга одатдан ташқари тикилиб қарар эди.

— Ҳа, — қўлини узатди Палмер. — Мистер...

- Никос. — Улар қўл сиқишиб қўйишди.
- Энди эсладим, — деди Палмер. — Беш йилча бурун, ҳа?
- Чикагода... — тўлдирди Никос.
- Гаррис Траст билан бўлган учрашувда, — давом этди Палмер.

Демак, ўша экан, ўйлади у, Арчибалд Никос, икки ака-уканинг кичиги, улар “Лионел Никос ва ўғиллари” номли ҳаддан ташқари мураккаб инвестицион банк раҳбарлари бўлган, улар беш йил муқаддам Чикагодаги Гаррис Траст ва бир қанча маҳаллий банклар билан битим тузишган, саноатга йирик заём тақдим этиш мақсадида Палмер отасининг банкини ҳам ўз ичига олган эди. Шу битим яна нима биландир боғлиқ эди. Бу нарсанинг нима эканини Палмер эслашга ҳаракат қилди-ю, бироқ лифт тўхтаб, унинг фикрини бўлиб қўйди.

Унинг Никос билан биргаликда келиши, Палмернинг пайқашича, айни вақтдаги кечикишини оқлаётгандек бўлди. Бундан ташқари, бу Эдиснинг улар иккаласи биргина иш билан машғул экан деган фикрга келишига ёрдам берарди. Нима бўлганда ҳам Эдиснинг саломлашуви Палмерга анча самимий бўлиб кўринди. У хотинининг ёнига бориб турди ва келганларнинг ҳар бирига навбати билан бош ирғаб чиқди. Палмер уларнинг барчасини билар ва улар ҳам Палмерни билар эдилар — ҳарҳолда унга шундай туюлди.

Шифти жуда ҳам баланд бу хонанинг энг тўрида, бурчакка суриб қўйилган ўриндиқ билан ёнма-ён бир-бирига тақалган иккита жавон бақамти турган жойда Гарри Элдер ўтирарди. Гаррининг олдида ЮБТКнинг учинчи одами, қандайдир узун суҳбатга киришиб кетган Клифф Мергендал турарди. Унинг ихтисоси маблағ жамғариш эди. Палмер Никоснинг тўғри Клифф Мергендал томон йўл олганини кўрди.

Қаршидаги бурчакда, баланд эгма дераза тагида французча усулдаги узун кат бўлиб, чеккалари каштали ёлқиси қат-қатланиб ерга тушиб турарди. Катда қалин малла сочли, эридан ўн беш ёшлар кичик миссис Мергендал ўтирарди. У баланд бўйли Уинтроп Скипуорт билан гап сотарди, дароз бўйли бу одамнинг икки ўзига хос фазилати бор эди: у шаҳардаги энг эски ва энг кичик банклардан бирининг директори ва Палмернинг барча танишлари ичида Винни ва Скипши деб эркалаб чиқариладиган ягона киши эди. Ҳар иккала ном ҳам қандайдир салбий маъно касб этарди, аммо бундан Скипуорт заррача хафа бўлмасди. Эдиснинг ёнида Грейс Бэркхардтнинг ўзи ўтирарди; унинг ёруғ оламга чиқиши муносабати билан Палмер бир куни рамзли қилиб ифодалаганидек, бугун унинг “халққа кўриниш”ларидан бири эди.

Палмер Миссис Бэркхардтнинг Эдис ва у билан олиб бораётган енгил суҳбати риштасини узмаган ҳолда уй соҳибасига зимдан разм сола бошлади. Грейс Бэркхардт ҳақидаги маълумотлар гоят гарибона эди. Борлари ҳам гийбаддан холи эди. Қарийб барча вақтини, ҳатто энг ёмон ёз ойларини ҳам у Коннектикут штатидаги ўз уйида ўтказарди; шаҳарга эса кўп деганда йилига олти мартагина чиқарди. Оламга намоеън бўлиш учун унинг айнан нега бугунни танлагани сабабини Палмер айта олмасди.

Грейс Бэркхардт эри билан деярли бир хил — 65-66 ёшдаги жиккаккина, қотма аёл эди. Чеҳрасидан қон томиб турувчи эридан фарқли ўлароқ, унинг юзи касалванд ва ранглар кўринарди. Палмер унинг сочини хиёл бўяганини пайқади, бу аёл кулганчалик нагиза бермаганди: опшоқ сочи деярли унинг юзи ранги билан бир хил бўлиб қолганди. Афтидан, Грейс Бэркхардт қандайдир касалга чалинган, ўйлади Палмер, йўқса бу қадар заҳиллашиб кетармиди? Кейин барибир бу заҳиллик дафъатан қараганда унча сезилмайди-ку, деган тўхтамга келди. Ҳарҳолда Грейснинг заҳиллиги унинг касалвандлигини билдирмасди. У дадил ва енгил, жағи-жағига тегмай гапирар, бир қарасанг болалар тарбиясига оид гоҳ у, гоҳ бу муаммоларни тилга олар, яна бир қарасанг сўнги кийим модалари, дўстлари бошига тушган мусибатлар ва эрининг соғлигидан сўз очар эди.

- ...унинг ёшидаги эркаклар учун бу ғалати-ку, — деди у.
- Ҳар қандай ёшдаги эркаклар учун ҳам, — қувватлади Палмер; сўнг бу ҳушомадни у нечоғли нотабий енгиллик билан айтганини пайқаб, ҳушёр тортиди.
- Жуда тўғри айтдингиз, — уни маъқуллади Грейс Бэркхардт. — Сизларнинг тилингизда нима дейди ўшани, зўр беришми, нимаиди? Унинг зўр берганини

ўз кўзим билан кўрдим. Йўқ, у буни ортда қолмаслик деб атаганди. Ҳа, назаримда шунақайди, ортда қолмаслик. У ўздан нақ 20 ёш кичик эркакка баравар келаман дейди-да, лекин ўша ёш одам ҳам Лэйн чарчашидан анча олдинроқ ҳаллослаб қолди.

— Мен кўпинча Вудс ҳам атлетика клубига бориб турса яхши бўларди деб ўйлардим, — деди Эдис. — Чикагода у югуриш деса балодан қочгандай қочарди. Лоақал бир неча килограммга тўлишганида ҳам мен уни кўндирардим. Лекин...

Ҳар иккала аёл бурилиб, Палмернинг бошидан оёғига разм солиб қаради.

— Жудаям озгин, — қатъий оҳангда деди Бэркхардт. — Қилтириқ ва оч эркаклар ҳақида нима дейиларди бу? Бундай эркаклар хавфли бўлади. — Қошини чимириб, аёл Палмерга қараб кўйди. — Лекин шундай бўлса ҳам унинг юзи ажабтовар — ҳавас қилса арзийди, — қўшиб кўйди у жилмайиб.

— Хоним, — сўз қотди Палмер, — мени жуда мақтаб юбордингиз. — У хиёл эгилиб кўйди-да, улуг ёшдаги, смокинг кийган ва галстук таққан негр юмшоқ оқ сочиқ билан стаканларни артиб турган барга йўналди.

— Нима ичадилар, мистер Палмер?

— Виски. Муз билан, фақат майдалаб солинг, илтимос.

— “Скотч мист”ми? — сўради бармен.

— Зўр.

— Лимонли бўлсинми?

— Зўр.

Ҳаёт мураккабликларидан пайдо бўлган ғазабини билдирмаслик учун Палмер нафасини ичига ютишга уринди. Барменга қилган жўнгина буюртмаси сал бўлмаса катта томошага айланиб кетаёзди. Иш юзасидан чақирилган йиғилиш хотинлар билан тўлдирилган дунёвий зиёфатга айлантриб юборилганди. Бу ерда ўйналаётган ўйин бошдан-оёқ сохта эди. Палмер стаканни олди-да, аслида нима бўлаётганини англашга ҳаракат қилганча бар олдида бирпас турди.

Олдиларига Никос юриб келганидан кейин Гарри Элдер ва Клифф Мергендал яна бирмунча вақт суҳбатни давом этдиришди; қандайдир ички қувват билан таъминлангандай, суҳбат чўзилгандан чўзилди ва уни тўхтатиш қийин эди. Бирок ЮБТК вакиллари охири Никос уларнинг олдига бекорга келмаганини фаҳмлашгач, улар ўша заҳоти жимиб қолишди ва гўё ўзларини унинг ихтиёрига топширган бўлишди. Шу аснода Бэркхардтнинг нигоҳи шу гуруҳда тўхтади ва у гарчи ўзи хона ўртасида, кўринмас чироқнинг кўзни олувчи нури остида ўтирган бўлса-да, уларни бир лаҳза ҳам кўздан қочирмаётган эди. Ўзини Арчер исми, Палмернинг ёшидаги, ЮБТКнинг деярли барча ишларини юритувчи юридик фирма соҳибларидан бири билан гаплашаётгандек қилиб кўрсатмоқда эди.

Арчер кўп жиҳатдан Палмерга ўхшаб кетарди. Иккови ҳам қирқдан сал ошган, иккови ҳам хийла новча ва қотмадан келган, юзларидан ўқимишлиликлари кўриниб турган ва сочлари калта қилиб олинган одамлар эди. Арчернинг отаси аср бошида юридик фирмага асос солганда, Арчер шерик бўлганди, бу ҳам уни Палмер билан яқинлаштирган эди. Ўхшашлик шу ерда тугарди. Арчернинг ранги жудаям қорача, деярли зайтун тусида эди, қора сочидан ҳам кўкиш ранг акс бериб турарди. Бу одамни кузатар экан, Палмер унинг чехрасидаги зиёлилик фақат юзаки кўриниш, холос, деб ўйлади. Арчернинг зеҳни юридик факультетни бир амаллаб битириб олиш ва адвокатликка имтиҳон топширишгагина старди. Унинг қудрати оилавий ва иш муносабатларидагина намоён бўлар эди.

Мен ҳам, деб дилидан кечирарди Палмер, Бэркхардтнинг ноғорасига ўйнайдиган маймундан у қадар фарқ қилмайман.

Вискидан оғзини тўлдириб ҳўплади-да, Палмер жўрттага Бэркхардтнинг ёнидан юриб ўтди ва хона тўрида гаплашиб турган учала киши томон йўл олаётиб бошлиқ уни тўхтатиб қолиши мумкинлигини кўнгли сезди.

— Вуди, — деди Бэркхардт хиёл хириллаган, бўғиқ овозда, — Жимми Арчер эсингдами? — Унинг катта-катта бўғимдор бармоқлари Палмернинг кўлини тирсаги юқорирогидан қисиб турарди.

— Жимми, кўринишинг чакки эмас.

— Ҳозиргина Буэнос-Айресдан келдим.

— Қойил — деди Палмер. У ўз бошлиғига қаради. — Кўринишингиз ҳайрон қоларли даражада яхши. Турникда чаққон ҳаракатлар қилишингиз билан йигитларни доғда қолдиришингизни хотинингиз сўзлаб берганди.

— Йўқ, бу илгари шундай эди, — гулдираб деди Бэркхардт. — Бир лаҳза у Палмернинг қўлини қаттиқроқ қисди. — Энди олдинги валдирашларим йўқ, Вуди. Улғудай жонимга теккан.

Палмер унинг чап ёнидан кўксини ушлаб қўйди:

— Соатдай ҳалиям бир текис уриб турибдими, ахир?

— Ҳаҳ. Мана бу ёғидан хавотир олмасам бўлади. — Бэркхардтнинг митти оқиш кўзлари сузилди. Афтидан, у кўзларини ўткир офтоб нуридан қисганди. У Палмернинг қўлини қўйиб юборди, муштумини тугди-да, унинг кўкраги устидан туртиб қўйди. Ҳаракат қисқа бўлди ва афтидан, Бэркхардт унга ҳеч қандай куч сарфламаган эди. Шундай бўлса ҳам яхшигина оғриқ берди.

— Секинроқ-да, — гудранди Палмер. — Ёрдамчиларга ёмон муомала қилиб бўлмайди.

Бэркхардт Палмерга юзма-юз турса-да, кўзларини Арчердан узмасди.

— Сиздингизми, — сўради у, — икки рақамли шахс ҳар доим сизнинг соғлигингиз гамида юради?

— Мен вақтни исроф қилишнинг энг яхши усулини ўйлаб топишим мумкин, — деди Палмер, — бу сизнинг ажални кутганингиздан кўра дурустроқ.

— Бу қўлингиздан келади, — маъқуллади Бэркхардт ҳаддан ташқари лутф билан; ҳарҳолда Палмерга шундай туюлди. — Буни қандай уддалашни ҳам биласиз.

— Нечта вице-президентни дафн этдингиз, Лэйн?

— Шунга муносиб бўлганларнигина.

Палмер юмшоқ кулиб қўйди.

— Touche! — У бурчакдаги учала эркак томонга бош ирғаб қўйди. — Бориб банк ишларимиз ҳақида гаплашай.

Бэркхардтнинг кучли бармоқлари айни боя мушт тушган жойда яна тугилди. Палмернинг қўли зирқирагандай бўлди.

— Биз сен билан қанақа гаплашар эдик, эсингдами ўзи? — сўради Бэркхардт.

— Бир нарса эсимда қолган бўлса ўлай агар, — жавоб берди Палмер, — сизни банкда жуда кам кўрганимдан сиз билан қандай гаплашиш ҳам эсимдан чиқиб кетибди.

— Менинг сенинг ортингда туришим сенга асло керак эмас, Вуди. Тушунишимча, сен ўзинг қойилмақом қилиб эплайсан.

— Ким айтди буни сизга?

— Менинг тонги газеталарим. Сен уларда ҳар уч кунда бир, гоҳо ундан кўпроқ чиқиб турасан.

— Агар сиз ҳар расмий зиёфатда президиумда папша қўриб ўтиришларим ҳақидаги хабарларни назарда тутаётган бўлсангиз, унда сиз ҳақсиз.

— Фақат шугина сенинг тез-тез чиқишингга сабаб бўлмаётгандир?

— Сиракузада келаси ҳафтада маърузам бор. Ўйлайманки, президиумда папша қўриб ўтирганимга нисбатан бу олға силжиш бўлади.

— Яна қаерда нутқ сўзлайсан?

Палмер пешонасини тириштирди:

— Бир ҳафтадан кейин Буффалода. Кейин ўн кун давомида Бруклинда, Утикда ва Рочестерда. — Палмер бошлиқнинг ўз қўлини қўйиб юборишини куярди.

— Жимми, ҳеч менинг нутқларимни эшитганмисан? — сўради у.

— Бу нима деганинг, Вуди?

— Банк вакили сифатидаги нутқларимни эшитганмисан?

— Айтолмайман.

— Бу кичиккина, гоётда галати томоша, — тушунтирди Палмер. — Дебоча сифатида, ҳалигиндай, оламнинг пайдо бўлишидан бошлаб банклар тарихининг мароқли манзарасини қоралаётман. Бобил дон омборлари. Миср тижорат

¹ Французчада спортга оид сўз бўлиб, “Таслим бўлдим”, “шаҳар бердим” каби маъноларни англатади.

бирлашмалари. Барча асрлар оша. Бунга, ҳазил қилиб айтганда, роса беш дақиқа вақт кетади. Қарабсизки, мен ўз давримизда пайдо бўлиб қолибман — қанд пўстлогли аччиқ ҳақдори ва биз омонат банкларига шафқатсизларча ҳужум бошлаб юборамиз. Эшитиб қулоғингизга ишонмайсиз.

— Сенинг маърузалар ёзишингни билмас эдим, Вуди.

— Мен ҳечам ёзмайман. Уларни ёзиб беришади... — Тўсатдан Бэркхардт унинг қўлини жуда қаттиқ қисиб юборди. Палмернинг юзи бужмайиб, қўлини бўшатиш учун бир четга чекилди. — Шаҳарда нутқ сўзлайдиган бўлсам сенга хабар қиламан, Жимми. Бу зўр бўлади, сен нутқимни бир эшитиб қўйишинг керак.

— Тушунишимча, — деди Бэркхардт салмоқ билан, — банк ишбилармонлари олдида нутқ сўзлашдан олдин сен ўз томошангни обдон пишиштиб олар экансан.

— Жуда топиб айтингиз.

— Лекин олдиндан мақтанишга арзимаёди, — деб гапни тугаллади Бэркхардт Арчерга кулиб кўяркан.

Палмер боссинг митти кўзлари яна хона бурчагида турган учала кишига қадалганини пайқайди. Узр сўраб ўтирмай Палмер Бэркхардтнинг олдида кетди ва ўша гуруҳга яқинлашганда Арчибалд Никоснинг сўзлари қулоғига чалинди:

— ... бугунги иқтисодийётнинг айни моҳияти.

— Сиз ҳақсиз, албатта, — деди Клифф Мергендал, — бироқ бозорнинг ҳозирги ҳолатида бундай паст фоизли, бундай ҳажмдаги таъминланмаган заём бир оқшомда ҳал қилиш мумкин бўлган масала ҳисобланмайди.

— Бундан ташқари ҳам, — гап қўшди Гарри Элдер, — заёмни тўлашга берилган мутлақо узоқ муддатни ҳисобга олганда, амалга ошиши қийин режа келиб чиқади.

Баҳса тортмоқчи бўлгандай Никос ўша илжайганча Палмерга ўтирилди.

— Бўлмаса-чи, — деди у, — бундай битимнинг жамоатчиликка таъсири қайсидир даражада ўзидан-ўзи қўшимча таъминот бўлиб ҳисобланади.

— Бу қанақа битим бўлиши керак? — сўради Палмер.

— Бу... — Никос тилини тишлади. Унинг чақчайган кўзларида бесаранжомлик пайдо бўлди.

— Вуди заём муаммолари билан шуғулланмайди, — деди Гарри Элдер ўзининг баланд хирилдоқ овозида. — Булар банк ишларини муҳокама қилган қисқа маслаҳатлашувларимизга вақт топиши учун у омонат банкларининг мана бу машамчалари билан қаттиқ банд.

— Тушунаман, — жавоб берди Никос. У бир дақиқа жимиб қолди, кейин жилмайди... — Жудаям мафтункор хотинингиз бор-да, мистер Палмер.

Сухбатнинг бу йўқасида ўзгариши унинг чаккасига тарсаки торгандай бўлди. Палмер жавоб тариқасида лабларини тиккасига чўзиб жилмайди.

— Раҳмат. Ҳеч шунга эътибор қилмаган эканман, — деди у сухбатнинг аввали мавзусига қайтар экан, — лекин мен тафсилотларни ҳозир эшитганларим билан таққослаб кўришга ҳаракат қиламан. Менинг ақлим етмай турган ягона нарса — бу ҳажм ҳақидаги гап эди.

— Ярим миллиард, — деди Мергендал, гўё пулнинг ҳаддан ташқари катталиги уни ташвишга солгандек, бироз асабий ҳолда.

— Қанақа фоиз меъёри бўйича? — астойдил сўради Палмер. — Олтимми? Бешми?

Гарри Элдер чийиллаб кулди ва Никосга кўз қисиб қўйди.

— У ҳар биримизнинг жойимизни солиб кўяди, Арчи.

— Беш ярим, — жавоб берди Мергендал таклифнинг ошқора бемаънилигидан шикоят қилган оҳангда. — Бу меъёр фахрийлар учун имтиёзли бай пули, жин урсин.

— Тағин йигирма йилдан кўпроқ муддатга, — тахмин қилиб деди Палмер.

— Рошпа-роса йигирма йилга, — унинг гапини тўрилади Мергендал. — Сизга ҳеч қандай йўриқноманинг ҳожати йўқ.

Палмер елка учирди ва Никосга мурожаат қилди:

— Сиз бир нарсада ҳақсиз. Газеталарнинг биринчи саҳифаларига тушиш учун бу ҳийла ғайриодатий ҳол. Лекин мен ЮБТКнинг рекламани кўшимча таъминот сифатида баҳолашига ишонмайман.

— Бу омадсиз муболагадан бошқа нарса эмас, — шошиб гап қотди Никос. — Аслида бундай ҳолда юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабат газеталар учун шов-шувли гап эмас. У бор-йўғи ўзига хос ишончсизлик овози, холос. Айнан мана шу палла айниқса қулай...

— Менга қаранг, — гумбирлаб деди Бэркхардт хона ўртасидан. — Биз ҳаммамиз аллақачон Уолдорфда бўлишимиз керак эди. Томоша яна 15 дақиқадан кейин бошланади.

Палмерга барча овозлар ҳаддан ташқари тармоқланиб кетгандай туюлди — бу унинг ортидаги меҳмонларнинг ўрнидан кўзгалгани эди. У ўз стаканига қараб қўйди ва яна оғзини тўлдириб ҳўплади.

— Мен тушунмай турган нарсам шундаки, — мурожаат қилди у Никосга, яхшироқ эшитиши учун овозини кўтариб, — бундай илтифотни биз кимга кўрсатишимиз керак?

— Бошни қотирмасанг-чи, Вуди, — деди Гарри Элдер. — Яқинда мени имтиҳондан ўтказганидан кейин ҳам сенга ишонишимни истайсанми?

Гап қандай имтиҳон ҳақида кетаётганини дарҳол англаган Палмер Элдерга қаради.

— Йўқ, тўғриси айтаяпман, — деди у, — гапим мутлақо жиддий.

— ... Машиналар бўлиши учун пастга қўнғироқ ҳам қилиб қўйинг, — деди Бэркхардт унинг гапига улаб.

Никос, афтидан, Бэркхардтнинг эълонини суҳбат мавзусидан қочиш учун қулай баҳона ўрнида қўлаганидан хурсанд эди. У жилмайди ва Палмерга бош ирғаб қўйиб, ёни билан ундан нари кета бошлади.

— Айтинг-чи, — деди у, — Форс танобийсида бугун биз нимани кўраимиз? Белафонтними?

Палмер елка қисиб қўйди-да, Гарри Элдерга юзланди:

— Қанақа фирма бу, Гарри?

— Сени биларсан деб ўйлагандим, Вуди.

— Йўқ, билмайман.

— “Жет-Тех интернешнл”.

Шу оқшом кечроқ Палмер Гарри тилга кирганида нима учун хонада бирдан жимжит бўлиб қолганини англашга ҳаракат қилди. Кийинишга ёрдам бераётганларида меҳмонлар суҳбатни тўхтатиб турганларидандир? Эҳтимол, улардан бир қанчаси аллақачон эшик томон юра бошлагандир? Нима бўлганда ҳам, Гаррининг сўzlари деярли тўла жимжитликда садо берганди.

Палмер қўлидаги стаканнинг совуғини ҳис этди. Совуқ елка курагигача зирқиратиб юборди.

— Жет-Тех? — такрор сўради у.

Анча кейин, улар форс танобийсида рақс майдончаси ёнгинасидаги столчада ўтирганларида Палмер бу саҳнани миясида қайта ва қайта кўриб чиқётганини, унинг ботиний маъносини англашга қайсарлик билан ҳаракат қилаётганини, бундан бадани совуқ жимирлаб кетаётганини сизди. У сўzларига қулоқ солмай қўшиқчини кузатаётир, барибир анави ёқда, Бэркхардтнинг уйида нима учун бош айланишига ўхшаш бир нимани ҳис этганини англашга уринди. Нимагадир оёқлари остидаги ер ўйилиб, чоғга тушиб кетаётгандай бўлганини элас-элас эслади.

Ўттиз биринчи боб

Кун эртаси кўнғилсиз бошланди. Палмер уйқудан оғир уйғонди. Қисман бу хумордан бўлса, қисман шуурида кеча оқшом туғилган ноаниқ шубҳанинг ўзидан эди. Эдиснинг Бэркхардтникидаги зиёфатда содир бўлган аҳмоқона қилиқларини миридан-сиригача ноушга чоғида муҳокама қиламиз деб оёқ тираб туриб олиши ишнинг бадтар пачавасини чиқармоқда эди.

Энди ўз хонасидаги столда чароғон қиш офтоби туфайли баҳайбат юқориги дераза қопқоғини ёпиб ўтирар экан, Палмер Жо Лумис ва “Жет-Тех интернешнл” ҳақида Виржиния Клэри тўплаган маълумотни яна бир карра батафсил ўрганиб чиқди. Қаллаий саҳардан банкка келиб, Палмер Виржиния билан гаплашишдан

ўзини базўр тийиб турарди. У ҳатто Виржиния ва Мак Бернста ваъда қилган фарқни ҳам кейинга қолдирди. Шундай бўлса-да, у ўзи ишонган биронта одам билан Никоснинг таклифини муҳокама қилмаса бўлмас эди.

Қоғозни бир четга қўйиб ва маъносиз нигоҳини қаршидаги деворга тикиб, Палмер Виржинияни кўришни хоҳламаётганини, чунки унинг ўзини қандай тутишини тасаввур қилолмаслигини англади. Айни вақтда у шу жувондан бошқа Никоснинг таклифи ҳақида ҳеч ким билан гаплаша олмаслигини ҳам билиб турарди, айниқса ҳозир, қайсидир тушунча томон олиб борувчи йўлни пайпаслаб тошиб олмагунга қадар.

Палмер ички алоқа тугмачаси томон чўзилган қўлига разм солди. Бармоғи “Скртр” тугмачасини босганини дарҳол англади. Котиба жавоб бергач, у ҳаяжонланаётганимни билиб қолмасин дея аста йўталиб олди ва деди:

— Айтинг, мисс Клэри ҳузуримга кирсин.

Жувонни кутар экан, Палмер барча одатдаги маъмурий хатти-ҳаракатлар унга панд берганини сизди. Стол устида у кўриб чиқиши, саралаш, қовоғини уйиб бармоқлари билан чертиши, ўқиши, устида фикр юритиши, бир жойдан бошқа жойга олиб кўйиши, қистириши, суғуриши, устига қандайдир белгилар қўйиб чиқиши ва ҳ.к.лар қилиши керак бўлган кўпдан-кўп қоғозлар ётар эди. Молия ва банк ишларига оид саҳифалари очиб ва котиба тартиб билан тахлаб қўйган тонгги газеталар унинг қўли остида. Бундан ташқари бу ерда “Уолл-стрит жорнэл”нинг ўқилмаган сони ҳам бор эди. Бироқ Палмер кўзларини ёпиқ эшикка қадаганча қимир этмай ўтирарди. Эшик очилди-ю, у беихтиёр ўрнидан турди.

Унинг рўпарасига келиб ўтираркан, Виржиния ияк ирғаб қўйди:

— Хайрли тонг.

Палмер унинг қандай жойлашиб олишини кузатди: иккала оёғини ёнма-ён қўйди, қўллари тиззалари устида, кафтларини тепага қилиб қовуштириб олди. Бир лаҳза ўтгач, у жувоннинг саломига алик олмаганини англаб қолди.

— Хайрли тонг, — шошиб деди у. — Айтинг-чи... — Омонат банкларига доир мана бу гаплар бошланганда сиз ЮБТКда ишлар эдингизми?

Жувон бошини чайқади:

— Бу ҳангома бундан ўн йил муқаддам бошланган. Мен қандай бўлганини эслайман-у, аммо ЮБТК нуқтаи назаридан эмас.

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Палмер жувоннинг ёноқлари бўртиқ ва катта-катта қора кўзли чеҳрасига разм солди.

— Сиз бугун ҳаддан ташқари жозибали кўринасиз, — гудранди йигит.

Жувон елкаси оша ёпиқ эшикка қаради ва жувонга томон юзланиб деди:

— Сиз эса ундай эмассиз.

Йигит бош ирғаб қўйди-да, унга сигарета узатди.

— Асабий бўлганимда, тун бўйи мижжа қоқмаган бўлардим.

— Лекин сиз, барибир, ухлагансиз, — деди Виржиния сигаретани рад этаркан.

Йигит яна бош ирғиди.

— Нотинч.

— Виждонингизми? — Жувон хиёл қошини чимирди. — Жуда афсусдаман.

— Йўқ. — Йигит улар бутунлай бошқа-бошқа нарсалар ҳақида гаплашишаётганларини англаб қолди. Боз устига, бунини жувонга тушунтириш уни ҳақорат қилиш эканини ҳам англади.

Албатта, деб мушоҳада қиларди Палмер, Виржиния унинг асабийлашувини гуноҳ туйғуси натижаси деб ҳисоблаши керак. Унинг виждони қийналишидан ҳам жиддийроқ асабийлашувига бошқа сабаблар бор эканини жувон тушида кўрибдими. Бунинг устига улар кеча оқшом ажрашганларидан кейин нималар бўлганини Виржиния билмасди.

— Виждонингиз қийналмадими?

— Сиз ўзингизни айбдор деб билмаслигингиз керак деб айтмоқчи эдим.

— Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

— Модомики мен ўзимни айбдор, деб ҳис қилмабманми, демак сиз ҳам шундай бўлишингиз керак.

— Яхши, — рози бўлди Виржиния, — тўғриси айтсам, хурсандман, —

тўсатдан унинг кўзлари янада катталашиб кетди. — Ҳарҳолда, — давом этди жувон, унинг овози деярли шивирлаб чиқмоқда, кўзлари эса йигитга тик қараб турарди. — Шу пайтгача менинг биронта ишим менга бундай хузур бағишламаганди. Энди бўлса, — унинг овози яна жаранглаб чиқа бошлади ва деярли ишчан оҳанг касб этганди, — омонат банклари хусусида сиз яна нималар билишни истар эдингиз?

Гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини енгил ҳис қилиб, Палмер ўриндиқ орқасига ётиб олди; назарида бир меҳрибон кўл баданини силаб, вужудини яйратаётгандай ҳис қилди.

— Биласизми, — деди йигит, — мен сизга бир нечта ноқулай савол бермоқчиман, чунки менга сизнинг тайёр бўлмаган жавобларингиз керак. Анигини айтинг-чи, омонат банкларига доир мана бу жанг даставвал қачон бошланганди?

— Бу 10 йил муқаддам Олбанидаги қонун чиқарувчи мажлис таклифидан бошланганди. Ушанда омонат банкларига уларнинг бош бошқармаси жойлашган округдан ташқарида бўлимга эга бўлиш ҳуқуқи берилганди.

— Таклифни ким илгари сурганди?

Жувон елкаларини қисди:

— Штат марказидан мажлиснинг бир неча аъзоси. Менимча, Нью-Йоркдан эди.

— Таклиф нима бўлди?

— У жимгина жон берди-қўйди.

— Шундайича-я? Ҳеч қандай кураш-пурашсиз-а?

— Ҳеч қандай кураш-пурашсиз. — Жувон бир дақиқа ўйланиб олди. — Агар омонат банклари ўшандан буён бўлимлар ҳақидаги қонун лойиҳаларига сарфлаган барча пуллардан биринчи йилиёқ фойдаланганларида эди, дастлабки уринишдаёқ галаба қозонилган бўларди. Аммо бундай қадам қўйишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади.

Палмер бош ирғади:

— Буни менга Бернс тушунтириб берди. У бу йиллар ичида омонат банкларининг бўлимлари ҳақидаги таклиф барча нусхаларида қонун чиқарувчилар учун ортиқча юк бўлиб келган. Айтинг-чи, очиқ кураш қачон бошланган? Қайси йилда?

— Кураш бир неча марта авж олган. Саккиз йил бурун ҳам. Беш йил бурун ҳам. Шубҳасиз, ўтган йили юқори нуқтага бориб етди. Сиз бугун бугунлай бошқача кўринаяпсиз.

Палмер қовоғини уйди.

— Нега бошқача кўринарканман? Қайси маънода?

— Бироз асабийлашгандайсиз. — Жувон гапидан тўхтади-да, бошини сараклатди. — Мавзуга алоқадор эмас. Мен ўзимга қарашим керак. Бўпти, энди омонат банклари курашига қайтайлик.

— Ҳа. Нима учун айнан ўтган йили кураш бу қадар кескин бўлди?

— Қисман шунданки, омонат банклари олдингилардан кўпроқ тазйиқ ўтказа бошлашди, — тушунтирди жувон. — Қисман яна шунданки, улар ҳар қандай одоб-ахлоқни бир четга қўйиб, ЮБТКга ўхшаган йирик шаҳар банкларига ҳужум бошладилар. Яна қисман шунданки, Лэйн Бэркхардтнинг фикрича, улар ҳужумни энди шахсан унинг ўзига қарши олиб бора бошладилар. У ҳам муштлашувга бош қўшгандан кейин чинакамига тўс-тўполон бошланиб кетди.

— Тўғри. Ҳамма гап шунда, — деди Палмер. — Нима учун охири Бэркхардт жангга киришишга қарор қилди?

Жувон яна елка қисди:

— Бу йилнинг бошида нима бўлган бўлса, ўшанда ҳам шундай бўлганди. Жо Лумис “Меррей Хил” омонат банки номидан ундан курашдан тийилиб туришини илтимос қилди. Шунинг учун Бэркхардт айнан шунинг тескарисини қилишга аҳд этди.

— У билан Лумис эски дўстлар, қил ўтмас улфатлар, қон душманлар эмас. Нима учун Бэркхардт шундай қилиши керак бўлиб қолган?

— Айнан шунинг учунки, — деди Виржиния, — у дўстликнинг оқибати

нимага олиб келишини англади. Бэркхардт курашда душман унинг асосий омили бўлади деган қарорга келди, рақибининг қўлларини боғлаб қўймоқчи бўлди, Лумис билан дўстликларидан қинғир йўлда фойдаланишни ўйлади.

— Тушунарли, — давом этди Палмер. — Булар барини сиз қаёқдан биласиз?

— Бэркхардтнинг ўзи баъзи гапларга ишора қилар эди, бошқа гапларни эса менинг ўзимга ёки мен боримда очиқ-ошкор айтар эди. Қолганларини мен газетчилардан билиб олар эдим.

Палмер битта сигарета олмоқчи бўлди, бироқ ўйлаб, пачкани яна Виржинияга тутди. Жувон рад этгандан кейин у сигарета тутатди.

— Энди айтинг, Бэркхардтнинг қайсарлигини ҳамма биладими? Саноатчилар ичидан битта-яримгасининг бундан хабари борми?

— Агар улар билишмайди десалар, мен ҳайратдан ёқа ушлаган бўлардим.

Палмер бош ирғади.

— Навбатдаги савол: ўтган сессияда бўлимлар ҳақидаги таклиф қандай барбод бўлганди? Бу ғалабани Бэркхардтнинг шахсий ғалабаси деб қай даражада ҳисоблаш мумкин?

— Оббо! Сиз жуда нозик саволлар бердингиз-ку.

— Мен жудаям бир чигал калаванинг учини топмоқчиман.

— Мен айтардимки... ҳм-ҳм... нима дердим? — ўздан сўради жувон. — Ўтган йили қонун чиқарувчи мажлис таклифга деярли баб-баравар муносабатда эди. Овоз бериш ҳар икки томонга оғиб кетиши мумкин эди. Келишмовчиликлар партиявий белги бўйича юзага келмаганди, бироқ муҳолифат асосан чекка штаатлардан бўлгани учун республикачилар эди; омонат банклари тарафдорлари асосан штаат марказидан бўлиб, демакки, демократлар эди. Кейин эса... — Жувон жимиб ўйга толди.

— Кейин-чи?

— Келганлардан бири ўрнидан турди-да, партиявий ягоналикка чорлади. У омонат банклари — майда одамлар банки, демократик партия — уларнинг партияси бўлгани боис, худо ҳақи, келинлар, республикачилар ва тижорат банкирларининг иблисона иттифоқига қарши бирлашайлик ва таклифни илгари сурайлик, деб таъкидлади.

— Бу маърузанинг бирон таъсири сезилдими?

— У кутилмаганда можароли масалани партиядан ташқаридаги партияга айлантириб юборди. Таклифда сўзга чиққан озгина республикачилар думларини қисиб қолишди ва бирлашган республикачилар қанотида унга қарши овоз бердилар; бу нутқдан кейин уларда бошқа йўл қолмаганди.

— Демак сиз, — ўсмоқчилади Палмер, — маъруза у қадар таъсирчан бўлмади демоқчисиз, шундайми?

— Ҳаддан ташқари бемаъни нутқ бўлди.

— Уни тагин сал бошқачароқ қилиб тавсифлаб беролмайсизми? — сўради Палмер.

— Ута ўзига хос.

— Сиз бу таклиф тарафдорининг номи учун унинг имкониятларини бу қадар густохона барбод этаётганидан ҳайрон бўлгандирсиз?

— Жуда топиб айтдингиз, шеф.

Палмер юзини тиришгирди.

— Шу “шеф” деган сўзни бошқа эшитмай сиздан.

— Яхши, босс.

— Давом этинг.

— Кечирасиз. — Жувон кулиб қўймоқчи эди-ю, бироқ дарҳол ўзини қўлга олди. — Узр. Азбаройи қизиқаётганим учун, илтимос, сизга малол келмасин-у, бир нарсани сўрамоқчиман, сиз нимага ишора қилаяпсиз... мистер Палмер?

— Ўзингизни босинг, — деди йигит насихатомуз. — Яна бир нечта куткули саволларим бор. Бу йил Жо Лумис ўзининг Бэркхардтга нисбатан навбатдаги мурожаати билан яна ҳамма нарсани ҳаракатга келтирганини қаёқдан биласиз?

— Бэркхардт бунга ҳеч кимдан яширмас эди. Сиз бизнинг бахтиёр даврамызга келиб қўшилган пайтдаёқ у ғазабдан ўзини қўйгани жой тополмай қолган эди.

— Ғазабга ҳам келганди, курашни охирига етказишга оғт ҳам ичганди,

шундайми?

— Худди шундай.

— Бултур партиявий яқдиллик сари бу ғалати даъват эълон қилинганида ЮБТҚдан биронта одам нима учун қонун чиқарувчилардан бири бутун сафарбарликни барбод этишга тўсатдан жазм қилиб қолди деган гапни айтмаганми?

— Менимча, у фирт маст деган ягона фикрга келишганди.

— Ростданми?

— Унинг бай пули қўяётгани кундай равшан эди. Лекин у бу ишни бунақа лўғтибозликка йўл қўймасдан кўп йиллардан бери адо этиб келарди.

— Яна қандайдир тахминлар борми?

— Бизникилардан бири унга бир даста пул кўрсатганмиш.

— Шундай бўлиши мумкинми? — тиниб-тинчимасди Палмер.

— Биласизми, мен реклама бўлимнинг кичик бир одамиман, фолбин эмасман.

— Мен эса сизни чинакам келбт жодутари деб юрардим.

— Фақат қоронғи тушгандан кейин.

— Ҳа. Энди эсладим.

— М-м...

Улар жимиб қолишди.

— Нима ҳам дердик, — деди сўнгра Палмер. У хўрсинди-да, жувонга қараб жилмайиб қўйди. — Калаванинг учи қўлимга кирди десам бўлаверади. Борди-ю, бир силтасам, худди кўзбойлогичнинг сеҳрли таёқчасидай бутун калавани чийратиб юборади.

— Марҳамат, маэстро.

Йигит ички алоқа телефонига узанди-да, “Элдер” тугмачасини босди. Бир сониядан сўнг интеркомда Гаррининг хирилдоқ овози янгради:

— Нима гап, Вуди?

— Тафсилотларни четлаб ўтишга мажбурман, Гарри. Кеча тилга олинган ажайиб битим бизга даставвал қачон таклиф этилганини айта оласанми?

— Йигирма йиллик...

— Тафсилотларсиз, — унинг сўзини бўлди Палмер.

— Ҳа. Яхши. Ўйлаб олишим керак. Тагин келиб-келиб тонг саҳардан-а.

— Тортинмай ўйлайвер.

— Ўйлаяпман, ўйладимам, — тишининг орасидан деди Элдер. — Топдим.

— Хўш?

— Бу қайсидир корхонани молия билан таъминлаш ҳақидаги музокараларни қайта бошлаш муносабати билан ўн саккиз ойлар муқаддам содир бўлганди-ёв. Ушанда, менимча, ҳеч ким бу таклифга жиддий эътибор бермаганди.

— Лэйн Бэркхардт ҳаммадан кам қизиққанмиди?

— Айниқса Лэйн. У бу таклифни жуда ҳам аҳмоқона, бунақасини умримда кўрмаганман деганди.

— Ҳамма ҳам бунга ҳазилга ўхшаган бир нарса деб қараганмиди? — сўради Палмер.

— Фақат кечаги узун сочли дўстимиздан ташқари ҳамма.

— Албатта. У бу битимни ҳозирги шаклида қачон тақдим қилганди?

— Бир йилча аввал. Балки, ундан камроқми-ей.

— Лэйн ҳамон буни ҳазил деб юрармиди?

— Энди ундай деб ўйламаётганди, — деди Элдер. — Бундоқ ўйлаб қарасаки, бу жиддий нарса экан. Жиддийлиги шунчаликки, у шартга рад этди уни. Бунк идораси розилигини олиб, албатта.

— Ҳозир бу таклиф яна кўтарилаяптими?

— Барра бодрингдай беғубор. Фақат бу гал пули кўпроқ.

— Хўш? — Палмер сукутга чўмди. — Улар ўз таклифларини янгидан барбод бўлишига замин тайёрлашмоқчи деса бўладими?

— Йўқ, бундай эмас, — деди Элдер. — Шунчаки йил ўтиб кетди. Уларнинг режалари кенгайди, уларга кўпроқ шу керак. Мен буни тушуна оламан. Наҳотки сен тушунмаётган бўлсанг?

— Нега тушунмай? Бўпти, раҳмат, Гарри.

- Кеча кабаредаги томоша ҳақида нима дейсан? — сўради Элдер.
- Менга столда — дастурхон устидаги томоша кўпроқ ёқди.
- Вуди, сен тутуруқсиз йигитчага ўшаб қолаяпсан аста-секин. Бу, биласанми, тутуруқсиз чолдан кўра ёмон.
- Мен тутуруқсиз эмасман. Шунчаки қизиқувчанман.
- Мен билмайдиган бирон нарсани биласанми? — қизиқсинди Элдер.
- Дангал айтаман: ҳеч нарсани.
- Тутуруқсиз чолнинг бошини қотирма, Вуди.
- Хаёлимга ҳам келгани йўқ.
- Келаси сафар валақлаш касалинг хуруж қилиб қолганида, менга хабар қил. — Ички алоқа ўчириб қўйилди.
- Виржиния Клэри жимиб қолган интеркомга қараб турарди.
- Булар бари нимани англатади?
- Яна бир дунё қалтис саволлар.
- Сиз билан Элдер кеча оқшом бир жойда бўлганмидингиз?
- Бэрхардт ва Мергендал, хотинларимиз ва яна бир нечта меҳмонлар билан бирга эдик.
- Жувон интеркомдан нигоҳини олмаётгани, бироқ унинг кўзлари хиёл торайди.
- Ҳаётингиз ҳодисаларга ҳаддан ташқари тўлиб-тошпан, мистер Палмер, — деди у.
- Мен бу зиёфатга кечикиб бордим. Бугунлай эсимдан чиқиб кетибди.
- Ростдан эсингиздан чиққанмиди?
- Ростдан. Зиёфатчага бир иш бўлдию калламга ҳеч нарса келмабди.
- Жувоннинг жим турганини кўриб, Палмер стол оша унга эгилди-да, қоғозларни бир четга суриб, деди:
- Бир нима десангиз-чи.
- Аввал ўйлаб олай, кейин айтаман. — Охири жувон кўзларини кўтариб, унга қаради. Палмер унинг хижолатда қолганидан кўра кўпроқ жаҳли бурни учидан турганини кўрди.
- Тўғриси ҳам шу-да. Зиёфат бугунлай эсимдан чиқиб кетибди.
- Бир сониядан сўнг жувоннинг чеҳраси хижолатдан қизарди. У тескари ўгирилиб, хўрсиниб қўйди.
- Жинниман, — деди Виржиния — Ҳатто нега жаҳлим чиққанини ҳам билмайман. Бу аҳмоқлик бўлмай нима? — У кўзининг қири билан йигитга қараб қўйди-да, яна ундан нигоҳини олиб қочди: — Илтимос, бунга эътибор қилманг.
- Сиз-чи?
- Унугаман, — ваъда берди жувон.
- Улар узоқ жим қолишди.
- Жин урсин, кечиринг мени, — бирданига деди йигит охири. Жувон қаддини ростлади ва жилмайишга ҳаракат қилди. — Ҳаммаси жойида. — Сўнг нафасини ўнглаб, бошини кескин силтади: — Энди яхши. Қани, беринг ўша қалтис саволларингизни. — Жувон яна бошини дадил силкиб қўйди, гўё бу билан унда энди ҳақиқатан ҳам ҳаммаси жойида эканини тасдиқлагандек.
- Бўпти. — Йигит столнинг ўзи қоғозлардан холи қилиб қўйган жойга қаради. Холи жой ҳозир Палмернинг шуурини банд этган фикрнинг ўзи каби мунгли ва якранг кўринар эди. Бўшлиқни тўлдириш учун у беихтиёр бир қанча дуч келган қоғозни ўша жойга суриб қўйди.
- Гоям шу қадар оқилона ва шу қадар аҳмоқонаки, шундай нарсани ўйлаган каллам каллами ё ошқовоқми, ўзим билмайман.
- Менда синаб кўра қолинг.
- Сиз, ростданам, бу гоям тўғрилигини синаб кўришдан чўчимайдиганим ягона одамсиз! — У қўли билан юзини аста силаб қўйди. — “Жет-Тех” биздаги ҳаддан ташқари катта ва паст фоизли, жуда узоқ муддатли меъёрдаги пул заёми тўғрисида музокаралар олиб боришга уринаётганини эшитсангиз, билмадим, қандай аҳволга тушасиз?
- Қанча экан ўша пул?
- Сизнинг ўзингизни деб мен на пул миқдорини, на меъёр фоизини сизга

айта оламан. Тушунгандирсиз?

— Ҳа. Мени ўзим билмаган нарса ҳақида валақлашда айблаш мумкин эмас.

— Ҳамма гап шунда.

— Унда, сизнинг Гарри Элдер билан қилган суҳбатингиздан келиб чиқадиган бўлсак, улар бу заёмни олишмоқчи эмаслар деб ўйласам бўларкан-да?

— Сиз бунга қандай қараган бўлар эдингиз?

— Менми... — Жувон саросимага тушгандай йигитга қаради. Унинг кўзлари аста кенгая бориб, оғзи ярим очилди. — Мен сўраган бўлардимки... — Жувон бошини чайқади: — Йўқ.

— Давом этинг.

— Мен ўз-ўзимдан Жо Лумис ҳақида сўраган бўлардим, — деди ниҳоят Виржиния ҳайратли оҳангда баланд овоз билан. — Сўраган бўлардимки, Лумиснинг бир вақтнинг ўзида ҳам Жет-Тех тарафини, ҳам омонат банкларнинг бўлимлари ҳақидаги таклиф тарафини олиши нимани аңлатади, деб.

— Шунда нима деб жавоб берган бўлардингиз? — сўради Палмер.

— Мен... мен билмайман. Ҳақиқатан ҳам билмайман.

— Мен ҳам. — Ҳайҳотдай хонада Палмернинг овози маъносиз жаранглади. У йўталиб кўйди. — Ҳозирча билмайман, — кўшимча қилди у.

Сўзлар катта хонанинг тўрида бўғиқ акс садо берди. Узоқ жимликдан кейин Виржиния турди. Унинг юзида, гўё ҳеч гап айтилмагандай, ҳеч қанақанги маъно йўқ эди. Шундай бўлса-да, Палмер бунда қандайдир бошқа нарсани, гўё ҳеч нарса бўлмаганини намойишкорона тасдиқловчи ясама бетарафликни пайқайди. Жароҳатга малҳамни аңлади. У хиёл жилмайиб кўйди ва бу ҳаракат унинг лабларини деярли оғритиб чўзгандек бўлди.

— Демак, — деди у, — шунчаки нимадир айтиш жоиз бўлганидан.

— Ўз жавобларим билан сизга ёрдам бера оламанми? — сўради жувон.

— Ҳозирча йўқ. Сиз, ҳарҳолда, ёрдам бериб бўлдингиз.

— Мен сизга ёрдам бермоқчиман.

— Мен ҳам сиздан илтимос қиламан. Хотиржам бўлинг.

— Ишонсам бўладими?

— Ҳа, — қатъий деди йигит.

— Унда мен машинкам олдига қайтай, — деди жувон. — Э, ҳа...

— Нимайди?

Жувон кўлини ўз кўйлагининг ёқасига сукди.

— Бу ерда бир нима бор, — деди у. — Мана. Бу сизники. — Жувон унинг йўқолган тўғноғичини олди ва йигитга узатди.

— Эҳ худойим-ей! — У тўғноғични олди. — Раҳмат.

Жувон бош ирғаб кўйди.

— Мен уни ўзимда олиб қолмоқчи бўлган эдим.

— Лекин у ерда эмас. Бирон жойингизга санчилиши мумкин.

Жувон яна бош ирғади: — Биламан. — Жувон аста ўтирилди-да, эшик томон йўналди. — Санчиб олиш мумкин, шунда тўғрироқ бўлади. — У эшикни очди-да, чиқиб кетди.

Ўттиз иккинчи боб

Палмернинг котибаси тушга яқингина охири Бэркхардтни топишга муваффақ бўлди.

— Лэйн, — деди Палмер гўшакка, — келинг, бирга нонушта қилайлик.

— Мен шаҳарнинг бошқа чеккасидаман, Вуди.

— Мен сиз билан ўша ерда кўришаман.

— Сени шунча узоққа овора бўлиб келиб юришингни истамайман, Вуди.

— Ҳечқиси йўқ. — Палмер чап кўлининг галстук тўғноғичини олдинга ва орқага айлантириб ўйнаётган бармоқларига қаради. — Ярим соатдан кейин, хўпми?

Бэркхардт бир лаҳза иккиланди.

— Унда ўзим келаман.

— Ихтиёрингиз.
 — 12.40. “Юнион лиг” да.
 — Йўқ, — эътироз билдирди Палмер, — молиявий нусхаларга тўлиб-тошмаган бирон жой бўлса.
 — Махфий гашинг борми?
 — Жуда унақа эмас, — ишпантириб деди Палмер. — Жорий ишлар ҳақидаги ҳисоботларга ўхшаш бир нарсаси. Яқин бир неча ҳафта ичи мен иш билан у ёқ-бу ёқларда бўламан, сиз билан баъзи нарсаларни маслаҳатлашиб олмақчи эдим.
 — Вуди, сен менинг ҳеч қанақанги маслаҳатимга муҳтож эмассан, буни ўзинг биласан-ку.
 — Келинг, сийқаси чиққан йўлдан сал четроқда кўришайлик. Иккинчи авенюда, менимча, қирқинчи кўча атрофида тамадди қилиб олса бўладиган бир ресторанча бор.
 — Бу айтганинг сийқаси чиққан йўллардан шу қадар узоқки, нақ тупканинг тубида, — деди Бэркхардт. — Бўпти, Вуди. Сенинг, афтидан, олди-қочди китоблардаги саргузаштларга ишқибозлигинг ҳали ҳам қолмабди.
 — Ишқибоз бўлмаган борми ўзи? — сўради Палмер.

Бэркхардт жавоб беришга улгурмай, у гўшакни илди. Шаҳар телефони тугмачасини босди, маълумотлар хонасидан ресторан телефонини аниқлади, у ёққа кўнғироқ қилиб, чоғроқ дастурхонга буюртма берди.

Соатига қаради, ҳали вақти жуда кўп эканини кўрди ва ўриндиққа чалқа ётди. Ҳали вақт кўп экан, ўйлади у. У ўзида жанг олдидаги кескинликни, айниқса, чуқур ҳис қилмоқда эди — атрофдаги одамларга қаттиқ таъсир, қатор мақсадсиз, бир чақага қиммат ҳаракатлар — ишқилиб, фикрни олдинга ўқдай отилиб кетишдан сақлаб қолиш учун қилинадиган ҳар қанақанги чалғитувчи найранг. У тўғноғични стол устига ташлади ва ошпоқ бошча тез айланиб, кенг ёй ҳосил қилаётганини кузатиб турди. Кейин уни яна турғди ва бошчанинг айланишини яна томоша қила бошлади.

Эрталабдан бери Палмернинг миясида шу фикр айлангани-айланган: агар ўз шубҳаларини Бэркхардтга очикдан-очик айтиб солса, тўғри қилган бўлармикан? Бу ўқ кўрган чумчуқ ростдан ҳам кўп нарсани билармикан? Агар у ҳеч нимадан бохабар бўлмаса, унинг ғазаби кутилмаган янгилик тақдим этармикан? Ишга фақат зарар етказиши мумкин бўлган бирон ҳаракат қилиши учун йўл очиб берармикан? Борди-ю, Бэркхардт бирон нарсани билса ё ҳис этса, унинг ишгириклари Палмернинг шубҳаларига чек қўя олармикан? Ёки улар унга алмисоқдан қолган гаплардай бўлиб кўриниб, Бэркхардтни Палмерга қарши тиш қайратиб қўярмикан?

Албатта, улар ҳақиқатдан йироққа ўхшаб кўринади, шу қадар йироқки, кишининг ақли бовар қилмайди, шундай бўлса-да, уларда қандайдир маъно бор, ўзича қатъий фикрга келди Палмер. Ҳа, энг ёмони шундаки, уларда барибир қандайдир маъно бор.

Палмер тўғноғични олди ва уни нима қилсам экан деб ўйланиб қолди. Галстугига тўғнаб олгани ҳам худди шунақа эди. Ортиқчасини стол тортмасига ёки чўнтагига солиб қўйса бўлади. Ёки ахлат саватига қараб улоқтирсинми? Улоқтирса нима бўлибди? Мошдеккина сопол бошли бир бўлак темир-да. Наҳотки, у бу тўғноғични хотира сифатида асрайдиган даражада аҳмоқ бўлса? Эй худо! У бошқа тўғноғичларга қўшилиб кетади-да, бори ҳам, йўғи ҳам бир гўр бўлади-қўяди.

Виржиния бўлса уни асраб қўймоқчи. Бу унга нега керак экан?

Палмер тўғноғични кўкрак чўнтагига солиб қўйди-да, ўрнидан қўзғалди. У тез юриб катта дераза олдига келди ва қуёшли киш манзарасига разм солди. Гарчи дарахлари кип-яланғоч бўлса-да, Сентрал-парк тинч ва осуда, инсон қўли билангина яратилган олий даражадаги санъат асаридек кўринар эди. Бирмунча муддат Палмер чўғдек қизил пальто кийган бўйдор малласоч аёлни кузатиб турди, у “Боквит” дўконидан чиқди-да, “Плаза” томон юриб кетди. Шу масофадан ҳам аёлнинг бўйи роса 180 см келишлиги билиниб турарди. Агар пальтоси рангини айтмаса, бу Эдис ҳам бўлиши мумкин эди. Бу ҳам Эдисга ўхшаб катта-катта одимлар билан шаҳдам юриб борар, сочи ҳам Эдисдақа

ялтироқ ва қўлини ҳам шунақа бурчаксимон қилиб силтар эди. Аёл олий даражада мафтункор кўринарди.

Қизиқ, борди-ю, агар бу янги пальто олган Эдиснинг ўзи бўлиб чиқса, мен ўзимни қандай ҳис этган бўлардим, деб ўйлади Палмер. У аёлнинг пошнаси баландлигини чамалаб кўрмоқчи бўлди. Кўзи ўтқир бўлгани билан шунча ердан туриб буни ҳатто чамалашнинг ҳам иложи йўқ эди. Бироқ унинг ҳозирги юриши ҳеч бўлмаганда Виржиния Ктэри туфлисига ўхшаш жуда баланд пошнаги туфли кийиб олганига Палмернинг имони комил эди. Эдис эса жуда нари борганда беш сантиметрча келадиган пошнаги туфли кияди. Демак, бу Эдис эмас. Лекин у жуда ҳам жозибадор эди.

Куриб кетсин бу гапларнинг бари, ўйлади Палмер деразадан шартта ўтирилар экан. У бирданга ҳаддан ташқари кўп нарсалар ҳақида хаёл сурадиган бўлиб қолибди ўзиям.

Палмер пальтосини кийди-да, банкдан чиқиб, шарқ томон йўл олди. Иккинчи авенюга етиб борди ва ресторангача шу йўлдан анча юрди — бунгача уни биров зимдан кузатаётгидими ё йўқми, бемалол билиб олса бўларди.

Кун унча совуқ бўлмаса-да, изғиринли шамол юзга урарди ва Палмернинг кўзи ёшлана бошлади. Пенгтахтага қарамоқчи бўлган одамдай у маҳалла ўртасида тўхтади. Бир маҳалла ўтиб, бу усулни яна такрорлади.

Кун совуқ, аммо қуёшли бўлганидан одамлар кўчада сероб эди. Улар лентча борар ёки ўша ёқдан қайтар эдилар, мусаффо осмон, йўлак асфальтининг жимир-жимир ёғдуси, ўтиб кетаётган машиналар ойнасидан ҳаммаёққа ташланаётган қуёш шуълаларининг ўйноқи аксидан завқланганча тез ва шаҳдам қадам ташлар; кийимларини ҳилпиратган шамолдан завқланиб юриб борар эдилар. Палмер бундай завқни туймаётган эди.

Лекин у ўзига нисбатан ишончсизликни ҳис этмоқда эди. Ўз шубҳаларини минг бир тарозига солиб, улардан хатолар топиб, хулосалар чиқариб, ўзини фирт аҳмоқ санаб ва ҳатто жинни ҳисоблаб, у шу нарсани англай бошлаган эдики, ўзининг асосий фикрини тасдиқлаш учун ҳаддан ташқари кам исботга эга экан. Модомики шундай экан, буни Бэркхардтга изҳор қилишнинг нима кераги бор? Ҳеч бўлмаганда биргина кескин исбот бўлиши шарт. Шундай хаёллар билан у бурчакдаги телефон будкасига кирди ва ўз маклерига қўнғироқ қилди. Уларнинг суҳбати қисқагина бўлса-да, бироқ Палмер учун ниманидир ойдинлаштиргандай бўлди.

Ресторангача ярим маҳаллалик йўл қолганда у ортидан ҳеч ким кузатмаётгидимикан деган ўйда яна бир текшириб олди ва ҳеч қандай ғайриодатий нарса пайқамасди. Шу топ миясига унинг шубҳаси адолатлими ё йўқ, бундан қатъи назар, ўзимни муттаҳамларча тутаетибман, деган ўй келди. У ресторанга таъби тирриқ бир ҳолда кириб келди, ўз столчасини топди-да, виски буурди.

Бэркхардт кириб келганида Палмер аллақачон иккинчи стаканга ўтиб улгурганди. Гарчи кечиккани учун чолдан гижиниб ўтирган бўлса-да, у барибир дастлабки енгил ва мазмунсиз суҳбатни очилибгина ўтказди. Ресторан камбаргина хонада жойлашган бўлиб, “Н” ҳарфининг иккала оёғига ўхшаш иккита хонага ажратилганди. Қачонлардир илгари деворларга манави ерда юзтача одамнинг кулгили башаралари чизиб ташланганди. Сувратлар тагидаги ажи-бужи имзолар улардан биронтасининг кимлигини билишга ҳалал бермасди. Асл қахрамонлари кимлигидан беҳабар Палмер сувратларнинг кимлигини билиш учун Нью-Йорк аҳли бўлиш керак деб беҳуда тахмин қилмоқда эди.

— ... Биқин гўштира гап йўқ, — дер эди бу орада Бэркхардт.

— Бу жой ҳақида менга Гарри Элдер айтганди, — изоҳ берди Палмер. — Мен сизни бу ерда бўлгансиз деб ўйловдим.

— Бу ерда-я? Бу ерда ҳеч ҳам бўлмаганман илгари, — Бэркхардт гўшгдан катта бўлак кесиб олди-да, санчқи билан уни икки буюлади ва ликобчадаги тиниқ қизил шарбатга ботириб олиб, ея бошлади. — Ў-ў, мазалигини қаранг.

Бэркхардт тез-тез чайнаб, тез-тез ютар эди. Сўнг санчқини қўйди-да, Палмерга қаради. Унинг митти тўғноғич боши санчиб қўйилгандек қорачиқли оч мовий кўзлари ҳозир катталашгандай туюлиб кетди. Мана, нечанчи мартаки,

ўйлади Палмер, қизик, нима учундир Бэркхардт ҳар доим чарақлаган кўёш ва қаттиқ шамолга беткай туриб юриб келаётган одамни эслатарди.

— Бошла, Вуди. 1.30 да мен шаҳарда бўлишим керак.

— Жадвалингиз шунақа тигиз пайтда сизни бу ерга судраб келганим учун узр сўрайман.

— Қўявер. Нимани ҳам яширардик. Гапир.

Палмер энди учинчи стакан вискини майда-майда ҳўпларди.

— Олдин айтганимдай, бунда ҳеч қанақа сир-асрор йўқ деб ўйлайман, — тушунтирди у. — Фақат миямга келиб қолди-да, биз ҳар доим бир хил ресторанларда овқатланиб ўрганганмиз ва... — У елка қисиб қўйди. — Мен сизга ўзимнинг нотиклик сафарим истиқболи ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Мен уни Мак Бернс истиқболи дегим келади.

— У билан муносабатларингиз қандай?

— Зўр.

— Хурсандман. — Бэркхардт овқатга оғзини тўлдириб гапирарди. — Бу митти юнон билан бирга ишлаб кета олиш учун сенинг муомала қилиш қобилиятинг борлигини билардим.

Палмер бир бўлак гўштни индамай чайнаб еди. Сўнг:

— Ливанлик билан, — деди. — Мадомики, сиз уни шундай деб ўйлар экансиз, жин урсин, сиз уни нега ёлладингиз?

— Мажбурликдан. У демократларга калит.

— Демократлар бутунлай омонат банклари тарафдорлари ва бизларга қарши-ку. Уларга ҳеч қандай калит тўғри келмайди.

Бэркхардт бошини чайқади-да, яхши чайналмаган луқмани ютиб юборди.

— Ишонмайман бунга. Шундай бўлганида Жо Лумис Бернсни ўзи ёллашга ҳаракат қилмасди.

— Бу қачон бўлган эди?

Бэркхардт қўлини кенг ёйиб силтади:

— Миш-мишлар қулоғимга ўтган баҳорда чалинганди. Жо Бернсни омонат банклари учун ёлламоқчи эди. Агар демократлар шунчалик яқдил бўлсалар, уларнинг жипселашувлари учун шунча пулни исроф қилишнинг нима ҳожати бор эди? Бундан ташқари, Бернс бизнинг реклама агентлигимизда жамоатчилик билан муносабатлар бўйича бўлимни бошқаради. Бундан ҳам аниқроқ нима бўлиши мумкин?

— Лумис Бернсни ёлламоқчи бўлган деб ким айтди сизга?

— Аҳамияти йўқ. — Бэркхардт яна бир бўлак гўшт кесиб оғзига солди-да, чайнай бошлади. — Жин урсин, буни ўзинг ҳам билиб олаверсанг бўлади. Арчи Никос ўшанга шама қилганди.

Палмер олдинга энгашиди-да, ўз бошлиғига янада тикилиброқ қарай бошлади.

— Никос шунақа ахборотларнинг ишончли манбаси эканми?

— Э худойим-ей, бўлмаса-чи. Худди Гибралардай ишончли.

— У Лумисга сизга яқин бўлгандай яқинми?

— Мен фақат бир нарсани назарда тутаяшман, — уқдириб деди Бэркхардт.

— У бирон нарсани хабар қилганида, бу ғоятда аниқ бўлади. — Бэркхардт чайнашдан тўхтади. — Сенга нима бўлди, Вуди?

— Шунчаки қизиқиш.

— Кўнглингда бошқа гап борга ўхшашпти. — Бэркхардт аста бош чайқаб қўйди. — Халқаро банк ишлари билан шуғулланувчи бу арбоблар таклиф учун фақат биттагина дастакни топиб олишган: кафолат. Агар улар ЮБТҚдай катта банкларнинг қулоғига лағмон ила бошласалар, ўзларининг навбатдаги банк ишлари учун пулни қаердан оладилар?

— Бошқа банклар ҳам бор. Суғурта компаниялари ҳам бор, хайрия жамғармалари ҳам бор. Мамлакатда оқилона фойдаланишни кутиб ётган пуллар тўлиб-тошиб ётибди.

— Вуди, қачон эсинг киради? Агар ўзининг асосий пул манбаларига панд бериб кетганида, Арчи Никосни шунча узоқ сақлаб турган бўлармиди? Нима бўлганда ҳам, жин урсин, сен нимага шама қилаяпсан ўзи?

— Мен сизга айтдим. Оддий қизиқувчанлик. Нима учун Бернсни ёллаганингизга қизиқаётувдим-да.

— Энг аввало, уни Лумис ёллаб олмаслиги учун.

— Ўзидан кейин ўрнига қўйиш учунми?

Бэркхардт бош ирғади.

— Кўнглинг тўлдими?

— Ҳаддан ташқари. Умримда биринчи марта. Қулоқ солинг, — давом этди Палмер. — Менинг нотиклик сафаримда ортиқ маркиз Квинзберри¹нинг қатъий қоидалари бўлмайди. Мен омонат банкларига қўлимга тушган ҳар қандай нарсани, агар у анча залворли бўлса, отишга тайёрман. Аммо бошлашдан олдин мен сиздан қанчалик чуқур кириб бориш мумкинлигини аниқлашим керак.

— Истаган чуқурликкача кириб боравер. — Бэркхардтнинг оқиш мовий кўзлари қисилди, табассумдан тишлари тиржайиб кўринди. — Охир-оқибатда мен сени ҳар доим ишдан ҳайдашим мумкин:

— Жумладан, — давом этди Палмер гўё эшитмагандай, — директорларингиз ва уларнинг департаментлари фаолият доираси қанчалик чуқурликка эга ўзи? Агар бир гишт ташласам, одамларимиздан бирининг бошига бориб тегиши мумкин-ку?

— Эҳтимол. Менга, масалан, бунинг фарқи йўқ.

— Ҳиссадорларимизга нисбатан қанақа? — тиниб-тинчимасди Палмер. — Директорларга нисбатан сизнинг санкциянгизни олдим, бизнинг акцияларимизга эгалик қилган сохта бевалару етимларга нисбатан қандай?

— Ҳеч қандай муаммо йўқ.

— Сизнинг муносабатингиз менга ёқади. Генерал жанг арафасида ўз аскарларига дейди: “Улар сизга зарар етказа олмайдилар”. Нима бўлганда ҳам акцияларнинг йирик халталарини ким ушлаб турганини тушунтириб берганингизда яхши бўларди.

Бэркхардт гўштини еб тугатди ва аста-аста чайналганча ҳузур қилиб ўзини стул суянчигига ташлади.

— Буни ҳамма билади, Вуди. Ўзингни ҳеч нарсдан хабари йўқдай қилиб кўрсатиб нима қиласан?

— Сизнингча, бунга вақтим мусоида этадимми?

Бэркхардт елка учираб қўйди.

— ЮБТК акцияларини ҳар ким ҳам ола билади. Ҳар кимнинг ўз улуши бор. Менда 90.000 акция бор, худди шунчадан Гаррида ҳам, Клиффда ҳам, бошқа вице-президентларда ҳам бор. Узаро ёрдамнинг йирик жамғармалари ва инвестиция банкларида ҳам кўп акциялар бор. Мен нима дейишим мумкин, Вуди? Бундай акциялар ўзини муносиб деб топган ҳар қандай одамда бор. Бошқа банklar ЮБТК акцияларини ушлаб турибдилар, суғурта компаниялари ҳам. Маклерлар ЮБТК акцияларини ўз мижозларига сотмоқдалар, чунки мижозлар ЮБТКни талаб қилмоқдалар. Грестларнинг жамғармалари. Нафақахўрларнинг жамғармалари. Мубашширлар беваларининг аллақандай дафн жамғармаси 20.000 акцияга эга экан. ЮБТК акциялари ҳаддан ташқари мустаҳкам. 1933 йилдан буён биз дивидендларнинг битта ҳам тўловини ўтказиб юборганимиз йўқ. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса дивидендлар қарийб 60 фоизга ўсди. 1954 йилда биз ҳатто акцияларни майдалаб юбордик. Агар 1945 йилда акционер ЮБТКнинг 100 долларлик акцияларига эга бўлса, бутунги кунда унинг маблағи 240 долларни ташкил этаётти. Ҳамма ЮБТКни сотиб олмоқда. Биржада бизнинг акцияларимиз энг барқарори. Гиштарни улоқтирганингда кимни мўлжалга олганингни мен қаёқдан билай? Такрор айтаманки, бу ҳақиқатан ҳам бир чақага қиммат. Бизнинг мулкларимиз шу қадар кенги, бизга зарар келтирмоқ учун кўнглингиздагидай катта бўлакни ушатиб ололмайсан.

— Сиз таваккал қилиш ва бундан нима чиқаркин, деб қараб туриш керак демоқчимисиз?

— Бўпти. Фараз қилайликки, шундай. Лекин мен бир нарсани тушунмай турибман, бу сени нега ташвишга солмоқда? Нега айнан ҳозир? Нега бирданига?

Бэркхардтнинг кўзлари катта-катта очилди, бу ҳам бир лаҳзагина,

¹ Маркиз Квинзберри XVIII асрда ҳаваскор боксчилар жамиятига асос солган ва спортнинг бу турига қатъий қоидалар ишлаб чиққанди.

қорачиқлар нурдан қисилгунча давом этди, холос. Палмерга бу кўзларда намоийшкорона такаббурликдан бошқа яна нимадир йилт этгандек бўлди. Балки, у буни эшитдимикан ё? Бэркхардт ҳаддан ортиқ қизишиб кетмадимикан? Ёки Палмернинг ўзи исботларни қидириб, уларни аслида йўқ жойдан топмадимикан?

Жавоб ўрнига Палмер ликобчани суриб қўйди, ўзини орқага ташлади ва сигарета тутатди.

— Сўнгги вақтларда мен биржадаги аҳволни кузатдим, — ёлғонлади у, ҳозиргина маклеридан олган маълумотларга таяниб. — Биласизми, — давом этди у, — ЮБТК акциялари аҳволи билан қизиқиш учун бир амаллаб вақт топишга ҳаракат қиляпман. Мен ҳар кун и сутувга қанча акция келиб тушишини текширяпман. Аста-секинлик билан бўлса ҳам, аммо активлар мунтазам ўсиб бормоқда.

— Сенинг кўзларинг меникидан ўткирроқ, — кескин оҳангда жавоб берди Бэркхардт.

— Сиз ҳеч нарсани кўрмадингизми?

— Мен одатдаги актив талаби ва таклифини кўрганман, холос. ЮБТК акциялари бошқа акциялар қатори жадал сотилмоқда ва сотиб олинмоқда. Аммо жадаллик умумий. Бу бевосита ЮБТКга дахл қилмайди.

— Мен бунга ишонмайман.

— Вуди. — Бэркхардт санчқини шундай кескин қўйдики, Палмер чўчиб тушди. — Бу ўзи, жин урсин, гапни қасққа бураяпсан?

— Модомики сиз бу фаоллик рисоладагидай дедингизми, мен сизнинг сўзингизга ишоношим керак.

— Ишонавер, жин урсин, — шартта деди Бэркхардт.

— Яхши, — ён берди Палмер. — Келинг, сўнгги бир неча ойни олайлик. Акция баҳолари бироз тушди. Унинг биржадаги нархлари тебраниб турибди. Шундай кун ва ҳафталар бўладики, ЮБТК акциялари кўпайиб кетади, шундай кун ва ҳафталар бўладики, улар озайиб қолади. Бу беқарор бозор. Вақти-вақти билан нарх кўтарилиши кузатилади, чунки уларда кўплаб тажрибасиз ҳаваскорлар иштирок этадилар. Аммо нархни тушириб ўйнайдиган чайқовчилар ҳамон фаол ва вақтинчалик вазиятдан ўз манфаатларига фойдаланиб қоладилар. Агар сиз ҳисоботларни ўрганган бўлсангиз, кўплаб тарқоқ банк ишларини пайқаган бўлишингиз керак. Мен сизга айтган ҳалиги иккитасини истисно қилганда ёрқин тенденцияларнинг йўқлиги. Биржада нима қилинаётганидан, у ёки бу ҳафтанинг умумий йўналиши қандайлигидан қатъи назар, сиз ЮБТКнинг сотилган акциялари миқдорининг бирмунча ортганини албатта, кўрасиз. Бир неча ой муқаддам кундузги мейёр тахминан соат учларга тенг келган эди. Кеча олги мингтаси сотилганди. Бу битта тенденция. Иккинчиси — бу нарх. Бир неча ой муқаддам у етмиш иккида муқим турган эди. Кеча, биржа ёпилганда, етмиш саккиз эди.

Бэркхардт қўлларини икки томонга ёйди.

— Мен сенга ҳозиргина айтдим, бизлар — биржанинг асосий устунимиз, деб. Ўзинг айт-чи, нима учун бизнинг акцияларимиз шунчалик кўп жамғармаларнинг портфелларида бор? Агар жиладиган бўлсак, юқорига қараб жиламиз. Аста-секину аммо бир текис жиламиз. Энди бунақа сафсаталарингга бало борми? Ундан кўра муддаога ўтиб кўя қол.

Палмер лабларини қимтиди.

— Мени гапдан чалғитишга уринманг, — совуқ оҳангда деди у. — Бу кўлингиздан келмайди.

Бэркхардт унга узоқ қараб қолди. Сўнг ЮБТК Президентининг юзида қандайдир ўзгариш юз берди. Кўзлари атрофидаги қорамтир ажинлар чуқурлашди. Палмер суҳбатдошининг қаншаридаги томирлар бўртганини, пастки жағи олдинга туртиб чиққанини пайқади.

— Гапир, — деди Бэркхардт муздек совуқ оҳангда. — Давом эт. Гапир.

— Мен айтадиганимни айтиб бўлдим, энди навбат сизга.

— Менинг нима дейишимни истайсан? — сўради Бэркхардт. Энди унинг овозида бўғиқ шикоят оҳанги бор эди. — Сен ҳақсан дейишим керакми? Ҳа, эҳтимол, сен ҳақдирсан.

— Унда тушунтириб беринг, бу нимани аңлатади? — илтимос қилди Палмер.

— Агар билганимда... — Бэркхардт хўрсинигини босди. — Бўпти. Мен буни уч ҳафтача илгари пайқаган эдим. Сен ҳам, афтидан, пайқаган кўринасан, мен олдинги ойларни текшириб чиқдим ва бу анча вақтдан бери содир бўлиб келаётганини кўрдим. Мен тушунтириб берсин деб дарҳол Клиффни чақирдим. У бундай ишлардан доим хабардор бўлиб туриши ва у бирон нарсани сезган заҳоти менга маълум қилиши шарт. Худди менга ўхшаб, Клифф ҳам ҳайрон эди.

— Ахир бу яхши эмас-ку. У билиши керак эди!

— Назарий жиҳатдан шундай. Лекин у бу нарсанинг оддий ҳол эканига ишониб қўйганди.

— Бир дақиқа сиз баён этган кенг мулоҳаза — бу Клифф Мергендалнинг изоҳи эдими? — ўсмоқчилади Палмер.

— Озми, кўпми даражада. Лекин бу унақа бемаъни нарса эмас-да.

— Албатта, — уни қувватлади Палмер, — агар мен каби сизнинг ҳам орқа миянгизда илгаригидай нохуш сезги қолиб кетаётганини ҳисобга олмаганда.

Бэркхардт мийиғида кулиб қўйди.

— Сени нима ташвишга соляпти, шунга айт, мен сента ўз ташвишларим ҳақида сўзлаб бераман.

— Биринчи билмоқчи бўлган нарсам шуки, нима учун Клиффда бундай ташвиш йўқ?

— Клиффни эсдан чиқар! — қўлини силтади Бэркхардт. — Булар ортидан сен нимани кўриб турибсан, мени шу қизиқтиради.

— Эҳтимол, у ерда бирор нарса бордир, эҳтимол, у ерда айтарли ҳеч нима йўқдир. Борди-ю, мана шу нимадир бор бўлса, демакки, кимдир ҳам бор. Мантиқ мени мана шу нуқтага олиб келиб қўйди. Бу ёғига менга ўзимда йўқ далиллар керак. Лекин улар сизда бор.

— Менда?

— Бўлмаса-чи, — деди Палмер қатъий ва сиполик билан. — Сиз мана шу “кимдир”га исм қўйишингиз мумкин. Жуда бўлмаганда ичидан биттасини танлаб олиш учун исмлар рўйхатини беришингиз мумкин. Мен бундай қилолмайман. Сиз эса қила olasиз.

— Кимдан бошлашимни ҳам билмай қолдим. — Бэркхардт ўзини стул суянчигига ташлади-да, ёнидаги деворга чизилган қизил сувратлардан бирита тикилди. Сувратда симёғочга тирмашиб чиқётган, тепада ўтирган Женни деган қиз томон талпинаётган қандайдир Чарли тасвирланган эди.

— Қўлингиздан келмайдими, — зўр берарди Палмер, — ёки хоҳишингиз йўқми?

Бэркхардт зимдан унга еб қўйгудай бўлиб қаради. Кўзлари чақнади, қаншаридаги томир бўртди.

— Узингни бос, Вуди. Нима деяётганингни ўйлаб кўр, болакай.

— Мен сизни ҳақорат қилмоқчи эмасман, — энди Палмерники ҳам тутиб кетди. — Мен сизга ёрдам бермоқчиман.

— Сендан ёрдам сўрамагандим, шекилли?

— Нега сўрашларини кутиб турар эканман?

— Сен ҳар доимгидай сертакаллуф ва ҳақсан, ўлай агар. — Тишининг орасидан деди Бэркхардт. — Менга ёрдам керак бўлганида, ўзим сўрайман. Аммо қачондир янги келган одам менга ёрдам бермоқчи бўлса, билайки бошимга мусибатнинг зўри тушади. — Афтидан, ўзини жамоатчилик жойида талаб этилгандек тутишга ҳаракат қилганча у аста ўрнидан турди. — Энди қулоқ сол, — давом этди у. — Ажойиб ленчни расво қилдинг. Лекин мен сендан хафа бўлмайман. Кўп бўлмағур гапларни гапирдинг. Буни ҳам эсимдан чиқараман. Фақат бир нарсани тушунишингни истардим: кўчани кесиб ўтишда Бэркхардтга ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас. Етакловчи керак бўлиб қолганида, ўзим чақираман. Ҳозир эса, бор, маърузангни ўқи, қолганини менга қўйиб бер. Тушундингми?

Палмер ўрнидан турди.

— Бу сизнинг банкингиз.

— Мана энди сен қандайдир чигал гапни айтдинг, — деди босс. — Яхшиси, буни эсингдан чиқарма. — У қўлини узатди. — Гап орамизда қолсин, хафа бўлиш йўқ, Вуди.

Палмер унинг қўлини олди ва қўпол ва йўгон бармоқларнинг қаттиқ қисганини сизди.

— Сиз нима десангиз — шу.

— Бўпти, — деди босс. — Шошмасак бўлмайди. Сен билан кейин гаплашамиз. Ёки эртага. — У қўлини силтаб қўйди, гардеробдаги кийим илгичдан пальтосини олди ва ресторандан чиқиб кетаётган хайрон қараб турган қизга 25 цент ташлаб кетди.

Палмер деразага қараганча анча туриб қолди. Кўчадан Бэркхардтнинг чорпахил қоматини, пальтосини кияётганини наридан-бери кўрди. У кимгадир қўл силтаб қўйди. Сўнг Палмер боссининг транспортдан илгарилаб кўчани кесиб ўтганини, нариги томонда турган ўзининг “ролс”и томон йўл олганини кўрди. Бэркхардт машинага чаққон ўтирди, эшикни ёпди ва елиб кетди. Палмер ўзича то Бэркхардт унинг қўлини қисиб хайрлашганидан ҳозир ғойиб бўлганига қадар тахминан 30 сонияча ўтандир-ов деб чама қилди.

Шиддатли. Қайсар. Ўзига ишонган. Куйди-пишди.

Шу билан бирга, дилидан ўтказди Палмер, биржадаги ЮБТК акциялари нима бўлаётганини кимдир сезиб қолганидан хабар топиб, оёғи куйган товукдай питиллаб ҳам қолди.

Официантни қидириб, Палмер у ёқ-бу ёққа аланглади. У йўқ эди. Палмер ўтирди, яна чекди ва сигарета учига тикилди. Ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмаган қайсар ва бесўнақай чоллар унинг меъдасига тега бошлаганди. Илгарилари бундай ҳолларда у ҳар доим отасига ён берарди ва баҳсли ўринларга бошқа қайтмасди. Лекин бу илгари шундай эди, ҳозир эса — бошқа замон. Бу гал у бошлаган ишини ташламоқчи эмас.

Ўттиз учинчи боб

Палмер отелдагилар кутубхона деб атайдиган чокқина бир хонада ўтирарди. Болаларнинг ухлаганига ҳам бир соатлар бўлиб қолганди. Олти хонали квартиранинг аллақайси бир чеккасида хотинининг нималар биландир куйманиб юргани қулоғига чалинди. Ҳозир “кутубхона” бўм-бўш эди. Нью-Йоркка кўчиб ўтишларида Эдис Чикагода сақлагани қолдиришга кўнмаган сонсиз сувратлари китобларга тўла қутилар ғойиб бўлган. Бугун кундузи, ҳойнаҳой, юкчилар келган ва Палмерларнинг бор буд-шудини квартирадан олиб кетган. Фақат алмаштирилган тоза чойшабу ёстиқпўшларгина қолганди. Эдис билан отел оқсочи барча кастюмлар, кўйлақлар, майда-чуйда кийим-кечакларни пластик жомадонларга жойлашди, шкаф ва ёзув столи тортмасида эртанги кунга асқотиши мумкин бўлган нарсаларнигина қолдиришди. Отелдагилар “мутолаа чироғи” деб атайдиган чироқнинг хира ёдусида ўтириб, Палмер эртанги кунга хотини қайси костюмни тайёрлаб қўйгани устида бош қотирарди.

У, албатта, Чикагодан Нью-Йоркка, энди эса отелдан уларнинг янги уйга кўчиб ўтишларида ташаббус кўрсатган Эдисдан миннатдор. Уйни эпақага келтириш эса унинг сира-сира қўлидан келмаслиги аниқ эди. Шунча ишларни Эдисдек қойилмақом қилиб уддалаш ҳар қандай аёлнинг қўлидан келавермаслигини ҳам тушунарди Палмер.

Сўнг унинг фикрлари аста йўналишини ўзгартирди-да, ўзининг гуноҳ ва хатолари ҳақида ўйлай бошлади.

Унинг ўзи, дейлик, мана, бир ой бўлдики, қурилишда қорасини кўрсатгани йўқ. Айлантириб келганда, у уйни бор-йўғи икки мартагина кўрган: Эдис билан улар уйни сотиб олишга қарор қилган кун ва иккинчи гал ички деворчаларни қуриб бўлишган кун. Бошқача айтганда, — деди у ўзига-ўзи, — қурилиш ишлари бошлаб юборилгандан кейин у уйга мутлақо эътибор бермай қўйганди. Агар Эдиснинг чизмалари билан апил-тапил танишиб чиққанини ҳисобга олмаса, у ёқда нима қурилаяпти ёки қандай кўринишга эга ва унга ёқадими, йўқми — ҳеч балони билмас эди.

Мана шунинг ўзи, энди билишича, уйга нисбатан лоқайдлик ва ҳатто Эдисга нисбатан шафқатсизликдир.

Дарвоқе, Эдис ҳеч буни унинг юзига солмасди. Асосий ишлар қилиб бўлинган сўнгиги бир неча ҳафтада ҳали талай ишлар қараб ётарди, масалан, ошхонадаги плитинг ёнғоқ ёғочидан бўлсинми ё тик ёғочиданми? Оқшомлари эрдан унинг хоҳишини аниқлаб олиш учун Эдиснинг вақти бемалол бўларди: ҳа, катта меҳмонхона бўлманинг поли сидирғасига дуб тахталардан бўлгани маъқул. Қопламалар фабрика матосидан эмас, қўлда тўқилганидан бўлсин. Ошхонадаги эса заранг япроғи шаклидаги пластикдан қоплансин; болалар хонасига эса ҳеч қанақанги винил-асбес тахтачалари кетмайди (яланг оёқлар учун жуда совуқлик қилади, яхшиси, эман ёғочидан бўлсин). Лифтнинг ўзи очилар эшиклари учун ўн сония очиқ туриш етарлими? Етарли. Ҳа.

Кутубхонада ўтирар экан, Палмер, мана, икки ойдирки, Эдис оддий пудратчи, чизмакаш-ихтирочилик ишини, шунингдек, меъмор ишининг бир қисмини ўз зиммасига олгани ҳақида фикр юритар эди. Булар барчаси учун мен ундан миннатдор бўлишим керак, деб ўй сурарди Палмер.

Бироқ, астойдил ўйлаб кўрса, аслида у хотинидан миннатдор эмас экан, балки шундай туйғунинг жоизлигини эътироф этар экан, холос. У энди тан бердики, Эдис бошидан сув ўтириб ичса арзийдиган хотин, тамом.

Шундай ҳаёллар билан Палмер заиф нурдан кўзини хиёл қисганча яна ҳужжатларни ўқишга тутинди. Унинг олдида хромли қисқичлар қадалган ва кўк жилдага солинган тахлам-тахлам қоғозлар ётарди. Бирмунча муддат Палмер уларни варақлади, бироқ кейин унинг ҳаёли яна чалғиб кета бошлади. Сўнгисиз исмлар ва манзиллар силсиласида қандайдир умидсизлик бор эди. Бэркхардт ҳақ: унча-мунча кўр-кути бор одамлар кўпроқ ЮБТК акцияларини сотиб олмақда. Ҳозир Палмернинг қўлидаги акционерлар рўйхати манави ерда ярим килоча келади.

Аниқроғи, бу ерда битта қилиб қистирилган иккита рўйхат бор эди. Бири олти ой бурунги аҳволни батафсил изоҳлаб турарди. Иккинчиси ҳозирги вақтни акс эттирарди — бу, албатта, Гарри Эдлер қанчалик улгурганига қараб белгиланади, яъни нари борганда ўттиз кун аввалги муддатни қамраб олган.

Биржада ғайриоддий фаоллик бошланганда Палмер бунинг сабабини англаб етди — ҳар куни айланмада ЮБТКнинг тобора кўпроқ акциялари миқдори бўлар эди. Акцияларнинг бир қанча йирик эгалардан кўплаб майда эгаларга табиий ўтиши содир бўлмоқда деб тахмин қилиш мумкин эди. Дейлик, ўн минглаб акцияларнинг эгаси, қандайдир ўзаро ёрдам жамғармаси йилнинг сўнги чорағида ўз портфели юкини бирмунча енгиллатишга қарор қила олади. Бу минглар охир-оқибатда бир неча юз хусусий харидорларга йўл топиши мумкин. Бундай тахминда гўё мантиқ борга ўхшайди. Бироқ рўйхатларни таққослаб қиқиб, Палмер кўрдикки, сўнги олти ойда акцияларнинг кўпи акционерларнинг оз миқдори қўлида экан. Бу қутилмаган ҳол эди.

У “уҳ-ҳ” деб қўйди ва оғир қоғозлар боғламини тиззасига тушириб юборди. Сўнги ярим соатни у эски рўйхатда учрамаган исмларни янги рўйхатга қайд этиб қўйишга сарфлади. У аҳволни бор-бўйича аниқ кўз олдига келтира оларди: ярим йил ичида ЮБТКнинг яқин 200 минг акцияси сотув йўли билан уч минг одамдан тахминан 25 нафар одамга ўтган. У бу йигирма беш нафар янги одамдан биттасини ҳам билмасди ва уларда ҳеч қандай маълум тенденцияни кўзда тутмасди. Ҳатто уларнинг манзиллари ҳам деярли бутун мамлакат бўйлаб сочиб юборилганди.

Палмер эснади ва кўзларини юмди. Қулоғига Эдиснинг хоналардан биридаги шахдам одимлари чалинди.

Эдис. Палмер уйқусираганча қачондир иши учун хотинини мақтаганини эслашга ҳаракат қилиб, икки ой орқага қайтишга уриниб кўрди. Шунга ўхшаган бирон оғиз гапни унга гапирганмикан ҳеч? Нима деганди? У ёки бу баҳона билан соф шартли манфаат ифодасидан ташқари умуман бирон-бир танбەҳ қилганми? Мана бу катта қурилиш борасида қачондир ўз фикрини хотинига баён қилганми? Аслида савол ва жавоблардан ташқари умуман бирон гап гапирганми?

Уйку қочди. Палмер ўрнидан турди ва акционерлар рўйхатини стулга қўйди. Хотинини излаб, хонама-хона юра бошлади. Уни ошхонадан топди. Эдис очиқ музлатичга тикилиб қараб турарди. Пастдан тушиб турган ёдудда унинг ингичка

юзи, чўзинчоқ, учли ияги янада яққолроқ кўзга ташланарди. Пардозсиз, энги калта кенг оқ блузка ва хокийранг шим кийган Эдис, банкирнинг хотинига ҳам ўхшамасди, ўйлади Палмер. У нигоҳини хотини шимнинг узун чизигидан юқорига, болаларча сонидан олиб ўтиб, қора чарм камар таққан белига кўтарди.

— Музхонага ҳеч қандай тажовуз ўтказилмасин, — ҳазиллашди Палмер.

Хотини бурилиб қаради.

— Азизим, — деди у, — кексайганингни ўзинг билдириб қўяяпсан. Ростданам бу “музхона”-ку! — У музлаткичдан ниманидир сугуриб олгани энгашиди ва Палмер ҳатто шу ҳолатида ҳам хотинининг думбалари ясси, кесимсиз эканини кўрди. — Бузилмайдиган нарсалар бўлса, бутуноқ ўраб-чирмаб қўя қолсам деб ўйлаётувдим.

— Қолган буюмларга қачон келишади?

— Эртага эрталаб, сен билан болалар кетишгандан беш дақиқа ўтиб.

— Ҳаммаси шунга ҳисоб-китоб қилинганми?

— Ҳали бу ҳолва, — деди хотини гавдасини ростларкан. — Мана, кундузги ишлар сонияма-сония ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз даражада ҳисоб-китоб қилинган. Болалар хонаси соат учга тайёр бўлиши керак. Бизникилар сабр қилиб туришади.

— Ўзинг болалардан ортмасанг ҳам керак.

— Турган гап. — У ярим бурилди, лекин эрига қарамади. Музлаткич ичидан чиқиб турган нурда унинг қомаги мафтункор акс этиб турарди — мўъжазгина сийналари дўшпайган, қорни шу қадар яссики, белидаги камар тўғаси ортиқча буюмдай кўриниб қолган.

— Бошқаларнинг ишлашларини томоша қиламиз деб оёқ остида ўраллашиб юришларини хоҳламайман — бусиз ҳам улар деярли ҳеч нарса қилишмаяпти, — қўшимча қилди Палмер.

— Улар банд бўлишади. — Хотини жимиб қолди. — Эртага соат нечада кутай сени?

— Соат... — Палмер ҳам жимиб қолди. — Анигини билмайман. Агар истасанг, эртароқ келишим мумкин, бир амаллаб.

— Бир амаллаб келсанг, яхши бўларди, ҳарқалай.

Палмер бош ирғади ва шу заҳоти хотини унинг ҳаракатини пайқай олмаслигини англади, чунки у ҳамон унга қарамаётган эди.

— Менга бирон-бир махсус топшириқ борми?

— Биласан-ку, эртага эрталаб миссис Кейж келади.

— Эртага келадими?

— Соат 12 да у Айдлуайлдда бўлиши керак. Мен унга тўғри уйга такси ол деб айтдим. Агар учаламиз оқшомни шунга бағишласак, китобларни тахлар, сувратларни осар ва кўримли бўлиши учун турли услубдаги мебелни жойлаштирар эдик.

Палмер аста оҳ тортиб қўйди:

— Бутун оқшом сувратларни осиб. Зўр-ку.

— Осмаймиз. Наҳотки осиб устаси бўлмаган одамга мен бу ишни шундоқ ишониб топшириб қўяверсам.

— Сенинг мутахассисларча ишлаб чиққан режанг барча санъат асарларини осибни кўзда тулмаганми ҳали? — сўради Палмер. Гапини охирига етказмаёқ у сўзларидаги ошқора саркашликни ўзи ҳам аниқ ҳис этди. — Айтмоқчи эдимки, — шошиб гапини тўғрилади Палмер, — шифт чироқлари наҳотки ўрнатилмаган бўлса?

Бу гап аёл бурилиб унга қаради. Ёруғ унинг орқасидан тушиб тургани боис, Палмер хотинининг юзидаги ифодани ўқиб ололмаётганди.

— Вудс, — хотиржам оҳангда деди Эдис, — чироқлар кўчма, уларни истаган вақтда истаган жойга тўғриласа бўлаверди.

— Мен, мен ундай...

— Ҳечқиси йўқ, — унинг сўзини бўлди хотини. Қандайдир чорасиз ҳаракатни бошлаб, аёлнинг қўллари юқорига кўтарилди ва ўша заҳоти қотиб қолди. — Ҳечқиси йўқ, — Эдис орқаси билан унга ўтирилди ва тагин музлаткичга тикилди. — Лекин илтимос, уйга тушликка келишга ҳаракат қил. Бу бизнинг янги уйимиздаги биринчи тушлигимиз бўлади.

— Албатта.

Яна бирон нарса айтар деб ўйлаб, Палмер кутиб турди. Лекин хотини жим эди. Шунда Палмер биронта жўяли гап топиб, суҳбатларига кўнгилли хотима ясашни ўйлай бошлади. Хотинига қараб туриб, у бирданга Эдиснинг қаттиқ жаҳли чиққанини англади, акс ҳолда унинг музлаткич эшигини бу тахлит узоқ очиқ тутиб туришини бошқа нима билан изоҳлаш мумкин? Эдиснинг билмаган нарсаси йўқ деса бўларди; онаси ва оқсоч хотиндан ҳам у одатдаги, Уэллесли коллежидан ҳам одатдаги билим ва укувларни олган эди. Бироқ Палмер унинг ўзига хос ва мос бўлмаган маълумотларни қаердан олганлигини билолмай боши қотгани-қотган эди. Эдис, масалан, электрга оид ҳаддан ташқари кўп нарсаларни биларди. Ўзига таниш бўлган аёллар ичида электр печкаси, чанпоткич ва торшерни битта розеткага тиқиб бўлмаслигини, акс ҳолда қисқа туташув рўй беришини биргина у билар эди. Музлаткичда ҳароратнинг муайян даражасини тиклаш учун қанча вақт кетишини ҳам биларди. Шундай бўлишига қарамай, мана, неча дақиқадирки, музлаткич ҳамон очиқ турарди.

— Бориб ишимни тутатиб қўяй, — деди Палмер.

— Яхши. — Хотини соатига қаради. — Бироздан кейин ётсак ҳам бўлади.

— Мен тезроқ бўлишга ҳаракат қиламан.

— Дуруст.

Палмер бурилди-да, бу ерга нега келганини эслаб, тўхтади.

— Менга қара, — аста деди у, — сен роса чарчаган бўлишинг керак. Ҳозир бориб ётсанг нима қилибди?

— Ҳозир ётаман.

— Охирги икки ой ростданам оғир бўлди.

Юпқа оқ блузка остидан Палмер салқи тақилган камар узра унинг белини кўрди. Гўё умуртқаси бир хил ҳолатда маҳкамланиб қўйгандай Эдис қийшиқ ҳаракат билан хиёл ўтирилди.

— Ҳа, — босиқ оҳангда жавоб берди у пастга, ерга қараганича.

— Мен сенинг режанг ва сенинг раҳбарлигинг остида нималар қилинган бўлса, ҳаммасини назарда тутаяпман, — давом этди Палмер. — Бу катта иш эди. Ҳаммаси деярли охирига етиб, сенинг қанчалик бахтиёр эканингни тасаввур қилаяпман.

— Ҳа.

— Бу ёққа қара, мен... — Палмер жим бўлиб қолди ва хотини кўрмаётганидан хурсанд бўлиб, пастки лабини ялаб қўйди. — Мен илгари сира айтмагандим. Аммо ҳаммаси учун сендан жуда-жуда миннатдорман.

Аёл бош ирғаб қўйди. Унинг нигоҳи ҳамон ерда эди.

— Мен буни биламан, — деди ниҳоят у.

— Буни қаердан билишинга ақлим етмайди, — деди эр ярим ҳазил тариқасида гапиришга уриниб, — ахир ўз миннатдорлигимни изҳор этишга жуда нўноқман-да.

Эдис бошини чайқаб қўйди:

— Бундай эмас. Фақат сен мантиқан фикрловчи одамсан. Ҳар қандай мантиқан фикрловчи одам эса сен нимани кўрсанг шуни кўриб туради. Ва миннатдорликни ҳам... — Аёл жим бўлиб қолди. Палмер унинг лаблари бир лаҳзада унсиз қимирлаганини кўрди, — ҳис қилади, — гапини тутатди Эдис.

— Мен ҳис қиламан, жуда чуқур миннатдорлик туйғусини ҳис қиламан ва мен... — ўз фикрини сўзларсиз ифода этишга ҳаракат қилиб, у қўлини силтаб қўйди.

— Ва бу моддани ўз ҳисоботингга киритмоқчи бўлгансан, — деди аёл эри учун.

— Тахминан шундай.

Эдиснинг нигоҳи юқорига ва бироз четга, Палмернинг юзига сирпаниб борди.

— Ҳисобот бериш сен учун жуда ҳам муҳим, Вудс. Банкир учун бу энг асосий нарса, шундай эмасми?

— Қайсидир даражада, ҳа.

— Ҳисобот, — такрорлади хотини унга қарашда давом этаркан, — бу, аслида, яқун чиқариш. Мен, ҳалиги... йиллик балансни назарда тутаяпман. Сизларда буни нима дейди? Яқуний чизиқми?

— Якуний чизик. Ҳа.

— Якуний чизикдан ташқари деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, — хотини шу қадар паст овозда гапирар эдики, яхшироқ эшитиш учун Палмер ҳатто энгашишга мажбур бўлди. — У ишга хотима ясайди. Бунгача ҳамма нарса бўлиши мумкин: яхши ҳам, ёмон ҳам, ажойиби ҳам, азоб-уқубати ҳам — ҳар қанақаси. Якуний чизик қора сиёҳда тортилдими, демак ҳаммаси жойида.

— Ана, холос... — Палмер ҳиссиётининг бирмунча муддат ҳавода осилиб туришига изн берди, чунки гарчи хотинининг адоватини яққол ҳис этиб турган бўлса-да, унинг нимага шама қилаётгани тагига етолмаётганди. — Мен ҳеч қачон дебёт ва кредитни бу қадар завқ билан изоҳлашганини эшитмаганман, аммо сен ҳақсан деб кўрқаман. Якуний чизик — фақат шу аҳамиятга эга.

— Бундан ҳам муҳимроғи шундаки, у кредитни кўрсатиб турса.

— Ҳа.

Хотини бош ирғаб кўйди:

— Яхши. Сен қора якуний чизик тортдинг, азизим. Омадинг бор экан.

— Эдис. — Палмер хотинининг гавдаси ростланганини ва ўзини яқинлашиб келаётган ҳужумдан сақлашга чоғлаётгандек яна ҳам таранг тортилганини кўрди. — Мен сенга нимани ҳис қилаётганимни айтмоқчи эдим, холос.

— Айтдинг ҳам.

— Ҳўш?

— Раҳмат, азизим. — Аёл яна ерга тикилди. — Жиддий айтаяпман. Раҳмат.

— Сен менга раҳмат айтма, мен айтишим керак сенга.

Хотини қисқа, кескин кулиб кўйди:

— Алфонс ва Гастон жўмардларча бир-бирини ҳурмат қилганларидайми?

— Тағин мени кексалигингни билдириб қўяпсан дейсан-а.

Аёлдаги таранглик йўқолгандай бўлди ва у эрига бурилди. Палмерга ҳатто хотини чехрасида табассум жиља қилгандай туолди.

— Бизлар нимадан изтироб чекишимизни топмоқчи бўлгандим, холос, — деди Эдис. — Нью-Йорк касаллигидан экан. Аломатлари — бошқалар билан муносабатнинг мутлақо йўқлиги. Сабаби эса — қаттиқ толиқиш.

— Эҳгимол, сен ҳақдирсан.

— Лекин индин, — давом этди хотини, — ёки ҳеч бўлмаганда, ҳафтанинг охирида, батамом ўрнашиб олганимиздан кейин, мен дам олмоқчиман. Шунчаки дам. Сен-чи?

— Ҳозирча йўқ. Маърузали кичикроқ сафарим қараб турибди.

— Уҳ!

— Олбанидаги қонун чиқарувчи йиғилиш мажлисларининг танаффусигача яна шунақа сафарлар бор.

— Қайсиси қачон бўлади?

— Мартми. Апрельми. Аниғини билмайман.

— Азизим, бу тўрт ойдан кўпроққа чўзиладиган кўринади-ку.

— Илож қанча...

Аёл жимгина тураверди, сўнг қошини чимирди, орқага чўзилди-да, музлаткич эшигини ёпди.

— Узр, — деди у шу заҳоти. — Балки, якшанба ва байрам кунлари бироз дам оларсан?

— Худо хоҳласа.

— Дуруст. Ишингни тугат-да, ухлагани кел.

Палмер жилмайишга ҳаракат қилди:

— Бўпти, бироздан кейин кўришамиз.

— Жудаям ҳаяллама.

Палмер кутубхонага қайтди ва яна ўриндиққа чўкди. Қизиқ, хотини атайлаб кескинлик яратди-да, кейин ўзи уни юмшатди, гўё у эрига ганим эмас, балки унинг тарафида — иттифоқдошдай.

Палмер ЮБТК акционерлари рўйхатини варақлай бошлади ва ўзи қандайдир ҳисоб-китоблар қилган шалдиروқ қоғозга етиб келди. Ҳеч бўлмаганда, деб ўйлади Палмер, ўз миннатдорлигимни қайд этиб кўйдим-ку. Бироқ бу миннатдорликни қабул қилган хотинининг шамаси уни бир пулга чиқармоқда эди.

У ўриндиққа жойлашиброқ ўтириб олди-да, саҳифа рақамларини кўчира бошлади. Эртага эрталаб у котибасини ЮБТК акцияларининг сўнги йигирма бештаси исм-шарифи ва манзилларини қайта ёзишга мажбур қилади. Бироқ бу ишни унга топшириб қўйиб, бу ҳақда Бэркхардт воқиф бўлмаслигига ишониниш мумкинмикан?

Палмер банкдаги бирон-бир кишига, албатта, Виржиния Клэридан бошқа, ишониб бўлмаслигини тушунарди.

У Эдиснинг музлаткични яна очганини эшитди. Палмер қоғозлардан бош кўтарди ва қутилмаган зўриқишни ҳис этган қандайдир номаълум нарсага шай бўлган ҳолда атрофидаги зулматга тикилди. Мана шу кескин мунтазирликда у узоқ ўтирди. Аммо нима эканлигидан қатъи назар, ўша нарса келмади. Ҳозирча.

Ўттиз тўртинчи боб

Палмер Фарбий Қирқ бешинчи кўчадаги балиқ ресторанининг тўрида тўрт кишилиқ столда ўтирарди. У соатига қаради, сўнг фарқини билиш учун девордаги соатга қаради. Униси ҳам, буниси ҳам кундузги бирни кўрсатиб турарди, бу эса Мак Бернс ва унинг меҳмони, газета муҳбири, ярим соат кечикаётганини билдирарди.

Палмер официантнинг қўшни столда ўтирган иккала кишига виқор билан қоғоз ошхўрак — салфетка тақишини кузатди. Уларга ҳозиргина ланч учун ҳаддан ташқари улуғлик қиладиган омар балиғи тортилганди. Бор-йўғи ўн беш дақиқа муқаддам бу балиқлар тирик эди ва официант уларни буюртмачиларга кўрсатгани олиб келганида, балиқнинг панжалари жон талвасасида титраб турганди. Энди эса ҳаракатсиз қизил омарлар турли-туман ўлим куроллари ҳамласига дучор бўлганди.

АҚШ Ўрта Фарбининг кўпгина аҳолиси каби Палмер ҳам денгиз туби жониворларидан тайёрланган таомни хуш кўрмасди. Чиганоғи бўлган ҳар қандай жониворга унинг тоб-тоқати йўқ эди. Омарлар, креветкалар ва краблар унга жаҳаннамдан чиққан улкан ҳашаротларга ўхшаб кўринарди. Чиганоқнинг бир палласида тортиладиган устрица ва молпоскалар унга куйдириб пиширилган шилликқуртнинг ўзидек туюларди. Бундан ташқари, Ўрта Фарбининг кўпгина аҳолиси каби, у бир нарсага сира кўниколмаётганди, яъни Нью-Йоркда кўришувга белгиланган вақтдан жуда ҳам нисбий даражада фойдаланадилар, айниқса кўришувда жамоатчилик фаолиятининг, дейлик, ланч каби тури кўзда тутилганда. Соат 8 га мўлжалланган учрашув ҳеч қачон тўққиздан олдин бошланмасди. Соат 12.30 га тайинланган ланч эса, ўзига ўзи дерди Палмер, соат бирдан кейинги ҳар қандай вақтни билдираверади.

Шу аснода унинг кўзи қандайдир эркак ҳамроҳлигида ресторанга учиб кирган Виржиния Клэрига тушди. Жувон тезгина ичкарига кўз югуртирди ва Палмерни кўриб, унинг столи томон ошиқди.

— Узр, кечикиб қолдик, — деди у нафасини базўр ростлаганча. — Мак менга ўн беш дақиқа олдин кўнғироқ қилиб, келолмаслигини айтди. Шунинг учун “Стар”га чоқдим-да, Жоржни ўзим олиб келдим, — Жоржни кўрсатиш учун у бир четга ўтди.

Палмер ўрнидан турди.

— Мистер Моллеттмисиз? — деди у қўлини узатиб.

Жорж Моллетт Палмернинг қўлини олиб, уни қаттиқ ва бетакаллуфларча қисди. У атрофга кўз югуртирди, пальтосини ечди ва ўтиришидан олдин уни столга илди.

Моллетт кўриниши ёш бир киши эди — қирқларда бўлса керак, ўйлади Палмер. Бўйи ўртача, чорпаҳилдан келган, боши дум-думалоқ. Юзи нотабийий даражада қизил. Ўзи шунақами ё декабр совуғи натижасими, Палмер тушунолмади. Моллеттнинг кўзлари худди Бэркхардтга ўхшаб оқиштоб мовий рангда бўлиб, ўйнаб турарди, шу билан бирга синчков ҳам эди. Афтидан, нарсдан нарсага кўчганида улар қисқа, ўтли нигоҳлар билан тасавурларни қамраб олаётгандай бўларди. Хоҳ Виржиниянинг столидаги қовуштирилган

қўллари бўлсин, хоҳ туздон ёки қўшни столда омархўрлик қилган, кўкрақларига ошхўрак таққан одамлар бўлсин ва ҳаттоки Палмер кўйлагининг ёқаси бўлсин — ҳеч бир нарса бу ўзига хос кўзлар ҳамласидан четдан қолмаётганини Палмер пайқади. Кўзларидаги бу синчковлик, Палмернинг фикрича, Моллеттнинг аниқ бир шаклга эга бўлмаган, кўпроқ илдиришга ўхшаб кетадиган бурнига сира ҳамоҳанг эмасди. Бу ноёб бурун синчков кўзларни ҳаспўшлаб туриш учун махсус яратилган, деб ўйлади Палмер. Меҳмоннинг оғзи кичкина, лаблари дўрдоққина эди. Ўша оғизни очиб, Моллетт чийилдоққина дадил овозда сўради:

— Нима ичамиз биз?

Палмер кулиб юборди ва официантга қўл силтади.

— Бемаврид совуқни қаранг-а, — деди у. — Биронта антифриз буюрайлик бўлмаса, хўпми?

— Виски. Ҳар қанақаси. — Моллетт Виржинияга ўтирилди: — Мак жуфтакни ростлатди-да, а? Худди ўйлаганидай бўлиб чиқди, мен билан нонушта қилишга унинг бети чидармиди.

— Нимага ундай дейсиз?

Ёқимсиз ҳидни ҳайдагандай, Моллетт қўлини сермади.

— Ўтган ҳафта бу йигитча ёлгон биржа маълумотлари билан мени ёмон тузлади. — У олдинга энгашди, тирсақларини столга қўйди, овозини пасайтирди: — Жиннининг ҳам хаёлига келмайдиган гаплар. Эмишқи, дивидендлар ошиши эълон қилинармиш, акциялар қўлма-қўл бўлиб кетармиш. Эмишқи, икки ҳафта ичида даромадлар икки баравар кўпаярмиш. Ҳализамон 80 миллион долларга ҳукумат шартномаси эълон қилинармиш ва шунга ўхшаган сафсаталар. Эшитиб, сочинг тикка бўлди.

— Сен сотиб олмагандирсан? — сўради Виржиния.

Моллетт бошини чайқади ва жилмайди:

— Азизам, агар мен умуман қачондир акция сотиб оладиган бўлсам, ҳар қандай одамдан маслаҳат сўрасам ҳам Мак Бернсдан сўрамасман. У буни газетамизда ёзиб чиқишимга умид қилганди. Мақола эса акциялар нарҳини кўтариш учун керак эди. Олдий ўйин. Бундан кулгили нарса бўлмаса керак. — У башарасини буришгирди.

— Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган, — жуда жиддий оҳангла деди Виржиния, — Нью-Йорк журнализми тарихида учрамаган воқеа.

— Ҳаҳ! Аммо биз “Стар” дошлар бунақа воқеаларга илакишмасликка ҳаракат қиламиз.

— Бошқа газеталардаги учарлар шунақа нарсалар билан шуғулланадилар, тўғрими, Жорж?

Жорж жувонга қовоғи остидан қараб қўйди-да, Палмерга юзланди:

— Сиз ажабтовур бир нарсага эга бўлдингиз. У банкни эгалламасдан қўймайди.

Палмер официантга ичимликлар буюрди.

— Кимдир барибир шуни қилади, — деди у. Моллеттнинг кўзлари бирданига дум-думалоқ бўлиб қолди ва Палмерга тикилди:

— Тупшунмадим.

Палмер бошини чайқади ва Виржинияга мурожаат қилди:

— Мак нима деб таърифлаганди? Кўрқоқликми?

— Соат бирда у Олбанига учиб кетаяпти.

— Макнинг бўлгани шу, — тасдиқлади Моллетт. — Аэродромга етиб олиш, икки моторли шалоқ машинада учиб, кейин эса аэродромдан шаҳар марказига етиб олиш учун кетадиган вақтига, ўша ёққа поездда ҳам етиб олса бўларди-ку. Лекин Мак ўлақолса бундай қилмайди.

— Тезликнинг ўзи, — деди Палмер, — гоҳо тезлик ҳақидаги хаёлчалик бўлмайди.

— Хаёл эса, — қўшимча қилди Моллетт, — агар сиз Мак Бернс бўлсангиз, воқеликдан кўра анча муҳимроқ.

Орага чуқур сукунат чўқди. Сукунатта ғарқ бўлиб кетаётганини ҳис қилган Палмер деди:

— Қизик, модомики сиз Мак ҳақида шундай фикрда экансиз, у сиз билан бугун қандай қилиб ҳам бирга овқатланарди?

Моллетт тўртбурчак бармоғи билан Палмерни кўрсатиб, ўзининг чийилдоқ дадил овозида деди:

— Менинг бу ердалигим — сизни кўриш учун, бас. Тўғриси айтсам, Мэки Ножнинг Олбанига учиб кетганидан ўзимда йўқ хурсандман.

Виски келтиришди. Палмер ўз стаканини кўтарди.

— Душман ўрдасидаги саросималик учун!

Моллетт ширин жилмайди:

— У ким бўлишидан қатъи назар!

— Сизга нимани сўзлаб беришим мумкин? — сўради Палмер.

— Сиз бир нарсани ҳисобга олишингиз керак, — гап бошлади Моллетт, — банк ишлари билан шуғулланадиган йигитчамиз таъгилда. Менинг соҳам бошқа. Ҳозир мен сиздан интервью олиш вазифасини бажараяпман, холос. Ёнимда бир неча минг саволдан иборат унча катта бўлмаган рўйхат бор.

— Қайси мавзуда?

— Омонат банклари бўлимлари ҳақидаги таклифни қандай қилиб барбод қилмоқчисиз?

— Матбуот учунми?

Моллетт кафтини юқорига қилиб, иккала қўлини олдинга чўзди.

— Бунинг учун менга ҳақ тўлайдилар.

— Лекин менга бунинг учун ҳақ тўлашмайди-да, — эслатди Палмер. — Бир қанча шундай масалалар бўйича норасмий гаплашиб олганимизда мендан бахтли одам бўлмасди. Аммо матбуот учун мен сизга айтмоқчи бўлган гаплардан бир абзац нарса чиқса ҳам катта гап.

— Келинг, шундан бошлай қолайлик.

Палмер бироз виски ичиб олди.

— Биз қўлимиздан келганча тез ва ғайрат билан одамлар онгига шуни етказмоқчимизки, миллий иқтисодийтимизнинг ҳозирги босқичида омонат банклари пулларнинг боши берк кўчаси бўлиб қолган; шахсий омонатлар — яхши нарса, аммо бундай омонатлар кўпайиб кетаверса, албатта, яхши бўлиши шарт бўлмай қолади; омонатларнинг мунтазам ўсиши аслида иқтисодийнинг табиий ривожланишини қийинлаштиради; шундай қилиб, омонат банкларининг босқинчилик талаблари жамият манфаатига зиддир.

Моллетт бироз ўйланиб қолди, сўнг стаканни кўтарди.

— Мен силтаб ташламоқчи эмасман, — деди у музли вискига қараб, — аммо сиз айтган гаплардан биронтасини шов-шувли янгилик деб атай олмасдим.

— Биладан, — унга қўшилди Палмер, — бироқ матбуот учун бошқа ҳеч нарса айтолмайман.

Моллетт хўрсинди.

— Унда, келинг, норасмий гаплашайлик. Агар мен арзийдиган бир нарса кўра олсам, биз буни бошқатдан ёзиб чиқамиз-да, расмий тус берамиз. Майлими?

— Ҳар ҳолда, бир синаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Моллетт бош ирғади-да, Виржинияга қаради:

— Банкир учун ёмон эмас. — Ўша-ўша ширин жилмайганча у яна Палмер томонга ўтирилди. — Матбуот учун эмас. Ҳозиргина баён этган бўлмағур гапларингиздан ҳеч бўлмаса биттасига ўзингиз ишонасизми?

Палмер кинояли жилмайди:

— Матбуот учун эмас, “бўлмағур” — бу топиб айтилган сўз эмас. Бу ерда “заҳарлаш” сўзи кўпроқ мос келади. Бироқ — ҳамон матбуот учун эмас — мен айтган нарсалар иқтисодий сиёсат ясаладиган Вашингтонда ва бошқа олий доираларда муқаддас ҳақиқат саналади.

— Банкир бўлишингиз ўлароқ сиз шахсий кредитни чексиз равишда кенгайтиришга қандай қарайсиз?

— Уни инкор этиш учун банкир бўлмоқ мутлақо шарт эмас, — жавоб берди Палмер. — Ўз мамлакатининг фаровонлигини қадрловчи ҳар қандай одам бунинг телбалик эканини билади. Бошқа томондан, бу одам шуни ҳам биледики, — қўшимча қилди у, — кредитни қисиб қўйиб, биз шундай иқтисодий исканжа ичига кириб қоламизки, бунинг олдида 1929 йилги бўҳрон секин чалинувчи вальсга ўхшаб қолади. Жуда-жуда кеч бўлади. Йўлбарсни думидан тутдингми, энди уни қўйиб юбориб бўлмайди.

- Жуда яхши, — деди Моллетт. — Иқтибос келтирсам майлими?
- Арзимаёйди.
- Йўлбарснинг думи борасидаги таърифни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин, — давом этди репортёр. — Масалан, Таммани йўлбарси¹ олдида рақс тушадиган банка нисбатан. Ҳатто воситачи сифатидаги Мак Бернсга эга бўлиб туриб ҳам. Палмер қошини чимирди:
- “Рақс тушадиган” иборасини аниқроқ изоҳлаб бера олмайсизми?
- Уни қайтиб олдим. Келинг, бошқача айтайлик — Таммани таъсиридан ўз иқтисодий мақсадларида фойдаланадиган банк.
- Бу ҳақда мистер Бэркхардтдан сўрашингизга тўғри келмасмикан деб кўрқаман. Мак Бернс менинг саҳнада пайдо бўлишимдан анча олдин ёлиб олинган.
- Агар мен Бэркхардтдан илтимос қилгудек бўлсам, — эътироз билдирди Моллетт, — у менга ўшқириб бериши тайин. Мен сиздан сўраётганим сабаби шундаки, сиз соғлом фикрли одамга ўхшаясиз. Сиз банкирнинг замонавий намунасини ўзингизда намоён қилгансиз, — кўшиб кўйди у Виржинияга кўз қисиб, — ҳамкорлик қилишга ҳозир нозирсиз ва умуман олий даражадаги заковат соҳибисиз.
- Мақтов сўзларингиз мақоладан бошқа сиз учун ҳамма нарса қилиб бера олади, — жавоб берди Палмер. — Яна ўшандай матбуот учун эмас — мен Бернс ва Таммани билан алоқани мерос қилиб олганман. Бунда қандайдир мантиқ бор. ЮБТК сизнинг саволларингизга ўхшаган саволларга ўрин қолдирмайдиган қилиб иш кўрмоғи лозим, холос.
- Бошқача айтганда, Таммани билан ҳамкорлик қилиш сизга ёқмайди, шундайми?
- Мен қарши эмасман, фақат мен уни ўйиннинг асосий қоидаларидан бири деб биламан, холос.
- Уҳ-ҳ, — деди Моллетт. У яна Виржиния томон ўтирилди: — Келаси сафар мен ундан интервью олганимда қаламни хонада қолдиришимни эслатиб қўй.
- Бунақа тикка саволлар бермагин-да, — маслаҳат солди Виржиния.
- Биз норасмий гаплашяпмиз. Чегара — осмон билан ерча, хўпми? — деди у Палмер томонга ўтирилиб.
- Сўранг.
- Ҳа, албатта-да, — кулди Моллетт, — яна қанақа йўл билан бирон нарса билиб олардим? — У столга шунчалик чуқур энгашиб олдики, вискили стакан унинг кўкрагига қисилиб қолди. — Бунга нима деб жавоб берган бўлардингиз: сиз Мак Бернсга ишонасизми?
- Ишонмаслигим керакми? — уни қайириб ташлади Палмер.
- Касодгарчилик борасидаги ишларни олиб борувчи судлар унга ишонадиган одамларга лиқ тўла.
- Тушунишимча, унинг мижозларидан кўпчилиги анча бой одамлар бўлган.
- Мен айнан ана шундайлар ҳақида гапираётиман ҳозир, Макнинг сиёсий таъсиридан фойдаланиш ниятида унинг олдида танда кўювчи чакана-чуканалар ҳақида эмас. У бундай одамларнинг аямай сиқиб сувини ичди ва агар улардан лоқал бир фоизгинаси қачонлардир ҳукумат шартномасини олган бўлса, ҳайратдан ёқа ушлаган бўлардим.
- Бундай одамларга кўзингиз тушганида юрагингиз қонга тўлмайди, шундай эмасми? — сўради Палмер. — Бундай ўйиннинг моҳияти шундан иборатки, юракни сиқиб, қонини ичувчи одамнинг юраги тошдан бўлиши керак.
- Тўғри. ЮБТК га нисбатан мени худди шу нарса ташвишга солади. Палмер яна официантни чақирди.
- Қайтаринг.
- Зўр, — рози бўлди Моллетт.
- Меники — бас, — деди Виржиния.
- Айтмоқчи, ейишга у-бу буюрсак қалай бўларкин? — кўшимча қилди Моллетт. — Мен озроқ омар оламан, қовурилганидан ва янги сабзавотдан салат ҳам. Сен-чи, Жинний?

¹ Таммани — Нью-Йоркдаги демократик партия ташкилоти. “Йўлбарс” — шу ташкилот лақаби.

— Ньюбургча омар.

— Пушти мағиз бифштекси, чала қовурилганидан, — деди Палмер. — Қанақа газак бўлсин?

— Менга ҳеч нарса. — Моллетт бошини бир ёнга солинтирди. — Биласизми, у буюртма олиб кетганида мен сизга яна ўша саволни бераман?

— Худди шундан қўрқиб турувдим, Виржиния!

— Раҳмат, омардан бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Бўлди. — Палмер официантнинг узоқлашаётганини кузатиб турди. — Сиз, — деб давом этди у, — ЮБТКнинг кўнглида ўғирликка мойиллик бор экан, деб ўйлаяпсизми?

— Кўнглида шундай мойиллик борга ўхшаб иш тугиляпти деяпман.

— Сизнинг банк ҳақида бундай ўйлашингиздан ҳайронман. Банк бизнеси — бу инсониятта маълум ягона қонуллаштирилган ўғрилик эканини наҳотки билмайсиз?

Моллетт тутмадеккина семиз лабларини бужмайтириб, босиқ жилмайди.

— Сиз менинг саволимга ҳазил билан чап бериб кетмоқчимисиз?

— Бўпти. Буни бошқача ифода қилиб беришимга ижозат беринг: ўтган йилларда Олбанида штаб чеққаларидаги қонун чиқарувчилар тижорат банкларини ҳомийликка олдилар. Нью-Йорк қонун чиқарувчилар омонат банкларини афзал деб топдилар. Агар биз Таммани ёрдамида бир қанча ньюйоркликни ўз ўрдамизга авраб киритиб олсак, бу ўғрилик бўладими?

— Бу Тамманининг қайси йўл билан сизга ёрдам кўрсатишига боғлиқ.

— Бу энди Тамманининг иши.

— Ана-ана, — тилидан тутди уни Моллетт, — менинг бир қора танли дўстим айтганидай, айни илмоқли жойга келдик. Сиз қандай йўл билан фойдаланишингизга жавобгар эмассиз деб Тамманини пул билан таъминлаяпсиз.

— Бунга пулнинг нима дахли бор? Биз Бернста дурустгина гонорар тўлаяпмиз. Бироқ бу гонорар битта-яримта қонун чиқарувчини сотиб олишга етиши амри маҳол.

— Сиз ҳеч қачон... — Моллетт жим бўлиб қолди ва бошини чайқади. — Албатта, йўқ. Бошқа ҳеч ким ҳам. Мен бир нарсани сўрамоқчи эдим: сиз қачон бўлса ҳам Макнинг шахсий қирим-чиқим дафтарини кўрганмисиз? Ўйлашимча, у уни ҳатто онасига ҳам кўрсатмаса керак. Бироқ борди-ю, агар унга кўзингиз тушгудек бўлганда, Макнинг балиқдай сукут сақлашга қодир шериги бор эканидан хабардор бўлган булар эдингиз. Бу индамас, кўринмас, мавжуд эмас шерик Макнинг даромадларидан қаттагина бўлакни ўзига олади. Ҳеч ким ҳеч қачон бунга исботлай олмайди, бироқ исми бору жисми йўқ бу шерик — Виктор Сальваторе Калхэйндир.

Палмер елка қисиб қўйди.

— Сизнинг шундай ўйлашга ҳаққингиз бор. Бироқ бу нарса нима учун Мак Бернсдан бошқа бирон одамни ташвишга солиши керак?

— Сизни ҳайрон қолдиришнинг ўзи бўлмайди, а? — ҳаяжон билан деди Моллетт. — Сиз халқ сайлаган вакиллар овозини сотиб ола билиши учун кимга пул бериш гоёсида ножўя ҳеч қанақа нарса топмайсизми?

— Албатта, — унга қўшилди Палмер. — Бунда ҳам, урушда ҳам, очарчиликда ҳам, вабода ҳам қандайдир жуда ҳам ножўя бир нарса бор. Лекин булар бари ҳаётгий ҳодисалардир. Ножўя, аммо бор нарсалар.

— ЮБТК сўнгги вақтларда, — куруқ жавоб қилди Моллетт, — бирон-бир урушни, очарчиликни ёки ўлатни молия билан таъминлаганини эшитмаганман.

— Тамманини ҳам молия билан таъминламаймиз. Агар билишни хоҳласангиз, — давом этди Палмер бир текис ва ҳаяжонсиз гапиришга ҳаракат қилиб, — омонат банклари Мак Бернсни ёлламоқчи бўлишган, лекин биз уни ушлаб қолдик.

Моллетт жим эди. У официантдан вискили янги стакан олди ва ўзининг тўмтоқ кўрсаткич бармоғи билан уни дастурхонда олдинга ва орқага сура бошлади. Охири у кўзини кўтарди — унинг синчков нигоҳи бир неча марта Виржиниядан Палмерга сакради.

— Бу жуда қизиқ, — паст овозда деди у охири.

— Нима учун?

Моллетт бир неча бор бошини чайқади:

— Интервью олишга изн беринг.

— Афтидан, бу янгилик сизни лол қолдирди, шекилли?

— Йўқ, шунчаки қизиқтириб қўйди. — Моллетт қўлини Виржиния қўлининг устига қўйди. — Сени ҳам бу нарса наҳотки қизиқтирмас, Жинний?

— Хўп, давом эт, Жорж, айлантирма. — У иккинчи қўлини Моллеттнинг қўли устига ташлади. — Агар бирон нарса биладиган бўлсанг, дўст бўл.

Репортёр яна бошини бир ёнга солинтирди.

— Эшитдингиз-а, — деди у Палмерга, — “Бирон нарса биладиган бўлсанг, бўл. Мен бундан дурустроғини топиб айтолмаган бўлардим”.

Палмер узоқ сукутга чўмди. У бир тахминни айтиш ва шу билан Моллеттнинг ишончини қозониш учун энг қулай пайт келганини тушуниб турарди. Бироқ тахмин шаклида бўлса ҳамки, бундай изҳор хавфли эди. Қулай пайт келганда у биринчи бўлиб эълон қилмаслиги шарти билангина бундай сирни Моллеттга ишонса бўларди. Бироқ Палмер бундай шарт қўйиш учун вазиятни яхши билмаслигини тушунарди. Бундан ташқари, нима учун гапириш керак экан, деб мулоҳаза ҳам қилмоқда эди. Суҳбатлар нуқул кўнгилсизликлардан бошқа нима келтирарди? Бу ерда эса улар бусиз ҳам ошиб-тошиб ётибди.

— Мен сизга ёрдам беришни истардим, — деди Моллетт. — Аммо сиз билан ишлаш осон эмас.

Виржиния йўталиб қўйди.

— Бу ноилож одам, — Палмерга мурожаат қилди жувон, — ҳақиқатан ҳам ёрдам бериш қўлидан келадиган оз сонли одамлардан биттаси.

Палмер стаканни қўтарди, бироқ ичмай уни қайта жойига қўйди. Кейин ўз қарорини мустаҳкамлаётгандек, стаканни бир четга суриб қўйди.

— Аввало мен қўйидагиларни билишим керак, — гап бошлади у. — Келинг, фараз қилайлик, мен сизга қандайдир сирни айтдим, эҳтимол, у ҳеч қачон матбуот учун ашё бўлмас. Келинг, яна фараз қилайлик, буни исбот қилиш мумкин эмас ёки мен мутлақо ноҳақман, келинг, яна бир фараз қилайлик, менинг маълумотларим чала ва сизнинг томонингиздан ишлов берилишига муҳтож. Бу ишни бажара туриб ва сизда қачонлардир мақола чоп этиш имконияти бўладими, йўқми, билмай туриб, қониқиш ҳосил қиласизми?

Моллеттнинг кичкинагина оғзи ясама ширин табассумдан икки томонга чўзилди.

— Мен чоп этилмайдиган нарса устида ишлашни жонимдан яхши кўраман. — Сўнг жиддий оҳангда давом этди: — Келинг, ишнинг моҳиятига қайтайлик. Агар у чиндан ҳам муҳим бўлса, унда мен унга ўз вақтимни сарф қилиш истагимни изҳор этаман.

— Матбуот учун эмас.

— Шўрлик матбуот учун эмас, — унга қўшилди Моллетт.

— Шубҳа қилишга менда асос бор, — тез гап бошлади Палмер, агар шериги сўзларни теришга киришгудек бўлса, уларни ҳеч қачон айтиб улгурмаслигини билиб, — ЮБТК устидан назорат ўрнатишга интилаётган қандайдир, ташқи гуруҳлар йўқ эмас.

Моллетт товушсиз ҳуштак чалди. Унинг нигоҳи дарҳол Виржинияга сакраб ўтди.

— Ростданми? — минғирлади у.

— Сен бу одамни эшитгансан, — жавоб берди жувон.

Репортёр ўзини аста стул суянчигига ташлади ва жойлашиброқ ўтирди.

— Мак Бернснинг Олбанига боришига тўғри келиб қолганидан хурсандман.

— Нимага бундай дейсиз? — сўради Палмер.

— Чунки у бу ерда бўлганида, сиз менга буни сира ҳам айтмаган бўлардингиз.

— Тўғри. Аммо нега сиз шундай ўйлайсиз?

— Давом этинг. Мак Бернс ўзининг башанг икки юз долларлик костюмини кийиб юравериши мумкин, лекин мен учун у Троя оти бўлиб қолаверади.

— Бу, — аста деди Палмер, — бугун мен эшитган энг қизиқ нарса бўлди. — Бирмунча вақт ҳамма жим бўлиб қолди. Сукунат чўзилиб кетди. Официант

столга учта ликобча қўйди ва мармитдан¹ Виржиниянинг ликобчасига ньюбургча омарларни олиб қўя бошлади, қўлида қисқич каби ушлаб турган санчқи ва қошиқларни стол устига авайлаб терар экан, ҳар бир ҳаракати билан олий даражали ресторанда хизмат қилишини таъкидлаётгандек ва таомномада чоп этилган йирик долларли нархларни исботлаётгандек бўлар эди.

Моллетт уҳ тортди, унинг кўзлари официант санчқилари ва қошиқлари ҳаракатини кузатар эди.

— Сўнги вақтларда бирон қизиқ китоб ўқидингизми? — сўради у ҳеч кимга бевосита мурожаат қилмасдан. Моллеттнинг бармоқлари оқ дастурхонни бетоқат чертаётганини Палмер кўриб турарди.

Ҳаммага хизмат қилиб бўлиб, официант узоқлашар экан, Моллеттнинг бармоқлари тинчиди.

— Биз нима ҳақдадир гаплашаётгудикми?

— Биз “Стар”нинг жонбоз чаламулла ёзувчиси бу янгиликни муҳим деб ҳисоблармикан ё йўқми, шундан гаплашаётгудик, — жавоб берди Виржиния.

— Агар булар бари кумга ёзилган бўлса ҳам, — қўшиб қўйди Палмер.

— Ўзинг ҳозиргина Мак Бернс билан одамнинг умуртқасига ўтмас ханжарни санчиб олдинг-ку, — давом этди Виржиния.

— Менми? — Моллетт официант унга тақмоқчи бўлган ошхўракни юлиб ташлади. — Ҳалол Макка шундай қилар эканманми? — У официантнинг узоқлашувини кузатиб турарди. — Турли-туман шубҳали тадбирларнинг сиёсий ташкилотчиси ишончини қозонувчи сифатида, — деди у омарга чаққон ва дадил ҳужум қилар экан, — мен унинг икки жабҳага ишлашни қойилмақом қилиб ўрганганини кўрдим, холос. — Моллетт омарнинг узун бир бўлагини кўтарди, уни қиздирилган ёққа булади ва оғзига жўнатди. Унинг нигоҳи тезгина Палмернинг юзига сапчиди. — Сиз бир нарса дедингизми? — сўради у.

— Эзилиб кетдим, холос, — жавоб берди Палмер ўзининг бифштексига пичоқ урар экан. Чала қовурилиш ўрнига гўшт ташқи томонидан букиб қўя қолинган, ичи эса хомлигича қолаверганди. — Мана сизга керак бўлса, — шикоятомуз деди у.

— Еб бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Виржиния. — Бугун жума, мен балиқ таомлари тартибига риоя қиламан.

— Ақли жойида бўлган одам буни чала қовурилган деб айта оладими?

— Жудаям чала қовуришибди-да, — унга қўшилди Моллетт. — Қайтариб юбора қолинг.

Палмер бошини чайқади ва бифштекснинг еса бўладиган қисмларини ковлаштира кетди.

— Сиз бизга жавоб бермадингиз ҳали, янгилик устида ишлаш учун у сизни кўнгилдагидек қизиқтирадими?

Моллетт луқмани чайнашда давом этарди.

— Буни тушунтириш қийинроқ. Аслида, падарига қусур, деярли иложи йўқ.

— Ҳеч қизиқиб кўрмаганмисиз?

— Унда...

Омарнинг навбатдаги бўлагини ажратар экан, Моллетт лабларини қаттиқ қимчиди.

— Буни тушунтириш кераклигига унчалик ишонмай турибман, — жавоб берди у.

Виржиния санчқини қўйди.

— Э, йўқ. Бўлиши мумкин эмас.

Моллетт бош ирғади:

— Мумкин.

Виржиния Палмерга юзланди.

— Бу нуханинг гапига қараганда, — жувон овозини пасайтирди, — кимдир унга бу янгиликни аллақачон етказган. Бошқа томондан биров.

Палмер кавшанишдан тўхтади. У ўзини стул суянчигига ташлади, кўзлари репортёрга тикилди. Бир лаҳза ўтиб у гўшт луқмасини ютди, бироқ бошқасини кесиб олишга шошилмади.

¹ Официантларнинг овқат ва идиш-товоқ ташийдиган қутисимон аравачаси. (Тарж.)

— Унда, — деди у охири, — нима учун буни мендан эшитганингизда сиз ҳайратдан ёқа ушладингиз?

— Мени ишонтириб айтишгандики, биринчидан, ЮБТК да ҳеч ким ҳеч нарсадан шубҳаланмайди ва, иккинчидан, то ойболта тушмагунча... улар ҳеч нимадан шубҳаланишмайди.

— Мен ўзим ҳақимдаги бировларнинг фикрига унчалик мазахўрак бўлганим йўқ.

— Бу икки оёқда юрадиган ҳашарот бор-ку, Бэркхардт, шу одам ҳақидаги уларнинг фикри, — жавоб берди Моллетт. — Кўраяпсизми, мен бу маълумотларни сиз Нью-Йоркка келмасингиздан аввал олган эдим.

Палмер бош ирғади:

— Иш анчадан бери давом этиб келаётганини билардим. Нима деб ўйлайсиз, улар неча акция тўплашди экан?

Моллетт қошени чимирди ва омарни ёққа булади.

— Яна эсингиздан чиқди. Менга сир қилиб айтишган.

— Жорж, — деди Виржиния, — сен қанақа дўстсан ўзи? — Репортёр индамай овқат еётгани учун у гапида давом этди: — Менинг бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти, нега ҳамма нарса шу қадар сирли, а? Раҳбарлик курсиси учун бошқа жанрлар очиқ-ошкора бўлади. Ваколат учун кураш. Газеталардаги шов-шувли сирлавҳалар. Бу эса шунчалик махфийлаштирилганки, ҳалигача унинг борлигига ишонмайман.

— Ишон, — деди Моллетт.

— Банк шунчаки одатдаги корпорация эмас, — тушунтирди Палмер. — Қачондир — кимдир банк устидан назорат ўрнатиш учун зарба беришга ҳаракат қилса, у бу ишни очиқчасига қилишни ўзига эп кўрмайди. Ўрта бизнессга-ку бундай ошкоралик зарар етказмаслиги мумкин. Аммо унинг банкка ҳужум бошланишига қанчалик халақит беришини ҳамма билади.

— Ошкора кураш, — тасдиқлади Моллетт, — банкни шу қадар хонавайрон қилиши мумкинки, янги раҳбарга бош оғригидан бошқа ҳеч нарса қолмайди.

Сўнг яна орага сукунат чўкди. Ҳеч ким уларнинг суҳбатига қулоқ солмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун Палмер хонага яна бир бор кўз югуртириб чиқди. Кассир пештахтаси олдида чарм куртка кийган бир ёш йигит метрдетел билан гаплашиб турарди. Кейин йигит метрдетелга бир конверт тутқазди.

— Демак, — кескин оҳангда деди Моллетт, — нима бор сизда?

Палмер унинг кўзига қаради:

— Ривожлантириш ва тўлдиришда сиз ёрдам беролмайдиган ахборот.

— Тўғри. Агар сиз олдимга биринчи бўлиб келганингизда, мен бир нима қила олишни мумкин бўларди. Энди эса менинг қўлларим боғлиқ.

— Лекин тилинг эмас, — писанда қилди Виржиния. — Одоб, ҳарқалай, сенинг зудлик билан орқага, ўша дастлабки манбанга югуриб боришингни ва унга ЮБТКнинг ишлари беш экан деб хабар қилишингни талаб этади.

Ёққа буланган омарни маза қилиб чайнаётган одам бирдан ачинарли ҳолга тушиб қолса, қандай бўлади? Моллетт ҳам худди шу ҳолга тушганди.

— Бошим қотиб қолди, — деди у охири. — Сиз мен билан хуфёна гаплашдингиз.

— Раҳмат, — жавоб берди Палмер. У метрдетелнинг улар столи томон келаётганини кўрди. — Сизни ЮБТК томонга оғдиришнинг бирон усули бормикан?

— “Стар”нинг одамани-я? — сўради Виржиния чуқур ҳайрат оҳангида.

— Бунга бир бошқача қараб кўринг, — деди Палмер. — Биз қанчалик кўп нарса билсак, кураш шунча кескинроқ ва сизнинг мақолангиз шунча қизиқроқ бўлади.

— Макиавелли, — деди Моллетт. — Сиз, чикаголиклар, қотилнинг ўзгинаси-сизлар — одам ўлдирмай туролмайсизлар.

Метрдетел стол олдида келди.

— Мистер Палмер ким эди? — сўради у Палмерни таниёлмай. Палмер бош ирғагач: — Э-ҳа, сиз эдингиз-ку. Марҳамат, — деди-да, конвертни унга тутди.

Бу ошпоқ скотч билан бир неча жойидан елимлаб ташланган конверт бўлиб, устида ҳеч қанақа ёзув-позув йўқ эди. Палмер уни айлантириб кўрди-да, кимдан

келганини ва кимга юборилганини аниқлай олмади. У конвертни очди ва ичида ясси калит ёпиштириб қўйилган қалин оқ қоғозни кўрди. Қоғозга қизил қаламда бундай деб ёзиб қўйилганди: “Олбанида 10 кун. Меҳмоним бўл”. Палмер кўзини кўтарди ва Моллетт билан Виржиния уни кузатиб туришганини кўрди Бахтига у қоғозни калит кўринмайдиган қилиб ушлаб турган экан. У хат билан калитни чўнтагига тикди, бу оқилона бўлдими ё йўқми, ўйлагани ҳам йўқ, ишқилиб уларни кўздан яширса бўлгани эди. Хатдаги гаплардан на жўнатувчини, на олувчини билиб бўларди.

Палмернинг кўнглидан беихтиёр шундай ўй кечди: Мак Бернс жосусликда ишласа қалай бўларкин? Ҳойнаҳой, ёмон бўлмасди.

У суҳбатдошларига жилмайиб қўйди.

— Қотил табиатли одамлар, — аста деди у, — жуғрофий чегарани билмайдилар.

— Яъни? — сўради Моллетт.

— Келиб чиқиши қаерданлигининг аҳамияти йўқ. Бу ёғини сўрасангиз, Жо Лумис, агар янглишмасам, Огайодан.

Моллеттнинг тугмадеккина оғзи хиёл тигради:

— Ў-ҳа.

— Арчи Никос эса, Лондондан бўлса керак.

— Ҳм.

— Мак Бернс эса, менга айтишларича, Байрут билан Голливуд маҳсулоти саналади.

— Оббо.

— Инглизчалаб бир нима десанг-чи, Жорж, — илтимос қилди Виржиния.

Моллетт ковшанди-да, оғзидагини ютди.

— Айтгадиган биргина гапим шуки, — тантанавор деди у, — уларнинг келиб чиқиши ким ва қаердан бўлмасин, чикаголик бир қишлоқи лапашангни учратиб қолган айни пайтда уларга ачиниб кетаялман.

Ўттиз бешинчи боб

Мак Берннинг квартирасида Ист Риверга қараган дераза олдида туриб Палмер, хуллас, ҳеч бир нарсада Бернсга ишониб бўлмас экан дея хаёл сурарди, айниқса унинг Олбанида ўн кун бўламан дегани гирт ёлгон бўлиб чиқди.

Далилларни текширишни узоқ машқ қилиб ўрганган Палмер Берннинг хатда кўрсатган ўн кунлик муддатнинг туғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун кўлидан келган ҳамма нарсага қилди. Берннинг идорасига қилган кўнғироғи ёрдам берди. Котиба уни кечи билан Рождество кунига кутмоқда эди, унғача ҳали ўн бир кун бор. Қандайдир бир арзимас сабаб билан Палмер Калхэйнга ҳам кўнғироқ қилди ва сиёсий арбоб Бернсга Нью-Йоркда кам деганда ўн кун мобайнида кутиб турмаслигини аниқлади.

Ҳозир Бернс меҳмонхона бўлмаси деразаси ёнида автомобил чироқлари нури Ист Ривердрайвнинг қоп-қора фонига сидирга оқ-сарик тусда қоришиб кетаётганини кузатар экан, Палмер Берннинг сотқинлиги эҳтимоллиги ҳақидаги фикрни нима учун онсигина миясидан чиқариб юборганини ўйлар эди. Бу фикрни ҳисобга олмгани учун эмас, балки Палмер озгина уриниш билан уни хаёлининг бир чеккасига суриб қўйгани учун.

Аслида, деб ўйларди ҳозир Палмер, у нима қилган ва қилмоқчи бўлган ҳамма нарса, Афтидан, уни у қадар ташвишга солмаяпти. Бу ҳам, ўзича икдор бўлди у, ундаги хоҳиш бошқа ҳамма нарсанинг бирон-бир аҳамиятини йўққа чиқарганидан эмас. Йўқ. Бўлажак зиёфат истиқболи бошқа барча туйғуларни бўғиб қўйишга қодир кескинлик билан тўлдирмаётганди. Хулласи калом, Жерри айтмоқчидай, у, афтидан, ўзининг янги ролига жуда совуққонлик билан қараяпти.

Эшик уч марта енгил тикилади.

Палмер эшик олдида борди ва бир неча сантиметр қия очди. Йўлакдан унга Виржиния Клэри кулиб турарди. Палмер эшикни катта очди, жувонни ичкарига олди, эшикни ёпди ва қулфлаб қўйди. Кейин бурилди-да, жувонга қаради.

Жувон нимқоронғиликда турар, кўзлари чақнар эди, бўртиқ ёноқларида хиёл қизиллик, лабларини ҳали ҳам ёқимли табассум тарк этгани йўқ. Палмер ўзининг ҳам юзида ана шундай мамнун, бироз аҳмоқона севинчли табассум борлигини билиб турарди.

— Чопиб келдим, — деди Виржиния.

— Кераги йўқ эди.

— Кераги бор эди. Ҳатто лабларимга қизил сурганим ҳам йўқ.

— Лаббўёқ деярли бутунлай ёйилиб кетган.

— Ҳар доимгидай куннинг охирида келиб, — деди жувон.

— Бирон нарса ичасизми?

— Зудлик билан. — Жувон меҳмонхона бўлмасига борди. Палмер барга йўл олди, жувон уни тўхтатди ва узун диванни кўрсатди. Йигит ўтирди ва жувоннинг коктейл тайёрлашини томоша қила бошлади.

— Челақчада муз бор, — бидирлаб деди жувон, — баъзи эркаклар ҳамма нарса ҳақида ўйлайди.

— Отам буни ҳамма нарсада эҳтиёткорлик уқуви деб атарди.

Жувон стаканларни диван олдига олиб келди-да, йигитнинг ёнига ўтирди.

Улар стаканларини чўқишгирдилар. Хонани тўрлаги девор деразаси олдидаги мўъжазига чироқ ёритиб турарди. Палмернинг юзаси: улар иккаласи учун кифоя қиладиган ёруғлик, кўчанинг нариги томонидаги деразалардан кузатувчилар учун кифоя қиладиган ёруғлик. Бундан ташқари, чироқнинг жойлашувининг ўзи кузатишга йўл қўймас эди. У нимҳарир пардани ёритиб, ташқи кузатувчилар ва хонадаги одамлар ўртасида тўсиқ ҳосил қилганди.

— Совуққон мулоҳаза, — таъкидлади йигит. — Бундай совуққонлик қаёқдан пайдо бўлди?

— Сенинг отанг, — деди Виржиния, — буни нима деб атаган бўларди?

— Бориб турган жиннилик.

Жувон бош ирғади.

— Мен унга қўшиламан.

— Унда, кел, ичайлик-да, кетайлик. Мен Макнинг Олбанида эканига унчалик ишонаётганим йўқ.

— Мен ишонаман.

— Нима учун?

— Ишдан кетиш чоғида мен унга Олбанига қўнғироқ қилган эдим, — деди жувон. — Чунки у билан учрашишга ҳаракат қилиб кўришимнинг аниқ сабаби бор эди менда. У ўн кундан кейин қайтаман, деган эди. О.Е.О.¹

— Нима учун сен уни текшириб кўрдинг?

— Бу оқилона кўринганди.

— Қўрқаяпсанми?

Жувон жиддий бош ирғади:

— Ўлгудай кўрққандим. Ташвишланишимга сабаблар жуда кўп. Мен ёлғизман.

Банкда пулларим бор. Агар керак бўлса, мен истаган вақтимда газетада иш топа олар эдим.

Йигит жилмайди.

— Пулларингни қайси банкда сақлаяпсан?

— Сир. — Жувон стаканидан икки-уч хўшлади. — Сенинг пулларинг кўпми, Вудс?

— Нимаиди?

— Катта ифлос жанжалга бардош беришга етадими?

— Ҳа.

— Унда иккаламиз ҳеч нарсдан ташвиш қилмасак бўлавераркан.

Жувон у билан яна енгил чўқиштириб қўйди. — Лекин келаси гал ҳам барибир икки марта текшираман. — Вискини охиригача ичди-да, стаканни коктейл столчасининг залворли ойнаси устига қўйди.

— Бугун кундузи жудаям бир қулғили воқеани бошимдан ўтказдим. Қандайдир бир эркак менинг иш столим олдига келиб тўхтади. Биз у билан ниманидир муҳокама қилиб турганимизда у менга калит ёпиштирилган ватман

¹ Исботталаб нарса (лот.).

қоғозини кўрсатди. Сухбат давомида у на калит ҳақида, на қоғоз ҳақида бир оғиз гап айтди, мен ҳам. У ниманидир айтмоқчи бўларди деб ўйлайсанми?

— Ўйламасдан ҳа деган бўлардим.

— У нимани назарда тутгани ҳақида фикринг қандай?

— Яхшиликдан нишона эмас.

— Хўп, буниси-ку, кулгили воқеа бўлди, — давом этди жувон, — кейин мен мутлақо ғайритабиий бир иш қилдим. Мен кечкурун бирга овқатланишга таклиф қилган одамга қўнғироқ қилдим ва ўзимни ёмон сезаяпман, дедим.

— Сен бундай қилмаслигинг керак эди. Мен жиддий айтаяпман.

— Биламан, жиддий айтаяпсан.

— Бошқа бундай қилма.

— Нима учун?

— Бу ... бу унга нисбатан зулм. У ким бўлишидан қатъи назар.

— У мени қизиқтирмайди, — деди жувон. — Мен ўзим ўзимга нисбатан ҳал этишга ҳаракат қиламан.

— Ҳал қилгансан деб ўйлайман. Назаримда, сен буни жиннилик деб эътироф этдинг, шекилли.

— Ҳа. — Жувон қаддини ростлади ва унга янада тикилиброқ қаради.

— Ва назаримда, ичиб бўлиб, кетайлик деб таклиф қилдим, шекилли.

— Бу таклифга мен эътибор қилмабман.

— У ҳамон ўз кучида турибди.

Виржиния унинг қўлидан тутди ва йигит унинг ингичка бармоқлари тафтини ҳис этди.

— Кел, бу ҳақда гапирмайлик, — илтимос қилди жувон. — Кел, чурқ этмай ўтирамыз. Бирпас. — У йигитнинг қўлини айлантирди, кафтига қаради, уни лабларига олиб келди ва ўпди.

Жувон аста эгилиб, унинг тиззалари устига етгач, йигит уни қучоқлади. Юзидан ўпди, сўнг лабларидан ўпди ва жувоннинг лаблари унинг лаблари остида хиёл очилганини ҳис қилди. Жувон англаб бўлмайдиган бир нарса деди: сўз йигитнинг оғзига чўкиб кетди. Жувоннинг қўли тўсатдан таранг тортиди ва у йигитнинг оғзини ўзининг оғзига шундай куч билан босдики, йигитнинг лаби яраланди. Бир лаҳзадан кейин жувон қўлини бўш қўйди. Уларнинг лаблари ажралди.

— Ҳеч нарса гапирма, нафасини чиқариб деди жувон.

Йигит унинг сонидан қўлини олди-да, лабига теккизди. Бармоғига қаради — қон йўқ эди. У қўлини жувоннинг тиззаси тагига суқди-да, унинг оёғини аста силай бошлади. Хонадаги сукунат ичида қўлининг нейлон пайпоқ бўйлаб қилган ҳаракатидан енгил шитирлаш тарқалмоқда эди. Унинг қўли юқорироққа кўчди.

Бирмунча вақтдан кейин қараса, у қалин оқ гилам устида кўзларини юмиб чалқанча ётибди. Виржиния қаёққадир ғойиб бўлганди. У жувоннинг коктейль тайёрлаётганини эшитди. Кўзини очиб, жувон унинг боши узра қўлида стакан билан турганини кўрди.

— Сен барибир малласоч учун сертуклик қиласан, — деди жувон.

— Тиришаман.

Виржиния оёғини унинг кўкрагига қўйди.

— Оғрияпганими?

— Йўқ.

— Энди-чи?

— Агар қарс этган овоз эшитсанг, билгинки, қовурғам синган.

— Жўжа. — Жувон оёғини олди-да катта томон кетди. Палмер узоқдан жувоннинг қўймичи ва сонлари мушакларининг ўйноқлашини кузатди. Жувон иккита кичкина-кичкина ёстиқчани олиб қайтиб келди ва таклиф қилди: — Бошинга қўйиб ол. Гилам унчалик юмшоқ эмас.

Эркак ёстиққа ётгач, жувон унинг қорни устига миниб олди, стаканни унинг лабларига олиб борди ва то ичиб бўлгунича аста-аста эгиб турди.

— Раҳмат, — деди ниҳоят Палмер.

— Агар оғирлик қилаётган бўлсам...

— Қўнғай енгилсан.

Жувон жилмайди ва стаканни унинг боши ёнидан ерга қўйди, бир нима деб гапирмоқчи бўлди-ю, лекин тугилиб қолди.

— Менга айт-чи, — деди жувон охири, — қаттиқ тажрибанг натижасими бу? Ёки сен ўзинг шунақамисан?

— Қанақаман?

Жувон хиёл олдинга эгилди:

— Гўлликка солма ўзингни.

— Э, бунга айтаяпсанми? Яхши. — Йигит юзини шундай қийшайтирдик, бундан: “Сенга нима ҳам дердим” — деган маънони уқиш мумкин эди. — Бу тажриба натижаси эмас.

— Сендаги мен энг кўп яхши кўрган нарса — бу камтарлик.

— Мен иложи борича камтарона жавоб беришга ҳаракат қиламан, — деди Палмер ён бермай. — Лекин саволнинг ўзи у қадар камтарона эмас. Ҳарҳолда уни икки хил тушунса бўлади. Уни бошқача қилиб ҳам айтиш мумкин: сенинг ақл бовар қилмас муваффақиятнинг сири нимада?

— Жавоб ўша: тажриба натижаси эмас.

— Унда нима?

— О, — деди жувон. — Мен сенга айтиб беришим мумкин. Тўғриси айтсам, мен ҳар иккала саволга жавоб бера оламан. Менинг яхши бўлишимга сабаб — бу сенсан ва шунинг акси.

— Чакки эмас.

— Устимдан кулиш йўқ, — огоҳлантирди Виржиния. — Бунинг учун сен ҳозир ўшандай ҳолатда эмассан. — У гиламдан оёқларини кўтарди-да, Палмернинг қорни устида чордона қуриб ўтириб олди.

— Қалай, оғирми?

— Неча килограмсан?

— 1 стоун 5 фунт.¹ Шунинг бари ичак-чавоқларимга босиб турибди.

— Менда бир фойдали фикр пайдо бўлиб қолди, — деди йигит. — Қорин мушакларини мустаҳкамлайдиган машқлар. Менга 1 стоун 5 фунт оғирлигидаги бир аёл керак. Сен бунга қизиқмайсанми?

— Йўқ.

Жувон олдинга эгилди-да, йигитнинг устига шундай чўзилдик, юзи йигитнинг бўйнига ёпишди, уларнинг оёқлари бир-бирига жуфтлашди.

— Нима бўлганини билаяпсанми? — сўради жувон. — Энди сен мени бутунлай сезмаяпсан.

— Жудаям хато қилаяпсан-да!

— Вазнимни назарда тутиб айтаяпман.

— Э-ҳа.

— Сен тахта катчалик ҳам эмас экансан.

— Айбситавера-а, айбситавер.

— Қоқ суяксан, — давом этди жувон, — бундан ташқари, ҳар хил бўртиқлар.

— Балки, мурватлар бўшашиб қолгандир?

— Уни маҳкамлашнинг қандайдир усули бўлиши керак.

— Бўлиши керак.

— О, — деди жувон, унинг кўкрагидан аста тишлаб.

— Қанақа?

— Қараб тур.

Телефон жиринглаганда соат эндигина тўққиздан ошганди. Палмер юзини гиламга тикиб, қорнида ухлаб ётарди. У аста қимирлади, сўнг бутунлай уйғонди ва Виржинияга тикилди. Жувон бармоғини унинг лабига босди. Телефон етти марта жиринглагонча улар бир-бирига тикилиб қараб, кутиб туришди. Саккизинчи кўнғироқ ўртасида у тинди.

— Шаҳар кўнғироғи, — деди жувон. — Бу уйдан эмас.

— Соат неча?

— Тўққизлар атрофида. Қорнинг очдими?

Йигит бошини чайқалди.

¹ Стоун оғирлик ўлчови (ингл.) — 14 фунт-64,4 кг. Фунт — 453,6 г.

— Мен ухлаганимда нима қилдинг?

— Сени томоша қилдим.

— Хўш?

— Ва ўйладим. — Жувон чекиб турган сигаретасини унга узатди. — Секс ҳақида ўйладим.

Йигит бир тортди-да, сигаретани қайтарди.

— Нимани топдинг?

— Икковимиздан битгамиз ҳам тушуниб бўлмайдиган нарсани.

— Жуда афсусламан.

— Афсусланма. Мен шундай хулосага келдим: Бунни тушуниш мутлақо шарт эмас. Бу ёғочдан завқ олган билан барабар.

— Ҳамма ҳам шундай ҳис этавермайди.

— Мен икковимизга бир қара, демоқчиман. Агар турли-туман гуноҳу айблар номи билан аталувчи нарсалардан ўтиб келиш учун тўла ихтиёрга эга бўлмасак, кўп ўтмай ҳеч қанақа лаззат ололмай қоламиз.

Йигит тирсагига суянди.

— Сен асосий нарсани эсдан чиқараяпсан.

— Бугун оқшом кўпам эсдан чиқараётганим йўқ.

— Асосийси ўз кузатишингда, — ўжарлик билан такрорлади Палмер.

— Э-ҳа, мана, гап қаёқда экан.

— Айнан бизнинг гуноҳларни эслатиш ва аниқ белгилашдан муваффақият билан кутилиб қолишимиз. Сен бунни нима деб изоҳлаган бўлар эдинг?

— Болаларча гўллик. Бир куни тунда бу барча юк устимиздан босиб тушмаса деб қўрқаман.

— Кейин биз лаззатланиш қобилиятимизни дарҳол йўқотамизми?

Жувон хўрсинди.

— Мен бошқа бирон нарса ҳақида гаплашишни истардим.

— Барибир аёллар қизиқ-да!

— Ҳа. Жисмларининг ярми фаришта, ярми қари қиз.

— Қандай даҳшатли ёлгон. Униси ҳам, буниси ҳам.

— Бўпти. Жентлмен сифатида ўз эътирозингни билдирдинг. Кел, энди бошқа нарса ҳақида гаплашайлик.

Йигит бошини букилган қўли устига қўйиб, яна гиламда ётиб олди.

— Биз оддийгина хуфёна жазманлар бўлиб қолишни ўлгудай хоҳлайман, — ўйчан деди жувон. — Аёл ухлаб қолади. Эркак ётоқхона бўлмада оёқ учида у ёқ-бу ёққа юради ва кийинади. Унинг кетиши ва пардоз столчасида пулни кўриш учун эрталаб аёл уйғонади. Бунинг ўрнига сен ухлайсан, менинг эса ўз ёғимга ўзим қоврилишдан бошқа иложим қолмайди. Наҳотки “Виржиния Клэрига нисбатан жентлмен бўлинг” ҳафтаси эълон қилинган бўлса?

— Оҳ, жим бўлсанг-чи.

Палмер кўзларини юмди.

— Тирноқ остидан кир қидиришлар.

У ҳеч нарса деб жавоб бера олмади ва жувоннинг сигарета тортганини ҳамда куч билан тутунни пуфлаганини эшитди. Йигит кўзларини юмиб ётганча чурқ этмасди.

— Бу адолатдан эмас деб ўйлайман, — давом этди жувон бирмунча муддатдан кейин. — Мен тинч, хотиржам яшаб келаётган эдим. Гуноҳларим доим назорат остида бўларди. Энг даҳшатлиларини катта танаффуслардан кейин содир этардим. Узоқ вақтгача тавба-тазарруда¹ бўлмагандим, ўзимни услубиётчи деб ҳис қиламан. Жинсий алоқаларини ўзи йўқ воқеалар сирасига киритишимнинг ўзи бўлмаган — қундуз пальто дейсан: бошқалар кийса чиройли, менинг даврамдагилар учун эса дабдаба. Кўзларим сенда тўхтаган дастлабки бадбахт онда тушундимки, сен айниқса эҳтиёт бўлиб муомала қиладиган одам экансан. Бу сенинг ташқи кўринишинг туфайлидан эмасди. Бирон-бир муайян жисмоний нусхага кўнглим суст кетмайди. Фақат сенинг менга қарашингдаги бир нима дидимга ўгириб қолганди, холос. Сендан сигналлар келарди. Менинг радарим уларни тутарди. Ўзимга ҳам менда қандайдир ўз сигналларим ёки шунга ўхшаган

¹ Тавба-тазарруга иккинчи даражали нарса деб қарайдиган диний ўйнаш.

нимадир бордек туюларди. Бу техникани бутунлай тушунишга даъвогарлик қилмайман. Лекин, эй худо, Вудс, мен қийналгандан қийналардим, ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилардим, мен ҳақиқатан ҳам ҳаракат қилардим. Сен менга керак бўлган одам эмассан, зинҳор. Уйлангансан. Фарзандларинг бор. Менинг ишдаги хўжайинимсан. Ҳалиги зиёфатда қандай рақс тушганимиз ёдингдами? Менинг барча машқларим жилдираб канализация қувурига оқиб кетаётгандай ҳис қилардим. Кейин биз шаҳар бўйлаб юрганимизда мен софдил бўлишга ва булар барчасини сенга эркалаб, аммо астойдил айтиб беришга ҳаракат қилгандим. Мен ҳатто кичикроқ муноқаша билан тугатмоқчи ҳам бўлгандим. Лекин қўлимдан келмаганди. Эсингда йўқми? Энди ҳаммаси унутилган. Лекин ҳарҳолда ўшанда сен мендан миннатдор бўлиб қўйгандинг. Сенинг бировдан миннатдор бўлишинг ўлимдан қийин. Шунчалик ичимдан топ эдингки, битта сўзни минг машаққат билан айтгандинг. Мана шу ичимдан топлигинг мени ўлдирди. У менга сенинг ботинан қандайлигингни кўрсатди, сенинг ўзингни десам ҳам бўлаверади, шу нарса жигар-бағримни эзиб, қийма қилиб юборди. Мана, бу ерда мен сен билан Мак Бернсенинг мўъжизавий гилами устида ағаниб ётибман, бошқа биронта идорадан иш қидириб топишим ва бу воқеани унутишга ҳаракат қилишим керак бўлган бир вақтда.

Жувон жимиб қолди. Бир лаҳзадан кейин Палмер бошини кўтарди:

- Тугатдингми?
- Бугунлай.
- Саволим бор.
- Хўш?
- Шунчалик бахтсиз бўла туриб, шунчалик чиройлик бўлиш қандай қўлингдан келади?

Жувон унга ажабсиниб қараб қўйди:

- Жаҳдинг чиқмаслигига ишонасанми?
- Бу ёққа кел-чи.
- Келаяпман.

Уттиз олтинчи боб

Палмер кечки соат олтида Парк авеню бўйлаб “кадиллак”да шамолдай елиб борар экан, “Уорлд телеграм”даги сўнгги еттинчи спорт бўлимини молияга доир бобигача варақлаб чиқди. У машинадаги мутолаага мўлжалланган чироқни ёқди ва биржа ёпилиши вақтидаги банк акциялари нархини ўргана бошлади. ЮБТК акцияси нархи 25 фоизга кўтарилган ва сотилган акциялар миқдори ортган эди.

Уларни ким сотиб олса ҳам назорат пакетини эгаллаб олиши ҳали амри маҳоллигига амин бўлиб, Палмер газетани буклади-да, ўзининг ёнига ўриндиққа ташлади. Бирмунча муддат у ҳайдовчи бошининг орқасига қараб турди. Сўнг вужудида қандайдир танҳолик туйғусини ҳис этди. Гарчи ҳайдовчи ундан бор-йўғи бир ярим-икки метрча нарида ўтирган бўлса-да, Палмер ўзини мутлақо ёлғиз ҳис қилди. Бундай сезги қайсидир маънода унга ёқарди.

Шунинг учун ёқадики, ўйлади у, бу ерда, куббасимон майин оқ нур остида, гўё дўкон пеппахтасидагидек, ёлғиз ва қайсидир даражада сеvimли бўлиб ўтириш маза эди, айни вақтда эса қоронғилик қўйнида бутун шаҳар кўзга кўринмас сувратлар силсиласидай ёнингдан ўтиб туради. Палмер чарақлаган янги йил арчалари улуғвор сафининг лип-лип учиб ўтишини томоша қилди. Оқшомлари Парк авеню ҳар доим ёрқин қизил нуқталар — машиналарнинг орқа чироқлари билан безанган бўлади. Ҳозир эса арча чироқлари ортида бутун кўча байрамона тус олганди.

Етмишинчи кўчаларда ҳайдовчи чапга бурилиш сигналинини берди ва Палмер олдинга энгашди.

— Жимми, бурилиш-да, мени муюлишда тушириб қолдинг. Бу ёғига яёв кетаман.

— Яхши, мистер Палмер, раҳмат.

Палмер қошини чимирди. Бу ташаккур нечун? Бу Жиммининг қайтар йўлини нари борса беш дақиқага қисқартиргандир. Наҳотки беш дақиқа шунчалик зарур бўлса?

— Бирон ёққа шошаяписизми? — сўради у.

— Уйга. Арча безатиш керак, мистер Палмер. Мен галга солганим-солган, бу ёғи атиги олти кунгина қолибди. Болаларим ўлдиради мени...

Машина юмшоққина кичикроқ доира ясади-да, йўлка чеккасига, шаҳарнинг ишбилармонлар маҳалласи томонга келиб тўхтади. Жимми эшикни очгани чиқиб келгунча Палмер қуббасимон чироқни ўчирди ва газетани олди.

— “Телли”ни олинг, — деди у газетани ҳайдовчига узата туриб; унинг билишича, ҳайдовчи, одатда, фақат “Жорнэл американ”ни сотиб оларди.

— Яна бир марта раҳмат. Хайрли тун, сэр.

— Хайрли тун.

Ҳайҳотдай машина жўнаб кетди ва Палмер муздек ҳаводан чуқур нафас олди, сўнг осмонга қаради. Осмон шу қадар мусаффо эдики, у ҳатто яккам-дуккам юлдузни ҳам кўра олди — тугунли Манҳеттен учун бу мутлақо одатдан ташқари ҳодиса эди. Палмер Парк авеню ёқалаб кўз югуртирди ва янги йил арчаларини санашга уриниб кўрди. Кўп ўтмай улар бир-бирига қўшилиб, ёрқин чизиққа айланди. У санашни бас қилди.

Бурилди-да, тезгина уйига қараб кетди.

Уй тарҳи бўйича Эдиснинг режалари қойилмақом тарзда адо этилганди. Аср бошида қурилган, деярли бутунлай катта-катта, кенг-кенг уч-тўрт қаватли бинолардан ташкил топган маҳаллада Палмернинг уйи, шубҳасиз, мана мен деб турарди. Маҳаллий уй эгаларининг ҳадди жуда деганда тош деворни қумли фаввора билан обдон тозалашга ёки бўяшга, бундан ташқари, деразаларга яхлит ойна қўндиришгача бориб етарди. Фақат бир юрагида ўти бор ихтирочи рим гиштидан янги девор тикка қилганди. Бироқ Эдис бошқа йўлдан борди.

Жимжимадор олд деворли биноларни Палмер олдин ҳам кўрган. Бундайлари, одатда, иссиқ иқлимли мамлакатларда қурилади. Ҳиндистондаги Кўшма Штатлар элчихонаси, эслади у, шу техниканинг замонавий нухасидан фойдаланган. Манҳеттенда тропик иқлим шароити аҳён-аҳёндагина акс этса-да, Эдис шундай жимжимадор деворни танладики, у ҳаловатни юзага келтирарди. У ҳатто қимматбаҳо майдоннинг бир қисмидан воз кечиб, уйни кўча томон суришга жазм этди. Шундай қилиб, йўлкадан қарийб 3 метрлик масофада панжарага ўхшаш бир нима билан бирлаштирилган эгма ва учли қуйма бетон девор тикланганди.

Нур ва ҳавони ўтказиб турадиган, аммо ажабтовургина соя туширадиган бу бегона кунгиралар уйни суқ кўзлардан яшириб туришга мўлжалланган эди. Деворнинг нарёғида яна икки метрча жойда бинонинг ўзи савлат тўкиб турарди. Унинг тўрт қаватли фронтони сўнгги молада 4 га 6 ҳажмдаги, алюминий жилд билан маҳкамланган яхлит ойнадан ясалганди. Жимжимадор олд деворнинг ички томонини Эдис, афтидан кейинчалик чирмовуқ билан епмоқчи бўлгандир.

Палмер оддий қора ташқи эшикдан ўтди-да, тор тирқишдан осмонга қараб олиш учун тўхтади. Ҳа, юлдуз. Битта.

У худди шундай оддий қора ички эшикни очди ва ўзининг янги уйига кирди. Аллақайси қават ва хоналардан Жерри билан Томнинг айтишаётгани кулоғига чалинди.

Палмер палтосини ечди ва йўғон лакланган кийим илғичлардан бирига олди. Шляпасини олиб, кийимилғич устидан токчага қўйди. Чоққина вестибюлдан ўтди-да, икки қаватни эгаллаган асосий меҳмонхона бўлма эшиги олдида тўхтади.

Шубҳасиз, уйга гап йўқ, ўзича деди Палмер. Гарчи жимжимадор олд деворга ўхшаган нарсаларга қулиб қараса-да, хотинининг санъат мўъжизаси яратганига тан берди.

Бу иборанинг энди сийқаси чиққанини эслаб, Палмер қошини чимирди. Икки сергак фотограф билан қайсидир журналнинг муҳаррири, зил-замбил кекса хоним кўп қўллашарди бу иборани. Кеча кечқурун уйга келиб Палмер уларни шу ерда кўрди, улар ҳамма жойда ҳозир у нозир эдилар.

— Ҳақиқий санъат асари, — дерди сураткашлардан бири. — Бизнинг замонда бунақаси кам учрайди, ажойиб *peil oi terre*¹, — суҳбатга қўшилди наригиси.

— Бу ҳақиқий шаҳарча уй, — деди ҳорғин муҳаррир аёл репортёрлардан бирига. — Одатдаги камгарона инглизча услуб.

— Ҳа, хоним.

Палмер кечаги оқшомни эслади. Фотосувратлар ва мақола, қизиқ, қачон журналда пайдо бўларкин-а? У муҳаррирлик амалиёти билан яхшигина таниш — журналларнинг таҳририятлари олти ой илгарилаб юради. Бироқ борди-ю, уларда мақолани қонун чиқарувчи йиғилиш ёпилишигача чоп этишга қарор қилингудек бўлса, бу бутун қилинган ишлар учун тўсиқ бўлиши мумкин.

Сенаторлар ва маҳаллий қонун чиқарувчи органлар аъзоларининг хотинлари мақолани ўқишади, сувратлар билан танишишади. Эрларига ўз уйларидан кўнгиллари тўлмаётганини ва шу журнал хабар қилган мана бундай уйда яшовчи ҳар қандай оилга нисбатан ошқора шубҳаларини изҳор этишнинг ўнлаб ёқимсиз усулларини топишади. Ўтган оқшомда, эслади Палмер, мақолани босишга рухсат бергани учун Эдисдан чапараста жаҳли чиққан эди. Жаҳли чиққанди-ю, лекин ичига ютиб қўя қолганди.

Палмер айланма зинадан аста иккинчи қаватга кўтарилди. Мусиқа ва баҳ аниқроқ эшитилди. — Салом!

— Салом, азизим. — Эдис уларнинг ётоқхона бўлмаси остонасида пайдо бўлди ва кўл сизимди: — Овқат 10 дақиқадан кейин бўлади. Миссис Кейжга айтиб қўй. — Хотини ғойиб бўлди.

Палмер яна бир қават кўтарилди — иккала жажжи болалари билан кўришиши керак. У Жерри ётоқхона бўлмаси эшигида тўхтаганида болалар оталарига қарамадилар ва деярли узлуксиз баҳсларини давом эттиришди.

— Уни олган бўлишинг мумкин деб айтганим йўқ, — тонмоқчи бўларди Жерри.

— Мен олишим мумкин эмас деб мен ҳам айтганим йўқ, — эътироз билдирди Том.

— Мен айтдим-ку, мен сенга бераман, аммо ҳозир эмас, деб.

— Нега ҳозир эмас?

— Чунки у ҳозир менга керак.

— Сенга керак эмас.

— Йўқ, жуда керак.

— Йўқ, мутлақо керак эмас, ёлғончисан.

— Мени ёлғончи дема, сен аҳмоқсан.

— Лекин сенга ўхшаб ёлғончи эмасман.

— Ундан бадтарсан.

— Мен...

— Тўхтанглар! — хирқироқ овозда деди Палмер. Йўталиб олди. — Салом, болажонларим, — зўраки ширин оҳангда деди у. — Ўйнаётганларингни кўриб мен ҳам яйраб кетдим, қақилдоқларим.

— Анови митгингиз қип-қизил ёлғончи.

— Анови ҳўкизингиз исқирт ёлғончи.

— Яхши ўтирибсизми, соғлиқларингиз қалай? — давом этди Палмер. — Ишдан келганимда мени қандай кутиб оласизлар деб роса интиқ бўламан. Буни сизлар жудаям қотириб адо этаяпсизлар.

Бола ва қиз жим бўлиб қолишди, ҳиринглашди ва оёққа туришди. Улар Палмерга икки хилда осилиб олишди. Том — унинг қорни ва тиззасида, Жерри эса кўкраги ва қўлида. Бир неча сония давомида Палмерни туртишди, сиқишди, тешишди, қаттиқ кучишди, тиз чўқдиришди, қитиқлашди, оёғидан босишди, чимчилашди, сузишди ва ҳатто тимдалашди.

— Бас, бас!

То у ўзини ўнглаб олгунча Жерри уни танқидий кўз билан қараб чиқди:

— Тагин кўзингизнинг тагида мана бу қора нарсалар борми?

— “Тагин” деганинг нимаси?

— Ҳар доим бор-ку, улар, — деди Том.

— Йўқ, гоҳ-гоҳда бор бўлиб қолади, — эътироз билдирди Жерри, — Баъзан, куннинг охирида.

¹ Вақтинчалик қўналға (франц.).

— Узун, оғир, тинкани қуритадиган кун, — тушунтирди Палмер, — иссиқ, тинкани қуритадиган столда.

— Очимдан ўламан, — деди Том.

— Ассалому алайкум, мистер Ўлувчи, — гап бошлади Жерри. — Мен мамнуният...

— Бўлди-бўлди, — уни тўхтатди Палмер. — Бу бечора ҳазилни чайнайвериб жонини суғуриб олдинг. Биронга янгироғидан олсанг-чи.

— Бир девор иккинчисига нима дейди? — сўради Том.

— Бурчакда учрашамиз дейди! — Чийиллади Жерри. Палмер кафтлари билан кулоқларини бекитиб олди.

— Жерри, — ялинди у, — секинроқ-да!

— Коксга ўхшаган нима, локсдай ҳид берадиган ва учадиган нима? — сўради Жерри.

— Самолёт кабинасидаги кокс суртилган локсли қуғича! — қичқирди Том.

Палмер кўзларини аламли юмди. Шовқин босилгач, у кўзларини очди ва сўради:

— Локс нима дегани?

Жерри елки қисди:

— Қандайдир балиқ. Дудланган.

— Йўқ, — деди Том. — Локс — суяқ кислород. Ундан ракета ёнилгиси учун фойдаланадилар.

— Бу топишмоқни айтган мактабдаги қизалоқ, — тушунтирди унга опаси, — айтдики, локс — бу дудланган балиқ, деди. Дудланган сёмга.

— У — жинни экан, — деди Том.

— Нима бўлганда ҳам, — сўради Палмер, — бу топишмоқнинг нимаси кулгили? Болалар жим бўлиб қолишди.

— Сен тушунмайсан, — деди охири Жерри.

Палмер бош ирғади:

— Овқат яна ўн дақиқадан кейин.

Вудининг хонасига кириш учун у танобий хонага тушди. Ёпиқ эшик олдида тўхтаб, у ичкаридан ноғоранинг асабий тарақа-туруғига ҳамоҳанг чийиллаган кларнет овозини эшитди. Роудининг мусиқага қизиқиши яққол кўриниб турарди. Овози уйни тўлдириб турган оркестр чинакамига енгил орлеанча усулда контрабас ўрнига трубадан фойдаланган эди. Палмер кўзининг тепароғида, бош суягининг ичида оғриқ бошланаётганини ҳис этди.

У эшикни чертди, кутиб турди, яна қаттиқроқ чертди. Бирпас кутиб туриб, эшикни очди ва тўнгич ўглини логарифмик линейка билан ёзув столи узра энгашиб турганини кўрди. Палмер проигривател олдида борди ва кескин бураб овозини пасайтирди.

— Барча авлиёлар ҳақи, бу аҳволда қандай ўйлаб, қандай ишлайсан? — сўради у.

Вуди унга маъносиз қаради:

— Э, салом!

— Овқат ўн дақиқадан кейин. Беш дақиқа ҳатто.

Вуди бош ирғади:

— Дада, фоизлар ҳақида нимани биласиз?

— Ҳамма нарсани.

Вуди унга ишонқирамай қараб турарди:

— Биласизми, нима тўғрисида гапираяпман... Заёмлар фоизи ва ҳар хил шунга ўхшаган нарсалар.

— Нима тўғрисида гапирётганингни билиб турибман, — вазминлик билан гапирди Палмер. — Нимани билмоқчисан?

— Мен “Муддатли сотув” мавзуида иншо ёзишим керак.

— Математика бўйичами?

— Йўқ, ижтимоий фанлар бўйича.

Палмер бир талай пластинкаларни нари суриб қўйди-да, ўғлининг каравотига ўтирди.

— Улар қанақа мисоллар келтиришди?

— У мисол келтирмади, — шикоятгомус деди Вуди. — Мен ўзим ўйлашим керак.

— Ундай бўлса, кулоқ сол.

Бола оғир хўрсинди ва юзида тунд бир кўриниш зоҳир бўлди.

— Бир одам 3000 доллар турадиган машина сотиб олмоқчи, — гап бошлади Вуди булар барчаси қанчалик жонига тегиб кетганини билдирмоқчидай чўзиб, бир зайлда. — Ўзининг эски машинасини 1000 долларга сотмоқчи. Қолган икки мингни икки йилда тўламоқчи. Бу — етти фоизли заём бўлади. 2000 дан етти фоизи — 140 доллар бўлади. Икки йилга. Демак, 3000 дан ташқари машина яна унга фоизларда 280 доллар туради. Тўғрими?

— Ҳа.

— Бўпти, раҳмат, дада.

— Бу рақамларнинг ижтимоий фанларга қандай алоқаси бор?

Вудининг юзидаги тунд ифода ўрнини энди ўта малоллик ифодаси эгаллади.

— Ўлай агар, билмайман.

— Бу масалани ечиш нимага керак бўлиб қолди? Оддий арифметикадан хабардорлигингни исботлаш учунми?

Бола елка қисди.

— Кекса Филмернинг кўнглини олиш учун бўлса керак. Бу гоё ундан чиққан, мендан эмас.

Палмер кескин жавоб бермоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини тутди.

— Яхши. Бундоқ чиройингни оч-да, кулоқ сол.

— Хўп.

— Сен пул қарз олиб, уни ойма-ой тўлаб борсанг, — давом этди Палмер, — асосий суммани нима қиладилар?

— Нимани?

— Асосий суммани, сен қарз олган пулни. У кўпаядими?

— Озаяди. — Вуди қовоғини уйди ва шу заҳоти юзи ёришиб кетди. — Албатта, озаяди-да.

— Тўғри. Агар сен машина сотиб олгани 2000 долларга икки йиллик заём учун банкка борсанг, сен 2280 долларга имзо чекасан. Бошқача айтганда, улар сента нақд 2000 доллар беришади, уни сен тўлиқ икки йиллик фоизни кўшиб тўлашга мажбурсан. Тушундингми?

— Бўлмаса-чи, ахир бу табиий-ку.

— Наҳотки? — кескин оҳангда сўради Палмер. — Бу ҳақда ўйлаб кўр. Икки йил мобайнида ойга 10 доллардан кўпроқдан тўлаб борасан. Ҳар тўлов билан заёмнинг асосий суммасини қисқартирасан. Лекин фоизларни аввалгидай 2000 ҳисобидан тўлайсан, чунки дастлаб шундай белгилаб қўйилган эди-да.

— Нима қилибди?

— Сента бу ғалати туюлмайдими?

Бола яна елка қисди:

— Тартиб шунақа бўлгач, нимаси ғалати бўларкан?

Палмер бош оғриғи кучайганини сезди. У пешонасини артди-да, давом этди:

— Кел, фараз қилайликки, сен бай пулига ўхшаш заёмнинг бошқа турини оласан, унда аслида шарт бўлган фоизларни тўлаб борасан. Биринчи ойда сен 2000 доллар ҳисобидан тўлайсан. Бироқ ҳар ойда тўловларнинг бир йилидан кейин сен фақат 1000 доллар ҳисобидан тўлашинг керак бўлиб қолади. Фараз қилайликки, ҳар ой қарзинг суммаси камайиб бориши баробарида сен фақат қолган сумма ҳисобидан фоиз тўлайсан. Хўш, етти фоизли заёмда 2000 доллар учун қанча тўлайман деб ўйлайсан?

— 280. Боя айтдим-ку.

— Йўқ. Сен 70 доллар атрофида тўлайсан.

— Ҳазиллашманг.

— Жиддий айтаяпман.

Вуди отасига узоқ қараб қолди:

— Ростдан шунақами, дада?

Палмер ўрнидан турди.

— Ҳа, — деди у гоётада совуққонлик билан, — худди шундай.

— Аммо унда... ановиси, дастлабкисида фоизларни тўрт баравар кўп тўлар экансиз-да?

- Уҳ! — Палмер енгил хўрсинди. — Ёруғлик бор экан-ку.
- Кекса Филмер шулар барига ишонади деб ўйлайсизми?
- Синаб кўр уни. — Палмер эшик олдида келди. — Овқат бир дақиқадан кейин.
- Хотиржам бўлинг, — минғирлаб деди Вуди яна логарифмик линейкани

қўлига олиб.

Палмер пастга йўл олди ва миссис Кейжнинг ошхонасига кирди. Қовурилган чўчка гўштининг ҳиди бу ерда кучлироқ эди. 14 йилча олдин, Вуди туғилганида Эдиснинг онаси миссис Кейжни Палмерларга “бериш”ни таклиф қилганди. Миссис Кейж озгин, юзлари чўзинчоқ, кўзлари бир-бирига яқин ва бурни учли, оғиз чеккалари осилиб тунган суяги бузуқ бева бўлиб, муттасил касалвандлардай эшитилар-эшитилмас вой-войлаб юрарди. Оғзи ва ияги тик ажинлар орасида қавс ичига олингандай кўринарди. Гаширғанида юзининг пастки қисми бир юқорига, бир пастга ҳаракат қиларди. Минг хил дарди борлигидан шикоят қилишига қарамай, шунча йиллар мобайнида ҳалол ва ғайрат билан меҳнат қилиб келарди, тежамкор эди, зарурат туғилганда, масалан, ҳозиргидек кўшимча ишларни ҳам бажараварди.

— Ўн дақиқа бурун, — деди Палмер, — мен сизларга овқатга ўн дақиқа қолганини айтиб қўйишим керак эди.

— Ҳаммаси жойида, — ҳозиржавоблик билан деди миссис Кейж, — қарашгани Жеррини бу ёққа юборинг, шу билан тайёрмиз, мистер Палмер.

— Яхши.

Ёш болаларига яна бир кўз солиб қўйиш учун Палмер Жеррининг хонасига қайтди.

— Қани, қани, — деди Жери, — энди умрим бўйи сен билан бошқа гаплашмайман.

— Кўрқиб кетдим, — пичинг қилди Том. — Қара, кўрққанимдан дағ-дағ титрайман.

— Яна кўрқасан! Агар мен...

— Ҳали ҳам жанжалашаяпсизларми? — унинг гапини бўлди Палмер, — Жерри, миссис Кейжга қарашиб юбор. Том, кўллариңни кўрсат-чи.

Бола кафларини пастга қилиб чўзди.

— Топ-тоза.

— Кафтингни юқорига қил.

— Топ-тоза дедим-ку, — ёзғирди у.

— Битлиқи Мерининг ўзгинаси, — минғирлади Жерри.

Узоқ жимликдан кейин Том оғир хўрсинди ва танобийнинг тўридаги ваннахонага қараб кетди. Палмер бир лаҳза унинг ортидан кузатиб турди-да, озгин ота-онанинг ўғли учун унинг думбаси семизлик қилади, дея кўнглидан ўтказди...

Палмер иккинчи қаватдаги оилавий ошхонага йўл олди. Чироқни ёқиб қараса, дастурхон аллақачон тузалиб қўйилибди. Шамларни чақмоқтош билан ёқишга беҳуда уриниб кўрди, сўнг буфет тортмасидан гугурт тошиб, уларни ёқиб чиқди.

У қаршидаги деворга, турли катталиқдаги эски гишглاردан ясалган чоғроқ каминга қараб қўйди ва Буфэ асаридаги эркак юзига разм сола бошлади. Бу одам ҳам тузалмаган ёғоч столда ўтирар, олдида, столнинг ўзида чала ейилган балиқ бор эди. Нимқоронғилиқда унинг чехрасида мовий, маъюс, оч кўзларидан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Палмер чироқни ёқиб, эркакнинг юзида ҳеч нарса ўзгармаганини кўрди. Балиқларни ўзи еганми ёки бировнинг сарқитига қараб ўтирибдими, билиб бўлмасди.

Каминнинг ёнида яна бир суврат: пишлоқ, иккита олма, пичоқ ва вино пишпаси тасвирланган натюрморт осибди эди. Палмер ёруғни аста пасайтирди ва барча буюмлардан фақат пичоқ кўриниб қолганининг шоҳиди бўлди. Таажжуб. Балки бу сувратларнинг қандайдир янги хоссасини кашф қилгандирман, мулоҳаза қиларди у. Рассомларнинг ўзлари бу ҳақда билганмикинлар? Унинг қулоғига Жерри билан миссис Кейжнинг кўшни хонада идишларни тарақдатаётганлари эшитилди.

Юқориги чироқни ўчириқли қолдириб, у зинапоя майдончасига чиқди ва пастдан кираверишдаги вестибюлга олиб чиқувчи зинапояннинг икки ўрамига

назар солди. Ҳар бири 180га 25 сантиметр бўлган зинапоялар 7 сантиметрдан қалинроқ бўлмаган дуб тахталаридан ясалганди. Зинапояларни яхлит тортиб турувчи пластик орасидан ёғоч хира акс этиб турарди. Улар бамисоли ҳавода муаллақ осилиб тургандек бўм-бўш эди. Палмер кайфи баланд одамнинг бундан қандай тушиб-чиқишини кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди.

Шуларни ҳаёлидан кечирганча у бир қўли билан панжарадан туганча зинапоядан туша бошлади. Худди ўйлаганидек бўлди. Бир оёғини қўйиб, иккинчиси билан кейинги зинани пайпаслаганча ўз оғирлигини чамалаб кўрди — бамисоли ҳавода парвоз қилаётгандек бир ҳиссиётни туйди. У пасттача тушиб олди-да, у ёқ-бу ёқни қараб чиқиб, “Зинапоя қафаси” деган лавҳачани топди. Тугмачани босди. Иккинчи қават шифтга яширинган чироқларнинг нури зинапояни замонавий ҳайкалтарошлик асарига айлангирди. Уни томоша қилар экан, Палмер жилмайиб қўйди. Драмастик асар. Таъсирчан асар. Жозибадор асар — гап йўқ.

У назорат тахтаси томонга бурилди ва гилдирак кўрсаткичини асосий меҳмонхонага суриб қўйди. Чор-агрофни майин акс этиб турган ёғду чулғади. Бу аввалига унга ёқмаган ягона хона эди, ҳаддан ташқари катталиги учун ёқмаганди. Унинг 7,5 га 18 метр келадиган бутун биринчи қавати асосан меҳмонхона ва майда-чуйда ёрдамчи хоналар қилиб қўйилганди. Унча катта бўлмаган фойе меҳмонхонанинг биргина бурчагини эгаллаган. Зинапоя ҳам бир четгинасида эди, бироқ режа бўйича у ҳам хонанинг меъморий бўлаги сифатида режалаштирилганди. Қуйи қаватнинг тўрдаги бурчагида уйни энлаб бир қанча майда хоналар жойлашган, булар вино сақланадиган хужрача, ваннахона, ёрдамчи ошхона бўлиб, таомни тортиш учун юқоридаги ошхона билан лифт орқали туташтирилганди. Меҳмонхонанинг ўзи 7,5 га 15 метр майдонни эгаллар, шифтнинг баландлиги 7,5 метр, поли дубдан, аралаш паркет терилган, олд томондаги сидирга ойнаванд деворга парда қоқилмаган эди. Алюмин панжара уни тўғрибурчакларга бўлиб турар ва орасидан бино олд деворининг кунгиралари кўзга ташланарди. Кечкурун ўтаётганлар меҳмонхонага олд девор оралигидан мўралаш имкониятига эга бўладилар. Ва, дарвоқе, шундай фойдаланмоқдалар эди. Чирмовуқ ўсдирилгандан кейин, деди Палмер ўзича, тилга балиқчали аквариум кўнгилдагидай завқ бермай қолади. Лекин унча, ўйлади у, ўтаётганлар олд девордан кириб келишга ўрганиб қолишади. Ёки кечкурунлари хонадан фойдаланишга ҳожат ҳам қолмас?

Зинапоя олдида турганида унга узундай бўлиб кўринган орқа деворда асосий нарса камин — мустамлакачилик ўчоғининг замонавий камолоти эди, лекин у шу қадар катта эдики, унга бир нечта одам тик туриб ҳам бемалол сиғарди. Каминнинг қоқ ўртасида ўтин учун оддий қора чўян таглик ва икки метрча энликдаги панжара жойлашганди. Панжарада бир нечта тараша, улар ёнида каминга тегишли буюмлар ва мароқли кўринишдаги қора темир чақмоқтош ётарди.

— Шу нарсанг ёмон хавфли-да, — деган эди у хотинига.

— Уни юз йилдан бери ишлатиб келишади-ку.

— Биздаги шу нарсани-я?

— Ҳа.

— Бирон янгироқ хилини ўйлаб топишолмабдими?

Хонага разм солар экан, Палмер унинг бўёғига эътибор беришни эсдан чиқараёзиди. Эдиснинг лакланмаган дубга мойиллигини маъқуллаган ҳолда пол чиройли деб қўйди. Девор ва камин оқ рангда эди. Чоғроқ орқа хоналарга очиладиган эшиклар қора, каминга тегишли нарсалар ҳам шу тусда. Дарҳақиқат, деди у хонага яна бир бор синчиклаб кўз югуртириб чиқиб, сувратлар бошқача жон киритиб турибди. Уларнинг ҳар бири ўз чироғининг тагидан жой олган, бу девор оқини юмшатар ва мойбўёқлар ёрқинлигини кучайтирарди. Лекин қолган нарсалар хона кўринишига сира кўрк бағишламаётганди. Пастак стул ва деворларга дарахт пустилогини эслатувчи мато қопланган. Бир нечта яшил ўсимлик гилдилари оқ ва қора кўчма қутиларда турарди.

Бир гал билмасдан ва гоят хотиржам тусда у Эдиста бўёқларнинг маъносизлиги ҳақида айтганида хотини унинг танбеҳини мақтов деб тунганди.

— Албатта, — деб жавоб берганди хотини, — хонада бўлган одамлар уни безаб турсин деган хаёлда шундай қилинган.

— Сен аёлларни назарда тутаяпсанми?

— Балки, — деди хотини, — мен бир неча ихчам-ихчам сидирга ранг гилам оларман.

Палмер тепада оила овқатга йиғилаётганини эшитди. У назорат шчитига қайтди, чироқни ўчирди ва энди кўзга кўринмай қолган зинадан кўтарила бошлади.

Уйига қайтаётиб машинада ҳис қилгани ёлғизлик туйғуси ҳозир зинадан кўтарилиб бораётганда ҳам вужудини қамраб олди. Эдис ва миссис Кейжнинг бир-бири билан гаплашаётгандаги гапларига эмас, балки фақат овозларига қулоқ тугди. Шу он Палмер тўсатдан кўнглида бошқа туйғуни, худди ёлғизликка ўхшаган кучли туйғуни ҳис этди.

Аввалига бу қанақа туйғу эканини билолмади У қандайдир танҳолик билан боғлиқдай эди, лекин барибир бу қандайдир бошқача эди. Ёлғизликни ёқимли, ҳатто ҳаяжонли қилувчи ўшандай кучли туйғу.

У кейин тушунди. Мана шу ойлар мобайнида Нью-Йоркда у тутуруқсиз меҳмонхона ҳаётини кечирди. Ҳамма нарса ўзгарди. Энди у ўзининг яна одатдаги ролини — ўз уйда оила отаси ролини ўйнамоқда эди, ҳатто юридик маънода ҳам уй эгаси масъулият ва мулкчиликнинг ола хуржунни бўйнига тушган эркак, вассалом.

Унинг ҳеч бўлмаганда Чикагода ўйнаган бу роли бошқа бир нарсани ҳам кўзда тутар эди. Уйдагиларга ёрдам бериш, гарчи сезилмас бўлса-да, уй юмушларининг бориши устидан доимий назорат, миссис Кейж ва болаларга йўл-йўриқлар бериш.

Бошқача айтганда, деди Палмер, энди у *pater familias* сифатида тўла тикланган. Аммо Виржиния Клэрининг борлиги булар барчасига қўшимча жиҳат бағишлагандай бўлди.

Палмер аслида бу роль қанақа бўлганлигини биринчи марта кўрди. У бу иккита роль эканини энди англади. Актер каби у иккиёқлама ҳаёт кечирарди. То ўйнаши лозим бўлган иккита Палмер бўлар экан, улардан ҳеч бири ҳақиқат бўлолмайди. Бутун ҳаёти тўқимадан иборат бўлиб қолади.

Палмер қоронғилик кўйида мийиғида кулиб қўйди. Энди у ҳар иккала туйғусини ажрим қилиб олганди. Актёрга ўхшаб, алоҳидалик туйғуси бор эди унда. Алоҳидалик билан яна сенга қараб турганларини англаш туйғуси шунга чамбарчас боғланиб кетганди.

Оила отаси. Жазман ота. Бунақа ролларни ҳар ким ҳам уддалайвермайди, ўйлади у. Ҳар ким ҳам бир вақтнинг ўзида эр ва ўсмир ролини ўйнаёлмайди. Кутилмаганда унинг миясига бир фикр урилди: ўзи кимдир — қачондир уддалаганмикан?

— Вуд, азизим.

— Келаяпман.

У аввалига зулматда кўзга кўринмаётган зинапоялардан секин, ҳадиксираб юқорига кўтарила бошлади, ёруғроқ бўлган жойда эса одимларини жадаллатди. Ошхона эшиги тагида тўхтади. Эдис чироқларни чарақлатиб ёқиб қўйганди. Хонага қараб кўз қамашарди, болаларнинг чеҳралари ёқимли ва деярли беғубор эди.

— Парда очилди!

Ўттиз еттинчи боб

Бу вақтга келиб, поезд Манҳеттеннинг юз йигирма бешинчи кўчасидан кўзгалганида ва Олбани томон шимол сари гумбурлаб йўл олганида вагонда битта ҳам бўш жой қолмаганди. Бироқ, Палмер кўпчилик қатори чиптани олдиндан олдириб қўйганди. Қолган йўловчилар вагонни пошмай, эринчоқлик билан тўлдирга бошлаган эдилар. Уларнинг чеҳраларидан: “Моломики шу жой

бизники эканми, қиттак-қиттак отиб олиб, кейин бемалол чиқиб ўтираверамиз-да”, деган қандайдир бамайлихотирликни алайна ошкор сезиш мумкин эди.

Палмер аста-аста виски хўшлар экан, стакан тепасидан ўз ҳамроҳларини кузатарди. Ҳаммалари шунчаки олифталикка ичишаётгани очиқ кўришиб турибди, хаёлидан ўтказди у. Самолётнинг йўриғи бошқа — асаби бўш сайёҳлар учун алкоголь — энг яхши тинчлантирувчи восита. Вагонда эса йўловчилар бир-бирлари билан турунглашиб ҳам, у ёқдан-бу ёққа бемалол юриб туриб ҳам вақтларини ўтказса бўлади. Фақат бундай имконият ўтириб кетиладиган купелардагина йўқ. Тўрт соатлик бекорчиликни америкаликлар бир жойда қимирламай ўтириб ўтказишни афзал кўрадилар.

Чунки, уй суришда давом этди Палмер, бир жойда қимир этмай ўтирганимда атрофдагилардан беихтиёр узиласан ва ўзинг билан ўзинг қоласан. Шунда хаёл суришдан бошқа ишинг қолмайди.

Вискидан хўшлар экан, Палмер мийиғида кулиб қўйди. Бу ёғини сўрасанг, америкаликлар хаёл суришдан қочишга ўрганиб қолишган. Темир йўл станциялари ва аэродромларнинг киоскалари бунинг яққол далили. Юмшоқ муқовали журнал ва китобчаларга тонналаб қоғозу бўёқлар сарфланган — булар бари вақт ўғрилари бўлиб, шууринг деворини чақирилмаган ўйлар келиб дукиллатади-да, зерикарли узоқ-узоқ соатларни тўлдиришга қафолат беради.

Деразадан боқиб учун Палмер ўриндиғида ўтирилди. Қиш қуёшининг сўнгги нурлари тез сўйиб борарди. Яна бир лаҳзадан кейин манзара бутунлай сидирга тус олди — у ёқдан фақат оч-сарик тимқора бўёғу заиф пушти тутунгина кўзга ташланарди. Сўнг уфқ осмони ҳам қоқ тепадаги каби тимқора тусга кирди. Ҳаммаёқ бир хил рангда. Тун тепаликларни ҳам текислаб юборди, ҳозиргина уй ва чорраҳалар айқаш-уйқаш бўлиб ётган жойда ёрқин чироқларгина чарақларди.

Палмер оҳиста хўрсинди — кун ботишига ҳали бир неча дақиқа бор, деб ўйлади. Кимдир унга айтган эди — Виржиния бўлса керак, Гудзон воҳасида йўллар жуда чиройли бўлади деб. Ҳозир эса бу йўл Олбанигача унда-бунда учраб турадиган тунги қишлоқлар манзарасидан бошқа ҳеч нима тақдим этмаётганди. У кўзларини юмди ва охири пинакага кетди.

Олбани шаҳрининг қадимий станциясида негр ҳайдовчи унинг фуражкеси четидан туртди:

— Мистер Палмер, сэр?

Палмер унга ягона юки бўлмиш жомадонни тутказди-да, ҳайдовчи ортидан тутунли платформа ёқалаб кетди ва кейин пешоб ҳиди уриб турган бетон зинапоядан бир қават пастга ўтди. Йўлак чеккасида узун кулранг “флитдуг” турарди. Ҳайдовчи Палмерга машина эшигини очди. Ичкари иссиқ эди.

— Мистер Бернс тўғри “Форт Оранж” клубига боришни тайинлаган эди, сэр, — деди ҳайдовчи машинани тезликка солар экан.

“Форт оранж” клуби бир неча қаватли паст-баланд қилиб қурилган готик услубидаги қоп-қора бинолар туркумидан иборат эди. Тун қоронғилигида унинг барча деразаларидан чироқ порларди. Ҳайдовчи ортидан Палмер бинога кириб келди. У нима қилишини билмай фойеда тўхтаб қолди. Бурчақдаги идорачадан бир кекса хизматкор унга пешвоз ўрнидан турди.

— Сизни кутаяпти, мистер Палмер, — деди у баланд қалтираган овозда.

Палмер ҳайдовчига чойчақа берди-да, қўйиб юборди.

— Мистер Бернс хона буюртма қилиб қўйган бўлса керак?

— Ҳа, мистер Палмер, 26, — жавоб берди портъе. — Йўқ демасангиз, жомадонингизни юқорига олиб чиқиб берай. Мистер Бернс сизни ҳордиқ хонасида кутаяптилар.

Палмер бурилиб зинадан кўтарила бошлади.

— Бориб, келганимни айтинг, — деди у кулисини босиб.

— Ҳозир, сэр. Хизматкор жомадонга югурди, бироқ бирдан тўхтади, оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига солиб, нима қилишини билмай тараддулданди: аввал жомадонни олиб кирсинми ё Бернсга хабар берсинми. — Ҳозир, сэр, ҳозир.

Кенг зинанинг деярли ярмига етганида Палмер орқасига ўтирилди ва хизматкорга ёмон ўқрайиб қаради. Хизматкор дарҳол англади-да, ўқдай учиб келиб, уни хонаси томон бошлаб кетди.

Чамадонни ичкарига қўяр экан, хизматкор сўради:

— Сизни ҳозир тушадилар деб айтайми мистер Бернса?

— Келганимни айтсанг, бас.

Портъе кетди.

Гарчи хона катта бўлса-да, бесўнақай мебелдан торга ўхшаб кўринарди. Кроватнинг эндор мис сунячиқлари оралиғидаги парку тўшакда ётиш улкан искабтопар қорнида ётиш билан баробар, дея кўнглидан ўтказди Палмер.

Ванна катталиқда ётоқ бўлмасидан қолишмасди. Жиҳозлари ҳам бақувват-бақувват эди. Бу ерда фақат ваннада чўмилиш мумкин, аммо душнинг иложи йўқ эди.

Ётоқ бўлмага қайтиб келиб Палмер кийимларини ечди. У ювинаётганда кимдир эшикни чертди.

— Кириг.

— Вуди, кўзичоғим?

Палмер артинди-да, Бернс билан кўришгани чиқди. Улар чурқ этмай туришарди. Бернс ҳар иккала қўлида тўла-тўла стакан тутиб турарди. Улардан бирини Палмерга узатганида қўйлаги енидаги тутматўғноғич жиринглаб кетди.

— Салом, бобой!

Палмер стаканни олди, аста кўтарди ва майда-майда хўплай бошлади.

— Шошма, мен аввал кийиниб олай, — дея у стаканни қўйди-да, жомадонни титкилай кетди.

— Ву-уди! — чўзиб деди Бернс атайлаб кўнгилашчилигини билдирмоқчидай.

— Ву-уд, чироғим! Нега қовоғинг солиқ? Яхши етиб келдингми, ишқилиб?

Палмер бошини чайқади:

— Мен Сиракузага эртага кундузи учини мўлжаллагандим, кечқурун қайтиб кетмоқчи эдим. Нима, дунёга ўт кетдимиз?

Бернс хўрсинди ва чуқур ўриндиққа чўкди.

Қўйлагини кия туриб Бернса назар солар экан, Палмер унинг қаттиқ толиққанини англади.

— Кўринишим ёкмади, а, топдимми? — сўради Бернс томошабин кўнглини дарҳол пайқаган актёрларга хос зийраклик билан. — Сени деб мен бу ерда ўзимни ўтга ҳам, чўққа ҳам урдим, азизим Вуди. ЮБТК учун жонимни аямадим, ўлгудай тармашдим. Сўнгги саккиз кунда ўртача уч-тўрт соатдан ухладим-ов. Мижжа қоқмадим десам ҳам бўлади.

— Чакки бўлибди, — деди Палмер, қўйлагини шими ичига соларкан. — Аммо такрор айтаман, менинг зудлик билан бу ерга келишим шартмиди?

Бернс унга қошини чимириб тикилди:

— Нимадандир хафамисан, жўражонгинам.

— Йўқ, шунчаки, қизиқяпман.

— Гап оҳангинга қараганда менга аччиқ қилаётганга ўхшайсан.

— Йўқ, — аллади Палмер. — Поезддан кейин бўларим бўлди. Айниқса, нима учун бориб келганимни тушунмаганимдан кейин.

— Кўшгина сабабларга кўра, — жавоб берди Бернс. — Сен бу ерда шахсан иштирок этишинг зарур.

— Фойдали одамлар жамоасига ўзимни кўрсатаманми? Шуям баҳона бўлди-ю.

— Қисман ҳақсан, Вуди. Дам олиш хонасига тушиб, бир неча демократик партиялар раҳбарлари билан валақлашамиз. Бу яхши таассурот қолдиради. Кейин республика партияси барзангиларидан бири ташкил қилган “Тэн Эйк” йиғилишига борамиз. Бироқ, бу ишнинг бир қисми холос. Сен менга шу ерда, ҳафта давомида бу арбобларга сотган нарсаларимни мустаҳкамлаш учун кераксан.

— Ҳайит арафасида бу ерда арбоблар кўп бўлмаса керак.

— Улар эртага тарқалишади. Шунинг учун сени зудлик билан келишга мажбурладим. Бугун оқшомда шундай тadbирларнинг охиригиси бўлади. Таътил тугагандан кейин эса, ҳатто ўйласанг кўнгилаш айниди — сессиялар бошланади. Шундай қилиб, ё бугун, ё ҳеч қачон.

Палмер жамадонидан янги бўйинбоғ олиб, жавондаги узун, туссиз ойнага ўзини солди.

— Бу ерда нималар билан кўнгилаш очдинг?

— Орзулар билан. Яна нима билан шуғулланишим мумкин?

- Қанақа орзулар?
- Бернс елкасини қисди. Палмер ойнада унинг бу қилиғини кўриб, бир лаҳза ўз аксига эмас, унга қаради.
- Аниқроғи?
- Бир нечта шу ерлик йигитлар, асосан, ҳуқуқшунослар бизга фойдали бўлиши мумкин. Уларга қарз сўраган мижозлар учун омонат банклари ҳеч вақо бермаслигини, фақат тижорат банкларигина ёрдам кўрсатиши мумкинлигини айтдим.
- Биронга қафолат бердингми?
- Овоз бериш масаласидами? Ҳали жуда эрта.
- Қарз бериш масаласини айтяпман.
- Қарз бериш? Мен? — Палмер қўлларини кўтарди, бирлаштириб, кўксига босди. — Мени ким деб ўйлаяпсан? Бирорта аҳмоқ дебми?
- Шунчаки сўрадим.
- Вуди! — Яна сўзлари гўё бошлари устида муаллақ қолгандек бўлди. — Вуди, болакай, — давом этди Бернс. — Мендан жаҳлинг чиқаяпти, тан ол.
- Палмер ўзини туголмагани учун ойнага қараб, афгини бужмайтирди ва Бернс ишонмаслигини ўйлаб, жавоб беришдан олдин бўйинбоғини ҳафсала билан боғлади.
- Мак, — гап бошлади у. — Ақлинг расолигига шубҳа қилмайман. Мулоҳазакорлигингга, сиёсий сезгирлигингга, садоқатингга, куч-қувватингга тан бераман. Фақат банкирлик қобилиятинг борлигига ишонмайман. Банкир сифатида ҳеч нарсага арзимайдиган одам бўлишинг мумкин. Шу боис, қарз масаласида тезкор музокара олиб бораёпман деганингга, ажабландим.
- Бернснинг узунчоқ юзи табассумдан ёришиб, пастки лаблари роҳатланганидан ёйилиб кетди.
- Мен банкир эмасман, йўқ. Гапимга ишонавер, болакай, буни биламан. Бироқ мен аҳмоқ ҳам эмасман. Молиявий масалаларни сенга қолдираман.
- Палмер ўгирилиб, унга тик қаради.
- Шунинг учун келдимми? Қарз ҳақида гапириш учун-а?
- Бернснинг узун, озгин қўллари Палмерга чўзилди, у олифталик билан инкор маъносини билдирди.
- Вуди, азизим, сени ҳеч қачон бунақа вазиятда ташлаб қўймайман. Ўйлаб кўр, Мак Бернснинг қарз ҳақидаги шамаларига ким ҳам ишонарди? Бироқ Мак Бернс билан Вуди Палмер Олбанида бирга юришса — ишонишади. Шубҳалар ҳатто миллион йилда ҳам амалга ошмаслиги мумкин, бироқ уларга ишонишади. Сенга орзулар ичида яшаганимни айтдим, Вуди.
- Боя айтганимдек, Мак, айнан шунинг учун ҳам сен ҳеч қачон банкир бўлмайсан.
- Бернс биров жим қолди.
- Раҳмат, — деди ниҳоят.
- Сен бу гапни мақтов деб тушунмаслигинг керак.
- Бунга эмас, имло хатоимни тўғрилаганинг учун раҳмат.
- Қанақа хато?
- Муғамбирлик қилма, Вуди, “Мен шундай дедим”ни сен “Мен айтганимдек” деб тўғрилади. Мен айтганимдек. Вуди, мен аҳмоқ эмасман. Шамаңг учун раҳмат.
- Бу ҳатто хаёлимда ҳам йўқ эди. Энди кимдан кўпроқ жаҳли чиқаяпти?
- Бернснинг саргимтил — кўнғир кўзларида ўзгариш кўринмас, улар хотиржам боқарди. Кейин бу кўзларда масхараомуз истеҳзо пайдо бўлди.
- Кечир, қария, — деди у. — Сени яхшироқ билиб олганимдан кейин дастлаб нималарни ўйлаганимни гапириб бераман. — У кўкрагига урди. — Ичимдаги гапларни...
- Палмер бўйинбоғини кўнғилдагидек қилиб боғлади. Кутилмаганда хаёлига: Бернснинг хонадонидида тушириб юборган тўғноғичимни Виржиния эмас, у топиб олганда, нима бўларди? — деган фикр келди. У хаёлларини маълум бир йўналишга солаётгандек, бошини силкитди.
- Нима бўлганда ҳам менда сен қадрлайдиган айрим маълумотлар бор, — деди у. Бернснинг юзида яна бефарқлик аломати зоҳир бўлди.

— Ҳа?

— Биржа маълумотлари. Хоҳлайсанми?

Бернс кинояли кулимсиради.

— Хоҳлаган пайтингда, азизим.

— Улар сенга кулгили кўринади, — гап бошлади Палмер. — Балки “кулгили” деганим ўринли эмас, сийқаси чиққан гапдир. Мен ЮБТКнинг акциялари ҳақида гапиряйман.

Бернс кулиб юборди:

— Мана бунини янгилик деса бўлади. Улар бир ойдан буён кўтариляпти.

— Бироқ жуда секин.

— Сен катта сакрашни кўзда тутаяпсанми?

— У бошланса ЮБТК акциялари икки кунда 10 бандга кўтарилади.

Бернснинг қошлари туташди.

— Нима учун?

— Ҳеч қандай изоҳга ўрин йўқ. Шунчаки, маълумот.

— Яхши. Қачон?

— Бу — мен аниқ айтолмайдиган ягона нарса.

— Аниқ билмаслигинг ғалати.

— Агар бу сакрашни қандайдир йўл билан якка ўзим тайёрлаганимда, — тушунтирди Палмер, — сенга “қачон” лигини ҳозир лўнда қилиб айғиб берардим. Бироқ бу менга ҳам, ЮБТК дагиларнинг бирортасига ҳам боғлиқ эмас.

Бернс оромкурсидан олдинга қараб энгашди:

— Унда, кимга боғлиқ?

Палмер елкаларини қисди. У стаканини олиб, Бернснинг каравотидан нарисидаги оромкурсига ўтирди.

— Номаълум валинеъматга.

Бернс гайришуурий равишда стаканини кўтарди, бироқ негадир ичишни унутди.

— Вуди, болакай, мен билан ўйин қилма. Сен буларни қаердан олдинг?

Палмер қадахни ичиб бўшатди. Кейин чамадонини очиб, бир нечта папка олди.

— Битимлар рўйхати, — деди у. — 30 октябрдан бошланган. Ким сотган. Ким сотиб олган — ҳаммаси шу ерда.

Бернс ўрнидан туриб, каравотни айланиб ўтди. Палмер уни кузатиб турди. Бернс кутиммаганда уйғонган қизиқишини яшириш учун иложи борича секин юриб, унга яқинлашди.

— Унда нималар бор экан? — сўради у.

— Ким сотгани, ким сотиб олгани.

— Қани-қани? Улардан нимани англаяпсан?

— Ҳеч нарсани.

— Бутунлайми?

— Бутунлай ҳеч нарсани.

Бернс бошини ёнига эгди.

— Сен мени лақиллатмоқчимисан, Вуди? — у оромкурси ёнига қайтиб, унга ўтирди. Палмер рўйхат уни қизиқтирмай кўйганини англади.

— Танлашиб олиш учун вақтимиз етарлими? — сўради Палмер.

— Беш — ўн дақиқа.

— Сен Роберт Р. Янг “Нью-Йорк сентрал” устидан назоратни қўлга олган пайтдаги катта жанжални эслайсанми?

— Албатта. Ким эсламайди?

— Менинг отам банк вакили эмас, йирик акциядор бўлган Уайт маъмурияга содиқ инсон сифатида у Янг “Сентрал”ни тортиб олмаслигига ишонарди. Катта можаро очикчасига бошланганда у ҳар бир зарбани кузатиб турди, ҳатто у Янгнинг ғалабаси билан тугаганда ҳам бунга ишонмай юрди.

— Бу чинакамига фаройиб воқеа бўлган эди.

— Ҳаётгий тажрибаларига қарамасдан отам раҳбариятга қарши жанг қилиб, юксак ғалабага эришиш мумкинлигини тасаввур қилолмасди. У жанжал ва муштлашув акцияларни харид қилиш борасида Янг талаб қилган оғир таклифларга қарши қилинган деб ўйлаган.

— Аслида ҳам шундай эмасмиди? — сўради Бернс.

Палмер яхна ичимлик ҳўплаганича, жилмайди.

— Биз, чамаси, ҳеч қачон бунни билолмаймиз. Кўряпсанми, бизнинг кунларимизда очиқ жанг бошлангунга қадар фақат шовқин-сурон қолади, бошқа муҳим нарсалар унутилиб кетган бўлади. Жанг сўнги дақиқага қадар яширин ҳолда олиб борилади. Компанияда раҳбарликни эгаллаган кимса, етилиб келаётган жанжални фаҳмламай ўз иши билан тинчгина шуғулланиб юраверади. Вақт-вақти билан улар ҳам қандайдир шовқин-суронни эшитиб қоладилар. Булар албатта, бошқача фикр юритувчи акциядорларники. Улар бир умр шовқин солишади. Бироқ раҳбарият ҳақиқий аҳволни тушунмайди. Жуда эҳтиёткорлик билан ҳамма ердан оз-оздан акция сотиб олишади. Юзтасини бу ердан элликтасини нариги ердан. Бугун мингта, эртага яна мингта. Буларнинг ҳаммаси меъёрдаги фаолликни билдиради. Яъни, аввалдан ўйлангандек кўринади.

Бернс бош чайқади:

— Бунақанги сурьатда кимнингдир ҳаёти фақат назоратни эгаллаш билан банд бўлади.

— Баъзида яширин ҳаракатлар ййллаб давом этади. Уни тезлаштириш мумкин эмас. Ҳаддан ташқари фаоллик шубҳа туғдиради.

— Тушунарли. — Бернс соатига қаради.

— Агар югуришимиз керак бўлса, гапимни бошқа бир кун тугатишим мумкин, — деди Палмер.

— Йўқ, йўқ. Давом эттир.

— Жонингга тегмадимми?

— Мен юқори даражали найрангбозлар орасидаман. Вуди. Ўзинг тушунасан-ку.

— Гаров ўйнайманки, етиб борасан. — Палмер озгина виски ичди. — Хўп, майли. Акция сотиб олишнинг зерикарли жараёнини бошқа воситалар билан ҳам тезлаштириш мумкин эмас: бу биржада нархларни бирдан кўтариб юбориши мумкин. Бунинг ҳожати йўқ. Бу барча жараёнларни муддатидан аввал қимматлашиб кетишига олиб келади. Муваффақиятлар гарови нархларни номтагина кўтарилиб ёки пасайиб, тургун ҳолда бўлиши. Шунда сиз тортинишни ййиштириб, ким сизга акциянинг ййрик пакетини сотса, ўшанга ўн банд мукофот таклиф қиласиз. Сиз имкони бўлган ҳамма нарсани бозор нархида сотиб олиб бўлгансиз. Энди тайёргарлик даври тугади ва сиз акцияларни 5000 дан сотиб ола бошлайсиз. Эслашимча, бундай усул бир неча марта фойда берган. Бироқ бирортаси эҳтиёткорликни йўқотса, ййқилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, ёки нархлар ҳаддан ташқари тез кўтарилиб турса, ёхуд банк маъмурияти нима бўлаётганини англаб қолса, ёки ҳокимиятга интилаётган гуруҳларнинг пули тугаб қолган бўлса...

Бернс лоқайдлигини очиқ кўрсатиб, бўшлиққа тикилди. Орадан бир дақиқадан ортиқ вақт ўтгандан кейингина у Палмернинг гапи тугаганини англади. Стаканини қўлига олиб, ўзини ўнглади ва ишбилармонларга хос қиёфада виски ича бошлади. Кейин ўрnidан туриб шкаф ойнаси олдига борди. Усти-бошини кўздан кечириб, кўз остида қорайиб турган халгачалардан бирини босиб кўрди, хўмрайиб, кафти билан сочини силлиқлади. Бир сониядан кейин ваннахонага йўл олди. Палмер қувурдан шариллаб оқаётган сувнинг овозини эшитди. Кейин ҳаммаёқ жимиб қолди. Бернс стакан тўла сув кўтариб қайтди. Тўхтаб, шошилмасдан сувни ича бошлади. У хўрсинди.

— Қани, кўрайлик-чи, мен сени тўғри тушундиммикин, — деди ниҳоят.

— Марҳамат.

— Сен кимдир Бэркхардтнинг маъмуриятини сиқиб чиқаришга уриняпти, деяпсанми? Шунинг учун акциялар баҳоси ошяптимми? Шу туфайли яқин кунларда бирданга ўн бандга кўтариладими?

— Тўғри. Агар номаълум рақибимизнинг ҳамма иши яхши кетаётган бўлса.

Беркс Палмернинг тиззасида ётган рўйхатни кўрсатди.

— Ким эканлигини фаҳмлай олмайсанми?

— Билолганимда, у фирт тентак одам бўлиб чиқарди. Бу ерда ҳеч ким ҳеч қачон эшитмаган исмлар ёзилган. Бу одамлар бугун АҚШ худуди бўйлаб тарқалган. Ишончинг комил бўлсинки, номаълум корпорацияларнинг ишончли ҳамма омонатчилари нафақахўрлар, унча катта бўлмаган суғурта компаниялари

ва ака-укалар, турмушга чиқмаган холажонлар, котибалар ва яна кимлигини худо биладиган одамлар бўлиб чиқади.

— Бу одамларни акция сотиб олишга қандай мажбурлашган?

— Бу жуда осон. Ҳокимиятга интилувчи гуруҳлар акцияларнинг нархи ошишига кафолат беришади. Ҳалол ишлаганда аслида шундай бўлиши керак-да. Бу гуруҳлар тарқоқ акция эгаларидан акцияларни қайтариб олишмайди. Уларга шунчаки, ҳокимиятга интилишларини қўллаб-қувватловчи ювош омонатчилар керак.

— Буни тушунаман, — Бернс унга ишонч билдирди. — Мен буни англаб етгунимча, Вуди, кимдир ЮБТК устидан назорат қилишни ўз қўлига олмоқчимми? Бу — кимга керак? Ва асосийси, назорат пакетини эгаллаш учун кимда шунча пул топилади?

— Галаба аниқ бўлса, пул ҳаминша топилади.

— Бернс аста бош чайқади.

— Ишлар чатоқ, — тўнғиллади у. — Ишлар чатоқ.

— Унинг қанча қисми, Мак? Кимдир... Шундай қилмоқчимми ёки мен моҳиятига шунчалик чуқур кириб бордимми?

Бернс ҳайрон тикилди:

— Бу билан нима демоқчисан?

— Узимнинг ҳам ишончим комил эмас. Балки, ҳеч гап йўқдир. Балки, таваккалга, ўқ отишдир.

Бернс анчагача Палмердан нигоҳини олмади. Ва ният бошқа томонга қаради.

— Ҳа, майли, ўйлайманки, сенга ўхшаган пултопар йигитлар учун бу — ҳеч гап эмас.

— Агар сенинг хусусий компаниянда юз берса, ҳеч қачон “ҳеч гап эмас” деёлмайсан.

— Тўғри айтдинг. Нима қилмоқчисан?

— Палмер идишдагини ичиб тугатиб, ўрнидан турди.

— Гап шундаки, менда ЮБТК акциялари йўқ. Мен оддий хизматчиман. Бу — Бэркхардтнинг ташвиши.

— У биладими?

— Найрангларнимми? Билиши керак. Мен айтгандим.

— А? — Бернс ўйчанлик билан пешонасини тириштирди. — Майли, қария, бу — бизнинг оқшомги ташрифимизга ўзгартиш киритмайди, шундай эмасми? Биз ҳали яна бир нечта жамғарма банкларини дабдала қилишимиз керак.

— Шундай қиламиз. — Палмер пиджагини кийиб, эшик томон йўналди.

— Албатта. Агар бу вазиятни ўзгартирмаса, — эҳтиёткорлик билан кўшиб кўйди Бернс.

— Нега у вазиятни ўзгартириши керак? — Палмер унга қараш учун тўхтади.

— Бирининг иккинчисига алоқаси йўқ.

У Бернс сусткашлик қилаётганини кўриб, тунд башарасидан бирор нарса уқишга уринди. Ахир у Бернсга атайлаб биржа аҳволини моҳирона уюштирилган найранг деб тушунтирди. Ва ЮБТК назоратини қўлга олиш устида кетаётган жангги жамғарма банклар учун бўлаётган уринишларга алоқаси йўқлигини аниқ таъкидлади. Аслида, мулоҳаза қилди Палмер, иккови ҳам битта нишонга уришапти. Оддийгина акция сотиб олиш билан ЮБТКда катта корпарация устидан назорат қилишни қўлга киритиб бўладими? Бернс бир нарсада ҳақ — ҳаммада шунақа пуллар бор. Бироқ бундай жангда пул ягона восита бўлмайди, ўйлади Палмер. Банк дирекциясини обрўсизлантириб, кўпчилик акциядорларни ўз атрофига йиғиши мумкин. Оқибатда акциялар сонининг аҳамияти бўлмайди. Асосийси, йирик аксиялар кимни ёқлашида. Агар Лейк Бэрнхадтни руҳий касал, шунинг учун талвасада жамғарма банклари билан ҳисоб-китоб қиляпти деб гап тарқатилиб, шармандаларча мағлуб қилинса, ана шундагина пулдан кўра қимматроқ қурол пайдо бўлади.

— Кетдик пастга, сиёсат билан шуғулланамиз, — ниҳоят таклиф қилди Палмер.

— Кетдик. — Бернс зўр бериб хонадан ниманидир қидира бошлади. Ваннага кирди, бир дақиқача ўтгач, у ердан юзида таажжуб билан чиқди.

— Тумовга қарши доринг борми?

- Бўлса керак.
- Жиндай тумов бўлибман, дорим тугаб қолибди.
- Сигарет сотиладиган докончада кичик қутичалари бўлади.
- Тўғри. — Бернс эшик ёнида турган Палмернинг ёнига борди. Ширин жилмайди. Қандайдир лаҳзада йўлбарс кўзларидек ўткир кўзлари мулойим боқди.
- Сенда керакли дори бўлишини билардим, болакай.
- Нега айнан менда?
- Билмадим. — Табассум кулгута айланди. — Шунчаки, хаёлимда бу доридан тез-тез фойдаланиб турасан, деб ўйладим.
- Бернс эшикни очиб, ташқарига чиқди.

Ўттиз саккизинчи боб

Палмер эртаси куни соат ўнда уйғотишларини сўраган бўлса-да, соат ўн бирда ҳам ҳамон ўринда ётарди. Навбатчи соат ўнда кўнғироқ қилди ва Палмер унга барча сўраганларга кечроқ қайта кўнғироқ қилинлар, деб тайинлашни илтимос қилди. Палмер яна бир соат узук-юлиқ тушлар кўриб ухлади.

Ана шундай тушларнинг бирида Палмер Бэркхардт билан нонуста қилди. Сухбат ўртасида у сочиқчасини кўтарди ва Бернс қидираётган дори турганлигини кўрди.

Палмер уйғониб, ёнбошига ағдарилди ва яна уйқу элитмагунча, кимирламай ётди. Охирги туши жуда узоқ давом этдим... У ойнадан қараб турган аёлга қувонч билан қўл силтади. Улар кучоқлашдилар. Аёлнинг қўллари йўқ эди.

Палмер уйғониб кетди ва тушидаги кўрган “тумов дориси”нинг мағзини чақишга уринди. Қўлсиз аёлни кўз олдига келтириб, юраги эзилди. Сўнг фақат дорини ўйлаб, бошқа тушларини унутди.

Нихоят, батамом уйғониб, каравот четига ўтирди ва бунчалик уйқу босганига ҳайрон қолди. Бернс уни соат иккида, шаҳарнинг ишбилармонлар қисмида ўтказилган зерикарли оқшомдан кейин тунги соат иккиларда “Форд Оранж”га қайтариб олиб келди. Кейин, клуб салонида унча қатта бўлмаган жамоа йиғилди. Бу ерда Палмер бироз ичди. У соат учга яқин, балки ҳатто эртароқ ухлагани ётганини эслади.

Палмер ўтган оқшомда юз берган воқеалардан энг яхшиси — меҳмонхонада ўтказилган кичкина ўтириш деб ҳисоблади. Унда асосан эркаклар бўлганди, бир-иккитасигина хотинлари билан келган, шунингдек, бир неча аёл иштираётганди. Палмер бу аёлларнинг гапларини деярли эшитмади. Сухбатни фақат эркаклар олиб боришди: кексалар, ўрта ёшлилар, озгин, семиз — умуман, ҳар хил тоифадаги, штатларнинг ҳамма чеккасидан, Урта Ғарбдан келган, қиёфаси ҳам, мақсади ҳам турли-туман одамлар йиғилган эдилар.

Бу жамоа менинг тенгим эмас, деб ўйлади у...

Нихоят, ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Нима учун у Бэркхардтга ўзини мана бу сиёсатчи ҳайвонлар билан битта саҳнага чиқариб қўйишига йўл берди?..

Албатта, деб ўйлади Палмер деразадан боқиб, айрим арбоблар жуда ҳам банд. Масалан, Калхэйн хилидаги одамлар қўл етмас ҳокимиятлари билан ўзларига жалб қилишади. Улар билан иш олиб бориш мумкин...

Палмер кескин ўтирилиб, телефон ёнига келди.

— Жаноб Бэрнсени, илтимос, у қаерда бўлса ҳам...

Навбатчи шаҳарнинг қаеридадир юрган Бернсени топишига камида беш дақиқа вақт кетди.

— Вуди, болакай, уйғондингми?

— Мак, мени Сиракузага олиб боришга ҳожат йўқ. Мен шу ердан ижарага машина оламан-да, бугунги нутқдан кейин Нью-Йоркдан тўғри Сиракузага учиб кетаман.

— Азизим, бу — мен учун фақат ҳузур бағишлайди. Сени олиб бориб қўйиш менга роҳат-қу.

— Ҳожати йўқ. Бу ерда, Олбанида мендан нимани кутган бўлсанг — бажардим.

— Нега бундай деяпсан?

— Мен тўғрисиани айтяпман. Сен, шундай қилиб, Нью-Йоркка жўнашинг мумкин, мен ҳам. Акс ҳолда бутун оқшомда машинада орқага, Олбанигача қайтишинга тўғри келади. Биз Нью-Йоркка фақат эртага етиб борамиз.

— Ҳм. Ақлли гап. Бироқ мен сен билан яна баъзи нарсалар ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим.

— Байрамдан кейин вақтимиз кўп бўлади.

— Бизга келганда топилмай қолади-да. Уч-учини боғлаш зарур бўлган ишлар кўпайиб қолди. Сен бўлсанг нутқ сўзлаб, шгатлар бўйлаб айланиб юрасан.

— Учрашиш учун вақт топамиз.

Бернс жим бўлди.

— Тасаввур қила олмайман: ЮБТКнинг вице-президенти ижарага олинган шалоқ аравада юрса.

— Алжирама.

— Тўғри гап, Вуди. Ҳеч бўлмаса машинам билан ҳайдовчимни бериб турай, рози бўл. У сени Сиракузага олиб бориб қўйиб, кейин мени олиб кетгани Олбанига қайтади. Майлими?

Палмер ўйланиб қолди. У Бернсга қарашли машинадаги “8” белгисини кўрган, бу машина ижарага олинганини билдирарди. Бернс уни алдамоқчими?

— Мак, ортиқча вақт учун лимузин ёллаш ўзим машина ҳайдаганимдан кўра қимматга тушади, — деди Палмер.

— А? — Бернс бир лаҳза жим қолиб, бепарволик билан сўзлади:

— Вуди, банкир менга иқтисод қилиш ҳақида маслаҳат берса, амал қилганим яхши.

— Дуруст. Мен сени ҳафтанинг охирида, Нью-Йоркдан топиб оламан.

— Майли, Сиракузадагиларнинг таъзирини бер.

Палмер маҳаллий ижара идорасига кўнғироқ қилиб, кредит карточкаси ва Нью-Йоркдаги яшаш манзилини билдирди.

— Сиракузадаги меҳмонхонадан жой ажратиб қўйайликми?

— Бунинг кераги йўқ, — жавоб берди Палмер ходимга. — Бутун оқшомдаёқ уйимга учиб кетаман.

— Ундай бўлса, самолёт учун жой брон қилиб қўяман.

— Шундайми? Жуда яхши. Ярим тундагисига бўлсин.

— Бу — 53-рейс бўлади. У Нью-Йорккача ҳеч қасрга кўнмай учиб боради.

— Сиракузага қанча вақтда етиб борилади?

— Икки соатда.

— Яхшиси, меҳмонхонадан жой буюртиринг. Анча вақтим қоларкан.

— Машинани меҳмонхона ёнидаги идорага қолдирасиз. Улар бунгача сизга самолётга чипта буюриб қўйишади.

— Палмер гўшакни илиб, ювиниб, костюмини алмаштириш учун ечина бошлади. Сафар давомида Бернсни кўрмаслигидан хурсанд бўлиб, ҳатто енгил ҳуштак чалгани ҳолда ювинди. Бернс билан узоқ вақт бирга юриб бўлмасди. Бироқ ҳозир, Палмер уни ЮБТК устидан назоратни қўлга олишни мўлжаллаётгани деган шубҳага бориб, кўргани кўзи бўлмай қолди.

У нима бўлганда ҳам Палмернинг гапларига совуқ муносабатда бўлди. Бутун оқшом бу ҳақда эслатмади ҳам. Палмер унинг дори ҳақидаги шамасини қулоғига қўйиб олди, албатта.

Аргиниб бўлган Палмер хаёлчан туриб қолди. Нима бўлганда ҳам тумов дориси ҳақидаги шаманинг маъноси нима эди? Ё Бернс Палмердан бирор нарсада гумон қиляптими?

Палмер ванна четига ўтириб, ўзини Бернснинг ўрнига қўйишга уринди. Палмер билан Виржиния унинг уйдан биринчи марта фойдаланган ўша тун ҳақида Бернсда қандай далиллар бўлиши мумкин? Бернс иккови ўша ерда бир муддат бўлишганини билади, албатта. Уйига қайтиб, тумов дориларининг йўқ бўлиб қолганини пайқагандир. Шунингдек, Палмер ҳам, Виржиния ҳам тумов бўлмаганларини эслаган. Шундай экан, нима учун улар шунчалик кўп сочиқ ишлатишганига ҳайрон қолмайдими?

Палмер ўрнидан туриб, кийинди. Шкаф ойнасига қараб бўйинбоғини боғлади. Шумшайган аксини кўриб жилмайишга уринди. Бернс нима деб гумон қилмасин, исботи йўқ.

Палмер буюмларини кичкина жомадонга солиб, хонага бир қур кўз югуртиргач, ташқарига чиқди.

Ўттиз тўққизинчи боб

— Мен тўла аниқлик киритмоқчиман, — деди Палмер. овози зиёфат залига ўрнатилган микрофон туфайли гумбураб чиқди. — Жамғарма банклар оила ва жамият ҳаётида ижобий куч ҳисобланади. Уни ҳеч ким шубҳа остида қолдира олмайди. Бироқ... мен бу гапни айтиш учунгина Сиракузадан келганим йўқ. — У йиғилганлар қулармикан деб гапини тўхтатди. Кулги ўрнига бирданга қаҳқаҳа кўтарилди. Мана буниси зўр бўлди! У говур тўхтагунча кутиб турди.

— Бироқ, — давом этди у, — Масьулиятли фуқаролар, миллат тижоратчилари сифатида сизлар, шу ерга йиғилганлар, АҚШ иқтисодига бир мақсад билан қарайсизлар. Ҳаммамиз ҳам иқтисодиётни узоқ вақт сустлаштирувчи ҳар қандай ҳаракат миллатимизнинг равнақи учун хавф солади деб ҳисоблаймиз.

Мен шунга ишонч билан таъкидлайманки, жамғарма банклар мамлакатнинг ўсиб бораётган иқтисодиётга ана шундай хавф солиб келган ва шундайлигича қолади. Фикримни аниқроқ ифодалашга рухсат беринг. Америкаликлар учун ўз жамғармаларини асрайдиган жуда кўп воситалар мавжуд. Жамғарма банклари ана шундай воситалардан бири. Мен жамғарма банкларга эмас, бу банкларнинг ҳамма пулларини ўз омборларига йиғишга уринаётганларга қарши гапираяшман.

— Жамғарма банкига қўйилган долларлар нима бўлишини ўйлаб кўринлар. Қонун бу банкларга давлат облигациялари, чекланган миқдорда қимматбаҳо қоғозлар ва гаровдан бошқа нарсага рухсат этмайди. Ўз навбатида бундай ҳолат омонат банклари ўз заҳираларининг маълум бир қисмини нақд пул ҳисобида ушлаб туришга мажбур қилади. Яна таъкидлайман: бундай омонат турида ҳеч қандай қонунбузарлик йўқ. Агар озгина миқдордаги пулларни сақлаб турган бундай банклар сони чекланган бўлса, уларнинг иқтисодиётга таъсири унча сезилмасди. Аммо...

Палмер нутқ бошлаганидан бир неча дақиқа ўтгач, атрофга қараб, зиёфат зали одамлар билан тўлганини кўрди. Яхши белги.

Қувноқ шароитда ўтган тушгикдан кейин тингловчилар хайрихоҳлик кайфиятида эдилар. Палмер бу одамлар бутунлай ўзи томонига ўтганини сезгунга қадар жамғармалар ҳақидаги гапни тўхтатмади. Энди алоҳида жамғарма банклардаги биллгга қарши чиқиш орқали ЮБТК ҳам, тижорат банклари ҳам шахсиятпарастларча йўл тутмаётганига ишонтиришгина қолди, холос.

— Мен кўча карнавалидаги сотувчилардан бири бўлганимда, — давом этди Палмер, — бу минбардан қўлимда илон заҳари солинган шиша идиш ушлаб, у ҳатто биллиард соққасида ҳам соч ўстира олишини кафолатлайман деб гап сотган бўлардим.

Номига бўлса ҳам бир-икки жойда кулги эшитилди:

— Афсуски, жаноблар, мени сотадиган нарсам йўқ. Сиракузада менинг банкларим, сизларнинг маҳаллий банкларингиз билан билвосита операциялар ўтказишини ҳисобга олмаганда, тижорат ишлари билан шуғулланмайди. Биз ҳатто йигитларингиздан бирортасини алдаб, Нью-Йоркка чақириб олишни орзу ҳам қилмаймиз. — Кулги сал кўлайди.

— Сизларнинг маҳаллий тижорат банкларингиз номидан гапиролмайман, — давом этди у. — Лекин ишонаманки, улар шуғулланишлари зарур бўлган ҳамма ишни қўлларига олганлар. — Сиракуза — бу гуллаб-ўсаётган жамоа. Бу ерда кўпгина банклар фаолияти учун майдон кенг. Сизлар ўз хусусий заёмларингизни кўрсатасизлар, кредит маълумотларини йиғасизлар, жамғармаларни бошқариб, машина, уйлар сотиб олиш, муҳим ишларни бажариш учун қарз оласизлар. Бунинг учун сизларга фақат тижорат банклари ёрдам беради.

¹ Б и л л ь — қонун, ҳужжат.

Бироқ мен сизларни фақат Сиракузанинг иқтисодига қарашдан ташқари бошқа нарсаларга ҳам...

Палмер минбардан тушиб, қарсақларга қулоқ солди. У ҳали гулдурос қарсақларнинг фарқига борадиган даражада кўп нуғқ сўзлагани йўқ. Бироқ қарсақлар қаттиқ янграб, бир неча дақиқа давом этди. У расмий қўл олишни учун раисга ўтирилди.

Палмер ёнбошдаги эшикдан чиқиб кетаётиб, соатига қаради. Охирги ўн беш дақиқа ичида соатга бир лаҳза кўз ташлаб олишни кўп мўлжаллади, лекин бу аудиторияда ёмон таассурот қолдириши мумкин эди. Соат ўн бир бўлганини энди билди. Самолёт учибига бир соат вақт қолибди. У йўлакда комитетнинг бир неча аъзоси, иккита маҳаллий тижорат банкирлари ва отасини танийдиган ўрта ёшлардаги кишининг табригини қабул қилди. Кейин ижарага олган хонасига кирди. Телефон гўшагини кўтариб, сўради:

— Аэропортга қачон машина кетишини айтолмайсизми?

— Соат ўн биру ўн бешда. Илтимос, бир дақиқа тўхтаг. — Телефон жим бўлиб қолди. Палмер тоқатсизлик билан кутиб турди.

— Жаноб Палмер, — яна гапга тушди телефончи қиз, — зиёфат залида бўлган пайтингизда сизга кимдир кўнғироқ қилди. — У Палмерга маҳаллий телефон рақамини берди. Палмер кўнғироқ қилувчи кимлигини билмас эди. Гўшакни илиб, жомадонини ёпди, пальтосини олиб, хонадан чиқди. Кўнғироқ қилган ким бўлса ҳам Сиракузага янаги гал келишини кутадиган бўлди.

Палмер пастга тушиб, аэрокомпания машинаси турадиган жойга йўл олди. Ўзига ўхшаб ҳорин кўринувчи бир неча киши эшик олдида турарди. Ёнидан югурдак гулдирганича ўтиб кетди.

— Жаноб Мармер, жаноб Мармер.

Палмер тўхтади:

— Палмер?

Югурдак секингина бош ирғади:

— Марҳамат қилиб, ҳов анави телефон гўшагини олинг. — У ниманидир кутиб турди, — Раҳмат, жаноб Мармер.

Палмер ҳайрон бўлиб унга қаради, сўнг чўнтагини кавлаб, 25 цент олди ва югурдакка узатди.

— Жаноб Марм... Палмер эшитади.

— Бир дақиқа, илтимос.

Гўшақда нимадир шитирлади.

— Хайрли тун, жаноб Палмер, — Виржиния Клэрининг овози эшитилди. — Нафис тўрлар тўқиш ва йигириш биродарлари тижорат банкининг Сиракуза бўлинмасидан гапиряғимиз.

— Аввал ҳам сен кўнғироқ қилганмидинг?

— Тўғри, мен ўйловдимки, сен...

— Сен нима қилаяпсан ... да?

— Балки, Сиракузадаги биронта мўъжизани кўрмоқчидирсан, рост, сен...

— Жин урсин, — деди у.

— Аэропортда эмаслигиндан хурсандман, — деди аёл. — У ерда радио орқали сени чақиртириш ғирт бемаънилик бўларди.

— Бу гапинг яхши, аммо нотўғри.

— Авиаккомпаниянинг машинасидан кўра такси олганинг маъқул, — таклиф қилди аёл.

— Қимматроқ бўлгани учунми? Пулни ҳамisha муомалага солиб туриш йўлими бу?

— Сабаби, такси сени Хилл-авенью ва Вестерн- хайвейнинг чорраҳасигача олиб бориши мумкин. Бу ҳам еттинчи рақам.

— Қанақа рақам?

— Кўрасан.

— Назаримда шу туфайли самолётга кеч қоладигандайман.

— Сен бундан бошқа яна кўп ишларни ҳал қила оласан.

— Ҳм-м. Биз — одат қулимиз, режаларимизнинг ўзгаришига тоқатимиз йўқ.

— Алоқа узилди. — Алло, алло? — Палмер бирортаси кузатмаётганмикин деган хаёлда атрофга аланглади. Ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, гўшакни қўйди, чамадонни кўтариб, фойени кесиб ўтди.

— Илтмос, такси, — деди у эшик оғасига...
 — Етгинчи номер, — деди ҳайдовчи манзилга етиб келгач. У Палмер узатган беш долларликни олиб, қайтимини бермоқчи бўлди. Палмер бош ирғаб, қайтимни рад этди.

— Керак эмас. Яхши ўйнаб-кулинг.

Машина шаҳар томон физиллаб кетди.

Палмер етгинчи номерли хона эшигига келиб, тақиллатди.

— Очиқ.

Палмер қоронғу хонага кирди.

— Ким бўлсанг ҳам, салом.

— Эшит. — У Виржинияни кўрди. Аёл ташқаридаги чироқ ёруғи хирагина тушаётган хона ўртасида турарди. — Мен, чамаси, аҳдимдан қайтганга ўхшайман.

Палмер у томонга қадам қўйди:

— Айни пайти.

— Аввалига бу менга жуда ёқимли ғоя бўлиб туюлди. У ёқда, Нью-Йоркда. Шунинг учун самолётга югурдим. Бироқ йўлга чиққанимдан кейин ўйлаб қолдим. — Палмер унга қараб яна бир қадам қўйди. — Йўқ. Уша ерда тур. Биз аэропортдан бор-йўғи бир чақирим наридамиз. Самолётга бемалол улгуришинг мумкин.

— Сени шу ерда қолдириб-а?

— Сен мени чорлаганинг йўқ. Ўзим келдим.

— Буниси тўғри. — У яна бир қадам юрди. Энди аёл ундан атиги ярим қадам нарида турарди. Қоронғиликда унинг кўзлари ҳаддан ташқари йириклашиб кетгандек кўринарди.

— Нима кийиб олдинг?

— Бетайин, тасқара пеньюар. Нью-Йоркка қайтиб кетавер.

— Чамамда, илгари сени бу кийимда кўрмагандим. Пардани ёпиб, тунги чироқни ёқсам бўладими?

— Илтмос, Вуди, ҳақиқатан ҳам бундай қилмаслигим керак эди. Учиб кетсанг ҳам менга барибир. Самолётга улгурасан.

— Бехуда такрорлаясан. — У жомадонни ерга қўйди.

— Керак эмас. Сен ҳақсан, кутилмаганда режаларни бузишдан ёмони йўқ. Бу — хавфли.

— Шу ерда-я? Такси ҳайдовчисидан бошқа ҳеч ким билмайди.

— Агар хоҳласа ҳар қандай одам билиши мумкин.

У аёлни қўлларидан ушлади. Унинг бармоқлари муздек эди.

— Эртага пешингача мени Нью-Йоркда ҳеч ким кутмайди. Ўша пайтда Бернс мени ўз машинасида олиб келмоқчи эди.

— У қаерда?

— Бугун кундузи Нью-Йоркка учиб кетган бўлса керак.

— У сенга эртага қўнғироқ қилмайдими?

— Эртага — шанба. У уйимга қўнғироқ қилишига тўғри келади.

— Буниси чатоқ. Аэропортга боравер.

— Бернс уйимга қўнғироқ қилмайди.

— Нима учун?

— Кейин тушунтираман.

Палмер уни ўзига тортди. Аёл қаршилик кўрсатди. Палмер унинг қўлини қўйиб юборди ва белидан оҳиста кучоқлади. Юпқа кийимлари устидан бармоқлари ва кафги мулойим сирғалиб ўтди. У аста юзини кўтарди. Иссиқ сонларини силаб, уни бағрига тортди. Лаблар бир-бирига ёпишди. Аёлни қўли уни кучоқлаш ўрнига беихтиёр ораликда қолиб, пальто тугмаларини еча бошлади.

— Мана шунақа тентакман-да, — деди у гўё ўзига ўзи гапираётгандек. — У пальтони полга ташлади ва пиджак тугмаларини ечишга киришди. — Самолётда бу ёққа учиб келар эканман, бутун баданимни кўркув босди.

Аёл пиджакни пальто устига ташлаб, галстукка қўл чўзди.

— Бу ерга келганимдан кейин ўзимни қўлга олдим. Меҳмонхонага қўнғироқ қилдим. Жавоб бермаганингдан кейин, сени қўлдан чиқардим, хойнаҳой, йўлда кетаётгандир, деб ўйладим. Ҳатто шуларни ўйлаб, енгиллашгандек бўлдим.

— Мана, — у галстукни узатди. — Бу ер жуда иссиқ, — давом этди у. — Жомадонингда халатга ўхшаган бирон нарсанг борми? — Йигит тасдиқ

ишорасини қилгач, у кўйлак тутмаларини ечишга тутинди. — Яна ўзимга-ўзим, майли, тагин бир марта, фақат бир марта кўнғироқ қилиб кўрай дедим. Улар сени топиб беришди. Ҳамма нарса жойига тушди. Дастакни жойига олиб, яна кўрқиб кетдим. Шунақа тентакман-да.

— Мени топиб олганингдан хурсандман.

— Ростданми? Менга шунчаки кўнгил учун гапираётганга ўхшайсан.

— Ҳа, мутлақо тўғри.

— Бундай қилма, тўғриси айтивер.

— Тўғри йўлни танладим, — деди у. — Бошқаси менга ёқмайди.

— Мен бу ҳақда Нью-Йоркда ўйлагандим. Ла Гардиа аэродромида, шунчаки, ўзим бориб, сента осиладиган бўлсам, қанақа одам бўлдим, деб ўйладим. Шу тариқа аёл кишининг бемаъни йўлга кириб кетиши ҳам осон-да. Нима бўлганда ҳам. Кейин бунақа хаёлларнинг мавриди эмас, деб ўйладим. Яримта севги муносабатлари деган гап йўқ. Шундай эмасми? Бу нарса бошланган, у мавжуд, давом этяпти, ким-кимнинг олдига боради, у қаерда бўлади — аҳамияти йўқ деб ўйладим. Ҳатто, ўйлаб туриб, бу менга шунчалик керакми деган хаёлга ҳам бордим.

Самолётга ўтириш олдидан мен ана шундай ҳар хил, қарама-қарши хаёллар қуршовида эдим. Менга зарурими шу нарсалар? Рост билан, нимани хоҳлайман ўзи? Шунга қарамай...

Қисқа жимлик чўқди. Палмер кулимсиради:

— Айт-чи, нима гап ўзи?

— Биласанми, нимага қарор қилдим. Бу менга ҳеч қачон яхшилик олиб келмаслигини биламан. Лекин бу менга керак! Худди шундай! Яхши эмас, аммо керак! Мантиқсизлик-а?

— Ҳеч қандай мантиқнинг кераги йўқ.

— Албатта. Яна бир марта шундай кучоқла, марҳамат.

— Шундайми?

— Ҳа.

— Нега жим бўлиб қолдинг? — орадан бир неча дақиқа ўтгач, Палмер гап қотди.

— Кўлни қара, — аёл унинг қўлидан ушлаб, дераза ёнига олиб келди. Дарахтлардаги байрам чироқлари ўчирилган. Ойнинг ожиз ёруғида дарахтларнинг сувдаги акси афсонавий бир кўриниш зоҳир этганди.

Палмер унинг халати боғичини ечиб, силлиқ, юмшоқ қорнини силашга тушди. Тапқарида иссиқ шамол турди, аммо дераза ойналари совуқ эди... Палмер Виржинияни дераза тагидан бир неча қадам берига олиб келди. Кафтлари билан яланғоч кўрагини ушлади ва унинг сийнаси учлари бўрғиб, қаттиқлашиб бораётганини ҳис қилди. Аёл нималардир деб пичирлади ва уни хонада осилган парда тарафга қараб тортди. Нур ўтказмайдиган парда сурилди ва кўлни, дарахтларни, тирқишлардан кираётган кучсиз шамол йўлини тўсиб қўйди. Ёқимли ҳарорат баданини чулаб олди. Палмер бир қўли билан Виржиниянинг қўлтигидан, иккинчи қўли билан тиззаси остидан ушлаб, ердан кўтарди ва унинг кўкраклари ўртасидаги чуқур жойга юзини қўйди. Виржиния енгиллашиб қолгандек туюлди.

— Умримда мен кўрган тўшақларнинг энг каттаси шундоқ тўғримизда, очиқ дераза орқасида, — деб қулоғига шивирлади Виржиния.

Палмер уни ўша хонага олиб чиқди...

Қирқинчи боб

Аввалига Палмерга номаълум сабабларга кўра Вик Калхэйннинг идораси шаҳар марказидаги кичкина меҳмонхонадаги кўримсиз бир хонага жойлашганди. Унинг ҳуқуқий идоралари Нью-Йоркдаги ишбилармонлар маҳалласида, Броуд-стритда бўлиб, у ерга ҳафтада бир мартадан ортиқ бормасди. Сиёсий қароргоҳи эса Шарқий бир юз ўн олтинчи кўчада ўзи яшайдиган бинода жойлашган эди. Калхэйнга қарашли бу хонадонни бир

вақтлар — аср бошида йирик партия раҳнамоларидан бўлган отаси эгаллаганди. Бироқ Палмернинг билишича, Калхэйнни кўпроқ меҳмонхонадаги манзилидан топиш мумкин эди. У сиёсат билан ҳам, ҳуқуқшунослик амалиёти билан ҳам деярли қизиқмасди.

Бернс бир гал унга вазиятни тушунтиришга уринган, лекин фойдаси бўлмаганди.

— Буларнинг ҳаммаси режалаштирилган ўйин, — деди Бернс. — Ишбилармонлар маҳалласи Калхэйн мижозларига ҳуқуқшунос сифатида, яшайдиган жойида эса сайловчиларига хизмат қилади. У бу икки тоифани аралаштириб юбормайди, тушунасизларми? Шаҳар марказидаги идораси эса ана шу тарзда пухта иш юритишга имкон беради.

Палмер бироз бош қотириб, Бернс нимани назарда тутаётганини англади: Калхэйн, чамаси, бу меҳмонхонада сиёсий тижорат билан шуғулланади...

Байрамдан икки кун ўтгач, Калхэйннинг хонасига зиналардан кўтарилиб бораётганда Палмер шубҳаси ўринли эканлигини англади. Ҳатто унинг хонасига бориладиган йўлак ҳам турли-туман қиёфадаги, сабр-тоқати юзидан сезилиб турган одамларга тўла эди. Палмер уларнинг ёнидан ўтаётганда бу одамлар хавотир билан қарадилар. Пармернинг хаёлида улар “Бу ким бўлди? Сиёсий арбобми? Уни танимаймиз. У кимни танийди? Бу ерда нима қилиб юрибди?” — дейишаётганга ўхшайди. Палмер очиқ турган эшикдан қараб навбат кутиб тик турган ёки ўтирган ўн иккитача одамни илғади. Стол ортида ўтқир нигоҳлардан қаерга қочишни билмай ўтирган кўҳликкина қизни кўрди. Палмерга кўзи тушган қиз бидинар-билинмас таъзим қилиб:

— Ўнгдан навбатдаги эшик, — деди.

Палмер нари юрди. Орқасидан кимнингдир: — Азизам, у мени қабул қиладими-йўқми? — деган овози эшитилди.

Палмер кейинги эшикни тақиллатиб, бироз муддат кутиб турди, кейин тутқични буради. Эшик ёпиқ эди. У тутқични қаттиқроқ бураб, эшикни итарган эди, очилиб кетди. Палмер хонанинг остонасида Калхэйнга рўбарў бўлди.

— Тезроқ кириб, эшикни ёпинг, дўстим, — деди у ўрнидан тураётиб, — Бўлмаса, ҳозир бу ерга меҳмонхонанинг ярми ёпирилиб келади.

Эркаклар қўл сиқиб сўрашишди. Палмер Калхэйннинг олдида ўзини пакана одамдек ҳис қилди. Унинг бўйи бор-йўғи беш сантиметрча баланд бўлса ҳам баҳайбат гавдасида биронта ортиқча мускул йўқ эди. Сиёсий арбоб яна қоғозлар қалашиб ётган стол ортига ўтирди. Оромкурси суянчигига суяниб, кулимсиради:

— Мак қани?

— Шу ерда бўлиши керак. — Палмер соатига қаради. — Мен ҳозир йиғилишга боришим керак. Ихтиёрингизда нималар борлигини менга айтинг, зарур бўлса мен Макка етказаман.

Калхэйн гўё “ҳамма нарса шу ерда” дегандек, қўлини узатиб, кафтларини очди.

— Яхши хабарлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Менинг Сиракузадаги ходимим жума кuni кечқурун кўнгироқ қилиб, ўзингизни яхши кўрсатганингизни айтди. Нутқингиз, мулоҳазаларингиз ёқибди. Демак, кейинги ҳафта Буффалода янада яхши бўлади. Бундай нарсалар занжирли реакцияга ўхшайди. Оғиздан-оғизга ўтиб кетаверади.

— Буниси яхши. Лекин ходимингиз уларнинг жамғарма банклари бўлинмаларидаги билларини аниқлаб олишига ишонмайман.

— Тўппа-тўғри! Лекин улар сиз томонда турса, демак, билла қарши бўлади-да!

— Ҳамиша шундай бўлавермайди. Менинг нутқимда қўллаб-қувватлаш ҳақида гап йўқ эди. Менимча, биз умуман, бундай йўл тутмаслигимиз керак. Айниқса, бу номаълум шахс томонидан қилинмаслиги керак.

Калхэйн бош ирғади:

— Бир неча кундан кейин менинг ходимим айрим маълумотларни тўплайди. Айтилик, бир ҳафтадан кейин. Ўшанда Сиракузадаги имкониятларимизни биламиз. Яна занжирли реакция. Сиракузадагилар Бингамжон, Утики ва Рочестернинг фикрини билмагунча, бетараф бўлиб туришади.

Палмер сигарет чекди.

— Чекка ўлкалардаги тижоратчиларда яширин маълумотлар алмашиш тизими борлигига шубҳа қилмасдим.

— Буни тизим деб атаб бўлмайди. Лекин хоҳлаганча кенг маълумот алмашиш мумкин. “Киванис”, “Ротари”, “Лайонз” клублари, турли савдо палаталари, черков гуруҳлари, телеграф агентлиги, ишбилармонлар жамияти тижоратчилар ихтиёрида. Куз ва қишда сийёсий арбобларнинг фаоллиги ошади, Олбанига кетишдан олдин округларда юриб, одамларнинг кайфиятини билишга уринишади. Ёзда бу фаолият тўхтайтиди. Одамлар таътил ва бошқа нарсалар пайида бўлади. Бироқ қишда, байрам кунларида, мажлислар арафасида ҳамма томондаги симсиз телеграфлар ишга тушади.

— Майли, — деди Палмер. — Энди ўз округимиз ҳақида гапириб беринг.

Калхэйн кафтларига тикилиб, елкасини қисди. У калта кесилган сочларини бармоқлари билан тараб, кинояли илжайди.

— Биласиз-ку, штатнинг чекка ўлкалари ҳақида ҳеч қачон гумон бўлган эмас. Улар у ёқда тижорат банкларини қаттиқ қўллаб-қувватлашади. Марказ — бошқа гап. Бироқ бу ерда ҳам биз галаба қозонамиз. Мак икковларинг Олбанида бироз сийёсат билан шуғулланганларингни гапириб берди.

— Тўғри. Биринчи галда штат маркази вакиллари билан.

— Унда мендан кўра сиз кўпроқ гапиришингиз керак.

Палмер жавобга чоғланди-ю, фикридан қайтди. Унга ҳамма нарсани била туриб, ўзини билмасликка соладиган Калхэйнга ўхшаган мугамбирлар ёқмасди.

— Бошқа ишлар билан овора бўлиб, тўғриси айтсам, бу нарсага унча аҳамият беролмадим, — жавоб берди Палмер.

Калхэйн ўзини ҳайрон бўлган одамга ўхшатди.

— Сизнинг ягона вазифангиз — жамғарма банклари билан ишлаш деб ўйлабман.

— Бизда ҳамма гап банкнинг ичида, — деди Палмер. — Акцияларимизга нимадир бўляпти.

Калхэйн олдинга силжиди.

— Яхши гапми?

— Доимий мижозлар учун — ҳа. Дарвоқе, буни сиз ҳисобга олиб кўйишингиз мумкин. Менимча, тез кунда акцияларимизнинг нархи ошиб кетади.

Калхэйн ёнига ён дафтарчасини тортиб, қўлига қалам олди.

— Қандай қилиб ошади? Тез орадами?

Палмер ҳамсуҳбатининг авзойини билиш учун жавоб беришга ошиқмади. Нима бу — ўйинми?

— Ўн банд мени ҳайрон қолдирмайди, — деди у ниҳоят. — Вақт масаласига келганда эса, уни умуман билмайман. Бирор ой атрофидамикин? Аниқ айтолмайман.

— Қачон биласиз? — сўради Калхэйн ён дафтарчасига белги қўяркан.

— Айтолмайман. Макдан сўраб билишингиз мумкин.

— Макдан? Жин урсин, у сизнинг акцияларингиз ҳақидаги гапни қаердан билиши мумкин?

— У мендан ҳам кўп нарсани билади.

Калхэйн ўйчанлик билан қаламни секингина, қўйди. кейин столга энгашиб бошини чангаллади.

— Тушунмадим.

— Мен ҳам, — тасдиқлади Палмер, — лекин аниқ ишонаманки, у қандайдир ташқи гуруҳлар воситасида бу ишга аралашган.

— Бўлмаган гап. Банк акциялари билан ўйин қилишга кимнинг қурби етаркан? Ичаги ингичкалик қилади.

— Қўшиламан. Бироқ шундай бўлади.

Калхэйн хаёлчан бош чайқади.

— Мен кўпдан бери Макнинг биржа ҳақидаги маслаҳатларига қулоқ солмай кўйганман. У доим хато қилади, демоқчи эмасман. Шунчаки, ўз хулосаларини очиқ айтгунча юзма-юз туриб, диққат-эътибор билан мулоқот қилиш керак. Мен ўзига қарашли бир мижози ҳақида берган маслаҳатини ҳеч қачон унутмайман. Асбоб-ускуна ишлаб чиқарадиган бир корхона ўз маҳсулотини сотиш ўрнига ижарага бермоқчи экан. Бу — уларнинг сийёсатида катта силжиш эди. Ваҳоланки, бошқа ишлаб чиқарувчилар улардан ўтиб кетганди. Мак бу корхонанинг акцияси беш бандга кўпаяди, деб ҳисоблаганди. У ҳақ бўлиб

чиқди. Улар беш банд камайди. Жиҳозларни қарзга берилиши ҳақидаги эълон бу корхона кўллаган сиёсат ҳеч нарсага арзимаслигини кўрсатди. Шундай қилиб, бу қадам акцияларни ошириш ўрнига камайишига олиб келди. — Калхэйн бамайлихотир кўлди. — Бечора Мак ўз қармоғига ўзи илинди.

— Сизга ЮБТК ҳақида гапирмаганига ҳайронман, — деди Палмер.

— Мен эса ҳайрон бўлмайман. Утган йили унга қуруқ сафсаталарингни бошқа жойда сотгин деб маслаҳат берганман. Мен бой эмасман. Бироқ унинг башоратларига қулоқ солаверсам, аллақачон қашшоққа айланиб қолардим. Агар у акцияларингиз ҳақида бирор гап айтса, эътибор бермаган бўлардим.

— Маслаҳат бошқа манбадан келди, — Палмер сигаретини ўчирди. Мак кейинги пайтларда сизга яна бошқа бир биржа ҳақидаги янгиликларни ҳам гапирдим?

— Бу борада ҳам у таҳсинга лойиқ эмас. Биржага қизиқмайман. Аввал қанча ютқазиб, қанча ютганингни ҳисоблашинг керак. Солиқ йиғувчи амалдорлар учун бу жуда қулай. Агар кўрган зарарингизга қараб солиқлар камайишини хоҳласангиз, даромадларингизни ҳисоб-китоб қилишингиз керак. Мен буни ҳам ёмон кўраман. — Калхэйн стул суянчигига ясланиб, кўзини қисди.

Палмер жилмайди:

— Сиз операцияларни фақат нақди билан амалга оширасизми?

— Доим эмас. Тўғри келиб қолса, акцияларни ҳам олавераман. Бироқ, худо ҳаққи, заҳираларим тилхатлардаги сохта исмларга тўлиб кетди.

Икковлари ҳам кулишди. Палмер бу инсоннинг ўз сотқинлигини тан олаётгани Олбанидаги сиёсатчилар қилмишини эслатганига қарамай, газабини кўзгатмаётганига ҳайрон эди. Балки, Вик халқ сайлаган хизматкор бўлмагани учундир? Тўғри, бу одамнинг худудда эгаллаб ўтирган ўрни сайловга боғлиқ. Бироқ овоз бериш натижаси ҳамиша олдиндан маълум бўлган. Ҳатто баъзи радикал гуруҳлар Калхэйнга қарши чиққанда ҳам у кўпчилик овоз билан қайта сайланишга муваффақ бўлган. Ҳар доим ўз худудидаги камбағалларни тўйдирди. Ҳатто озгина ёрдами ҳам каттакон самара беради. Бирорта ишсизни иш билан таъминлаш, ҳар кунги енгил овқатланишлар, байрам кунлари тарқатиладиган совга-саломлар, иқтидорли болалар учун нафақалар — тўлов жуда кам, қайтим эса тўлиқ бўлади.

Умуман олганда, сайловчилар ўз сиёсий раҳнамоларидан бундан ортиқ яна нимани кутади, ҳаёлидан ўтказди Палмер. У ўз худудидаги нафақалар ҳамма ердагидан юқори бўлишини доим назорат қилади. Ҳафтада уч оқшом қабул ўтказди. У испанча, итальянча ва гэл тилларида гаплашар ва шу билан тумандаги ирланд аҳолисининг кўнглини олар эди. Палмер у негрлар маҳалласини ҳам маҳорат билан бошқаришини биларди. Кўп йиллардан буён яқин ёрдамчиси негр эди. Калхэйн унга бутун бошқарувни, иш юритиш ва тақсимлашни топшириб қўйганди. Кўпчилик негр ёрдамчи Калхэйнинг ўзидан қимматлироқ деб гапирар эди. Бунга асос бор, албатта. Бернснинг айтишича, бир компания ишга фақат оқтанлиларни қабул қилгани учун, негр харидорларидан ажраб қолган ва банкротга учраган экан. Компания Бернс орқали Калхэйн билан алоқа боғлабди. Орадан уч ҳафта ўтиб, шимолий Бир юз ўнинчи кўча ҳамда оқтанли аҳолини кўшиб ҳисоблаганда, фақат ана шу компаниягина негр сотувчилари билан муомала қиладиган бўлибди. Савдо яхшиланиб, ҳатто авж олиб кетибди. Бу — ўзига хос санъат деб фикр юритди Палмер, рангли аҳолини ривожланишига таъсир этувчи миллий ассоциация имиллаб юрган бир пайтда фуқаролар коррупцияси нақадар авж олиб кетиши мумкин. Ижтимоий юксалиш йўллари кўп, лекин Калхэйнинг худудида унга айланма йўллар орқали борилади.

Калхэйнинг котибаси думалоқланган қоғоз сумкача кўтариб кирди ва уни столга қўйди.

— Уларнинг аллақачон тоқатлари тоқ бўлган, — деди у. — Энди қоринлари ҳам очибди. Айримлари нонушгадан олдин келишганди.

— Ҳозир тугатамиз, — деди Калхэйн қоғоз сочиқларни очиб, фольгага ўралган сандвичларни оларкан. — Хоҳлайсизми?

— Раҳмат, мен овқатландим, — Палмер соатига қаради. — Икки? Икки-ю ўттизда йиғилишим бор. Максиз амаллашимизга тўғри келади.

Калхэйн астойдил овқат чайнашга тушди.

— Билмайман, анави, йўлакдаги одамлар нега бунча эрта келишаркин? Улар соат тўққизгача уйқудан турмаслигимни, демак, бу ерда соат ўндан олдин бўлмаслигимни билишади. Аллақандай жиннилар.

— Ва очлар. — Котиба уларни қолдириб, чиқиб кетди.

— Макга келганда эса, — деди Келхэйн овқат чайнашдан тўхтамай, — у сизу менга кўп ҳафталардан буён керак бўлгани йўқ. “У вазифасини бажариб бўлди”, тўғрими?

— У иккимизни бирдек тушуриб кетди, шуни назарда тутяпсизми?

Калхэйн сандвичлардан бирини икки тишлашдаёқ еб тугатди ва бошқасини қўлига олди.

— Бу — сиз билан тузилган шартнома эди, — тушунтирди у оғзи бўшагач.

— Биз эса ҳозир бошқача шартнома тузамиз. Мен ҳеч қачон сизга натижа кафолатланади деб ҳисоблашга изн бермаганман.

— Шундай.

— Энди, ўша гап айтилди деб ҳисобланг. Айрим нарсаларни кафолатлай оламан. Лекин бунга эмас. Бизда, штатнинг марказида бир дунё примадонналар бор. Мен сизни ишбилармонлар билан таъминлай оламан, бироқ биз ислоҳот деб ёниб турган гуруҳлар ва бунга янада муштоқ гуруҳларга эгамиз. Ҳатто миллион йилда ҳам мен бу кимсалар ҳамма нарсани ямлаётган тижорат банклари, уларнинг сайловчилари учун, ўзимиз учун ҳам фойдали иш қилади деб шахсан ишонтира олмайман. Фикримни тушундингизми?

— Унда биронга янгилик йўқ. Бизга ҳамиша сотувчилар, суғурта агентлари, кўчмас мулкларни сотиш бўйича агентларнинг бошлиқлари керак.

— Буларнинг ҳаммаси майда садақалар, — деди Калхэйн овқатини еб бўлиб. — Сиз бунга яхши биласиз.

— Албатта, ҳар битта майда агент айтарли катта куч эмас, лекин улар бирлашса, қудратли кучга айланади. Бизнинг ихтиёримизда бундай агентлардан анчагинаси бор. Жамғарма банкларидан каттароғини ҳам таклиф қилиш мумкин.

— Марказдаги сенаторлар мана шундай бўлмағур нарсаларга аралашади деб ўйлайсизми?

— Балки сиз учун бўлмағур нарсадир, — деди Палмер, эски мақолни бироз ўзгартириб, — уларга бу нон билан мойдек ёқади.

Калхэйннинг юзи табассумдан қизариб кетди. Бироқ шу заҳоти яна жиддий тус олди.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ.

Палмер суҳбатдошига хафа бўлгандек қаради.

— Нима дейишимни ҳам билмайман, — деди у. — Гап шунчаликка борган экан, унда сизни нима қизиқтиради?

— Бу иккимизнинг ўртамаздаги бошқа шартнома, Мак.

— Ҳалиги, очишни хоҳламаётганингизми?

— Билганимда, сизга шу заҳоти айтардим. — Калхэйн сумкага қўл тиқиб, қаҳвали термос ва ширин кулча олди. — Чин сўзим, мен ҳозирча билмайман.

— Шундай бўлиши мумкинми? Мен ўйловдимки...

— Шартноманинг икки томони ҳам аниқ бўлиши керак, — деб унинг гапини якунлади Калхэйн. — Йўқ. Биз Мак билан кўп нарсаларни бошдан кечирганмиз. Агар у арзийдиган иш деса, мен оламан. Бошқа бировга, балки, ишонмасдим. Бироқ Макга муглақо ишонаман.

— Фақат унинг биржа бўйича маслаҳатларига эмас.

— Биржа бўйича маслаҳатларидан ташқари, — Калхэйн кулчадан тишлаб, қаҳва хўплади. — Биз биргаликда катта йўлни босиб ўтдик. Сиёсатда йигит кишининг бошига нималар тушиши мумкин бўлса, барини кўрдик. Кутилмаган нарсалар кам қолган чикар. Мак сиёсий фаолиятимдаги ягона дўстим. Бу кўп нарсани англатса керак.

Орага узоқ жимлик чўкди. Мак Бернснинг садоқати ҳақида гап кетганда ҳам Калхэйн кўнглини шунчалик очиб қўярмикин, деб ўйлади Палмер. Йўқ, ундай бўлмайди. Лекин бир гапга солиб кўриш керак.

— У сизга ўхшамайди. Сизлар бутунлай бошқа-бошқа одамсизлар.

— Қанақасига бошқа? Ҳар қандай одам ҳам ҳаёт тақозосига кўра бир-биридан фарқланади-да. Иккаламиз бир-биримиздан катта фарқ қилмаймизми? — Фарқ қилмаймизми? — Калхэйн кулчасини еб тугатди. — Шунақанги фарқ қиламизки...

— Менимча ундай эмас, — гапида туриб олди Палмер.

— Биласизми, — Калхэйн яна сумкага қўл солиб, бу гал музқаймоқ олди. — Ҳаммаси келиб чиқишда. Пулда. Менинг қариям ёмон яшамаган, ҳамма нарсага улгурган. Унинг болалари кўп эди, ҳаммаси коллежларни битирган. Балки шунинг учун сиз иккаламининг орамиздаги фарқни билмаётгандирсиз. Макнинг отаси эса, билишимча, Байрутда товуқ сотиш билан шуғулланган. Сиз бу иш нималигини билмайсиз. Бутун умр товуқ тозалаб, ўзингиз каби камбағаллар билан савдолашасиз, ёнингизда ўзингиз ҳам шу иш билан овора, у ҳам қашшоқликнинг нонини ейди. Ниҳоят, оила жам бўлиб, штатларга кўчиб ўтади. Мак ҳеч қачон коллежни битирмаган. Унинг Гарвард ҳақидаги гапларини эслашингиз мумкин. Бу гапларнинг остида Калифорния университетига икки йиллик кечки машғулотлар турибди. У ўқишни ташлашга мажбур бўлган, кундузги ишидан ташқари, кечқурун студиялардан бирига қоровул бўлиб ёлланган. Кейин, сочини бўяб, ўз ишининг устаси бўлиб олганидан кейин Мак шахсий компаниясини ташкил қилиб, Гарварддаги уч кунлик ёзги семинарда қатнашди. Энди эса ҳамма нарса жойига тушди. Мана, шунинг учун ҳам мен Мак билан сиз бошқа-бошқа тоифа одамларсиз, дейман. Мана, нима учун сиз унга ишонмайсиз.

— Мен бундай деганим йўқ.

— Тўғри, сиз эмас, мен шундай дедим. — Калхэйн ёғоч қошиқчада музқаймоқ еб, гапида давом этди. — Балки унга ишонмасдан тўғри қиларсиз ҳам.

— Мени бутунлай доводиратиб қўйдингиз.

— Унга ўхшаб ўсмаган бўлсам ҳам, Макка анча яқинман. Мен шу ерда туғилганман, лекин мен билган кўп болалар эски қитъадан келган. Унинг ички кечинмаларини тасаввур қиламан. Унга ўхшаган одам бошқаларни кўргани кўзи йўқлигини ҳам биламан.

— Мени ёмон кўрадимми?

Калхэйн индамай қолди, нимадир демоқчи бўлди-ю, ноилож Палмерга қаради.

— Сиз ақлли одамсиз. Бирор марта сизни нима учун ёллаганларини ўйлаб кўрганмисиз?

Палмер бош ирғади:

— Бир нечта сабаб бўлган. Ростини айтганда, гап Мак ҳақида кетаяптими, асосий сабаб — Бэркхардт уни ёқтирмайди.

— Ақлли гап. Энди ўзингизни Макнинг ўрнига қўйиб кўринг. У, сизнингча, Бэркхардт ёки отаси интилган бу буюк каттакон мамлакатдаги бошқа ҳар қандай Бэркхардтларга қандай муносабатда бўлади?

— Тушунаман.

— Тушунганингизга сабаб, мен манзарани тўғри чизиб бердим, — Калхэйн олдинга интиди. — Лекин сиз ҳис қилолмайсиз. Ҳис қилолмайсиз ҳам, чунки сиз мен ёки Макга нисбатан Бэркхардтлар дунёсига яқинроқсиз.

— Демак, гап бу ёқда экан-да, — ўйчанлик билан деди Палмер.

— Мен унинг энг яхши дўстиман, — жавоб берди Калхэйн, — лекин унинг кўнглидаги ҳар бир қоронғи пучмоқ учун жавоб беролмайман. Менинг бошимни ҳам кўшлаб бэркхардтлар айлангиришди. Биласизми, икки ирқнинг кўшилиши ҳаммиша қийин кечади. Бироқ бу икки, яъни ирланд ва италяннинг қони кўшилса борми, эҳтиёт бўлаверинг! Бундай одам деярли битта ливанликка тенг.

— Ҳм, — Палмер соатига қаради. — Гарвардни битирган дўстимиз бизни кўришни хоҳламаяпти, шекилли.

Калхэйн яйраб кулди:

— Бу гапларни унга айтиб ўтирманг, — у ўрнидан турди.

— Ташвишланманг. — Палмер ҳам ўрнидан турди. — ЮБТК акциялари ҳақидаги гапларимни ҳам бировга айтманг. Бироқ бир нечтасини сотиб олинг.

Палмер чиқиб кетиши билан Калхэйн қайтиб ўтириб, сумкасидан конфет олди.

Қирқ биринчи боб

Палмер йиғилиш бошланишига бир дақиқа қолганда банкга етиб келди. Очиқ таклиф қилинмагани учун мажлис бошлангандан кейин киришни мўлжаллади. Шунинг учун залдаги реклама варақаларини кўздан кечириб, мижозларни эринмай кузатиб, то кассирлар пайқаб қолмагунларича ўзини сездирмай айланиб юрди. ЮБТКда хизмат қилувчи ҳар бир ходим маълум ахлоқ-одоб қоидасига амал қилиши зарур. Бироқ банк пенсхталари орқасида туриб хизмат қиладиганлар учун махсус талаблар жорий этилган. Биринчи навбатда уларнинг ташқи жозибадорлиги эътиборга олинарди. Иккинчидан, овозлари ёқимли бўлиши, зиёли кўриниши, хуллас, аёллар ҳафтасига оладиган саксон долларларга, эркеклар бир юз ўн долларга муносиб бўлишлари лозим эди. Улар ўз ишхоналари — банкларининг намунасига айланишлари шарт ҳисобланарди.

Соат иккию қирқда Палмер лифтдан кўтарилиб, Гарри Элдернинг хонаси томон йўл олди. У бугунги йиғилишдаги кун тартибига кўшимча банд — Жет Технинг илтимосига нисбатан қўланиладиган ўзаро суҳбат чоғида “Буюк Коинот қарзи” сифатида эслатиб ўтганди.

Палмер Буфалода нутқ сўзлашга тайёргарлик кўраётгани сабаблими ёки Мак Бернс билан иш ҳақида гаплашиши зарурлиги учунми ёки бошқа бирон иш билан банд бўладими, хуллас, Бэркхардт: “Бу йиғилишга борма, Вуди, вақтинги бекорга ўтказма” деб таклиф қилган эди. Шу сабабли бўлса керак, Палмер хонага кириб, ўтирганларга салом бериб, ўзи ҳам ўтириши биланоқ, Бэркхардтнинг гапи оғзида қолиб, калавасининг учини йўқотиб қўйди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олиб, тилга кирганда Палмер Жет-Технинг илтимоси кун тартибига биринчи кўйилганини, бошқа бандлар кўрилмай қолиши ҳам мумкинлигини тушунди.

— Айтиб ўтганимдек, — деди Бэркхардт, — салом Вуди! — Жет-Технинг махсус вазифаларини бажарувчи бўлими эртага шаҳарга зарба беради. Биз уларга катта залда тушлик берамиз. — Ирма, ҳозирча ҳеч нарса ёзиш керак эмас ва бу тушлик шўрвадан тортиб, ширинликкача, чамаси, тошдек ботади.

Котиба қаламни жойига қўйди...

Банкнинг вице-президенти ва котиби бўлган Клифсон Мергендалга биржа анъаналарини сунъий юксалтириш каби қатор мажбуриятлар берилганди. Махсус тадқиқотчилар гуруҳи билан у ЮБТК бошқарувидаги фондлардан бирортаси ҳам хатога йўл қўймаслигини текшириб бориши керак эди. Клифф Мергендал Палмердан бирмунча ёш бўлиб, ЮБТКга ҳам урушдан кейин Уолт-Стритдаги даллоллик идорасидан ишга ўтганди. Бэркхардт, у ва Элдер навбати билан банка директорлик қилишган ва Мергендал, Бэркхардтни ҳисобга олмаганда, ЮБТКнинг кўпгина акцияларига эгалик қилишарди. Палмер уларни кузатиб ўтириб, Клиффернинг кучи нимадалигини ва муваффақияти сабабларини англади. Юмшоқ, оч рангли бакенбард билан қошланган кичкина ва узунчоқ юзи унга ишониш мумкинлигини билдирарди. Клиффнинг кўзлари тўқ кулранг бўлиб, кичрик қоқмас ва сокин боқарди. Унга сизлар пулингизни ҳам, ҳаётингизни ҳам ишонасизлар деб ўйлади Палмер.

Қисқаси, у жуда яхши одам бўлиб, унга тўла ишониш мумкин эди.

— Уни бундай ёқимсиз бўлишига ҳожат ҳам йўқ эди, — дерди Клифф сокин, юмшоқ овозда. — Ҳаммаси ўзаро ишонч асосида юз беради. Биз илтимосларни ўта синчиклаб кўриб чиқдик, афсуски, иқтисодий вазиятнинг айрим ноаниқликлари туфайли ва ҳаво космик сектордаги ўзига хос хусусиятлар ва бошқалар туфайли...

— Майли, — давом этди Бэркхардт, — энди қай йўсинда ишлашимизни келишиб олайлик. — У Мергендалга ўтирилди: — Клифтон, Арчи Никоснинг бугунги кайфияти қандай?

Мергендал жавоб беришга оғиз жуфтлаётганди, Палмер хўжайиннинг саволини ичида такрорлади. Бу билан Бэркхардт Мергендалга ортиқча ишонмаслигини билдирмоқчимми? Балки шу баҳонада Бэркхардт Палмерга

раҳбарлик учун бўлажак курашда бирга бўламиз деб ишора қилмоқчими? Бу пати юлинган чумчуқ Палмер билан битимга келишмоқчими? Ундай бўлса, нега у Палмерни йиғилишга таклиф этмади? — ... Менинг билишимча, — гап бошлади Мергендал, — у бағамом бетараф қолади, икки томон билан дўстона алоқаларини узмайди, заём масаласи ижобий ҳал бўлишига умид қилади, агар заём берилмайдиган бўлса, уни ҳам тўғри тушунишга тайёр.

— “Агар” га бало борми? — пўнғиллади Бэркхардт. — жавоб салбий бўлишини Арчи яхши биларди-ку. Бу ҳақда унга хабар берилган.

— Барча эшикларни очиб қўймаса, у Арчи Никос бўла олармиди?

Гарри Элдернинг овози ҳамманикидан кучли жаранглади:

— Заём масаласининг ижобий счими Арчи учун ниҳоятда зарур. У ҳар қандай ишни қилиши мумкин, аммо бетараф туролмайди. У бошқа даромад манбаларини изламайди деб мени ишонтириб ўтирманглар.

— У шунга ўхшаган гапларни валдираган эди, — тасдиқлади Мергендал.

— Қандай даромад манбаларини? — сўради Палмер. — Бунақа пулларни ким беради?

Бэркхардт кулгидан ўзини анча вақт тўхтата олмади.

— Аниқ биламанки, Арчининг Европадаги ҳамкорлари фойдали таклифларга ҳар доим тайёр.

— Европанинг қайси бурчагидан шунчалик бўш маблағни топа оласиз? — қизиқсинди Палмер.

— Топиш мумкин, — уни ишонтиришга уринди Бэркхардт. — Арчи умумий бозорга қўшилган мамлакатлар синдикатини жалб эта олади. Улар бизнинг бизнесимиздан кичик бир луқмани хоҳлаган пайтда узиб олишга қодир. Европа томонидан бошқарилаётган Жет-Техни кўз олдингизга келтиринг. — У яна кулди. Уларни ютиб юборишдан бошқа иложи қолмаган Жо Лумис ва Барни Кинчни тасаввур қилиб кўринг.

— Тўғри, — деди Палмер. — Уларга Қўшма Штатларнинг пуллари керак. Бизнинг пулларимиз.

— Уларга берадиган пулимиз йўқ, — эътироз билдирди Бэркхардт. — Ҳаммаси равшан. Юз минглаб ҳожатмандларга ярим миллиардни қарзга бериб юборсак, қанча даромад кўришимизни ўйлаб кўринглар.

— Ақлга сиғмайдиган ғоя.

— Фақат Кинчга эмас, — деди Мергендал. — Унга бу пуллар зарур. Жуда зарур.

— Ёниб кетаяптими? — сўради Гарри Элдер. — Қандай фалокат юз берди?

— Мендаги маълумотларга кўра — ҳеч қандай, — тез жавоб берди Мергендал.

— Зарур бўлса, — гап қўшди Палмер, — фоиз ставкаси юқори бўлишига кўнадимми?

— Қанча миқдорда? — Бақирди Бэркхардт. — Олти фоизми? Еттими? Бекорга таваккал қилмаслигимиз учун биз уни ўн икки фоизга кўтаришимиз керак. Лумис ёки Кинч ўн икки фоиз тўлашини тасаввур қила оласизларми? Судхўрлик-ку, бу.

Мергендал қаламни олиб, бошмалдоғи тирноғига ура бошлади.

— Иш услуги сизни қизиқтирадиган бўлса, — деди у, — асосий нарса шуки, Кинчнинг чекиниб, чиқиб кетиши ва борган жойида музокараларни давом эттириши учун бошпана бериш лозим.

— Барни музокара олиб бормади, сиз... — Бэркхардт котиба олдида сўкиниб юбормаслик учун тўхтаб қолди. — Музокараларни Лумис олиб боради. Барни ўз қаргалари, чизмалари ва яна алланимабалолари билан хўрак вазифасини бажаради. Нега мен, онасини эмсин, Лумис учун чекинадиган тешик топай деб қайғуришим керак?

Гарри Элдер гапга қўшилди:

— Чамамда, биз бир жойда депсиниб қолдик. Сизнинг усулингиз — “Йўқ!” деб бақиринг ва жўнаб қолинг. Шундайми?..

— Қулоқ солинглар, — илтижо қилди Мергендал, — ҳалол иш олиб бориш учун бунақа гаплар тўғри келмайди. Жет-Технинг ёрдами билан каттагина маблағ олиш имконига эгамиз. Уларнинг тумшуғи тагида эшикни ёпишимизга ҳожат борми?

— Агар шундай қилсам, — деди Бэркхардт ҳам секин ва қатъий, — ишончингиз комил бўлсинки, улар эшик орқасида кутиб туришади. Уларга катта маблағ керак...

Мергендал қаламини олиб, очиқ турган портфелига ташлади. Нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо ўйлаб қолди ва сигарета чиқарди. У чекар экан, Палмер бу киши қандайдир бир қарорга келиш учун иккиланаётганини илғаб олди.

— Қани эшитиб кўринглар-чи, — ниҳоят ўйчанлик билан гапирди Мергендал, — ўзингларни Кинчнинг ўрнига қўйиб кўринглар-чи, ёки Лумиснинг ўрнига. Рад жавобини олсангиз, нима қилган бўлардингиз?

Ноқулай жимлик чўкди. Котиба Ирма ўриндиқдан эгилиб, Мергендалга кулдон узатди. Қайдлар дафтарчасига ҳеч нарса ёзилмаган эди...

— Бир дақиқа, Клифф, — унинг гапини бўлди Палмер. Ҳамма, ҳатто Ирма ҳам ўзига қараганини кўриб турарди. — Фикримни айтиш учун бир сония ижозат беринг.

— Фақат бир минут, — хўмрайиб рухсат берди Бэркхардт.

— Бу ерда шунча билдирилган фикрларга қарамай, мен барибир қарз берилишини ёқлайман. Мен дастлаб, “ҳа” деб рози бўлиб, сўнг мўмай фойда олиш йўларини ўйлаган бўлардим. Фоиз ставкасини еттигача кўтарар ёки муддатини ўн беш йилга қисқартирар эдим ёки яна бир фойдали йўл излаб топардим. Мен барибир, қарз беришимиз керак, деб ҳисоблайман.

— Бу, таъбир учун мени кечирасизлар, — ҳиқиллади Бэркхардт, — Кўрқоқлар топган энг яхши йўл.

— Масала биз ўйлагандан кўра анча жиддий, — эътибор бермай давом этди Палмер. — Ва... — Яна бир лаҳза тўхтаб, ҳамманинг диққати ўзига қаратилганини ҳис қилди. — Жет-Тех, фабрикалар, ихтирочилар, моддий буюмлар ишлаб чиқарувчиларнинг бизнеси учун қарз ажратиш бутунлай бошқа нарса. Бундай қарз иш ҳақи юқори даражада сақланиб қолишига кўмак беради. Бу ўз навбатида пул айланишига имкон яратади. Бундай усул мамлакатни ривожлантиради, бу...

— Ақли ожизларга сотиш учун кўп миқдорда янгидан-янги ялтироқ буюмлар ишлаб чиқишга имкон беради. — Гапини кесди Бэркхардт.

— Вуди, эзмаликни йиғиштир, онангни эмгур. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

— Агар таклифларимни эшитишни истамасанглар, — деди Палмер, — агар старли пулимиз бўлса, келинлар, уни арзийдиган ишларга сарфлайлик.

— Биз киммиз ўзи? — даргазаб бўлди Бэркхардт. — Сен ўзи кимсан? Нега бу ишларга тумшугингни тикаяпсан? Ирма, худо ҳаққи, бу бемаъни гапларни ёзиб ўтирманг, миллий иқтисодиётимиз йўлига қарши чиқишга ким ҳуқуқ берди сенга? Ким сенга истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимоясини тошпирди? Агар бу тентаклар борган сари яна қарзга ботишни хоҳлаётган бўлса, уларга ёрдам қўлини чўзиш керак, ўғлим! Уларни мажбур қила олмаймиз. Мутлақо! Биз уларнинг талабини бажариб, пул ишлаймиз. Уларнинг ўзи чекланмаган шахсий қарз олмоқчи бўлса, бунга ёрдам берамиз.

— Айнан сизнинг мана шундай муносабатингиз. — Жавоб берди Палмер, — уларга ўзи учун ҳар куни янада чуқурроқ гўр қазишга ёрдам беради. Бу бахти қаро тентаклар қарзларини тўлаш учун пулни қаердан олади?

— Бемаъни сафсата, — деди Бэркхардт. — Вуди, агар сени билмаганимда, кечирасиз, Ирма, банкка қандай келиб қолганинга ҳайрон бўлардим...

— Банкирлик — шарафли касб, — эътироз билдирди Палмер. — Бунинг устига, жуда қадимий касб.

Гарри Элдер хавотирланиб кулди.

— Регламент. Ўз ишларимизга қайталик, жаноблар. Сирасини айтганда, кўп жиҳатдан Вуди ҳақ. Агар қарзга боғлиқ эҳтиёт чораларини ишлаб чиқа олсак, мен уни ёқлаган бўлардим.

— Ҳали шундайми? — Бэркхардт сакраб турди. — Сен ҳам у томондамисан, Гарри? Сиз ҳам йўлини қилиб, курашдан сирғалиб чиқмоқчимисан?

— Тинчланинг, — гўнғиллади Элдер, — ўтиринг, Лэйн. Бэркхардтнинг юзи қизарди. Оч-кўкиш кўзлари қисилди.

Қирқ иккинчи боб

Тун ярмида Палмер охирги жуфтларни — Жейн, Эдиснинг холаси ва Тима Кэрвини учинчи эри билан эшиккача кузатиб келди. Кейинги аёл Эдисдан сал катгароқ, аммо баланд бўйли эди. Улар Нью-Йорқдан эллик чақирим узоқликда яшар, ярим кечада қийналмаслик учун. “Муқаддас Рейжис” меҳмонхонасидан бир хона олишган экан. Хайрли тун тилаб, хайрлашаётган чоғида Палмернинг эсида қолгани фақат шу эди. У ташқаридан кириб, хонага кираётган совуқ ҳаводан нафас олиб, йўлақда турар экан, фикри тиниқлашиб бораётганини ҳис қилди. Кейин у икки қаватни эгаллаган меҳмонхонага кириб, олов ёниб турган камин олдиға ўтирди.

— Натижа равшан эмас, — деди хонанинг нариги бурчагида турган Эдис.

— Нима?

— Бу ўзига хос тажриба бўлди, азизим. Саккиз кишидан иборат гуруҳ бинони тўлдирга оладими? Жавоби маълум: йўқ.

— Ачинаман, — гўнғиллади Палмер.

— Бу сенинг айбинг эмас. — Жавоб берди Эдис кулиб. — Энди билиб олдим. Ҳали ҳам саккизга қувноқ одам буни яхшироқ уддалай оларди деб ўйлайман.

— Уларнинг олгитаси банкир ва иккитаси хотини бўлса, — ўйчанлик билан жавоб берди оловга тикилиб ўтирган Палмер, — роса ўйнаб-кулиш қийин.

— Янаги сафар ўн икки кишини таклиф қиламиз. Шунда ҳаммаси ажойиб ўтади деб ўйлайман.

Палмер бошини кўтариб қаради ва Эдис кичкина шароб стаканини майдаланган муз устига қўяётганини кўрди. Ҳозир у драмбун ёки бенедиктин кўяди-да, совуғиб ичди.

— Менга ҳам тайёрлаб бер, — илтимос қилди у.

— Ҳозир.

— Гапларингга қараганда, — давом этди у, — бугун зерикарли бўлдимми?

— Зерикарлими? Билмадим. Балки бунга хонамиз сабабчидир?

Палмер бош чайқади.

— Ўзлари айбдор. Ҳаммасидан олдин мен. Сен Жейн билан эридан бошқа ҳеч кимни танимас эдинг. Мен эса билардим. Тушлик кўнгилдагидек ўтди. Бёркхардт иш юзасидан гаплашиб олайлик деб мени дераза ёнига чорлагандан кейин совуқчилик бошланди.

— Нимани муҳокама қилдинглар ўзи? — сўради у муз устига яна битта стакан қўягуриб. — Иш юзасидан суҳбатдан кўра фалсафий баҳсга ўхшаб туюлди.

— Менимча, — деди Палмер стаканлар қандай тўлдирилаётганини кузатар экан, — айни шу нарса бу қари калхатта ёқмади. Фалсафий баҳсларга унинг тоқати йўқ.

— Чамамда у сени қолоқ одам деб ҳисобласа керак.

— У мени замон билан бирга юролмайсан, деб айблайди.

Бир муддат жим қолишди. Уларнинг уйдан анча узоқликдаги черков кўнғироғи ўн икки марта бонг урди.

— Ҳалиям совумадими? — сўради Палмер.

Эдис бош чайқади.

— Мен биладиган банкирлар ичида, — деди у, — фақат сени қолоқликда айблаб бўлмайди. Қачондан бери замондан орқала қолиб кетдинг?

— О, бу жуда мураккаб, чалкаш масала, чамаси, бунинг жавоби, менинг тахминимча, эллик йиллардан кейин аниқланса керак. Бундан ташқари, бу муаммо батамом академик тадқиқотлар доирасида қолади, чунки эътирозларимга муглақо эътибор беришмаяпти.

— Шамол тегирмони билан жанг қилишяптими?

У бар олдидаги баланд ўриндиққа ўтирди.

— Бу борада ким билан гаплашган бўлсам, ҳаммаси сен ноҳақсан дейишмоқда.

— У муз солинган идишга кўз ташлади. Қиров босган стаканчалар ҳам унга қараб туришгандек туюлар эди.

— Ўзинг ҳам ишонмайсан-ку.

— Ҳақлигимга тўла ишонаман. — У истеҳзо билан жилмайди. — Балки амалий жиҳатдан ноҳақ бўлишим мумкин. Нар и борганда, мен бу йил ёки кейинги йил ҳисобига адашаётгандирман.

— Бемалол гаплашиб олишни хоҳлайсанми? Ёки ҳаммаси тутагандан кейин нима гап бўлганини айтиб берасанми?

— Қари Бэркхардтдан эшитгансан деб ўйлагандим?

Унинг овози хонанинг барча бурчакларига тарқалиб кетгандек туюлди.

— Мен бошқалар билан ҳалол гаплашганман.

— Майли. Гап чекланмаган истеъмол қарзлари устида кетмоқда. — У хўрсинди.

— Совиб бўлдимикин?

— Илиқ драмбун ичишни хоҳласанг...

Палмер озгина ичиб, ликер совиб бўлган деб ҳисоблади.

— Кўряпсанми? — деб гап бошлади у, — вақти келиб, ҳамма қарздорлар қарзини тўлаб битиради — бу амалга ошмайдиган нарс; ёки иқтисод шиширилган шардек ёрилиб кетади. Қарз тўлаш муддатлари қаттиқ сиқиб қўйилган, берилган қарзлар нақд пул билан қопланмаган, вақти келиб фабрикачилар кўтара савдо фирмаларидан ҳақ талаб қилишга мажбур бўлади, улар эса майда савдогарлардан талаб қилади, буниси ичтеъмолчиларни қисади.

— Наҳотки истеъмолчилар тўлашга қодир бўлмаса?

— Улар қарз муддати узайтирилган фабрикачиларга қарашли корхоналарда хизмат қиладилар, соғлом ақл эгаси бундай шароитда зарур молларни ишлаб чиқаришга қодир эмас. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ишчиларни қисқартиришга мажбур. Ишсиз қолган одам қарзларини тўлай олмайди. Тушунасанми?

Эдис бошини лиқиллатди ва ўз стаканчасини муз орасидан оҳиста олди.

— Мен ҳаммаси автоматлаштиришга боғлиқ деб ўйлар эканман.

Палмер Бэркхардтга ўхшаб аччиқ истеҳзо билан кулиб қўйди, сўнг бу қилиқни қачон ўзлаштириб олдим деган хаёлга бориб, бир лаҳза тўхтаб қолди.

— Маҳсулот ишлаб чиқариш усули қарз силсиласини ўзгартира олмайди. — тушунтирди у ниҳоят.

— Унда тамом бўламиз.

— Мен бу бемаъни муаммога шунчалик ўралашиб қолганимдан қоқоқ одам деган ном орттирдим, — Палмер хўрсиниб, ликёр хўплади. — Икки нарсанига вазиятни кутқара олади. Федерал заҳира тизими банкирларга тазйиқ ўтказди. Оқибатда банклар савдогарларга қарз беришни камайтиради, улар ҳам ўз навбатида истеъмолчиларга насия мол бермай қўяди ёки истеъмолчилар, очкўз болаларга ўхшамасдан, ўзларини катта одамдай тутиб, атрофга жиддий қарайдиган бўладилар.

Эдис ўз стаканини чироқ нурига солиб синчиклаб кўздан кечирар экан:

— Демак, — деб хитоб қилди. — Ҳаммаси истеъмолчиларга боғлиқ экан-да?

— Шубҳасиз.

— Уларга бугун бўлмаса эртага кечкурун ёки бошқа ажойиб кунлардан бирида, — давом этди Эдис, — парча-парча бўлиб кетиш хавфидан қутулмасдан туриб, ўзларини катта одамлардек тута олмайдилар.

Улар ликёрни жимгина ичишга тутиндилар. Катта бир палён камин ичида чирсиллаб ёрилди, мўридан майда учқунлар ёпирилиб чиқди.

— Чамамда, тайёргарлиги йўқ одам учун бу мавзуда баҳс юритиш анча оғир кечади.

— Аммо у банкда бугунги мажлис мавзусига айланди. Энди ҳамкасабаларим мени бу масалалардан яхши хабардор деб ҳисоблайдиган бўлишади.

— Уларнинг фикри қандай?

— Ростини айтсам, бундай масалаларни муҳокама қилмаганмиз.

— Ким билан гаплашгансизлар?

— Ҳай, мен билмайман. Мен реклама ва ахборот бўлимидаги ходимларимиз билан гаплашган эдим.

— Мак Бернс биланми? — сўради у.

— Ҳа, шундайроқ. У ва мисс Клэри банк ишларида ҳеч нарсани тушунмайдилар...

— У реклама ва ахборот билан шуғулланадими?

“Кўраяпсанми, — деди ичида Палмер, — кўраяпсанми?” Аммо овоз чиқариб: — У Бернс билан муносабатларимга воситачилик қилади, — деди ва чуқур нафас олиб, гапни чалгитишга уринди. — Уларнинг бири ҳам банк ишларини тушунмайди...

— Мисс Клэрини ишга ким ёллаган? — сўради Эдис бўлиниб қолган мавзуга қайтиб.

Палмер елкасини сиқди.

— Мен келганимда ишлар эди.

— У чиройлими?

Палмер аста кулиб қўйди...

— Ҳар ким ўз имкониятига қараб ҳаёт кечиради, — деди у. Овози каттакон хонада ғалати ақс садо бериб жаранглади. — Яхши таъминланган оиланинг ўфилиари ҳам. Ҳатто, — қўли билан уни кўрсатиб, қўшиб қўйди, — қизлари ҳам. Менинг қўлимда банк хўжалиги бор. Мен у билан шуғулланаман. Очиқчасига айта оламан: бу шарафли касб. Мен ишонаманки, у аёл ҳам керакли ижтимоий вазифасини бажаради. Агар, вазифани бажармай қўйса, у мен учун йўқ нарсага айланади. Нима ҳақида гапираётганимни тушунасанми?

— Тушунаман. Бу жуда қайғули.

— Ҳа, қайғули, — қўшилди у, — чунки банк ишлари баъзи зарур вазифалардан озод қилади, худди илон ҳам ўзини сиқиб турган терисини ташлаганга ўхшаб. Банк куч бағишлаши, қўллаб-қувватлаши, ҳимоя қилиши лозим. Банкнинг асосий вазифаси — жамғариш.

— Шундай эди, — деди Эдис, — энди ўзгариб бормоқда.

— Ўпкаси ишляпти. Юраги қонни ҳайдаяпти. Баъзи вазифалар ўзгармайди. Агар ўзгариб кетса, оқибати ўлим.

— Худойим-ей, Вудс, мен ҳатто тасаввур ҳам қилолмаган эдим, сен...

— Мен ҳам тасаввур қилмаганман, — гапини бўлди у. — Фақат муносабатим қандайлигини билардим.

— Бу даражада қаттиқ куюнишимни билмаган эдим. Аммо бугунги мажлис мени бутунлай майдалаб ташлади. Майли, нима бўлаётганини сенга айтиб берақолай.

— Нима бўлаяпти?

— “Жет-Тех интернешнл”. Уларга ниҳоятда паст фоизлар билан кўп миқдорда қарз керак. Биз уларни рад этдик, сабаби, бу пулларни кичик қарздорларга бўлиб берсак, катта даромадга эга бўламиз, улар эса янада қарзга ботиб қолаверади. Агар Жет-Тех биздан қарз ололмаса, банкни бутунлай қўлга кириштишга ҳаракат қилади.

— Жиддий гапираяпсанми?

— Уларнинг нияти жиддий. Омонат банклари жанги деймизми? Йўқ. Бу ҳаёт-мамот жанги. Аммо Жет-Тех қасдма-қасдига босимни кучайтириб бормоқда. Бэркхардтнинг бунга тортиб, мағлубият сари судраб, акциядорлар кўзи ўнгида обрўсини ерга урмоқда. Ўзлари эса қўлга тушган акцияларни мутлақо хотиржам сотиб олишмоқда.

— Ғалати.

Эдис жим бўлди.

— Акция баҳоси кўтариляптими?

— Улар кўтарилиб бормоқда.

— Сира ўйлаб кўрмадингми, — секин ва хаёлчан оҳангда гапирди аёл, — Бэркхардт қимматли қоғозларини пуллаб, яхшигина даромад олиши мумкин-ку.

— Шундай. Мен бунга ўйлаб кўрганман. Воз кечишга тўғри келди. Бу ишни бошқа бирон одам қилиши мумкин, аммо Бэркхардт эмас.

— Сенга ўхшаган биронтасими?..

— Бу кўп нарсаларга боғлиқ, Эдис.

У бошини чайқади:

— Виждон азобими?

— Бу ерда виждон азоби ҳеч нарса эмас...

- У хотинига ўтирилиб:
 — Мен ноҳақман, — деди.
 — Нима, азизим? — Унинг овози хона ичида жуда заиф эшитилди.
 — Мен ноҳақман, — такрорлади у овозини баландлатиб. — Банкни биздан тортиб олишга уларнинг тўла ҳуқуқи бор.
 — Шундайми? Унда нима бўлади?
 — Уларга халақит бериш учун менинг ҳам тўла ҳуқуқим бор.
 — Сен шундай қиласанми?
 — Ҳа, — деди Палмер ва яна бир марта қаттиқ овозда қичқирди: — Ҳа!..

Қирқ учинчи боб

- ... Ички телефон оҳиста жиринглади.
 — Эшитаман, — жавоб берди у.
 — Қандайдир мистер Гаусс сизни кўрмоқчи.
 — Ким?
 — Қандайдир мистер Гейнц Гаусс. У билан учрашув тайинланмаган.
 — Худойим-ей, тез ҳузуримга олиб келинг. — Палмер эшикка қараб юрди.
 — Ким ўйлабди бунини!
 — Олим Гейнц Гауссми? — сўради Виржиния.
 — Худди ўзи, уни Пенемюнда асир туширган эдим.
 Палмер эшикни очди, айна замонда Гаусс қабулхонага кириб келди. — Гаусс! — деди у қўлини чўзиб.
 Гейнц Гаусс Палмердан бир бош кичкина эди, озғин митти одам, ёши 60 дан сал ошган, қора сочлари тўкила бошлаган, чаккалари оқарган...
 — Кўп ҳам ўзгармабсиз, — деди Палмер.
 — Э, йўқ, ўзгариб кетганман.
 Палмер унинг қўлини бўшатди, Гаусс бир нуқтада туриб қолди. Катта хонани кўздан кечириб чиқди. Назари Виржинияда тўхтади.
 — Бу реклама бўлимидаги ходимингиз мисс Клэрими?
 Гаусс қаддини тик кўтарди, аммо пошналарини тарақлатмади. У бир оз эгилди.
 — Жуда мамнунман, мисс Клэри.
 Виржиния эшикка қараб юрди.
 — Тўғриланган нусхасини кейин оласиз.
 — Ҳозир уйга кетасизми?
 — Йўқ, матн устида бироз ишламоқчиман.
 — Кейинроқ ҳузурингизга кираман.
 — Мамнунман.
 Палмер эшикни ёпиб, Гауссни ёзув столи ёнида турган оромкурси олдига олиб борди. Кичкина одам иложи борича кам жой олишга интилгандек, эҳтиёткорлик билан ўриндиққа ўтирди. Палмер ўз жойига ўтди.
 — Сигарета чекасизми?
 Гаусс чимирилиб сигарета олиб, тутатди.
 — Билсангиз керак, — деди у. — Жет-Техга алоқадор тарих. Мен илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қиламан.
 Палмернинг юрагига биров совуқ латта билан ургандек бўлди. Ўн беш йил ичида Гауссдан ҳеч қандай дарак йўқ эди. Айна шу кунларда кириб келиши кўп нарсани англатади.
 — Шаҳарда Барни Кинч билан бирга бўлсангиз керак?
 — Мажлисдан тўғри келяпман. Натижалар, чамаси, сизга маълумдир?
 — Ҳа, — Палмер столга яқинроқ сурилди. — Агар сизга фойдаси тегадиган бўлса, қабул қилинган қарорга қарши чиқаман.
 Немиснинг кўзлари чарақлади.
 — Шундайми? Нима учун?
 — Биз қандайдир битимга келишамиз деб ўйлайман. Балки бу сиз хоҳлагандек бўлмаслиги мумкин, аммо сиз озми-кўпми пул орттириб оласиз.

— Пул дейсизми? — Гауссинг оғиз чеккалари ёзилди.
 — Эски дўстлигимиз ҳурмати учун баъзи нарсаларни сизга айтсам майлими?
 — Ўзингиз зарур деб ҳисобласангиз. — Келгуси йилдаги тажриба ишларим учун ажратилган бюджет маблағларининг ярмиси лаънати элтувчи ракета “Уотан”га сарфланиб бўлди.

— Ҳалиги портлаб кетаётганми? У сизга қарашлими?

— Менинг айбим. — Кичкина одам гўё муваффақиятсизлик имтиёз берадигандек стулга ўрнашиб ўтирди. — Очигини айтганда, бу иш аҳмоқона қаллоблик. Суyoқ ёқилғили двигателлар чизма тахталардан тушмай туриб эскириб қолади. Бошқа олимлар болалар ўйинчоғига ўхшаган шу ишга қўл уради, деб ўйлайсизми?

Палмер елкасини қисди.

— Мен, тўғриси айтсам, бу соҳадаги ишларни кузатиб улгуролмаяпман, — тан олди у...

Палмер шундан кейин муқаррар равишда бўладиган илтимосни кутиб, тарадудланди.

— Мен ҳам жуда ачинаман.

Немис тасдиқлади:

— Бошқа сабаблар ҳам бор. Мажлисда бирга бўламиз, деб кутган эдим. Баъзи янги ўйинчоқларимиздан олиб келганман. Беозор нарсалар. Жуда ёқимтой.

— Шундайми?

— У ерда ҳеч ким қадрига етмади. Ўйлайманки, буни сиз тушунасиз. Сиз илмий маълумот олган бўлсангиз керак-а?

— Ибтидоий даражада.

— Жуда соз, — давом этди кичкина одам, — сиз ионли двигател нималигини тушунасангиз керак? У тезликни газ ёқилғисидан эмас, ионларнинг нурланишидан, электр зарядларидан олади. Ҳамма компаниялар шундай двигателларга эга. Аммо менинг мосламамгина зарур бўлган тезлатгични ҳосил қилиб беришга қодир. Ҳаракатчан, ўзгармайдиган, ҳис қилинадиган, фаол тезлатгич. Ерда эмас, ҳавода. Ҳаво жуда зич. Фазода эса ҳаво йўқ. Ниҳоятда ажойиб.

— Сизнинг шахсий ихтироингизми?

Гаусс кўкрагига уриб қўйди.

— Менинг гуруҳимники. Фанда улкан кашфийётлар қилишга кексалик қиламан. Кашфийётларни ўттиз ёшлар қилади. Аммо мен биринчи понани қаерга қоқишни ҳали ҳам кўрсатиб бера оламан. Улар қулоқ солишади.

— Бу ҳам катта завқ беради.

— Ҳозиргина, — деди немис бу суҳбатта аввалдан пухта тайёрлангандек, — суyoқ ёқилғи билан ишлайдиган двигателлар эскирди деб айтдим. Сиз қаттиқ ёқилғи имкониятлари нималигини тушунасангизми?

— Снарядлар учун. Унинг воситасида тезроқ отилади.

— Космик ракеталарда ҳам шундай... Қаттиқ ёқилғи воситасида мутлақо узoқ, Марсдан нарига ҳам учиб, қайтиб келиш имконига эга бўламиз.

— Махфий маълумотларми?

— Давлат, албатта, билади. — Кичкина одам қўли билан бошини ушлади. — Улар тушунишга, бу ёқилғи қудратини чинакамига баҳолашга қодир эмас. Улар зичлаштирилган. Шундай атама билан танишмисиз?

— Зичлаштирилган? Уни кичик бўлакчаларга айлантириб тайёрлайсизларми?

— Ҳажми аптека таблеткаларидан катта эмас. Ҳар бир таблетка ўн сония ёнади. Кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас. Устида қаттиқ қошламаси бор, у ёнишни секинлаштириб, таъсир кучини оширади. Бир хил миқдордаги суyoқ ва қаттиқ ёқилғи аралашмасидан кучли тебраниш ҳосил бўлади. Бу таблеткалар жуда қулай, уларни сақлаш ҳам осон, худди резинка сақичдай гап. Ҳоҳишингизга қараб ёниш камерасига секин ё тез тушиши мумкин. Афсонавий мўъжиза!

— Гапингизга қараганда, юлдузларга учиб арафасида турибмизми?

— Фақат юлдузларгагина эмас. Фақат биз худо қарган кампаниянинг шохобчаларидан бири ҳисобланамиз, пулларимиз турли корхоналарга тақсимлаб ташланган. — Немис “шохобчаларидан” деган сўзни ижригангандек талаффуз қилди. — Биз катта имкониятларга эга бўлган электроника соҳасида ҳам кўп ишларни амалга оширдик. Микроминиатюризация борасида ҳам. Бу менинг соҳам эмас, аммо мен уларни ҳам назорат қилиб бораман. Ун центли тангадек қисқа тўлқинли узатгичларимиз бор. Гутурт қалпоғи катталигида қабул қилувчи

мосламаларга эгамиз. Бугун кундузи уларни намоиш қилдим. Ҳеч ким англамади. Тушунтиришга уруниб кўрдим. Биз шу қадар кучли тезлаткич яратиб берамиз, у митги куёш батареясида ишлайди, унинг ёрдамида Марсдан ерга жуда кўп йиллар давомида радиосигналлар юбориб туриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси — кучайтиргич, батареялар, узатгич, қабул қилувчи мослама — ҳаммаси ангишвона ичида жойлашиб кетади.

— Бэркхардт бунга нима деди?

— Оғзини ҳам очмади. Кўзлари мени ёлғончига чиқариб турди...

— Ҳа, сизни тушунаман.

— Бу гапларнинг ҳаммаси қасрга тақалаётганини англадингизми? — Сўради Гаусс. — Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган элгувчи ракета, ион двигатели, микро алоқа, ёқилғи элементлари, супермоторлар нимадан дарак беради?.. Айтайлик, Ойга бориш бир неча кунлик масофага айланиб қолади. Ойнинг тортиш кучи кимлигидан фойдаланиб, бошқа сайёраларга йўл оламиз. — У қўлларини ҳавода силжитди. — Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш қўлимизда, ҳаммасини! Сунъий космик қўниш майдони учун беҳуда маблағ сарфлаш кимга керак? Тайёр табиий қўниш майдони — Ой турибди-ку! Жет-Тех ихтиёрида Ойни катта фазо платформасига айлантиришга қаратилган барча маълумотлар мавжуд. Юлдузларга учиб йўлида у дастлабки бир босқич бўлиб қолади.

Иккаласи анча вақт жим қолишди. Палмер кулимсиради:

— Шоирона. Ва жуда таъсирчан.

— Тўғри эмасми? — Немис бошини силжитди, қора кўзлари ялттиради. Сўнг жим бўлиб қолди. Яна бир дақиқадан кейин юз ифодалари сўнди. Хўрсинди. Ҳатто катта босим остида янада кичрайиб қолгандек туюлди. — Буларнинг ҳаммаси, — деди у сўник, умидсиз товуш билан, — пул талаб қилади.

— Сиз, албатта, ҳукумат жамғармаларига умид қиласизми?

— Биз катта пул ирмоқларига қараб жон-жаҳдимиз билан интиламиз, — Гаусснинг жағлари хунук қийшайди. — Ярим миллионни у томондан, ярим миллионни бу томондан оламиз. Куёш системасига қўлимиз етай деб турибди, шу аҳволда гадога ўхшаб тиланчилик қилишга мажбурмиз...

— Гаусс, — деди ниҳоят Палмер, — иш вақти ҳам тугаб қолди. Шу яқин атрофга бориб, ичиб ўтириб гаплашсак, нима дейсиз?

Палмер саволини тутатмасданоқ немис ўрнидан туриб кетди.

— Ажойиб таклиф, — деди у эшикка юзланиб. Аммо Палмер кўққисдан яна тўхтади.

— Мени лифт олдида кутиб турунг. Баъзи нарсаларни кўриб қўйишим керак.

Палмер Виржиниянинг хонасига кириб борганда у ҳамон машинкасини чиқиллатиб ўтирарди.

— Сен кўчиришинг эмас, таҳлил қилишинг зарур.

— Тузатишлар кўпайиб кетди, тушуниш қийин. — У бошини кўтарди ва кутилмаганда кулиб юборди.

— Сени герр Гаусс кутаяпти.

— Биз у билан оз-моз ичмоқчимиз. Унга ёрдам беришнинг ягона чораси шу. — У бўм-бўш хонага ўғринча кўз югуртирди. — Кечқурунги мўлжалинг қандай?

— Ҳеч қандай режам йўқ, — гапини бўлди аёл. — Узинг-чи?

— Телефонинг кечқурун шаҳар билан боғланадими? Гаусс билан хайрлашгач, сenga кўнғироқ қиламан.

— Қайси рақамга улаб қўйишганини билмайман.

— Яхшиси, бирон жойда учрашайлик, майлими?

— Қарда?

У ўйланиб қолди.

— Сени ҳеч ким танимайдиган жойда. Мени ҳам. Учинчи авенюдаги барда.

Аёл манзилни айтди.

Қирқ тўртинчи боб

Палмер Виржиния билан учрашиладиган жойга яқин бўлган барни танлади. Ўн беш минут ичида Гаусс биринчи стакан вискини ичиб бўлди ва иккинчисига қўл урди. Ичкилик унинг кайфиятини кўгармаганини Палмер сезиб турарди. У

фақат ўзини назорат қилиб турган ички кишанларни узиб ташлади, холос. Столда унга қарама-қарши ўтирган Палмер фахрланса арзийдиган катта ишларни қилиб қўйган бу одам шу қадар бахтсиз кўринишига ҳайрон қолмоқда эди.

— Na, — дер эди Гаусс, — Na, na! Ҳамма нарса мени четлаб ўтди, alter Freund². Ҳозир етмиш ёшдаман. Отмишдан ошиб кетдим! Қисматимга ёзилган омад аллақачон мени тарк этган. У, du kennst³, ausgespielt⁴, мен билан бирга тамом бўлди.

— Омад билан фан орасида қандай умумийлик бор?

— Тамом. Одам қиладиган ҳамма ишлар билан омад қай даражада алоқадор деб сўраясизми? Сурат чизасизми? Мусиқа тўқийсизми? Ракета қурасизми? Ҳаммаси ўз вақтида қилиниши керак, вақтида қилиш учун эса омад лозим.

— Кўп марта муваффақият қозонгансиз. — Палмер унинг стакани бўшаб қолганини кўриб, официантни имлади.

— Уларни ким билади? — сўради немис. — Баъзи ҳамкасбларим бутун дунёга танилган. Гаусснинг номини дунёда ким билади? Сизга айтишим мумкин. — У жарангдор оҳангда қаттиқ кулди. Бу овоз Палмернинг кулогини тешиб юбораёзди. — Менинг исмим физикада жуда машҳур. Ҳа-да, менинг исмим. Сиз Карл Фридрих Гауссни эшитганмисиз? Математикани? Магнетизм асосчиси?

— Эшитганман деб айтолмайман. У қариндошингизми?

— Ҳамма шундай деб сўрайди... Қариндошим эмас. Ҳеч кимим эмас. Шундай ном билан яшайдиган физика не чоғлик оғир бўлишини биласизми? Худди Гёте исми билан туғилган шоирдек гап... Нима учун, — хитоб қилди Гаусс — Нима учун фон Браунга ҳар доим пул топилади-ю, нега Гауссга йўқ?

— Ҳукумат билан бевосита алоқада ишласангиз бўлмайди?..

— Бўлмаган гап. Бу ёққа дастлабки келган пайгимда ҳукумат мени ўз қаноти остига олди, улкан, юмшоқ бу қанот остидан кўплаб аблаҳлар макон топиши мумкин... аммо канализация трубаси ичида яшагандек бўласан. Ҳаво йўқ. Ҳеч қандай ғоя йўқ. Ингилиш йўқ. Янги йўналишларни ҳеч ким изламайди. Худойим-ей, мен чалғиб кетдим. Адашган кекса одамман. Ўттиз-ўттиз беш ёшдан кейин сиз янгилик яратолмайсиз. Юксак илҳом дақиқалари сизни безовта қилмай қўяди. Сиз даҳоликни тажриба ва айёрлик билан алмаштирасиз. Фикр бўлақларини йиғасиз, бошқалар амалга оширолмаган ғояларни тўплайсиз, ёшларни бирлаштирасиз ва жуда кичкина бўлса ҳам қандайдир шахсий кашфиётингизни яратасиз. Шунда бошингизни силашади. Ҳукумат буюртмаларидан биринчилар, қаторида воз кечишга уриниб кўрдим. Яна ҳисобда адашибман. Омад қайтиб келмади.

— Мен Жет-Техдаги сизнинг гуруҳингиз бояги янги нарсаларни яратган деб ўйлаган эдим.

— Сизга айтган ўйинчоқларини? — Немис виски хўплади. — Улар ёмон эмас. Аммо бир йил, нари борса икки йилдан кейин “Женерал дайнемикс”, “Бэлл” ва “Женерал электрик”, “Юнион карбайт” ва “Вестингауз” ва бошқалар ҳам уларни ишлаб чиқара бошлайди. Мен бўлсам куруқ ҳамён билан номаълумлигимча қолиб кетавераман. Мени ёшимда бу камситилиш бўлади. Бу — таназзул демакдир. Мен тиланчи эмас, олимман. Бу Жет-Тех... Бахтсизлик келтирадиган... бу нарса. Иш юришмаслиги. Омадсизлик.

— Сиз шухратпараст одамсиз, — оҳиста гапирди Палмер, — ҳозирги ёшингизда бу яхши аломат.

— Касаллик аломати. У мени ичимдан кемиради. Нима учун у? Нима учун бу? Нега Гаусс эмас?

— Балки, — фикрини давом эттирди Палмер, — сиз ҳам, катта пул талаб қилмайдиган нарсалар яратарсиз? Ёки Жет-Техдан бошқа бирон ташкилотга ўтганингиз маъқулмикин?

— Кекса малай бўлиш учунми? Раҳмат, буниси кетмайди. Жет-Техда ҳеч бўлмаганда катта лавозимда ишлайман-ку. Ахлат ташувчи қирол. — У галати

¹ Бу ерда! Шундай (нем.).

² Эски дўст (нем.).

³ Биласанми? (нем.).

⁴ Сўниб бўлган (нем.).

бир тарзда қаттиқ қулди, столга қараган пайтида қалин қошлар кўзини тўсиб қўйгандек бўлди. Ахлат ташувчи қирол, — гўнғиллади у. Шу пайтгача истехзоли кулиб турган ингичка лабли катта оғзи текис ва ифодасиз бўлиб қолди.

Палмер ҳисоб-китоб қилиш учун официантни имлаб чақирди... Официант ҳисоб қозонини келтириб Палмернинг олдига қўйганда, Гаусс бошини кескин кўтарди.

— Нима? Сизни ким чақирди?

— Мана бу жаноб, — изоҳ берди официант.

— Мен уйга боришим керак, — деди Палмер. — Ҳатто кечика бошладим.

— Ҳа, — Гаусс қаддини букди. — Ҳа, албатта. Сизни тутиб қолганим учун узр.

— Узрга ҳожат йўқ. Сизни мен таклиф қилдим.

— Пуллар-чи, қарз нима бўлади?

— Гаусс, сиз тушунингиз керак... — деб гап бошлаган Палмер официант ёнида турганини сезиб, тўхтаб қолди. У ҳамёнини олиб, йигирма долларни буқланган қозон устига қўйди. У Гаусснинг кўзлари нақадар очкўзлик билан ўзини кузатаётганини ҳис қилиб турарди. Ишонгинг келмайди, ўйлади Палмер. мутлақо тушуниб бўлмайдиган ҳолат. Бу одам ҳар йили кам деганда ўттиз минг доллардан кўп даромад қилган. У ёлғиз яшайди, болалари йўқ, чамаси, орттирган ҳар бир центни банкага қўяди. Шунга қарамай шу даражада аянч аҳволга етганки, Ҳатто ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмайдиган бўлиб қолибди.

— Ҳаммага маълумки, — гапини давом эттирди Палмер, — мен қарз масаласига қарши эмасман, аммо сиз сўраётган нарсани ҳал қилиш охириги натижага боғлиқ. Ишонаманки, сиз яхши ишни кўнгилдагидай яқунлайсиз. Орадан икки кун ўтганига қарамай, кечаги гап-сўзлар ўтмишга айланиб бўлди; бугун Жет-Техга расмий равишда хабар берилди, ҳозирча шу аҳволда тўхтаб турибмиз. Лумис янги таклифлар билан чиқиши ва музокараларни қайта бошлаши мумкин. Мен шундай бўлишига астойдил ишонаман. Биласизми? Сиз пул олишингизни мен ҳам хоҳлайман. Ихтиёримда бирон-бир имконият пайдо бўлиб қолса, сизга амалий ёрдам бераман. Ҳозирги пайтда эса... бундан бошқа ҳеч нарса қила олмайман.

Гаусс ҳорғин бош чайқаб қўйди.

— Мен биламан. Лумис ҳам айнан шундай деган эди.

Мен кутаман. Вақти келиб пул бўлади.

— У шундай дедими? Қачон?

— Бугун. Аввал ҳам кўп айтган.

— Буни қай даражада аниқ айтди? — сўради Палмер.

— Чексиз аниқлик билан. Бу молиячи ишбилармонлар сизга маълум-ку, — Гаусс кўзларини қисди. — Лумисга ўхшаганлар биласиз-ку. Сиз бугунлай бошқа одамсиз, эски дўстим.

— Лумис охир-оқибатда пул бўлишига ишонадимми?

— Ишонади, — аччиқ нарса егандек немиснинг юққа лаблари қийшайиб кетди.

Палмер кўзгалди.

— Гаусс, ҳозир йўлга чиқмасам бўлмайди. Сизга ёрдам беролмасам ҳам гаплашиб ўтириш менга ёқади. — У қария ўрнидан кўзғалишини кутиб турди...

Гаусс жим ўтирар эди. Палмер йўталиб қўйди. Бироздан кейин бутунлай ўзини эпюлмай қолади, деган хаёлга борди. Гауссга уч стакан виски олиб берганига, умуман, ичириб қўйганига пушаймон бўлди.

— Гаусс, — деди у, — тобингиз қочяптими?

Кичкина одам киприк қоқмади. Нигоҳини кўтариб, Палмернинг юзига тикилди.

— Сизга айрим нарсаларни айтиб бераман, — деди у сокин, аммо бўғиқ овозда. — Улар мени бу ёққа юборишгани йўқ. Мен ўзимни вакил бўлиб келгандек кўрсатдим. Буни ҳатто билишмайди. Бизнинг таниш эканлигимиз, уларнинг хаёлига ҳам келмайди.

— Ҳаммаси ўзингиздан чиққан ғоями?

Гаусс бош силкиди.

— Марҳамат, ўтиринг.

Палмер девордаги соатга қаради. Виржиния билан учрашувга ўн дақиқа қолган эди.

— Фақат бир-икки минутга, — деди у Гаусснинг қаршисига ўтирар экан. — Тез етиб бормасам бўлмайди.

— Албатта, — Гаусс Палмерга эмас, стол устидаги суратга қараб кулди. — Бу эркак кишининг сурати, — деди у бармоғи билан нуқиб.

— Бу темир тасвирдек гап. Айни замонда Марс сайёрасига ўхшайди. Галати. — У жилмайган ҳолда ҳеч нарса демасдан узоқ ўтирди.

— Гаусс, мен кечикяпман.

— Ҳа, ҳа, ҳа. — Қария ўзини қўлга олгандек бўлди. — Мендаги имкониятлар билан, — деди у овозини анча баландлатиб, — Карл Фридрихга ўхшаб, Гаусснинг номини ҳам дунёга машҳур қилиш мумкин. Шунда уни “бу бошқа Гаусс” деб аташ бошлайдилар. Гаусс номи тилга олинганда — у Гейнц Вальтер Гаусс эмас, мен бўламан, билдингми?

— Шундай бўлишига умид қиламан...

Палмер соатга қаради. Ўн дақиқа кечиккан эди. У ўрнидан турди.

— Ишингизни қўшимча маблағларсиз ҳам давом эттира оласизми?

— Бошқа иложим йўқ. — Гаусс пальтога қўл чўзди, аммо кўзлари бошқа тамонда эди. — Мен бу ишни давом эттиришга мажбурман. Хомашёлар ҳақида сохта маълумот тўлдираман, ёлғон гапираман, ускуналарни ўғирлайман.

— Ҳукуматдан шартнома асосида пул олсангиз-чи? Жет-Техдан кетсангиз нима бўлади? Ҳамма ишни ҳукумат назорати остида қилаверасиз-ку!

Гаусс истеҳзо билан кулди.

— Менга, ўша лаънати “Уоатан” ракетаси деб миллионлаб долларларни совурган кишига ҳукумат бошқа миллионларни бермайди. — У шляпасини бошига илди. — Бугун рад этишганини эшитганимдан кейин кўз олдимга сиз келдингиз. Мулоқотимиз қандай бўлишини ўйладим. Мен ақлли эдим. Ўзимга ишонардим. Сизга ҳам ана шу ишонччи юқтира олдим. Сиз мени қандай кўрган бўлсангиз, мен ҳам ўзимни шундай кўриб турибман: чўнтагида бир чақаси йўқ, мияси суйилган, тентак қария. Омадсиз чол. Майли, шундай бўлсин. — У кўр-кўрона кўча эшигига қараб кескин бурилди.

— Гаусс, — Палмер пальтосини йўл-йўлакай кийиб, немиснинг орқасидан Учинчи авенюга чиқди. — Гаусс, бир дақиқа тўхтанг.

— Сиз бутунлай кечикиб бўлдингиз, дўстим. Вақт — катта неъмат. Вақтни тўғри ҳисоблай олишда гап кўп. — Кўчада фирилаб эсаётган совуқ куз шамоли Гаусснинг шляпасини кўтариб юборди. — Сиз кечикиш бўйича мутахассис билан гаплашяпсиз. Эйнштейн яҳудий бўлгани учун мен ўн йилга кечикдим. Майли. Ҳали ўн йил имкониятим бор. — Неон нурлари ёритиб турган қоронғиликда унинг жилмайиши ғайритабиий чиқди. — Шунда омадим келади, — қўшимча қилди у истеҳзоли оҳангда. Сўнг бурилиб, йўл бўйлаб кетди ва бирдан ён кўчада ғойиб бўлди...

Қирқ бешинчи боб

У барнинг этагидаги алоҳида столда ёлғиз ўтирарди. Палмер аланг-жалаңг қараб, қидириб топди ва тез олдига келди.

— Мени кечир, — деди у аёлнинг қаршисига ўтирар экан, — аммо Гауссга кўп нарсаларни айтиб беролмай қолдим.

У барга кирганда аёл бошини кўтариб қараган эди. Уни кўргандан кейин икки қўллаб ушлаб турган стаканга тикилганча жим ўтираверди, гўё яна бир қарашга мадори етмаётгандек эди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у бўғиқ овозда.

— Хафа бўлганга ўхшайсан.

— Ҳаммаси жойида, — деб таъкидлади у ҳамон унга қарамай.

— Ажабтовур нусха, — деди Палмер. — Зарур ишим бўлмаганда, гапларини эшитиб ўтираверган бўлардим.

Аёл бошини секин кўтарди ва унинг кўзларига тикилди.

— Агар Гаусс шу даражада азиз бўлса, — деди у тиниқ овозда, — бекор ташлаб келибсан.

— Сен ундан азизроқсан...

— Ҳа, — тасдиқлади у. — Ўзимга ўзим ачиниб кетаман.

— Нимани ўйлаётганимни қаердан биласан?

— Бу гапларни қўй, — гапини бўлди аёл. — Шунини унутмагинки, кельтлардан бирон нарсани яшириб бўлмайди... Ўзаро муносабатларимиз ҳақида бир соат ўйлаб ўтирдим. Кечикиб кетганимни кўрганимдан кейин янада ёмон бўлдим. Ниҳоят, — деди у худди хаёл сураётган одамдек, — сени келмайди деб ишонганимдан кейин орамиздаги барча муносабатлар ўлди. Шундай кўз олдимда, стол устида. Мен суякларини йиғиб дафн этаётганимда сен пайдо бўлиб қолдинг.

— Худойим- ей, мен бор-йўғи бир неча дақиқа кечикдим.

— Ўн беш дақиқа.

— Аввал эшитгин...

— Биласанми, — яна гапини кесди у, — бадий асарларда кўпинча шундай томошалар учраб туради. — Қаҳрамон пайдо бўлади ва барча нохуш хаёллар бемаъни тушдек йўқолиб кетади, атрофдагилар яна шод-хуррам бўлиб қоладилар. Бу ниҳоятда кўнгил яқинлигининг аломати. Оддий далил, у охир-оқибатда пайдо бўлади ва севинчдан ёш тентак қизнинг боши осмонга етади.

— Аммо сен ундай эмассан.

— Майли, — рози бўлди у. — Эски мия қутиси бундай жисмоний машқлар учун торлик қилади. — Нима бўлганда ҳам, — у энгашиб, Палмернинг кўлларини шапатиллаб қўйди, — нима бўлганда ҳам келганинг учун хурсандман.

— Мен ҳам хурсандман. — У аёлнинг кўлини ушлади.

— Қуриб кетсин, — давом этди аёл, — бу ўлимтик нацист нимаси билан сени мафтун қилди, қандай қилиб Нью-Йоркдаги энг гўзал аёл билан ишқий учрашувга кечикиб келишга журъат этдинг?

— Айтганим билан ишонмайсан.

— Қани айт-чи?

— Бошқа пайт айтиб бераман, — унинг кўлини қисди.

— Нега уни нацист деясан?

— Аслида шундай эмасми? — У бирданга “ачитан карам” деб аталадиган талаффузда гапиришга ўтди.

У ҳеч қачан партия агзаси билан ичкани йоқ? Биснинг арамисда нацис белан ичкан нацис йоқ. Ҳа, бис уларга нема болди, белган йоқ.

У кулиб юборди.

— Сиз ирландлар ҳақиқатан ҳам олий ирқ намояндаларини ёқтирмайсизлар, тўғрими?..

Палмернинг кулгисидан салгина нарида турган официант чўчиб тушди. У бирон нарсга буюришади деб ўйлаб, бурилиб қаради. Палмер дабдурустдан буни сезмай қолди.

— Менга ҳам худди шунисидан, — деди у Виржиниянинг бўш стаканини кўрсатиб, — хонимга яна битта.

Сўнг бир муддат бош чайқаб жим туриб қолди, кейин:

— Яқинда мен Виктор Калхэйннинг бир ваъзўйлигини эшитиб қолдим, — деди.

— Вик, — буюк маккор, — таъкидлади Виржиния ирланд лаҳжасида гапиришда давом этиб. — Ирландлардан кейинги ўринда — итальянлар туради. Викнинг қонига ҳар иккаласи кўшилиб кетган.

— Ҳарқалай, у Мак Бернсдан эҳтиёт бўл, деб огоҳлантирди.

— Уҳ, ҳозирги кунларда ҳаммамизда, жумладан, ирландларда ҳам ливанликлардан бир чимдим бор.

— Мен келгунча қанча ичиб улгурдинг?

— Ғанимлиқ Департаментида ливанликларга мансуб шахслар, — давом этди у, — ўзларини кельтлар деб ҳисобловчилар сони билан баравар.

— Маст бўлиб қолибсан.

— Ичдим, кайф қилдим, йиғладим, — хўрсинди у. — Умуман, кўп ичмадим. Шунчалик узоқ кутиш давомида биргина стакан билан чекландим. Кўрмайсанми? — Бўш стакани унга томон суриб қўйди — Муз парчалари қанчалик кичик бўлиб қолганини кўрясанми? Нўхатнинг ўзи дейсан.

— Бугун сенга нимадир бўлганга ўхшайди.

— Бир чеккада туриб, сени шафқатсизларча ўрганиш натижаси, холос.

— Э, худо, — деди Палмер маъюсланиб. — Энди ҳеч қачон учрашувга кечикиб келмайман...

— Бунинг учун қандайдир даражада яхшигина жазо олдинг. Мен талабни юқори қўяман, сен ҳаммасига мос келасан. Ҳатто бошқалардан баланд турасан. Сен жуда даҳшатлисан, қаранг-а, қизариб кетяпганини! — Бунақаси хотинларда бўлади. Эҳ, фақат кичкина бир тугун бор-да. Сен бевақт уйланиб қўйгансан-да.

— Мен қизарибманми? — Ўжарлик қилди Палмер. — Аёллар менга доим шундай дейишади.

— Шундай бўлаяпти-да. — У майингина кулди. — Аммо сен, менинг аёлманд дўстим, мен учун даҳшатли муаммоларни туғдирасан. Агар мен муносиб эркакни топишни хоҳлаб қолсам, орқада қолишингга тўғри келади.

Палмер ҳазил билан жавоб берди:

— Орқангда бўлиш — мен учун ниҳоятда ёқимли ҳодиса.

— Сен мени ниҳоятда жиддий деб ўйлайсан, шекилли. Шунинг учун тетажожлик қилаяпсанми?

— Шунинг учун.

— Кераги йўқ. Лоақал бир дақиқа жиддий ўтиргин.

— Ҳаракат қиламан, — ваъда берди у, — аммо бундай тақдирда бу хонадан чиқиб кетиш ва сендан воз кечишимга тўғри келади, чунки ҳар бир аёл эрга тегиши шарт.

Бир муддат иккаласи ҳам жим қолишди.

— Менга бундай қарама, — илтимос қилди у.

— Қандай?

— Ўзинг биласан-ку, Вудс, марҳамат қилиб, менга ростини айт. Мени нимамни ёқтирасан?

Жиддий жавоб зарурлигини ҳис қилган Палмер анча ўйланиб қолди.

— Сени чиройли қиз... аёл, деб биламан, — бошлади у.

— Марҳамат!

— Шундан бошлашим керак. Сен фақат яхшигина эмас, чиройлисан, бу мен учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари сен жуда ақлли аёлсан, ҳатто эркаклар билан бемалол вақт ўтказа оладиган даражада ақлли аёлсан... Яна ёқадиганлари... нима дейишим мумкин? Обрўли, истеъдодли аёлсан, ишда эътибор қозонгансан, юқори даражада маош олиб ишлашга муносибсан, шунга қарамай, модомики юракдан гаплашаётган эканмиз, ЮБТКда сента кам тўлашади. Хўп, майли. Сенда кўп фазилатларни кўраман. Ҳиссиёт борасида ҳакамлик қилолмайман. Бошқаларни тўғри тушуниш учун аввал ўзингни яхши билишинг зарур. Ўзингда борини бошқаларга бахшида эта оладиган, ёқимтой хилқатсан. Қалқон туғиб, ўзингни ҳимоя қилишга қодир эмассан, сени ҳимоя қилишидан олдин уни улоқтириб юборасан. Бу сен учун ёмон, аммо бутун ҳароратингни бағишлайдиган эркак учун бу нарса жуда ёқимли. Сен... мен ўйлайманки... мен нимани... — У гапдан тўхтади.

Аёл унинг қўлини ушлади.

— Агар шу нарсаларни ёқтирган бўлсанг, уларни мен ҳам ёмон деёлмайман.

— Иссиқ бармоқлар йигитнинг қўли узра юқорига силжиди, Палмер аёлнинг кафтини сиқди.

— Сен тушунмайсан. Ўзим ҳам зўрға англайман. Менинг бошим ва юрагим балиқниқидек жуда совуқ. Ҳақиқий банкирнинг юраги. Сен уни иситасан ёки топтаб ташлай оласан. Шундай бўлса, азобда қоламан. Мен буни хоҳламайман. Алоқаларимиз мутлақо жисмоний ҳолатда қолишини истайман. Шундай давом эттирсак, ўзинг топиб айтганингдек, энг оғир нарса мени ташлаб кетишингдир. Сен дастлаб мен ишонган ягона одам эдинг. Ҳозир ҳам шундай. Аммо ҳаммаси жиддийлашиб кетяпти. Менга ўхшаган тажрибасиз одам учун бу жуда хавфли. Бугунги дилдан қилинган суҳбатимизни ҳисобга олсак, муносабатларимиз ҳар қандай мажбурият доирасидан чиқиб кетаётганини кўриш қийин эмас.

У аёлнинг бармоқлари қўлларини мулоим силаётганини сизди. Бир қошини чимириб, у айтаётган гапларга ишонгиси келмагандай ёки умуман ишонишни хоҳламагандай бефарқ қараб ўтирарди.

— Ўзинг ҳақингда шунчалик аянчли фикрдамисан-а? — сўради у.

— Й-йўқ. Наҳотки.

- Ҳиссиётларимиз ҳақида. Ўзингни камида ўғри деб ҳисоблайсанми?
- Ҳа. Ҳамма нарсамни сенга бағишлаб, эвазига ҳеч нарса талаб қилмаётганимни айтиб ўтдинг. Бу таловчиликка ўхшаб кетади. Аммо ундай эмас.
- Менми? — сўради Палмер. — Сенга ниманиям берардим.
- Мендан олган ҳароратни яна қайтариб берасан. — Унинг қўллари сиқилиб, кафтларини оҳиста, аммо қатъият билан силай бошлади. У кафтлари қизиб кетганини ҳис қилди.
- Ажойиб кўргазма, — деди у. — Одамлар шундай қилиб олов ёқишади.
- Бир харидорим қачонлардир бармоқларимдан олов чиқарган эди.
- Виржиния, — хитоб қилди Палмер унинг қўлини сиқиб. — Эшит. Ҳозиргина мен учун даҳшатли муаммолар туғдирасан деб айтдинг. Эрга тегини ҳақидаги режаларингни ҳисобга олмаганда ҳам ҳаётингни мураккаблаштираётганимни билиб турибман. Сеникини ҳам, ўзимникини ҳам.
- Аёл дангалига кўчиб қўя қолди.
- Мен беҳуда гап бошладим. Ўзингга ачинишдан кучли туйғу йўқ. Унга бўйсунганим учун ўзим айбдорман. Энди бўлса, — у Палмернинг қўлига бир урди, — кел, жисмоний муносабатлар даражасига тушамиз. Майлими?
- Бошқа ҳамма нарсалар ҳавода муаллақ қолаверадими?
- Худди шундай. Нега биз дунёда ягона пайсалга солувчилардан бўлишимиз керак? Бу бахтсиз буюм у ёқда осилиб ётаверсин.
- Навбатдаги хуружинг бошлангунчами?
- Тўғри айтсан, — У вискини симириди. — Машинанг борми?
- Шахсийми? Йўқ.
- Меники ҳам. Ҳозир қиладиган асосий ишимиз — машинага ўтириб, узоқ-узоқларга кетиш.
- “Қайгуларингни унут, бахтли бўласан”.
- Қўшиқ учун ажойиб шеър.
- “Кайфиятинг ёмон бўлса, бошингни кўтариб қичқир: “Келади ажойиб бир кун!” — тамомлади Палмер.
- Истеъдодинг борлигига шубҳа қилмаган эдим.
- Буниси ҳали нима бўпти? — деди Палмер ўрнидан туриб. — Мана ҳозир сенга истеъдодимни кўрсатаман. — Қора пальтосини илмоқдан олиб, унга узатди. — Герцнинг карточкасидан бошқа нарсам бўлмагани ҳолда машина ёллаيمان.

Қирқ олтинчи боб

Нью-Ингланднинг кенг автомобил йўлида тўқ қизил “корвет” ҳеч қандай қондани писанд қилмай, соатига 90 мил тезликда учиб борарди. Кўз очиб-юмгунча улар Стамфордга етиб бордилар ва ўзлари ҳам сезмаган ҳолда йўлдан бурилиб, бир неча дақиқадан кейин меҳмонхона мотелга ўхшаган жойга келиб тўхтадилар. Бир-бирига жипслаштириб қўйилган улкан икки қаравот устида тун ярмигача қолиб кетишди. Виржиния Нью-Йоркка Меррит Паркуэй орқали қайтамиз, деб туриб олгани учун ҳозир анча эски йўлдан келмоқда эдилар. Светафорлар, тор ва тезликни чекловчи бошқа белгилар кўпчилиги учун қайтиш вақти чўзилиб кетди.

— Сенга спорт машиналарини ёқтирмайман, деганим йўқ эди-ку, — луқма ташлади Виржиния.

Палмер спидометр найзасига қаради ва у 70 атрофида тебраниб турганини кўрди¹. У акселераторни туширди.

— Нима учун?

— Спорт машинасини ҳайдовчи эркаклар аёллар билан мутлақо қизиқмайдилар.

— Далиллар борми?

— У ёнида ўтирган қиздан кўра машинани кўпроқ яхши кўриб қолади...

¹ Спидометрдаги рақамлар милли кўрсатади; бир мил 1603 м. га тенг.

— Жим бўл, спидометрга қара, яна 70 ни кўрсатаяпти. Жиддий гапиряпман. Тинч ўтир...

Палмер кўприкдан ўтиш учун яна пул тўлади ва Ист Ривер йўли бўйлаб кетди.

— Сени уйингга элтиб қўйиб, кейин машинани топширсам бўладими ёки аксинчами?

— Аксинча. Мен яна бир неча дақиқа айланмоқчиман. — У сигарета тутатди. — Кўряпсанми, севги одамни не қўйларга солади? Сен афгингни буриштираяпсан. Бу сўзлан афгинг буришиб кетди. Севги. Худойим-ей. Бирон фалокатга учрайман, шекилли, — У сигаретни ўчириб. — Мен дарғазабман, паришонман ва бутунлай мажақлаб ташланганман. “Севги” сўзини эшитиб, нега бужмайиб кетдинг? Нега сенга ёпишиб олдим? Сен ҳам, ҳеч шубҳасиз, менга ўхшаб қаттиқ дарғазабсан. Мен ишонаман, мен... ақдан озиб бораяпман... Балки маст бўлиб қоландирман? Таъна қиляпман. Энди гапирмайман. — У қўлларини қовуштириб, ёнбошдаги ойнага суянди.

Мувозанатдан чиқиб кетган Палмер бошқа йўлга тушиб қолди ва кўп ўтмай Олтмишинчи кўчада, машинани ижарага олган бекат томонда юрганини англади. У Лексингтон-авенюда чапга бурилди, яна чапга бурилиб, жигарранг тонлардан қурилган ва хувиллаб ётган эски уйлар оралаб кета бошлади; гоҳ у, гоҳ бу ерда анча баланд ҳашаматли янги бинолар ҳам кўриниб қоларди. Иккинчи авенюдаги светофор чироғида тўхтаган пайтида машина орқасида тез юриб келаётган қадам товушларини эшитди. Ёнбошдаги ойнага қараб, узун оқиш пальто кийган ёшгина аёлнинг кўча бўйлаб чошиб келаётганини кўрди, орқасидан кучук етаклаган кичкина бола харсиллаб югурар эди.

— Нима бўлди экан, жин урсин? — уларни дурустроқ кўриш учун машинани бурди. Виржиния ҳам нима гаплагини билай, деб ўтирилиб қаради.

Совуқ шамолда пальтосининг олди очилиб кетган аёл машина олдигача чошиб келди ва ойнани тақиллатди. Кучукча шодон вовуллади, уни тутиб турган бола харсиллаб нафас оларди. Палмер ойнани туширди.

— Менга қарашиб юборолмайсизми? — Оғир нафас олиб сўради аёл.

— Менми? Ҳм, бу енгил машина-ку.

— Меники “фольксваген”. Шафқат қилинг. Ўйлайманки, сиз ёрдам бероласиз...

— Овози секинлашди ва оғир нафас олиб жим бўлди. Ит орқа оёқларида туриб, олдингисини пальто этагига қўйди.

— Ярим кварталгина нарида. Ана, кўряпсизми?

Палмер бурилиб қаради ва йўлка орқасидаги иккинчи қаторда турган кичкина машинани кўрди.

— Майли, — рози бўлди у ва тезликни пасайтириб, машинани орқаси билан ҳайдади. Ёш аёл, кучук ва бола, чамаси етти ёшлардаги қизалоқ, “корвет” орқасидан эргашдилар. Аёл худди машинани етаклаб кетаётгандек, қанот томонини ушлаб олган эди.

— Ҳеч ким тўхташни хоҳламади, — гапирди у. — Сиз катта илтифот кўрсатдингиз.

— Машинангизга нима бўлди? — сўради Палмер ўзини эшитмаганга солиб, аслида ҳам уни деб тўхтагани йўқ эди.

— Аккумулятор.

— Нима қилишни биласизми? Иккинчи тезликка солиб, ўт олдирасиз ва узатгични ишга соласиз.

— О, буни биламан.

— Мен тезликни олганимдан кейин, сиз узатгични секин босинг, — давом этди у. — Секин.

— Биламан. Аккумулятор бутунлай ишдан чиққан.

Палмер “фольксваген” атрофини айланиб чиқди. Аёл ҳамон изидан қолмас эди.

— Машинага ўтиринглар, иккалангиз ҳам, — аёл боласига буюрди. — Сизга кўп раҳмат, — мурожаат этди Палмерга у.

— Бу аккумуляторни нима қилиш кераклигини биласизми?

— Шу атрофда тунги гаражлар бор. У ерда бир ёки икки долларга зарядлаб беришади. Бошқа иложи йўқми?

— Генератордан ўт олдириш учун кўп юришга тўғри келади. Бу фойда бермаслигям мумкин. Қисқа тўқнашув чиқиши хавфи ҳам бор. Гаражга мурожаат қилганингиз маъқул.

— Жуда қиммат. Имконим йўқ. Ҳафтанинг охиригача 30 цент пулим қолган.

У жилмайиб, бош силкиб қўйди. Сўнг машинага ўтирди. Палмер “корвет”нинг бурнини “фольксваген”га тақаб, кичик тезликни ишга солди. У аста-секин тезликни ошира бориб, машинани олдига жилдирди. Амортизаторлар оҳиста гирчиллади ва “фольксваген” жойидан қўзгалди. Аёл зудлик билан тўрт марта сигнал берди ва қизил чироқда Йккинчи авенюнинг муюлишига бурилди. Палмер бурчакка етиб борганда “фольксваген” ғойиб бўлган эди.

— Эшитдингми? — сўради у.

Виржиния бош силкиди.

— Агар тўхташ жойидан ўрин топилса, у боласи билан машинада ухласа керак.

— Ҳозир совуқ-ку.

— Балки чек душанбада эрталаб келар.

— Қанақа чек?

— Алимент ёки ёрдам.

— Қаердан бил...

— Етар энди, — аёл гапни бўлди, овози совуқ ва силлиқ эди.

— У оғир аҳволда. Ҳали ёш экан. Ҳеч бўлмаганда машинани сотиши мумкин, агар ўзиники бўлса.

— Аммо у жуда яхши таассурот қолдиради.

— О, худойим, Вудс, жим бўл.

Палмер Қирқ саккизинчи кўчадан шарққа бурилди, машинани топширди, хизматчининг уйигача элтиб қўйиш ҳақидаги таклифни рад этди ва Биринчи авеню бўйлаб Виржиния билан бирга кетди.

— Нега рад этдинг? Такси тополмаслигимиз мумкин, — деди аёл.

— У исмимни билади. Бизни икки томонга элтиб қўйиши керак. Соғлом ақл бундай қилиб бўлмайди деб турибди. — Палмер ўтиб кетаётган таксини чақирди, у бўш бўлишига қарамай тўхтамади.

— Тушунаман. Кечирасан.. — Бир муддат жимликдан кейин у зўрға гапирди: — Вудс, гапларим сохта меҳрибончилик эмас. Баъзан аччиқ ҳақиқат шундай туюлади. Жавоб бермаслигинг мумкинлигини ҳам ўйлаб кўрдим. Бундай жавобларни кўп эшитганман.

— Майли. Фақат менга кўнгли қаттиқ одам деб қараганларни ёқтирмайман. Ҳақиқатга яқин гапларни эса хотиржам эшитса бўлади.

— Ё худо! — У бир неча қадам олга юриб, совуқ ҳавога бир текисда ҳовур чиқарди. — Баъзи одамлар бефаҳм бўлади, аммо сен ундай эмассан. Сенда ажойиб бир қобилият бор: ҳамма нарсани кўриб, ҳис қилиб турасан, аммо биронта амалий иш қилишни ўйламайсан. Бояги аёл...

— Қайси аёлни айтасан?

— Боласи, кучути, аккумулятори ўтириб қолган “фольксвагени” бор ва ҳафта охиригача ўттиз центи қолган ёш аёлни. Машинаси бирданига ўт олиб кетгани галати эмасми?

— Мен бил...

— Албатта, сен тушундинг. Аккумулятор бугунлай яроқли эди. Агар бирон кори ҳол юз бериб, тўғриси айтиш лозим бўлса ва масала нима қилишга келиб тақалса, бу биринчи марта бўлмаса керак, аёл пули йўқлигини очиқ айтган. Вудс, марҳамат қилиб, тушунмадим дея кўрма. Унинг гурури пул сўрашга йўл қўймаган.

— Аммо у ҳеч...

— Албатта, йўқ. Ижобий жавоб бўлмагандан кейин у дарҳол суҳбатни тўхтаган.

— Ишонаманки, сен...

— Йўқ. У жуда тушунадиган қилиб гапирди! Ана такси.

Палмер беихтиёр кўл кўтариб, силкитди. Такси тўхтади ва улар ўтирдилар. Виржиния шофёрга манзилени бериб, қўшиб қўйди:

— Бу жаноб узоқроққа боради.

Машина кўк чироқни кутиб, туриб қолди. Улар жим ўтиришарди. Машина кўзгалгач, Виржиния Палмерга бурилиб қараб:

— Марҳамат қилиб, ҳамма гаплар учун мени кечир, — деди... Унинг кўзлари кўп нарсаларни айтиб турарди. Уларга қараб қандайдир уят, ҳатто кўркув ҳиссини уқиш мумкин эди. Палмер унинг қўлини ушлади:

— Қабул қиламан, — деди у, — марҳамат, сен ҳам менинг узримни қабул қил.

— Бугунги оқшом жуда саргузаштларга бой бўлди. — деди у жуда тез ва таъсирсиз оҳангда. — Болали аёл ҳам ортиқча ташвишга айланди. У ўйин қилди... — Виржиния гапини давом эттиролмай, елкасини қисиб қўйди.

— Очикроқ айт.

— Даҳшат. Ҳар бир ёлғиз аёл шу аҳволга тушиши мумкин. Мен бу ҳақда гапиришни хоҳламайман. — У ташқарига қаради. Биз, ниҳоят, манзилга келдик, шекилли.

— Шундай.

— Сени юқорига таклиф қилолмайман. Тушунасанми?

— Ҳа.

— Буни жудаям хоҳлашимниям тушунасанми?

— Ҳа.

У оғир хўрсиниб қўйди.

— Сени бағримга босаман. Илонни кўкрагимга олган каби. Уни улоқтириб юбориш кераклигини била туриб...

— Виржиния...

— Э, худо, бу алжирашлар тамом бўлишини шундай хоҳлайманки... — У пастки лабини тишлади ва машинанинг олдинги ойнасига тикилди. — Мана шу бурчақда тўхтанг. Бурилиб ўтирманг. У ёғига ўзим кетаман. Хайрли тун.

— Менга рухсат этинг...

— Хайрли тун, — такрорлади Виржиния ва кўча тарафдаги эшикни очди.

— Леди, — огоҳлантирмоқчи бўлди шофёр, — бу томонга тушиб бўлмайди-ку...

— Йўлингдан қолма, Жек, — жавоб қайтарди у кўчага тушиб бўлиб. — Хайрли тун. — У эшикни қаттиқ ёпиб, машина олдидан йўлкага қараб чошиб кетди, туфлисининг баланд пошналари ялтираб, кўча чироқлари ёдусини акс эттирарди. Бурчаккача чошиб боргач, у ёғига секин юриб кетди. Аёл кўздан ғойиб бўлгунча Палмер унинг келишган сонларини кузатиб турди. Шофёр тишлари орасидан нималарнидир сўриб, ғалати бир товуш чиқариб қўйди.

— Қаерга борамиз? — сўради у совуққина.

Палмер хўрсиниб, ўйланиб қолди. Сўнг:

— Дўстимни “фольксваген” машинаси бор. У Олтмишинчи кўча ҳудудида, Биринчи ва Учинчи авенюларнинг ўртасида иккинчи қаторда бўлиши керак. Келинг, излаб топамиз.

— Майли, излаймиз, — Шофёр тезликни оширди, такси светофор ёнидан ўтиб, олға интилди.

— У ёш аёл, — деди у, — қайси томондан катта кўчага чиқишни билса керак.

Палмер шу билан суҳбатга чек қўйилади деб ўйлаб, жим бўлди. Бироз юришгандан кейин шофёр гапга тушди:

— Мана шунисига тушунмайман. Одамлар нима қилишаётганини билмагандек юришади. Яна ҳаммаси маълумотли.

Палмер сигарет чекиб, “фольксваген”ни излаб бораверди.

— Ҳозирги маълумотлилардан ниманиям кутиш мумкин? Нарх ошгандан ошиб кетаяпти. Зигирдак иш ҳақи билан қанақа маълумот олиш мумкин?

Палмер олдинга энгашди.

— Шу ердан бурилиб, илон изи қилиб ҳайданг.

— Яхши. Менинг ўғлим бор. Ўн беш ёшда. Икки йилдан кейин коллежга кириши керак. Бу даражани — олмагунча худди лойнинг ўзисиз. У “санъат бакалаври” деб аталади. У бўлмаса, ҳеч нарсага арзимайсиз. Аммо у — қобилиятли бола. Даҳо эмас. Оддийгина қобилиятли ўсмир. Ўртача баҳолар олиши мумкин. Нью-Йоркдаги коллежларга кириш учун ўртача баҳо зарурлигини биласиз.

Энди ҳеч қутилмаганда 87 балл билан кирадиган қилиб қўйишибди. Бу — ўғлим учун тобутда ётиш билан барабар. Умуман, ҳамма рисоладаги йигитлар учун... Ҳеч ким аптекачи бўлишни хоҳламайди. У фармакологияга жойлашмоқчи, у ерда ҳозирча яхши тўлашади.

Такси Учинчи авенюга чиқди, сўнг яна шарққа бурилиб, ёндош кўчага ўтди. Палмер кўча бўйлаб “фольксваген”ни қараб борди, машина кўринмас эди.

— Барча иллатлар, — шофёр ҳасратини давом эттирди, — мактабга тақалади. Ўқитиш савияси паст. Улар болаларга зарур билимларни беролмайдилар. Ё, худо, телбасифат гор одамлар, греклар, мисрликлар ва яна ҳеч кимга кераги йўқ аллакимлардан бошлайдилар. Булар болаларга зарурми — айтинг-чи?! Улардан қандай наф бор? Ўқитадиган китобларини айтмайсизми? Бу китоблар кимга керак? Шекспир? Шекспир? Умрингизда кўрмаган, эшитмаган одамлар ёзган китоблар. Сиз ҳам уларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсангиз керак? Наҳотки бу китоблар болаларга пул ишлашни ўргата олса?

Такси Иккинчи авенюни кесиб ўтиб, дарё томонга қараб кетди.

— Исо ҳурмати, булардан воз кечиш керак, — тўхтовсиз валдирар эди шофёр, — болалар эркин нафас олсин. Жин урсин, улар мактабга нега боришлари керак? Ота сифатида гапираяпман болаларга яхши маълумот олиш ҳуқуқи берилган. Улар яна...

— Секинроқ ҳайданг, — гапини бўлди Палмер. У Биринчи авеню охиридаги тўхташ жойида турган “фольксваген”ни кўриб қолган эди. — Жуда секин. — У ҳамёнини чиқариб, ён дафтарчасидан бир варақ йиртиб олди. Ёнидаги ўн долларликларни — улар учта эди, — қоғозга яхшилаб ўраб, кичкина тутунча ясади.

— Энди “фольк”нинг олдига ҳайданг, — буюрди у.

Аёл ва қизча машинада ўгиришар эди. Қизча кучукчани тиззасида ушлаганча ухлаб қолганди. Аёл таксига қаради. Палмер эшикни очганда у машинасидан чиқди.

— Мана бу нарсани тушириб қолдирибсиз, — унга мурожаат қилди Палмер.

— Менми? Йўқ, йў... Э, бу “корвет”даги йигит-ку.

— Менимча, буни сиз тушириб қолдиргансиз, — такрорлади у ўралган қоғозни узатиб. Аёл уни олди.

— Буни мен туширганга ўх...

Палмер эшикни ёпди. — Кетдик, ҳайдовчи.

Шофёр моторни ишга солди ва яшил чироқ ёнғач, Биринчи авенюга қараб ҳайдади. У шимолга бурилгач, тезликни камайтирди.

— Унга нима бердингиз?

— Мени ... ҳам, “Плаза”га олиб боринг.

— Ҳўп бўлади, — такси гарб тарафга бурилди. — Шу ёқда турасизми, шеф?

— Йўқ.

— Бирон нарсани ичишни хоҳлайсизми?

— Йўқ.

— Биров билан учрашмоқчимисиз?

— Йўқ. — Палмер негадир отелга етгунча индамай келди.

Шофёр ҳам гап кавламади. Ҳақини берар экан:

— Бу ерда тунда такси топиш осон, — деди Палмер.

Давоми бор.

*Русчадан
Амир ФАЙЗУЛЛА,
Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Жаҳонگیر АБДУЛЛАЕВ
таржимаси.*

Устоз ёди

Ажойиб инсон, меҳрибон ота, беназир устоз, етук олим Озод Шарафиддинов орамиздан кетганига бир йил бўлди. “Жаҳон адабиёти” журналани юксак мавқега қўтарган устоз кўплаб шогирдлар етиштирди, у кишидан адабиётшуносликка оид нодир тадқиқотлар, ажойиб таржималар, ўткир публицистик мақолалар — бебаҳо мерос қолди. Энг муҳими, Озод Шарафиддиновдан ўчмас хотира қолди. Бу хотира устоз қабрига қўйилган ажойиб ёдгорликда, кўплаб шогирдлари ва маслакдошларининг дил сўзларида ўз ифодасини топди. Қуйида ана шундай дил сўзларидан айримлари берилаётир.

МЕҲРИБОН ИНСОН

Менга ҳафтаномалардан бирининг таҳририятидан кўнғироқ қилиб: — Сизни Озод Шарафиддинов йўқлаяптилар, — дея у кишининг уй манзилини беришди.

Бу алломанинг номи Ўзбекистонда қанчалик машҳурлиги, айниқса, ўзбек ижодкор-зиёлиларининг энг яқин масалаҳатгўй устози эканлигидан яхши хабардор эдим.

Шундай муҳтарам зот мендай чет эллик бир тижоратчини йўқлаганидан ҳам хурсанд, ҳам ҳайратда эдим,

Бейхтиёр мусофирот заҳматини кўп чеккан падари бузрукворимиз биз фарзандларга тез-тез айтиб турадиган насиҳатларини эсладим. У киши шундай дердилар: «Тижоратни фақат мол-дунё орттириш манбаи деб ўйламанглар! Қаердаки ризқ-насибаларинг сочилган бўлса, аввало ўша мулкнинг азиз-авпиёлар ҳоки-пойи етган муқаддас қаламжоларини зиёрат қилинглар, ҳурматини бажо келтиринглар. Ундан сўнг кўпни кўрган билим аҳлию доноларига яқин юринглар. Шунда асло кам бўлмайсизлар!» Отамнинг мана шу сўзлари қанот бўлиб, мени Озод домла ҳузурига етаклади.

У кишининг камтарона хушмуомалалиги, лутф-карамда гурундошига нисбатан иззату эътибори мени лол қолдирди.

Салом-алик, қисқа танишувдан сўнг менга бошдан-оёқ бир қараб олдиларда, шундай дедилар:

— Сен ҳақингда радиога эшитиб, газетада ўқиб, савлатидан от ҳуркадиган бойвачча бизнесчилардан бўлса керак деб, ўйлагандим. Ёшгина йигитча экансан-ку! Қаҳҳор деган машҳур ёзувчимиз ўтган. Ўша киши қирқ йил шу юртда яшаб, нон-тузини ичиб, қирқга ўзбекча сўзни ўрганиб олишга кунт қилмаган «ҳамқалам дўстлар»дан куйдим деганди бир нутқида. Тўхта, тўхта, ё сен «хотин тили»ни ўрганиш осон бўлади деб, ўзимиздан уйланиб олмаганмисан?!

Гап сўнгидаги кутилмаган бу саволдан бироз ноқулай аҳволда қолдим. Юзларим ловуллаб ёниб кетгандай бўлди.

Домла дарров бунни сездилар, шекилли:

— Омади бир ҳазил гап-да! — деб қўйдилар жилмайиб.

Мен ҳам ўзимни бироз эркин тутиб:

— Уйланишга ҳали вақт бор, Озод ака, -дедим.

— Ана холос, эркин қушман, дегин. Худонинг севган бандаси экансан-да!

Шундан кейин суҳбатимиз мавзуи янги иш бошлаётган, энди тетапоя бўлаётган «Кўшма корхона»миз фаолияти, у билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳақида бўлди.

Турун асносида шу нарсани англадимки, Озод ака суҳбатдошини зериктириб қўймасликка ҳаракат қиладиган, ҳазил-мутойибани узукка кўз қўйгандай жой-жойида ишлатадиган, шакаргуфтор одам экан.

Ниҳоят, суҳбат домлани қизиқтирган «нозик» масалага келиб тақалди:

— Бизда ҳали эскидан қолган «қоғозбозлик» балоси бор. Унга дош беролмай, кетиб қолаётганлар анчагина, буни яхши биламан! Гапнинг индаллосига ўтадиган бўлсак, ўзингнинг ишларинг қалай?! «Бу ерда аҳвол шу экан-да», деб дов-дастгоҳни елкага ортиб жўнаворишга мажбур қиладиган «тўсиқлар» йўқми? Агар бор бўлса, тортинмай айтавер!

— Иложи борича ўша «тўсиқлар»га дуч келмасликка ҳаракат қилиб юрибмиз! Кўнглимни кўтарганингиз учун раҳмат, домла, -дедим.

Озод аканинг юзлари ёришиб, ҳазилга яқинроқ яна бир гап қилдилар:

— «Бошқалар шоҳида юрса, мен баргида арғимчиқ учаман», дейдиган уддабурро йигитлардан эканлигинг кўришиб турибди.

Шундан кейин Озод ака ҳузурларига бот-бот ташриф буюрадиган бўлдим. Ҳар келганимда ҳаётини тафсилотларга бой суҳбатларини эшитиб, ўзимни руҳан енгил ҳис этар, худди мўтабар «сабоқнома» китобидан янги бир саҳифа мутолаа қилгандай бўлардим.

Тижорат деган нарса шундайки, баъзан жон-жаҳд билан унинг қаърига шўнғиб кетганингни билмай қоласан, худди шахмат ишқибозларига ўхшаб! Чунки сал бўш келсанг, армонда қолишинг ҳеч гапмас. Ана шундай тигиз пайтларда Озод акани ҳам «унутиб» қўярдим. У киши эса «бедарак» кетганимдан ташвишга тушиб, таниш-билиш орқали «тинчликмикан? Қаерларда юрибди?» деб суришгирарди. Кейин мен ноқобил банди ҳузурларида пайдо бўлардим. Гапни ўрисча «Чорт побери»ни қўшиб, танбеҳ беришдан бошлардилар. Ўртага Шарофат «хабижи» (келинойи) тушиб «буларнинг иши шунақа-ку, ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора, елиб, югурмаса бўлмайди» деб ёнимни олардилар.

Ўзбекистондаги деярли барча олий ўқув юртлари даргоҳида Озод аканинг шоғирдлари ишлашар, устоз ҳузурига келгувчиларнинг кети узилмасди. Ижод аҳли, олиму зиёлилар-ку у кишининг энг яқин дўст-қадрдонлари эди. Турли лавозимда ишловчи раҳбарлардан ҳам мухлислари бисёр эди.

Баъзан домла ана ўша кишилар даврасида турунни қизитиб ўтиргани устига келиб қолардим. Шунда «Диққат, биродарлар!» дея мени жамоага таништиравер ва албатта, «кўз-кўзга тушганда» «намасте» деб қолса, каминанинг ҳурмати юзасидан «Ва алайкум асалом» деб қўйсангизлар ёмон бўлмайди» дердилар.

Кейинчалик Озод аканинг бу сўзлари замирида нималар яширинганини, доим «Дўстинг мингга бўлса-да, оз, ғанимнинг биттаси ҳам кўп» деган ҳикматона гапни бекорга айтмасликларини тушуниб етдим.

Озод ака ҳар хил гина-гудуратни унутиб, одамлар бир-бирига ҳамдам, суянчиқ бўлиб яшашларини истар, доим уларни ўзаро яқинлик ришталари билан боғлашга ҳаракат қилардилар. Мен бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ўзимга тааллуқли бир жонли мисолни ҳам келтириб ўта қолай: домла касалхонадан даволаниб чиққан кун у кишини йўқлаб бормоқчи бўлиб, гул бозорга кирдим. У ерда гулларга қўмилиб ўтирган қизга «Нозиктаъб бир инсон учун сара гулларингиздан кўрсатинг-чи», дейишимни биламан, эллик ёшлар чамасидаги ўрта буй, келишангина бир жаноб менга жилмайиб қаради-да, соф ҳиндийчада «Назук таъаб инсан коун(ким)?» деб қолди. «Ажи-иб аллама Инсан!» дея жавоб қилдим. «Ундай бўлса бу гулчи хоним билан эскидан танишсиз, «тил»ларингиз билга ўхшайди. Айтинг, камина учун ҳам гулларнинг сарасидан берсинлар!» Хуллас, нотаниш жанобга ўзим харидор бўлган гулдастани узатдим. У киши қаршилигимга қарамай, ёнимга пул солиб қўйди. Қарангки, орадан бир соатлар ўтар-ўтмас ўша жаноб сорий кийган хоним — рафиқаси билан Озод ака хонадонига кириб келди ва шодон қаҳ-қаҳ уриб, мен билан кўриша кетди.

Уй соҳиби — домла гап нимада эканлигини тушуниб етгач, ўзини кулгидан туголмай:

— Нега бу гулдастанинг иккови бир хил десам, ўртада тижоратчи Рам воситачилик қилиб, арзонгаровга олиб берган экан-да! Энди Фафур соҳиб, бу масала сиёсий тус олиб кетмай, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин десангиз, бир шартни бажарасиз.

— Не шарт экан, буюринг.

— Рамни гул бозордан топиб олибсиз. Ёмон бола эмас! Шундай экан, ҳозирнинг ўзида, менинг гувоҳлигимда «Ҳиндистон — Покистон бхай-бхай!» деб биродар тутунасизлар. Вассалом!

— Шу, холосми?

— Мен ожиз бир бандаман. Бошқа нима дея олардим.

— Бизнинг ҳам Асадуллахон деган худди Рамга ўхшаш ўғлимиз бор. Энди сизнинг шарофатингиз билан улар иккита бўлди! — деди-да, жаноб мени бағрига босди.

Домланинг узоқ-яқиндан келган ёр-дўстлар қадами аримайдиган файзли ва қутлуғ хонадонидаги мана шу учрашувдан сўнг Покистоннинг Тошкентдаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Фазал Фафур жаноблари билан ота-боладай қадрлонлашиб кетдик.

Озод ака учун энг қимматли, тенги йўқ совға — китоб эканлигини яхши билардим. Шу сабаб зарурат юзасидан қайси мамлакатнинг қай шахрига қадам-ранжида қилмай, энг аввало китоб дўконларини айланиб, у киши ёқтирадиган фалсафа, жаҳоннинг машҳур кишилари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, бадий асарлар харид қилардим.

Бир куни Озод ака:

— Отаннинг мазалари йўқ эди. Кўпдан бери бормадинг, шекилли? — деб қолдилар.

— Кеча Олмаотадан келдим. Иш кўп.

— Менга қара, — дедилар гапимни кесиб, жаҳллари чиққандай, — иш қочиб кетмайди, топилади. Ота топилмайди!

— Ҳозир Деҳлига учадиган самолётга чипта топиш қийин бўлиб қолди. Келаси ҳафталарга олишни мўлжаллаб турибман, — дедим ўзимни бироз оқлагандай.

— Вақтни чўзиб ўтирма. Чипта топилади! Самолёт қачон учади?

— Кунора — индинга, — дедим.

Озод ака шу заҳоти телефон орқали ўғиллари хизмат қиладиган идора билан боғландилар:

— Алишер, Рам индинга Деҳлига учини керак! Бир дона чипта буюртма бериб кўй. Жа бўлмаса, менинг номимдан.

Ярим йилча аввал мураккаб операцияни бошидан кечирган отамизнинг касали қайталаб, уч кундан бери танг аҳволда ётган эканлар. Мени кўргач, юзлари ёришиб кетди:

— Ҳайрият етиб келдинг. Армоним йўқ энди!

— Сизга Озод ака соҳиб салом айтиб юбордилар, сиҳат-саломатлик тиладилар, — дедим отамнинг кўнгилларини кўтармоқчи бўлиб.

— Саломат бўлсинлар. Шундай обрў-эгиборли, меҳрибон, мушфиқ инсоннинг назарига тушганининг ўзи катта гап! Энди сендан кўнглим тўқ, ўғлим.

Отам вафоти муносабати билан Озод акадан чуқур ҳамдардлик изҳор этилган шошилинчнома олдик. У хонадонимизнинг барча аъзолари кўнглига анча таскин бахш этди.

Тошкентга қайтиб келган куним — эрталаб офисимизнинг биринчи қаватидан қулоғимга жуда таниш, қандайдир мунг йўғрилган овоз эшитилди:

— Ра-ам!

Шошилиб пастга тушдим у зинапоя қаршисида тўрт гилдиракли аравачада ўтирган Озод акага кўзим тушди. Дардчил юзлари бир аҳволда. Болдир аралаш бор вужудлари хиёл титраб турибди. Бу ўқтин-ўқтин ҳуруж қилиб қўядиган оғриқнинг асорати эди. Шунга қарамай, ҳаммадан аввал кўнгил сўрагани келибдилар.

— Бандачилик! Сабр қилишдан бошқа илож йўқ. Ўзингни бардам тут, болам! — дедилар кўлимни қаттиқ қисиб.

— Мен олдингизга ўзим борардим-ку! — дедим-да, у кишининг бир ҳовучгина бўлиб қолган жуссалари олдида тавоб этиб, елкаларига бош қўйдим.

*Говинда РАМ,
Ҳиндистонлик тадбиркор.*

ҚОЯ

1969 йили аспирантурага киришга муяссар бўлдим. Устоз Озод Шарафиддинов менга илмий раҳбар бўлишга розилик берди. Уша пайтда аспирантурага кирганим учунгина эмас, Озод акага шоғирд бўлганимдан бениҳоя шод эдим...

Бунгача Озод аканинг мақолалари-ю китобларидаги кучли мантиқий далилларга эга бадиий-эстетик қарашларни, фикр-мулоҳазаларидаги самимият ва жозибани, росттўйликни ўқиб ҳаяжонланган бўлсам, энди қатъиятли феъл-атвориға, табиатига хос бетакрор шахсиятини белгиловчи хислатларини кашф эга бошладим.

Сиртдан қараганда, тинч оқаётган дарёдай сокин кўринса-да, устознинг табиати жуда нозик, маънавияти бой ва таъсирчан, идрок этиш салоҳияти теран, ҳис-туйғулари шоирларга хос шиддаткор эди. Бир қарашдаёқ оддий кўринган нарса ва ҳодисалардан Озод ака катта хулосалар, мантиқий умумлашмалар чиқариш қувватига эга бўлган истеъдод соҳиби эди. Чинакам олимга хос бу фазилатлари у кишининг завқ-шавққа тўла нутқларида, тафаккур ёдуси билан жилоланган илмий фаолиятларидагина эмас, балки оддий суҳбатларида ҳам ёрқин намоён бўларди.

Озод Шарафиддинов билан 1970 йил ёзда Бахмалнинг сўлим гўшаларидан бири Бойқўнғир қишлоғига сафар қилган эдик. Шунда қизиқ бир руҳий ҳолатни кузатганман. Вақт чошпоҳдан ошиб, кун қизиган пайт эди. Ҳамма ўзининг ўй-хаёли билан банд. Амир Темур дарвозасига етганимизда Озод ака бирдан: “Машинани тўхтатинг!” деди ҳайдовчига жиддий оҳангда. Мен кўққисдан айтилган бу гапдан, тўғриси, бироз хавотирга ҳам тушдим. Машина Амир Темур дарвозасининг “Илон ўтди” деб аталадиган горга ўхшаш жойида — йўлнинг шундоққина ёқасида тўхтади. Горнинг тепаси улкан харсанг тошлар қалашган баланд чўққи. Йўлнинг кунботиш тарафида Сангзор дарёси билан оқиб ётибди. Ундан нарида илондай ялтираб темир йўл чўзилган. Амир Темур дарвозасининг иккинчи қаноти эса темир йўлнинг ортида ястанган. “Илон ўтди”нинг муздай шабадаси ҳаммамизни сергак тортирди.

Ҳамроҳларимиз заҳматкаш олим Беғали Қосимов (Оллоҳ охиратини обод этган бўлсин), таниқли адабиётшунос Абдуғафур Расулов, дўстим Умрзоқ Ўлжабоев горга, унинг тепасидаги бир-бирига омонатгина илиниб турган ваҳимали харсангларга, улардаги ёзувларга тикилиб қолишганди. Мен Озод акага қандайдир хавотир билан қараб турардим. Устоз йўлнинг дарё томонидаги бетон тўсиққа суяниб, нортўядай чўкиб ётган қоягами, ҳайқириб оқаётган Сангзор дарёсига, тикилиб қолган эди. Шу пайтда Озод аканинг кўнглидан, хаёлларидан нималар кечди экан?..

Анчадан сўнг устоз биз томонга бурилиб қаради. Шунда кўрдимки, ҳалигина ҳушчақчақ келаётган Озод ака қандайдир оғир хаёлларга ботган, зилдай юкни елкасига олган одамдай қизариб кетганди. Бундай дамда гап қотиб бўлмасди. Аммо донишманд қиёфали мўйсафид қоя, кўп жангу жадалларга гувоҳ бўлган Сангзор дарёси устоз хаёлларини узоқ тарихимизнинг шонли ва қонли ўтмишига олиб кетган бўлса, ажаб эмас...

Машинамиз Бахмал туманининг маркази Ўсмадан ўтиб, Новқа ота булоғига етиб тўхтади. Тоғ тагидан отилиб чиқаётган муздай зилол сувга юз-қўлларимизни ювдик. Булоқ сувида яйраб сузиб юрган сариқ, қизғиш, оқ ва кулранг антиқа балиқларни мириқиб томоша қилдик. Шунданми, Озод ака яна олдинги хушвақт кайфиятига қайта бошлади. Бундан менинг ҳам кўнглим ёришди...

Ушандан бери ҳар гал Амир Темур дарвозасидан ўтганимда, бир дақиқа бўлса ҳам тўхтаб, нуруний қояга тикиламан — Озод аканинг фикру қалбига туғён солган, чуқур руҳий кечинмаларга сабаб бўлган сирни англашга ҳаракат қиламан.

Бир сафар пешин пайти асрий Қоя ниҳоят ўз сиридан мени воқиф қилгандай бўлди. Ҳайратга тўла нигоҳим юзлаб қатламлардан иборат қояга, қоя бағридаги сирли қадим “Ёднома”га тикилганди. Шунда муқаддас ва мунаввар шу она тупроғимизга бостириб кирган босқинчи тўдаларнинг шовқин-суронларини, жафокаш халқимизни омон сақлаб қолиш учун жонини тиккан мард ва жасур аждодларимиз ҳайқиринини, ёвга ўлим тилаб дуога қўл очган боболару мунис

оналар, тул қолган аёллару мурғак болажонлар фарёдини қоянинг дарз кетиб ёрилган шикаста бағридаги улкан “Ёднома” саҳифаларидан уққандай бўлдим. Уққандай бўлдим, аъзойи баданим зирқираб, кўзларимга ёш қалқди. Бироқ ҳамон ёшли кўзларимни қоядан узолмасдим. Шунда қизиқ ҳолат рўй берди. Кўз ўнгимда бирдан Озод ака пайдо бўлди. У кишининг “Ҳа, энди англадингми қоя кўксига яширинган кўҳна тарих сирини? Қоя шунинг учун ҳам қоя-да! Бутун тарих, аждодлар жасорати унинг бағрида абадий сақланади. Уни асраб, авлодларга етказди”, деган садоси эшитилди қулоғимга...

Озод ака қоя бағригамас, гўё қоя Озод ака кўксига сингиб кетгандай эди.

Шу кичик хотирада айтолмай қолган гапларимдан кўнглим тўлмай турганида қуйидаги шеърини мисралар менга таскин бергандай бўлди:

Чақмоқдай чарақлаб зиё сочингиз,
Мудраган қалбларнинг кўзин очдингиз.
Заҳматкаш эдингиз, саховатли қалб,
Довюррак эдингиз қудратли ва али!
Оғир қисматларни кўтариб нордай
Ҳаловат нелигин билмадингиз Сиз.
Сўнгги нафасгача мардона туриб
Озодлик куйини қуйладингиз Сиз.
Маърифат қалъасин бунёд этдингиз,
Ҳаммани армонга солиб кетдингиз.

*Қодир ПИРМАТОВ,
филология фанлари
номзоди, доцент.*

ТАФАККУР ЁҒДУСИ

Озод Шарафиддиновнинг кенг қўламли ижоди адабий жараён, танқидчилик ривожига етакчи бўлиб келди, десак муболага бўлмайди. Уларнинг “Замон, қалб, поэзия” номли илк китоби 1962 йилда чоп этилганди. 2004 йилда эса “Довондаги ўйлар” дея номланган охириги китоблари босилиб чиқди. Аммо умрларининг сўнгги онларигача адабиёт олаmidан узилмай, мақолалар, хотиралар ёзишни давом эттирдилар.

Озод Шарафиддиновнинг мероси жуда кенг ва беқиёсдир. Шу ўринда ижод намуналарини сарҳисоб қиладиган бўлсак, уларнинг алоҳида чоп этилган асарлари 28 та, вақтли матбуотдаги мақолалари ва суҳбатлари 385 та, тўпламлардаги мақолалар, кириш сўзлар, сўзбоши ва сўнгсўзлар 50 тадан ортиқ. Таржималарининг ўзи 140 тадан кўп. Уларнинг раҳбарлигида 29 та шогирд номзодлик диссертацияларини ёқлади.

Бундан ташқари, архивларида ҳали қанчадан-қанча чоп этилмаган мақолалар, кундаликлар, ёднома, хотиралар баёни кўлёзма шаклида турибди.

Олимнинг серқирра ижоди бир қанча йўналишларда, жумладан, адабий-танқидий мақолалар (шеърят ва наср), очерклар, эсселар, хотиралар, таржималар, очиқ хатлар “Жаҳон адабиёти” журналида муҳаррирлик фаолияти давомида юзага чиққанлигини кузатишимиз мумкин. Бироқ бу мақолада кўзлаган мақсадимиз — Озод Шарафиддиновнинг эстетик қарашларини ёритишдир.

Озод Шарафиддинов учун адабиёт билан шуғулланиш нафақат касб, балки уларнинг бутун борлиги, вужудига айланиб қолган эди. Ёшлиқдан адабиётни севган бу инсон сўнгги дақиқаларигача адабиёт, китоб деган сўзларни тилларидан қўймади. “Китобларни эҳтиёт қилинлар, қўлёмаларни, расмларни йўқотиб юборманлар.” Ҳақиқатан, улар қанчадан-қанча ноёб китоблар йиққанлар, кўпчилиги ҳозир сотувда йўқ, расмларда эса дадам билан бирга маданиятимиз тарихида ном қозонган шахслар бор. Уларнинг ичида Абдулла Қаҳҳор, Аюб Ғулום, Иззат Султон, Шухрат, Ҳомил Ёқубов, Назир Сафаров, Комил Яшин, Ғайбулла ас-Салом, Ҳалима Носирова, Зулфия, Ўлмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров ва бошқалар. Уларнинг илмий раҳбари К.Зелинский кучли танқидчилардан эди. Лидия Бать, К.Симонов, Тер-Акопян ва бошқа ижодкорлар ҳам Озод Шарафиддинов билан ҳамнафас бўлишган.

Адабиётнинг моҳияти, вазифаси, кимларга хизмат қилиши ёки фақат таъсирчанлигининг ўзи етарлими? — шунга ўхшаш масалалар Озод Шарафиддиновни доим қизиқтириб келган эди. Бу саволларга мунаққидлар ижодларидан жавоб ахтарардилар. Масалан, Чўлпоннинг нафақат шеърляти, насрий асарлари, балки адабий-танқидий мақолаларини ҳам махсус таҳлил этганлари фикримизга далил бўла олади. Масалан, адибнинг “Адабиёт надур?” мақоласига тўхталиб: «Нима учун Чўлпон мақолаларида ҳам ўзбек, ҳам татар, ҳам озарбайжон, ҳам турк адабиётларининг намуналаридан қониқмаган?» «Шу билан бирга Чўлпон адабиёт ривожини учун қандай йўл кўрсатаётти?» — деган саволларни қўядилар. Бу мақолада Чўлпон адабиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб қўйган: “Адабиёт қуруқ ғоялар мажмуаси эмас, балки биринчи навбатда, инсон руҳияти билан боғлиқ ҳодисадир. У одамларнинг ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши, уларни қувонтириб, ёхуд маҳзун аҳволга солиб, шу орқали ижтимоий бурчини ўташи зарур.”¹

Шуниси аҳамиятлики, Озод Шарафиддинов Чўлпон кўтарган саволларга биргалашиб жавоб излайди ва уни шоирнинг “Улуғ ҳинди” мақоласидан топади: «Янги ўзбек адабиётини яратиш масаласида Чўлпон “Шарқ ва Ғарб санъатларини синтез қилмоқ ва мазмун билан шаклининг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатни қуруқ ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймастик зарур.”² — дейди.

Озод Шарафиддинов: “Чўлпоннинг гаплари ҳеч кимнинг қулоғига етиб боргани йўқ, бу гапларга ўз вақтида ҳеч ким эътибор бергани йўқ, агар ўша маҳалдаёқ бу ҳодисанинг олди олинганида, балки ўзбек ёзувчилари ҳозиргидан кўпроқ даражада жаҳон миқёсида тан олинган ва танилган бўлармиди?” — дея афсус билдиради. Олим яна шунини ҳам таъкидлайдики, Чўлпон ўзбек адабиёти учун танлаган йўл бу — Ғарб ва Шарқ адабиётидаги етакчи анъаналарни ижодий ўзлаштиришда, уларнинг бой тажрибаларига таяниб иш юритишдадир.

Шу билан бирга Озод Шарафиддинов ўз ижодида танқидчилик муаммоларига ҳам кўп тўхталиб ўтганлар. Танқид — бу адабиётдаги гўзалликни кашф этиш, адабиётнинг бадиийлигини аниқлаш, инсонга таъсир қиладиган эстетик омилларни белгиловчи санъат. Бу соҳада мунаққиддан тинимсиз изланиш ва ўткир нигоҳ билан ҳақиқий гўзалликни илғай олиш талаб қилинади. Сўхбатлардан бирида Озод Шарафиддинов ўзбек адабий танқидчилигига муносабат билдириб, унинг ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган бир қатор иллатлар хусусида тўхталиб ўтганлар. Масалан, энг катта камчилик — социологик тадқиқот усулига қараганда ортиқ маҳлиё бўлиш.

“Социологик таҳлил осон — уни амалга ошириш учун унчалик жон куйдирмайсан — асарнинг мавзуини, мазмунининг асосий нуқталарини айтасан-да, ўшанга яқин ҳаёт воқеаларига солиштирасан, сўнг ўзининг бир-иккита “доно” хулосаларини айтасан, муаллифга қарни тuzатиш, қарни кучайтириш, қарни олиб ташлаш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берасан, тамом-вассалом. Лекин бунақа “танқид” дан на китобхонга, на ижодкорга фойда бор”. Шу билан бирга, “танқиднинг бу шаклига мурожаат қилишга мажбур эгадиган сабаб — билимнинг саёзлиги, савиянинг пастлиги”³ — куйиниб ёзади Озод Шарафиддинов.

Озод Шарафиддинов ўз ижодида танқидчиларни огоҳлантириб, таҳлилда бир ёқламалик, бир хилликдан, схематизмдан қочишга ундардилар. Масалан, “... айрим ўринларда муҳаббат зўрайиб кетиб (Чўлпонга — М.Ш), объективликка путур етказиб қўяётганга ҳам ўхшайди. Биз баъзан ... Чўлпонни идеаллаштиришга, ўзи яшаган заминдан олиб, замонавийлаштиришга ҳаракат қиляпмиз ... авваллари Чўлпон фақат қораланиб келган бўлса, эндиликда уни салкам фаришга сифатида кўрсатишга интилоқдалар.”⁴

Ваҳоланки, буюк Чўлпон ҳақида ҳам, фақат бир томонлама фикр юритиш катта ҳафликка йўл қўйиш бўлади. Озод Шарафиддинов айтганларидек, “ҳақиқий истеъдод эгаси ҳеч қачон жўнгина формулага тушадиган юзаки одам бўлмайди.”

¹ Озод Шарафиддинов. Истиқлол фидойилари. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Тошкент, 1993 й., 49-б.

² Шу асар, 59-б.

³ Шарафиддинов О. “Ижодни англаш бахти”. Тошкент, 2004 й., 230-б.

⁴ Истиқлол фидойилари. 77-б.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ижоди аввалги даврларда шаклланган ёзувчилардан бугунга келиб шўро даврида ижод қилган, деб воз кечиб кетишимиз тўғри эмас. Аксинча, улар ижодини қайта таҳлил ва тадқиқ қилиш, ижодига янгича назар билан қараб, ҳар бир ёзувчининг адабий жараёнда ўз ўрнини кўрсатиш лозим.

Бу гапларни мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб гапирдилар. Дўрмонда, ёзувчилар боғида рус ёзувчилари билан бўлиб ўтган учрашувдаги фикрларини эслайман: “Афсуски, бугун баъзи бир ўртоқлар қатагон бўлган ёзувчиларга ёндашишда яна ўша эски даврдаги хатоларга, бир томонлама ёндашувга йўл қўймоқдалар. Аввал улар фақат қораланиб келинган бўлса, энди сал кам фаришта сифатида кўрсатишга интилоқдалар. Бу йўл мутлақо хато ва ўта зарарлидир. Ёки акси, шу кунгача мақтаб келинган шоир ёки ёзувчиларга муносабатнинг кескин ўзгариши, уларни фақат қоралаш ҳам нотўғри бўлади. Уларнинг ҳеч биридан шунчаки воз кечиб бўлмайди. Ҳар қайсисини тушуниш, ўрганиш керак.”

Мустақиллик ижодкорларга кенг имкониятларни яратди. Эркин ижод қилиш ва энг муҳими – ўз-ўзини, маданиятимизни тўғри англаш, баҳолаш учун анча шароитлар яратилди. Натижада ижодий изланишлар авж олиб, янгидан-янги маълумотларга тўла мақолалар юзга келди. Шу жумладан, Озод Шарафиддин-овнинг “Тафаккур” журналида Ҳамзага бағишланган катта мақоласи чоп этилди, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Ғайратий домлага бағишланган мақолалари чиқди. Уларнинг ижодини давр нуқтаи назаридан ўрганиб, ижодидаги мураккаб жиҳатларни тушунтириб беришга уриндилар. Ҳамзанинг ҳаёт йўлида, ижодий изланишларида қўндаланг бўлган давр муаммоларини кўрсатиб бердилар. Шу билан бирга, унинг жадидчилик ҳаракатига қўнган улкан ҳиссасини шеърлари орқали исбот қилиб бердилар. Шу асосда у Ғайратий домланинг давр қурбони бўлиб қолганлигини тўғри изоҳлайди. Ёки Ойбек ижодига қайтиши ҳам бежиз эмас. Шу ўринда бир нарса ёдимга тушиб кетди. 2004 йил сентябрда аҳволлари оғирлашиб қолди. Шифокорлар яна операцияни таклиф қилишди. Операцияга тайёрлаш жараёни кетаётган бир вақтда, эрталаб палатага кирсам, ёстиқларининг ёнида бир талай оқ қоғозлар ётибди, ёнида ручкаси ҳам бор.

— Дада, қоғозлар қаердан келди? — десам, дадам: Октябрь (шифокор—М.Ш.) берди, — деб жавоб қайтардилар.

— Қоғозни нима қиласиз? — деган саволимга бироздан сўнг жавоб бердилар: Агарда худо менга озгина умр бағишласа, Ойбек ҳақида ёзган бўлар эдим. Миямда мақола пишиб тайёр бўлди. Мен энди Ойбекнинг моҳиятини тушундим, англадим.

Дадам операциянинг оғирлигини жуда яхши билар эдилар, ўзларининг аҳволларини ҳам яхши тушунардилар, яъни ўлим билан қурашиб турган бир пайтда — Ойбек ҳақида ўйлаш, худди ёзувчи олдида қарздордай. Гўё кўпчилик ёзувчилар ҳақида ёздилар-у, Ойбек бир чеккада қолиб кетгандек. Шундай оғир кунларида ҳам, худодан озгина умр сўраб ва шу умрни адабиётга сарфласам деган умидда ётган эдилар. Мени шу нарса ҳайратда қолдирди. Биргина мисол орқали биз бу инсоннинг адабиётта бўлган муносабати, касбига садоқати, адабиётнинг, қолаверса, маданиятнинг олдидаги буюк бурчини қай даражада англашини ҳис қилишимиз мумкин.

Дадам операциядан омон чиқдилар ва натижада, тезлик билан Ойбек ҳақида “Миллатни уйғотган адиб” номли мақоласини эълон қилдилар. Бу мақолада ёзувчининг ижодига бутунги, янги нуқтаи назар билан қарашлари акс этган.

“Мен бу шифохонада умримдаги энг оғир кунларимни ўтказдим. Охир-кети кўринмайдиган оғриқли, дардчил тунларда неча марта ажалнинг кўзига қарадим ва бу гал ҳам чоҳ лабидан омон қайтдим. Энди ўйласам, бунга адабиётни, адабиёт дунёсидаги тозалик ва покликни ўйлаганим ҳам сабаб бўлдимики? Уша оғир кунларда менинг қай бир сифатим ёқиб қолган бўлса, Ойбек домланинг ўлмас руҳи менга мадад берган бўлса ажабмас”.¹

Адабиёт ҳақида, маданият ҳақида ўйлашни отам охирги дақиқаларгача тўхтатмаганлар. Сўнги сўзлари — китобларни эҳтиёт қилинлар, мен кетяпман, кучларим кетяпти, алвидо, деб видолашдилар.

¹ Миллатни уйғотган адиб. Тошкент. Университет. 2005 й. 12-б.

Л.Толстойнинг “Иқрорнома”сини таржима қилган, “Иван Ильичнинг ўлими” ни яхши билган одам, гўё энди ўзи ҳам ўша асар қаҳрамонларини ўлим олдидаги кечинмаларини тўлароқ ҳис қилгандек. Бу асарларда қаҳрамонларнинг сўнги дақиқалари тасвирланган, уларнинг хаёлидан кечаётган кечинмалари берилган. Назаримда, шу қаҳрамонларнинг ҳолатига кириб, яна бир мўъжизани — ўлим олдидан инсон руҳиятининг кучини англадилар.

Озод Шарафиддинов феномени нимада, деган савол доим мени ҳам ҳамма қатори қизиқтиради. Улардаги ақл-заковат, ўтқир хотира, кенг дунёқараш, кенг диапазон ҳаммани ҳайратда қолдирар эди. Сабабларини ижод намуналаридан кўришимиз мумкин. У кишининг яққол кўзга ташланган фазилати — ҳаётдаги, адабиётдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ечимини беришда кўринади. Бу уч вазифани бир вақтда бажарар эдилар. Ҳамманинг ҳам қўлидан келмайдиган бу ноёб фазилатни “Салмон Русидига очиқ хат” ёки “Нега эътиқодимни ўзгартирдим?” каби мақолаларида яққол кўриш мумкин.

Озод Шарафиддинов феноменига хос муҳим қирралардан яна бири шундаки, у қайси ижодкор асарини таҳлил қилмасин (хоҳ ёш ёзувчи бўлсин, хоҳ тажрибали) — бу ижодкорнинг асарларини гўё ўз лабораториясига айлантлар, ҳар бирдан сабоқ, озуқа олишга ҳаракат қилар эдилар. Танқидчиликнинг вазифасини ижодкорга фақат ақл ўргатишда ёки фақат кўкка кўтариб ерга уришда эмас, асарлардан бадиийликни ахтаришда деб билар эдилар. Ана шундай жараёнлар ичида Озод Шарафиддиновнинг диапазони ҳам кенгайиб, тафаккури ривожланиб борган. Зеро, умри давомида сон-саноксиз асарларга муносабат билдирган бўлсалар, уларнинг ҳеч қайсиси тасодифий асарлар бўлмаган. Қайси ижодкор хусусида тўхталмасинлар — Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Зулфия, Саид Аҳмад, Чўлпон — ҳар бир ёзган мақолаларида уларнинг нафаси келиб турар эди.

Озод Шарафиддинов асарларида сўзнинг кучи чуқур маъно англатиши билан ҳам аҳамиятлидир. Биргина сарлавҳаларни оладиган бўлсак, жумладан:

“Сизни соғиндим, Зулфия опа”, “Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч”, “Нега эътиқодимни ўзгартирдим?”, “Умарбековнинг ўлмас фазилатлари”, “Абю ҳазратнинг ҳасратли кунлари” (Абю Ашрапов ҳақида, чоп этилмаган), “Сўнги жалид қиссаси” — уларда ҳам теран маънолар бор.

Бундан ташқари истиоралардан фойдаланиш, ўхшатишларни қўллаш, уларга хос сифатлардан эди. “Янги чиққан беш тийинлик чақаларга ўхшайди” каби.

«Ижобий қаҳрамон» деган атамани ҳуш кўрмас эди. Дунёда инсон аталмиш жумбоқнинг замирига етиб бўлармикан?! Ахир ўғри ҳам, қароқчи ҳам онаси вафот этганда йиғлайди, фарзанд кўрса қувонади, севиб ва севилиб яшагиси келади.

“Раъно” — (“Икки эшик ораси” романи) қандай образ? — салбийми, ижобийми? Ахир қилган хатоси учун жазо олди-ку?

Анна Каренина-чи? Ижобийми ёки салбий?

Агар вулгар социологизм таҳлилини қўлласак, унда Анна нега ичмайдиган, чекмайдиган, урмайдиган (ижобий) эрини ташлаб, ёш йигит билан қочиб кетди. Ахир бу образларнинг фожиаси сабабларини аниқлаш керак.

“Ижобий қаҳрамон” ёхуд шунчаки “қаҳрамон” атамаси адабиётда мавзу, композиция, сюжет каби категориялар қаторида туради, лекин у асарнинг жамики мазмуни ва йўналишини билдирадиган унсурга айлантирилмаслиги керак. Ҳолбуки, адабиёт дегани биринчи навбатда сийрат билан иш юритади, одамнинг руҳий дунёсини таҳлил қилиш билан ўз зиммасидаги вазифани адо этади.”¹

Озод Шарафиддиновнинг яна бир ўзига хос хислати шунда эдики, кучли интуиция — сезгириш билан ким ҳақида ёзмасинлар, келажакда ёш тадқиқотчилар бажариши зарур бўлган мавзулар, гоёларни белгилаб кетардилар. Чўлпонни — Гогол, Салтиков-Шедрин билан, Зулфияни — Анна Ахматова билан солиштириш ҳақида, Миртемир, Ойбек, Чўлпон ижодларида модернизм кўринишлари мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазаларни ўрни билан айтиб кетардилар. Албатта, мен ўйлайманки, яна бир бор бу гоёлар бизни Миртемиру Ойбек,

¹ “Ижодни англаш бахти”. Тошкент. 2004 й., 235-б

Чўлпону Зулфия, Ҳамзаю Гафур Гулом ижодларига қайтиш ва янги нуқтаи назар билан тадқиқ қилишга даъват қилади. “20-30-йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Бу, жумладан, Миртемир, Ойбек, Чўлпон ижодларида кўринади ... Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида, айниқса, Зебо устидан суд эпизодлари тасвирланган ўринларда ўша воқеаларнинг абсурдлигини жуда ёрқин ифодалаган. Ифодалаганда ҳам куруқ сўзлар билан эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳис-туйғулари билан ифодалаган. Афсуски, ўзбек адабиётидаги бундай изланишлар ўз вақтида танқидчилик томонидан қўллаб-қувватланмади ва натижада давом эттирилмай қолиб кетди.”¹

Зулфия хусусида эса: “Кўпгина шеърларида Зулфия опа ўзининг “кемтик баҳти” ҳақида гапирарди. Умрининг сўнигида ёзган “Хотира синиқлари” достонида эса ўша машаққатлар тўғрисида бениҳоя мардоналик билан ёзади. Бу асар теранлиги ва мардонаворлиги билан менга Анна Ахматованинг “Реквием” деган асарини эслатади.”² дея айтиб ўтганлар.

1968 йилда адабиёт хусусида юритган фикрлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган. “Адабий этюдлар” китобида шундай дейилади: “10-синфни тугатган қиз “Қутлуғ қон” даги Йўлчиға характеристика бериб, “Мен ҳам Йўлчи каби мард, қаҳрамон, вафодор курашчи бўлишни истайман”, деб ёзади.

“Бой ила хизматчи” ҳақида иншо ёзадиган йигитча, “Мен ҳам Гофир ва Жамила каби мард, қаҳрамон, вафодор курашчи бўлишни истайман”, деган хоҳиш билдиради. На қиз, на йигит Йўлчиға, Гофирга, Жамилага ўхшаш керакми ўзи ... деган саволни бериб ҳам ўтирмайди.

Ёки тарихий асарлар ҳақидаги иншоларда: “Биз бу асарларни ўқиб ўтмишдан нафратланамиз, ҳозирги кунимизга муҳаббатимиз янада ортади» ёки: «Биз бу асарни ўқиб, она-Ватанимизни ортиқроқ севадим»³. Уша вақтда ҳам Озод Шарафиддинов, ахир бу асарлар бир-биридан осмон билан ерча фарқ қилади, ҳар хил асарларга мана шундай бир хил муносабат бўлса, бу адабиётнинг асл вазифасини, моҳиятини тушунмасликдан далолат беради, дея куйиниб ёзган эдилар.

Озод Шарафиддинов ижоди хусусида сўз борганда таржимачилик борасида амалга оширган ишларини гапирмасликнинг иложи йўқ. Бу, албатта, “Жаҳон адабиёти” журналинда муҳаррирлик фаолиятлари билан ҳам боғлиқ. Ҳатто ушбу журналнинг 100-сонини чиқариш учун имзо чекиб, оламдан кўз юмдилар. Шу давр ичида қанчадан-қанча асарлар таржима қилинди. Нега жаҳон адабиётининг дурдона ва бетакрор асарларини ўзбек халқим ўқимаслиги керак?» — деб, таржима қилдилар. Буни Л.Н.Толстойнинг мақолалари, Оскар Уайльд, В.Войнович, И.Бунич, П.Коэльоннинг асарлари таржимаси мисолида яққол кўришимиз мумкин. Яна эътиборга молик жиҳати — машҳур ёзувчи Паула Коэльонинг асарлари 117 та давлатда чоп этилиб, миллионлаб инсонлар ўқишга муяссар бўлиб турган бир пайтда, нега менинг халқим бундан бебаҳра қолади, деган фикрлар тинчлик бермай кўпроқ меҳнат қилишга ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, П.Коэльонинг “Алхимик”, “Бешинчи тоғ” асарлари ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилди.

Озод Шарафиддинов бутун бир жамоа қиладиган ишни ёлғиз ўзлари, соғлиқлари оғирлигига қарамай, кучли ирода ва матонат билан бажаришга уриндилар. Кейинги пайтларда қанд қасали ўз асоратларини кўрсатиб, кўз кўриш қобилияти ҳам анча пасайди. Шунда энг севимли ишлари — таржима қилиш билан шуғуллана олмай қолдилар. “Эҳ, қани эди, кўзимни операция қилдирсам, таржималарни пистадай чақиб ташлардим, а Фатхуллахон!” — дея афсус билдирадилар. Афсус, кўзларини операция қилишга улгурмадилар.

У инсон ниҳоятда кучли билимга эга эди. Бу ҳол ҳар бир асар, мақолаларида акс этади. Жаҳон маданиятидан жуда кўп маълумотлар келтириб, китобхон билан суҳбатлашар эдилар. Жумладан, Суқрот ҳақида қизиқарли маълумотлар ёки дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида тўхтайдиларми, Ж.Голсуорси, В.Гюго,

¹ «Ижодни англаш баҳти», 244 б

² Шу асар, 371-б.

³ Адабий этюдлар. 1968 й, 7-б.

С.Цвейг ҳаётларидан маълумотлар келтирадими, фикрлар бирин-кетин қуюлиб чиқаварарди. Уларнинг ҳаётидаги қизиқарли, ибратли воқеаларни йўл-йўлакай айтиб кетардилар.

Озод Шарафиддиновнинг бадиий-эстетик қарашлари, муаллиф ва китобхон муносабатларидан тортиб, унинг ижодида очиқ хат каби жанрларнинг ўрни сингари мавзуларда илмий ишлар, изланишлар олиб бориш керак. Бундай изланишлар бир қатор ёшлар томонидан бошлаб юборилган ҳам. Зеро, Озод Шарафиддиновнинг кўп қиррали ижодий меросини ўрганиш энди бошланмоқда.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент.*

АДАБИЁТШУНОС ОЛИМЛАР САРДОРИ

Йигирманчи асрда улуғ адибларимиз билан бир қатори фан оламида ҳам миллат ифтихорига айланган сиймолар етишиб чиқди: Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Мирзаали Маҳаммаджонов, Малик Набиев, Муҳаммаджон Ўразбоев, Саъди Сирожиддинов каби халқимизнинг буюк фарзандлари билан ҳар қанча гурунлансак арзийди. Уларнинг меросини, маърифатини кенг тарғиб қилсак, келажак авлод олдидан маънавий бурчимизни адо этган бўламиз.

Маънавий оламдаги ёрқин юлдузлар ҳаётини ёритишдек ўта мураккаб, масъулиятли вазифани ўз умри мазмунига айлантирган Озод Шарафиддиновнинг «Ижодни англаш бахти» китоби узоқ йиллик кузатишлар, тадқиқотлар, мушоҳадалар жамланган ёрқин истеъдод намунасидир.

Озод Шарафиддинов қаламига мансуб тадқиқот ва тақризлар, адабиётимиз ва маданиятимизнинг тараққиётига оид асарлар нафақат соҳа мутахассислари, балки биз каби зиёлилар учун ҳам бебаҳо хазина!

Озод Шарафиддинов билан 40 йил давомида мулоқотда бўлиш насиб этганидан, суҳбатларимиз мавзуи фақат тиббиёт соҳаси эмас, балки фан, маданият, жамият жараёнлари ҳақида бўлганлигидан мамнунман.

XX асрнинг 20-30-йилларида ижод қилган улуғ адиб Чўлпоннинг асарларини Озод Шарафиддинов чуқур таҳлил қилиб, давр изтиробларини, шоирга бўлган адолатсиз ҳужумларни очиқ-ошкора кўрсата билганлигини чинакам олимга хос жасорат намунаси деб тан олиш зарур.

Озод Шарафиддинов ёзадилар: «... ўзини халқдан айри ҳолда, замондошларининг ҳаёти, маънавий дунёсидан ташқаридаман деб тасаввур ҳам қилолмайдиган Чўлпон деярли 70 йил давомида қоралаб келинди. Бу давр мобайнида шоир шаънига айтилмаган бўҳтон қолмади, юзлаб мақолаларда, китобларда, маърузаларда унга «буржуа шоири», «жадид», «мафқураси бузуқ», «босмачилар куйчиси», «миллатчи», «акселинқилобчи», «Октябр инқилобини тушунмаган овсар», «ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур», «халқ душмани» деган тавқилаънат ёпиштирилди. Бир йил эмас, ўн йил эмас, салкам 70 йил давомида-я!»

Шуларни ёзар экан, олим ҳақли бир саволни ўртага ташлайди: «Наҳотки, шунча йил мобайнида ўзбеклар орасидан, кўп сонли халқ ичидан Чўлпонни англай оладиган, унинг чинакам улуғ шоир эканини идрок этган ва бу ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган биронта ҳам ориф одам топилмади?.. Наҳотки, бизнинг одамларимиз гўзаллик қаршида шунчалар сўқир ва қар?... Уларнинг ҳаёти, фожiasi халқнинг кўз олдидан кечди-ку! Бироқ халқ оғзига толқон солиб олгандек чурқ этмай, сукут сақларди, олдий томошабин бўлиб турарди, турардигина эмас, кези келганда масаланинг моҳиятига етмай, билиб-билмай чапаклар чалиб: — «Миллатчиларга ўлим!» — дея бўғила-бўғила хайқириб кўярди!» — деб қуюниб фикр юритади.

Озод Шарафиддинов истеъдодини, келажакда катта ижодкор олим бўлишини Абдулла Қаҳҳордек улуғ, халқимиз севган адибимиз кўра билган ва меҳр қўйиб,

бағрига олган эди. Абдулла Қаҳҳор суҳбатларининг бирида Озод Шарафиддиновни тилга олиб: — «Шундай ёзмоқ керакки, носфуруш сенинг китобинг саҳифасига нос ўраб сотган бўлса, уйда уни очиб, матнига кўзи тушган одам — «Ие, бу Озоднинг гаплари-ку», — дея саҳифани эҳтиёт қилиб, олиб қўйсин».

Бу ҳақ гапни тан олган ва қадрлай билган Озод Шарафиддинов «...бундек мукамал ёзмоқ учун, бу даражада баркамол санъат намунасини яратмоқ учун ижодкор Абдулла Қаҳҳордек меҳнаткаш бўлмоғи лозим. Бу эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фақат ўз Ватанини жон-дилидан яхши кўрган, ўз халқини ҳар томонлама баркамол кўришни истаган, кўксига истиқлол ёлқини барқ уриб турган санъаткоргина бу бахтга мушарраф бўлади», — деб қайд этган эди. Устозни бундай улуғлаш ва уларга таъзим қила билишлик учун Озод Шарафиддиновдек адабиётшунос бўлиб етилмоқ керак.

Қадимдан маълумки, истеъдодли кишиларга хос фазилатлардан бири — ўта камгаринликдир. Фаннинг ҳар соҳасида бўланидек, адабиётшунослик фанининг алломаларидан бири Озод Шарафиддиновнинг қобилияти, ижоди қайси даврларда намоян бўла бошлаган? — деб Абдулла Қаҳҳордан бир суҳбат давомида сўраганимда, у киши — «Адабиётшунос олимлар ичида ёш бўлишга қарамай, жиддий фикр юрита оладиган, мустақил фикр ва жасоратга эга Озоддан адабиёт умид қилса бўлади, ноёб таланти олим», — деганлари ҳали-ҳали ёдимда. Улуғ адибнинг узоқни кўра олишлари Озод Шарафиддинов учун юксак умидворлик ва катта хайрихоҳлик мадад бўлганлигига, йиллар ўтиб, улуғ адибимизнинг орзулари рўёбга чиққанига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Озод Шарафиддиновнинг ёзган асарлари, адиблар тўғрисидаги хотиралари эндиликда халқ мулкига айланди.

Бу одамга хос фазилатлардан яна бири шуки, кундалик ижодий ишлари билан баробар келажакда ёзиладиган асарлар билан ҳаёли ҳаммиса банд бўлиб келган.

2002 йил эди. Кунларнинг бирида Озод Шарафиддинов менга телефон қилиб: «Маслаҳатли гаплар бор эди», — деб ўз ҳузурларига таклиф қилдилар. Шифокор бўлганлигим учун, ҳойнаҳой, суҳбат Озод аканинг саломатлигига дахлдор бўлса керак деган ҳаёлга бордим.

Яхши кайфият билан кутиб олган Озод Шарафиддинов меҳмонхонага таклиф қилдилар ва билдимки, мудлао янги бир асар ёзиш устида экан.

Суҳбатимиз аввалида мунаққид XX аср бошларида тапқил топган жадидлар оқими ва жадидлар илгари сурган гоълар Туркистонда олиб борилган чор сиёсатидан жиддий фарқ қилувчи янги йўналишда бўлганини таъкидладилар. У ҳам бўлса жадидлар тараққийпарвар одамларни ўз атрофига тўплаш, халқнинг маънавий ўсишини таъминлаш, адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликларни тарғиб қилиш, янги мактаблар очиш, бўлажак авлод тафаккурини ўзгартириш каби катта амалий ишлардан иборат бўлганлигини айтдилар. Жадидлар мафқурасини яратганлардан бири — Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев — янги ёзмоқчи бўлган асарининг бош қаҳрамони эканлиги ҳақида фикр юритдилар. Мен Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевнинг жиянларидан бири ва у зот билан мулоқотда бўлганлигим учун Озод Шарафиддинов хонадонига таклиф қилинганлигимни сезиб, бироз ғурурландим ҳам.

Суҳбатимиз давомида Озод Шарафиддинов Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев тўғрисидаги маълумотлар деярли тўлиқ эмаслигини айтиб, Мустақилликка эришиш йўлида жонини фидо этган бундай улуғ шахслар ҳаётини тиклаш зарур эканлигини қайта-қайта такрорлаб ўтдилар.

Озод Шарафиддинов фалсафий фикр юритиши билан кўпчилик адабиётшунос олимлар ичида ажралиб турардилар. Шунинг учун бу табаррук инсонни адабиётшунос олимлар сардори деб атагим келади.

Озод Шарафиддинов нафақат ўз ҳамкасблари, шоғирдлари тақдирита, балки барча зиёлиларнинг ҳаёти, яхши-ёмон кунлари, шодлик ва қайғуларига ҳамма вақт ҳамдард бўлиб келган.

Айниқса, фуқароларнинг ҳаёт тарзи, саломатлигига бўлган муносабатлари мен шифокорга йўллаган сатрларида ўз аксини топган:

— «Биз — ўзбеклар ҳамма нарсани қадрлаймиз, аммо ўз соғлигимизни қадрламаймиз. Ўз организмимизга ваҳшиёна муносабатда бўламиз, йиқилиб, тўшакка ётиб қолмагунча шифокорга мурожаат қилмаймиз. Холбуки, арзимаган

лоқайдлик билан бошга тушиши мумкин бўлган кўп касалликларнинг олдини олишга эринамиз. Соғлиққа бўлган эътибор биздан ҳеч қанақа чиқимни талаб қилмайди. Одам ўзини болаликдан мунтазам чиниқтириб бориши, нафсини тийиб, расамади билан овқатланиши, жисмоний иш билан шуғулланиши, кўпроқ пиёда юриши, меҳнатни маромида қилиб, дам олишни ҳам ўрнига қўя олиши керак. Шу ишларни қилсангиз, мен аминманки, 80 ёшда ҳам аталадай ёйилиб кетмай, ўқланган милтиқдай ҳар ишга шай турасиз. Лекин, минг афсуски, биз шахсий гигиена бобида ўз соғлигимизга инсоний муносабатда бўлмай келамиз».

Олим ўта нозик ва таъсирчан табиатли шахс сифатида, атрофдаги жараёнларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаган, аксинча, Абдулла Қодирийдек, Чўлпондек, Фитратдек, Абдулла Қаҳҳордек улуғ адиблар кечирган изтироблар олимнинг қалбини, руҳиятини азобга солиб келган.

Бундай руҳий изтироблар ҳақиқатпарвар Озод Шарафиддиновдай ўта зиёли олимни бефарқ қолдирмаганлиги, шу туйғайли руҳий изтиробларга солгани, қалбда туғилган исён у кишини қандли диабет касаллигига дучор этган сабаблардан бири бўлган деб биламан.

Азал-азалдан шарқ одамларига, айниқса, зиёлиларига хос фазилатлардан бири — шогирднинг устозга бўлган ихлоси ва ҳурматини жойига қўя билишидир. Халқ иборасига кўра : *«Устоз отанг каби улуғ»*. Бундай ҳикматли иборалар ўз-ўзидан юзага келмаган, албатта.

Шогирднинг устозга ихлоси-ю меҳр-оқибати, устозга садоқати ҳамма даврларда ҳам ибратга сазовор қадрият ҳисобланган. Бу улуғ фазилат намунасини Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳорга бўлган садоқатида ёрқин кўрамыз. Унинг ёзишича:

«Абдулла Қаҳҳор жуда истеъдодли, донишманд ва ақлли одам эди. У ўз даврининг моҳиятини ҳам, адабиётнинг санъат сифатидаги табиатини ҳам анча-мунча чуқурроқ тушунган. Шуни ҳисобга олиб, унинг шахсига баҳо берадиган бўлсак, уни ўша кезлардаёқ истиқлол йўлида фаол курашган ўтюралардан бири, деб айтиш керак бўлади.

У авжи турғунлик йилларида, ҳали ҳам оммавий қатағонлар бирозгина тусини ўзгартириб, аслида моҳиятини сақлаб турган бир шароитда, ҳақиқатни эркин айтишга, мустақил фикрлашга ҳар хил темир қозиқлардан нарига кетишга чорлашдан қўрқмаган эди.»

Абдулла Қаҳҳорга, айниқса, 60-йилларда, таъна тошлари отилган вақтда Озод Шарафиддинов ҳамма вақт унинг ёнида ҳамдард, ҳамфикр бўлиб тургани, фарзандларидан ортиқ меҳр-оқибат кўрсатганлиги кўпчилик зиёлиларга маълум.

Озод Шарафиддиновнинг адабиётшунослик соҳасида ўзига хос довюраллик, жасорат билан адабиётга бегараз қилган хизматлари кўп қирралари билан Абдулла Қаҳҳорнинг фидойилигига ўхшаб ҳам кетади.

Озод Шарафиддинов ёзганидек: *«Кези келганда бир нарсани айтиб ўтай, одамлар мени Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди дейишади. Очиғини айтганда, мен бу унвондан ҳамийша фахрланиб келганман. Лекин шу билан бирга, ҳозирга қадар ўзимни Абдулла Қаҳҳорнинг шогирдиман дейишга истиҳола қиламан. Тилим бормайди. Биз ҳар қанча у одамга яқин бўлмайлик, лекин Абдулла Қаҳҳор истеъдоди жиҳатидан ҳам, ақл-заковати бобида ҳам, одамгарчилик масаласида ҳам биздан бир неча баробар юқори турар эди. Ҳар қанча яқин бўлмайлик, орамизда ҳамийша кўринмас бир масофа сақланиб қолардики, уни босиб ўтишга ҳаддимиз сизмас эди. Шунинг учун ҳатто ҳозир ҳам мен ўзимни баралла у кишининг шогирдиман деб айтсам, орамиздаги ўша масофа қисқариб қоладигандай, мен у кишини буюкликларица шерик бўлаётгандай бўлаверади. Назаримда: «Абдулла Қаҳҳор шогирди» деган мақом шу қадар юксакки, бунга сазовор бўлмоқ учун менга ўхшаган одамлар умр давомида ҳаракат қилишлари керак бўлади».*

Аслида, *«зиёли»* деган мўътабар тушунчани ҳар бир киши ўзича талқин қилиши мумкин. Бировлар олийгоҳни тамомлаб, диглом эгаси ёки фан доктори бўлса, минбарлардан туриб: — *«Биз зиёлилар...»*, — деб қайта-қайта такрорлайдилар-у, айна вақтда фақат ўз мутахассислиги доирасида фикр ва мулоҳаза баён этадилар. Ваҳоланки, *«зиёли»* деган тушунча кўп қиррали мазмунга эга. *«Зиёли»* ман деб фикр қилган одам, *«зиёли»* сўзининг ўн қиррасидан бир қиррасини ҳам тўла эгалламаган бўлиши мумкин.

Мен бир неча ўн йиллар давомида мулоқотда бўлган олимлар ичида катта кашфиётлар яратган, бир неча ўнлаб шоғирдлар тайёрлаб, илмий мактаб яратган алломаларни — «зиёли шахслар» — деб атагим келади. Уларнинг айримларини мақола аввалида тилга олиб ўтдим.

Улар бу улуғ эътирофга арзигулик шахслардир. Бинобарин, юқорида айтиб ўтилган алломалар ўз соҳасининг буюк олимлари бўлиши билан бирга ҳаммиша халқ дарди билан яшаб, юртнинг ривожига, фаровонлигига, тараққиёти учун муҳим ҳисса қўшганлар.

Ўзбек миллатининг ғурурига айланган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Гулом, Мақсуд Шайхозодаларни улуғ адиб бўлишлари билан бирга буюк халқпарвар, «зиёли» мартабасига эга бўлган сиймолар дегим келади. Ана шу зотлар қатори Озод Шарафиддинов ҳам «зиёли олим»га хос барча олижаноб фазилатларни ўз сиймосида мужассам эга олган дадил тафаккур эгаси эди.

Бу фидойи зот етук адабиётшунос шоғирдлар тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатди.

Устоз йўлидан келаётган шоғирдлар қаторида фан арбоби, профессор Умарали Норматов, профессорлар Абдуғафур Расулов, Санжар Содиқ, фан номзодлари Қодиржон Пирматов, Ортиқбой Абдуллаев, Қосимжон Усмонов, Бойбута Дўстқораев, Тўлқин Йўлдошев, Раҳмон Кўчқор, Жума Чигатой, Бобур Алимов, Рустам Шариповлар бор. Улар Республиканинг деярли ҳамма вилоятларидан Озод Шарафиддиновга ихлос қўйиб келган шоғирдлардир. Эндиликда улар ҳам ўта мураккаб адабиётшунослик фанини ривожлантириб, устоз ғояларини давом эттириб, устозга бўлган садоқатларини намойиш қилиб келмоқдалар.

Озод Шарафиддиновнинг инсоний фазилатлари ҳақида гап кетар экан, яна бир хотирани тилга олиб ўтаман. 2003 йил 7 август куни — йирик файласуф олим Эркин Юсупов оламдан ўтди. Марҳумни охириги йўлга кузатиш олдидан бир қатор олимлар Эркин Юсупов хотирасига бағишлаб видео сўзларини айтишди. Олимнинг инсоний фазилатлари, фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида самимий фикрлар билдирилди. Дафн маросимида Озод Шарафиддинов ҳам сўзлаб, Эркин Юсупов ўз ҳаётини миллатнинг равнақи учун бағишлаганини, бу фидойи олимнинг вафоти ўзбек фани учун жуда катта йўқотиш бўлганини алоҳида таъкидлади.

Озод Шарафиддинов ўз сўзларида ўта эътиборга сазовор бу умр йўли силлиқ кечмагани, айниқса, 1980 йилда уни “миллатчи”ликда айблаб, бошига туҳмат, маломат тошлари ёғдирилгани оқибатида оғир кунларга дучор бўлганини ҳаётий мисоллар билан айтиб берганида, йиғилганлар кучли изтироб билан тинглагани сира эсимдан чиқмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, Озод Шарафиддинов улуғ аллома, ўзбек миллатининг ғурурига айланган умри боқий инсон, том маънодаги зиёли сифатида замондошлар қалбида мангу яшайди. У кишининг фан, адабиёт олдидаги хизматлари, ўлмас жасорати келажак авлодларга ўрнак ва андоза бўлиб қолаверади.

*Шабот ХўЖАЕВ,
тиббийёт фанлари доктори,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда
хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.*

КУЧЛИ ИРОДА ЭГАСИ

1997 йил ёз кунларининг бирида кафедра мудири, профессор Бахтиёр Бобожонов мени чақириб, бир беморни кўриб, маслаҳат беришни буюрди. Беморни текшириб, касаллик тарихини суриштиргандан сўнг уларга касалхонада ётиб даволанишни тавсия этдим, лекин бемор зарур иши борлиги ва бир ҳафтадан сўнг келиб даволанишини айтиб, узр сўради. Профессор беморни уйда

даволаниши учун тавсиялар ёзиб беришни топширди. Мен тавсия ёза туриб ўйладим. Наҳотки, ўз соғлиғидан зарурроқ иши бўлса?

Кейинги 10 йил давомида даволоччи шифокор сифатида адабиётшунос олим ва адиб Озод Шарафиддиновнинг нақалар матонатли, шижоатли, беназир истеъдод соҳиби эканлигига амин бўлдим. У кишининг бутун куч-гайратини аямасдан тинмай меҳнат қилганлигига гувоҳ бўлдим.

Озод ака оғир бетоб кунларида ҳам касалхонада кунига ўн-ўн икки соатлаб ижод қилардилар. Аксари беморларга икки оғиз гапнинг ўзи ортиқчалик қилади, чунки жони оғрийди, фикру хаёли касалликда, унинг оқибати ва натижасини ўйлаб эзилади, аммо бир неча операцияларни бошидан кечириб, ногирон бўлиб қолганига қарамай, касалхонада ётиб ижод қилиш учун ироданинг ўзи камлик қилса керак. Биринчи йиллари Озод ака соатлаб иш столига ўтириб, чет эл адибларининг асарларини таржима қилар, мақола ва асарлар ёзар эдилар. Йиллар ўтиб, кўзлари хиралашгач, лупа билан ўқиб, оқ қоғозга ўзлари ёзадиган бўлдилар. Кейинчалик лупа ҳам ёрдам бермади, шунга қарамай, ижодни давом эттирдилар. Мутолаа қилиниши керак бўлган асарларни Шарофат опа ўқиб берардилар. Озод ака эшитиб, ўз фикрларини айтар, Шарофат опа эса уларнинг сўзларини қоғозга туширардилар. Касаллик хуруж қилган, асоратлар авжига чиққан 2004 йилнинг ўзида тинимсиз меҳнат эвазига иккита қатта асари, бир қанча рисола ва мақолалари чоп этилди. “Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти” каби асарлари янгиланаётган замонавий, миллий, адабий тафаккурнинг ёрқин намуналаридир.

Озод Шарафиддинов ўзларининг 70 йиллик юбилейларида сўзга чиқиб, “Оллоҳдан яна менга 10 йил умр беришини илтижо қиламан”, — деган эдилар. Бу билан улар ўз олдларига улкан мақсадлар қўйганликлари ва шу мақсад сари интилаётганликларини таъкидлаган эдилар. Озод ака 10 йил шунчаки яшашни эмас, балки ХХI аср Янги ўзбек адабиёти ва миллий адабий тафаккурининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўйишни мақсад қилган эдилар.

Озод Шарафиддиновдаги ирода, мардлик, матонат ва шижоат бутунги кун ёшлари учун ўрнатилган бўлмоғи керак.

Одатда, беморлар шифокорни эшитиб, маслаҳатига қулоқ соладилар. Озод ака шифокор сифатида тавсияларимни бажарсалар-да, лекин мен уларни кўпроқ саволлар билан гапга тутиб, сўзларини эшитишни хоҳлар эдим. Касалхонада ётган кезларида кечалари уларнинг олдларида ўтириб, гапларига қулоқ солардим. Қанча кўп эшитсам-да, саволлар шунча кўп пайдо бўларди, лекин дам олишлари кераклигини ўйлаб, мажбуран чиқиб кетар эдим. Чунки уларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, атрофда бўлаётган воқеаларга берадиган таҳлиллари ва айниқса, ўз бошидан кечирган ёки ўзлари шоҳид бўлган воқеалар тўғрисидаги суҳбатларини бирор-бир китобдан топиб бўлмайди.

Озод ака юбилейдан сўнг 10 йил яшай олмадилар ва кўпгина нодир асарлар ёзилмай қолди, деб ўйлайман.

Октябр ТЕШАЕВ,
шифокор.

Мирпўлат МИРЗО

Озарбайжон хотиралари

Учоқ қанотлари мовий кенгликларда кумушдек товланувчи булутларни кесиб бормоқда. Унинг ойнасида пастга қарайман. Аҳён-аҳёнда саҳродан иборат ер кўзга ташланиб қолади, унинг заъфарон сатҳидаги барханларнинг ҳалқасимон чизиқлари нақ харитадагидек. Бу қип-қизил саҳро — Қоракум бағридан не карвонлар, не лашкарлар ўтмаган!.. Аждодлар ойлаб босган манзилларни биз соатларда учиб ўтяпмиз... Ҳамсафарларимга қарайман. Усмон Азим Раъно билан ниманидир қизгин муҳокама қилмоқда. Шоир одам ҳам хотини билан шунча узоқ гаплашиши мумкинми? Таажжубланаман ҳам ҳавас қиламан...

Шунда дафъатан ёнимда ўтирган Усмон Қўчқор менга ўгирилиб дейди: — Доим сафарда бир нарсани унутаман... Қаранг, бу гал кўзойнагимни эсдан чиқарибман. Сизники тушармикин, бериб туринг...

У кўзойнагимни олиб “Жаҳон адабиёти”нинг янги сонини ўқишга берилади. Мен ҳам ҳар гал сафарга чиқадиган бўлсам, ниманидир унутаман ёки қандайдир ишқаллик юз беради. Усмоннинг гапидан кейин кўнглимдаги салгина тафти босилган “гашлик” яна бош кўтаради.

Озарбайжон сафари олдидан ҳам худди шундай бўлди. Ҳар қанча тараддул кўрмайин, аэропортга кечикиб бордим. Чунки керакли анжомларимни чамадонга сўнгги дақиқада жойлагандим. Сафарда керак бўладиган нарсаларни бир парча қоюзга олдиндан ёзиб бориш одатим бор. Уша қоюзни олдимга қўйиб ҳаммасини яна бир бор кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойида. Вақт тигиз. Чамадонни ётдим. Янги чамадон, яқинда ўғлим совға қилганди, икки томондан ширилдоқлари сурилиб ёпилади. Боз устига, антиқа қулфи ҳам бор. Кодлаштирилган, яъни қулфи учга тилли, ҳар бир тили олдида рақамлари бор. Учоқ юкхонасига топширишдан олдин уни қулфлаб — тиллари олдида эслаб қолишимга қулай рақамларни келтириб (“тилсим”га қўйиб), кейин уларни “бузиб” юборсам бас, ҳеч ким очолмайди.

Аэропортда мени бирга учадиган ҳамроҳларим қарши олишди. Боя айтганимдек, кечикканимдан хижолат чекдим. Кузатиб чиққан ўғлим билан хайр-хўшлашарканман, чамадонни бир очиб-ёпмоқчи бўлдим-да, “коди”ни чалкаштириб юбордим.

— Ие, рақамларни эслаб қолмадингиз-ку, — деди ўғлим.

— Оббо, энди нима қиламан.

— Етиб борганингиздан кейин бузиб оча қоласиз-да... — ўғлимнинг овозида яп-янги чамадонга ачиниш ҳисси аён сезилди.

— Майли, яхши қол, бир амалларман, — дедим.

Мен “амалларман...” деганда рақамларни эринмай бир-бир суришни ва охир-оқибат тилсимни топишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Ўғлим кетиши билан “машғулотни” бошлаб юбордим. Ҳамроҳларим билан суҳбатлашаётганда ҳам, чамадонни у ёқдан-бу ёққа гилдирашиб юрганда ҳам (гилдиракли эди у!) бармоқларим рақамларни суриш билан банд бўлди.

Учоққа чиққанзимизда чамадонни юкхонага топширмай, қўлимда олволмаганимга афсусландим. Ахир, учиб давомида аллақанча рақамларнинг “қулфини бураган” бўлардим. “Лекин мен сабрли одамман, қанча вақтим кетса ҳам, “тилсим”ни барибир очаман...”, — ичимда ўз-ўзимга тасалли бера бошладим. Уч хонали сонни бирма-бир суриб чиқиш учун қанча вақт керак бўлади ўзи? Яъни унинг геометрик тадрижи неча хонали сонни, қайси рақамни ташкил этади?

Миллионни ташкил этмасмикин? Лекин миллионни санаб чиқиш учун (рақамларни суриш деярли санабдаги вақтни олади) қанча вақт керак? Қачонлардир бу ҳақда ўқигандим: миллионгача бирма-бир санаб чиқиш учун инсон умри етмайди дейилганмиди ёки бир неча ой зарур бўлади дейилганмиди... Эсимда йўқ.

— Нималарни ҳисоб-китоб қилиясиз? — Усмон мутолаадан бош кўтариб менга қаради. Мен содир бўлган “ишқаллик” ҳақида кула-кула гапириб бердим ва уч хонали сон тадрижи қанча бўлишини сўрадим.

У ҳам миллион бўлса керак, дея тахмин қилди... “Эҳ, шоир, математика тахминни эмас, аниқликни ёқтиради! Сиз ҳам ўзимиз қаторисиз, шекилли...” — кўнглимдан кечирдим.

Усмон Кўчқор журнал саҳифаларида босилган нарсаларга ишора қилиб, яхши иш бўлибди-да, дея ўқишда давом этди.

“Жаҳон адабиёти”нинг янги сонида озарбайжон ёш шоирлари ижодидан намуналар эълон қилган эдик, таржимонлар ҳам ёшлар.

Шу пайт Бутуниттифоқ анжуманларида қатнашиб орттирган дўстларим озарбайжон шоири — Чингиз Али ўғли ва Воқиф Иброҳимлар эсимга тушди. Журналда — бугунги кенжа авлод шеърлари берилган. Биз тенгилар ва кейинги ижодкорлар ижоди бир-бирига таққосланса, нимани кўриш мумкин? Катта фарқни. Яъни биз тенгиларда анъанавийлик устувор бўлса, кейинги ёшларда сарбаст сурури ҳукмрон... Мен бу икки оқимнинг қайси бири афзаллиги, қайси бири узоққа бориши ҳақида тайинли фикр айтолмайман-у, лекин улар ўртасидаги теран айричаликни кўнглим аён ҳис этади. Зеро биз тенгилар (“анъанавийлар”) ўз шеърлари билан ўқувчи қалбига кириб боришни орзу қилса, “модернчи”лар умуман мухлислар аудиториясини инкор этади. Улар, шеърни мен ўзим учун ёздим, унда ўз дардимни баён қилдим, англасанг-англа, англай олмаслигинг мени қизиқтирмайди, дейдилар гўё.

Шу боисдан, “анъанавийчилар” ҳамиша ўқувчилар олқишига, офаринига умидвор бўлиб ижод қилсалар, “модернчи”лар ўқувчилар эътирофига илинж боғламасдан шеър тўқий олишлари билан масрур туядилар ўзларини...

Салим Бобуллаўелининг ушбу шеърига эътибор беринг.

Ҳайдалган қора тупроққа
тўкилган сариқ япроқ
рассом илинжида
матбуотга беради эълон,
бизнинг нўноқ нигоҳларимиз
ёпишиб олмаганда
биринчи саҳифанинг сарлавҳасига
чириндига айланмасди ул.

Икки авлод шеърляти ўртасидаги бу фарқ замирига чуқур назар солиб қаралса, боя айтганимдек, кескин тафовутни — услуб ва тафаккурдаги айричаликни, эврилишни яққол сезиш мумкин. Лекин бу эврилиш яхши томонгами ёки салбий томонгами — буни фақат вақтгина белгилаб беради.

Йиғилиш эски Иттифоқ тарқаб кетгандан кейин пугур топган анъанавий анжуманларни жонлантириш мақсадида “Глобализация даврида ўзаро таржима алоқаларини кучайтириш” мавзуга бағишланган эди. Яъни Бокуга Грузия, Ўзбекистон ва Озарбайжон ёш ижодкорлари таклиф этилганди. (Биз ҳамиша ёш бўлишга ўрганиб қолганмиз. Аслида биздан ташқари икки мамлакат ижодкорлари чиндан ҳам ёш эдилар.) Биз озар ёшлари шеърларини “Жаҳон адабиёти”да ёритгандик. Озарлар эса уч мамлакат ижодкорлари ижодидан намуналарни озар тилида китоб қилиб тайёрлашганди.

Учоқ мотори бир маромда гувиллайтиди. Пастимда чексиз қумликлар. Тепамда ҳудудсиз осмон. Хаёлим қатларида кўҳна тарих саҳифалари жонланади.

Озарбайжон ва ўзбек халқлари қадимдан адабий алоқада бўлиб келганлар. Низомий асарлари ўрта асрдаёқ ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Қутб Хоразмий 14 асрнинг биринчи ярмида “Хусрав ва Ширин”ни ўзбек тилига ўгирган. Навоий Низомий “Хамса”си — “Панж ганж”дан илҳомланиб, ўзининг беш буюк достонини яратган. Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор” достонини, Огаҳий “Ҳафт пайкар”ни таржима қилган.

Навоий асарлари ўзи тириклик пайтидаёқ озарбайжон шоирлари ўртасида машҳур бўлган. Айниқса, Кишварий ва Фузулий Навоийни буюк устоз деб билганлар. Фузулий “Лайли ва Мажнун”и деб очасида Навоийни Низомий билан бир қаторга қўяди. Навоий “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-дугатайн” асарларида Низомий, Ҳоқоний билан бирга Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухарвардий, Абу Абдуллоҳ Ҳоқоний Сўфий, Шайх Табризий, Қосим Анворий сингари озарбайжон шоир ва олимларининг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Муҳаммад Фузулий асарлари, айниқса унинг “Лайли ва Мажнун” достони Туркистон мадрасаларида ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаган. Бугина эмас, Фузулий ўзбек халқи ўртасида энг сеvimли шоирлардан бири бўлган. Шу туфайли Туркистонда “навоийхонлик”, “бедилхонлик” билан бирга “фузулийхонлик” анжуманларида ҳам минглаб кишилар шоир асарларини таҳлил қилганлар.

Ушбу адабий алоқалар ўтган асрнинг охирига қадар давом этиб келди. Айниқса “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил қилинган даврдан бошлаб эса унинг саҳифаларида озар адиблари ижодидан салмоқли асарлар таржима қилиниб босилди. Жумладан, Ҳ.Жовиднинг “Амир Темур” драмаси, Ю.Чаманзаминнинг “Қизлар булоғи” романи, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романи ва “Дантенинг юбилеи” қиссаси, Рамз Равшан, Бахтиёр Ваҳобзода, Мадина Гулгунларнинг шеърий туркумлари, М.Иброҳимовнинг “Гулабатин” қиссаси чоп этилди. Бу асарлар У.Кўчқор, Ф.Шоҳисмоил, М.Ҳазратқуловлар томонидан таржима қилинган.

Озарбайжон диёри ҳақида сўз кетганда, албатта, буюк соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ тарихий воқеалар ёдга олинади. Тарихий манбаларда айтилишича, Амир Темур ёшлигида озарбайжон шоири Шабистарийнинг “Гулшани роз” — “Сирлар гулшани”ни севиб ўқиб, кўп жойларини ёд ҳам олган экан. Ва у уч йиллик юриш пайтида Озарбайжонга борганда Шабистар деган катта бир қишлоққа дуч келади. Шунда “Гулшани роз” китоби ёдга тушади. Сўраб-суриштиришлардан маълум бўладики, бу китобни ёзган шоир Шабистарий шу қишлоқда яшаб ўтган экан.

Ҳамқишлоқлари Амир Темурга унинг қаровсиз ётган қабрини кўрсатадилар. Шунда Соҳибқирон фармон бериб, қабр ўрнига мўъжаз бир мақбара қуришни, яқин атрофдан мақбарага қарашли вақф ер ажратишни, ундан келадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиш ва шоир қабрини зиёратгоҳ каби обод сақлашни буюради. Манбаларда айтилишича, Амир Темур бугун Шабистар аҳолисини 15 ёшдан бошлаб рўйхатга олишни ҳам буюради. Катта қишлоқ экан, 15 ёшдан юқори аҳолининг сони 6110 нафар чиқади. Амир Темурнинг маҳсул фармони билан уларнинг ҳар бирига Шабистарийнинг хотираси ва ҳурмати учун 5 мисқолдан олтин улашилади.

Айниқса, шўролар даврида катта анъанага айланган декадалар — вақти-вақти билан республикалар ўртасида ўтказиладиган адабиёт ва санъат кунлари шукуҳи ила Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги адабий ва маданий алоқалар юқори нуқтага кўтарилди.

Уша даврларда биз, адабиётнинг энг кенжа авлоди, бу борада катта адибларимиз, уста шоирларимизнинг гўзал таассуротларини кўп бора эшитганмиз.

Боку Каспий денгизи соҳилига жойлашган. Денгиз оша учин туташи билан аэропортга қўна бошладик. Учоқ пастлаган сари қирғоқнинг яқин жойларида кўшлар нефть қазиб олиш қурилмалари кўзга ташлана бошлади.

Соҳил бўйида яшиллик, дов-дарахтлар кам бўлганлиги учун, у яйдоқ кўринарди. Ёзнинг иссиқ нафаси уни янада ғариблаштирган.

Аэропортда бизни озар тилида чиқадиган “Жаҳон адбиёти” журнали бош муҳаррири Салим Бобулгаўели ва таниқли тележурналист, киноценарийчи ва эссечи адиб Рафиқ Ҳошимовлар кутиб олишди.

— Сиз Мирпўлат Мирзосиз, суратингизни кўрганман, — деди Салим мента рўпара келаркан. У ўттиз ёшлар атрофида, ўрта бўй, нигоҳларидан ўзига ишончи уфуриб турарди. Унинг ёнида қошлари қалин, истараси иссиқ йигит пайдо бўлди. У Рафиқ экан.

— Қани, юкларингизни беринг бизларга, машина кутиб турибди, — деди Салим.

Аэропорт шаҳардан анча олисда экан.

Машинага ўтирганимиздан сўнг Рафиқ, тележурналист эмасми, ўз юрти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб кетди.

— Озарбайжонда хизмат кўрсатган халқ артисти, Марказий телевидениямизнинг етакчи бошловчиларидан бири, кўшлаб киносценарийлар муаллифи, халқаро кинофестиваллар совриндори — Салим бизга Рафиқни бафуржа таништирди.

— Телевизорда ҳар куни чиқсангиз, демак, сизни бутун Озарбайжон яхши таниркан-да, — дедим мен.

— Айниқса, озар қизлари, — деди Салим ва дўстига изн сўрагандек қараб олиб, қўшимча қилди. — Чунки уйланмаган.

— Ёшнингиз нечада? — деди Усмон Қўчқор дабдурустдан.

Рафиқ жавоб беришга ҳозирланиб жилмайди.

— Бир кам қирқда, — деди Салим аниқлик киритиб.

— Қандай бахтлисиз!.. — деди Усмон Азим. Бу билан унинг нима демоқчилигини ҳеч ким англамаган бўлса-да, даврада гурра кулги кўтарилди.

Мен гарчи теварак-атрофни кузатиб, гап-сўзларга аралашиб келаётган эсам-да, кўлим чамадоннинг кулфида эди. Вақтни бой бермаслик учун рақамларни бир-бир айлангирар ва ҳар янги рақам терганимда, кулф “тилини” тортиб кўрардим.

Бир пайт, шаҳарга яқинлаша бошлаганимизда мен илкис “ура-а-а!” — деб қичқириб юбордим. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Қойил — э! “Тилсим”ни топдим! Топдим! — дедим чамадонимни шоша-пиша очарканман.

— Наҳотки! Топдингизми?! — дейишди иккала Усмон ва Акиф, Раъно ҳам уларга қўшилиб табриклади.

— Сафаримиз хайрли бўладиган бўлди. Тилсимни ечдим! Қойил!

Салим ва Рафиқ ажабланиб қарашди. Гап нимадалигини тушунтирдим. Улар ҳам севинчимга шерик бўлишди.

Биз кўнадиган меҳмонхона денгиз соҳилида жойлашган экан, Боқунинг кўркама ерига жойлашган меҳмонхонанинг 19-қаватидан, айниқса, денгиз кўзга гўзал кўринади. Мен жойлашган хонанинг деразаси денгизга қараганди. Офтоб уфққа яқинлашиб, майин мавжланиб турган уммон сатҳига тагин олтин тангаларини соча бошлаганди.

Оқшом кириб, ҳаммамиз дийдорлашув дастурхони атрофига жамул-жам бўлдик. Грузиялик ижодкорлар ҳамда мезбон дўстларимиз билан танишдик. Даврани Рафиқ бошқарди. У анжуманнинг бош мақсади — дийдорлашиш, яъни бир-биримизни яқиндан билишди, унинг бундан муҳимроқ бошқа муддаоси йўқ, дея таъкидлади. Ва дастлаб ҳамма бир-бир ўзини таништирди. Залга файз бахш этиб турган мусиқа меҳмонлар дил изҳорини босиб кетмаслик учун майин тараларди гўё.

Дастлабки сўзни Усмон Азим айтди. У грузиялик дўстлар ҳамда меҳмонлар шарафига жўшқин дил сўзларини изҳор қилди.

— Бу дунёга ажойиб шоирларни берган заминда турибмиз. Масалан, Фузулий. Мен Фузулийни озардан кўра ўзбекка яқинроқ десам, хато қилмайман. Биз унинг ғазалларини таржимасиз ўқиймиз, кўшиқ қилиб куйлаймиз. Бунинг исботи сифатида сизларга Фузулийнинг ўзбекнинг энг сеvimли хонандалари ижро этган кўшиқлари ёзувини олиб келганмиз ва ҳурмат билан шуни сизларга тақдим қиламан, — деди Усмон.

Салим Бобуллаўли совгани қабул қиларкан, дарҳол зал мутасаддисини чақириб, мусиқа ускунасига шу дискни қўйишни буюрди. Шундан сўнг кеча охиригача даврада Фузулий кўшиқлари янгради.

Табрик ва тилак айтиш навбати гуржи дўстларимизга келди. Улардан анжуманда беш вакил ишгирок этаётган эди. Уларнинг дунё адабиётидан яхши хабардорлиги, рус тилини ва яна ҳорижий тилларни пухта билиши бизда ҳавас уйғотди. Гуруҳ бошлиғи Шота Исташвили 1966 йилда туғилган экан, носир, шоир, таржимон, мунаққид; еттига шеърый тўплам, иккита роман ва ҳикоялар тўплами муаллифи; кўшлаб жаҳон шоирларини грузин тилига таржима қилган, ўзининг шеърлари ҳам рус, немис, инглиз ва албан тилларида чоп этилган;

инглизчани, немисчани билади, русчани-ку, айтмасак ҳам бўлади. У ўз сўзида грузин адабиётида кечаётган адабий жараёнлар ҳақида гапирди. Бундай анжуманларнинг ҳар бири адабиёт учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Шота гапирар экан, кўз ўнгимда бундан ўттиз йиллар аввал Грузияга борган пайтларим — Кутаисида ўтказилган Бутуниттифоқ ёш шоирлари фестивалида иштирок этган дамларим жонланди.

Биз кўпчилик ёш ижодкорлар ўша даврда Пушкин ва Лермонтов шеърляти таъсирида шаклланганлигимиз боисми, Грузия ҳаммамизнинг юрагимизда юксак ҳислар уйғотиб, афсонавий маъво бўлиб туюларди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам бу диёр шундоқ эканлигига амин бўлган эдим. Оппоқ булутлар тўхтаб қолган чўққилару юракни энтиктирадиган даражада пастликка эниб кетган ям-яшил арчзорлар ҳали-ҳануз хотирам кўзгусида. Муғузларда арғувоний майтар сипқорилгандан кейин қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаган ҳолда қурч давра ҳосил қилиб, гуржи эранлари айтадиган қўшиқлар-чи!.. Бу қўшиқлар гўё уларнинг кўксидан чиқиб, тоғлардан акс садо бераётгандек туюлади... Ўшанда мен “Гуржи қўшиғи” деган шеър ёзгандим.

Фараҳли лаҳзалар савти ёдимда,
Сархуш давраларда бўлдим мен хушқол.
Жангари бир сурур ҳис этдим сенда,
Халқ қалби қўшиқда топаркан тимсол.
Оҳанглар замири мунг эди гоҳи,
Ўқидим улардан ҳасрат ва йиғи...
Наҳотки сенда жам ажодлар оҳи,
О, гуржи қўшиғи, гуржи қўшиғи!

Шота сўзини тугатгач, ўз тилида шеър ўқиди. Анжуман кунлари гаплашиб қолганимизда, Шотанинг жаҳон шоирлари ижодини яхши билишига амин бўлдим. У айрим ингиз шоирлари шеърларини инглиз тилида, немис шоирлари шеърларини олмон тилида ёддан ўқиди. Уйдаги компьютерида жуда кўп машҳур шоирларнинг овози жамланган экан. Айримларини қўл телефонида кўчириб олибди. Ундан Т. Элиот, И. Бродский, О. Мандельштам, А. Ахматова ва бошқаларнинг овозларини эшитдик. Улар ўз шеърларини ўқишанди. Мен шунда бир нарсага амин бўлдим — ҳақиқий шоир даҳоси, ҳатто шеър ўқишида ҳам намоён бўлар экан. Яъни ҳар бир улуғ шоир юрагидаги дардини, ғуссасини, сурурини фақат ўзигагина хос бўлган, аниқроғи, ўзи яраган /у билан туғилган десак, янада тўғироқ бўлади/ услуб билан баён қилар экан. Демокчиманки, ҳақиқий шоир овозини эшитган ҳар бир одам унинг оҳангига беихтиёр асир бўлиши ва гарчи унинг тилидан мутлақ йироқ бўлса-да, ундаги дарду ғуссадан сеҳрланиши ва эзгу даъватларни юракдан уқиши шубҳасиз.

Грузин дўстларимиз орасида, айниқса, Гага Нахуцришвили аломат шоир эди. У 1971 йилда Тбилисида туғилган, Тбилиси университетини тамомлаган экан. Немис тили ва адабиётини Германиянинг Ротенбург шаҳридаги Гёте институтида ўрганибди. У қадди-қоматию қўйган соқоли ва айниқса дарвешфёъллиги билан ўзимизнинг Рауф Парфининг қуйиб қўйган нусхаси эди. Ёпирай, бу ўхшашлик унинг услубида ҳам акс этарди. Бунинг устига, у ҳам худди Рауф акага ўхшаб аломат иборалар «кашф этиб» юрар экан. Айни даврда унинг “Шуни қайғу билан эълон қиламизки, Жўнди вафот этди...” ибораси оғизда экан. Гага бу иборани ишлатганида, уни англаган дўстлари яйраб-мароқланиб кулишар эди, ўзи эса гўдакларга хос чехрасида жилмайиш зоҳир этарди, холос. Гурунлар асносида англаб етишимизча, Жўнди — бюрократ сиймоси. Унинг вафоти катта ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳамма учун енгил нафас бахш этади. Лекин Жўндининг ўлими ҳар гал ёлғон бўлиб чиқади ва унинг тириклиги ҳақидаги хабар яна ҳамманинг ҳафсаласини пир қилади.

Гага даврада ўзига хос, теша тегмаган сўзлари ила “нугқ” ирод қилиб, “Шуни қайғу билан эълон қиламизки, Жўнди вафот этибди. Лекин кейинги маълумотларга қараганда, у тирик экан. Уни кўплашиб сувга чўктиришмоқчи бўлишибди. Бироқ уни ўлдирдик деб ўйлаганлар хотиржам тарқалишгандан кейин у яна сув бетига қалқиб чиқибди...”, дея самимий жилмайди. Унинг бу жилмайишидан бюрократик сиймоларнинг жамиятдан йўқотишпа астойдил бел

боғлаганларнинг чиранишлари ниҳоятда кулгули эканлигини, зеро, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётганлар ҳеч қачон осон жон бермайди, чучварани хом санаманглар, деган фикрни уқиш мумкин эди.

Гага ҳақидаги гурунг пайтида Шота шундай бир воқеани ҳам айтиб берди:

— Бир куни мен уни катта зиёфатга олиб бордим. Машҳур ресторанлардан бирига Россиянинг энг кўзга кўринган санъат намояндлари йиғилганди. Гага остонадан ҳатлар экан, уларга кўзи тушиб, мен бу ерда ўтирмайман, деди. Меҳмонлар ҳайрон бўлиб, унга қарашди. — Аввал ҳарбий базаларингизни юртимиздан олиб чиқиб кетинглар, кейин мен сизларнинг даврангизда ўтираман, — деди ва орқасига бурилиб чиқиб кетди.

Сўз навбати озарбайжонлик ёш адиб Мақсад Нурга берилди. У 1968 йили туғилган, Бокуда истиқомат қилар, ҳозир Республика телевидениесига фаолият кўрсатар экан. Бир неча насрий асарлар муаллифи.

У сўзини салмоқлаб айтар, фикрида вазминлик бор эди. Лекин Тошкент билан боелиқ хогираларни тўлқинланиб гапирди.

— Бундан кўп йиллар муқаддам ҳарбий журналист эдим. Тошкентда кўп марта бўлганман. Бу азим шаҳардаги гўзаллик, файз, осойишталик мени ҳамиша лол қолдирарди. Эсимда, бир куни оқшом пайти Анҳор бўйларини айланиб юрардим. Шунда қўл ушлашиб юрган бир жуфт ёшга кўзим тушди. Улар хиёбонларда сайр этиб бўлишиб, катта кўча томон чиқишмоқда эди. Уларнинг юзларида висол нашидаси нурланар, теварак-атрофда эса ҳаловат, осойишталик ва ажиб тароват ҳукмрон эди. Улар кўчадан ўтиб бораётган таксига кўл кўтаришди. Чиройли, шинам машина келиб тўхтаб, уларни айтган манзиллари томон олиб кетди. Мен шунда бу юртдаги файзга ич-ичимдан ҳавас қилдим. Ҳарбий журналист эмасманми, шунда кўнглимдан: “Дунёда нега уруш бўлади, одамлар нега бир-бирлари билан ёвлашади?” деган савол туғилди ва бу саволга дафъатан жавоб тополмай изтироб чекдим... Дунёда Тошкентдай шаҳар борлиги кўнглимга ҳамиша таскин беради, — дея Мақсад гапини якунлади.

Дийдорлашув кечасида ўтирар эканмиз, ҳаммамизнинг қалб тугунларимиз очилиб кетганди. Бу ҳолат беихтиёр чамадон “тилсими”га боелиқ кечинмаларимни эсимга туширди: “Ғалати замонларни бошдан кечиряпмиз. Шўролар давридаги борди-келдилар бирдан барҳам топди. Давр бизни мустақиллик қасрларига қулфлаб қўйди. Мулоқот йўлларини шу қадар тилсимлаштириб ташладики, унинг “коди”ни бутунлай чалкаштириб юбордик”.

— Бизларни давр бир-биримиздан узоқлаштириб ташлади. Айни чоғда техника тараққиёти олдимизда чексиз имкониятлар очмоқда. Масалан, интернет орқали ҳар куни, ҳар соатда дунёнинг исталган бурчаги билан мулоқотга киришишимиз мумкин, — деди сўзида кимдир.

— Лекин интернет орқали дийдорингиз нуридан баҳраманд бўлолмайман-ку, меҳрингиз товланишини ҳис этолмайман-ку, — деди яна биров.

— Шунингдек, интернетда ҳар қанча бир-биримиз билан мулоқот қилмайлик, ҳеч қачон мана шу даврадагидек тилаклар айтиб, қадаҳтаримизни уриштира олмаймиз, — дедим мен.

— Биласизларми, даврамизга яна нима тароват бағишлаб турибди, — деди яна кимдир. — Ҳаммамизнинг бир-биримизга тенглигимиз. Илгарилари бундай талбирлар, албатта, “оға” миллатнинг миннатли марҳамати билан амалга ошириларди.

Ташрифимизнинг эртаси куни кўҳна ва навқирон Боку қадамжоларини зиёрат қилдик, Ширвоншоҳ қалъаси мажмуасида бўлдик.

Шаҳардаги эски иморатлар асосан тошлардан тикланган эди. Янгилари ҳам йўнилган тош ёки мрамар билан зийнатланган. Шаҳар қадим бўлганлиги туфайли, кўчалар тор, шу сабабдан машиналар тирбанд. Иморатларга осилган пешлавҳалардан бирида Нобел номини учратдик. XIX асрнинг 80-йилларида ака-ука Нобеллар бу шаҳарга келиб нефть ишлаб чиқариш компаниясининг бир тармоғини очишган экан.

Ташрифимиз давомида Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Анор ҳузурда ҳам бўлдик. Анор асосан рус тилида ижод қилиб, совет даврида Бутуниттифоққа машҳур, санокдаги адиблардан бири эди.

Биз Анорга ўзбек тилига таржима қилинган озар ёзувчилари асарларини топширдик. Улар орасида унинг асарлари ҳам бор эди.

У салобатли ва вазмин инсон бўлиб, кўлидан трубки тушмасди. Ўчиб қолса дарҳол ёндиришга тутинарди. У мамлакат ёзувчилари ҳаёти ҳақида гапириб берди. “Бизга айрим ижодкорлар уюшмангизнинг кераги йўқ дейишади. Лекин бошқалар, улар асосан ёшлар, қачон уюшмага оласизлар, деб безор қилишади. Айни чоғда мингта яқин аъзомиз бор, икки юздан ортиқ ариза қўлимизда”.

У бундай учрашувларнинг муҳимлиги ҳақида алоҳида таъкид билан гапирди. Анор ўз сўзида, шўролар даврини ҳар қанча ёмонламайлик, яхши томонлари ҳам йўқ эмасди, деди. Давранинг пойгагида ўтирган Гага эса унинг худди шу сўзини кутиб тургандек, туйқусдан, “Барибир лаънат бўлсин шундай тузумга!” дея шиорона луқма ташлади. Сўнг зап қилдимми, дегандек бизларга болаларча нигоҳи билан тикилди.

Боку кўчаларида марҳум президент Ҳайдар Алиевнинг портретларини бот-бот учратдик. Меҳмонхонамизга кираверишда Ҳайдар Алиевнинг ҳозирги президент ўғли — Илҳом Алиев билан Каспийга ёндош кўркам иморатлар фонидаги сурати осилган экан. Иккаласи мулоқотда. Отада донишмандлик акс этган, ўғил чехрасида садоқат туйғуси уфуриб турибди. Биз суратга ҳавасланиб боқар эканмиз, фикрларимизни ўзаро ўртоқлашдик:

— Ота зўр бўлган экан, шундоқ фарзандни тарбиялабди.

— Ўғил ҳам зўр-да, қобил чиқибди. Бутун мамлакат масъулиятини зиммага олиш осон эмас...

Ёшлар ва туризм соҳаси мутасаддиси Абулфайз Қораев ҳузурида бўлганимизда мамлакатдаги аҳвол, мураккаб муаммолар борасида гап борди.

— Ватанимизнинг 20 фоиз ери ҳозир арманлар кўлида, халқимизнинг 20 фоизи, яъни бир миллиондан ортиқ аҳоли қочоқликда кун кечирмоқда. Уларни боқиш, турмуш шароитини ўйлаш давлатимиз учун энг оғриқли муаммолардан бири, — деди у. — Лекин биз ёшларимиз келажагига ишонамиз. Зеро, марҳум президентимиз Ҳайдар Алиев уларнинг истиқболини ўйлаб, жами нефтдан тушадиган маблағни банкларга жойлаштиришни васият қилганлар. Бу маблағнинг бир сўми ҳам бутунги кунда ишлатилмайди. Бу асосан келажак учун, ёшларнинг истиқболи учун мўлжалланган.

Сафаримиз давомида анжуман иштирокчиларини Президент девонининг бўлим мудири Ҳидоят Оружиев ҳам қабул қилди. У бўйдор, савлатли, сочлари оқарган, 65 ёшлар атрофидаги киши эди.

Учрашувга кетаётганимизда Усмон Азим, уни яхши биламан, бир шеърият анжуманида бирга иштирок этганмиз, деди.

Дарҳақиқат, Ҳидоят бизни қарши оларкан, Усмонга кучоқ очиб пешвоз чиқди. “Яхши юрибсанми, ҳаммаси эсимда, эсимда...” — дея қуюқ сўрашди. Ва ёдида қолган гапни суҳбат давомида изҳор қилди.

— Биз Усмон билан Ереванда бирга бўлганмиз. У пайтда, Усмон, сен ҳам, мен ҳам ёш эдик, а?.. Шунда сен саҳнага чиқиб, улкан зал мухлисларга лиқ тўла эди, уларга қарата, мен энг талантли шоирман, деб хитоб қилдинг ва ёниб шеър ўқидинг. Қарсақлар ёғилиб кетди. Бу дақиқаларни сира унутмайман. Мана, энди мен қаридим, ижод билан кўп шуғуллана олмадим, раҳбарлик ишларига ўтиб кетдим... Сен ҳали ҳам талантли бўлсанг кераг-а, Усмон? — мутойиба қилиб жилмайди Ҳидоят.

Анжуманнинг хайрлашув кечаси ҳам алоҳида руҳ билан ўтди. Унда машҳур кинорежиссёр ва драматург Рустам Ибрагимбеков, мезбонимизга айланган Анор ва Ҳидоят Оружиевлар иштирок этишди.

— Вақтим жуда тигиз эди, аммо барибир келдим, — деди Рустам Ибрагимбеков. — Бу давра менга ёшлигимни эслатди. Ўша даврлар сурурини қалбимда қайтадан жонлантирди.

“Озарбайжон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Аёз Вафоли: — Бу анжуманда Ўзбекистон ижодкорларини кўриб турганимдан гоят мамнунман, — деди. — Бир пайтлар адабиёт байрамида юртингизда бўлган эдим. Ўшанда Эркин Воҳидов менинг ушбу шеъримни таржима қилганди. Мана, ўша таржима, Эркин Воҳидов дастхати билан.

Шоир шеърни дастлаб озар тилида, сўнг ўзбек тилида ўқиди.

Учрашувнинг сўнгги куни Акиф Азал (у асли озарбайжонлик, ўтган асрнинг 80-йилларида талабалар алмашиш муносабати билан Тошкентга келиб, шу ерда

қолиб кетганди. Олим ва шоир) бизларни туғилган қишлоғига таклиф қилди. Олислиги туфайли боришга кўнмадик. Ундоқ бўлса, сизларни шу ерда меҳмон қиламан, деб туриб олди Акиф. Ва унинг амакиси келиб, Акиф номидан бизларга дастурхон ёзди. Сафар давомида ҳамма бир-бири билан яқинлашиб кетганлиги туфайли гурунлар қизғин бўлди, ўзбек, грузин, озар тилларида шеърлар янгради. Ҳаммадан ажойиби, Собир Рустамхонли етиб келди. У машҳур шоир, ҳозирги озар шеърятининг етук намояндаси. Биз унинг бир туркум шеърларини яқинда /Т. Қаҳҳор таржимасида/ журналимизда босган эдик.

У айти пайтда “Ватандош ҳамраъйлиги” партиясининг раҳбари сифатида парламентга янги сайлов тайёргарлигини олиб бораётган экан.

— Сизларнинг келганингизни эшитдим-у, кўришга улгурайин деб йўлга чиқдим. Нахечеван бизнинг Жанубий ўлкамиз. Ниҳоятда чиройли табиати бор. Агар алоҳида келсанглар, ўзим бутун Озарбайжон бўйлаб айлангирар эдим...

Собир билан суҳбат беихтиёр мамлакатнинг бутунги кундаги оғриқли муаммоларига келиб тақалди. Бу, албатта, Озарбайжон ва Арманистон муаммоси эди.

— Биз — Кавказорти республикалари — Грузия, Озарбайжон, Арманистон ижодкорлари халқларимизни яқинлаштириш борасида ҳамкорлик ҳаракатларини кучайтирсак бўлмайдими? — деди Шота куюниб.

— Бунга ҳаракатлар бўлди, бизнинг ва арманларнинг обрўли адиблари билан учрашдик, — деди Собир вазминлик билан. — Лекин ҳеч гап чиқмади.

— Бизда грузин ва абхаз масаласи ҳам ниҳоятда чирсиллаб турган муаммо. Масалан, менинг туғилган акам икки халқ ўртасидаги низо ва зиддиятлар сабаб ваҳшийларча ўлдирилди. Лекин мен шунга қарамасдан, абхаз шоирларидан туркум шеърлар таржима қилдим. Балки сиз бояги айтганим — олижаноб гоёга бош қўшарсиз?...

— Йўқ, мутлақо! — деди Собир чўрт кесиб. Кейин ўзининг кескинлигидан хижолат торди, шекилли, кўшиб кўйди. — Бу саволга тайёр эмасман...

Айти пайтда шу фикрлар қалбимда теран оғриқ уйғотди: “Нега халқлар бир-бири билан ёвлашади? Наҳотки одамзод бундай кулфатдан қутула олмаса? Элар орасига нифоқни ким солади ўзи? Адоват уруғларини ким сочади? Кимга манфаат булардан? Бу муаммоларнинг тагига етадиган, низолар тилсимини ечиб берадиган инсон бормикин? Наҳотки разолат голиб келаверса мудом?!”.

Сафаримизнинг сўнгги кунда бизни Каспий соҳилига — денгизда чўмилишга таклиф қилишди. Учоқ кеч учди чўмилишга улгурасизлар, дейишди.

Махсус автобус бизни денгизга рўбарў қилди. Қаршимизда Каспий ястаниб ётар, соҳилдаги қум оёқни куйдирарди. Қирғоқнинг кенг саҳнида қурилиш ишлари олиб борилмоқда, икки-уч қаватли шинам иморатлар тикланмоқда эди. Дам олувчилар учун бўлса керак, албатта.

Каспий ниҳоятда мулоим денгиз экан. Ҳаммамиз сувга тушиб роҳатландик. Қачонлардир Қора денгиз бўйларида дам олиб, ижод қилган пайтларим эсимга тушди. Каспийнинг шўр сувлари димоғимни ювганида Қора денгиз нафаси, мавжлари кўз олдимда жонлангандек бўлди.

Табиат қизиқ. Балки у денгизни одамзод руҳига таскин бўлсин деб яратгандир. Балки кенгликни денгиздан ўрган демоқчи бўлгандир.

Учоғимиз парвозга кўтариладанда офтоб денгиз сатҳига яна олгин тангаларини сочиб юборди. Ана шунда мен денгизни инсоният руҳига тоабат гўзал туйғулар бахш этиб тургувчи боқий шеърятга ўхшатдим...

Биз сафаримиз давомида “Глобализация замонидаги ўзаро адабий алоқалар ва бадиий ижоднинг ҳозирги кундаги турли муаммолари”га доир расмий суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ҳам ўтказдик, албатта.

Қисқаси, хотирамда қолгани асосан мана шулар.

Лекин яна бир гап. Янги ХХI аср анъанавий тушунчаларимизни тубдан ўзгартириб юборди. Халқларнинг адабий ва маданий алоқалари ҳам янгича тус олмоқда. Бу борада даврнинг янги тилсимларига дуч келмоқдамиз. Мустақиллик шуқуҳига қамалиб олган халқлар дили кулфига йўл топиш чамадон “тилсими”ни очишчалик осон бўлармикин?



Ҳерманн ҲЕССЕ

Нюрнбергга саёҳат

Сафарнома

Ушбу сафар хотираларининг муаллифи ўз хатти-ҳаракати сабаблари ўзларига яққол кўришиб турадиган одамлар тоифасига мансублик бахтига муяссар эмас; бундай сабабларга, хоҳ ўзида бўлсин, хоҳ бошқа бировларда бўлсин, ишониш бахтидан ҳам бегона. Сабаблар, менимча, ҳаминча ноаниқ бўлади. Сабабият ҳаётда мавжуд эмас, у фақат тафаккурда бўлади. Табиатдан бутунлай ажралиб қолган батамом маънавий инсон, албатта, ўз ҳаётида узлуксиз сабабли боғланишларни топа олган ва ўз онтига тушунарли бўлган сабаб ҳамда далилларни бирдан-бир ягона деб ҳисоблашга ҳақли бўла олар эди, ахир, у буткул онг — шуурдан иборат бўлган бўларди-да. Бироқ бундай инсонни ёки шундай худони мен ҳали учратмадим, бизга — ўзимизга, қолган барча бошқа одамларга келсак, мен ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки воқеа-ҳодисани ҳар қанақанги далиллашларига шубҳаомуз муносабатда бўламан. Ўз хатти-ҳаракатларини қандайдир “сабабларга” кўра амалга оширадиган одамлар йўқ, улар буни фақат тасаввур этадилар, холос ва айниқса — шухратпарастлик ҳамда саховат юзасидан бунга бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Ҳарҳолда, ўз тажрибамда доимо шуни сезганманки, хатти-ҳаракатларимнинг баҳона ва сабаблари шундай сарҳадларда жойлашганки, уларга на ақлим, на иродам етиб бора олади. Ва, бутун ўзимга ўзим Тессиндан Нюрнбергга қилган кузги саёҳатимнинг, икки ой давом этган сафаримнинг асл сабаби нима эди, деган саволни берарканман, ўйлаб ўйимга етолмайман ва бунинг моҳиятига қанчалик чуқурроқ кириб борганим сайин, сабаб ва далиллар шу қадар кўпроқ тармоқларга бўлиниб, ажралиб, парчаланиб, охири ўтмишнинг узоқ йилларига қараб кетиб борар, кетганда ҳам сабабларнинг қатор чизиги бўйлаб эмас, балки кўп ҳалқали тармоқларга бўлиниб борарди, бундан эса ўз-ўзидан аҳамиятсиз ва тасодифий туюлган ушбу сафар илгариги ҳаётимнинг сон-саноксиз шарт-шароитлари сабаб, мулақо олдиндан белгилаб қўйилгандек бўлиб кўринарди. Мен эса ушбу матонинг қандайдир дағал тугунларинигина англай оламан, холос. Бундан бир йил муқаддам Швабияда* оз муддат бўлган пайтимда Блаубойренда яшовчи дўстларимдан бири, уни йўқламаганимдан ҳасрат қилган эди, мен эса Швабияга кейинги сафарим чоғида ушбу хатоимни тузатишга ваъда берган эдим. Сафарга отланишимга ташқи томондан бўлган туртки шу эди. Аммо бу ваъдамнинг, кейин ўзим яққол кўрганимдек, асл сабаби бор эди. Мени кўриб хурсанд бўладиган эски қадрдон дўст билан учрашув нақадар ёқимли бўлмасин, ҳарҳолда оғир қарвон, хонанишин, одамови эмасманми, темир йўлнинг майда овлоқ шохобчалари бўйлаб кўчиб юриш ҳақидаги фикр мени у қадар тўлқинлантирмас эди. Йўқ, на фақат дўстлик, балки, айниқса, боадаблик мени бундай ваъда беришга мажбур қилганди, бунинг замирида бошқа нарса ҳам бор эди, сир ва жозиба,

* Ш в а б и я — қадимги шваб қабиалари яшаган ҳудуд, вилоят.

беҳисоб акс-садо, хотиралар, васвасалар биргина “Блаубойрен” номида мужассам эди. Блаубойрен — бу, биринчидан, мен болалигимда ўзим таҳсил кўрган мактабга ўхшаш диний мактабга эга бўлган қадрдон шваб шаҳарчаси эди. Бундан ташқари, Блаубойренда, худди ана шу роҳиблар масканида ажойиб ҳамда қимматбаҳо нарсаларни, жумладан, готик меҳробни¹ ҳам кўриш мумкин эди. Шундай бўлса ҳам, санъатшуносликка оид ушбу далиллар мени ҳаракатга келтира олиши амри маҳол эди. Лекин айнан “Блаубойрен” калимасида бошқа яна нимадир, швабияликларга хос шоирона бир нарсa, мен учун буткул беназир гўзаллик жаранглар эди: Блаубойрен ёнида машҳур Клётцле Блай² (кўрғошин кунда) жойлашган, Блаубойрендаги Блаутопф³ (кўк хумча)да эса қачонлардир соҳибжамол Лау яшаган, ана шу соҳибжамол Лау, ҳикоянависнинг⁴ тасвирлашича, ерости бўйлаб Блаутопфдан Роҳибалар ертўласига қадар сузиб ўтиб, у ердаги очиқ қудуқ саҳнида “кўксигача сувда” пайдо бўларкан. Мафтункор исмлар — Блау ва Лау чулғаб олган ажойиб ҳаёллар оғушида Блаубойренга нисбатан соғинч уйғонди. Фақат кейинроқ, ўйлаб кўргач, тушуниб етдимки, мени у ерга ундаган нарсa — кўк хумча ва соҳибжамол Лауни, унинг ертўладаги чўмилиш жойини кўриш истаги бўлган экан. Мен ҳаминша на фақат ўзимни, балки ҳавас қилса арзийдиган, ўз хатти-ҳаракатлари сабабларини тушунтириб бериш учун далиллар келтира оладиган бошқа одамларни ҳам аслида мана шу сабаблар эмас, балки, қанақадир шайдолик, ишқибозлик ҳаракатга келтиришига ишонардим, ўзим эса мана шу ишқибозликни тан олишга ҳечам қарши эмасман, негаки, ёшлик чоғларимда у менга энг кучли ва энг гўзал туйғулардан бири бўлган. Ёшлигимда шеърятдаги икки аёл сиймоси менинг шеърый ҳамда ҳиссий ҳаёлларимга гўзаллик тимсоли сифатида таъсир кўрсатган, уларнинг иккалови ҳам — “Ўрмондаги митти чол”⁵ даги соҳибжамол Лау ва “Яшил Ҳайнрих”⁶ даги чўмилиувчи қиз Юдиф гўзал, сирли ва сув бағрида яшардилар. Уларнинг иккаласини ҳам кўп, жуда кўп йиллар эсламадим, исмларини тилга олмадим, улар ҳақидаги қиссаларни қайта ўқимадим. Мана энди тўсатдан “Блаубойрен” сўзи чиқиб қолиб, мен яна соҳибжамол Лауни кўрдим, у сийнаситгача сув оғушида турар, ошпоқ қўлларини қудуқнинг тошпанжарасига суянганича жилмайиб, мени оҳиста имлаётгандек туюларди. Ва гўзал Лаудан ташқари, мен уни илгариги маконида тагин учратаман деб умид қила олмас эдим, яна ёшлик чоғларим ва унинг жўшқин орзулари ҳақидаги, ёзувчи Мёрике, қадимги шваб маталлари, ўйин ва эртақлари, болалигим манзаралари тўғрисидаги хотиралар ушбу садолар ҳамда ҳаёллар билан қўшилиб кетарди. Ҳатто болалик йилларим кечган на ота уйи, на жонажон шаҳрим мен учун бу қадар сеҳрга эга эмас эди, мен уларни тез-тез кўриб турар ва унутар эдим. Бироқ “Блаубойрен” садоси билан пайдо бўлган манзараларда ёшлигим, ватан ва халқим билан руҳий алоқалардан менда нимаики қолган бўлса, барчаси мужассам эди. Ва бу алоқалар, хотиралар ҳамда ҳис-туйғуларнинг барчаси Венера, гўзал Лау белгиси остида бўларди. Бундан-да кучлироқ сеҳр-жодуни тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Бироқ буларнинг барчаси ҳали шууримга етиб бормаган мудроқ тасаввур бўлиб, сафар қуруқ ваъдадан бошқа нарсa эмас — мен уни икки йилдан кейин ҳам, ўн йилдан кейин ҳам амалга оширишим мумкин эди. Худди шу аснода баҳорда Улмдан адабий кечага таклифнома келиб қолди. Агар у бўлак пайтда келганида борми, бошқаларга қандай бўлса, унга ҳам худди шундай суратнома билан силлиққина рад жавоби ёзиб, ишни осонгина тўғрилаб қўяқолардим. Лекин Улмдан таклифнома қанақадир пайтда эмас, балки ўзига хос шундай бир паллада келдики, мен бу вақтда фавқулудда оғир аҳволда яшардим, атрофимда фақат ғам-ташвиш⁷, нуқул ғамгинлик ва маъюслик, рўшноликдан эса дарак йўқ эди, бирор янгилик, ўзгариш ёки бундан қочиб қутулиш хусусидаги ҳар қандай фикр мен учун қувончли эди. Шунинг учун силлиқ жавобли суратномани ёзишга шошилмадим, таклифномани яна бир бор ўқиб чиқдим, шунда миямга: “Ахир, Улмдан Блаубойренга бир қадам-ку”, деган фикр келди, шу тариқа таклифнома ёзув столимда бир-икки кун қолиб кетди. Шундан сўнг таклифномани биргина — учрашув совуқ қиш ўртасида эмас, балки кузда ёки баҳорда ўтказилса, деган шарт билан қабул қилдим. Улмликлар уни ноябр ойининг бошларига белгилашди, рози бўлдим.

Шундай қилиб, ташқарида баҳор, ноябрғача эса ҳали узоқ; ушбу келишув ҳақида мен у қадар кўп ўйламас ҳам эдим. Бошқа, зарурроқ ва муҳимроқ ўй-ташвишлар етарли эди, мабодо агар Улмни эста олгудек бўлсам ҳам, у ҳақда қандайдир ачиниб билан ўйлар эдим. Мана, дердим ўзимга ўзим, аҳамиятига ўзинг ҳам ишонмайдиган ва охири ўзингга машаққатли мажбурият бўладиган ишни орттириб олдинг. Касби кори томошабинлар ҳузурида чиқишдан иборат бўлган кўшиқчи, санъаткор ёки актёрларга-ку, бу қийин тартиб-қоидага кўникишларига тўғри келади, уларнинг ҳаёти ярим йиллар ва ҳатто бутун йиллар давомида олдиндан кунма-кун ва соатма-соат тақсимланган бўлади, уларнинг касби шунингдек, лаҳзалик кайфиятга боғлиқ бўлиб қолмасдан, исталган вақтда ўз санъатини намойиш қилишни ҳам тақозо этади. Бироқ қишлоқда яшовчи, камҳаракат, вазмин ёзувчи, хонасидан чиқмайдиган одам учун у кўпи билан бир ойдан сўнг, ўн иккинчи санада, у ёки бу шаҳарда тингловчилар ҳузурида албатта сўзга чиқиши керак, деган фикр баъзан ваҳимали туоларкан. Ахир, худди шу пайтда кугилмаганда касал бўлиб қолиш мумкин! Яна шундай бўлиши мумкинки, худди шу пайтда узоқ кутганинг — ишлаш учун қулай фурсат, қулай пайт бошланиб қолиши мумкин — ана унда айни иш қизиган вақтда бир неча кунга ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, чамадонни жойлаб, поездлар қатнаш жадвалини ўрганиб чиқиб, йўлга отланиб, бегона шаҳарлардаги меҳмонхоналарнинг каравотларида ухлаб, бегона одамларга ўз шеърларингни, эҳтимол сираям қовушмаётган, ўзингга ҳам кераксиз ва аҳмоқона туюлаётган шеърларингни ўқиб беришинг керак бўлади! Ана унда ёзувчи, агар у шуҳратпараслик, тамагирлик қилибми ёки саёҳатга кўнгли суст кетибми, омма олдида чиқиб сўзлашга учган бўлса, роса таъзирини ейди.

Мунтазам ва тартибли иш бажарувчи, кунига соат саккиз ва иккида иш бошлашга ўрганган, қандайдир шошилиночномани олгач, тезда узоқ сафарларга жўнаб кетишга кўникиб қолган одамлар, куннинг иккинчи ярмида озод, бўш бўлиб, қўлларида соат билан кичик жаннат узра ўйин-қулгига бериладиган одамлар — бу одамлар Шоирнинг нақадар бекор ва бетартиб, нозиктаъб ва инжиқ, нақадар беҳуда вақт совуриб, шубҳали ва мужмал кун кечириши ҳақида тушунчага ҳам эга эмаслар! Албатта, ёзув столига эрталаб маълум вақтда ўтириб, ғайрат билан, берилиб, мунтазам ва узоқ, соатлаб ишлай оладиган, метеорологик ва акустик шовқинларни сезмайдиган, шунингдек, ўз кайфияти билан ҳисоблашмайдиган ва эринмайдиган, қаҳрамонона, олижаноб одамлар бор, мен уларнинг ботинка боғичларини ечиб қўйишга ҳам тайёрман, аммо уларга тақдир қилиш мен учун бефойда иш бўлур эди. Менга келсак, агар менинг вақтни қанчалик кам қадрлашимни, кунлар ва ҳафталар, ҳатто ойлари бекор ўтказиб, ўз умримни қанақанги шўхлик-тантқиқларга сарф қилишимни билганида, бирорта ҳам инсофли ва меҳнаткаш одам менга қўл узатмаган бўларди, деб ўйлайман. Ҳеч қанақа бошлиқ, ҳеч қандай хизмат-лавозим, ҳеч бир қоида менга эрталаб қачон туришни, кечқурун қачон ўринга ётишни ва қачон ишлашим ва қачон дам олишимни буйруқ қилмайди, ишим учун ҳеч қанақанги муддат-муҳлат белгиланмаган ва уч банддан иборат шеъримга куннинг кеч тушишидан олдинги бўлакчаси сарф бўладими ёки чорак йил кетадими, бу билан бировнинг иши йўқ. Агар кун менга ҳаддан ташқари ажойиб кўринса, уни ишга сарф қилмай, сайр қилиш, акварел бўёқлар билан расм солиш ёки бекорчилик билан ўтказаман. Агар кун менга ишлашим учун жуда булутли ёки жуда дим, ўта совуқ ёки жуда иссиқ туюлса, уни диванда ўтказаман, мутолаа қиламан ёки рангли қаламлар билан ҳаёлий нақшлар чизаман ва умуман, айниқса қишда, бунинг устига бирор ерим оғриб турган бўлса, ўрнимдан турмайман. Авторучкам агар қаёққадир ғойиб бўлган бўлса, ёки ҳинд ва хитой мифологияси ўртасидаги муносабатлар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришга, фикр юритишга эҳтиёж сезсам, ёки эрталабки сайр пайтида чиройли аёлни учратиб қолган бўлсам, ишни умуман ҳаёлга келтирмасам ҳам бўлаверади. Бироқ, гарчи менинг кучли томоним ишда бўлмаса-да, гарчи у моҳиятан менга зид бўлса ҳам, унга доимий тайёр туришга интилиш олий бурчимдир. Гарчанд менда бекорчиликка вақт бўлса ҳам, лекин сафарлар, мулоқотлар, балиқ ови ва шунга ўхшаш бошқа зўр нарсаларга вақтим йўқ йўқ, мен доим ўз иш жойимда ҳеч ким халақит бермаслиги учун ёлғиз бўлишим, юз бериши мумкин бўлган иш-ижодга ҳар

дақиқада шай туришим лозим. Агар мени эртага бўладиган кечки овқатга Луганога таклиф қилинса, бу менга халал беради, чунки эртага кечкурун менга афсонавий куш сайраб берадиган, ишнинг хумори тутадиган ўша гўзал, нодир лаҳзалардан биронтаси насиб қиладими-йўқми, билмайман. Бунақанги ўзича доимий равишда ва ҳар куни ишга шай туришни хоҳловчи ялқов учун худди ўша, айнан, худди ўша белгиланган куни у ўша ерга бориши ва шу-шу ишни адо этиши лозимлигини олдиндан билишдан ёмони йўқ.

Агар мен ўзимнинг бетартиб ҳамда беҳуда созурилган умримни оқламоқчи бўлганимда, албатта, қандайдир узрли мулоҳазаларни келтира олардим. Айтишим мумкинки, гарчи йилда атиги бир неча марта бўлса ҳам, ҳақиқий иш пайти мен учун на об-ҳаво, на соғлиқ, на бошқа тўсиқ, на кун, на туннинг фарқи бўлмайди, дарвешона мутаассиблик билан, ўзни ва оламни унутиб, иш гирдобига ўзимни отаман, сўнг ундан бўм-бўш, руҳим тушиб, синиб, ҳақир бўлиб чиқаман. Яна бир нарсани, яъни менинг вақтни суриб қўйишим – бу шунчаки ялқовлик ёки бетартиблик эмас, балки замонавий дунёнинг гўё вақт – пул деган энг беақл ва энг муқаддас ақидасига қарши онгли норозилик ҳам эканлигини айтиб ўтишим мумкин. Бу ақида, бундоқ олганда, ўзи тўғри, электр ёруғлигини иссиқликка айлантириш мумкин бўлганидек, вақтни бемалол пулга айлантириш мумкин. Фақат, барча инсоний ақидалардан энг бемаъниси – ушбу ақидадаги ақлсизлик ва қабиҳлик “пуллар”нинг қатъий равишда олий қадрият белгиси сифатида хизмат қилишидир. Бироқ бу билан мен ўзимни оқламоқчи эмасман. Мен ҳақиқатан ҳам, келтириш мумкин бўлган барча ҳаёлий қарама-қарши далилларга хилоф равишда, бошқа иллатлардан ташқари, бекорчи, дангаса, иш ёқмасман. Майли, бунинг учун мендан нафратланишаверсин, менга ҳасад қилинса, қилишаверсин – бу иллатлар менга қанчалик қимматга тушаётганлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бас, яхшиси, бу мавзуну кўятурайлик.

Аммо-лекин “вақт – пул” ибораси хусусида яна бир-икки оғиз гапириб ўтишим лозим, чунки бу саёҳатим тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий дунёнинг мазкур ақидасига ва ушбу замонавий дунёнинг ўзига бўлган нафратим шу қадар кучлики, қаерда бўлмасин, иложи борича бу дунё қонунларига мослашишдан воз кечаман. Масалан, агар бутунги кунда темир йўлда минг ва ундан кўпроқ километрни бир кунда босиб ўтиш ютуқ ҳисобланадиган бўлса, ҳаракатланаётган вагонда тўрт-беш соатдан ортиқроқ бўлишни мен одам учун номуносиб деб ҳисоблайман ва бошқа биров учун бир кеча-кундузлик сафарга мен бир ҳафта вақт сарфлайман. Сафарларим чоғида менга у ер-бу ерда меҳмоннавозлик кўрсатадиган дўстларим учун баъзида бу анча малол келади, чунки мен, бирон жойга энди бироз ўргандим деганда, нарсаларни йиғиштириб, яна йўлга отланишни, вокзал ва поездлардаги одамни толиқтирадиган бетартиб беҳаловатликни, югур-югурни ёқтирмайман. Кўплаб доно одамлар амал қиладиган қоида бундай: ҳар куни шундай яшагинки, гўё у умрининг охири кунидек. Бас, шундай экан, охири кунда қурум босган ҳаводан нафас олиш, чамадонларни кўтарволиб, перронлардаги тўсиқларда тиқилиб-суқилиб юриш ва темир йўл саёҳатида зарур бўладиган барча бемаъни даҳмазаларни адо этиш кимга зарил келти? Бундаги бирдан-бир ёқимли нарса – бошқа кўп одамлар билан рўбарў бўлиш, бироқ бу қанчалик ажойиб бўлмасин, одатда, бир неча соатдан сўнг ўз жозибасини йўқотади. Мабодо омадинг чопиб, биронтаси билан танишиб, қалин дўст бўлиб қолсанг-у, агар уни бирон-бир ажойиб бекатда пастга тушиб, бу дунёда майсазор ва гуллар, мовий осмон ва булутлар ҳали ҳам борми-йўқми, бирга кўришга кўндира олмасанг, унда оддий сўтакдан фарқинг қолмайди. Инкор қилмайман, менинг йўригим бўйича саёҳат қилинса, жуда ҳам тез илгариламайсан, киши, эҳтимол, ўрта асрлар даражасига тушиб қолиши ҳам мумкин; қачонлардир агар Берлинга боришга қарор қилсам (шу пайтга қадар бунга журъат қилмаганман), менга йўлнинг ўзига камиди ўн икки кун керак бўларди. Менинг услубимга рози бўлиш ва унинг катта афзалликларини кўриш учун бутунлай нозамонавий одам бўлиш керак. Албатта, бунинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор: масалан, менинг усулим бўйича саёҳат қилиш анча қимматга тушади; бунинг эвазига менинг сафарларим турли хил вақтичоғликларга сероб бўларди, замонавий услуб билан эса бунга эришиб бўлмасди. Бунақа вақтичоғликларга ҳамёндаги бор пулимни сарфлаб юборишга

ҳам тайёрман, ҳаддан зиёд ишқибозлигимдан мен уларни фавқулодда юқори қадрлайман. Умуман, ҳаётни на фақат ғоявий, қандайдир адабий-эстетик пессимизмдагина эмас, балки жисмонан азоб ва уқубат деб ҳис этиш — кўпчилик одамларнинг қисматидир. Бу одамларда, афсуски, мен ҳам улар қаторидаман, қувончдан кўра азобни ҳис этиш истеъдоди кўпроқ; нафас олиш ва уйқу, овқат ейиш ва уни ҳазм қилишдан тортиб то қолган бошқа барча энг содда ҳайвоний фаолиятгача уларга ҳузур-ҳаловат бағишлашдан кўра кўпроқ азоб ва қийинчилик тудиради. Ҳамонки, шунга қарамай, табиат иродасига бўйсуниб, инстинктив равишда ҳаётни барқарор билиб, азобни бахт-саодат ҳисоблаб, таслим бўлмай ҳаракат қиларканлар, бу одамлар бирозгина димоғни чоғ қиладиган, бирозгина бахтиёр айлайдиган ва кўнглини кўтарадиган нимаики бўлса, ортидан изма-из юрадилар ва бундайин ажойиб нарсаларга олдий, соғлом, ақли расо ҳамда меҳнаткаш одамлардан фарқли ўлароқ, катта аҳамият берадилар. Табиат шу тариқа қандайдир жуда ҳам мураккаб ва гўзал нарса — юморни яратади ва унга деярли барча одамлар муайян ҳурмат билан муносабатда бўладилар. Юмор изтироб чекаётганлар томонидан оғир ҳаётга ҳартугул чидаб, ва ҳатто уни шарафлай олишлар учун ўйлаб топилган бўлиб, бошқалар, ўша соғлом, изтироб чекмайдиганларга қарама-қарши ғалати тарзда тийиқсиз бирдан пайдо бўладиган кучли хушчақчақлик ва қувноқлик сифатида таъсир этади; соғлом одамлар сонларига шапатилаб, қаҳқаҳа уриб куладилар ва ҳаминша гарангсиб, сеvimли ва муваффақият қозонаётган комик Икс тушунарсиз тарзда ғам-ғуссага берилиб, сувга ўзини ташлаб, чўкиб ўлибди ва ҳоказо шунга ўхшаш янгиликларни ҳар замонда, ора-сира ўқий туриб, бироз хафа ҳам бўлиб кўйишади.

Ортиқча вақтим шу қадар кўпчилиги ва бир мавзудан бошқасига сакраб ўтиб кетаётганлигимдан нолишмасин, ҳозироқ ўз мавзуимга қайтаман. Агар бу ҳам кўлимдан келмаса, ўз-ўзидан савол туғилади: темир йўлни рад этиб, барибир ундан фойдаланадиган, доимо ўйин-кулги ва шўхлик-тантқиқликларни кутиб, вақтини бекор ўтказадиган, омма олдида чиқишга таклифномани қабул қилиб, бу фаолиятга ниҳоятда шубҳа билан қарайдиган, жиддий, ҳақиқий, замонавий, фаол, ишчан ҳаётни инкор этиб, уни масхаралашни қандайдир қабих спортга айлантриб олган мендек одам ўз саёҳати ҳақида ҳикоя қилиб бериши шунчалик муҳимми? Йўқ, бундай романтикнинг ўз сафари тўғрисида нимани гапириб беришининг сира аҳамияти йўқ, қолаверса, бу қизиқчининг гапларини тинглашга кимнинг кўзи учиб турибди, у, юморчилардан ибрат олиб, мавзуни эсидан чиқариб қўяди, уни яна катта қийинчилик билан излаб топади, шундай экан, энди тингловчи ҳам таваккал қила қолсин. У юморчи бўлиши ҳам мумкин, юморчилар учун эса, улар нимаики ёзишмасин, топган барча сарлавҳаю мавзулари бир баҳона, холос, аслида эса уларнинг ҳаммасида бирдан-бир ягона мавзу: ҳайратомуз ғам-андуҳ, таъбир жоиз бўлса, инсон ҳаётининг нопоклиги — мана шу аянчли, ночор ҳаёт ҳартугул шунчалик гўзал ва ажойиб бўла олишидан ҳайратланишдан иборат.

Сафаримга келсак, бу шундай бўлди: ёз келди, кундалик ҳаётим оҳанглари эса у қадар қувончли эмасди, ғам-ташвишлар мени сиртдан эзар, яхши кўрган азалий эрмак ва овунчоқларим, расм солиш ва мутолаа ўзининг илгариги файзини йўқотган, чунки аввалги йиллардан бери давом этиб келаётган, айни пайтда кучайган, сурункали ва доимий кўз оғригидан азоб чекар эдим. Мен яна амалга ошган истакнинг ғамгин поёнига етиб келганимни ва ҳаётимнинг қайтадан маъно кашф этиши учун энди қандайдир янги даврга қадам кўйиши лозимлигини яққол ҳис этиб турардим. Кўп йиллар давомида ва кўплаб қурбонлар эвазига мен, ниҳоят, узлатта чекинган, у ерда, ўз кулбамда яширин ва ёлғиз ўзим ўз эрмакларим ва иллатларим — ўйлаш, фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, ҳаёл суриш, ўқиш, расм солиш, май ичиш, ёзишга берилган эдим — мана, энди бу истак амалга ошиб бўлган, бу уриниш тугаб-битан эди, кўзларим оғрир, иш эса, мутолаа ва расм солиш билан биргаликда энди ортиқ бахтиёр қилмасди ва мана шу ҳолатдан, у тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, мени ўз ёғига қовуриб бўлгач, қандайдир янги имконият, янги ҳаётга уриниш, бошқача шаклга кириш рўй бериши лозим эди, бу эса, мен билан тез-тез содир бўлиб турарди. Энди қийинчиликларни бошдан кечириш, кўзни юмиб,

Ўзимни камситиб, тақдирга тан бериш керак эди. Демак, шу нуқтаи-назардан ноябр ойининг бошига белгиланган Улм сафари, мен учун жуда ўз вақтида эди. Ҳатто у бошқа ҳеч нарса олиб келмаса ҳам, ўзгариш, янги манзаралар, янги одамларни бошлаб келар эди. У ёлғизликка барҳам бериб, хайрихоҳ-ҳамлард, диққат-этиборли бўлишга мажбур қилар, ташқи дунё томон йўлларди, қисқаси, сафар мен учун айни муддао эди. Режалар туза бошладим. Улмдаги адабий кеча олдидан, айнан шу кеча олдидан Блаубойренга тушиб ўтмоқчи бўлдим, сабаби, шундай ўқишлардан сўнг менда тез-тез пайдо бўлиб турадиган маъюслик ва нафратни ўзим билан бирга у ёққа, гўзал Лау ва дўстим ҳузурига ҳам олиб боришни сира хоҳламасдим. Шундай қилиб, октябр ойининг охирида жўнаб кетишим лозим эди. Бироқ менинг Тессиндаги қишлоғимдан Блаубойренгача йўл олис эди, мен бу узун ва узоқ сафарни қисқа, қалта, ёқимли бўлақларга бўлишим, уни маъқул ва мақбул қилишим керак эди. Ҳар эҳтимолга қарши, Цюрихга кўниб ўтишга қарор қилдим, у ерда менинг дўстларим бор эди, у ерда ўзимни меҳмонхонадаги ҳаётнинг хафагарчиликларидан халос қилиб, шаҳар ҳаёти билан бироз овунишим, яхши май ичиб, кўнгили ёзишим, кино, эҳтимол, театрга ҳам тушишим мумкин эди. Бироқ бундоқ ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, бу саёҳат анча қимматга тушар экан, Улмдаги кеча учун тўланадиган қалам ҳақи эса, сафар чоғида кунларни ҳафталарга улаб юборадиган одам учун мўлжалланмаган эди. Шунинг учун тўсатдан Аугсбургдан омма олдида чиқишга яна бир таклифнома келиб қолганда, ҳеч нима деёлмадим. Аугсбург, билишимча, Улмдан атиги икки соатлик йўл эди, демак, оралиқ бекатда тўхтаб ўтишга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди. Аугсбург учрашувини Улмниқидан икки кун кейинга белгиладим ва биз бунга келишдик. Энди менинг сафарим анча аҳамиятли ва ишонарли бўла бошлаганди, чунки мен энди на фақат қадимий шваб шаҳарлари Улм ва Аугсбургни кўраман, балки Аугсбургдан, албатта, Мюнхенга ҳам бориб келаман, деб ўйлардим, у ерда эса менинг дўстларим кўп, қачонлардир, анча йиллар муқаддам, урушдан аввал, улар билан кўплаб ажойиб ва қувноқ кунларни ўтказган эдик.

Олдиндан Цюрих, Улм ва Мюнхендаги дўстларим билан боғландим, уларнинг самийий жавоб ва таклифлари ушбу саёҳатга бўлган иштиёқимни янада кучайтирди ва узоқ фикр-мулоҳазалардан сўнг, менга Цюрих ва Блаубойрен ўртасидаги масофани ҳатто бир кунда босиб ўтиш мумкиндек туюлди. Тўғри, бунинг учун Цюрихга ўшанда эрталаб соат етти ёки саккизда жўнаб кетиш зарур эди, бу эса октябр охирида менга алам қиларли даражада барвақт бўлиб туюларди, шундай бўлса ҳам, ахийри озгина қурбон берсам нима бўпти, деган ўйда жилмайганимча, жадвалдан ўзимга қулай поездларни кўчириб ёзиб олдим.

Ёз ойларида менинг асосий машғулоти — адабиёт эмас, балки рассомлик бўларди, ўзимизнинг гўзал ўрмонлар ёқасидаги каштанлар остида ўтириб, кўзларимнинг қуввати етганича, Тессиннинг қувноқ тепаликлари ва қишлоқларини акварел бўёқлар билан тиришиб чизардим, уларни дунёда ҳеч ким менчалик яхши билмайди, деб ўн йилдан бери ўйлардим ва ўшандан бери уларни анча яхшироқ билиб олган эдим, чизган суратларим солинган жилд тобора қалинлашиб борарди, аста-секин, билинар-билинимас, йилма-йил далалар янада сариқроқ товланарди, тонглар янада салқинроқ бўлиб, оқшомда тоғлар бинафша рангга кўпроқ кўмила борарди, ўзим ҳам яшил рангга энди сариқ ва қизил рангларни тобора кўпроқ қўшиб борардим. Экинзорлар бирдан ҳувиллаб қолди, очиқ замин тўқ қизил тусга кирган, капут-мортуум⁸ ҳолатида эди, маккажўхоризорлар эса олгиндек товланарди, сентябр келди, куз фаслининг илк очиқ кунлари бошланди. Фонийлик чақирғи менга бошқа ҳеч қайси бир вақтда худди мана шу кунлардагидек баралла эшитилмайди, йилнинг худди шу фаслида, гўё ичкиликбоз асл майнинг сўнгги қадахини шимирётгандек, замин рангларини авайлаб ва ташналик билан сиқораман. Ўзим бироз иззатталаб бўлган мусаввирликда ҳам кичикроқ муваффақиятларга эришдим: бир нечта суратли варақларни сотиб юбордим, битта немис ойномаси эса бир ёзувчининг Тессин манзараси ҳақидаги мақоласини расмлар билан безашимга рози бўлди; мен суратларнинг босма нусхаларини кўрдим, мусаввир сифатида гонорар олдим, шунда миямга, эҳтимол, адабиётдан бутунлай кетиб, ўзимга ёқимлироқ бўлган

рассомлик ҳунари билан тирикчилик қилсаммикан, деган фикр келди. Бу яхши кунлар эди. Лекин хурсандлигимдан кўзларимни толиқтириб қўйиб, ортиқ расм чизолмай қолдим, куз бўлса ўзининг бир талай аломатларини намоён қила бошлади, шунда мени безовалик тугди. Модомики, ҳозирги ҳаётим палласи инқирозга юз тутаётган экан, модомики, ўзгариш, янгилашни, саёҳат учун азму қарор қилган эканман, энди ортиқ кутишнинг маъноси қолмаган эди. Ниҳоят, сентябр охирида йўлга тушишга қарор қилдим.

Шу аснода ишлар бирдан кўпайиб кетди. Агар ҳозироқ жўнайдиган бўлсам, нарсаларни бир неча ҳафтага мўлжаллаб жойлашим керак бўларди, лекин мен бу ҳафталар давомида йўловчидек бўлишни хоҳламасдим, балки йўлда турли жойларда қулайроқ жойлашиб олиб, эҳтимол, ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас эди. Шунинг учун ҳарҳолда ўзим билан рассомлик ашёларини ва яхши китоблардан бир даста олволмоқчи бўлдим. Уст-бош ва ич кийимни тартибга келтириш, тугмаларни қадаш, йиртиқ-ямоқни тикиш керак эди. Сўнгги сонияда қора костюм сўзга чиқиш учун унчалик тўғри келмаслиги маълум бўлди ва бунинг чорасини кўришга тўғри келди. Чамадонни ёпиб улгурмасимданоқ яна битта таклифнома келиб қолди, у Нюрнбергдан бўлиб, у ерга тўғри Аугсбургдан етиб боришим таклиф қилинган эди. Буни энди яхшилаб ўйлаб кўриш зарур эди, Нюрнберг менинг сафаримга кўнгилдагидан ҳам зиёда мос тушарди, бу ўқимишли саёҳатчи учун Улм ва Аугсбург шаҳарларига бугунлай зарур қўшимча бўлиб, уларни тўлдирар эди. Ва мен Аугсбургдан кейинги кунга эмас, балки ундан беш кун кейинга рози бўлдим. Аугсбург ва Нюрнберг ўртасидаги масофани муносиб тарзда босиб ўтиш учун бу вақт, шубҳасиз, етиши лозим эди.

Мана энди йўлга тушсам ҳам бўларди. Менинг биринчи манзилим Цюрих эди. У ердан мен Баден-Лимматга тушиб, бироз даволанмоқчи эдим, у ер шифобахш олтингургургли булоқлари билан машҳур эди. Катта чамадонни жўнатиб юборгач, қўлимда майда юк қолди, сентябр кўёши эса чунонам чарақлаб нур сочар, узумзорлар гарқ пишган бошларини кўз-кўз қилар, буларни ташлаб, салқин кулрант Цюрихга жўнавориш гуноҳ бўлар эди. Узум териш ҳақида бирров ўйламаганимни қаранг-а! Бироқ Локарнода менинг дўстларим бор эди, уларни аллақачонлардан бери кўрмагандим. У ерда мен кўёш ва узум билан хайрлашмадан туриб, янги ҳаёт бошлашим мумкин эди. Локарнога қараб йўл олдим.

Мен тўғри йўл тутдим. Локарно сафаримнинг бошланиши учун яхши бўлди. Мен энг яхши, энг кунгай Бриона ва Гордола қияликларида бўлиб, ширин узумдан вазирларга қараганда бир неча фунт кўпроқ тановул этдим ва узоқ давом этган ёлғизликдан сўнг яна дўстларим билан ўтириб, гурунглашиб маза қилдим. Бундай суҳбатлар чоғида инсонда яшайдиган қандайдир оний лаҳзаларни лаблар ва кўзлар ифодалай олса-да, уларнинг барча энг яхши ва ўзига хос томонларини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Ҳеч қайси бир санъатда алоқа-муносабат санъатидагидек ўзимни шу даражада дилетант ва янги одам сифатида ҳис қилмагандим, бироқ ҳеч бири мени уларнинг дўстона куршовида ўтказганим камдан-кам насиб бўладиган соатлардагидек қойил қолдирмайди. Тамаро узра кўёш ёрқин нур сочиб турар ва гарчи қирғоқ бўйидаги ажойиб хилватнишин ва қаровсиз Ривапьяна сўқмоғи ўзининг илгариги жозибасини йўқотган бўлса-да, бу сувли жой бундан ўн йиллар муқаддам қандай бўлган бўлса, бугун ҳам ҳамон сеvimли хилватгўша сифатида қадрли эди. Меҳмонхонадан озгина узоқлашишинг билан эса, саёҳатчилар маъқул топган бир қатор кўчалар ортда қолади ва ёввойи тоғли ўлкага кириб бориб, ўзингни Европадан ташқарида ва вақтдан холи, тошлар ва буталар, калтакесак ва илонлар орасида ҳис этасан, қашшоқ, бироқ илиқ ва самимий, ранглар ва майда-чуйда ажойиботларга тўла мамлакатга бориб қолгандай бўласан киши. Бу ерларда мен олдинги йилларда капалак ва калтакесакларни ўрганган, чаён ва бешиктерватарларни тутган, мўйқалам билан илк этюдларимни чизган ва Рио исмли дайди ит ҳамроҳлигида жазирама иссиқда бузуқ йўллар бўйлаб бир неча кун тентираб юрган эдим. Ҳамма жойда ўша кездеги ҳидлар ҳали ҳам сақланиб қолган, ҳаммаёқда менга таниш икир-чикирлар, уй бурчаги, боғқўра менга илгариги ҳаётимнинг энг оғир пайтида насиб этган ўша тинчланиш ва соғайиш соатларини ёдга солар эди. Шварцваллдаги туғилиб ўсган жонажон шаҳримдан ташқари, гапнинг тўғриси, Локарно атрофидаги фақат мана шу жойлар менда ҳақиқий ватан

туйғусини уйғотар ва бундан менда ҳали ҳам нимадир сақланиб қолган ва бу мени хурсанд қилар эди.

Мен Локарнода тўрт ёки беш кун турдим ва учинчи куниеқ сафар неъматларидан бирини ҳис қилдим, бу ҳақда илгари сираям ўйламаган эканман. Мен почтани олмаётган эдим! Почта келтираётган барча ташвишларим, кўзларимга, юрагимга, кайфиятимга билдириляётган барча даъволар ва барча талаблар тўсатдан ғойиб бўлди! Албатта, бунинг андаккина дам олиш эканлигини, мен кўпроқ турадиган кейинги жойда ҳарқалай яна бу барча қақир-қуқирларни, ҳеч бўлмаганда хатларни менга жўнатиб туришларини сўрашимга тўғри келишини билардим. Бироқ бутун, эртага, индинга ҳам почта келмайди, мен — инсон худонинг бандаси, кўзларим ва фикрларим, вақтим ва кайфиятим ўзимники, биргина ўзимники ва дўстларимники эди. Ўзларини эслатиб турадиган на таҳририятлар, на корректура сўровчи ноширлар, на дастхат тўпловчилар, ўз асарлари хусусида маслаҳат сўрайдиган на ёш шоирлар, на гимназия ўқувчилари, на қандайдир немис мутаасиблари уюшмаларидан келган дўқ-пўписа ва ҳақорат билан ёзилган хатлар юборилмас, бунда, жимжитлик ва осойишталикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди! Тавба, почтасиз бир неча кун яшаб кўрсанг, кун сайин, бутун умр бўйи қанақанги ахлат уюмини, қанчадан-қанча бадҳазм, бемаза нарсаларни ютиб юборишингни тушуниб етаркансан. Бу худди шундайки, бирмунча вақт газета ўқимай қўйгач (мен ўзим кўп йиллардан буён шундай қиламан), ҳар кун эрталабки соатларингни қандайдир бемаъни сафсатага сарфлаб, қандайдир бемаза нарсалар билан — бош мақоладан тортиб, то биража бюллетенигача — дилини пора, кўнглини вайрон қилаётганингни билиб, уялиб кетаркансан, киши. Ва почтанинг йўқлиги мени ҳаммавақт, айнан бирон нимани ўйлашимда ҳам, бирон нарсани унутишимда ёки тасаввур қилишимда ҳам қўллаб-қувватляётганлиги қандай ёқимли-я! Сенга тинмай адабиёт ҳақида, қандайдир табақа, аллақандай касб, шубҳали ва унчалик дуруст бўлмаган, шунинг учун ҳам ҳурмати ўзига яраша бўлган касб эгаси эканлигингни, қачонлардир, ёшлитингда билмасдан қандайдир истеъдодни касбга айлантириб, хато қилиб қўйганингни эслатмаётганлари-чи. Шундай маза қилиб ва айтиш мумкинки, онгли равишда ва эҳтиёткорона дам олардим, айни пайтда шундайин хаёлларга ҳам борардимки, мана шу ҳолатни узоқроқ чўзишининг, ҳеч ким тополмайдиган бўлволиб, манзилдан мосуво бўлиб, осмондаги ҳар қандай бечора қушга, ердаги ҳар қанақанги ночор чувалчангга, ҳар бир этикдўз шоғирдига ўхшаб ҳеч нарсани ўйламасдан бахтиёр яшашнинг, машҳур бўлмасликнинг, ошкораликнинг ифлос, сохта, нафасни бўғадиган муҳитида яшамасликнинг иложи бормикин, бунинг қандайдир йўлини топса бўлмасмикин!

Бироқ адабиёт ҳақидаги хотиралардан буткул халос бўлолмадим. Мен танишган бир китобхон каминани “Петер Каменцинд” муаллифи сифатида завқ-шавқ билан қутлади. Мен қизариб кетдим. Унга нима ҳам дейишим лозим эди? У китобни эслолмайман, уни ўн беш йилдирки, бошқа ўқимаганман, хотирам ҳам сусллашиб, тез-тез уни “Зекингенлик карнайчи” асари билан адаштириб юбораман, дейишим керакмиди? Ё, яхшиси, китобнинг ўзини эмас, балки фақат унинг ҳаётимга кўрсатган таъсирини ёмон кўришимни, унинг муғлақо қутилмаган муваффақияти мени бир умрга адабиётга гирифтор қилгани, ҳар қанча уринмай, ундан ҳали-ҳануз халос бўлолмаганлигимни айтганим маъқулмиди? У барибир ҳеч нарсани тушунмасди, у менинг ўз шахсий адабий номимга бўлган нафратимни (буни мен аччиқ тажрибамдан билардим) муғомбирлик ва камтарлиги билан мақтанаш деб қабул қилган бўлар эди. Нима бўлганда ҳам у мени нотўғри тушунган бўлар эди. Шундай экан, мен унга бу гаплардан ҳеч нарса демадим, қизарганимча, биринчи қулай фурсатдаёқ сездирмай жуфтакни ростладим.

Кейин, ниҳоят, ёз ва жануб билан қатъий хайрлашиб, Цюрихгача тўхтамасдан йўлимда давом этганимда, менга сафарнинг яна бир бошқа неъматини ҳис этиш ёқимли эди — йўл олдидан енгил хайрлашаркансан, киши. Илгари, уйга қайтаётди, локарнолик дўстларимни тарк этаётганимда мени ҳамиша ҳис-туйғу чулғаб олардики, гўё биз энди тез орада кўришолмаймиз, ва улар билан хайрлашиш мен учун анча оғир кечар ва одамни эзар эди. Мен шу жиҳатдан ҳам нозомонавий одамманки, ҳар қандай ортиқча ҳиссиётга берилишларни рад

этмайман, улардан нафратланмайман, аксинча, ўз-ўзимдан сўрайман: очиги, ҳис-туйғу бўлмаса агар, ўзи биз нима билан яшаймиз, ҳаётни қандай ҳис этамиз? Халта тўла пулим, банкда яхшигина жамғармам бўлса, шимнинг тахи бузилмаган, бўйи етган барно қиз ёнимда бўлса-ю, юрак қурғур “жиз” этмаса, тўлқинланмаса, булардан менга нима фойда? Йўқ, бошқа бировларнинг ортиқча ҳиссиётга берилишларини ёқтирмасам-да, ўзимники ўзимга ёқаверади ва эҳтимол, бироз эрк бериб юбораётгандирман ҳам. Ҳис-туйғу, назокат, енгил ҳаяжон – булар менинг сеп-сидирғам-ку, мен улар билан яшашим лозим. Агар мен мушакларим кучи билан тирикчилик қилганимда, курашчи ё боксчи бўлганимда, ҳеч ким мендан муқуллар кучини иккинчи даражали деб ҳисоблашимни талаб қилмаган бўларди. Агар мен дилда санашнинг устаси бўлиб, катта идорани бошқарганимда, мендан ҳеч ким оғзаки ҳисобда усталикка қандайдир норасолик сифатида нафрат билан қарашини талаб қилмаган бўлар эди. Шоирдан эса ҳозирги замон, баъзан ёш шоирларнинг ўзлари ҳам ўзларидан айнан инсонни шоир қиладиган туйғулар: қўнғилчанлик, севиб қолишга, муҳаббат-ишқ ўтида ёнишга қодирлик, мислсиз ва гаройиб ҳис-туйғуларни сезиш, уларга берилишни ёмон кўришни – айнан ўз кучига нафрат билан қарашни, ундан уялишни ва “сентиментал” деб аташ мумкин бўлган барча нарсадан сақланишни талаб қилади. Нима ҳам дердим, талаб қилса, қилаверсин; мен бунга қўшилмайман, менга ўз ҳис-туйғуларим дунёнинг бутун довюраклигидан кўра минг марта қадрлироқ, айнан улар мени уруш йилларида ботирларнинг сентименталлигига шерик бўлишдан ва отишмалардан завқланишдан сақлаб қолдилар.

Шундай қилиб, кўнглим хотиржам бўлиб жўнаб кетдим. Бунақанги хайрлашув чоғида, агар уйга, кулбанга эмас, балки дунёнинг қайнаган жойига кетаётган бўлсанг, ҳеч қанақанги азоб йўқ, аксинча, ҳатто ўзингни қолаётганлардан қандайдир устун ҳам сезасан, ҳеч тугилмасдан тезда қайтишга ваъда ҳам бериб юборасан, бунга ўзинг ҳам ишонасан, ахир сен ўзи йўлдасан-ку, сафардасан-ку. Бундай енгил хайрлашув Готхартдан ўтиб бораётганимда қалбимда Локарнонинг сўнги акс-садоси бўлиб янгради. Ва почтани менга Цюрихдалигимда эмас, балки фақат Баденга юборишларини сўрашга қарор қилдим.

Бу йўлда менинг ҳаётимда қандайдир рол ўйнаган бекатлар кўп: Гёшенен, Флпоэлен, Цуг ва айниқса, Бруннен, у ерда Отмар Шёк⁹ шу ёзда ўзининг “Пентесилея”сини тугаллаганди – унинг мўъжазгина хонасида ролял атрофида ўтган ўша илк оқшом дилимда ўчмас хотира бўлиб қолган эди. Ана шуларнинг барчасини босиб ўтиб, Цюрихга етиб келгач, шаҳар ҳаётига шўнғиб кетдим. Демак, “Цюрих” ҳам шундай сўзки, у ҳар бир киши учун қандайдир бошқача маънони ҳам аниқлаши мумкин. Камина учун у кўп йиллардан буён Осие билан боғлиқ ниманидир аниқлади, бу ерда менинг Сиёмда¹⁰ кўп йиллар яшаган дўстларим бор эди, мен уларникига тушдим, бу уйда мени Ҳиндистон, денгиз ва олис ўлкалар билан боғлиқ хотиралар, гуручнинг ва карри^{*}нинг хушбўй ҳиди, ярақлаб турган тилларанг Сиём жавон-ибодатхонаси, мис Будданинг босиқ нигоҳи қарши олди. Ушбу экзотик макондан шаҳарга чиқиб, замонавийлик, хушчақчақлик, башанглик билан ошно бўлиш, мусиқа, театр ва кинога тушиш мен учун яна бир неча кун ҳақиқий ҳузур-ҳаловат эди.

Шаҳарга ҳали-ҳануз муғлақо болаларча муносабатда бўламан. Ўзим учун у ҳақда умумий тасаввур ҳосил қилишим қийин, мени ҳар доим майда-чуйда тафсилотлар жалб қилиб, қизиқтириб қўяди, трамвайдаги йўловчиларнинг чеҳраларига разм соламан, плакатларни ўқийман, гавжум кўчалар бўйлаб, қўллари чўнтагида, низиллаб велосипед ҳайлаб бораётган бирор монтер ёки шогирд болани кўриб, завқланаман, унинг хиргойи қилаётган қўшиқчасини эслашга уриниб кўраман, тиқилинч чорраҳа ўртасида туриб, катта оқ қўлқоп кийган, тигиз ҳаракат қатновини бошқараётган полициячини узоқ кузатаман, кинотеатрлардаги эълонлар диққатимни тортади, дўконларнинг витриналаридаги китоблар, ўйинчоқлар, мўйна кийимлар, сигаралар ва бошқа ажойиб нарсаларнинг кўплигидан ҳайратга тушаман, кейин ён томондаги кўчаларга, мева ва кўкат дўконларига, эскифурушлар, эски почта маркаларига тўла чанг босган қоғозлар кўриниб турган кичкина, хира витриналари олдига бориб

* К а р р и – Ҳиндистонда овқатни хушбўй қилиш учун ишлатиладиган зиравор.

қоламан, яна қайсидир транспорт йўлига чиқиб олиб, автомобиллар орасида ҳаётимни хавф остига қўяман, шундан сўнг тезда чарчаб, ўзимни бирон ёққа, шундаям қаҳвахонага эмас, замонавий ресторанга эмас, балки балиқчилар ёки латгафурушларнинг мавзеига, ё қандайдир тугун босган кичкина қовоқхонага ураман, у ерда блуза (яктаксимон уст кийим) кийган почтачи ва хат ташувчилар барча столларда кўплаб тайёр териб қўйилган ўрама кулча, колбаса бўлакчалари ва пиширилган тухумлардан тановул қилиб, оқ шароб ичиб ўтиришади. Милан ёки Цюрих, Мюнхен ёки Генуя бўладими, мен, одатда, шунақанги жойларда, кўримсиз ва исқирт тор кўчаларда бўламан, майхоналарга қираман, у ерларнинг бирдан-бир безаги иккита тилла балиқча солинган банка ёки қоғоз гулдаста бўлади, деворда эса Наполеон Учинчининг ёки шаҳар атрофидаги атлетика клуби жамоасининг сарғайиб кетган фотосурати осиелиқ туради, бу манзаралар нимаси биландир мактабда ўқиб юрган йилларимда киришим ман этилган пивохоналарда илк бор бўлган чоғларимни ёдга солади. У ерда маҳаллий оқ шаробни қалин қадахларда ичишади, яхши шароб, уни столларга қўйилган, устига зира сепилган турли хил егуликлар, пишириқлар, паррак қилиб кесилган йўғон колбаса билан газак қилишади. Бу жойларда мамлакат ва халқнинг соф ва қудратли нутқини эшитасан ҳамда одамларнинг кийиниши, либосига қараб, уларнинг қайси табақага мансуб эканлигини билиб оласан, киши. Мўйнали пўстин кийган ҳайдовчи кириб, пештахта олдида тикка турганича ароқ тўлатилган қадахни бўшатди ва ўзини бой-боён кўрсатиб, хўжайиннинг елкасига қокди, итни бир тепиб, оғзини артди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Устидаги кийимининг ягири чиққан, рангпар бир хотин кириб, эшик олдида ўзини паст олиб бир дам турди, сўнг оёқ учиди юриб, бекага яқинлашди, энг ичида бўш пишани кўрсатиб, бир нималар деб шивирлади, кейин эса, қуп-қуруқ чиқиб кетди. Бир йигит эшикдан бош суқиб: “Роберт шу ердами?” деб сўради, хўжайин унга: “У бугун эллик еттинчидаку” дея жавоб қайтарди. Қизил духоба қопланган стул ва тувакда хонаки пальма кўтариб, хат ташувчи кириб келди. У стулни деворга тираб, пальмани столга қўйди, ўтиргач, бир йўла икки қадах янги солинган шароб буюрди. Бу воқеаларнинг барчаси менга қизиқарли эди, уларни узоқ, икки, уч қадах бўшагунга қадар кузатиб ўтираверардим, бунинг сабабларини ўрганишга эса ҳали вақт топганимча йўқ.

У қадар иштиёқим баланд бўлмаса-да, кинога ҳам тушиб тураман, айтиб қўяй, камина Чаплиннинг энг самимий қадрловчи ва уни энг тушунадиган мухлислариданман. Италиялик Мачистани ҳам жуда яхши кўраман, аммо тарихий сулолаларнинг кийим-кечаклари тасвирланган катта дабдабали фильмларни ёқтирмайман: улар насиҳатомуз.

Мен, шунингдек, Халқаро санъат кўргазмасида ҳам бўлдим, у ердаги бутун аралаш-қуралаш орасида Карл Ҳоффернинг¹¹ расмлари гўзаллиги ва кучлилиги билан ажралиб турганлигини кўриб, хурсанд бўлдим. Шундан сўнг бир неча рассомлар ва адиблар билан қаҳвахонада ўтириб, қисқа вақт ичида санъат оламидаги барча янгиликлардан баҳраманд бўлдим.

Бу юришларнинг ҳар биридан сўнг мен мамнун ҳолда яна Сиёмга қайтар ва Будда ҳузурда, хитой косалари қуршовида ҳордиқ чиқарардим. Яна меҳмон бўлиш, самимият ва хайрихоҳликни ҳис этиш, ким биландир гурунглашиб, ким биландир жиддий суҳбатлашиб, яна ким билан кулишиб, кимдир биров билан қадах уриштириш — бу одамови ва ишлаб чарчамайдиган хонанишин киши учун саёҳат пайтидаги энг ажойиб дамлар эди. Қандайдир бир даврага қўшилиш, бирор кимса билан бирлашиб, ва биргалашиб яшаш, бошқа бировлар билан қандайдир доимий симбиозга¹² эришиш менга узоқ вақт ва ҳеч қачон насиб этмаганди. Аммо менга, бахтимга, қисқа муддатга бўлса ҳам ҳамиша жонажон дўстларимни топиш насиб этарди ва мен кўнгилдагини яширмай, очик-ойдин гаплашиб, ортиқча эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйиб, борини тўкиб солиш имкониятидан роҳатланардим. Дўстларимнинг, шу жумладан, мени анча яқин биладиганларнинг, барча номаъкулчиликларим ва қизиқ одатларимга қарамасдан менга ҳарҳолда содиқ қолганликларини андак бемаъни ҳаётимнинг бирдан-бир ишонарли тарзда оқланганлиги, деб биламан.

Цюрихдаги бир неча кунлик саёҳатим ниҳоясига етди. Ёзиш ва расм солишни ниёт қилиб, Баденда, Веренахофда узоқ муддатга тўхтадим, бу ерда мени

ҳақиқатан ҳам почта кутиб турарди, ундан атиги ўн кунгагина қутулган эканман. Яна: “Муҳтарам жаноб! Ҳамкорликка таклиф этиб, кўрсатган илтифотингиз учун ташаккур, бироқ афсуски...” қабилдаги откриткаларни ёзиб, жўнатишга тўғри келди.

Яна омма олдида сўзлашга таклифномалар келган эди, улардан биттаси: замонавий Европанинг Шарққа, Ҳиндистон, Хитойга интилиши ҳақида маъруза ўқиш ҳақидаги таклиф мени ҳатто қизиқтириб қолди. Агар маъруза жойи Олмониянинг олис шимолида бўлмаганда ва умуман, менда маъруза ўқиш истезьодди бўлганда эди, бу ҳақда баъзи бир нарсаларни гапирса бўларди, турган гапки, Осиёга муҳаббатни шунақа жўн усул билан намоеън қилиш имкониятидан мамнун бўлар эдим. Бироқ маъруза ўқиш – менинг ишим эмас, бир кун қаракат қилиб кўрган эдим, зўрга амалладим, ўша кун шу қадар ҳаяжонландимки, қолган бутун умрим давомидаги барча аҳамиятли ва тантанали ҳолларда ҳам бунақа бўлмаган эди. Йўқ, раҳмат. “Муҳтарам жаноблар, Фарб ва Шарқ тўғрисида маъруза ўқиш ҳақидаги таклифингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, аммо афсуслар бўлсинким...”

Ёш ёзувчилардан бир қанча қўлёмалар ҳам келган экан, илож қанча, гарчи хўрсиниш билан бўлса ҳам, аввал улар билан танишиб чиқишга қарор қилдим. Бироқ иккинчи кун ўқишни тугатгач, кўзларим тамомила зўриқиб, қаттиқ оғрий бошлади ва уларга дока ҳўллаб босдим. Бундан ташқари, ёзувчилардан бирининг ўз қўлёмасига илова қилиб ёзган хати менда ўта ёмон таассурот қолдирди, у шунақанги тилёглама мақтов, шунақанги сохта ҳурмат билан ёзилган эдики, тезда унинг баҳридан ўтиб қўяқолдим. Шунга қарамасдан учаловига ҳам бирдек силлиққина қилиб – шундай, шундай, кўз оғриги азоб берапти, котибим эса йўқ, афсуски, қўлёмангизни ўқий олмадим, мазмунида жавоб ёздим. Сўнгра, қалин қўлёмаларга манзилларини илова қилиб, маркаларни ёпиштирдим, ўн кунлик ҳордиқ, барибир, татимагани, энди эса кўзларимни яна авайлаб-асрамасам бўлмаслигини ноилож тан олдим. Жон деб, Баденга – даволанишга жўнавордим.

Даволанишни бошқа бир жойда таърифлаб ўтган эдим, шунинг учун уни яна такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. У ерда ўз шифокорим билан хўп ажойиб кунларни ўтказдим, ресторан соҳиби бўлса, камина ҳам унинг дўстларидан эмасми, мендан: “Жаноб Ҳессе, бир шиша поммарга қалайсиз?” деб сўраб турарди. Меҳмонлар ҳам йўқлаб келиб туришарди. Бир кун эски қадрдон дўстим Писториус¹³ келиб қолди, уни анча йиллардан бери кўрмаган эдим, ўзгариб кетибди, миннатдорлик билан яна унинг номаълум-жўшқин, илоҳий аломатларга тўла қалб дунёсига кириб бориб, бир замонлар у билан бирга бошлаган ишларимиз, ўзимда шундан буён кечган ўзгаришлар ҳақида ҳангомалашдик. Кутилмаганда Луи Бераҳм¹⁴ ҳам келиб қолди, қўлида сафархалта, йўл-йўлакай кирган экан. У ижод қилиш учун Балеар оролларига отланган экан, мени ҳам ўша ёққа боришга кўп чорлади, шундан бери дараги чиқмай кетди.

Бадендаги дам олиш ўйлаганимдан ҳам кўра тез тугади; бу гал ҳам, ҳар доимгидек, ўзим билан бирга ўқиш ва ишлашни мўлжаллаб, жуда кўп нарсани олволган эканман. Нарсаларни энди яна қайтадан жойлаш керак эди. Барча китоблар ва фойдаланилган ич кийимларни ўзим билан Олмонияга кўтариб юриш ортиқча кўринди; оҳ-воҳ қилиб барча керак нарсаларни кагта чамадонга жойлаб, уни ортага жўнатиб юбордим, бироқ йўлга отланаётган охириг куним, қолган нарсалар сафархалтага сиғмай қолди. Қора костюмни картон қутичага тикиб, устидан канош ип билан ўраб боғлашимга тўғри келди. Умуман, кейинги пайтда кечалари негадир ёмон ухлаётгандим ва йўлга тушишга эса сира юрагим бетламасди. Блаубойренга соат етти ёки саккизга яқин жўнаб кетишим лозим эди, у ерлик дўстимга шундай деб хабар қилдим. Энди мана бу лаънати қутичани ортмоқлаб, бунинг устига саёҳатим давомида керак бўладиган у-бу нарсани ҳам катта чамадонга солиб юборганимни билганимдан сўнг – енгилтаклик билан ваъдалар бериб юбораверишнинг оқибати нима эканлигини яна қайтадан бошдан кечирдим. Эртага эрталаб еттида Цюрихда бўлишим керак, мен эса ҳали ҳам Бадендаман, йўл тараддудидан шунақа тўйдимки, олтингургут сувига яна уч ҳафта жон деб тушган бўлардим. Ундан кейин, уйқусиз тундан сўнг (илк саҳарда, тонг ёришмай ўрнимдан турсам, қандай қилиб веронал (уйқу

дори) ичиш мумкин?), эртага Блаубойренгача бўлган бутун йўлни босиб ўтишим, орада Тутлингенга ҳам тушиб ўтишим, ва ниҳоят, Блаубойренга, икки кундан сўнг Улмда, кейин эса Аугсбургда, ундан сўнг Нюрнбергда нотаниш одамларга шеър ўқийман деб, ҳориб-чарчаб, бир алпозда кириб боришим керак! Бундай қилиш учун фақат жинни бўлиш керак эди! Йўқ, мен ҳозироқ Цюрихга жўнайман, у ерда тунаб, бир йўла дўстларим билан бу бемаъни фикрни ҳам ўйлашиб кўрамиз, яхшиси, учта кулинг ўргилсин шошиличчомани қотирамиз — шундай-шундай, қаттиқ шамоллаганлиги сабабли, жаноб тенор (энг баланд овозли нотик) етиб бора олмайди. Э, худога шукур-е.

Дўстимнинг аёлидан вокзалга чиқиб туришини илтимос қилиб, Цюрихга жўнадим ва уни кутиб ўтириб, йўл ташвишларини ўйлаб, кайфиятим бузилиб, картон кутичани кўтиқлаганимча вокзал ресторанига кирдим, уч йил сақланган бир шишани майдалаб ўтирдим. Ҳаво салқин эди, шамоллаб, овозим хириллаб қолибди, Баденда қолавермаганимга ачиндим, аллақачоноқ уйга, Тессинга қайтиб кетмаганимдан афсусландим. Алиса келди ва уникага бордик, унга ўз ташвиш ва гумонларимни баён қилиб бердим, Будда менга юқоридан истеҳзо билан қараб турарди. Суҳбатдошим сафаримни давом эттиришим тарафдори эди; агар нохуш кайфиятим туфайли чекинадиган бўлсам, кейин афсусланармишман. “Нохуш кайфият” дегани ажойиб гап, ўйлардим мен, сизлар, ақли расо одамлар, эртага қаллайи саҳарлаб туриб, поездда бир неча соатлаб юриб, аллақандай дастур ҳамда мажбуриятларни бажаришини ўйлаб, акамизнинг ҳоли не кечади, билмайсизлар-да. Мен ўзимни ҳимоя қилардим, ниҳоят, диалог кескинлашаётган эди, эртага барвақт туриб, йўлга отланишдан қатъиян бош тортдим. Нима ҳам дейишарди, ён беришди. Шундай қилиб, эрталабгача тўйиб ухлайман, ўшанда шошиличчомаларни жўнатишга ҳам вақт бемалол етади.

Енгил тин олдим, тун ва тонг менинг фойдамга ҳал бўлган эди. Дўстим ҳам қайтди, у билан бир қадаҳдан май ичиб, тушлик қилдик, веронал ҳам ичиб олдим ва эрталаб маъқул пайтдагина, ўн билан ўн бир ўртасида туришимни эълон қилдим. Картон кутича ўрнига ижарага Сиём, Сингапур ва Яванинг чиройли лавҳа, ёрлиқлари ёпиштирилган қулай чамадонча олдим ва тушдан сўнг, тақдирга чала-ярим тан бериб, немис чегараси томон йўлга тушдим. Энди, вақт ўтгач, билдимки, Блаубойренга бир ўтирганда етиб бориш ўзи аввалбошданоқ хато иш бўлган ва эрталабки илк поездда жўнаш аҳмоқона қаҳрамонликдан ўзга нарса бўлмаган бўлар эди. Блаубойренга бориш ўрнига мен фақат Тутлингенгача етиб олиб, у ерда тунайман ва худонинг паноҳида Клётцле-Блай ва дўстимнинг ҳузурига келишилганидан атиги бир кунгина кечикиб кириб бораман. Камина купеда ювошгина бўлиб ўтигарди, рўпарамда тиззаларини адёл билан ўраб олган аллақандай барваста савдогар ухлаб ётарди, ойналардан эса Боден кўли бўйида яшаган йилларимдан таниш жойлар лип-лип ўтарди; Райн ва Райн шаршараси, божхона хизматчиси ва паспорт текширувчи, Ҳегау тоелари кўринди, бу ерлар ватаним бўлган эски замонлар кўз олдимда намоён бўлди. Зинген бекатида тўхтадик, шунда бу ерда яшовчи эски қадрдон дўстларимни эсладим, уларни кўрмасдан шунчаки ўтиб кетавериш яхши иш бўлмаслиги ҳақида ўйлаб қолдим. Лекин бўлғуси саёҳатим режасини тузаётганимда на Зинген ҳақида, на ушбу дўстларим ҳақида нега ўйлаб кўрмаганман, бунинг сабаблари менга аён эди: Боден кўли бўйида яшаган йилларимни эслашни ёқтирмаслигимга асосли сабабларим бор эди. Зингенда дерзани очиб, перронга кўз ташлаган эдим, махсус кийим кийволган киши кўринди, у хушмуомалалик билан поезд бу ерда қирқ дақиқа туришини маълум қилди. Нима ҳам дердик, тушиб, шаҳарга қўнғироқ қилдим, дўстларим югуриб келишди, эр-хотин ва ўғли, талаба, уни охириги марта кўрганимда кичкинагина бола эди. Шундай қилиб, бу иш ўнгидан келди ва орадан қирқ дақиқа ўтгач, мен пок виждон билан яна йўлимда давом этдим. Тутлингенга яқинлашмасимиздан қоронғи тушди, чироқни ёқишгач, саксониялик савдогар уйғониб, тилга кирди. У норози кайфиятда, Италиядан қайтаётган эди, Италия ва Швейцарияда таъна-маломатга сабаб бўлаётган нарса кўп эмиш ва умуман...

— Биласизми, — деди у, — мени алдашиб бўлгги, мен биламан гап қаерда, э, қўяверинг. Ҳаёт — бу турган-битгани алдамчилик, билсангиз, ана шунақа гаплар.

Унинг гапларига бутунлай қўшилишга тайёр эдим, фақат муомаласи ёқмади, шунинг учун индамай қўяқолдим ва Тутлингенга етиб келганимизни кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Мана, мен Швабияда, ватанимда эдим ва шваб шаҳарчасида тунаб қолишимга тўғри келарди. Бекатда мени меҳмонхона хат ташувчиси кутиб олди, у бошлаб борган меҳмонхона эски бўлса-да, яхшигина эди, у ерга кириб улгурмасимиздан кенг, ўқдек тўғри кўча узра тўлин ой кўринди. Демак, у мени бу ерда яна қарши олди, бу мен учун ёқимли эди. Мен кўнган меҳмонхона салобатли, кўҳна, каттагина эди, қулай хонага жойлашгач, доимо қизариб юрадиган кўзларимни совуқ сув билан ҳўлладим ва кечки овқатга товуқ шўрва буюрдим. Шўрва мазали эди. Тутлингенни ҳали яхши билмаганимданми, уйку олдидан шаҳар бўйлаб бир оз сайр қилгим келиб қолди. Пальтомнинг ёқасини кўтариб, сигара тутатганимча, кўчага чиқдим. Катта кўчани билардим, у менинг назаримда, тунги шваб шаҳарчаси омолига унчалик яқин эмас эди, шунинг учун биринчи тор кўчага бурилдим, аллақандай лаш-лушларга туртиниб, ажриқзор қияликдан чиқдим, шунда яна бирдан ой кўриди, унинг акси ҳайратланарли даражада сокин оқаётган тунги сув юзида жилоланар эди, томларнинг учи бўзарган осмон бағрига найзадек санчилган, теварак-атрофда ҳеч ким йўқ эди, қаердадир, ҳовли девори ортидан итнинг хурган овози эшитиларди. Торкўчалар бўйлаб, дам қуйи, дам юқорилаб, секин-аста борардим, кўприкдан ўтиб, яна ортга қайтдим, юзимга сувнинг совуқ нафаси урилди, томларнинг учи туғилиб ўсган жонажон шаҳарчамда қандай бўлса, худди шундай эди, ва, ватаним ҳақида, ўзимнинг бемаъни ҳаётим ҳамда ёлғизликдаги кексалигим ҳақида ўй суриб борарканман, томлар ортидан яна ой кўтарилди, у энди опшоқ ва кичкина бўлиб қолган эди. Худди шу лаҳзада болалигимдан бир хотира эсимга тушиб кетди. Мени, эҳтимол, шоир бўлишга мажбур қилган (гарчи илгаритдан шеърлар ёзиб юрган бўлсам ҳам) дақиқани эсладим. Бу шундай бўлган эди. Биз, ўн икки яшар гимназия ўқувчиларининг оддий шеър ва ҳикоялардан, латифалардан иборат ўқиш китобимиз бўларди, мен уларнинг барчасини севиб ўқирдим, бироқ ушбу нарсалар орасида аллақандай бошқача, қандайдир ажойиб, бутунлай мафтункор, энг гўзал бир нарса бор эдики, мен уни ҳали ҳаётимда учратмаган эдим. Бу – Хёлдерлиннинг шеъри, “Тун” деб номланган парча эди. О, мен ўшанда шу бир нечагина сатрларни қўлдан қўймай ўқирдим, нақадар ҳайратланарли, нақадар сеҳрли ҳамда ёндирадиган ва бироз чўчитадиган эди бу ҳиссиёт: мана шеърият! Мана шоир! Қулоқларим остида илк бор онам ва отам тили нақадар теран, нақадар муқаддас, нақадар қудратли жарангларди, мен, бола учун ҳақиқий маъноси тушунарсиз бўлган ушбу фавқуллодда зўр шеърлардан келажакни олдиндан кўра билиш сеҳри, сирли шеърият уфуриб турарди!

... Шом чўкди, юлдузлар жимирлар кўкда,
 бизнинг ташвишлардан тамом холи, ҳур.
 Тоғ чўққиси узра сирли шукуҳ-ла
 тўлин ой сурур-ла сочаётир нур.

Гарчи ёшлигимда талай китоблар ўқиб, ғоят қойил қолган пайтларим кўп бўлган эса-да, шеърий нутқ мени ҳеч қачон ушбу шеърлар каби ўзига мафтун этмаган эди. Кейинчалик, йигирма ёшимда “Зардўшт”ни ўқиб, мафтун бўлган чоғимда ҳам, ўша ўқиш китобидаги Хёлдерлин шеъри ва бола қалбининг санъат олдида илк ҳайратга тушиши дарҳол эсимга келган эди.

Демак, гўзал Лау ва шоир Мёрике ҳақидаги гира-пира хотиралардан туғилган ушбу Швабияга сафар, ниҳоят, менга насиб этган эди, у менга ёшлик чоғларимнинг оҳангларини қайтариб, барча нарсанинг чамбарчас пайваста эканлигини кўрсатиб берганди. Ва ҳаттоки ушбу саёҳат умидсизликдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаган тақдирда ҳам, Тутлингендаги ойдин кеча, ўшанда тўсатдан хотирага келган Хёлдерлин сўзи, ана шу лаҳзанинг ўзиёқ кифоя эди.

Бизнинг акамиз озгина нарса билан хурсанд бўлади, бўлганда ҳам фақатгина энг юксак нарса билан. Дард-алам, тушкунлик ва ҳаётга бўлган нафасни бўғадиган даражадаги нафрат орасида бирдан, қандайдир табаррук лаҳзада, чидаш қийин бўлган бу ҳаёт маъноси ҳақидаги саволга “ҳа” деган жавобни эшитсак агар,

ҳатто кейинги сонияда уни бўтана тўлқин босиб кетган тақдирда ҳам — бизга шунинг ўзи етарли, бу билан биз яна узоқ яшайверамиз, ва на фақат яшаймиз, на фақат ҳаётга чидаймиз, балки уни севамиз ва шарафлаймиз ҳам.

Ҳёлдерлин тасвирлаган ой ва сув бўйидаги мудроқ кўчаларни ортда қолдириб, меҳмонхонага қайтдим, ҳаяжоним босилмаган, айни пайтда ёшлигимни ёдга солган муқаддас хилқат билан бўлган қутилмаган учрашувдан дилим таскин тошган эди. Ушбу шеърлар бу оқшом қалбимда узоқ жаранглаб турди, ёшлигимнинг теран чашмасидан таралаётган сасни узоқ тингладим. Эҳ, бу овоз мени қаерларга чорламади, кўп йиллар давомида мени қандай олисларга бошқалар, қайд этилмаганлар учун муҳим ва қимматли бўлган барча нарсдан айро олиб кетмади дейсиз! Ушбу сеҳрли овоз, туғилганимизда пешонамизга битилганидан кўра юксакроқ ҳаёт, олижаноброқ инсонийлик ҳақидаги ушбу хатарли кўшиқ менга қанчадан-қанча тасвирлаб бўлмайдиган, теран ва танҳо бахтиёрликлар олиб келмади, мени изтироблар ва шубҳа-гумонлар ичра қанчалар адаштирмади дейсиз! У мен билан ҳар қандай воқелик ўртасига тинчлар солиб, адоват уруғини сочди, мени даҳшатли ва бедаво ғарибликка дучор қилди, ўз-ўзига нафратнинг жирканч чоҳига, мўминликнинг илоҳий жазаваларига гирифтор қилди. Ва агар бутун, турмушим тазйиқи ўсиб бораётган бир пайтда, қисқа вақт бўлса ҳам қандайдир бошқа паллага ўтиб, юморга мурожаат қилиб, воқеликка қизиқчилик тарафидан қарагудек бўлсам, бу ҳам ўша табаррук овозга “ҳа” деб жавоб беришдан, у билан воқелик ўртасидаги, омол билан тажриба ўртасидаги жар устига қурилган мўрт кўтарма кўприкларни бир зумга бўлса-да, олиб ташлашга уринишдан бошқа нарса бўлмайти. Ахир фожиавийлик ва юмор — булар бир-бирига зид тушунчалар эмас, ёки тўғрироғи, улар бир-бири билан шунинг учунгина қарама-қаршики, бири бошқасини муқаррар равишда талаб қилади.

Агар мен эртасига эрталаб, нонуштадан сўнг Тутлинген шаҳарчасини сеҳр-жодудан бутунлай халос ҳолда кўрадиган бўлсам, бунинг сабаби на фақат менда ёки эрталабки соатларда дунёдан бир нимани юлиб олиш қобилиятим йўқлигида эмас, йўқ, баобруъ гувоҳларнинг тасдиқлашларича, Тутлингени, умуман оланди, хушёр шаҳар деб аташ мумкин экан. Бундан хижолат чекмадим, шундай бўлса ҳам яна ўша сув бўйига ва учи ингичка томлар олдига бориб келдим ва ҳамма нарса ўз жойида эканлигига амин бўлдим, фақат ой ва ўша роҳатбахш тунги палланинг ўрни билинди. Демак, кечагина мен бу ерга айни пайтида, ўша бирдан-бир, камдан-кам учрайдиган, Тутлинген худонинг марҳаматига сазовор бўлган, сирли эртақлардагидек мислсиз, ажойиб шаҳарга айланган маҳал келган эканман. Бу ерни тарк этиш энди осон эди; бутерброд харид қилиб, Сиёмдани юборилган чамадонимни вокзалдан олдим-да, йўловчилар билан лиқ тўла якшанба кунги поездга ўтирдим, у тез орада гўзал Дунай водийсига кириб борди. Чарақлаган қуёш нурлари остида ястаниб ётган Бойрон¹⁵ ва Веренвагн¹⁶ кўриб, одамни ўзига тортадиган бу жойларга астойдил тушгим келди, бироқ Блаубойрендаги дўстимни эслаб, бу аҳдимдан қайтдим, ҳойнаҳой, у кеча кириб бормаганимга ҳафсаласи пир бўлиб, мени сабрсизлик билан кутиб ўтиргандир. Поезд қуюқ туман ичига кириб борарди, водийнинг қайсидир бурилишига етганда, кўм-кўк осмон ва қуёш бирдан ғойиб бўлди, энди вокзалларда жойларнинг номларини аранг илгардим. Мен тушдан сўнг, қиём тугар-тугамас кириб келган Блаугалда ҳам ҳаво айнаган, туман эди. Атиги бир дақиқа кечиккан кадрдон дўстим кичик Блаугал ва Блаубойрен сирлари томон олиб борадиган, келувчиларга бу ҳақда ҳеч нарсани англамайдиган кенг, кўримсиз йўлдан мен томон чошиб келарди. Биз йиллар ўз изини қолдирган чехраларимизга термулишиб қараб турардик ва иккаламиз ҳам, ўйлайманки, ушбу учрашувдан бағоят хурсанд эдик. Ёшлиги кечган тупроғидан йигирма йилдан бери айро яшаётган мендек одам учун, ҳақиқатан ҳам мен билан болаликда бирга ўсган, мактабдаги лақабимни ва мени беш қўлдай яхши биладиган одамларни ҳар замонда бўлса-да, кўриш, бу ҳартугул фавқулудда ёқимли ва дилни шод этадиган воқеа эди. Ва илк ёшлик чоғларингдан билган, таниган одамларингни ҳар гал кўрганингда, уларнинг сираям ўзгармаганини қайд этиш нақадар таъсирли ва қулғили ҳол! Дўстим билан ҳам худди шундай эди. У билан дўстлигимиз бошланганида биз ўн тўрт ёшли ўспирин эдик, ва

менинг тасаввуримда у ҳали ҳам ўша бола қиёфасида яшарди, агар энди унинг профессорларга хос ташвишли қадам ташлаши ва катта мўйловини, биров ҳорғин қиёфасини ва сочларига оқ оралаганини ҳисобга оладиган бўлсак, буларнинг барчаси мени на чалгита олади, на лол қолдиради, у мен учун умрбод ўн беш ёшлардаги мактабдош бўлиб қолаверади, аҳтимол, мен ҳам унга шундай бўлсам керак. Буни эътироф этиш ёқимли эди, биз яхши кайфият билан оддий йўлдан водий томон юриб кетдик, гап билан бўлиб, ажойиб шаҳарчага кириб борганимизни ҳам сезмай қолибмиз, бу ерда хаёлга чўмган, қиррадор ва ҳашаматли томлари савлат тўкиб турган синчли кўҳна иморатлар кўп эди, улардан кейин эса бутхона ерлари бошланарди. Шу ерда яна соҳибжамол Лау ёдимга тушди, дўстимга унинг тарихини сўйлаб, Блаубойренда мен учун энг муҳим нарса — ана шу ертўла ва чўмиладиган жойни кўриш эканлигини айтдим ва ундан қулай фурсат топиб, мени ўша ерга олиб боришини илтимос қилдим. Бироқ дўстим бу ҳақда ҳеч нарса билмас экан, шунда ўзим ҳам ўйлаб қолдим: мабодо бу Мёрикенинг ўйлаб топган чиройли уйдирмаси эмасмикин? Шу ерда бизга бир одам учраб қолди, у бутхонанинг хўжалик бошқарувчиси ва назоратчиси экан, бундан ташқари у Блаубойрен жавоҳиротларининг билимдони, айти пайтда уларнинг ғайратли кўрикчиси ҳам экан. Ўз истагимни унга билдириб, воқеани Мёрике ҳикояси бўйича аниқ баён қилиб берган эдим, унинг чеҳраси очилиб кетди. Ҳа, албатта, бу ертўла бор, деди у, сувости йўли уни Блаутопф билан боғлайди ва у, вақтига қараб, мени у ерга олиб борадиган бўлди. Биз эртагалик маълум вақтни келишиб олдик ва дўстим яшайдиган собиқ бухонага кирдик, бизни уй бекаси кутиб олди, улар бизга қараб ўтирган экан, дарров тушликка таклиф қилишди. Дастурхонда швабча картошка салати, ажойиб кучсиз безигхаймер шароби — мана, ниҳоят, мен яна Швабияда, ватанимда эдим, ўзим яна швабча гапира бошладим, мен энди аллақандай ўткинчи йўловчи жаноб эмас, ога эдим, бемаъни зоҳид эмасдим, саволларга жавоб қайтарардим ва мактабдошлар ҳақида, собиқ муаллимларимиз ҳақида, уларнинг ўғил-қизлари ҳақида ҳикоялар тинглардим. Ўзим ўқитган гимназия собиқ директорининг ўлини шу ерда учратдим, у профессор экан, яна бир мактабдош ўртоғимиз эртага келади, у қишлоқ руҳонийси, унинг ўғли шу ердаги мактабда ўқиркан.

Блаутопфга қилган илк саёҳатимиз ажойиб ва аҳамиятли бўлди, дарахтлар остидаги афсонавий сув юзида сарғайган япроқлар сузиб юрар, сой ва ҳовузлар гоз ҳамда ўрдақларга тўла эди, чуқур сув тубида соҳибжамол Лау ўлтирар ва юқорига кўкиш табассумини йўлларди, шундоқгина ён томонда эса қачонлардир ўтиб кетган аллақайси қиролнинг кулгили ҳайкали ёлғиз ва умидсиз қаққайиб турарди. Ҳамма нарсадан ватан, Швабия, жавдлар нони ва эртақлар бўйи анқирди, шундай ажойиб, бутунлай ўзгача, ўзига хос жонли манзарани ҳаттоки энг янги олмон рассомлари ҳам билмасликларидан яна бир бор таажжубга тушдим. Ҳаммаёқда Лау яшириниб турар, ҳамма ердан асалли кулчаларнинг хушбўй ҳиди таралар, ёшлик ва болаликнинг, орзу-ниятларнинг, Хёлдерлин ва Мёрикенинг ҳам нафаси сезиларди, мен уларга бу ерда ҳайкал ўрнатмаганларидан афсусланмадим. Бу тушунарли эди, чунки швабларда қироллардан кўра ҳаммаша шоирлар кўпроқ бўлган.

Роҳибалар ертўласига қилган сайримизни айтмайсизми! Йўлбошловчимиз бизни тик зинадан олиб тушиб, қоронғи гумбазсимон даҳлиз орқали баланд, мустаҳкам ва чиройли қилиб қурилган тош ертўлага бошлаб борди, бизга дунё томонларини ва сувости йўли қай тарафдан келиб тулашганини кўрсатди, шунда сабрим чидамай чўмиладиган жой ҳақида сўраган эдим, у чўнтак фонари билан ушбу дабдалали хонанинг бурчагини ёритди. Биз олатдаги бемазагарчиликнинг гувоҳи бўлдик — нисбатан яқиндагина семонланган силлиққина доғга кўзимиз тушди. Демак, Лаунинг чўмиладиган жойи шу ер экан-да! Ушбу лаънати семон доғ остида қандайдир сирли, салқин сув оқарди, унда нозанин соҳибжамол кўксига қадар сувга кўмилиб, сузиб юраркан. Яхшиямки, меъморлар ҳар қалай семоннинг туйнугини ҳам эсдан чиқаришмаган экан, туйнукнинг қопқоғи ҳам бетондан бўлиб, уни кўтарганимизда, чироқнинг хира нурида қоп-қора сув ярқ этиб кўринди, биз туйнукни индамайгина, худди таҳқирланган жасадни ёпгандек, яна бекитиб қўйдик.

Шваблар ва бизга замондош бошқа халқлардан ҳақиқатан ҳам худолар бутунлай юз ўтирганми-йўқми, ҳақиқатан ҳам улар Лау ва Мёрике ҳамда бошқа барча шу каби мўъжизаларнинг қадрига етадими-йўқми, уларга эса ҳеч қайси бир немис ўлкаси Швабиячалик бой эмаслигини билишадими-йўқми, биз бу ҳақда гаплашмадик. Биз бу чалкаш ва мураккаб саволларни муҳокама қилиб ўтирмадик, бахтимизга Блаубойренда кўҳна дафиналар ва семонланмаган ўтмиш мероси ҳали жуда кўп эканлигини ўйлаб, хурсанд бўлдик. Биз барчасини — ажойиб меҳробни, хор ўриндиқларини, фусункор гумбазларни, бутхонадаги йиғинлар залини, мақбараларни бориб кўрдик, меҳр-муҳаббат билан кўздан кечирдик. Ва ўша оқшом, чорак соатча кўзим илинган экан, туш кўрибман, тушимда чўмиладиган жойига сузиб келаётган ва боши билан бетон қопламага уриляётган Лауни эмас, балки узундан-узоқ кўп ёқимли, хузурбахш нарсаларни кўрибман, буни ҳеч кимга айтгим келмайди. Биз, дўстлар учун, қолаверса, Блаубойрен ўша дин-диёнатли замонлардан қолган обидаларни зиёрат қилиб қайтганимиздан сўнг ҳам битмас-туганмас хазина бўлиб қолаверар эди. Бизга яқин бўлган ўрта асрлар даври бор эдики, у бизни ўзига мафтун қилаверарди, бу — бизнинг ёшлигимиз эди. Биз ўша афсонавий давр эсдаликларини, биз учун азиз ва ҳамон кулгили туюладиган синфда тушган суратларимизни томоша қилардик, афсуски, уларда мен йўқ эканман, мактаб заллари, ўқувчилар ётоқхонаси ва ошхонасини кўздан кечирардик, ёшлиқда бирга ўсган энг яқин ўртоқларимизнинг мактубларини ўқиб чиқардик, ўшанда Алттенбургда, Цвикау кўчасида турадиган дўстимизнинг қулоғи қизиган бўлса ажаб эмас.

Ўз тажрибамдан кўрдимки, швабиялик теолог ва филололар аввалига темир йўл поездларидан кеч қолиб, сўнги сонияда унга барибир етиб олишга ҳавасманд кўринишади. Биз билан ҳам худди шундай бўлди, ўрта аср даври чунонам тез тутадик, Улмга маърузага борадиган кун ҳам ёдимдан чиқаёзиди. Поездни ўтказиб юборишимга бир баҳя қолди, шу боисдан хайр-маъзур тантаналари насия бўлди. Қош қорайган пайтда Улмга етиб келдим.

Омма олдида чиқишга эътирозим сабаби — ёлғизликда яшовчи одамнинг дунёвий йиғинлар олдида кўрққанидан ўзини йўқотиб қўйишида эмас, йўқ, бу ерда мен жиддий, чуқур илдиш отган номувофиқликлар ҳамда зиддиятлар билан тўқнаш келаман. Улар қисқа ва кўпол қилиб айтганда, умуман адабиётга бўлган ишончсизлигимдан келиб чиқади. Улар мени на фақат жамоа олдида чиқиб сўзлаганда, балки иш пайтида янада кўпроқ қийнайди. Мен замонамиз адабиётининг аҳамиятига ишонмайман. Мен, албатта, ҳар бир замон ўз сиёсати, ўз аъмоллари, ўз модаларига эга бўлгани каби, ўз адабиётига ҳам эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бироқ мен ҳозирги замон немис адабиёти — бўш, саёз, умид қилиб бўлмайдиган, камҳосил, парвариш қилинмаган ердаги экин мисол, гарчи у қизикарли ва муаммоларга тўла бўлса-да, пишиқ-пухта, мукаммал, умрбоқий асарлар яратиши амри маҳол, деган фикрдан сира қутулолмайман. Шунинг учун ҳозирги немис ёзувчиларининг (шу жумладан, албатта, каминанинг ҳам) чинакам асарлар яратиш йўлидаги уринишлари менга ҳаминша қандайдир ночор, ижоддан узоқ, тақдир ўйлиқдан иборат бўлиб кўринади; ҳамма жойда менга шаблон, жонсиз нусха, қолип изи сезилиб туради. Бильакс, ўтиш даври адабиётининг, ўз ишончини йўқотган муаммоли шеърят қадр-қимматини мен аввало уларнинг ўз мусибатлари ҳамда ўз даврининг кулфатларини очиқ-ойдин эътироф этишида деб биламан. Ҳозирги ёзувчиларнинг кўпгаб ажойиб ва виждонан меҳнат қилинган асарларини қабул қилолмаслигим ва маъқуллай олмаслигим сабаби ҳам ана шунда, айтиш пайтда эса айрим ёшларнинг хом ва гализ ишлари менда кўнгилдагини яширмай, очиқ-ойдин, самимий гап айтишга уриниш сифатида ёқимли таассурот қолдиради. Ва мана шу зиддият ўз мўъжаз оламим, ўз адабиётим бўйлаб ўтиб боради. Мен 1850 йилгача бўлган сўнги буюқ давр немис ёзувчиларини яхши кўраман, Гёте, Хёлдерлин, Клайст, романтикларни жон-дилдан севаман, уларнинг асарлари мен учун умрбоқий, мен Жан Пол, Брентано, Ҳоффманн, Штифтер, Айхендорффни қайта-қайта ўқийман, худди шундай Ҳендел, Моцарт ва Шубертгача бўлган бутун немис мусиқасини севиб тинглайман. Бу асарлар, ҳаттоки улар бизнинг туйғуларимиз ва муаммоларимизни аллақачонлардан бери ифодалаб келмаётган бўлсалар ҳам, ҳеч бўлмаганда, бутунги яшаётган жуда

кўпчилик одамлар учун ҳам ҳаминша мукамал, вақтдан холи, шаклан тугал асарлар бўлиб қолаверади. Ушбу асарлардан мен шеърятни севишни ўргандим, уларнинг оҳанглари менга худди сув ва ҳаво каби табиий эди, улардан ёшлимда ибрат олиб яшаганман. Бироқ ўзим кўндан бери шуни яхши биламанки, бу юксак тимсолларга (гарчи ўзим ҳам дам-бадам шунчаки умидсизлик билан уриниб турсам ҳам) тақлид қилиш бефойда. Мен биламанки, биз, бутунги ёзувчилар ёзаётган нарсаларнинг аҳамияти улардан бутун ёки узоқ муддатга қандайдир шакл, аллақандай услуб, қандайдир мумғоз адабиёт пайдо бўлишида эмас, балки бизнинг оғир аҳволимизда имкони борича кўнгилдагини очиқ-ойдин айтишдан ўзга паноҳимиз йўқлигидадир. Мана шу очиқ-ойдинлик, иқрор бўлиш, сўнгги бор кучини сарф қилиб ишлаш ва бошқа ўша, бизга ёшлимиздан таниш бўлган гўзал шакл талаб қилиш — мана шу икки талаб ўртасида менинг авлодимнинг бутун поэзияси мушкул бир аҳволда ўзини у ёқдан-бу ёққа уриб, бориб-келаверади. Имкони борича самимийликка ва сўнгги бор кучини сарф қилиб ишлашга тайёрмиз ҳам дейлик — ҳўш, бунинг учун энди шаклни қаердан топамиз? Китобларимиз тили, мактабимиз тили уни бермайди, ёзувимиз эса аллақачон босиб чиқариб бўлинган. Афғидан, Нитшенинг “Ессеһомо”си сингари айрим умидсизликка тўла китоблар йўл кўрсатгандек бўлади, бироқ пировардида улар кўпроқ йўлсизликни кўрсатиб турган бўлишади. Руҳий таҳлил бунда бизга ёрдамчи восита бўлиб кўринди, у муваффақиятлар ҳам олиб келди, бироқ на бирор муаллиф, на бир руҳий таҳлил мутахассиси, на руҳий таҳлил мактабини ўтаган ёзувчи шу пайтга қадар психологиянинг бу турини унинг ўта тор, ўта ақидапараст, ўта шуҳратпараст академизм совутидан халос қилолмаган.

Бас, муаммони таърифлаганимиз етар. Ҳўш, энди мен, ўз асарларидан намуналар ўқиб беришга таклиф қилинган ёзувчи сифатида гапирадиган бўлсам, одамлар олдида кўлимда қоғозларим билан турган пайтимда бу муаммо бутун диққатимни ўзига жалб қилиб, кўлимдаги қоғоз варақларини чиқиндига айлантиради, менинг самимийликка бўлган интилишимни, гўзалликни писанд қилмасдан, икки баравар куйдиради. Шунда яхшиси, чироқларни ўчириб, одамларга шундай дегим келади: “Менинг сизларга ўқийдиган ва айтадиган гашим йўқ, бор-йўғи ҳаракатим — ёлғондан халос бўлиш. Бунда менга ёрдам беринглар ва уй-уйларимизга тарқалайлик.”

Ана шундай тўсиқларга қарамасдан, қўймаганларига кўниб, ўзим розилик берган ўша камгина чиқишларнинг деярли барчасини охирига етказдим, ташкилотчилар бундан етарли даражада қониқиш ҳосил қилдилар. Бироқ мен ҳар гал ҳайрон қолган жойим шундаки, шу озгина меҳнат — бир соат овоз чиқариб ўқиш — одамни шунақанги толиқтирарканки, баъзан бутунлай тинкамдоринг қуриб қолиши ҳам ҳеч гап эмас экан.

Агар мавҳум ёки идеал тингловчилар қаршисида мавҳум ёки идеал ёзувчи турганида эди, бундан ҳеч бир нарса чиқмаган, иш бутунлай фожиона тус олиб, ҳаттоки ёзувчининг ўз жонига қасд қилиши ёки уни тошбўрон қилишлари ҳам мумкин эди. Бироқ эмпирик (тажрибага асосланган) дунёда барча нарсалар бирмунча бошқача тарзда намоён бўлади, яъни бу ерда майда қаллобликлар учун жой бор, энг аввало, омол билан воқелик ўртасидаги эски воситачи — юмор учун жой топилади. Бунақанги кечаларда ҳарқалай ундан, яъни ҳар турли юмордан, айниқса, дорга осилган одам юморидан фойдаланиб тураман. Нурнинг бундай синишини, воқеликка шундайин аянчли мослашишни қисқача формула шаклига келтиришга уриниб кўрайлик!

Демак: тингловчилар тўла залда кўнгида ўзига ва ўзининг поэтик саъй-ҳаракатлари аҳамиятига шубҳа билан қарайдиган ёзувчи турибди, ўз навбатида, тингловчилар ҳам овоз чиқариб ўқиётган жанобнинг дилидаги мураккаб жараёнлардан мутлақо беҳабар, дейлик. Ҳўш, шунда ёзувчи кўлидаги варақларни ўқиб беришга муваффақ бўладими ёки жуфтгани ростила, ўзини осиб кўяқоладими? Ўқиб беради, бунга у, энг аввало, ўзининг шуҳратпарастлиги туфайли эришади. Гарчи на ўзини, на тингловчиларни жиддий қабул қила олмаса ҳам, барибир, у шуҳратпараст, негаки ҳар бир одам шуҳратпараст — зоҳид ҳам, ўзидан шубҳаланадиган одам ҳам. Буни шунчаки айтаётганим йўқ, ўйлайманки, шахсан ўзимнинг мавҳумлашиш қобилиятим, керак бўлса, Европанинг одатдаги даражасидан ошиб тушади: ким бўлмасин, бошқалардан

кўра менга ушбу ҳолат яхшироқ таниш, яъни абадий ўз “мен”имиз ўлимга маҳкум “мен”имизни кузатиб юради ва унинг иллат ва қинғирликларига ачиниб, истехзоли ва холис кўз билан қарайди. Йўқса, қанақасига ўз “мен”имни кам билимли китобхонларга кулги бўлишига йўл қўйиб бера олган бўлар эдим? Гап шундаки, бу ўринда мен ўртача даражадан бирмунча кўпроқ, баъзан эса чидаса бўладиган чегарага қадар билимлиман, худди шу сабабдан мен ёзувчининг шуҳратпарастлигини ҳам етарли даражада совуқ қабул қила оламан. У фикрловчи кишидан қутилганидан ҳам зиёдроқдир, бироқ фикрлаш қобилияти ва шуҳратпарастлик бир-бирини истисно қилди, деб ҳисоблаш — хатодир. Аксинча: ҳеч ким ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишичалик шуҳратпараст, маъқуллашга ташна эмас, аслида ҳам унга муносабат ва мақтов жуда зарур. Ҳар қандай ёзувчига нисбатан менда у қадар кучли ривожланмаган, лекин ҳарҳолда турлича от кучига эга бўлган мазкур шуҳратпарастлик тингловчилар олдида юзага келадиган мушкул вазиятда, аслида мен уларга ҳеч нарса беролмасам ҳам, улар эса мендан бирон нима куғаётган пайтда, жонга оро киради. Мендаги нимадир, ўша шуҳратпарастликнинг учдан икки қисми бўлса керак, залда тўпланган бир талай одамлар олдида таслим бўлиб, ўзимнинг бир пул одам эканлигимни тан олишимга монелик қилади. Мендаги яна нимадир эса бу одамлардан на бирон-бир ҳаракат, ҳатто на олқишлар кутмай, фақатгина, гарчи маъно-мазмунни тингловчилар руҳиятига зид бўлса ҳам, фикр ва шеърларимни диққат билан, жимгина қулоқ солиб тинглашларига эришишимни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, зўр бера бошлайман, тишларимни маҳкам қисаман, пировардида курашда ғолиб бўлиб чиқаман, негаки маънавият ишларида алоҳида айрим шахс кўпчилик олдида ҳамиша кучлидир. Мени тингловчилар жон қулоғи билан тинглашади, мен уларда ҳақиқатан ҳам айтадиган гапи бор одамдек таассурот қолдираман. Бирор соат шу зайлда бир амаллайман, сўнгра оғир тин олиб, ўқишни тўхтатаман.

Эмпирик дунёнинг хира сатҳида муваффақиятга эришишимда менга на фақат бемаъни шуҳратпарастлигим, балки шахсимнинг мана шу ҳайвоний ва қолаверса, кулиги ингилиши ҳам ёрдам беради. Шунингдек, менга тингловчилар ва менинг уларга муносабатим ҳам мадад беради. Бу борада мен кўпгина ҳамкасбларимдан кучлироқман. Бу хилдаги тингловчиларнинг менга умуман фарқи йўқ. Улар билан менинг орамда ҳатто энг кўнгилсиз воқеа рўй берган тақдирда ҳам, ҳатто агар маърузам бутунлай барбод бўлиб, ҳуштакбозлик қилиб, обрўйимни тўқишган тақдирда ҳам, мен бундан унчалик ранжимаган бўлар эдим. Ичимдаги кимдир тингловчилар билан қўпилишиб, қаттиқ ҳуштак чалган бўларди. Йўқ, залда ўтирган одамлардан мен қўрқмайман, шу билан бирга, улардан кўп нарса кутмайман ҳам. Мен ёш эмасман, тажрибам ҳам етарли. Мана шу тингловчилардан қанчаси менга кейин, шахсан ёки хат орқали, ўзларининг шахсий ишлари юзасидан, бутунлай ўз манфаатларини кўзлаб мурожаат қилишларини ҳам аниқ биламан. Мен шунақанги нусхаларни биламанки, машҳур меҳмоннинг олдида икки букилиб таъзим қилишади, орқасидан эса захрини сочишади. Иzzатталабларнинг шундай тоифаларини биламанки, юзингга сени мақтаб, кўқларга кўтаришади, ҳамду санолар айтиб, оғиз кўшириришади, қарасаки, сендан иш чиқмайди, шартта тескари бурилиб кетворишади. Ақли ноқис бир одамнинг ичиқоралик билан: жамоатчилик ва маънавият вакиллари ҳам ўзимизга ўхшаган одам, уларнинг галати феъллари бор, қолаверса, шуҳратпараст ёки тортинчоқ бўлишади, деган гапларини ҳам биламан. Буларнинг барчаси менга таниш, мен янги одам эмасманки, мана шу одамлар уни деб, уни бетакрор шахс ҳисоблаб келишган, деб ўйласам. Мен биламан, менинг ўрнимга бу ерда тироллик қўшиқчилар қвартети ҳам бемалол чиқиши мумкин эди. Лудендорфф¹⁷ агар нутқ сўзлаганида юз баравар бокс жанги бўлса, минг баравар кўп одам тўпланар эди, буни ҳам биламан. Ўзим фуқаролик жамиятидан ташқарида яшаганим учунми, унда фақат меҳмон сифатида ишгирок этаман ва бу жамиятдаги ҳурмат ва муваффақият (ҳозирча менинг бирламчи шуҳратпарастлигим жим турибди)га бутунлай лоқайд қарайман. Бир оёғи доим Ҳиндистонда бўладиган, ҳеч нарса бериб, ҳеч нарса олиб бўлмайдиган, одамови ва дарвеш бўлган одамнинг барча устунликлари мен томонда ва бу афзалликларни яхши биламан.

На шуҳратпарастликнинг ҳаракатлантирувчи кучи, на аутсайдернинг тингловчиларга лоқайдлиги, кучли эътироз ва тўсиқларга қарамасдан, менга ҳар замонда маърузалар ўқиб туришимга ҳалал бермайди. Бунда, худога шукур, яна бошқа бир нарса ҳам, қандайдир яхшироқ бир нима, дунёдаги бирдан-бир эзгу туйғу-муҳаббат ҳам аралашган бўлади. Бир қарашда бу — тингловчиларга нисбатан бепарволигим билан боғлиқ барча нарсага зид туюлади, аслида ҳам ўзи шундай. Тажриба туфайли орттирилган тингловчиларга нисбатан ярамас лоқайдлигим билан ўзимни асраб, энди нигоҳимни янада каттароқ меҳр-муҳаббат билан, янада каттароқ самимият билан алоҳида бир одамга қаратаман. Агар шу одам ҳақиқатан ҳам залда, дейлик, бирор дўстим қиёфасида ўтирган бўлса, мен уни севишга ва унинг учун зўр беришга тайёрман, мен энди фақат унга мурожат қиламан, ўз маърузамни ёлғиз ана шу одамгагина йўналтираман. Борди-ю, у бўлмаса, унинг ҳақида ҳеч нарса билмасам, олисдаги аллақайси дўстимни, қайсидир маҳбубамни, ёки сингилларимни, ё ўғилларимдан бирортасини ўйлаб, тасаввур қилиб, уни кўз олдимга келтира бошлайман, ёки бўлмасам, залда ўтирганлар орасидан ўзим ёқтирган бирор кишини танлаб оламан. Унга ёпишиб олиб, уни яхши кўра бошлайман, ўзимдаги бор ҳарорат — илиқликни, бор диққатимни унга қаратиб, мени тушуниши учун бутун вужудим билан ҳаракат қиламан. Менга мадад берадиган тумор мана шу.

Улмда бу иш осон кўчди. На фақат залда бир қанча ёқимтой, дилкаш ва таниш чеҳраларни кўрдим, балки умуман ўзимни дўстлар орасида ҳис қилдим. Швабияда, уйда эдим, шунинг учун ҳам ҳаммаси осон кечди. Биз жуда шинаман уйда — шаҳар музейида ўтирдик, буни унинг мудир ташкил қилган эди; у мени эртасига музейни томоша қилишга таклиф этди ва бошқалар билан бирга келди, мезбонларимникида бир қалаҳ май устида гурунглашдик, маъруза пайтида айтиб юборилган, билиб бўладими, айрим муаммоли нарсаларнинг “ёмон изи”ни шу тариқа ювиб юбордик. Жуда чарчаган бўлсам-да, хурсанд эдим, чунки барчаси ортда қолди.

Улмда яна деярли икки кун вақтим қолган эди, бундоқ ўйласам, гўзал нарсаларни ёдда сақлаш ўзларини бу соҳада қобилиятли санайдиганлар учун ҳам анча мушкул иш экан. Ёшлигимда қачонлардир бу фавқулодда гўзал ва ўзига хос ажойиб шаҳарни томоша қилган эдим, мана энди эса кўп нарса унут бўлиб кетибди. Шаҳар девори ва қассобхона минораси, шунингдек, бутхона хори ва ратуша эсимдан чиқмабди, бу манзаралар хотирамда қолган тасвирлардан деярли фарқ қилмасди; энди эса беҳисоб манзаралар пайдо бўлган эди, уларни гўё биринчи марта кўриб турардим: қорамтир сув бағрида қийшайиб турган балиқчиларнинг кўҳна кулбалари, шаҳар девори бўйлаб чўзилган пастаккина уйчалар, кўчаларда мағрур қад ростлаб турган шаҳарликларнинг уй-жойлари, гоҳ у ерда биноларнинг ўзига хос қилиб қурилган қиррадор томлари, гоҳ бу ерда салобатли равоқлар кўзга ташланарди. Булардан ташқари, айрим ажойиб ва таснифланган нарсаларга у қадар мойиллигим бўлмаса ҳам, аввалгидек томошага ишқибозлик билан кўпгина майда-чуйда нарсаларни: узун юнгли лайчани, ярим парда тутилган деразалардан кўриниб турган швабияликларнинг чеҳраларини, манзарали откриткалар сотиладиган дўконларда, афтидан, рожество байрамига атаб келтирилган уюм-уюм майда-чуйда безак-буюмларни ва мен учун ҳамиша қандайдир жозибалор ҳамда битмас-туганмас туюлган нарсалар — фирмаларнинг пешлавҳаларини кўздан кечирар эдим. Бегона шаҳарда савдогарлар ва ҳунармандларнинг номлари ҳамда исм-шарифларини ўқиб билиш — бу мен учун ҳамиша эҳтиёжга айланган, бундан завқ олардим, ўзим мутолаа қилган романларда ҳам исмлар мен учун ҳамиша муҳим ва кўпинча ибратли бўлган. Ва ҳар гал, адабиёт орқали билган қандайдир номни ҳаётда учратиб қолганимда, бу мен учун қизиқарли ва ҳақиқий воқеа бўлиб туюларди. Масалан, кунлардан бир кун, кўп йиллар муқаддам Элзасда Арбогаст деган исмга дуч келиб, ҳайратда қолганман, бу ажойиб, афсонавий исмин мен кўп йиллар мобайнида Мёрике ўзининг хазина ҳақидаги новелласига атайлаб ўйлаб тошган деб, тахмин қилиб юрардим. Пешлавҳаларни ўқиётганимда маҳаллий аҳоли ўртасида католиклар ёки протестантлар кўпми, шаҳарда яҳудийлар кўпми-озми, на фақат буни, балки айниқса, католик исмларга қараб, аҳолининг руҳи ва келиб чиқиши, қизиқиш-ишқибозликлари ҳамда ҳомий-авлиёлари

ҳақида ҳам у-бу нарсани билиб оласан. Ва ҳаммаёқда соғлом жонажон швабияча нутқ янграр, ҳаммаёқда аллақачонлардан бўён эшитмаган сўзлар қулоғимга чалинади... Бу худди гўё қаердадир таниш оҳактош ёки қумтошни, хотирада қолган дарахтлар ёки гулларни яна қайта учратишдек, қандайдир сувнинг, қайсидир майнинг, қайсидир таомнинг, қандайдир олманинг, аллақайси дорининг таъмини яна тотигандек ёки йиллар давомида туймаган ва у билан минглаб номсиз хотиралар боғланган аллақандай ҳид яна қайтадан димоғингга урилгандек гап эди. Мен ана шу ҳидлар оғушида, ана шу мавҳум хотиралар булутлари бўйлаб кезардим. Менга Улм латифалари ва ҳикояларидан сўзлаб беришди, бу орада мезбонларимнинг болаларига кечагина тингловчиларга ўқиб берган эртагимни кўрсатдим, у қўлда ёзилган бўлиб, рангли сураччалар билан безатилган эди, бундай қўлбола китобчалар пул қадрсизланган йилларда менга жуда бакор келган эди. Тушдан сўнг профессор Баумнинг Улмдаги музейида бўлди, бориб кўришга арзийдиган жой экан.

Ёшлик чоғларимда менга Улмни ilk бор кўрсатган бир танишимникида қаҳва ичиб, пишириқлар едим, унинг уйидаги шинам хоналар турли-туман қизиқарли ва гўзал нарсаларга тўла эди. У ерда мен яна Мёрике билан рўпара келдим, чунки танишимникида Мёрике хотираси билан боғлиқ бир талай ашёлар, белгилар қўйилган ва қизиқ жойлари чизиб, ажратилган китоблар, келгуси баҳорда у ўз боғида эқмоқчи бўлган уруғлар ҳақида ёзувлар бор эди: у ерда сабзавотлар кам бўлиб, гуллар жуда кўп эди, булардан ташқари бу ерда яна Мёрике руҳоний ҳазратлари бир вақтлар кўтариб саёҳатларга отланган тўрага гул солиб тикилган, алмисоқдан қолган сафархалта ҳам бор эди. Бу уйда майда-чуйда хазина кўп бўлиб, улар ўз жойини топган эди. Мен бу уйга ҳорғин, асабий ва сўлғин бир ҳолатда кириб келдим, сабаби ўзи шундоғам ҳақиқий яхши кайфият менда камдан-кам бўлади, сафарлар чоғида эса қўяверасиз — сал ўтмай аҳволи-руҳиям яна жойига тушди.

Улмдан сўнгги оқшом, уйқуга ётишдан олдин, Швабия бўйлаб саёҳатимнинг барча тафсилотлари ҳақида ўйлаб, Зинген, Тутлинген, Блаубойрен, Улмни, гўзал музейни есладим, шунда тўсатдан буларнинг барчаси ўтмиш белгиси остида кечганини, унда қанчадан-қанча марҳумлар ишгирок этганини пайқаб қолдим, улар ушбу воқеаларнинг энг жонли қатнашчилари эдилар. Улар Тутлингендаги учбурчак томли уйлар орасида кечган ўша лаҳзага гувоҳ Хёлдерлин, Мёрике, гўзал Лау, Арним ва “Тож кўриқчилари”¹⁸, ўша барча меҳроблар, бутхона хори, қабртошлар, барча гўзал иморат-иншоотларнинг бунёдкорлари эдилар. Шундай қилиб, худди шу саёҳат чоғида бўлганидек, мен ҳамма жойда ва ҳар доим марҳумлар, тўғрироғи, умрбоқийлар кўршовида эдим. Ва мана шу аллақачонлар ўлиб кетган одамларнинг барҳаёт сўзлари, уларнинг фикрлари мени тарбиялаган, уларнинг асарлари мени бу зерикарли дунёни севишга ва ҳаётга чидашга ўргатган эди — демак, уларнинг барчаси ўзига хос, дардли, изтироб чекадиган, муомаласи оғир одамлар, бахтиёрликдан эмас, мусибат сабаб бунёдкор, воқеликка ризо эмас, балки ундан нафратланган меъморлар бўлишмаганмикин? Ҳақиқатан ҳам умуман, новвойлар ва савдогарлар бўлган мамнун, соғлом, қадди-қомати келишган ўрта асрларда яшаган шаҳарликлар, мана шу катта бутхоналарни ҳақиқатан ҳам улар куришганмикин, шуни хоҳлашганмикин? Бошқаларнинг, ўша озчилик одамларнинг норозилигидан уларни бунга мажбур қилишмаганмикин? Ва агар воқелик ҳақ бўлганида, агар акамиз — бечора неврастеник, яхшиси ва тўғрироғи, мешчан, уй соҳиби ва солиқ тўловчи бўлганида эди, бизнес қилганида, болаларни дунёга келтирганида эди, агар фабрика, автомобил, бюро (ишхона) — булар ҳақиқатан ҳам одамлар учун табиий, ҳақиқий, маънили-мантиқий нарсалар бўлганида эди, унда нега энди улар бундайин музейларни ҳам очиб қўйишпаникин? Нега энди Блаубойрен меҳробини кўриқлаш учун назоратчи қўйиб қўйишган? Нега энди улар чизма-тарҳлар ва расмларга тўла шу қадар катта витриналарни қўйиб, унга ҳатто давлатнинг пулини сарф қилиб қўйишибди? Ахир бундай бемаъни, бўлмағур нарсаларни, далдага муҳтож рассомларнинг ушбу носоғлом эрмак-овунчоқларини, модомики уларда муҳим, жиддий гап, маъно, ҳаётнинг асл мазмунига алоқадорликдан оз бўлса ҳам акс этмаган экан, севиб-сигинишнинг, уларни тўплаб, кўриқлаб, кўргазмага

қўйишининг, улар ҳақида маърузалар ўқишининг нима кераги бор эди? Улмликлар ўз шаҳарларининг кўҳна қиёфаси яхши сақланганлигидан намунча фахрланишади, бунинг ўрнига ушбу эски дўконни бузиб ташлаб, унинг ўрнида фабрикалар ва ижара уйлар қуришса бўлмасмиди? Нега энди фабрика эгалари идораларидан чиқишиб, автомобилларидан тушиб, бироз овуниш учун эски бутхоналар ҳақидаги суратли асарларни, вафот этиб кетган уста мусаввирларнинг расмларини сотиб олишган? Ахир, уларнинг ўзлари ҳаётлигида бир дона асари бугун фалон пул турадиган бўлса, шу маблагнинг ақалли юздан бирига ҳам эга бўлишмаган-ку. Мен бу ерда, Улмда замонавий архитектуранинг эски кўча кўринишига бинойидек мос тушгани ҳақида эшитгандим, нега энди бу юксак мақтов бўла олар экан? Нега энди бугунги нарсаларнинг барчаси бу қадар кўримсиз, бадбашара? Цюрихдан то Улмгача, одам қўли етиб, ўзгарган ва устма-уст бинолар қуриб ташланган ерларда бир нечта эски иморатларнинг увоққина оролчаларидан бошқа гўзалроқ бир нимани учратиш амри маҳол. Қолган бошқаси эса — вокзаллар, фабрикалар, даромад келтирадиган уйлар, универсал магазинлар, казармалар, почта бинолари, барчаси бирдек кўримсиз ва бадбашара, уларни кўриб, кўнглинг айнийди, беихтиёр ўз жонингга қасд қилишни ўйлаб қоласан, киши.

Аугсбургда меҳмонхона автобуси мени ойнаванд айланма тўсиқ олдиғача олиб борди, унинг ортида чой мусиқаси янграрди, бугунги одамзоднинг зукко ихтироси экан бу, уни дам олаётиб тингласанг, гапириб ҳам, ўйлаб ҳам, фикрларингни жамлаб ҳам бўлмас экан. Ичкари кириб, хона сўрадим, хизматчи мени у ерга олиб борди, теvarак-атрофдаги барча нарсалар ўта замонавий эди, ресторан, холл, гардероб... Бой мен билан иккинчи қаватга кўтарилди, лифт эшигини очди, мен энди кенг кўҳна кошонада турардим: жимжит, ҳашаматли йўлаклар, баланд маҳобатли эшиклар, ҳар бирининг тепасида нақшинкор ишланган герб, муҳташам зина хонаси. Эшиклардан бири очилганди, баланд пинам хонага кўзим тушди, унинг деразаси ям-яшил қишқи боққа қараган эди. Хурсанд бўлиб, шу пайтга қадар каттароқ немис шаҳрида илк бор учратган энг ўзига хос ва энг шиам меҳмонхонани тасарруф этишга киришдим. Хонада менга халақит берадиган ягона нарса — телефон эди, ҳа бу ашпаратлар хавфли. Ҳечқиси йўқ, жуда бўлмайдиган бўлса, бураб бўшатиб олиш ёки майда-майда қилиб, синдириб ташлаш мумкин. Бироқ энг аввало ундан фойдаланиб олмоқчи бўлдим, иш берувчимга кўнғироқ қилиб бугун оқшом томоша кўрсатадиган артист етиб келганини маълум қилдим. Сўнгра дам олдим, сафархалтадан у-бу нарсаларни олиб, бошқа кийиндим, озгина сут ва коньяк буюрдим. Пальтомнинг чўнтагидаги “Симплициссимус” да¹⁹ ўзим жуда ёқтирган Рингелнатцининг йўл мактабларидан бири босилган эди, шунга ўқиётиб, кўзим илинган экан; шунда эшик тақиллаб қолди, мени маърузага олиб кетиш учун келишибди. Ҳаво қоронғи, совуқ эди, мени концерт залига кенг кўча бўйлаб олиб боришди, бу гал вазиятни ҳис этиб, одатдаги психологик аппаратни ишга тушириб юборишга ҳам улгурмадим, бироқ тезда одамлар орасидан бир чехрани танлаб олдим-да, диққатимни унга қаратдим ва нарсаларимни тушпа-тузук ўқишга тушдим, ҳар замонда ажойиб сувдан бир қултумдан ичиб ҳам турдим ва бугун тadbир, ичимда унга норозилик туғилиб улгурмасидан, ниҳоясига етди. Нима ҳам дердим, қайтанга шуниси яхши. Гардеробга бориб, пальтомни елкамга ташлаб, сигара тутатдим. Одамлар келишди, одатдаги илтифотларга шай турдим, гапнинг тўғриси, шаҳарда ҳеч кимни танимаганимдан ўзим хурсанд эдим — бироқ шу пайт олдимда қип-қизил юзли бир хоним пайдо бўлди, менга қараб кулиб қўйди-да, швабчалаб: “Нима, мени танимаяпсизми?” деди. У шварцвалдлик, мен туғилган шаҳарчадан бўлиб, мактабда сингилларим билан бирга ўқиган экан, унинг орқасида қизи турарди, у ҳам гул-гул очилган юзли, қувноқ бир барно эди. Биз кулишиб, бугун бирпас бирга бўлишга қарор қилдик. Бугун кечқурун бироз уйқусираб турган эдим, барибир сездим: бир жаноб китобларимдан биттасини олдимга қўйиб, рафиқаси учун дастхат ёзиб беришимни илтимос қилди. Шу дақиқала, мана, бахтимга энди битта шаҳар қолмадим, деб айнан Нюрнберг ҳақида ўйлаб тургандим ва китобга бир нималарни ёзиб, илтифотли табассум билан унга узатдим. У ўқиб кўриб, китобни менга қайтариб берди: мен унга “Нюрнбергдаги кечадан эсдалик учун!” деб

ёзибман. Ўчириб тузатишга тўғри келди. Шундан сўнг бир қадах май ичгани меҳмонхонага бордик, юртдошим Калв ҳақида гапирарди ва биз ўзимиз эслай оладиган барча каваликларни битта қўймай батафсил муҳокама қилиб чиқдик, унинг қизи ҳам шу ерда эди, биз қарияларнинг гапларимиз унга галати туюларди, бундоқ қарасам, яна бир нюрнберглик ҳам шу ерда экан, демак ҳалиям Швабияда эканман, деб ўйлардим. Ҳашаматли зинадан кўтарилиб, хонамга кириб борганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Шунақанги маърузалар билан тирикчилик қилиш аслида осон ишга ўхшайди. Бироқ менга етишмаётган нарса нон эмас, балки ҳаво эди ва бу ҳаво, яшай олиш, мамнуният, ўз касбим ва фаолиятимга бўлган ишонч ҳавоси Аутсбургда ҳам эмасди, бундай гонорарни бу ерда ҳам тўлашмади. Аксинча (шунинг учун худо тенор ва виртуозларга гениал даражада ортиқ шухратпарастлик ато қилган), мана шунақа адабий мулоқот кечаларида маъруза ўқиб, тенор ва бард (куйчи шоир, бахши)ларга ўхшаб шаҳарма-шаҳар кезиб юришнинг ўзи ўзига бино қўйган, ўзининг зарурлигига ишонган артистни аксинча, унинг кераги йўқлигига, унинг шахси ва машғулоти ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига ишонтиришнинг энг яхши усулидир. Адабий уюшма одамлари Томас Манн ёки Герхард Хауптманн ёки барон Мюнхаузен ёки тенор Хессени тингладим, берлинлик профессор Гомер ҳақида ёки мюнхенлик профессор Маттиас Грюневалд ҳақида маъруза ўқидими, бунинг мутлақо фарқи йўқ, буларнинг барчаси фақатгина нақшдаги чизик, матодаги ипча эди холос ва нақш ақлий саноат, мато эса маърифий тадбир деб аталади, бу машғулотларнинг на бутун ва на айрим ҳолда ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ё раббий, илоҳим ўзинг юмордан айирмагин, яна бир озгина умр бер! Токи манови ярмаркадан кўра маънилироқ, аҳамиятлироқ бирон-бир иш билан, бирон нарса билан машғул бўлай! Токи арзимаган хизматкорлик вазифасида бўлса ҳам Германия ниҳоят ўзининг давлат мактабларини яна қайтадан ёпишига, Европа ўзида туғилишни камайтириш блан астойдил шуғулланишига кўмаклашай! Ушбу маърузалар учун пул ўрнига, ҳурмат ўрнига, хушомадлик ўрнига ҳаво беринг, ўпкамни тўлдириб нафас олайин!

Скептикларнинг ишонтиришича, ҳали шу пайтгача ҳеч ким юраги ёрилиб ўлмаган экан. Улар бирорта адиб ҳаво етишмаслигидан ўлиб қолиши мумкинлигини ҳам инкор этишади. Гўё адиб ҳар қандай газ ва ҳар қандай балбўй ҳиддан мақола ясай олмаганидек, рўпара келган ҳаводан ҳам нафас олавермасмиш.

Эртаси куни ҳаво яхши бўлди. Аутсбургни айланай деб чиқсам якшанба куни экан. Мен тарих билан ҳеч қачон кўп шуғулланмаганман, балки бутун билимимни шоирлардан олганман, десам бўлади, масалан, Блаубойрен сирларини Мёрике туфайли ҳатто у ердаги профессорлардан ҳам кўра яхшироқ ўрганганман, Аутсбургни Арнимнинг “Тоғ қўриқчилари” орқали яхши биламан. Нюрнберг эса менга Вакенродер ва Ҳоффманн орқали яхши таниш. Аутсбург жуда чиройли шаҳар эканлигига сизларни ишонтириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Бироқ у ерда яна бир нарса менга жуда маъқул бўлди. Ҳафталик бозорда ёғ, пишлоқ, мева, колбаса ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар уюми кўзни қамаштиради, бу ерда деҳқонлар кўп, айниқа, деҳқон аёллар, болалар ҳам бор эди, барчасининг эғнида ҳақиқий миллий либос. Биринчи деҳқон аёлни учратишим билан қувонганимдан нақ бўйнига осилиб олишимга озгина қолди, унинг ортидан эски кўчалар бўйлаб изма-из узоқ юрдим. Аёлларнинг турли кийим-кечакларини кўриб, болалик чоғларимни эсладим, Калвдаги молбозорларини хотирладим, у ерларда юзлаб деҳқонлар ва деҳқон аёлларни учратиш мумкин эди. Уларнинг ҳар бирини эғнида миллий либослари бўларди, улар турли-туман қасабалардан, ўрмончилик ва ғалла етиштириладиган хўжаликлардан келишарди, уларни чарм шимларининг рангига қараб узоқдан ҳам таниб олиш мумкин эди!

Менинг Аутсбургда ўтказган сўнгги соатларим гоёт ажойиб бўлди. Бу шаҳарда омадим юришди, кеча уни Нюрнберг билан адаштириб юбориб, унга нисбатан жуда ноҳақлик қилган эканман. Бу ерда ўзим гувоҳи бўлган барча гўзал ва ажойиб воқеалар ичида яна бир ўзига хос кутилмаган ҳодиса рўй берди. Аутсбурглик бир келин-куёв бундан ўн тўрт йил муқаддам бир китобимни ўқишган ва менга хат ҳам ёзишган экан, ўшанда туғилган биринчи фарзандлари

— қизининг исмини китобимдаги қаҳрамонлардан бирининг номи билан аташибди, мана энди ўша эр-хотин келиб, тушликка таклиф қилди, мени аввало тансиқ таомлар билан меҳмон қилиш учун сидқидилдан ҳаракат қилишди, сўнгра енгил машинада бир-икки соат кўҳна Аугсбургнинг энг муҳим ва энг гўзал гўшалари бўйлаб сайр қилдиришди. Гарчи мана шу барча меҳр-муҳаббат ва эътибор бутун менга арзимас туюлаётган бир китоб орқасидан бўлаётганидан хижолат чеккан бўлсам ҳам, барибир ушбу дамлар ажойиб эди. Эҳ, бу афсонавий шаҳарда қандай гўзал ва ғаройиб нарсаларни кўрмадим-а! Санкт-Мориц ибодатхонаси шунақанги серҳашам, ажойиб эдики, уни кўрган одам гўё Римга келиб қолдимми, деб ўйларди, унинг шундоқ ёнгинасидаги мўъжаз ибодатхонада тўрт нафар епископ ўтирарди, улар шунчаки ёғоч ёки тошхайкал эмас, балки мўмиёланган, башанг қиёфаларини кўриб, наф тирик дейсиз. Катта бутхонанинг мисдан ишланган эшиги менга энг гўзал нарса бўлиб туюлди, ҳурматга лойиқ ушбу ибодатхонанинг ичкарасида бошқа бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. У ерда кўринишдан қишлоқлик бир одамга кўзим тушди, оқ малла соқоли бутун юзини қоплаган, эгнидаги япил тус уст-боши ўнгиб кетган, елкасида юккалга бор эди. Унинг ичкарига кириб кетаётганини кўрдим, шундан сўнг улкан ибодатхона бўйлаб ниманидир излагандек юра бошлади, ниҳоят топди шекилли, тиз чўқди, бошланг кўзлари санамга қаратилган, иккала кўли илтижولي кенг очилган, ибодат қила бошлади, у кўзлари, лаблари билан кўлларини ёзиб, қафтларини очиб ибодат қиларди, бутун жону тани билан ҳеч нарсани кўрмасдан, ҳеч нарсани эшитмасдан, бу дунёни унутиб, ибодат қиларди, биз, муқаддас қадамжода худони излаш ўрнига роман бронзасини ва готик ойнабанд деразаларни ахтариб юрган худосиз анқовлар ҳам унга заррача халал беролмадик. Бу художўй инсон ва миллий либосдаги деҳқон-аёллар — худди мана шу суратлар — олтин зал эмас, мағрур фавворалар ва шаҳарликларнинг саройлари эмас, ноёб ёдгорликлари эмас, балки айнан мана шу суратлар қалбим дафтариди Аугсбургдан ўчмас хотира бўлиб қолади.

Кечкурун Мюнхенга жўнаб кетдим, энди бир неча кун дам олиб, айқаш-уйқаш таассуротлардан биров ўзимга келволишим учун вақт бор эди, афсуски, ҳали олдинда яна Нюрнберг турарди. Бир кун оқшом ўзим турган меҳмонхона директорини йўқлаб боргандим, у билан илгари дунёнинг бошқа жойларида танишганмиз, шунинг учунми, яхши виноларни қадрлашимдан ҳам хабардор эди, шундан бўлса керак, ҳазил қилиб, ертўласидан энг яхши эски шишалардан бир нечтасини олиб чиқди. Ичувчи бўлганим билан барибир кўп ичишга одатланмаганман, шу боисдан бу гал охирида биров зўриқишга тўғри келди, йўқ ҳаммаси ўтиб кетди. Билмадим, кайфнинг сархуш таъсириданми, сезмай қолибман, бир маҳал ёнимда Баден-Лимматдаги ресторан эгаси, дўстим ўтирибди, келиб, мен билан қадаҳ уриштиряпти. Маълумотимни ҳам ошириб кўяй, деб кейингиси кун катта бир газетанинг таҳририятига бордим, лекин бу кенг хоналарда кўнглим беҳузур бўлди, у ерда чорак соатдан ортиқ туролмадим. Лекин Мюнхен ҳақида кўп гапиришим мумкин эмас, у ерда ҳамиша пок виждон билан иш қилдим, дея олмайман. У ерда бир вақтлар менга яқин бўлган, мени яхши билган, ўзим яхши кўрган ва барчасини бориб, йўқлашим лозим бўлган бир талай одамлар яшашади. Бироқ бу ҳаддан зиёд катта иш бўларди, ким билади, менинг аҳволим не кечарди? Уттиз нафар киши мендан меҳрибонлик билан аҳволим яхшимни, нима иш қиляпман, ҳаётимдан, соғлигимдан, фаолиятимдан мамнунманми-йўқми ва шунга ўхшаш азоб берадиган саволларни сўрашган бўлишарди, мен эса ўтирволиб хушмуомалалик билан кулимсираб бош ирғаб, уларга жавоб қайтаришим керак бўларди, бу эса ниҳоят даражада чарчатадиган иш эди. Улардан ўзим чинакамига дўст деб ҳисоблай оладиган айримларини барибир кўриб ўтдим, уйларида, хотинлари ва болалари даврасида эмас, ишхоналарида эмас, балки биров ертўла ёки қовоқхоналарда оқшомлари ўзимиз Валдулм ёки Аффентални очволиб, дилдан чақчақлашиб ўтирдик, иқтисодий инқироз ҳақида, аввалги йиллар ҳақида гаплашдик, Боден кўли бўйида ўтган ёз ойларини, Италияга қилган сафарларимизни, урушда ҳалок бўлган дўстларимизни эсладик. Кайфиятим шу кунларда жуда яхши эмас эди, йўқ, адабиёт жонга тегиб кетганидан ёки Нюрнбергга бормаслик учун кўп нарсани тикиб юборишим мумкинлигидан эмас, балки бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди.

Саёҳатим ҳам охирлаб борарди, Тессиндан чиққанимдан буён ўтган олти ҳафта ичида мана аста-секин сўнгги бекатимга ҳам яқинлашиб борардим, ҳамон йўлда эдим, хаёлимда бу ҳақда ўйламаган бўлсам ҳам, кўнглида шундай бир савол кўндаланг турарди: энди нима бўлади? Хўш, саёҳатдан нима топдинг ва нимага эришдинг? Яна ўз ишингга, ёлғизликка қайтасанми, кутубхонанда кўзларинг оғриб, яна бир ўзинг ёлғиз ўтирасанми ёки бирор бошқа иш қиласанми? Ва бу савол ҳали-ҳамон ечилгани йўқ эди. Мен маърузалар ўқидим, дўстларимнинг муҳаббатига ва самимий суҳбатларига муяссар бўлдим, у ер-бу ерда яхши май ичиб, илиқ ва самимий давраларда ёқимли дамларни ўтказдим, бу орада чидаб бўлмайдиган ғам-ташвишлардан қутулдим, қадимий иморатларни кўриб, ўзимни бироз бўлса-да, унутдим, йўл азобидан чарчаган, бекорчи гаплар, эзмалик ҳаддан зиёд кўпайиб кетган чоғларда олисдаги узлатимни бир лаҳза бўлса-да, соғиниб кўмсардим – бироқ ҳеч нима ўзгармади, ҳеч нарса тартибга тушмади. Бу ҳолат мени кундан-кунга тобора кўпроқ эза бошлади, шунданми, ниҳоят Нюрнбергга бораётганим ҳам ўзимда на мойиллик, на миннатдорлик ҳис қилмадим, шу ишдан битта шошилинчнома билан қутулиб қўяқолиш ўрнига, аҳмоқона қаҳрамонлик кўрсатишга қарор қилиб, борганимга ўзим пушаймон бўлдим. Зеро, Нюрнбергга бориб, ҳафсалам жуда пир бўлди.

Йўлга чиққан куним ҳавонинг авзои бузуқ, қор аралаш ёмғир ёғарди, яна Аугсбург ёнидан ўтдим, шаҳар узра катта бутхона ва Санкт-Мориц қад ростлаб турарди, шундан сўнг нотаниш жойлар ўта бошлади, бекатлар орасидаги охириги масофада эса одам оёғи етмаган, хилват, қалин ўсган ажойиб қарағайзор ўрмонлар бошланди, дарахтлар уч қор бўронида чайқаларди. Бу манзара гўзал ва сирли, шу билан бирга мен, жанублик учун нохуш ҳамда ваҳимали эди. Агар шундай кетаверадиган бўлсам, ўйлардим мен, янада кўпроқ қарағайлар, янада кўпроқ қорлар учрайди, ундан сўнг эҳтимол Лейпциг ёки Берлин бошланар, кейин эса Шпицберган ва Шимолий кутб кўришиб қолса ажабмас. Э, худо, яхшиямки Дрезденга таклифномани қабул қилмаганим-а! Буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Бусиз ҳам йўл узоқ, ҳаддан зиёд узоқ эди, мен Нюрнбергга етиб келгач, хурсанд бўлиб кетдим. Кўнглимда мен бу готик шаҳарда ҳар турли мўъжизалар кутгандим. Коффманн ва Вакенродер руҳи билан учрашаман деб умид қилган эдим, бироқ афсуски, бундан ҳеч нима чиқмади. Шаҳар менда даҳшатли таассурот қолдирди, бунда албатта, шаҳар эмас, ёлғиз ўзим айбдорман. Мен ҳақиқатан ҳам мафтункор, Улмдан кўра бойроқ, Аугсбургдан кўра ўзига хосроқ эски шаҳарни кўрдим. Авлиё Лоренц ва Авлиё Зебалдни, рагуша ва унинг таърифлаб бўлмайдиган даражада гоёг гўзал фаввора турган ҳовлисини томоша қилдим. Мен буларнинг барчасини кўрдим, ҳаммаси жуда гўзал эди, бироқ барчаси катта, лоқайд, зерикарли корчалон шаҳар бинолари билан ўраб олинган, моторларнинг гувиллаган шовқин-сурони остида, автомобиллар қуршовида эди, барчаси тўрсимон гумбазлар қурмайдиган ва жимжит ҳовлиларга фаввораларни гуллардек гўзал қилиб ўрната олмайдиган бошқа бир замон суръати остида аста титрарди, барчаси йиқилай-йиқилай деб турарди, чунки на руҳ, на маъно бор эди. Қандай гўзал, қандай мафтункор нарсаларни кўрмадим бу маҳобатли шаҳарда! О, ажойиб диққатга сазовор жойлар, черковлар, фавворалар, Дюрер уйи, қалъа, балки майда, тасодифий, аслида менга қадрли бўлган бир талай нарсалар. “Шар” деб аталадиган бир дорихонада (у мустаҳкам, муҳташам эски бинода жойлашган эди), ўзимга чўмилиш учун янги кўзойнак сотиб олдим, бу ердаги витриналардан бирида ҳозиргина тухумдан чиққан тимсоҳчанинг тулуми тухум пўчоғи билан бирга кўйиб қўйилибди. Бу ерда мени шунга ўхшаш яна кўпгина нарсалар ўзига тортди. Бироқ менга ҳеч нарса ёрдам беролмади. Назаримда, барчасини манови лаънати машиналардан чиққан газ қоплаб олган, барчаси емирилган, барчаси инсоний эмас, балки иблисона ҳаётдан зириллаган, бариси ўлишга, йўқ бўлишга тайёр, бу дунёга нафратдан қулаб тушишга ва ҳалокатга ташна, беҳуда тураверишдан, руҳсиз гўзалликдан чарчаган эди. Адабий уюшмада очиқ чеҳра билан кутиб олишгани ҳам, сўнгги (узоқ вақт, балки бир умрга) маърузамни тугатганимдан кейинги енгил тортиш ҳам, ҳеч нарса ёрдам бермади. Ҳеч қандай рўшнолик йўқ эди бу ерда. Меҳмонхона буғ билан иситиларди, керагидан ортиқ қиздириб юборилганидан хона исиб кетган, кечаси билан ҳам совимас, деразани очай десам, серкатнов кўча шовқини,

бу ёқда манови ярамас аппарат — телефон кечаси оғриқ кучайиб, ухлаёлмаганимга яраша тонгда озгина мизғиб олишга ҳам қўймасди. Одамлар, нега мени бунчалик қийнайсизлар, ундан кўра тезроқ ўлим бериб қўяқолмайсизларми!

Шу аснода ботинимдаги кузатувчи ушбу ҳолатимни одатдаги босиқлик билан қабул қилиб, бечора бу сафар портлаб кетармикин ёки яна ҳали бироз чидармикин деб, қизиқувчанлик билан қараб турарди. Ичимдаги кузатувчи (у ушбу қисса қаҳрамонларидан мустасно) саёҳатчи шоирнинг тасодифий қувонч ва изтироблари билан иши йўқ, уларни ёзиб боришни билади холос, вақти келиб бир кун бу ҳақда ҳали жиддийроқ гапириб беради. Бугун эса фақат саёҳатчи тенор тасодифий нарсаларни бошдан кечириб, улардан изтироб чекадиган ботинимдаги тасодифий одам гапиради, холос.

Айнан Нюрнбергда ўзимни тўқсон яшар ўлаётган чолдек ҳис қилдим, шу ерда мени жойимга қўйиб қўяқолишсин, деган тилақдан бошқа ҳеч қанақанги истак-хоҳиш йўқ эди, айнан шу ерда мен кўпроқ ёшлар билан мулоқотда бўлдим. Улардан бири, ўқувчи ё талаба бўлса керак, маърузадан сўнг мени хижолат қилиб қўйди. У китобга бир нима деб ёзиб беришимни сўради, нима ёзишни билмай турганимда (шу пайтда миямга нима фикр ҳам келарди) грекча сўзларни, китобларимдан бирида учрайдиган Инжилдан цитата ёзиб беришимни таклиф қилди. Йигирма йилдан ошди, грекча ҳарф ёзмаганимга; худо билади, ёзувим қанақа чиқди! Бошқа бир йигит ёш шоир экан, Нюрнбергда ўтган ўша қисқа вақтимнинг каттагина қисмини у билан бирга ўтказдим ва ундан хурсанд бўлдим. У ўзи менга илгарийёқ ёқиб қолган эди, қисман менинг ҳақимдаги жиддий мақоласида шеърый машқларимнинг беҳуда уриниш эканлигини ва унинг сабабларини жуда яхши кўрсатиб берган эди, қисман эса кичкинагина дoston муаллифи сифатида, (ушбу дoston чинданам жозибали ёзилган бўлиб, унинг қаҳрамони шоир Граббе эди). Йигитча менга ёқиб қолган эди. Бу ёш шоир мен билан Нюрнберг бўйлаб бирга юрарди, ўзи ўткир ичимликлар ичмасида, кечкурунлари қовоқхоналарда сабр-тоқат қилиб мен билан бирга ўтирарди, у ўзининг ёқимтой хеҳраси ва кичкина нозик қўллари билан баъзи дақиқаларда мени бу шаҳарда хавф-хатардан асраш буюрилган фариштага ўхшаб кетарди.

Шундай бўлса ҳам, ҳарҳолда хийла саросимага тушган ва умидсиз кайфиятда эдим. Бир нарса менга аниқ эди — у ҳам бўлса, бу ердан имкони борича тезроқ кетиш. Мюнхенда ишонарли, яхши бир дўстим бор эди, у билан телеграф орқали боғланиб, бу ерда ортиқ турулмаслигимни, иложи бўлса, мени кейинги тезюрар поезд билан Мюнхенда кутишини маълум қилдим. Бор-будимни яна чамалонга наридан-бери тикдим-да, меҳмонхонадан вокзалга бир амаллаб етиб олдим ва гарчи синиб кетган бўлсам ҳам кутулганимга шукур қилиб, наздимда ҳалокатга маҳкум Нюрнбергдан жўнаб кетдим. Поезд яхши эди, Мюнхенга етгунча ҳеч қаерда тўхтамади, бироқ Мюнхенга етиб борганимча бўларим бўлди, йўл жуда узоқ туюлди, аллақанча вақт ўтди, дилим хуфтон, кўзларим қизарган, тиззаларим қалпирар, бамисоли тўқсон яшар чол эдим. Эҳтимол, бу саёҳатимнинг энг гўзал лаҳзаси эди. Мен яна Мюнхенда эдим, ҳаргунул тирик эдим, барчаси ортда қолган, энди ҳеч қачон маъруза ўқишим керак эмас эди. Дўстим эса, бўйчан ва бақувват, кўзлари кулиб турар, қўлимдан дарҳол чамалончани олиб, кўпам сўраб-суриштириб ўтирмасдан, бизни фалон-фалон ресторанда танишларимиз кутишаётганини айтди. Менга қолса, ҳозирроқ ўзимни каравотга ташлаган бўлардим, аммо ресторан ҳам ёмон эмас эди, рози бўлдим. Стол атрофида адабиёт ва танқиднинг йирик арбоблари ўтиришар, бизни кутишаётган, қадаҳларга эса ҳақиқий асл мозел қуйилган эди, энг қизиқарли мавзулардаги суҳбат ва мунозараларга қулоқ солиб ўтирардим ва бундан мамнун эдим, чунки бу гапларнинг менга муғлақо алоқаси йўқ, мендан ҳеч нарса талаб қилмас, қизиқарли эди холос, мен бу ерда ўтириб, ҳаяжонли ва ақлли чеҳраларга боқиб шаробдан ичардим, уйқум ҳам келаяпти, агар хоҳласам эртага умуман ўрнимдан турмайман, бир кунми, бир йилми, юз йилми — ётаверишим мумкин, ҳеч ким мендан бирон нима талаб қилмайди, ҳеч қанақанги поезд мен учун хуштак чалмайди, энди ҳеч қандай минбар мен учун ёритилмайди, шишада сув қуйилмайди, на грекча, на бошқа ҳарфларни ёзишимга тўғри келмайди.

Мюнхен яқинидаги қишлоқ жойда истиқомат қиладиган опшамникида бироз дам олиб, уйга қайтиш уловини аниқлаб олиш учун яна бир неча кун қолдим.

Шу аснода инсофга келиб, тўғрироғи, уйга қайтиш олдидан қўрқув босиб, бу орада келган хатларни менга юборишларини талаб қилишга қарор қилдим. Жўнатилган бир боғлам қоғоз менга бир неча кунлик иш бўлди, ўша арзимас нарсалар орасида қизиқ бир нима ҳам бор эди – мен кўлёмасини қайтариб берган ёш шоир узундан-узун хат йўллаганди. Ўшанда унинг ўта носамимий, тилёғлама мактуби менга қаттиқ теккан эди, энди эса у беназир самимият билан ғайрат ва муҳаббат-ла танланган иборалар ёрдамида очиқ-ойдин қилиб, мени нақадар пасткаш, бемаъни ва ярамас одам сифатида тасаввур қилиб келганини ёзиб юборибди.

Баракалла, навқирон шоир ука, бундан кейин ҳам шундай давом эттиргин! Навқирон адабиётдан биз чиройли сўзлар эмас, самимийлик кутиб қоламиз. Бавариялик дўстларим орасида энг яхши кўрганимни бир кечага чақириб олишга муваффақ бўлдим, оқшом зўр ва самимий ўтди, уни ҳеч қачон унутмайман. Энди яна хусусий шахс бўлиб олганим учунми, адабиётга ҳам муносабатим анча соддалашди ва ҳаётимда илгари кўпам қилмаган иш – ҳамкасбларимга шахсан яқинлашишга журъат этдим. Ёзувчи Йозеф Бернхарт билан бирга ўтган бир соат вақт ниҳоятда самарали бўлди. Бир кечани Томас Манн ҳузурда ўтказдим. У билан алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик, у суҳбатни ажойиб тарзда ва дид билан, яхши кайфиятда, ярим самимий, ярим кулигили, ўзининг шинам уйи, ақл-идроқи ва яхши одатларига таяниб олиб борди. Бу кеча учун ундан миннатдорман. Энди “Симплициссимус”да босилаётган “Санъаткорлар мактублари”нинг муаллифи Йоахим Рингелнатцни ҳам кўргим келди, у бир кечага ташриф буюрганимдан ғоят хурсанд бўлди.

Шаҳар ташқарисида – Нимфенбургда роҳат қилдим, мени эркалатиб юборишди, мен у ерда кун бўйи кўзларимни сувдан узмай ўтирар ёки кекса азим дарахтлар остида у ёқдан-бу ёққа бориб келардим, шамолда шодон ўйнаётган сўлгин япроқларни – ўзимизнинг митти оғаларимизни кузатардим. Уларга қараб туриб гапга ботардим, дам кулиб олардим. Худди уларга ўхшаб, мен ҳам бугун Мюнхенга, эртага эса Цюрихга учаман, сўнг яна ортга қайтаман, муттасил ниманидир кўвиб, изгиробдан қочишга, ўлимни яна бироз кейинга суришга интиламан. Нега энди бунчалар қаршилик кўрсатамиз? Хафа бўлардим мен. Чунки бу ҳаёт ўйини-да, кулардим мен.

Бинобарин, кулги мен учун яхши ҳамда кўнгилдаги нарса экан, ошнамдан Мюнхенда мен илгарилари кўрганимдақанги ҳозир ҳам ҳақиқий классик комиклар борми-йўқми, деб сўрадим. Албатта бор, дўстим шунақалардан биттасини биларкан, унинг исми Валентин экан ва биз газеталарни титкилашга тутиш кетдик, маълум бўлишича, у кечқурунлари камер театрида ўзининг “Мюнхенлик қароқчи-қуролбардорлар” пьесасини кўяркан. Бир куни оқшом театрга тушидик. Бу мўъжазгина театрда соат ўнгача Стриндбергни кўйишди, сўнг Валентинга навбат келди. У ушбу ажойиб пьеса, фавқулудда бемаъни сафсата – “Мюнхенлик қароқчи-қуролбардорлар”ни кичкинагина труппа билан бирга ижро этди. Пьесанинг бор мазмуни шу эдики, Валентин узун қилични тақиб олиб, соқчи сифатида у ёқдан-бу ёққа юриб турар ва шу аснода кулигили гапларни гапириб, ғалати қилиқлар қилар эди. Баъзан эса воқеа йиғлаб юборгудек даражада ғамгин тус оларди, масалан, у кечки аёзда шаҳар девори олдида ўтирволиб, гармон чалган кўйи ёшлигини эслар, мудом уруш ва ўлим ҳақида ўйларди. Ёки ўйланиб, кўрган тушини сўйларди, тушида у ўрдак эмиш, сал бўлмаса узун чувалчангни югиб юбораёзибди. Шу ўринда инсоннинг билиш қобилиятини чекланганлиги энг содда шаклда ғоят ажойиб тарзда тасвирлаб берилганига қойил қоласан. Ўша гармон жўрлигидаги фожиавий ҳикоя ҳам бирданга кўтарилган қаттиқ кулги, қаҳқаҳалар билан кутиб олинарди, мен ҳали бундай мамнун томошабинларни учратганимча йўқ. Одамлар ҳам кулишни ёқтиришаркан, қаранг! Ҳавонинг совуғига қарамасдан улар, бироз кулишайлик деб, узоқ шаҳар атрофларидан келишсади, пул тўлашади, тун яримдан оққандан кейингина уйларига тарқалишади. Мен ҳам роса кулдим, менга қолса, ушбу пьеса эрталабгача давом этаверса, дердим. Худо биледи, энди яна қачон кулишамиз. Қизиқчининг маҳоратига, унинг аҳмоқона хатти-ҳаракатларимизни ҳамда бемаъни ва мудҳиш қисматимизни қанчалик даҳшатли ва ночор тарзда тасвирлаб, кулги формуласига келтира олишига қараб, шунчалик кўп кулиш

мумкин! Ортимизда ўтирган томошабинлардан бири, ёшгина аёл қутилмаганда иккала тирсагини елкамга қўйиб олди. Мени севиб қолдимикин деб ўйлаб, ўтирилиб қарасам, йўқ, бу кулгининг таъсири, кулгидан ўзини туголмай, жин ургандек менга қараб сапчиган экан. Валентин ҳақидаги ушбу хотира – мазкур саёҳатнинг жавоҳиротларидан биридир.

И З О Ҳ Л А Р

1. *Готик меҳроб* – 1493 йилда меъморлар Й.Зюрлин ва Г.Эрҳарт томонидан бунёд этилган. Ёғоч ўймакорлиги бўйича немис готик санъатининг ажойиб ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

2. *Клётце Блай* (Қўрғошин кунда) ривоятларга кўра, кишиларни кўринмас одамга айлантириб қўя оладиган тош.

3. *Блаутонф* (Кўк хумча) – Дунай ирмоғи ҳисобланган кичик дарё Блау (кўк, мовий) бошланадиган булоқнинг чуқур ҳавзаси.

4. *Ҳикоянавис* – немис шоири ва носири Эдуард Мёрике (1804-1875), соҳибжамол Лау ҳақидаги новелла муаллифи.

5. *“Урмондаги митти чол”* – соҳибжамол Лау ҳақидаги новелла киритилган эртақнинг номи.

6. *“Яшил Ҳайнрих”*даги чўмилиувчи қиз *Юдиф* – Готфрийд Келлернинг “Яшил Ҳайнрих” романи қаҳрамони, гўзаллик, табиийлик ва соддалик тимсоли.

7. *Фақат гам-ташвиш* – М.Пфайфер ўз изоҳларида қайд этишича, ўша кезларда Ҳессенинг иккинчи турмуш ўртоғи Рут Венгер сил касалига чалинган, бундан ташқари, “Дойче ферлагсанштагт” нашриёти билан асар чоп этириш тўғрисида аввал тузилган шартнома бекор қилинган эди.

8. *Капут-мортум* – caput mortuum (лот.) – ўлик бош (жонсиз тана), бу ерда: яроқсиз, кераксиз, қалдини йўқотган маъносиди.

9. *Шёк, Отмар* (1886-1957) – швейцариялик бастакор, Ҳессенинг дўсти, унинг 23 та шеърига мусиқа басталаган.

10. *Сиёмлик дўстларим* – Алиса ва Фриц Лайтҳолдлар назарда тутиляпти, Ҳессе улар билан ўзининг Ҳиндистонга саёҳати чоғида танишган, уларнинг Цюрихдаги уйида бир неча марта бўлган. Ёзувчи “Нюрнберга саёҳат” сафарномасини уларга бағишлаган.

11. *Хофер, Карл* – швейцариялик рассом, Ҳессенинг Монтаньоладаги уйида кўп марта бўлган.

12. *Симбиоз* – (биол.) – икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб, бирга яшаш.

13. *Эски қадрдон дўстим Писториус* – шу ном остида Ҳессе ўзининг “Демиян” романида К.Г.Юнгнинг шогирди, руҳшунос-шифокор Йозеф Бернард Лангни тасвирлаган. 1916-1917 йилларда Ҳессе ундан руҳий таҳлил сеансларини олган.

14. *Луи Бераҳм* – Ҳессе ўзининг ошнаси, рассом Луи Муайени шундай атаган.

15. *Бойрон* – Дунай водийсида жойлашган ўпка касалликлари курорти.

16. *Веренваг* – Дунай водийсидаги қалъа, қачонлардир миннезингер Ҳуго фон Веренвагга қарашли бўлган.

17. *Лудендорфф, Эрих* – немис генерали, герман милитаризми идеологларидан бири.

18. *“Тоғ қўриқчилари”* – немис романтик ёзувчиси Лудвиг Ахим фон Арним (1781-1831) нинг тарихий романи.

19. *“Симплициссимус”* – Ҳессе ҳамкорлик қилган немисча ҳажвий суратли ҳафталик журнал.

Олмончадан
Мирзаали АКБАРОВ
таржимаси.

“Бесаранжом” давр асари

Жаҳоннинг истеъдодли адиблари ўз ижодларида жамиятдаги долзарб муаммоларни чуқур бадиий таҳлил ва талқин қилишгани учун, улар яратган асарлар жамият маънавий ҳаётига фаол таъсир кўрсатган. Маълумки, ҳар бир давр адабиётининг етакчи хусусиятлари ўша давр етиштирган йирик адабий сиймолар ижодида ўз мукамал ифодасини топади. XX асрнинг биринчи чораги ўзбек адабиётини том маънодаги изланиш даври адабиёти дейиш мумкин. Бу хусусият бевосита Чўлпон насрига ҳам хосдир. Биз табиатан изланувчан адиб ўз ижодида хорижий адабиётларга хос поэтик воситаларни миллий адабиётимизга дадил киритганига гувоҳ бўламиз¹. Шу мулоҳаза асосида Чўлпон яратган “Кеча ва кундуз” романини таҳлил қилиб кўрайлик. Адибнинг бу асарни ёзишдан мақсади Зеби, Акбарали мингбоши ёки Мирёқуб характерларини кўрсатишдангина иборат эмас, албатта. Серқирра истеъдод эгаси бўлган Чўлпон романда бу шахсларни асосий қаҳрамон қилиб олса-да, адибнинг бадиий-эстетик мақсади хоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон халқи бошига тушган, Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романи муқаддимасида айтганидек, “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари” эпик манзараларини кўрсатиш эди. Зеби ва ота-онасининг аччиқ тақдири, ёш маъсуманинг Акбарали хонадонидида кундошлар даврасида чеккан изтироблари, мингбошининг маърифатдан бегоналиги, Мирёқубнинг ўз-ўзини англай бориши каби сюжет чизиқлари ёзувчи ғоявий мақсадига мутаносиб равишда равижланиб боради.

Ижодкор романдаги характерларни турли вазият, шароитларда таҳлил этади.

Маълумки, характерлар ривожини учун асар сюжетида юз берадиган ҳодисалар — кутилмаган вақтда воқеаларнинг кескин ўзгариши (перипетиялар), шулар оқибатида қаҳрамонлар руҳиятида туғиладиган — мураккаб кечинмалар (коллизиялар), мушкулотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таянч образ сифатида ишлатилган ҳар бир сўз бирикмаси, сўз, ҳатто морфема бутун матнда нутқий образли буғунлик ташкил қилади.

Роман матнини кузатиш давомида ёзувчининг даракловчи сўзларга кўп эътибор берганини кузатамиз. Масалан, роман воқеаларини ёритишда Чўлпон бир неча ўринда “бесаранжом” сифатини такрорлайди. Бу унинг бошқа сўз топа олмаганлигидан эмас, албатта. “Бесаранжомлик” содир бўладиган воқеа муқаддимасига урғу беради. “Бесаранжомлик” — таъсирчанликни кучайтирувчи, кетма-кет, ўзаро боғланиб келувчи ва ҳар бир поғонада ҳал қилувчи маънони ифодаловчи кучли усулга айланади:

“Отаси бондоддан кирмаган, онаси сизир соғин билан овора, ўзи кичкина саҳни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг *бесаранжом* очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди” (5-бет). Биз *бесаранжом* сўзини даракловчи сўз деб олдик, кейинги парчаларда бунга жавоб топамиз. Бесаранжомлик, дастлаб айнан Зеби ҳолати билан бошланади. Бир қарашда ёзувчи бу сўзни шунчаки ишлатгандек туюлса ҳам, тасвир билан танишиш асносида у махсус қўлланган восита эканлигига амин бўламиз. Кейинги парчада *бесаранжомлик* иккинчи поғонага кўтарилади:

“Бу қишлоқ саёҳати, аравакаш йигитча билан тасоҳифан танишиб қолиши, шу танишув орқасида

¹ Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т.: Шарқ, 2004.

кўнглида сезгани *бесаранжомликлар* бечора қизни ҳалигидек қора ўйларни ўйлашга мажбур қилган эди” (37-бет). Бу парчада ёзувчи Зебининг кўнглида кечаётган муҳаббат учқунларини туйғулар гирдоби, “қора ўйлар” исканжасида кузатади. Шу орқали унинг сезгилар оламига назар солади. ҳар бир такрорланган “бесаранжомлик” қаҳрамон кечинмаларида бурилиш ҳосил қилади. Руҳий жараёнлар ривожининг яна бир қиррасини очишга замин тайёрлайди.

Навбатдаги поғона:

“Бу ёшликнинг бепарво кучоғида маъсум гўдаклардай, ҳеч нарсадан хабарсиз тўлиб-тошиб ухларкан, сўри томонда икки кампирнинг ташвишли бир ун билан, алланегга *бесаранжом* бўлиб пичирлашгани эшитиларди” (66-бет). Энди Зеби тақдири ҳақида онаизор Қурбонбиси ва Салтанатхоннинг оналари *бесаранжом* пичирлайдилар. Кузатганимиздек, такрорланиб келаётган “бесаранжомлик” ўзаро кўринмас иплар билан боғланиб, матнда муҳим вазифани адо этмоқда.

Кейинги поғона:

“Уч бўлиб айтилган шу икки оғиз сўзда ҳам *бесаранжом* бир жадаллик бориди. Эрининг бирор нарса дейишини кутмасдан бечора хотин бояги *бесаранжомлик* билан қаторасига уч саволни чизиб ташлади!..

— Мингбоши бўлса хотини бордир? Худо уриб, кундош устигами?!

Бу *бесаранжом* саволлар қизнинг қулоғига жуда аниқ эшитилган эди” (69, 72-бетлар). Келтирилган парчада бир неча бор такрорланган *бесаранжом* сўзи вазиятнинг тобора кучайиб боришига хизмат қилади. Сюжет ҳаракатини таъминловчи такрорланиб келаётган “бесаранжомлик” олдиндан хабар берувчи “шароитни ифодаловчи ибора” (обстановочная фраза — В.В.Виноградов ифодаси)га айланади.

Чўлпон кескин бурилиш ясайди, энди *бесаранжомликлар* мингбошига ўтади:

“Хўжайиннинг *бесаранжом* кўнглини тинчитай, ундан кейин ётиги билан бу хабарни эпитдираман” деган бўлса-чи?!” (88-бет). Адиб *бесаранжомликларни* мингбошига юклар экан, Зебида *бесаранжомлик* билан бошланиб, турфа босқичларни ўтагач, ниҳоят бефарқлик ва тақдирга розилик билан тугаган ҳис-туйғуларнинг поймол бўлишини куйидагича чизади:

“Зеби каттақон уйнинг тўрисида, очик дераза ёнидаги бурчақда, чимилдиқ кетида онаси билан бирга ўтирарди. Унча *бесаранжом* бўлгани ҳам кўрилмасди” (106-бет).

Ёзувчи Акбарали мингбоши Зебини интизорлик билан кутаётганини тасвирлар экан, яна унинг ҳам “*бесаранжомлигини*” кўрсатади:

“Мингбоши ишнинг бу равишга киришини ҳеч бир кутмаган эди. Бошқа ҳамма кишилардай у ҳам Зебининг тутқалоқларини “қизнинг нози” деб билар ва тезда ўйиб кетишига ишонарди. Шунинг учун кундузларини жуда *бесаранжомлик* билан ўтказиб, кеч кирганда энтика-энтика ичкаридан севинчли хабар кутарди” (113-бет). Акбаралидаги *бесаранжомлик* Зеби кечинмаларидан кескин фарқланади. Унинг энгикишларида қиз қалбига бегоналик баробарида гўзал туйғулардан ҳам йироқлик, бир қадар тўпорилик намоён бўлади.

Чўлпон мингбошидаги *бесаранжомликларга* чек қўйиб, Мирёкубга ўтади:

“Мирёкуб битта-битта қадам босиб Нойиб тўранинг уйига томон юрди. Унинг миясида аллақандай *бесаранжом* фикрлар айланарди” (127-бет). Адиб Акбаралига ўхшаган минглаб одамларни тасвирлаб ўтирмайди. Аксинча, бир қарашда ғурур пардасига бурканса-да, ўз нафсини тия олмайдигандек кўринган Мирёкубдай писмиқ, айёр киши қалбида ҳам одамийлик белги-хусусиятлари сақланганлигига диққатни қаратади. У энди мовий кўз дилбар кўнглини ўлдирмаслик, умидини синдирмаслик, аламти ва айни чоқда маъсум дилида уйғота олган туйғуларини сўндирмаслик тилагида. Бошқачароқ айтганда, Мирёкуб руҳан иккига бўлиниб, ўз-ўзи билан курашади. Энди у “итлик”да мингларнинг бири эмас, бинабарин Акбаралидан кескин фарқланади. Гарчанд Мирёкуб ҳали одамийлик сарҳадларига ўтишга ўзида тўла маънода ички куч топа олмаган бўлса-да, унинг туйғулар оламидаги *бесаранжомлик* шайтоний майллардан раҳмоний кечинмалар томон сезиларли силжиш содир бўлаётганини кўрсатади. Қаҳрамон ўз қалбидаги итликнинг осий ўйларини ҳайдашга, узоқ туш мисол ёҳуд бир босинқираш каби ўтган умрини таҳлил этиш ва уйғонишга ички эҳтиёж сезади.

Адиб Мирёкуб ва Марям муносабатларини тасвирлаб туриб ҳам,

бесаранжом кўзларга ургу беради: “Ўпиб бўлгандан сўнг Мирёкубнинг ёнидан унча узоқлашмасдан унинг қоп-қора ва *бесаранжом* кўзларига тикилиб турган хотин, голиба, унинг шу топда кечираётган талвасаларидан хабардор эмасиди” (148-бет). Мирёкуб қиёфасида “азиз дўст” ва меҳрибон акани кўриб, “сингил сифатида” ҳар қандай ҳирсдан йироқ, ғоятда тинч ва лоқайд тарзда келиб пешонасидан ўпган Мария учун Мирёкуб чин маънода халоскор дўстга, азиз ва қадрли кишига айланган эди. Мирёкуб эса дабдурустан аёл киши билан бу қадар дўстона яқинликни тасаввурга сифдира олмайди. Унинг баданлари “дир-дир” титраши, аёлнинг қўлларидоги қизгин ҳарорат ҳамда мулоийм майинликдан *бесаранжом* бўлиши ғоятда табиий чизилади. Мухими, Мирёкуб гўзал ва ёқимли туйғулардан масрур бўлиб, ўзини ярамасликлардан тия олади. Ҳаётда, фақат уни деб яшаши мумкин бўлган бир инсон кўнглига йўл топганидан, шу гўзал аёл ўзининг маъсум қалбига кирмоқнинг бутун ихтиёрини унга топширганидан ўзида йўқ шод эди. Бинобарин, бу *бесаранжомлик* ўткинчи жисмоний талваса эди, холос.

Келтирилган парчалардаги тасвир матни бирлаштирувчи, характерлар руҳиятини очувчи восита сифатида келади. Ёзувчининг ўткир нигоҳи ҳеч бир детални кўздан қочирмайди. Воқеалар ривожини давом этаяпти, шу билан бирга “*бесаранжомлик*”лар ҳам:

“Ошхонадан Зуннуннинг *бесаранжом* хурраги, йироқлардан хўрозларнинг чўзиб-чўзиб чақиришлари, ҳовли томондан очилаётган эшикнинг шарпаси эшитиларди...” (152-бет). Ҳар бир такрорланган “*бесаранжомлик*” ўз маъно кучига эга. Масалан, Зебидаги “*Бесаранжомлик*”да кўпроқ чорасизликка мойиллик бор. Мингбошидаги “*бесаранжомлик*”да ички хотиржамликнинг йўқолиши, наҳсга интилиш кўринади. Мирёкубда руҳий покланишга томон силжиш — катарсис сезилади. Зуннуннинг *бесаранжом-*

лигида эса ўз тақдирдан ташвишланиш, айёрона режалари фош бўлишидан хавотирланиш мавжуд. Якунловчи парчадаги “*бесаранжомлик*”да эса оқлодшонинг ҳар бир буйруғини илгаригидай сўзсиз бажармай кўйган ва важоҳати ўзгарган ҳалққа янги солиқлар жорий қилиш мушкуллигидан чўчиган амин ва элликбошиларнинг хавотири, эҳтиёткорлиги ҳамда иложсизлиги акс этган. Пировардида эса Чўлпон муқаррар ўзгаришлар, янги пўртаналар олдидаги эл-юрт сабр косасининг тўлиб бораётгани билан биланқ *бесаранжомлик*ни ҳам ифода этмоқда:

“Ўтирганларнинг оғзидан хор билан айтилгандай яхлит ва *бесаранжом* бир овоз чиқди: гу-в-в!... Худди “дод-д” дегандай...” (204-бет).

Англашиладики, Чўлпон қўллаган бадиий такрорлар тасвирланаётган вазият — ҳолатга нисбатан ўз субъектив муносабатини ифодалаш, уни баҳолаш, айни воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томони, у ёки бу характер табиатига хос белги-хусусиятларнинг намоён бўлиш жараёнини кўрсатиш орқали ўқувчи диққатини тортиш, уни чуқурроқ акс эттиришга хизмат қилади. Албатта, кичкина мақолада Чўлпон романи бадииятини кўтариб турувчи барча устунлар ҳақида тўхталишга ожизмиз. Шунга кўра бу изланишларни давом эттириш йўлидамиз.

XX аср янги ўзбек романчилигининг тараққиётида “Кеча ва кундуз” романи ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Миллий адабиётимизда замонавий насрчилик эндигина шаклланаётган бир даврда янгича изланишларни дадил ўзлаштирган Чўлпон ижодий тажрибалари XX аср ўзбек романчилиги поэтик хазинасини янада бойитишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Чўлпон ўз ижодий мероси билан насрий жанрларнинг турфа имкониятларини намоён қилди. Айниқса, “Кеча ва кундуз”да турли поэтик усул ва воситаларни дадил қўллаб, уларнинг миллий адабиётимизда ўзлашиб қолишига пухта замин ҳозирлади.

Шаҳноза ТўйЧИЕВА,
Ўзбекистон Миллий
университети аспиранти

Ноёб ҳикоялар хазинаси

Ш.Холмирзаев. Сайланма. Уч жилдлик.
“Шарқ” НМК, Тошкент, 2003-2006.

Нихоят ўзбек адабиёти ҳам биринчи марта алоҳида бир ёзувчининг фақат ҳикояларидан иборат кўп жилдлик “Сайланма” асарлари мажмуасига эга бўлди. Бу олий мақомга илк бора Ўзбекистон халқ ёзувчиси, истеододли ҳикоянавис Шукур Холмирзаев эришди. Бутун умри давомида ҳаммаси бўлиб 80 га яқин ҳикоялар ёзган Абдулла Қаҳҳор ҳаётлигида нашр этила бошланган 6 жилдлик “Асарлар”ига атиги 38 та ҳикоясини киритган эди. Орадан 20 йиллар ўтиб, адабнинг 80 йиллиги муносабати билан нашр қилинган 5 жилдлигига эса рафиқаси Кибриё Қаҳҳорованинг розилиги ва таҳрири билан яна тўртта ҳикояси қўшилиб, жами 42 тага етказилди. Бу ҳақиқий санъаткорнинг ўта талабчанлиги ва ижод масъулиятини тўла ҳис қилиши намунасиدير.

Адабиётни муқаддас Каъба, ёзувчиликни қисмат деб билган Шукур Холмирзаев самарали ижод этди. У юзга яқин ҳикоя, 6 та қисса, 5 та роман, ўнга яқин эссе ва иккита драма яратди. Илмий мақолалари, адабий суҳбатлари, баъзи асарларга ёзган сўзбошиларини ҳам қўшсак, адабнинг 40 йиллик ижод маҳсули бой эканига амин бўламиз. Афсуски, ўзбек китобхони бу ижод намуналаридан шу пайтгача тўла баҳраманд бўлолмай келаётган эди. Дарвоқе, “қирқ йилдан ортиқ вақт давомида ёзилган ҳикояларини йирик мажмуа ҳолида кўриш” Шукур Холмирзаевнинг ҳам ягона орзуси эди! Хайриятки, орзу ушалди, ният амалга ошди. Адибнинг қизи филология фанлари номзоди Сайёра Холмирзаеванинг астойдил ҳаракати туфайли адибнинг бирйўла уч жилдли ҳикоялар мажмуаси дунё юзини кўрди. Уч жилднинг умумий ҳажми 1381 саҳифани ташкил этади (сўзбоши, илова ва изоҳлар ҳамда Ш. Холмирзаевнинг қизи Сайёрага

ёзган хати бу ҳисобга кирмайди). 2-ва 3-жилдларга кирган 35 та ҳикоядан 33 таси биринчи марта китоб ҳолида ўқувчилар қўлига етиб борди. Изоҳдан маълум бўлишича, ёзувчининг яна ўндан ортиқ ҳикоялари жилдларга кирмай қолган (шулардан бири “Дарвеш” ҳикояси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2006 йил 28 апрел 17-сонида босилди). Агар улар ҳам қўшилганда юқоридаги ҳажм янада ошиши табиий эди.

Лекин адабиёт учун гап ҳажмда ҳам, миқдорда ҳам эмас. Асосий гап бадиий асарнинг шаклан ва мазмунан оригинал-лигида, макроструктурасининг ўзига хос тузилишида, гоёнинг замонавийлиги ва яшовчанлигида, ундаги персонажларнинг янгилиги, ички ва ташқи дунёси жиҳатидан ўқувчига яқинлиги ҳамда тушунарлигида, юксак бадиийлигидадир. Табиийки, ёзувчи асарларининг барчаси ҳам бир хил савияда бўлмай, ўзининг шакл-шамойили, гоёвий мазмуни ва бадиияти билан бир-бирдан маълум даражада фарқ қилади. Шу маънода 1-жилдга кирган ҳикояларни Шукур Холмирзаев ижодининг дастлабки 20 йиллик изланишлари самараси сифатида тан олиш ўринлидир. Ундаги ҳикоялар, аввало, қисқалиги ва соддалиги билан эътиборни тортади.

“Сайланма”нинг 1-жилди босилиб чиққач, таникли журналист ва ёзувчи Нусрат Раҳматнинг Шукур Холмирзаевга йўллаган мактуби (“Янги адабиёт эҳтиёжи”. “ЎзАС”, 23.04.2004.) ва тадқиқотчи З. Мирзакаримованинг “Кичик жанрдаги катта маҳорат” сарлавҳали тақризи (“ЎзАС”, 30.04.2004) босилиб чиқди. Уларда Ш. Холмирзаев ҳикоялари ўқувчиларга “сеҳрли кўшиқлар”дек таъсир этиши, адибнинг кичик жанрдаги катта маҳорати баҳоли қудрат тадқиқ этилган эди.

Иккинчи жилдга кирган асарлар (1984-1996 йиллар) Шукур

Холмирзаевнинг уста ҳикоянавис сифатида бир поғона юқорига кўтарилганлигини исботлайди. Энг кичиги 5 бетдан (“Йиғи”) 73 бетгача (“Озодлик”) бўлган ҳикоялари бадий тасвирнинг қуюқлиги, кўримлилиги, воқеликнинг кўламдорлиги, инсон образига нисбатан муносабатнинг тубдан янгиланганлиги билан эътиборлидир. Чунки бу даврга келиб, Шукур Холмирзаев жаҳон ҳикоячилиги сирларини анча мукамал ўрганди. Р. Тагор, Ж. Лондон, О. Генри, У. Фолкнер, Э. Хемингуэй асарларини мутлоа қилиш ёзувчига ижод хазинасининг янги-янги калитларини тутқазди. Ижодкор “Адабиётнинг бош объекти одамдир деган эски ҳақиқат мангуликка дахлдор экан” лигини (“ЎзАС”, 10.04.1992) яна бир қарра англаб етди ва ўз асарларида одамнинг турфа хил табиатини тўлақонли акс эттиришга эришди. Буни аталиши билан ҳам, персонажлар характерининг рангбаранглиги билан ҳам барча ҳикояларига татийдиган “Ўзбек характери” номли ҳикояси исботлайди.

“Мен бир воқеани айтиб берай” деб бошлайди ҳикоячи асарда. У айтиб берган воқеа ҳамда чизган манзаралар ўтган асрнинг 60-йилларида талабаликни бошидан кечирган сурхондарёлик учун ҳам, тошкентлик ёки фарғоналик учун ҳам бирдай таниш ва яқин. Ҳикояда тасвирланган одамлар ундан-да қадрдон. Баён суҳбат асосига қурилган. “Мен” ҳикоячи ўз суҳбатдоши ёзувчига “қадрдон, азизим” дея мурожаат қилади. Бу мурожаатнинг замирида меҳр, камтарлик, самимият, холислик, соддалик, бошқаларга нисбатан чуқур ҳурмат ва яна талай фазилатлар мужассамлашган.

Ҳикояда умуман ўзбек характери қанақа деган саволга жавоб изланади. Ботир чўпон оиласи мисолида “оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилиги” тасвирланса, Ўрмонжон, Азимжон, Мирзағолиблар тимсоли орқали ана шу оддийлик, соддалик ва бағри кенгликни суиистеъмол қиладиган, ўз манфаати йўлида уларни оёқости этишдан ҳам тап тортмайдиган дўлвори ўзбеклар характери ифодаланади. Булар ичида энг мураккаби ҳикоячи Эргашбойнинг ўзидир. У икки қиёфада намоён бўлади: биринчидан, ўзбек характерининг шарҳловчиси; иккинчидан, ўзини ва ўзгаларни кескин муҳокама қилувчи. Шарҳловчи сифатида у ҳикоянинг бошидан охиригача Ботир чўпон, унинг нимжонгина хотини, курсдошлари Ўрмонжон билан Азимжонлар ҳолати, хатти-ҳаракатлари ва руҳиятини холис

туриб тасвирлайди. Айна чоғда ўзини ҳам батафсил таҳлил қилади. Унинг нутқида шафқатсиз муҳокама оҳанги устуворлик қилади. Ҳикоячи “мен” айниқса, ўзини мутлақо аямайди. Бошқаларни-ку, бироз аяб, уларнинг “ўзича ҳақ” эканликларини тан олади, аммо ўзини “бу камбағал оила дастурхони” да игнанинг устида ўтиргандек сезади. Бу феъли мезбонларга нописандлик, ҳурматсизлик бўлиб туюлганидан эзилади. Ўртоқлари ўз қилмишларидан пушаймон бўлганликларини ҳам яширмайди. Аммо бу кейинги пушаймоннинг фойдасидан зарари кўп эди. Ўқувчи уларнинг суҳбатидан кимнинг қандайлигини яхши билиб олади. «Ўзбек характери» “Шарқ юлдузи” журналида босилган “Ҳукумат”, “Ҳайкал” каби ҳикоялар билан бир қаторда 1988 йилнинг энг яхши асарлари деб тан олинган эди.

Шуниси борки, бу ҳикояларни ўқиган одам унда ўзини ҳам кўради, танийди ёки беихтиёр “И-я! Бу фалончи-ку!” дея хитоб қилади. Зеро, адабиёт учун, ана шу адабиётни яратаётган ёзувчи учун ИНСОНдан қизиқарлироқ, қадрлироқ, азизроқ, муҳимроқ ва аксинча, ундан ваҳшийроқ, ёвузроқ, йирткичроқ объект йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Шукур Холмирзаевнинг бутун ижоди давомида яратилган ҳикояларига разм солиб, бу мураккаб муаммони босқичма-босқич янада чуқурроқ, ишонарлироқ очишга интилганини ва бу жараён чинакам санъаткор зиммасига катта масъулият юклашини тўла ҳис этганлигини кўрамыз.

“Сайланма”нинг 3-жилдига Шукур Холмирзаевнинг сўнги ўн йилликда (1996-2005) яратган ҳикоялари киритилган. Бу давр ёзувчининг ҳикоя жанри макроструктурасини ишлашда тубдан янги кашфиётлар ярата олган босқич бўлди дейиш мумкин. Энг аввало, уларнинг мавзу доираси ғоят кенгайди. Истиклол даври одамларининг сурати ва сийрати, бу эврилишлар даврида ўзлигини вақтинча англолмай аросатда қолган шахсларнинг жисмоний ҳамда маънавий оламини параллел равишда тадқиқ этиш адибнинг асосий мақсадига айланди. Бу жиҳатдан адибнинг “Аросат” номли ҳикояси ибратлидир (1993). Ҳикоя чоп этилган “Ватан” газетаси таҳририятининг шарҳида айтилишича, мазкур асарда “ёзувчи ИНСОННИ ТУШУНИШга ҳаракат қилаётганини ва биз ўқувчиларни ҳам ИНСОННИ ТУШУНИШга чорлаётганини англаш унчалик мушкул бўлмайди.” Ҳикояда тасвирланишича,

кечаги ялқов, лоқайд, билимсиз собиқ ўқувчисининг бугун “бизнесмен миллионер” бўлиб етишганини эшитган ўқитувчи Зокир ўрин уни қутлаш учун идорасига боради. Бироқ Хўжамёр Мадийров бу қаттиққўл, инжиқ ва ўзига доимо паст баҳо қўйиб юрган ўқитувчисини нописандлик билан кутиб олади. Домласини табриклагани эмас, ундан бирон нарса тиланиб келган деб ўйлайди. Бундан Зокир ўрин ниҳоятда ранжийди ва уни ўқувчим деб қутлагани келганлигидан афсусланади. Хўжамёрнинг юзига “Тиланчи эмасман, худога шукур. Сени ўқувчим деб... Бемаъни, одобсиз! Одамларга бундай қараш учун киши нақадар тубан бўлиши керак” дейди. Шукур Холмирзаев фикрини давом эттириб, бугунги куннинг аросатда қолган одамлари ҳақида “Аросат даштидан 73 мактуб” номли ҳикоялар туркуми ёзишни ният қилганди (қаранг: “Етмиш уч мактуб”, “ЎЗАС” 7.01.1994).

“Сайланма”нинг 3-жилдидан ўрин олган асарларнинг аксарияти жанр қобигини ёриб чиққан ҳикоялар сифатида таассурот қолдиради. Уларнинг бу хусусиятини нашрга тайёрловчи С. Холмирзаева ҳам алоҳида таъкидлайди: “Дарвоқе, бу тўпلامдан (3-жилд назарда тутиляпти - Й.С.) жой олган ҳикояларнинг деярли учдан бир қисми ҳажм жиҳатидан ҳам, бадийий ниятнинг қўлами жиҳатидан ҳам қисса даражасидадирки, бу ҳол - яъни уларнинг “ҳикоя” деб аталиши - ёзувчининг камтарлигиданми ёки ҳикоя жанрига қўйган талабиданми, балки адибнинг қамрови кенгайиб каттароқ қўлам касб этаётганидандир, ҳарҳолда, бу ҳолни тадқиқ этиш мутахассис олимларнинг вазифасига кирса керак.”

Бу фикрларга қўшилган ҳолда шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, Шукур Холмирзаев ҳикоянавис сифатида бу кичик жанрнинг катта имкониятларини, ўзига хос табиатини ҳам назарий, ҳам амалий томондан пухта билар эди. Унинг учун инсон ҳаётига оид бирон бир воқеани тасвирлаш — у каттами, кичикми, бундан қатъий назар — ўқувчига ҳикоя қилишдир. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи 90-йилларда яратган “Олабўжи” асарини ҳам “романдан катта ҳикоя” деб тақдим этган эди. 2005 йили “Гулистон” журналида давомли босилган “От йили” қиссасини дастлаб ҳикоя деб атаган, кейин унда қўйилган муаммонинг қўлами, гоёвий юк залвори ҳамда ҳажмининг катталигини ҳисобга олиб, журнал ходимларининг

таклифига кўра “қисса” деб эълон қилишга рози бўлган эди.

Адибнинг эътиқодича, ҳақиқий санъаткор ўзи ёзаётган асарининг қайси жанр талабларига жавоб беришини яхши билиши, бунинг учун асардаги ҳар бир элемент устида жиддий ишлаши шарт. Ана шундагина асардан келиб чиқадиган маъно ишонарли ва асосли бўлади. 2-жилдаги “Озодлик”, “Булут тўсган ой”, 3-жилддан ўрин олган “Ўзбек бобо”, “Кузда баҳор ҳавоси” каби ҳикоялари ҳажмига кўра бемалол қисса деб аташга лойиқ. Бошқа бир ёзувчи уларни ҳеч иккиланмай “қисса”, ҳатто “роман” деб ҳам (масалан, “Ўзбек бобо” 192 бетдан иборат) тақдим этарди. Бироқ ёзувчи қалбидаги ҳикоя жанрига бўлган меҳр, унинг қадрини кўтариш, жанр имкониятларини кенгайтириш истаги улар жанрини ўзгартиришга изн бермади. Чиндан ҳам жанр талаблари ва имкониятларидан келиб чиқиб, юқоридаги асарлар макроструктурасига назар ташланса, уларнинг ҳикоя деб аталиши тўғри эканлиги аён бўлади. Бинобарин, бу асарлар зиммасига юкланган гоё, қатнашчилар миқдори, замон ва макон қамрови нуқтаи назардан ёндашиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

“Озодлик” ҳикояси дастлаб “Ватан” газетаси саҳифаларида эълон қилинган (1994 йил) ва ижобий маънодаги жиддий шов-шувларга сабаб бўлганди. Боиси, бу ҳикоя истиқлол мавзусини, уни одамлар қандай қабул қилаётганлиги ҳолатини дадил кўтариб чиққан илк насрий асарлардан бири эди. Дарҳақиқат, унда турли тоифа ва қарашларга мансуб тўрт кишининг бир даврада бир неча соат ичида бўлиб ўтган суҳбати орқали жиддий ҳаётий муаммолар илгари сурилади. Ҳикоянинг асосий қаҳрамони Мансур “туремшик”, тухмат билан қотилликда айбланиб, бир неча йил қамоқда ётиб чиққан. У озодликнинг қадрига олий маълумотли мусиқа ўқитувчиси Шотўра, директор ўринбосари Абулқосим ва почта қоровули “қария чол”дан кўра кўпроқ етади. Қисқа фурсатда у даврадагиларнинг ҳамма нарсани тушунсалар ҳам “тили бошқа, дили бошқа одамлар” эканлигини билиб олади. Чиндан ҳам ёзувчи ортиқча изоҳларсиз персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари, айниқса, нутқи орқали ҳар бирининг авра-астарини ағдариб кўрсатади. Булар орасида Шотўра муаллим алоҳида тип саналади. У озодликни

мутлақо ҳис қилмайди, унинг қадрига етмайди. Шотўра учун табиат кўйнида унга қирон келтириб бўлса ҳам бир неча соатлик маишат қилиш энг зўр ва қутилган “озодлик”дир. Боз устига Шотўра муаллим ниҳоятда маккор, ён-веридагиларни назар-писанд қилмайдиган, ҳамма нарсани, ҳатто мустақилликни ҳам масхаралаб гапирадиган, Мансурнинг таъбири билан айтганда, ўта “противный одам”дир. Шунинг учун ҳам муаллиф қаҳрамони Мансур воситасида унинг юзига тупуради, ҳаёлан жағига муштлаб “оғзи-бурнини қонга тўлдирди”.

“Ўзбек бобо” эса масаланинг кўйилиши, қаҳрамонлар қамрови ва ранг-баранглиги, замон ва макон омилининг кенглиги, аниқлиги жиҳатидан қисса жанри талабларига жавоб бера олади. Асарнинг асосий қаҳрамони Амирқул полвон ўзида “қўсроқ бўлса-да, бағри кенг ўзбек”нинг тимсолини мужассамлаштирган. У чинакам меҳнаткаш, айтган гапининг уддасидан чиқа оладиган одам.

Асарга ҳадисдан “Бир кунинг қолса ҳам дарахт эк” ибораси эпиграф қилиб олинган. Амирқул ота шу қоидага қатъий амал қиладиган киши. Гарчи у бутун умри давомида кушхонада қассоблик билан шуғулланган бўлса-да, ҳовлисида катта боғ барпо қилган. Бунга ҳам қаноат қилмай, эроний бизнесменнинг қишлоқдаги боғини сотиб олган. Бу боғ-ҳовлини катта ўғли Шокирга асраб кўйган. Шаҳарда ўқиб, ишлаб қолган ўғлининг бир кунмас-бир куни қишлоғига қайтишига ишонади. Унгача боғнинг қаровсиз қолмаслиги, бу ердаги уйнинг одамсиз нураб кетмаслигини кўзлаб, илтимосига кўра ўғлининг қадрдон дўсти Қисматиллога бериб туради.

Бироқ кўпгина фазилатларига қарамай, қисса даражасидаги бу ҳикоя баъзи етишмовчиликлардан ҳам холи эмас. Аввало, унда адиб оталар ва болалар (Амирқул полвон+Шокир+Қаюм; Эмин оқсоқол+Эртой; Қисматилло+Сиррибойлар ўртасида), табиатга меҳр, уни асраш (нашвати кўчати ва боғ мисолида), мустақилликка муносабат, бозор иқтисодиёти даврида одамларнинг турмуш тарзи, 20-йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатига қараш, диний эътиқод ва қадриятлар, кадрлар масаласи, хуллас, яна бир қанча муаммоларни ўртага ташлайди. Худди “Озодлик” ҳикоясидаги сингари бунда ҳам уларнинг биронтаси изчил давом этмайди ёки охиригача ҳал этилмайди. Ҳикояда

йўл-йўлакай турли персонажлар тилидан ўртага ташланган турли муаммолар кўп ўтмай ёддан кўтарилади. Биронтаси ҳам етакчи муаммо тарзида марказга чиқарилмайди. Бу эса мазкур асарнинг жиддий камчилигидир.

Тўғри, табиатни асраш масаласи Амирқул полвон характери билан боғлиқ равишда баённинг бошидан охиригача эсланиб туради. Ҳатто нашвати ниҳолини молига едириб кўйгани учун Қисматилло полвон отадан калтак ҳам ейди. Аммо бошқа персонажлар бу муаммодан хийла четда турадилар.

Иккинчидан, адиб персонажларини индивидуаллаштиришга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, улардан айримларининг ташқи кўриниши ва жисмоний қиёфасига зид хатти-ҳаракатларини, қилиқларини тасвирлай бошлайди. Натижада уларнинг ўзига ҳослигига соя тушади. Энг ёмони, персонажларнинг аксарияти бир хил кулади ва гапиради. Бу эса характер индивидуаллигига путур етказди. Масалан, Эмин оқсоқол муаллиф томонидан тасвирланган характер чизгиларига қарама-қарши ўлароқ, доим “хиринглаб кулади.” Ўғли Эртой эса “отасидек қих-қихлаб”, гоҳида “қий-қийлаб” кулади (ваҳоланки, отаси “хиринглаб куларди”!). Комилжон пиқиллаб, Стрелок қаҳ-қаҳлаб куладилар. Агар Қисматилло кўпинча “бақириб”, “чийиллаб” гапирса, унинг хотини доимо “шанғиллайди”. Эртой, Қаюм кабилар ножоиз, ноқулай жойларда ҳам “бақиради” ёки “шовқин солади”лар ва ҳақозо.

Ҳикоя ҳамда қисса жанрларининг табиатини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яхши билган, қадрига етган, уларнинг имкониятларини чуқур ҳис қилган адиб Шукур Холмирзаев очерк талабларига жавоб берадиган асарини ҳикоя деб тақдим этиши ҳам ўқувчини ажаблантиради. Гап шундаки, “Сайланма”нинг 2-жилдидан Одил Ёқубовга бағишланган “Ёзувчи” номли ҳикоя ўрин олган. 40 бетдан иборат бу асарда муаллифнинг таклифига кўра Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг Сурхон воҳасига қилган сафари, бу ерда кўрган-кечирганлари, одамлар билан муомала-муносабатлари, кўрсатган “қаромат”лари — барчаси тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади ва муаллиф ҳеч нарсани сир тутмайди. Буларнинг ҳаммаси ишонарли ва ҳақиқатни ифодалаган дейиш мумкин. Бироқ ҳаётда рўй берган ҳар қандай майда-чуйда ҳодисаларни ҳам баёнга киритавериш

бадий асарнинг қимматини ошира-вермайди. Бунинг устига ҳаётда мавжуд бўлган одам билан рўй берган аниқ воқеаларни тасвирлаш ҳикоя жанрининг вазифасига кирмайди. Унда бадий тўқима, муаллифнинг илгари сурмоқчи бўлган ғоявий фикри биринчи ўринга чиқиши лозим.

Жанрларга шу қонун-қоидалар асосида ёндашиладиган бўлса, бу асар ҳикоя эмас, очерк ёки эссе бўла олади. Зеро, Шукур Холмирзаевнинг ўзи айтганидек, очерк жанрида ҳам худди ҳикоядагидек, “маълум бир воқеа - инсон қисматининг бир бўлаги қаламга олинади-ю, аммо ҳикоядан фарқли ўлароқ, очеркда мавжуд - бор одам қаламга олинади. Шу боис муаллифнинг ўша одамга — қаҳрамонга муносабати очиқ-ойдин бўртиб туради” (қаранг: “ЎзАС”, 18.04.2003). Бундан ташқари очеркда

кишининг ижобий хислатларини бўрттириброқ тасвирлаш талаб этилади. “Ёзувчи” асари айнан шундай таассурот қолдиради.

Истеъдодли ҳикоянавис Шукур Холмирзаевнинг 3 томлик “Сайланма”си унинг саноаткорлик маҳорати ва табиийки, баъзи камчиликларини ҳам холисона баҳолашга имкон беради. Умид қиламанки, менинг юқоридаги айрим мулоҳазаларим Шукур Холмирзаев қаламига мансуб улкан мероснинг қадр-қимматини мутлақо туширмайди. Аксинча, унинг ҳам бошқа тенгдошлари қатори ўсиш, ўрганиш, камолот сари интилиш жараёнини мунтазам бошидан кечирганлигини кўрсатади. Уч жилдлик “Сайланма” эса ҳақиқатан ҳам умумўзбек адабиётининг ҳеч қачон эскирмайдиган ва қадрини йўқотмайдиган қимматли ҳазинаси бўлиб қолади.

*Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори.*



Турк ёзувчисига Нобел мукофоти

Бу йил адабиёт соҳасидаги Нобел мукофотига икки ижодкорнинг номзоди киритилган эди. Бири Адонис тахаллуси билан танилган суриялик шоир Али Аҳмад Саид, иккинчиси турк ёзувчиси Ўрхон Памуқ. Яқин-яқинларгача кўпчилик совриндорлик Адонисга насиб қилади, деган фикрда эди. Аммо Швеция Академияси 2006 йил 12 октябр соат 14.00 да Оммавий ахборот воситаларига расмий баёнот бериб, 2006 йилги Адабиёт мукофоти «Тутилган шаҳри ҳазинлик руҳининг изларини кузатиб, маданиятларнинг бир-бири билан уланиши ва боғланиши учун янги рамзлар тошган» Ўрхон Памуққа берилганини билдирди.

Ўрхон Памуқ 1952 йил 7 июнда Истанбулда дунёга келди. Отаси Гундуз Памуқ IBM фирмасининг Туркия бўлими мудири. Онаси Шакура Хоним машҳур Иброҳим Пошо авлодларидандир.

Ўрхон Памуқ Истанбулда улғайди. Узоқ йиллар рассом бўлиш орзусида Роберт коллежида ўқиди. Кейин Истанбул Техника университетида таҳсил олди. Аммо рассом ҳам, меймор ҳам бўлолмастлигига ишонч ҳосил қилгач, Истанбул университетининг Журналистика институтига кириб ўқишни давом эттирди.

Ўрхон Памуқ 1974 йилдан бадиий ижод билан шуғулланади. 1979 йилда «Қоронғилик ва нур» номли илк романи босилди. Миллий роман конкурсида Меҳмет Эрўели билан бирга биринчи ўринни бўлишиб олдилар. Ўрхон Памуқ романи қайта ишлаб «Жавдат Бей ва ўғиллари» номи билан 1982 йилда чоп эттирди. Бу сафар китоб Ўрхон Камол мукофотига лойиқ деб топилди. 1984 йилда нашр этилган иккинчи романи

«Сассиз уй» Модерн романи мукофотини олди. Унинг французча таржимаси Франция мукофотига сазовор бўлди. 1990 йилда босилган «Оқ қалъа» номли тарихий романи 1991 йилда инглизчага таржима қилинди ва АҚШда ҳам мукофотга сазовор бўлди. 2002 йилда чоп этилган «Қор» романи Туркиянинг этник ва сиёсий масалаларини тадқиқ этган сиёсий асар сифатида шухрат қозонди ва 2004 йилда Америкада нашр этилди. Шу йили бу асар «Йилнинг энг яхши 10 китобидан бири» сифатида тан олинди.

Йиллар ўтган сайин Ўрхон Памуқнинг чет эллардаги шухрати орта борди. Чунончи, унинг «Менинг отим қирмизи» романи 24 тилга таржима қилинди ва 2003 йилда Ирландияда халқаро мукофотни қўлга киритди.

Хуллас, Ўрхон Памуқ ҳозир турк тилида 10 китоб муаллифи бўлса, ундан олтитаси инглизчага, олтигаси французчага, олтитаси немисчага таржима қилингандир. У миллий халқаро мукофотларни жамлаганда 11 марта адабий мукофотга сазовор бўлган.

Ўрхон Памуқнинг романлари постмодерн романи сифатида баҳоланмоқда.

Ўрхон Памуқ романчиликдан ташқари киносценарийлар, публицистик мақолалар ва хотиралар муаллифи ҳамдир. Унинг мақолалари ва суҳбатлари ҳамда бир ҳикоясидан ташкил топган «Бошқа ранглар» китоби (1999) ҳамда режиссёр Умар Қовур томонидан суратга олинган «Яширин юз» номли фильм сценарийси (1992) ҳам бор. Бу сценарий «Қора китоб» романидаги бир бўлим асосида яратилган. Шу йили Анталида бўлиб ўтган «Олтин

пўртахол» фильмлар фестивалида «Яширин юз» фильмининг сценарийси ҳам мукофот билан тақдирланди.

Ўрхон Памуқнинг «Истанбул. Хотиралар ва шаҳар» деб номланган кейинги китоби Истанбулда 2003 йилда нашр этилган.

Ўрхон Памуқ романчилик билан бирга инсон ҳуқуқлари, фикр эркинлиги, демократия каби долзарб мавзулардаги фикрларини мақолалар ва суҳбатлар йўли билан оммалаштириб келмоқда.

Мирализ АБЗАМ.

Ўзбек латифалари олмон тилида

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бойликларини жаҳонга танитиш, унинг кулги хазинасидан чет элликларни ҳам баҳраманд этиш ишида республикамиз олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу борада таниқли таржимон, адиб ва олмон тилининг билимдони Йўлдош Парда олиб бораётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. У ўзбек халқ латифаларининг энг сараларидан жамлаб, олмон тилига ўринлатиб таржима қилишни ҳам уддасидан чиқмоқда. Бунга «Ўзбекистон» нашриётида 1995 йилда кўп минглик адабда олмон тилида чоп этилган «*Wer die Maus unter dem Arm kitzelt*» (Ким сичқон қўлтигини қитиқлади?) номли китоб ёрқин мисол бўла олади. Китоб жуда бежирим. Айниқса, мусаввир А.Мамажоновнинг ўзбек латифаларига ишлаган қизиқарли расмлари унинг эстетик савиясини оширишга хизмат қилган. Таржимон ҳар бир латифа таржимаси билан жиддий шуғулланганлиги кўриниб турибди. Таржима игна билан қудуқ қазиш даражасидаги иш. Таржима учун ҳар бир адабиётда ўзига хос эҳтиёж ҳам бўлиши керак. Аслида олмонларда латифа жанри йўқ. Аммо шунга яқин бўлган *der Witz* (ҳазил), *der Anekdote* (анекдот) каби юмористик жанрлар мавжуд. Олмон тилининг изоҳли луғатида *der Witz* (ҳазил)га қуйидагича тавсиф берилади: «Дер Витц (ҳазил) — 1. Охири кутилмаган қизиқарли натижа билан тугайдиган кичик ҳикоя. 2. Сўзлашув давомида нутқда қўлланиладиган айрим киноявий иборалар ва гаплар.

3. Асли ҳаётда бўлмаган, аммо муайян мақсадда ишлатиладиган образли ҳикоялар. Масалан: Бу ҳақиқат эмас, бу бир ҳазил, холос». Анекдот сўзи эса қуйидагича изоҳланади: «Анекдоте — машҳур кишилар ҳаёти тўғрисида кулгили, қисқа шаклдаги ҳикоя».

Таржимон бир пайтнинг ўзидики икки тил, икки адабиёт билан иш кўради. Агар аслиятдаги асар матни эмоционал бўёқларга эга бўлмаган оддий сўзлардан иборат бўлса, уни таржима қилиш осон. Аксинча, миллий бўёқлари кучли, бунинг устига сатира ва юмор руҳи билан суғорилган асарлар таржимаси катта маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Одамларни кулдириш қийин. Унинг натижаси эса икки ҳисса мушкул. Ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда Йўлдош Парда таҳсинга лойиқ ютуқларга эришган. Шунга қарамай, мазкур таржиманинг қадрини туширмайдиган, аммо келажакда эътибор қилиниши лозим бўлган айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз.

Афанди латифаларида чопон фаол қўлланиладиган деталардан бири Ўзбек халқ латифаларида чопон воситасида кўплаб кулгили ҳолатлар яратилади. Бизнинг халқимиз чопон нималигини яхши тушунади. Аммо, ушбу ўзбекнинг чопонини олмон ўқувчисига қандай етказиш керак? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Чопон — устки узун ўзбек миллий кийими; тўн.» — тарзида изоҳланади. Таржимон ушбу сўзни олмон тилига *der Steppmantel* (қавилган пальто) деб ўтирган. Чопоннинг қавилганлиги тўғри. Аммо, уни таржимада пальто деб

берилганлигига қўшилиш қийин. Бу ўринда транскрипция йўли билан Tschapan — деб бериб, мазкур кийим хусусиятлари махсус изоҳланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айрим ўринларда таржимон Йўлдош Парда ушбу тамойилдан фойдаланган ҳам. Жумладан, мусулмонларда шариат қонунчилиги билан шугулланадиган «қози»ни транскрипция воситасида Kadī тарзида ўгириб, қавс ичида (der religioese Richter) яъни, дин ишлари бўйича ҳакам, — деб тавсифлайди. Шунингдек, Tandyг — ein Ofen, wo man Fladen backt (яъни, тандир, бу ясси шаклдаги нон ёпиладиган бир печка) тарзида изоҳланиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бундай таржимадан ўқувчи бошқа тилга хос сўз маъносини аниқроқ билиб олиши мумкин. Бироқ таржимон аслиятдаги ана шундай кўп сўзларнинг транскрипциясини бериш билан бирга уларга махсус изоҳ бермай кетган ўринлар ҳам анчагина учраб туради. Жумладан, ўзбек латифаларидаги домла сўзи олмон тили алифбоси

асосида транскрипция қилинганига қарамай, унга изоҳ берилмаган. Ваҳоланки, бу сўз ҳозирги замон ўзбек тили изоҳли лугатида тавсифланишича: 1. Домулла. 2. Ҳар қандай илмли кишига ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли, маъноларини ифодалайди. Худди шунга ўхшаш ўзбек палови der Braeutigamsplov, der Plov, ёки ҳур-париларни Huri, тақсир сўзини фақат транскрипция қилиб Taksyг тарзда берилиши ҳам ўзини оқламайди.

Умуман, ўзбек латифаларининг олмон тилида нашр қилинишини мустақил республикамиз халқи маънавий қадриятларини умумжаҳон саҳнига олиб чиқиш йўлида амалга оширилган муносиб иш сифатида баҳоланиши лозим. Мазкур нашр олмон тилли ўқувчилар билан бирга олмон тилини ўрганиш истагида бўлган республикамиз талабаларига ҳам ўзига хос амалий қўлланма вазифасини бажаради. Улардан махсус ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш лозим.

*Диррабо АБДУРАҲМОНОВА,
Наманган Давлат
университетининг
катта ўқитувчиси.
Раҳима ЖУРАЕВА,
шу университет олмон тили
ўқитувчиси.*



АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

Журналимизнинг кейинги сонларида
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

ДИМФНА КЬЮСАК (Австралия). **Ўлимнинг оти ўчсин.** *Роман.*

ХИЛАРИ НГВЕНА (Кения). **Преториялик кишилар.** *Қисса.*

АББАТ ПРЕВО (Франция). **Юнон қизининг қисмати** *Роман.*

ЮСУФ АС-СИБОЙЙ (Миср). **Мунофиқлар юрти.** *Роман.*

КАРЕЛ ЧАПЕК (Чехия). **Ҳикоялар.**

ЖЕК ЛОНДОН (АҚШ). **Смок Беллью.** *Қисса.*

МАКСИМ ГОБКИЙ (Россия). **Сўнгилар.** *Драма.*

МО МО ИНЬЯ (Бирма). **Йўқолган сўқмоқ.** *Қисса.*

ГЕОРГИЙ ДАНЕЛИЯ (Грузия). **Чипгасиз йўловчи.** *Бадиа.*

Булардан ташқари Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

Муҳтарам мунгарийлар!

«Жаҳон адабиёти» журнаliga обуна бўлишни унутманг!

Индекс:

Якка тартибда — 828.

Ташкилотлар учун — 829.